ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ КУТУБХОНАСИ

АЛЕКСАНДР БЕЛЯЕВ

АМФИБИЯ ОДАМ
ЖАҲОНГИР
КЭЦ ЮЛДУЗИ

ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ КУТУБХОНАСИ

17201

АЛЕКСАНДР БЕЛЯЕВ

АМФИБИЯ ОДАМ

ЖАҲОНГИР

КЭЦ ЮЛДУЗИ

ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК РОМАНЛАР

ПРО1

TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI
№ 24862
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

ХАЛҚА МАКТАБ ХИЗМАТ
ХОДИМЛАРИ УЧУН
АХБОРОТ-РЕСУРС
МАРКАЗИ
17201

Х4

Р2
Б51

Редколлегия:

Ҳаким Назир (редколлегия раҳбари)
Анвар Обиджон
Фарҳод Мусажонов
Қуддус Муҳаммадий
Раим Фарҳодий
Пўлат Мўмин
Эргаш Раимов
Худойберди Тўхтабоев
Носир Фозилов

Русчадан
НИЗОМ КОМИЛОВ
таржимаси

4803010201—143
Б ——————— Доп.—89
М 352 (04)—89

ISBN 5-635-00320-6

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й. (тарж.)
© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й. (тарж.) қайта нашр.

БАДИИЙ ФАНТАСТИКА СЕҲРГАРИ

Нима учун одам қушлардай эркин учолмайди, балиқлардай тоза сувларда яйраб сузолмайди? Инсон ақл-заковати ҳар қанча қудратли бўлса ҳам барибир у лочин, бургутларга, уммонлар тубидаги мавжудотларга ҳавас билан қарайди. Осмонда учиш ва сув остида яшаш қўлидан келмагач, баъзи одамлар яширин ҳасад билан ёхуд очкўзлиги, олчоқлиги туфайли, сувда ва ҳавода яйраб юрган ўзидай тирик мавжудотларни овлаб қира бошлайди.

Ер юзидаги одамларнинг қитмирлигидан, олчоқлигидан безган даҳо олим доктор Сальватор оғир касал бўлиб, яшаши қийин бўлиб қолган бемор устида нозик ва мураккаб операция ўтказиб, унинг ўпкасига жабра улайди ва уни... балиққа айлантиради. Ихтиандр энди сувда яшовчи, гоҳо қуруқликка чиқувчи амфибия одамга айланади. Бу жаҳоншумул кашфиёт қандай оқибатларга олиб келишини сиз Александр Беляевнинг машҳур «Амфибия одам» асаридан билиб оласиз. Биз эса фақат айрим сирли ҳодисаларни эслатиб ўтамиз, холос. Буэнос-Айрес соҳилларида, Ла-Плата кўрфазида Денгиз иблиси бор экан, деган хабар одамларни саросимага солиб қўяди. Аллақайси балиқчининг қайиғини иблис чўктириб юборибди, бошқа бировнинг турини кесиб, ғуж-ғуж балиқларни сувга қўйиб юборибди, кимнидир чўкаётганида ўз елкасига олиб, соҳилга чиқариб қўйибди, деган миш-мишлар тарқалади. Баъзи олимлар денгиз қаърида одамдай ақлли иш қилувчи денгиз махлуқи йўқ, дейишса, бошқалари немис табиатшуноси Конрад Гесснер китобига суяниб, сув қизи, сув иблиси борлигини айтишарди.

Кейинроқ юз берган яна бир сирли ҳодиса ҳаммани гангитиб қўяди. Марварид изловчилардан бирига йиртқич акула ҳужум қилаётганида Денгиз иблиси ханжари билан уни ўлдириб, одамни қутқариб қолибди. «Медуза» кемасининг палубасида ҳамма тўпланиб, бу гапларга ишониб-ишонмай туришганида денгиз қаъридан чиққан, дельфинни от қилиб миниб олган махлуқни кўриб қолишади. Денгиз иблисининг испанча қичқиргани эса одамларни баттар довдиратиб қўяди...

Ёзувчи мана шундай сирли ҳодисаларни шу қадар равшан ва жонли тасвирлайдики, асарни ўқиётганлар ҳам марварид изловчиларга ўхшаб, ҳангу манг бўлиб қолишади.

Ажойиб-ғаройиб ҳайвонлар яшайдиган сирли боғ тасвири ҳам яшноқлиги билан сизни мафтун этади. Бу боғда икки бошли илонлар, ярми от, ярми сигир, ярми ит, ярми маймун ва ҳоказо ғаройиб ҳайвонлар яшайди. Даҳо олим доктор Сальватор илм-фан мўъжизаларини яратиб, инсониятга хизмат қилмоқчи. Лекин...

Буюк француз фантасти Жюль Верн анъаналарини давом эттирган романтик ёзувчи Александр Беляев жамият ҳаётидаги зиддиятлар, мураккабликларни тасвирлашда ундан ўзиб, илгарилаб кетади. Адиб истеъдодли олимларнинг эзгу ниятлари туфайли туғилган кашфиётлардан разил одамлар пул, мол-дунё орттириш учун фойдаланишини, бу йўлдаги аччиқ ҳақиқатларни, фожеий ишларни яширмай кўрсатади. Марварид изловчиларнинг бошлиғи Педро Зурита одамбалиқ — Денгиз иблисини тутиб, текинга ишлатишни кўзлайди: «Агар махлуқни тутиб олиб, қўлга ўргатиб, марварид излашга мажбур қилсам-чи! Сувда яшовчи бу қурбақа бир артел овчиларнинг ўрнини босиши мумкин. Фойдасини айтмайсизми? Ҳар бир овчига топган марвариди ҳақининг чорак қисмини бериш керак. Ҳалиги қурбақа эса текинга ишлайверади. Бунақада тез орада юз минг, миллион пезет ишлаш мумкин!»

Педро Зуритага ўхшаган олчоқлар учун табиат мўъжизалари ҳам, илм-фан кашфиётлари ҳам қадрсиз. Улар ғаройиб табиат ҳодисаларидан ҳайратланиш, завқланиш ўрнига фақат шахсий фойда ундиришни ўйлашади. Ўзининг худбин манфаатлари йўлида ҳар қандай жиноятлардан ҳам қайтмайди.

Профессор Доуэль фалокатга учраган ёки оғир касаллик туфайли ўлимга маҳкум одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида уларнинг танасидаги яроқсиз аъзоларни янгисига алмаштириш, биридан иккинчисига кўчириб ўтказиш — трансплантация соҳасида буюк кашфиётларга эришади. У мураккаб тажрибалар ёрдамида танасиз ҳайвонлар бошини тирилтиради. Профессор Доуэль қобилиятли шогирди-ассистенти Кернга бор билимларини ўргатади. Касали оғирлашганида эса, ўз жасадини илм-фан йўлида фойдаланишни васият қилади. Ассистент Кернда эса буюк кашфиёт қилиш учун доҳиёна истеъдод йўқ. Озми-кўпми қобилияти билан узоққа бориш қийин. Одатда талантсиз одамларнинг кўпчилиги бошқаларнинг ютуқларига ҳасад қилади. Ҳасад эса ёвузликни туғдиради. Керн ҳам озми-кўпми қобилиятини ишга солиб, махсус тўйимли қон тўлдирилган эритма ёрдамида, ўлган устозининг бошини тирилтиради. У, профессор Доуэлнинг оғир аҳволидан фойдаланиб, унинг кашфиётларини ёвузлик билан ўзлаштира бошлайди. Бу ўғирликни бутун дунёдан яшириб, сир сақлайди.

«Профессор Доуэлнинг боши» романини болалигимизда қайта-қайта ҳаяжон билан ўқир эканмиз, Александр Беляевнинг ўзи ҳам ёшлигида оғир касал бўлиб, қўл-оёқлари ишламай қолганида танасизлик фожеасини қандай ҳис этганлигини билмас эдик. Дарвоқе, «Совет Жюль Верни» деб шуҳрат қозонган Александр Беляевнинг ҳаёти қаҳрамонлари ҳаётидай, ёрқин воқеаларга бой, ранг-баранг ва ибратлидир.

Александр Романович Беляев 1884 йилнинг 4 (16) мартида Смоленскда, руҳоний оиласида туғилди. Ёзувчининг қизи кейинчалик бундай хотирлайди: «Саша саргузашт асарларни ўқишга ишқибоз эди. Ана шунақа асарларни кўп ўқиганидан, ўзи ҳам қандайдир ихтиролар қилишга, ёвузларга қарши курашишга, кимларнидир қутқаришга ташна бўлиб юрарди. Лекин у яшаган шаҳарда сирли воқеалар йўқлигидан, уларни излашга тушарди».

Отаси Сашани диний семинарийга ўқишга берди. Бўлғуси адиб 17 ёшида ана шу семинарийда ўқишни тугатди. Эҳтимол, унинг энг яхши асарларида турли диний-фалсафий тушунчалар, руҳий изланишлар теран очилишида ана шу мактабда олган билимларининг таъсири бордир? У мактабни битиргач, яна бадиий адабиётга, тасвирий санъатга, музика, театрга қизиқиб кетди. Ҳаваскорлик спектаклларида актёр бўлиб, роль ўйнади. Фотографияни ўрганди. Таҳсилни давом эттириш учун Ярославлдаги ҳуқуқшунослик лицейига, айни вақтда консерваториянинг скрипка-ғижжак синфига ўқишга кирди. Таниқли адабиётшунос М. А. Соколова ёзишича, ёш Александр Беляев ўқишга пул жамғариш учун цирк оркестрида скрипкачи, театрда декоратор бўлиб ишлаган. Журналистика билан шуғулланган. Беш йилдан сўнг Саша ҳуқуқшунослик лицейини тугатгач, Смоленскга қайтиб келиб, суд маҳкамасида ишлай бошлади. «Смоленский вестник» газетасига музика ва театр ҳақида мақола, тақризлар билан қатнашиб турди. Етти йил ишлаб, зарур миқдорда маблағ тўплагач, 1913 йилда Беляев хорижга саёҳатга кетди. Италия, Франция, Швейцарияни кезди, Байрон ва Шелли каби даҳо шоирлар, Брюллов ва Иванов каби буюк рассомлар қадами етган ҳушманзара жойларни кўрди. У Италияда Взувий вулқони кратерига чиқди, Помпея шаҳри харобаларини кезди, Венецияда гондола-қайиқларда сузди, Марселда машҳур Александр Дюманинг қаҳрамони — граф Монте-Кристо қамалган Иф қасрини, Римда меъморчилик, ҳайкалтарошлик, мусаввирликнинг дурдона ёдгорликларини томоша қилди. Бу саёҳатлар унинг асарларига ҳаётбахш таъсир кўрсатди.

Александр Беляев хориждан қайтиб келгач, «Смоленский вестник» газетасида муҳаррир бўлиб ишлай бошлади. Айни вақтда театрда ҳам қатнашди, скрипкачи ва фортепианочи бўлди. Адиб Смоленск симфоник жамияти, Глинка музика тўгараги, Нафис санъатлар жамияти аъзоси бўлиб, шу ишлар юзасидан Москвага борган вақтларида Совет театр санъати асосчиларидан бири К. С. Станиславский билан учрашди. У бўлғуси адибнинг санъатга ўзини бағишлашини тилаган эди.

Аммо тез орада Александр Беляев оғир касалга йўлиқди. Суяк силига учраб, олти йил тўшакдан турмай ётди. Ирода қудрати билангина у, оғир касаллигига қарамай, чет тилларни, медицина, биология, тарихни, фан-техника янгиликларини ўргана бошлади. «Айтишим мумкинки, «Профессор Доуэлнинг боши» романи маълум маънода... автобиографик асардир,—деб эслайди адиб кейинчалик.— Уч ярим йил гипсланиб, оғир касал бўлиб ётганимда танамнинг ярмиси шол

бўлиб қолди. Қўлимни қимирлатсам-да, танам ҳаракатсиз бўлиб, фақат бошим, миямни ишлатардим, холос...»

Александр Беляев лирик романтик тасвирлари билан француз фантасти Жюль Вернга, ҳаёт фалсафаларини чуқур акс эттириш билан инглиз фантасти Герберт Уэллсга яқин туради. «Амфибия одам»ни ўқиганимизда Уэллснинг «Доктор Моро ороли» романидаги даҳшатлар ёдимизга тушади. Лекин, албатта, бу ерда сюжет ўхшашлиги ҳақида эмас, балки Беляевнинг бадиий истеъдод жиҳатдан икки улуғ санъаткорга яқинлиги ҳақида гап бормоқда. Дарвоқе, Александр Беляев 1934 йилда Ленинградда Герберт Уэллс билан учрашган, инглиз фантасти «Амфибия одам» ва «Профессор Доуэлнинг боши»га юксак баҳо берган эди.

Александр Беляев космонавтика асосчиси К. Э. Циолковский билан деярли бир вақтда космик учишлар илмий гипотезасини илгари сурди. Ернинг сунъий йўлдошлари илк бор Циолковский ва Беляев асарларида илмий жиҳатдан ишлаб чиқилди, десак янглишмаймиз. «КЭЦ юлдузи» романида секундига 8 км тезликда учувчи ракета Ернинг сунъий йўлдошига айланади. Сунъий йўлдошлар ёрдамида сайёраларо станциялар қуриш ғояси ҳам К. Э. Циолковский, Цандер ва Александр Беляев асарлари саҳифаларидан кейинчалик ҳаётга кўчиб ўтди. Бадиий ва илмий фантастика изидан АҚШ, [redacted] ва бошқа давлатларнинг фазогирлари космик кемаларда учиб, само сирларини ўрганишга киришдилар. «КЭЦ юлдузи» романида фазогирлар оралиқ станциядан Ойга учиб ўтадилар ва унинг сатҳини ўргана бошлайдилар. Александр Беляевнинг уч томли асарларига муқаддима ёзган олим Б. Ляпунов айтишича, адиб парвоз ҳақидаги илмий муаммолар юзасидан К. Э. Циолковский билан хат ёзишиб турган. Космонавтика асосчиси, Беляевнинг асарларини ўқиб, кўпчилик илмий ғояларини маъқуллаган. У Беляевнинг «Йўқликка парвоз» романига сўзбоши ёзиб, асарга юксак баҳо берган эди. Бу асарда ерликларнинг Тонг юлдузи — Венера — Зуҳра сайёрасига саёҳати тасвирланади. Асарда Ернинг миллион, миллиард йиллар илгариги ҳолати — Зуҳрада энди бошлангаки, у ердаги яшноқ ўрмонлар, гигант ҳайвонлар, баҳайбат қушлар, ҳашаротлар, ғаройиб махлуқлар тасвирланади. Б. Ляпунов айтганидек, Беляевнинг бу романи бадиий ёрқинлиги жиҳатидан инглиз адиби Артур Конан-Дойлнинг «Йўқолган дунё» асаридан қолишмайди.

Александр Беляев ижоди Москвада ва Ленинградда чиқадиган «Вокруг света» («Дунё бўйлаб»), шунингдек, «Всемирный следопыт» («Бутун дунё изтопари») журналлари билан боғлиқдир. Адибнинг «Профессор Доуэлнинг боши», «Амфибия одам», «Чўккан кемалар ороли», «Атлантиканинг сўнгги одами», «Ҳаво савдогари», «Сувости деҳқонлари» асарлари илк бор худди шу журналларда олам юзини кўрди. Бадиий савияси турлича бўлган бу асарларда кўтарилган илмий проблемалар кўп минглаб орзумандларни ҳаяжонлантирди.

«КЭЦ юлдузи» романида Ой манзараларидан ташқари фавқулодда саргузаштларни кўрмаймиз. Асар қаҳрамонлари Тошкент, Андижон, Ўш орқали Помир-Олой тоғларидаги КЭЦ шаҳарчасига бориб, космик парвозларда қатнашадилар. Қаҳрамонлар Ойга қадам қўйгач, бундай манзараларга дуч келадилар: «Худди камалакдай товланувчи сеҳрли шарқ гилами дейсиз. У ер-бу ерда қордай оппоқ тизмалар, пуштиранг харсанглар кўзга ташланади... Тоғ биллурларига қараб бўлмайди, кўзнинг нурини олади. Еқутлар қон томчиларидай осилиб турибди. Тўқ сариқ гиацинтлар, қип-қизил пиронлар, қора метанитлар, бинафшаранг альмандинлар яшнаб турган гулзорни эслатади. Кўк ёқут, зумрад ва аметистлар уюм-уюм бўлиб ётибди... Қаердандир, қоянинг ўткир қиррасидан бир тутам нур ёғиляпти. Фақат олмосларгина шундай нур таратиши мумкин... Қимматбаҳо тошлар худди ранг-баранг шабнамдай, қоялар, чўққиларда тўшалиб ётарди...»

«КЭЦ юлдузи» романида Ойнинг ўтмиши ва келажаги ҳақидаги фикрлар ҳам ҳайратлантиради ўқувчини. Беляев ёзишича, Ойнинг кўринмас тарафида жуда катта, гигант жарлик бор — шу туфайли у ярим шар шаклини йўқотган. Бундан шундай хулоса келиб чиқади — Ой ҳар доим оғир тарафи билан ерга қараб туради. Келгусида Ойнинг парчаланиши давом этиб, Ер атрофида кичикроқ табиий йўлдошлардан иборат ҳалқа ҳосил бўлиши мумкин. Асар қаҳрамонлари Артемьев, Соколовский, Тюринлар юксак ғоявий кишилар қилиб кўрсатилади — улар Ойдаги олмос, жавоҳирларга бебаҳо хазина сифатида қарашмайди, кўмирни синдиргандай олмосларни ҳам синдириб кўришади. Ўттизинчи йил-

лардаги совет кишиларининг фидоийлиги жавоҳирларга нисбатан шундай муносабатни талаб қиларди. Аммо, эндиликда Ойга парвозлар астронавтларни илмий қизиқишдан ташқари қимматбаҳо тошлари билан ҳам қизиқтирса керак.

«Жаҳонгир» романи Александр Беляевнинг энг мароқли, ўткир сюжетли, бадиий пишиқ асарларидан бири. Бу ерда инсон руҳий оламини, унинг фикрлари, кайфиятини узоқ масофадан туриб, радиотўлқинлар орқали бошқариш муаммолари билан ахлоқий муаммолар — ирода қудрати, софдиллик, камтаринлик, гўзаллик, худбинлик, олчоқлик, ёвузлик муаммолари бир-бирига боғланиб кетган. Асарнинг бош қаҳрамони — истеъдодли, ғайратли, иродали, лекин ёвузликларга мойил Людвиг Штирнер инглиз фантасти Герберт Уэллснинг «Кўринмас одам»и — Гриффинни эслатади. Аммо бу ерда қаҳрамон мутлақо бошқа илмий кашфиёт йўлида ишлайди. У инсон туйғуларини — меҳр, нафрат, ҳатто севгисини олис масофадан бошқаришга эришади. Камтарин, нозиктаъб, малоҳатли қиз Эльза Глюк романдаги энг мафтункор образлардан биридир. У қудратли Штирнерни эмас, балки камтарин ва ҳалол юрист Отто Зауэрни яхши кўради. Аммо Штирнер ўзининг илмий қудратидан фойдаланиб, қизнинг руҳий оламини алғов-далғов қилиб юборади. Штирнер сирли қуроли ёрдамида шаҳардаги барча одамларни бир вақтда ялпи гипноз ҳолатига тушира олади. Детектив воқеалар бир-биридан сирли ва кескин тус олади. Автор драматик, фожеали воқеаларнинг ҳам ҳажвий, қулгили тарафларини нозик юмор билан тасвирлай олади. Аммо ана шу енгил юмор замирида теран фикрлар ётади. Шаҳардаги турли ижтимоий гуруҳларга мансуб одамларнинг руҳияти, кайфиятлари радиотўлқинлар ёрдамида атайлаб, чалкаштириб юборилганида ғалати манзаралар келиб чиқади. Эски сиёсий муҳолифлар — монархист (подшопараст) билан анархист (бебошлик вакили) қучоқлашиб, оғиз-бурун ўпишади. Дайди бола эса семиз полициячига гул тақдим қилади. Полициячи билан дайди бола бирга қўшиқ айтишади. Тилла магазин эгаси бойликларини ҳаммага текин улашиб юборади. Бу оммавий ярашувдан ҳам баъзи одамлар қўрқиб қолишади: «Инсон онги ва руҳиятини бу қадар жиловлаб олган душман ким ўзи? Хоҳласа, у одамларни қонхўр, жинни қилади, хоҳласа меҳрибон ва ҳотамтой қилиб юборади. Унинг учун одамлар кўғирчоқдай бир гап. Хоҳласа ҳузур бахш этади, хоҳласа, майиб-мажруҳ қилади, ўлдиради, ўлдирганда ҳам бирорта ўқ узмасдан, шовқин-суронсиз, ўзи кўзга кўринмай ўлдиради. Ҳа, бундай душмандан қўрқмай кўр-чи?»

Замонамизнинг атоқли адиби Чингиз Айтматов «Жаҳонгир» романини ўқиганми, йўқми — билмадик, аммо унинг «Асрга татигулик кун» романида Едигей қадрдон дўсти Қозонғопни бу оламдан сўнгги йўлга кузатиш олдидан суҳбат вақтида шундай гапларни эшитади: суҳбатда айтилишича, яқин келгусида марказдан туриб, одам миясига шундай сигналлар юбориладики, уларга сўзсиз бўйсунасан. Радиотўлқиндан келган буйруқ асосида қаёққа юриш керак бўлса, ўша ёққа юрасан. Юқоридагилар нимани буюрса ўша ишни қиласан... Бошқача, айтганда, одамлар манқуртларга айланади. Бу гапларни баъзилар чўпчак деб кулиб қўя қолишади. Аммо бу ҳазил-мутойибалар замирида фалокат борлигини кўпчилик сезиб турарди. Хуллас, Александр Беляевни тўлқинлантирган оммавий гипноз, одамларнинг эркинлиги йўқотилиши муаммолари айниқса турғунлик йилларида реал хавфга айланди. Ўша вақтларда ялпи ғояларга ишонмаган, ўз эркини бермаган, мустақил, ўзига хос фикрлаган қанча-қанча истеъдодли одамлар репрессия қилиниб, қамоқларга ташланди. Манқурт одамлар янада кўпайди. Бундайлар ўз тилига, динига, маданиятига сотқинлик қилдилар — ўз туққан онасини отиб ўлдирган манқуртга ўхшаб иш юритдилар. Ўзини асраш учун бошқаларга туҳмат ёғдирдилар.

Александр Беляев ўттизинчи йиллардаёқ фашистларнинг қудратли шахс-суперменлик ғояларини, жаҳонгирлик ғояларини фош этганди. Санъаткор сифатида Беляев жаҳонга ҳукмронликни даъво қилувчи Людвиг Штирнернинг мураккаб характерини руҳий таҳлил этади. У жуда ақлли, заковатли шахс. Эльза Глюкни қизғин севиб қолгач, қандай қилиб бўлса ҳам унга эришишга қасд қилади. У ўта мағрур, ўз кучига ишонган, илм-фанда жуда катта ғалабаларга эришган бўлса-да, кўпинча ўзини камтарин, хокисор тутади. Иложи борича адолатли иш тутади. Кекса меросхўр Оскар Готлиб қарзга ботиб, жар ёқасига бориб қолганида Штирнер (севгилиси маслаҳати билан) икки юз минг пулни текинга бериб юборади.

Штирнер ақл-заковати билан охири жаҳонга ҳукмронлик истаги бемаъни

эканлигини англайди. Ихтиёрий равишда инсофга келиб, жангни бас қилади. Истеъдодли рус олими Качинский унга каттазанглик қилиб, «Сиз ютқиздингиз... ҳукмронлигингиз тугади. Ҳокимиятингиз парчаланиб кетди», деганида жаҳли чиқади: «Елғон! Ҳали сиз кўрмаган ихтироларим бор. Миллионлаб одамларнинг фикр тўлқинларини тўпловчи аккумуляция, мислсиз кучайтиргичлар... Агар буларнинг барини ишга солсам ҳаммаларингизни янчиб, эзиб ташлаган бўлардим...»

Хуллас, олий одам ўз қудратидан, ҳокимиятидан, барча даъволаридан воз кечади, софдил инсонлигига қайтади, оғир мусибатли изланишлар ниҳоясида шакл сифатида ўзини қайтадан топади. Шунинг ўзи инсон қудратидан далолат эмасми? Ёзувчи шахс руҳиятининг эволюциясини кўрсатиш учун қаҳрамон кундаликларидан моҳирона фойдаланади. Штирнер «хотира дафтари» жамият ва истеъдодли шахс ўртасидаги мураккаб муносабатларни таҳлил этиш учун ибратли манбадир. Жамиятда ақл-идроксиз, гўзал ҳис-туйғуларсиз, лекин тайёр, муғамбир, пасткаш одамлар қадрланиб, ақл-заковатли, порлоқ истеъдодли одамлар қадрини топмаслигидан қаҳрамон руҳида зиддиятли кечинмалар, мураккаб ўзгаришлар юз беради. Ниҳоят, қаҳрамон оддий инсонликка қайтиш учун беҳисоб бойликларидан ҳам, ҳатто севгилисидан ҳам кечади... Бу ҳодиса ҳозирги ўқувчилар оммаси учун ишонарли эмас, чунки баъзилар, афсуски, чин инсон бўлишга эмас, пасткашлик билан бўлса ҳам бойишга, амал-мансабга, бир-бирларига ҳукмини ўтказишга, ҳўрлашга интилади. «Жаҳонгир» романида зукко ўқувчини ўйлантириб қўядиган ахлоқий муаммолар кўп. Нозиктаъб, қалбан ва жисман гўзал Эльза Глюк нега истеъдодли Штирнерни эмас, балки ҳамма қатори оддий хизматчи Отто Зауерни яхши кўради? Нима учун Штирнер ғолиб чиқаётганида курашдан воз кечиб, қочиб кетади? Сизни севмаган одамни зўрлаб севдириш мумкинми? Инсонийлик нима? Шунга ўхшаш қизиқ муаммоларга асарнинг охирларида жавоб топишингиз мумкин.

Кўпчилик олимлар, ҳатто Альберт Эйнштейндай даҳо олимлар ҳам илмий муаммолар билан шуғулланишар экан, ўз кашфиётларининг зарарларини етарли тасаввур қилмаган... Александр Беляев баъзи асарларида медицина-тиббиётдаги кашфиётларнинг ижтимоий оқибатларини кўрсатади. Адиб «Амфибия одам», «Профессор Доуэлнинг боши» романларида кўтарган илмий-руҳий-ижтимоий муаммолар таҳлилини бошқа асарларида янада чуқурлаштиради. «Қиёфасини йўқотган одам» ва «Қиёфасини топган одам» романларида Александр Беляев инсон вужудининг ички секреция безлари билан шуғулланувчи эндокринология фани муаммоларига мурожаат қилади. Бадбашаралиги билан машҳур киноартист Тонио Престо чиройли одам бўлишни хоҳлайди. Доктор Цорн топган ғаройиб дори одамнинг қиёфасини ўзгартиради. Шу дори ёрдамида чиройли бўлиб олган Тонио ишсизлик, хор-зорлик азобларини бошдан кечирган аввалги «ўзлиги» ўлиб кетганидан изтироб чекади. Тонио душманларидан ўч олиш учун ғаройиб дори ёрдамида олчоқларни бесўнақай вужудларга айлантиради ва уни ҳам хор-зорликка йўлиқтиради.

«Қиёфасини йўқотган одам» романида ёзувчи қаҳрамоннинг жисмоний жиҳатдан бошқа одамга айланиш жараёнини тасвирлар экан, унинг руҳий оламидаги ўзгаришларни ҳам чуқур тасвирлайди. Бахтсиз болаликни бошдан кечирган бадбашара Тонио Престо кейинчалик машҳур, бой-бадавлат киноартист бўлиб кетган. У кино юлдузи, гўзал актриса Гедди Люксни севади. Аммо бадбашаралиги туфайли севгиси рад этилиб, чексиз изтироблар чекади. Тиббий кашфиёт туфайли чиройли йигитга айланиб қолгач, уни ўз хизматкори ҳам танимайди ва уйдан ҳайдаб чиқаради. Севгилиси ҳузурига бориб, ўзини танитишга интилади. Лекин қиз ҳам уни танишни хоҳламайди. Чунки, у илгариги, содда ва бадбашара, комик актёр Престони севишини тан олади. Бу чиройли йигитни эса ҳайдаб чиқаради. Киностудия раҳбарлари бадбашара актёрнинг чиройли бўлиб қолганидан ғазабланишади. Чунки, улар пакана, хунук, қулгили Тонио билан ўн йилга, бир қанча кинокомедияларга, миллион-миллион долларга шартнома тузишган. «Биздан рухсатсиз, шартномани бузиб, чиройли бўлишга ҳаққингиз йўқ» дейишади улар. Ҳатто Тониониг машҳур қиғғир бурни ҳам киночилар томонидан сотиб олинган экан. Киносавдогарлар учун талант — иккинчи даражали гап, энг муҳими — рекламага сарфланган миллионлар. «Талант билан не-не одамлар хор-зорликда яшаяпти, реклама билан қобилиятсизлар шон-шуҳратга кўмилган. Хуллас, бадавлат киноактёрни ўз уйига ўғирликка тушди деб судга беришади.

Тонио аранг қутилади. Асарда прокурорнинг «мантиқий» хулосалари, ашаддий лўттибозлиги фош этилади.

Тонио Престо сотқин киносавдогарлардан ўч олишнинг ғаройиб усулини ўйлаб топади. У ҳамма нуфузли киночиларни хайрлашув зиёфатига таклиф этади. Талантли актёр Тонионинг хайрлашув зиёфатидаги нутқи романнинг энг ёрқин, эсда қоларли саҳифаларидан биридир. «Жаноблар ва хонимлар,—дейди у.— Хитойда бирор ножўя иш қилиб қўйган одам «қиёфасини йўқотган» деб, маънавий ўлимга ҳукм этилади...

... Бизнинг олий маданиятли мамлакатимизда эса аҳвол бошқача. Бизда одамнинг қиёфаси ҳамёни билан жуда қаттиқ боғланган. Ҳамён қаппайган экан, ҳар қандай ножўя ишлар қилсак ҳам, хитойча маънода қиёфамиз ўзгармайди. Лекин, жисмоний қиёфамиз ўзгарса-чи, бундай одамнинг аҳволига вой. Бундай одамлар мол-дунёдан, нуфузидан, дўстларидан, ишидан, севгисидан айрилади... Тағин муҳтарам меҳмонларим мени гўзал мамлакатимизнинг ажойиб қонунларини танқид қиляпти деб ўйламанглар. Асло ундай эмас. Мен бу қонунлар ва одатларни оқилона деб биламан, уларга таъзим қиламан. Мен адашган фарзандингизни кечиринглар...» Зиёфат кечаси Тонио ғойиб бўлади. Ҳафталар, ойлар ўтиб машҳур киночиларнинг таналари қинғир-қийшиқ ўсиб, бесўнақайлашиб боради... Кейин яна ажойиб-ғаройиб воқеалар бир-бирига уланиб кетади. Бу асарлар ўқувчига олам-олам завқ бериши, унинг маънавий оламини бойитиши табиийдир.

Ажойиб-ғаройиб ўлкалар, табиатдаги сирли ҳодисалар, олис саёҳатлар романтикаси Александр Беляевни ҳамиша мафтун этарди. У «Атлантиканинг сўнгги одами» романида совет бадиий фантастикасида биринчилардан бўлиб, олис замонларда йўқолиб кетган Атлантида қитъасининг ҳалокати сирларини тадқиқ этади. Асарда қуллар қўзғолони, шоҳ ва коҳинларнинг орол фалокати вақтида қочиши, тирик қолган сўнгги талантнинг бошидан кечирганлари тасвирланади.

«Ҳалокатга учраган кемалар ороли» романида адиб романтик саргузаштлар, катта оламдан узилган хилват маъволар, жиноят олами кишиларнинг ўзаро жанжал-тўполонлари фонида яхшилик ва ёмонлик, мардлик ва тубанлик каби маънавий ҳодисаларни тасвирлайди.

Александр Беляев яшаб, ижод қилган йиллар ижтимоий ҳаётда фидойилик, ғайрат, ташаббус, айни вақтда ғоявий догатизм, репрессиялар авж олган, ёрқин ижодкорлар таъқибга учраган оғир синов йиллари эди. Беляев асарлари шаблондан, қолипдан узоқлиги, инсоният дарду ҳасратлари, орзу-армонларига хайрихоҳлиги, ёвузликка нафрат туйғулари билан йўғрилгани туфайли жуда кўп танқидларга ҳам учради. Халқнинг меҳрини ҳам қозонди. Унинг асарлари бағридаги романтик орзулар, илмий ва маънавий хазиналар ёш авлодни ҳамиша тўлқинлантиради ва эзгуликка чорлайди.

МАҲКАМ МАҲМУДОВ,
филология фанлари номзоди

АМФИБИЯ ОДАМ

ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК
РОМАН

БИРИНЧИ ҚИСМ

«ДЕНГИЗ ИБЛИСИ»

Аргентина ёзининг дим январь оқшоми. Осмон тўла юлдуз. «Медуза» лангар ташлаганча қимир этмай турибди. Кеча сукунатини бузувчи тўлқиннинг шовуллаши ҳам, кема абзалларининг ғижирлаши ҳам эшитилмайди. Океан бамисоли қаттиқ уйқуга кетганга ўхшайди.

Кеманинг палубасида ярим яланғоч марварид қидирувчилар ётишибди. Жазирама иссиқ ва оғир меҳнат натижасида ҳолсизланган бу кишилар дам ўтмай у ёнбошларидан-бу ёнбошларига ағдарилар, тинмай пишиллар, уйқусираб чинқиришарди. Уларнинг қўл-оёқлари асабий равишда учиб-учиб тушади. Ким билади дейсиз, эҳтимол тушларида ўзларининг ёвуз душманларини — акулани кўриб қолишгандир. Ёзнинг бу иссиқ ва дим кунларида улар шу қадар чарчашадики, овдан кейин ҳатто қайиқларни палубага кўтариб қўйишга ҳам мадорлари қолмайди. Дарвоқе, бунинг ҳожати ҳам йўқ эди: ҳавонинг авзойи бузилишидан дарак берувчи ҳеч қандай аломат сезилмасди. Қайиқлар лангар занжирига боғланган ҳолда кечаси билан сувда турaверарди. Реялар[1] нотекис, кеманинг жиҳозлари дурустгина саранжомланмаган, йиғиштирилмаган учбурчакли елкан енгил шабадада билинар-билинмас силкинади. Палубанинг қуйруғидан тумшуғигача бўлган бутун саҳни чиғаноқ уюмлари, ёқутранг оҳактош қолдиқлари, қидирувчилар сув остига осилиб тушадиган арқон, чиғаноқлар солинадиган бўз қоплар ва бўш бочкачалар билан тўлиб-тошган.

Мачта ёнида чучук сув тўла каттакон бочка турибди. Унинг четига темир чўмич осиб қўйилган. Бочка теварагига тўкилган сув тун қоронғилигида қора доғ янглиғ кўзга ташланади.

Аҳён-аҳён марварид қидирувчиларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси ўрнидан туради-да, уйқу аралаш гандираклаб, ухлаб ётган кишиларнинг оёқ-қўлини босиб бочкага томон юради. У кўзини ҳам очмай бир чўмич сувни ичади-ю, шу он сув эмас, балки ўткир спирт ичган кишидай ўзини дуч келган ерга ташлайди. Қидирувчиларни чанқоқлик азобларди: эрталаб ишдан олдин овқатланиш хавфли — сув остида кучли босим остида ишлашга тўғри келади,— шунинг учун ҳам улар уззукун сувнинг таги қоронғилашгунча оч-наҳор ишлашар, фақат ётар пайтдагина тамадди қилиб олишарди, емишлари эса нуқул тузланган гўшт бўларди.

---

[1] Р е я — мачтада елканни тикиб қўядиган кўндаланг ёғоч.

Кечаси вахтада ҳинду[1] Балтазар турарди. У «Медуза» кемасининг хўжайини капитан Педро Зуританинг ишончли ёрдамчиси эди.

Балтазар ёшлигида машҳур марварид қидирувчи бўлган эди. У сув остида одатдагидан икки баравар ортиқ, яъни тўқсон ва ҳатто юз секундгача тура оларди.

«Нима сабабдан? Чунки у пайтларда қандай қилиб ўргатишни билишарди, бизни жуда ёшлигимиздан ўргата бошлардилар,— деб ҳикоя қилади Балтазар ёш марварид қидирувчиларга.— Отам мени Хозега шогирдликка берганида ўн ёшда эдим. Унинг қўлида ўн икки бола таълим оларди. Бизга у мана бундай усулда иш ўргатарди: сувга оқ тош ёки чиғаноқ ташларди-да: «Шўнғиб, олиб чиқ!» деб буюрарди ва борган сари уни чуқурроқ жойга ташларди. Олиб чиқсанг — олиб чиқдинг, борди-ю олиб чиқолмасанг — дарра ёки хипчин билан ўлгудай савалаб, худди кучукболадай яна сувга отарди. Қайтадан шўнгийсан. Бизни шу тариқа шўнғишга ўргатишган. Кейин сув остида узоқ туришга ўргата бошлади. Кексароқ, тажрибалироқ қидирувчи сув тагига тушиб, лангарга сават ёки тўр боғлаб қўярди. Кейин биз шўнғиб уни ечиб олиб чиқардик. Қуруқ чиқиш мумкин эмас. Акс ҳолда калтакланасан.

Бизни шафқатсиз дўппослашарди. Ҳамма ҳам бунга чидаш беравермасди. Аммо мен бутун округда энг абжир қидирувчи бўлиб қолдим. Кўп пул топардим».

Балтазар кексайиб қолгани учун хатарли бўлган марварид қидирувчилик касби билан шуғулланмай қўйди. Унинг чап оёғини акула тиши майиб қилган, биқинини лангар занжири жароҳатлаган эди. У Буэнос-Айресда кичкина дўкон очиб, марварид, маржон, чиғаноқ ва бошқа нодир денгиз тошлари билан савдосотиқ қиларди. Аммо қирғоқда зерикиб қолар ва тез-тез марварид овига чиқиб турарди. Саноатчилар уни қадрлардилар. Ла-Плата кўрфази, унинг қиргоқлари ва марварид чиғаноқлари учрайдиган бошқа жойларни ҳеч ким Балтазардек яхши билмасди. Қидирувчилар уни ҳурмат қилардилар. У хўжайинларнинг ҳам, марварид қидирувчиларнинг ҳам кўнглини ола биларди.

Балтазар ёш қидирувчиларга ўз касбининг бутун сирларини: нафасни қандай тутиб туриш керак, акула ҳужумини қандай қайтариш керак, баъзан эса, хонаси келганда, хўжайиндан марваридни қандай яшириб қолиш керак — ҳаммасини ўргатарди.

Саноатчилар, кема эгалари Балтазарнинг бир қарашдаёқ марваридни бехато танлай олишини ва хўжайин фойдасига энг сараларинигина ажратишини яхши билишарди.

Шунинг учун ҳам саноатчилар уни ёрдамчи ва маслаҳатчи сифатида ўзлари билан бажонидил овга олиб чиқардилар.

Балтазар кичкина бочка устида бамайлихотир йўғон сигара тутатиб ўтирибди. Мачтага ўрнатилган фонарь шуъласи унинг узунчоқ текис юзида, ихчам бурни ва катта-катта чиройли кўзла-

---

[1] Ҳиндулар — Америкада яшовчи аҳоли.

рида жилва қилади. Балтазарнинг қовоқлари вазмин юмилар ва яна оҳиста кўтариларди. Уни уйқу босаётган эди. Аммо кўзлари юмуқ бўлса ҳам, қулоқлари сергак. Улар ҳатто қаттиқ уйқу вақтида ҳам ҳар қандай хавфдан огоҳ туради. Аммо ҳозир Балтазар ухлаётганларнинг фақат узун-қисқа нафасию ғулдирашинигина эшитарди. Қирғоқдан марварид моллюскаларининг қўланса ҳиди келиб турибди,—марваридларни осонроқ ажратиб олиш мақсадида уларни қирғоқда чиритишарди: тирик моллюсканинг чиғаноғини ёриш ғоят мушкул эди. Бу ҳид ҳозир бошқа ҳар қандай кишининг кўнглини айнитган бўларди. Балтазар эса, аксинча, ҳузур қилиб нафас оларди. Дарбадар кезувчилар, марварид қидирувчилар ва мана шу ҳид унга эркин дунё қувончларини, денгизнинг кўнгилга ғулғула солувчи хатарларини эслатарди.

Марварид ажратиб олингандан кейин қолган йирик-йирик чиғаноқларни «Медуза»га келтиришарди. Кейин Зурита уларни тугма ва запонкалар тайёрлайдиган фабрикаларга пулларди.

Балтазарни уйқу енгди. Ҳолсизланган бармоқлари орасидан кўп ўтмай сигара сирғалиб тушиб кетди. Боши кўкрагига хам бўлди.

Аммо кутилмаганда океан қаъридан янграган аллақандай товуш уни уйғотди. Сал ўтмай овоз яқинроқдан эшитилди. Балтазар кўзларини очди. Худди биров бурғи чалгандай, кетидан ёшгина йигит жарангдор товушда «А!..» деб қичқиргандай бўлди. Кейинроқ эса овоз яна ҳам баландроқ янгради.

Бурғунинг оҳангдор садоси пароходнинг чинқироқ гудогига, қувноқ нидо эса ғарқ бўлаётган кишининг талваса аралаш бақириғига сира ўхшамасди. Бу қандайдир янги, номаълум нарса эди. Балтазар ўрнидан турди, назарида бир зумда сергаклашиб қолгандай туюлди. Бортга яқинлашиб океан саҳнига диққат билан разм солди. Тирик жон кўринмайди. Жимжитлик. Балтазар палубада чўзилиб ётган ҳиндуни оёғи билан туртиб уйғотди, у ўрнидан қўзғалиши билан:

— Бақиряпти. Бу ўша бўлса керак,— деди пичирлаб.

— Эшитмаяпман,— деб жавоб берди ҳинду-гурона[1] паст овозда, чўккалаганча атрофга қулоқ соларкан. Шу пайт бурғу садоси ва қичқириқ яна тун сукунатини бузди.

— А-а!..

Гурона бу товушни эшитиши билан худди бошига қамчи тушгандай энгашиб олди.

— Рост, ўшанга ўхшайди,— деди у қўрқувдан тишларини такиллатиб.

Бошқалар ҳам уйғонди. Улар зулмат дастидан паноҳ излагандай, фонарнинг хира сарғиш нури ёритиб турган ерга тўпланишди. Одамлар бир-бирларига қисилиб ўтириб олишди-да, атрофга диққат билан қулоқ сола бошлашди. Бурғу овози ва қичқириқ

---

[1] Гурона — Америкалик ҳиндуларнинг бир қабиласи (*Автор изоҳи*).

яна бир марта жуда узоқдан эшитилди-ю, ҳаммаёққа жимжитлик чўкди.

— Худди ўзи...

— «Денгиз иблиси»,— деб пичирлашди балиқчилар.

— Бу ерда қолиш мумкин эмас!

— Акуладан ҳам ёмонроқ бу!

— Хўжайинни чақириш керак!

Ялангоёқ кишининг қадам товуши эшитилди. Палубага эснаб, сержун кўкрагини қашилаб хўжайин Педро Зурита чиқди. У кўйлаксиз, эгнига фақат бўз иштон кийиб олган эди: энлик чарм камарида тўппонча ғилофи осилиб турибди. Фонарь ёруғида унинг уйқуга тўйган ва офтоб қорайтирган юзи, пешонасига ҳурпайиб тушиб турган қуюқ жингалак сочи, қоп-қора қошлари, учи тепага қайрилган пахмоқ мўйлови ҳамда кичкина мошгуруч соқоли аниқ кўзга ташланиб турарди.

— Нима гап?

Унинг йўғон, осойишта товуши ва дадил ҳаракатлари ҳиндуларнинг жонига бир оз ора кирди.

Улар бараварига чулдираша кетишди.

Балтазар қўлини юқорига кўтариб, одамларни тинчитди ва:

— Биз анови... «денгиз иблиси»нинг овозини эшитдик,— деди.

— Сизларга шундай туюлган!— деб жавоб берди Педро уйқусираган ҳолда бошини қуйи эгиб.

— Йўқ, туюлгани йўқ. «А-а» деганини, бурғу овозини ҳаммамиз эшитдик!— деб бақиришди балиқчилар.

Балтазар бояги ишора билан ғала-ғовурни босгач, яна ўзи сўз бошлади:

— Ўз қулоғим билан эшитдим. Фақат «иблис»гина ана шундай қила олади. Денгизда бошқа ҳеч ким бурғу чалмайди ҳам, қичқирмайди ҳам. Бу ердан дарҳол жўнаш керак.

— Чўпчак!— деб жавоб берди Педро Зурита ҳалигидай бепарволик билан. У ҳали чириб битмаган сассиқ чиғаноқларни қирғоқдан кемага ташиб келтиришни истамасди. Аммо ҳиндуларни кўндиришнинг иложи бўлмади. Улар безовталанишар, қўлларини пахса қилиб бақиришар, агар Зурита лангарни кўтармаса, эртагаёқ қирғоққа чиқиб, Буэнос-Айресга яёв жўнаяжакларини айтиб, уни қўрқитишарди.

— «Денгиз иблиси»ни ҳам жин урсин, сенларни ҳам! Бўпти. Эрталаб лангарни кўтарамиз,— деди капитан ва алланималар дея ғулдираб, ўз каютаси томон кетди.

Унинг қайтиб уйқуси келмади. Чироқни ёқди-да, сигара тутатиб торгина каютанинг у бурчидан-бу бурчига юра бошлади. У яқиндан бери шу атрофда пайдо бўлиб, балиқчиларнинг ва қирғоқда яшовчи аҳолининг юрагига ғулғула солган номаълум мавжудот ҳақида ўйларди.

Ҳали ҳеч ким у махлуқни кўрган эмас, аммо у бир неча марта ўзидан дарак берди. У ҳақда уйдирма ҳам тўқилганди. Денгизчилар бундай миш-мишларни махлуқнинг ўзи эшитиб қолишидан қўрқиб, ўзаро пичирлашиб гаплашардилар.

Баъзиларга у зарар етказар, айрим кишиларга эса кутилмаганда ёрдам кўрсатарди. «У денгиз худоси,— деб гапиришарди кекса ҳиндулар,— ер юзида адолат ўрнатиш учун ҳар минг йилда бир марта денгиз остидан чиқади».

Католик руҳонийлари соддадил панларни, бу нарса «денгиз иблиси», деб ишонтирарди. Одамларнинг муқаддас, католик черковига эътиқоди камайгани касофатидан у пайдо бўлган эмиш.

Оғиздан-оғизга ўтиб юрган бу гаплар Буэнос-Айресгача етиб борди. Бир неча ҳафтагача «денгиз иблиси» маҳаллий газеталарнинг хроникачи ва фельетончиларига асосий тема бўлиб қолди. Мабодо номаълум шароитда одам ташийдиган ва балиқ овловчи кемалар ғарқ бўлса ёки балиқ тутадиган тўрлар қирқилиб қолса ёхуд тутилган балиқ тасодифан гумдон бўлса — буларнинг барини «денгиз иблиси»дан кўришарди. Аммо айрим кишилар «иблис»нинг баъзан қайиққа балиқ ташлагани ва бир куни ҳатто ғарқ бўлаётган кишини қутқаргани ҳақида гапиришарди.

Чўкиб кетишига сал қолган бир одамнинг жон куйдириб айтишича, у энди сувга ботаётганда кимдир пастдан унинг орқасига кафтини қўйган ва шу алпозда уни суяб қирғоққача сузиб бориб, қум устида қолдирган-да, ўзи бир зумда тўлқинлар орасида ғойиб бўлган.

Аммо қизиғи шунда эдики, «иблис»нинг ўзини ҳеч ким кўрмаганди. Бу сирли мавжудотнинг ташқи қиёфасини ҳам ҳеч ким айтиб беролмасди. Албатта, каромат қилувчилар ҳам топилди — улар «иблис»ни шохдор, эчкисоқол, йўлбарс оёқли, балиқникига ўхшаш думли қилиб тасвирлашар ёки одамларникидек оёқли жуда улкан шохдор бақага ўхшатишарди.

Буэнос-Айреснинг ҳукумат амалдорлари дастлаб бу латифаларни ва газета хабарларини бемаъни уйдирма ҳисоблаб, эътибор беришмади.

Аммо безовталик, айниқса балиқчилар орасидаги ташвиш кун сайин кучайиб борарди. Кўпгина балиқчиларнинг денгизга чиқишга юраги бетламай қолди. Овнинг мазаси қочиши билан аҳоли ўртасида балиқ танқислиги сезила бошлади. Шундан кейин маҳаллий маъмурлар бу машмашани текширишга қарор қилишди. «Қирғоқдаги аҳоли ўртасида ғулғула ва ваҳима туғдираётган номаълум махлуқ қўлга олинсин», деган буйруқ билан қирғоқ соқчилиги полициясининг бир неча катери ҳамда моторли қайиқлари сафарбар қилинди.

Полиция Ла-Плата кўрфазини ва қирғоқ атрофини икки ҳафта тити-пит қилиб, пировардида бир неча ҳиндуни ёлғон уйдирмаларнинг ашаддий тарғиботчилари ва безовталик уруғини сепувчилар сифатида қўлга олди. Аммо «иблис» ҳамон тутқич бермасди.

Полиция бошлиғи ҳеч қандай «иблис»нинг йўқлиги, бу гапларнинг ҳаммаси қўлга олинган нодон кишилар томонидан тўқиб чиқарилганлиги ва улар тегишли жазоларини тортажаклари ҳақида расмий ахборот эълон қилди ҳамда балиқчиларни ҳар турли миш-мишларга ишонмасликка ва бемалол ов қилаверишга даъват этди.

Бу хабар бирмунча вақтгача ўз таъсирини кўрсатди. Лекин «иблис»нинг қалтис ҳазили давом этаверди.

Бир куни кечаси қирғоқдан анча узоқда тунаб қолган балиқчилар ўз қайиқларида пайдо бўлиб қолган эчки боласининг маъ-рашидан уйғониб кетдилар. Бошқа қайиқдаги балиқчиларнинг тўрлари сувдан қирқилиб чиқди.

«Иблис»нинг яна дарагини эшитиб севинган журналистлар энди олимларнинг фикрини кутишарди.

Олимлар ҳам бу масалага қизиқа бошлаган эдилар.

Улар, денгизда фанга маълум бўлмаган ва фақат инсонга хос ҳаракатлар қилувчи ҳеч қандай махлуқ йўқ, деб ҳисоблашарди. «Мабодо,— деб ёзишарди олимлар,— океаннинг кам ўрганилган чуқурликларида бундай махлуқ пайдо бўлган бўлса, эҳтимол». Аммо улар номаълум махлуқнинг инсонгагина қобил бўлган ҳаракатлар қилишига ҳануз ишонишмасди. Олимлар ҳам, денгиз полициясининг бошлиғи ҳам буларнинг ҳаммаси бирорта ҳазилкаш одамнинг найранги деб ўйлашарди.

Лекин олимларнинг ҳаммаси ҳам шу фикрда эмас эди.

Баъзи олимлар денгиз париси, денгиз иблиси, денгиз роҳиби ва денгиз епископи ҳақида ёзган машҳур немис натуралисти Конрад Геснерга[1] асосланишарди.

«Хуллас, қадимги олимлар ва Ўрта аср олимлари баён этган фикрларнинг кўпи, гарчи янги фан уларни тан олмаса-да, тўғри бўлиб чиқди. Оллонинг яратган нарсалари беҳисоб ва бинобарин, хулоса чиқаришда хусусан биз олимлар кўпроқ одоб сақлашимиз ва эҳтиёт бўлишимиз керак», деб ёзишарди баъзи кекса олимлар.

Тўғриси, бу одобли ва эҳтиёткор кишиларни олим дейиш ҳам қийин эди. Улар фанга қараганда мўъжизага кўпроқ ишонишарди, уларнинг лекциялари ҳам қуруқ ваъзхонликдан нарига ўтмасди.

Ниҳоят баҳсни бирёқлик қилиш мақсадида илмий экспедиция жўнатишга қарор қилинди.

Экспедиция аъзолари «иблис» билан учрашиш бахтига муяссар бўлолмадилар. Аммо улар «номаълум шахс»нинг кўпгина янги қилғиликларидан воқиф бўлишди (кекса олимлар «шахс» сўзини «махлуқ» сўзи билан алмаштиришни талаб қилишарди).

Экспедиция аъзолари газетада эълон қилинган ўз докладларида қуйидагиларни ёзишганди:

1. Қумлоқ соҳилнинг бир неча жойида инсон оёғининг изи аниқланди. Излар денгиздан чиқиб, яна денгиз томон кетган. Аммо бу излар қайиқда қирғоққа келган одамнинг изи бўлиши мумкин.

2. Биз кўздан кечирган тўрлар дарҳақиқат ўткир нарса билан

---

[1] **Конрад Геснер — XVI асрда ўтган йирик немис олими. Унинг «Ҳайвонлар ҳақида китоби» натуралистлар ўртасида фавқулодда кучли эътибор қозонган.**

қирқилган. Лекин бу тўрлар сув остидаги қиррали қояларга ёки ҳалокатга учраган кемаларнинг темир қисмларига илиниб, қирқилган бўлса керак.

3. Ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишича, тўлқин қирғоқнинг анча ичкарисига улоқтириб ташлаган дельфинни[1] кечаси кимдир яна денгизга олиб кетган, бунинг устига қумда раҳмдил балиқчи дельфинни сувга олиб бориб ташлаганга ўхшайди.

Маълумки, дельфинлар балиқ овлаб юриб, балиқчиларга кўмаклашади, яъни балиқларни саёз жойларга ҳайдашади. Балиқчилар ҳам тез-тез дельфинларни кулфатдан қутқариб турадилар. Панжа излари одамнинг оёқ бармоқлариники, кўриниши оёқнинг панжасига ўхшайди.

4. Эчки боласи қайиқда келтирилган, буни бирор ҳазилкаш қилган бўлиши мумкин.

Олимлар «иблис» қолдирган изларнинг келиб чиқишини изоҳловчи бошқа яна бир қанча сабабларни топишди.

Улар денгиз ҳайвонларининг бирортаси ҳам бунақа мураккаб ишларни қилиши мумкин эмас деган хулосага келдилар.

Аммо бу шарҳлар ҳаммани ҳам қониқтира олмади. Ҳатто олимларнинг орасида мазкур далилларга шубҳа билан қарайдиган кишилар ҳам топилди. Энг чаққон ва абжир ҳазилкаш ҳам шу қадар узоқ вақтгача одамларнинг кўзига ташланмай шунча «иш» кўрсатиши мумкинми? Энг муҳими, олимлар ўз докладида лом-мим демаган нарса шу эдики, «иблис» қисқа вақт ичида бир-биридан жуда узоқ турли ерда ўз жасоратини намойиш қилган. «Иблис» ё қулоқ эшитмаган даражада тез сузган, ёки унинг қандайдир махсус мосламаси бўлган, ёхуд «иблис» бир эмас, бир нечта. Бу ҳолда бу ҳазиллар баттарроқ муаммо ва хатарли бўлиб чиқади.

Педро Зурита каютада у ёқдан-бу ёққа юриб, бу жумбоқ ўйларга ғарқ бўлиб кетганидан тонг отганини ва иллюминатор ойнасига қизғиш нурлар тушганини ҳам сезмай қолди. У чироқни ўчирди-да, ювинишга тутинди.

Зурита бошига иссиқ сув қуя туриб, палубадан келган ваҳимали бақириқни эшитиб қолди. Чала-чулпа ювинди-да, шошиб тепага кўтарилди.

Белларига бўз мато тутиб олган яланғоч қидирувчилар борт олдига тўпланишиб, қўлларини силкитишар ва палапартиш қичқиришарди. Педро пастга қараб, кечаси сувда қолдирилган қайиқлар ечилганини кўрдим. Тунги шамол уларни очиқ океаннинг анча ичкарисига суриб кетган эди. Тонг шаббодаси эса энди уларни секин-секин қирғоқ томон ҳайдарди. Ҳар тарафга сочилиб кетган эшкаклар сув юзида қалқиб, кўрфаз бўйлаб сузиб борарди.

Зурита қидирувчиларга қайиқларни олиб келишни буюрди. Аммо ҳеч ким полубадан жилишга журъат этолмасди. Зурита буйруқни яна такрорлади.

---

[1] Дельфин — сут эмизувчи денгиз ҳайвони.

— «Иблис»нинг чангалига ўзинг тушавер,— деди кимдир оломон орасидан.

Зурита тўппонча ғилофига қўл чўзди. Қидирувчилар таслим лишиб, мачта ёнига ғуж бўлиб олишди. Агар Балтазар ўрага тушмаганда кескин тўқнашув юз бериши мукаррар эди.

— Араукан[1] ҳеч нарсадан қўрқмайди,— деди у.— Акула ямлай олмаган мени, «иблис» ҳам еёлмайди.— Шундай деб у қўлларини боши устида жуфтлади-да, ўзини сувга отди ва шитоб билан кемага яқинроқ турган қайиқ томон суза кетди. Бошқа қидирувчилар бортга яқинлашиб, қўрқув ичида Балтазарни кузата бошладилар. Кексалиги ва оёғининг майиблигига қарамай, у жуда яхши сузар эди. Ҳинду бир зумда қайиққа етиб бордида, шу атрофда сузиб юрган эшкаклардан бирини тутиб, кўз очиб-юмгунча қайиққа чиқиб олди.

— Арқон пичоқ билан қирқилган,— деб бақирди у,— жуда ҳам яхши қирқилган! Олмосдай ўткир пичоққа ўхшайди.

Балтазарга ҳеч бало бўлмаганини кўриб, бир неча балиқчи ўзини бирин-кетин сувга ташлайди.

ДЕЛЬФИНГА МИНИБ

Қуёш эндигина юз кўрсатган бўлишига қарамай қаттиқ қиздирарди. Феруза осмонда бир парча ҳам булут кўринмайди, океан тинч. «Медуза» Буэнос-Айресдан йигирма километр чамаси жануброқда сузиб борарди. Балтазарнинг маслаҳатига кўра, қирғоғида сувдан икки поғона бўлиб кўтарилган қояли кичик бир кўрфазда лангар ташлашди.

Бир зумда қайиқлар кўрфаз бўйлаб таралиб кетди. Ҳар қайиқда одатдагича иккитадан одам бор эди: бири шўнғийди, иккинчиси уни тортиб туради. Кейин алмашадилар.

Қайиқлардан бири қирғоқ яқинига бориб қолди. Шўнғувчи арқоннинг бир учига боғланган оҳактошни оёқлари орасига олди-да, сув остига тушиб кетди.

Сув илиқ ва шу қадар тиниқ эдики, пастдаги ҳар бир тош кўзга аниқ ташланиб турарди. Қирғоқ яқинидаги сув тубидан маржонлар — сувости боғларининг мангу қотиб қолган буталари бўй чўзган. Олтин ва кумушдай товланувчи майда балиқлар буталараро сайр қилиб юрибди.

Шўнғувчи сув остига тушди-да, чаққонлик билан чиғаноқларни териб, камарига осиб олган халтага сола бошлади. Шериги ҳинду-гурона эса арқоннинг бир учини ушлаганча қайиқдан сувга термулиб ўтирарди.

Тўсатдан у шўнғувчининг жонҳолатда қаддини ростлаб, арқонга ёпишганини кўриб қолди. У арқонни шу қадар силтаб тортган эдики, гурона сувга ағдарилиб тушаёзди. Қайиқ лапанглаб кетди. Ҳинду-гурона шоша-пиша ҳамроҳини юқорига тортиб, қайиққа чиқишига ёрдамлашди. Шўнғувчи оғзини катта очиб,

[1] Араукан лар — Америка ҳиндуларининг бир қабиласи.

TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI 24862

аранг нафас олар, кўзлари олайиб, қорамтир юзи кулранг тусга кирган эди.

— Акулами?

Аммо шўнғувчи лом-мим ҳам демай, қайиқ ичига узала тушиб олди.

Денгиз тагида нима шунчалик унинг ўтакасини ёрдийкин? Гурона эгилиб сув остига разм сола бошлади. Дарҳақиқат, бир гап бўлганга ўхшайди. Майда балиқчалар калхатни кўрган қушдай ўзларини қуюқ бутазор панасига урарди.

Шу пайт ҳинду-гуронанинг кўзи сув ости қоясининг ортида пайдо бўлган тўққизил тутунга ўхшаш бир нарсага тушди. Тутун сувни пушти рангга бўяб, аста-секин теварак-атрофга тарқаларди. Ҳаял ўтмай шу ернинг ўзида қоп-қора нарса кўринди. У акуланинг танаси эди. Тана оҳиста қайрилиб, қоя панасига ўтиб кетди. Сув остида тўзғиган қизил тутун фақат қон бўлиши мумкин. Нима гап ўзи? Гурона шеригига қаради, аммо у чалқанча тушиб, оғзини ланг очган, осмонга бефарқ термилган ҳолда қимир этмай ётарди. Ҳинду ўзининг тасодифан оғриб қолган ўртоғини тезроқ «Медуза» бортига элтиш учун эшкакка зўр берди.

Ниҳоят шўнғувчи ўзига келди, аммо худди тили танглайига ёпишиб қолгандай, фақат ғулдирар, бошини чайқар ва лабларини чўччайтириб, нуқул ҳарсилларди.

Кемада қолган қидирувчилар шўнғувчини ўраб олиб, ундан бирор садо чиқишини сабрсизлик билан кутишарди.

— Гапир!— деб бақирди ниҳоят тоқати тоқ бўлган ёшгина ҳинду уни туртиб.— Гапир, юрагинг ёрилгур.

Шўнғувчи бошини сарак-сарак қилди-да, хаста товуш билан:

— Кўрдим ҳалигини... денгиз «иблиси»ни,— деди.

— Йўғ-е, ростданми?

— Гапир, гапирсанг-чи!— деб қичқиришди қидирувчилар бетоқат бўлиб.

— Бир вақт қарасам — акула. Тўппа-тўғри менга қараб сузиб келяпти. Ўлдим энди деб қўйдим! Каттакон, қоп-қора, ейишга чоғланиб оғзини ҳам очди... Қарасам — ҳалиги ҳам сузиб келяпти...

— Бошқасими?

— «Иблис»!

— Қанақа экан? Боши борми?

— Бошими? Бор эди шекилли. Кўзлари пиёладай-пиёладай келади...

— Кўзи бўлса, демак, боши ҳам бор,— деди ишонч билан ҳинду йигит.— Ахир кўз деган нарса бошда бўлади-да. Қўли-чи? Қўли бор эканми?

— Қўллари худди бақаникига ўхшайди. Бармоқлари узун-узун, кўм-кўк ва пардали. Ўзи балиқдай ялтироқ, тангача билан қопланган. Акулага яқинлашди-ю, қўлида бир нарса «ярқ» этиб кетди. Акуланинг қорнидан тизиллаб қон отилиб чиқса бўладими...

— Оёқлари қанақа?— деб сўради қидирувчилардан бири.

— Оёқларими?— деди шўнғувчи эслашга уриниб.— Оёғи бутунлай йўқ. Катта думи бор. Думининг учида эса иккита илон.

— Қайси биридан кўпроқ қўрқдинг — акуладанми ёки «иблис»данми?

— «Иблис»дан,— деб жавоб берди у иккиланмай.— Гарчи мени қутқарган бўлса ҳам «иблис»дан қўрқдим. У ўшанинг ўзи...

— Ҳа, худди ўзи.

— «Денгиз иблиси»,— деди ҳинду.

— Бечораларга ёрдам берувчи денгиз худоси,— деб тузатди кекса ҳинду.

Бу хабар бир зумда кўрфаз ичида сузиб юрган қайиқларга бориб етди. Қидирувчилар шошилинч равишда кемага қараб талпиниб, апил-тапил қайиқларни бортга чиқара бошладилар.

Ҳамма «денгиз иблиси» қутқарган шўнғувчини ўраб олиб, уни қайта-қайта гапиришга мажбур қиларди. Шўнғувчи ҳам янги-янги тафсилотлари билан ҳикоясини такрорларди. У махлуқнинг бурнидан қип-қизил олов чиққанини, тишлари ўткир ва бармоқ каби узунлигини эслади. Унинг қулоқлари қимирлаганмиш, ёнида сузгичлари, орқасида эса эшкакдай думи бор эмиш.

Белигача қип-яланғоч, оқ иштон ва бошига соявони кенг похол шляпа кийиб олган Педро Зурита сарпойчан туфлисини судраб, палубада у ёқдан-бу ёққа юраркан, гапга диққат билан қулоқ соларди.

Шўнғувчи ҳикояга берилган сари Педронинг, буларнинг ҳаммаси акулани кўриб ўтакаси ёрилган қидирувчининг уйдирмалари, деган ишончи мустаҳкамлана борди.

«Тағин ким билади, эҳтимол ҳаммаси ҳам уйдирма эмасдир. Кимдир акуланинг қорнини ёрган: кўрфаздаги сув қизариб кетдику, ахир. Ҳинду ёлғон гапиряпти, аммо унинг гапида ҳақиқат ҳам бўлса керак. Шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирлармиди. Ғалати можаро чиқди-да, жин ургур!»

Кутилмаганда қоя ортидан янграган бурғи садоси Зуританинг хаёлларини тўзғитиб юборди.

Бу товуш «Медуза» экипажини чақмоқ ургандай ҳангу-манг қилиб қўйди. Гап-сўз тўхтаб, бир зумда ҳамманинг юзи докадек оқариб кетди. Қидирувчилар даҳшат ичида бурғу овози келган қояга қараб бақрайиб қолишган эди.

Қоядан сал нарида, океан юзида дельфинлар галаси пайдо бўлди. Дельфинлардан бири тўдадан айрилиб, гўё бурғи овозига жавоб бергандай, қаттиқ пишқирди-да, шитоб билан қоянинг орқасига сузиб ўтиб кетди. Бир неча дақиқа бетоқатлик билан ўтди. Тўсатдан қоянинг орқасидан дельфин кўринди. Унинг устида шўнғувчи ҳозиргина ҳикоя қилган ғалати махлуқ — «иблис» худди отга миниб олгандай ўтирарди. Гавдаси одамникидай, қуёш нурида чарақлаб турган катта-катта кўзлари автомобиль чироқларига ўхшайди, териси кумушдай ялтироқ, қўллари бақаникидан фарқ қилмайди — кўкимтир, узун бармоқлари парда би-

лан қопланган. Оёқларининг тиззасидан пасти сувда турганидан улар дум билан тугайдими ёки росмана одамникига ўхшаганми — билиб бўлмасди. «Иблис» қўлида узун бурама чиғаноқ ушлаб турарди. У яна бир марта ана шу чиғаноқни чалди-да, кейин хандон ташлаб кулди ва кутилмаганда соф испан тилида:

— Тезроқ, Лидинг[1], олға!— деб бақирди ва бақаникига ўхшаган қўллари билан дельфиннинг ялтироқ елкасига шапатилаб, оёқлари билан унинг биқинига ниқтай бошлади. Дельфин ҳам йўрға отдай тезлигини оширди.

Қидирувчилар беихтиёр қичқириб юборишди.

Ғалати чавандоз қайрилиб қаради. Одамларни кўриб, калтакесак тезлигида дельфин устидан сирғалиб тушди-да, ўзини унинг панасига олди. Дельфин орқасидан ҳайвоннинг елкасига шапатилаётган кўм-кўк қўл кўриниб турарди. Итоаткор дельфин ўз суворисн билан океан қаърига шўнғиб кетди.

Икки ғаройиб дўст сув остида ярим доира ясаб, қоя ортига яширинишди...

Фавқулодда бу ҳодиса бир минутлар орасида юз берган бўлса ҳам унинг томошабинлари анча маҳалгача эс-ҳушларини йиға олмадилар.

Қидирувчилар бақиришар, бошларини чангаллаб палубада у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Ҳиндулар чўккалаганча денгиз худосидан шафқат сўраб, ёлворишга тушишди. Мексикалик ёшгина бир йигит қўрққанидан грат-мачтага чиқиб дод сола бошлади. Негрлар ўзларини тагхонага отиб, бурчакка қисилиб олишди.

Ов ҳақида ўйлайдиган фурсат эмас эди. Педро билан Балтазар зўр-базўр кемани тартибга келтиришди. «Медуза» лангар кўтариб, шимолга қараб йўл олди.

ЗУРИТАНИНГ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИ

«Медуза» капитани рўй берган воқеани пухта ўйлаб кўриш ниятида ўз каютасига тушди.

— Жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас!— деди Зурита бошига иссиқ сув қуяркан.— Денгиз махлуқи соф Кастилия шевасида гапирса-я! Нима гап ўзи? Тилсимотми бу? Ақлдан оздикмикан? Лекин бутун команда бирданига ақлдан озиб қолмагандир. Ҳатто икки киши бир хил туш кўриши мумкин эмас. Аммо денгиз «иблис»ини ҳаммамиз кўрдик. Бу шубҳасиз. Демак, у қанчалик ақлга сиғмайдиган нарса бўлишига қарамай, бор экан-да.— Зурита бошига яна сув қуйди ва шамолламоқ учун иллюминатордан бошини чиқарди.— Ҳар нима бўлганда ҳам,— деб давом этди у бир оз нафасини ростлаб олгач,— бу сирли мавжудот инсон ақли билан бунёдга келган ва ўз ҳаракатларини ўйлаб, мулоҳаза билан қилади. У, афтидан, сув остида ҳам, қуруқликда ҳам ўзини бир хилда яхши ҳис этадиганга ўхшайди. Испанча

---

[1] Лидинг — американча «етакчи». *(Автор.)*

гаплашганини ўз қулоғимиз билан эшитдик,— демак, у билан умумий тил топиш ҳам мумкин. Тўхта, агар... агар уни тутиб олиб, қўлга ўргатсак ва марварид теришга мажбур қилсак-чи? Сув остида яшай оладиган битта бақа бутун бир қидирувчилар артелининг ўрнини босади. Ана фойда — мана фойда! Ҳар бир қидирувчига истасанг-истамасанг овнинг тўртдан бир қисмини беришинг керак. Бақага эса ҳеч қанча кетмайди. Ахир шунда ҳам ҳаш-паш дегунча юз минг, миллион пезетни уриб қўйиш ҳеч гап эмас!

Зурита хаёлига эрк берди. Шу пайтгача у бойиш умиди билан яшар, ҳали ҳеч ким бормаган жойларга бориб, марварид чиғаноқларини қидирарди. Форс қўлтиғи, Цейлоннинг ғарбий соҳили, Қизил денгиз, Австралия атрофлари — бу сермарварид ерлар жуда узоқ, бундан ташқари, у ерларда одамлар кўпдан бери марварид қидиради. Мексика ёки Калифорния қўрфазлари, Фома ва Маргарита ороллари га йўл олинса қандай бўларкин? Энг асл америка марваридлари терилаётган Венесуэла соҳилларига Зурита боролмасди. Чунки унинг кемаси анча эскириб қолган, бундан ташқари, қидирувчилар ҳам етишмас,— қисқаси, ишни тамомила қайтадан йўлга солиш лозим эди. Бунинг учун эса Зуританинг қўли калталик қилар эди. Ана шу сабаблар билан у Аргентина қирғоқларидан нарига жилолмасди. Энди-чи! Энди у бир йилнинг ичида бойликка кўмилиб кетиши мумкин, фақат «денгиз иблиси»-ни қўлга туширса кифоя.

У бутун Аргентинада, эҳтимол бутун Америкада энг бой киши бўлиб қолади. Пул уни ҳокимият тепасига олиб чиқади. Педро Зуританинг номи тилларда достон бўлади. Аммо жуда эҳтиёт бўлиш керак. Энг муҳими — сирни пинҳон тутиш зарур.

Зурита палубага кўтарилиб, бутун экипажни бир ерга тўплади.

— «Денгиз иблиси» ҳақида гап тарқатган кишиларнинг ҳоли нима бўлганини биласизларми?— деди у.— Уларнинг ҳаммасини полиция қўлга олиб, қамоққа тиқиб қўйди. Сизларни огоҳлантириб қўйишим керак: агар бирортангиз «денгиз иблиси»ни кўрганингиз ҳақида бировга оғиз очсангиз — шўримга шўрва тўкилди, деяверинг. Тўппа-тўғри қамоққа олиб кетишади. Эшитяпсизларми? Шунинг учун жонингиздан умидингиз бўлса «иблис» ҳақида валақлаб юрманг.

«Буларнинг гапига барибир ҳеч ким ишонмайди: ўзиям худди чўпчакка ўхшайди-да»,—деб дилидан ўтказди Зурита ва каютасига ёлғиз Балтазарни чақириб, унга ўз режасини гапириб берди.

Балтазар хўжайиннинг гапига диққат билан қулоқ солди, бир оз ўйланиб олиб, жавоб берди:

— Жуда яхши. «Денгиз иблиси» юзлаб қидирувчиларнинг ўрнини босади. «Иблис»ни хизматкор қилиб олсак кўп соз иш бўларди-да. Лекин қандай қилиб тутиш мумкин уни?

— Тўр билан,— деб жавоб берди Зурита.

— Акуланинг қорнини ёргандай, тўрни ҳам қирқади-ташлайди-да.

— Сим тўр буюртиришимиз мумкин.

— Ким уни тутади? Шўнғувчиларингиз «иблис»нинг номини эшитгандаёқ қалтираб қолади. Бир қопдан тилла берганингда ҳам кўнмайди улар.

— Ўзинг-чи, Балтазар?

Ҳинду елкасини қисди.

— Умримда «денгиз иблиси» овламаганман. Уни пойлаш, менимча, осон эмас, ўлдириш эса, агар у гўшт билан суякдан ясалган бўлса, мумкин. Аммо сизга тирик «иблис» керак-да.

— Ундан қўрқмайсанми, Балтазар? «Денгиз иблиси» ҳақида қандай фикрдасан?

— Денгиз устида учадиган қоплон ва дарахтга тирмашиб чиқадиган акула ҳақида нималар дейишим мумкин? Номаълум ҳайвон даҳшатлироқ. Аммо мен қўрқинчли ҳайвонларни овлашни яхши кўраман.

— Сени жуда хурсанд қиламан,— деди Зурита Балтазарниинг қўлини қисиб ва ўз режаларини тушунтиришда давом этди:— Бу ишда қанча кам киши иштирок этса, шунча яхши. Сен арауканларнинг ҳаммаси билан гаплаш. Улар жасур ва уддабурро кишилар. Беш киши олсанг кифоя. Агар ўзимизникилар кўнишмаса четдан топ. «Иблис» қирғоқда тутилади. Энг олдин унинг уяси қаердалигини аниқлаш керак. Ана ўшанда уни тўрга тушириш қулай бўлади.

Зурита билан Балтазар тезда ишга киришиб кетишди. Зуританинг закази билан оғзи очиқ каттакон бочкага ўхшаган сим кажава тайёрланди.

«Иблис» ўргумчак уясига тушгандай ўралиб қолсин учун Зурита кажаванинг ичига каноп тўр жойлаб қўйди. Қидирувчиларни бўшатишди. «Иблис» овида қатнашиш учун Балтазар «Медуза» экипажидан фақат икки ҳинду-арауканни кўндиришга муваффақ бўлди. Қолган уч кишини у Буэнос-Айресдан ёллаб келди.

«Иблис»ни қидиришни «Медуза» экипажи биринчи марта у кўринган кўрфаздан ушлашга қарор қилди. «Иблис»да шубҳа туғилмаслиги учун кема унча катта бўлмаган кўрфаздан бир неча километр нарида лангар ташлади. Зурита ва унинг ҳамроҳлари ўзларини балиқ дардида юрган кишилар қилиб кўрсатиш мақсадида аҳён-аҳён балиқ овлаб қўйишарди. Айни вақтда улардан учтаси навбатма-навбат қирғоқдаги тошлар ортига бекиниб, диққат билан кўрфаз сувларини кўздан кечирарди.

Йўлга чиққанларига икки ҳафта бўлаёзса ҳам, «иблис»дан ному нишон йўқ эди.

Балтазар қирғоқда яшовчи аҳоли ва фермер ҳиндулар билан алоқа боғлаб, уларга арзон-гаровга балиқ сотар, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, гапни секин «денгиз иблиси»га бурарди. Ҳамсуҳбатлар уларнинг «иблис»ни қидириш жойини тўғри танлашганини айтишарди: кўрфазга яқин ерда яшовчи кўпгина ҳиндулар бурғи овозини эшитган ва қум устида оёқ изини кўрганмишлар. Уларнинг ишонтиришича, «иблис»нинг изи одам изига ўхшаш-у, лекин бармоқлари анчагина узун эмиш. Баъзи пайтлари

ҳиндулар қумда гавда изига дуч келганлар,— афтидан у қирғоққа чиқиб ётган бўлса керак.

«Иблис» қирғоқ аҳолисига зарар етказмас, шунинг учун ҳам улар аҳён-аҳён пайдо бўлиб қоладиган бундай изларга эътибор бермасди. Аммо «иблис»нинг ўзини ҳеч ким кўрдим демасди.

«Медуза» балиқ овловчи кема қиёфасида икки ҳафта кўрфазда турди. Икки ҳафтагача Зурита, Балтазар ва ёлланган ҳиндулар океан сатҳидан кўз узмадилар, лекин «денгиз иблиси» қорасини кўрсатмади. Зурита безовталана бошлади. У бетоқат ва зиқна эди. Ўтган ҳар бир кун катта пулга тушар, «иблис»дан эса ҳамон дарак йўқ эди. Педро энди шубҳага тушиб қолди. Агар «иблис» мўъжизавий нарса бўлса, уни ҳеч қанақа тўр билан тутиб бўлмайди. Бундан ташқари, унақа шайтонга тегишиш ҳам хатарли,— Зуританинг юрагига ғулғула тушди. Ҳар эҳтимолга қарши «Медуза»га руҳонийни таклиф қилиш керакмикин? Яна харажат...ёки, эҳтимол, «денгиз иблиси» ҳеч қанақа иблис бўлмай, одамларни қўрқитиш учун иблис қиёфасига кириб олган, сузишга уста бирор ҳазилкашдир? Ё дельфинмикин? Аммо дельфинни бошқа ҳайвонлардай қўлга ўргатиш мумкин. Ёки, яхшиси, шу машмашани йиғиштириб қўя қолсамикин?

Зурита «иблис»ни биринчи кўрган кишига мукофот беражагини айтиб, яна бир неча кун кутишга қарор қилди.

Унинг толеига, учинчи ҳафта деганда, ниҳоят «иблис» кўриниш бера бошлади.

Кундузги овдан кейин Балтазар қайиқни тўла балиғи билан қирғоқда қолдирди. Эрталаб балиқ олувчи харидорлар келиши керак эди. Балтазар таниш бир ҳиндуни кўриб келиш учун фермага кетди, қайтиб келиб қараса, қайиқ бўшаб қолибди. Балтазар дарҳол, бу «иблис»нинг иши, деган фикрга келди.

«Наҳотки, шунча балиқни еб қўйган бўлса?»— деб таажжубланди у.

Ўша куни кечаси навбатчиликда турган ҳиндулардан бири кўрфазнинг жанубида бурғи овозини эшитиб қолди. Икки кун ўтгач, саҳар пайтида араукан йигит «иблис»нинг изини топишга муваффақ бўлганини хабар қилди. Уни дельфин билан бирга кўрган. Бу гал «иблис» дельфиннинг устида эмас, балки бўйнидаги абзали — энлик қайишдан ушлаганча у билан ёнма-ён сузиб келган. «Иблис» кўрфазга етгач, дельфиннинг бўйнидан қайишни ечган-да, қўли билан жониворнинг елкасига қоқиб, ўзи сув остидаги тик қоянинг тагига кириб кетган. Дельфин сув юзида бир оз сузиб юргач, кўздан йўқолган.

Зурита арауканнинг гапларини эшитиб, унга мукофот ваъда қилди-да:

— Бугун кундузи «иблис» уясидан чиқиши гумон. Шунинг учун кўрфаз тубини кўздан кечиришимиз керак. Ким бу ишни бажаради?— деди.

Ғалати махлуқ билан юзма-юз келишдан қўрқиб, ҳеч ким денгиз остига тушишни истамасди.

Балтазар олдинга чиқди.

— Мана мен! — деди у қисқа қилиб. Балтазар ҳаммавақт ўз сўзининг устидан чиқишга одатланганди.

«Медуза» ҳамон лангарда турарди. Қоровуллардан бошқа ҳамма қирғоққа чиқиб, кўрфаздаги тик қоя томон йўл олди.

Балтазар мабодо ярадор бўлиб қолса, тортиб олишлари учун белига арқон боғлади, пичоқ олди, кейин оёқлари орасига тош қистириб, сув остига тушиб кетди.

Арауканлар кўрфаздаги қоялар соясидаги зангори туман орасидан ғира-шира кўринаётган нуқтага тикилиб, унинг қайтишини сабрсизлик билан кутиб туришди. Қирқ, эллик секунд, бир минут ўтди ҳамки, Балтазар сувдан чиқмасди. Ниҳоят арқонни силтади, уни тортиб олишди. Балтазар нафасини ростлаб олгач:

— Торгина йўлак ерости ғорига олиб боради. Ичи акуланинг қорнидай қоп-қоронғи: «денгиз иблиси» шу ғорга яширинган. Ғорнинг атрофи сип-силлиқ девор,— деди.

— Жуда соз! — деб хитоб қилди Зурита.— Қоронғи бўлса қайтанга яхши. Тўрларимизни жойлаб қўйсак, балиқ ҳам илинади.

Кун ботиши билан ҳиндулар пишиқ арқонга боғланган сим тўрларни ғорнинг оғзига тушириб, арқоннинг бир учини қирғоққа маҳкамлаб ташладилар. Балтазар арқонга қўнғироқчалар осиб қўйди: улар тўрга бирор нарса сал тегиши билан жиринглаб, қирғоқдагиларни огоҳлантирар эди.

Зурита, Балтазар ва беш араукан соҳилга ўтириб олиб, жимгина кутиб туришди. Кемада ҳеч ким қолмаган эди.

Тезда қоронғулик тушди. Ой чиқиб унинг нури сув юзида жилва қила бошлади. Ҳаммаёқ жимжит. Одамларни фавқулодда бир ҳаяжон чулғаб олган эди. Ким билади, балиқчи ва марварид қидирувчиларнинг юрагига даҳшат солиб турган ғалати мавжудотни ҳозир улар кўриб қолишар.

Тун дақиқалари секинлик билан ўтарди. Одамлар мудрай бошладилар.

Бирдан қўнгироқчалар жиринглаб қолди. Ҳамма сапчиб туриб, арқонга ёпишди. Тўрни кўтара бошладилар. У хийла оғир эди. Арқонлар силкиниб, тўр ичида нимадир типирчиларди. Мана, тўр океан сатҳига чиқиши билан хира ой ёруғида ярим инсон-ярим ҳайвон қиёфасидаги тана кўзга ташланди. Ой нури унинг каттакон кўзларида ва кумушранг тангачаларида ярқирарди. «Иблис» тўрга ўралиб қолган қўлини халос қилиш учун зўр бериб уринарди. У бунга муваффақ бўлди ҳам. Белидаги ингичка камарида осилиб турган пичоғини суғуриб, тўрни қирқа бошлади.

— Қирқиб бўпсан, тирмизак! — деб ғулдиради ўлжасига анграйиб тикилиб қолган Балтазар.

Аммо уни ҳангу манг этиб, пичоқ сим тўрни бемалол қирқди. «Иблис» чаққонлик билан тешикни кенгайтира бошлади, қидирувчилар жонҳолатда тўрни қирғоққа тортишга тушдилар.

— Тезроқ! Тезроқ! — деб бақириб қолди Балтазар.

Аммо ўлжа энди сўзсиз қўлга тушди деганда «иблис» қирқилган жойдан ўзини сувга ташлаб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Анграйиб қолган қидирувчиларнинг қўлидан арқон тушиб кетди.

— Ажойиб пичоқ! Симни қирқди-я!— деди завқ билан Балтазар.

— Сув остидаги темирчилар бизларникидан дуруст экан-да.

Зурита бошини хам қилиб, бутун бойлигидан ажралиб қолган кишидай, сувга термилиб қолган эди. Ниҳоят у бошини кўтарди, пахмоқ мўйловини силаб, ер тепинди.

— Йўқ, йўқ!— деб қичқирди у.— Жаҳаннамдаги ўша ғорингда ўлсанг ўласанки, мендан қутула олмайсан. Ҳар қанча пулни аямайман, ғаввослар тушираман, бутун кўрфазни тўр ва қопқонлар билан тўлдириб ташлайман, ҳа, қўлимга тушмагунингча қўймайман!

У довюрак, матонатли ва ўжар киши эди. Бу бежиз эмасди. Педро Зуританинг томирларида испан босқинчиларининг қони бор эди. Бундан ташқари ҳалигидай нодир нарса учун ҳар қанча курашса арзирди ҳам.

«Денгиз иблиси» ҳеч қандай мўъжизавий ва қудратли мавжудот эмас экан. У кўринишидан, Балтазар айтганидай, гўшт ва суякдан ясалганга ўхшайди. Демак, уни тутиб занжирга боғлаб қўйиш ва уни Зуританинг манфаати йўлида океан тубидан бойлик излаттириш мумкин. Мабодо денгиз худоси Нептуннинг ўзи қўлига айри олиб «денгиз иблиси»нинг ёнида турганида ҳам Балтазар уни албатта қўлга туширади.

ДОКТОР САЛЬВАТОР

Зурита ўз муддаосини амалга оширишга жиддий киришди. У кўрфаз остига сим тўсиқлар тортди, ҳамма томонга тўр ташлади, қопқонлар қўйди. Аммо ҳозирча унинг ўлжаси фақат балиқлардангина иборат бўлиб қолди, «денгиз иблиси» худди ер тагига киргандай йўқ бўлди-кетди. У қайтиб кўринмади ҳам, ўзидан ному-нишон бермади ҳам. Ўргатилган дельфин ҳар куни кўрфазга келиб, бамисоли ўз дўстини сайрга чорлагандай, сувга шўнғир ва беҳуда пишқирарди. Дўсти кўринавермагач, у жаҳл билан охирги марта пишқирди-да, очиқ океанга сузиб кетди.

Ҳавонинг авзойи бузилди. Шарқдан кўтарилган шамол океан сатҳини бешикдай тебратарди; тўзғиб кетган қум кўрфаз сувини лойқалантириб юборди. Серкўпик тўлқинлар океан тубини бутунлай кўздан яшириб қўйди. Сув остида нималар бўлаётганини энди кўриб бўлмасди.

Зурита қирғоқда қават-қават тўлқинларга термулганича соатлаб турарди. Бир-бирини қувлашиб, бостириб келаётган улкан тўлқинлар осмонга сапчир, унинг қуйи қатламлари ҳўл қум устида ўрмалаб, шағал ва чиғаноқларни суриб, Зуританинг оёқларига уриларди.

— Йўқ, бу билан иш битмайди,— деди Зурита.— Бошқа чора ўйлаш керак. «Иблис» инидан чиқмаяпти. Демак, уни тутиш

учун олдига — сув остига тушишга тўғри келади. Бу аниқ!— Шундай деб, у янги, мустаҳкам қопқон ясаш билан овора бўлиб ўтирган Балтазарга мурожаат қилди:

— Дарҳол Буэнос-Айресга жўна, у ердан иккита кислородли ғаввослик костюми олиб кел. Одатдаги ичакли ғаввослар костюми ҳаво юбориш учун ярамайди. «Иблис» ичакни кесиб юбориши мумкин. Бундан ташқари, эҳтимол, қисқа сув ости саёҳати уюштиришга тўғри келиб қолар. Ҳа, айтгандай, электр фонарлари олишни ҳам унутма.

— «Иблис»никига меҳмонга бормоқчимисиз?— деб сўради Балтазар.

— Сен билан бирга, албатта, чол.

Балтазар бош ирғаб, йўлга тушди.

У ғаввослик костюмлари ва фонарларгина эмас, балки бронзадан ишланган бир жуфт узун-узун жимжимадор эгри пичоқ ҳам келтирди.

— Ҳозир бунақасини ясай олмайдилар,— деди у.— Бу арауканларнинг қадимий пичоғи. Кўнглингизга келмасин-у, бу пичоқлар билан менинг катта боболарим қачонлардир оқларнинг — сизнинг катта боболарингизнинг қорнини ёрган.

Бу тарихий маълумот Зуритага ёқмади, шунга қарамай, пичоқлар унга маъқул бўлди.

— Сен жуда узоқни кўрадиган одамсан, Балтазар.

Эртаси куни тонготарда кучли бўрон бўлишига қарамай, Зурита билан Балтазар ғаввослик костюмларини кийиб денгиз тубига шўнғишди. Улар сувости ғорининг оғзидаги тўрни қийинчилик билан бир четга суриб торгина йўлакка киришди. Бир зумда ҳаммаёқни қоронғулик босди. Ғаввослар оёққа туриб, пичоқларини суғурдилар-да, электр фонарларини ёқдилар. Нурдан чўчиган балиқлар ўзини тўрт томонга урди, кейин эса улар худди ҳашорат галасидай фонарнинг зангори нури теграсида парвона бўлиб, унга талпина бошладилар.

Балиқларнинг тангачалари ярқираб кўзни қамаштирганидан Зурита уларни қўли билан ҳайдашга тушди. Бу — баландлиги тўрт метр ва кенглиги беш-олти метр келадиган каттагина ғор эди. Ғаввослар атрофни кўздан кечиришди. Ғор бўм-бўш, кимсасиз. Бу ерда фақат майда балиқлар денгиз бўронлари ва йиртқичларидан жон сақласалар керак.

Зурита ва Балтазар битта-битта босиб, олға юрдилар. Ғор борган сари торая бошлади. Тўсатдан Зурита тақка тўхтаб қолди. Фонарь ёруғи йуғон темир панжарага тушди.

Зурита кўзларига ишонмади. У темир тўсиқни олиб ташлаш мақсадида панжарага ёпишиб, уни жон-жаҳди билан силтай бошлади. Аммо панжарани қимирлатиб бўлмасди. Фонарь ёруғида яхшилаб разм солгач, Зурита панжаранинг ғор деворларига маҳкам қилиб ўрнатилганлигини, унинг ҳалқаси ва ичкарида қулфи борлигини кўрди.

Бу янги жумбоқ эди.

«Денгиз иблиси» фақат ақллигина эмас, балки фавқулодда

истеъдодли мавжудот бўлиши керак. У дельфинни қўлга ўргата олган, у металл ишлари билан таниш. Ниҳоят, у денгиз тубида ўз масканини қўриқловчи мустаҳкам темир ғов ясай олган. Аммо бу мумкин эмас-ку! Сув остида темирни тоблаб бўлмайди. Демак, у нуқул сувдагина яшамайди ёки жуда бўлмаганда, узоқ муддат қуруқликка чиқиб ҳаёт кечиради.

Сув остига тушганларига бир неча минутгина бўлганига қарамай, Зуританинг чакка томирлари ўйнаб кетди. Бамисоли ғаввослик қалпоғида ҳаво етишмайдиганга ўхшарди.

Зурита Балтазарга имо қилди ва улар сув ости ғоридан чиқиб (бу ерда қиладиган ишлари қолмаган эди), юқорига кўтарилишди.

Сабрсизлик билан кутаётган арауканлар ғаввосларни эсон-омон кўриб, севиниб кетишди. Зурита қалпоғини ечди ва нафасини ростлаб олгач:

— Бунга нима дейсан, Балтазар?— деб сўради.

Балтазар қўлларини ёйиб, таажжубини ифодалади.

— Нима дердим, бу ерда анча туришга тўғри келади. «Иблис» балиқ билан тирикчилик қиладиганга ўхшайди. Балиқ эса у ерда тўлиб ётибди. Уни ғорда оч қолдириб, тутиш мумкин эмас. Панжарани динамит билан портлатиш керак — бошқа иложи йўқ.

— Сенингча, Балтазар, ғорнинг икки оғзи бўлиб, бири — кўрфазда, иккинчиси — ер юзида эмасмикин?

Балтазар буни ўйламаган эди.

— Бўлиши мумкин. Нега аввалроқ атрофни кўздан кечириш хаёлга келмади, а?— деди Зурита.

Улар энди соҳилни ўрганишга киришишди.

Қирғоқда Зурита ўн гектарча жойни ўраб олган ва оқ тошдан қурилган баланд деворга дуч келди. Зурита деворни айланиб чиқди. Узундан-узоқ бу деворда фақат битта темир дарвоза бор эди. Дарвозадаги кичкина эшикча ичкаридан қулфланган.

«Бу турма ёки қалъа,— деб ўйлади Зурита.— Қизиқ, фермерлар бунақа қалин ва баланд девор қуришмасди-ку. Ичкарига мўралай десанг, деворда на ёриқ бор, на тирқиш».

Теварак-атроф — кимсасиз, одамзод қадами етмаган жой: у ер-бу ерда тиканаклар ва кактус ўсимлиги кўзга ташланади. Пастда эса кўрфаз.

Зурита темир дарвозани пойлаб, бир неча кун девор атрофида айланиб юрди. Қани энди дарвоза очилса: ундан биров на ичкарига кирар ва на ташқарига чиқарди. Девор ортидан «тиқ» этган овоз эшитилмасди.

Зурита қош қорайганда «Медуза» палубасига қайтиб, Балтазарни чақиртирди ва:

— Кўрфаз тепасидаги қалъада ким яшашидан хабаринг борми?— деб сўради.

— Хабарим бор, фермада ишлайдиган ҳиндулардан сўраб билиб олдим. У ерда Сальватор яшайди.

— Сальваторинг ким?

— Худо,— деб жавоб берди Балтазар.

Зурита қоп-қора қуюқ қошларини таажжубланиб чимирди.

— Ҳазиллашяпсанми?

Балтазар мийиғида кулиб қўйди.

— Мен эшитганимни айтдим-да. Кўпгина ҳиндулар — Сальваторни худо, халоскор деб аташяпти.

— Нимадан халос қиларкан у?

— Ўлимдан. Айтишларича, у беҳад қудратли эмиш. Сальватор мўъжизалар яратармиш. У ўз қўлларида ҳаётни ҳам, ўлимни ҳам тутиб турармиш. У чўлоқларга янги, тирик оёқ, ожизларга бургутникидай ўткир кўз ва ҳатто ўликларга жон бахш этармиш.

— Лаънатилар!— деб ғулдиради Зурита, бармоқлари билан пахмоқ мўйловини бураб.— Кўрфазда «денгиз иблиси», кўрфаз устида «Худо». Сенингча, Балтазар, «иблис» билан «худо» бирбирига ёрдам бермасмикан?

— Менимча, бу мўъжизалар дастидан миямиз суюлмай туриб, бу ердан жўнаб қолишимиз керак.

— Сальватор қўлида шифо топган бирор кишини ўз кўзинг билан кўрдингми?

— Кўрдим. Менга бир чўлоқ кишини кўрсатишди. Сальваторникига бориб келгандан кейин отдай бўлиб кетипти. Бундан ташқари, Сальватор тирилтирган бир ҳиндуни ҳам кўрдим. Бутун қишлоқдагиларнинг айтишича, ўша ҳинду Сальваторникига олиб кетаётганларида яхдай мурда экан, Сальваторникидан эса тирилиб, ўйнаб-кулиб қайтипти. Ўлгандан кейин яхши бир қизга уйланипти. Уларнинг болаларини ҳам кўрдим...

— Демак, Сальватор бегоналарни ҳам қабул қилар экан-да.

— Фақат ҳиндуларни. Унинг олдига ҳамма томондан: Оловли Ер ва Амазонкадан, Асунсион ва Атакама саҳроларидан келишаркан.

Балтазардан шу хилдаги маълумотларни олиб, Зурита Буэнос-Айресга бориб келишга қарор қилди.

У ерда Зурита Сальваторнинг ҳиндуларни даволаши ва улар орасида мўъжизакор сифатида машҳурлигини билиб олди. Врачлар унинг талантли ва ҳатто буюк хирурглигини, лекин кўпгина атоқли кишилардай телбанамороқ одам эканлигини айтишди. Сальваторнинг номи Эски ва Янги Дунё илм аҳллари орасида жуда кенг тарқалган. Америкада у ўзининг дадил жарроҳлик операциялари билан шуҳрат қозонган. Беморнинг аҳволи оғирлашиб, врачлар операция қилишдан бош тортганларида дарҳол Сальваторни чақиришган. У ҳеч қачон бош тортмаган. Сальватор ҳаётда жасур ва тадбиркор бўлган. Империалистик уруш вақтида у француз фронтида хизмат қилиб, фақат бош мия операцияси билан шуғулланган. Минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Сулҳ тузилгандан кейин у ўз ватанига, Аргентинага кетади. Врачлик касби ва ер савдосидан Сальватор катта бойлик ортдиради. У Буэнос-Айрес яқинидан катта ер сотиб олиб, унинг атрофини баланд девор билан ўраб олгач, (бу унинг ғалати табиатидан бир шингил) ўша ерга жойлашиб, аввалги ишини бутунлай

йиғиштириб қўяди. У ўз лабораториясида фақат илмий иш билан шуғуллана бошлайди. Энди у ўзини қуруқликка чиққан худо деб атовчи ҳиндуларнигина даволар ва қабул қиларди.

Зурита Сальватор ҳаётига оид яна бир тафсилотни аниқлашга муваффақ бўлди. Сальваторнинг ҳозирги каттакон мулки ўрнида урушгача кичкина уй ва боғча бўлган. У ҳам тош девор билан ўралган. Сальватор фронтдалигида бу уйни бир негр ва бир неча улкан ит доимо қўриқлаб турган. Бу содиқ соқчилар уйга бирор жонни ҳам яқин йўлатмаган.

Кейинги пайтларда Сальватор яна махфий ишга берилди. У ҳатто университетда бирга ўқиган собиқ дўстларини ҳам қабул қилмасди.

Ана шундай маълумотлардан воқиф бўлган Зурита:

— Модомики Сальватор врач экан, унинг беморни қабул қилишдан бош тортишга ҳақи йўқ. Нега мен касал бўлмас эканман! Ўзимни касалга солиб, Сальваторнинг ҳузурига кираман. У ёғи кейин маълум бўлади,— деган қарорга келди.

Зурита Сальватор мулкини қўриқлаб турган дарвозага қараб йўл олди ва бориб уни тиқиллата бошлади. Узоқ ва қаттиқ тиқиллатганига қарамай, ҳеч ким очмади. Жаҳлидан бўғилиб кетган Зурита катта бир тошни олиб шунақа ура бошладики, шовқинига ҳатто ўлик ҳам сапчиб ўрнидан туриб кетиши мумкин эди.

Девор ортида, узоқда кучукларнинг акиллагани эшитилди, салдан кейин эшик қулфининг тешиги очилди.

— Ким у?— деб сўради биров испан тилида.

— Касал, тезроқ очинг,— деб жавоб берди Зурита.

— Касаллар бунақа тақиллатмайдилар,— деди бояги товуш оҳиста ва қулфнинг тешигидан бировнинг кўзи кўринди.— Доктор қабул қилмайди.

— Касалга ёрдам беришдан бош тортишга нима ҳақи бор?— деди жиғибийрон бўлиб Зурита.

Қулфнинг тешиги яна бекилди ва оёқ товуши аста-секин узоқлаша бошлади. Фақат кучуклар ҳамон зўр бериб акиллардилар.

Зурита сўкиниб-сўкиниб кемага қайтиб келди.

Сальватор устидан Буэнос-Айресга шикоят қилиш керакмикан? Аммо бунинг фойдаси йўқ. Зурита ғазабдан титрарди. Унинг пахмоқ қора мўйловлари жиддий хавф остида қолди: Зурита ҳаяжон ичида дам ўтмай уларни юлқиб тортаверганидан худди паст босимни кўрсатувчи барометр стрелкасидай қуйи тушиб кетган эди.

У ўзини сал тутиб олгач, бундан кейин нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлади.

Ўйлаган сари унинг офтобда тобланган жигарранг бармоқлари тўзғиган мўйловларини тепага бурарди. Барометр кўтарила бошлади.

Ниҳоят, у палубага чиқиб, кутилмаганда ҳаммага лангарни кўтариш ҳақида буйруқ берди.

«Медуза» Буэнос-Айресга қараб йўл олди.

— Яхши,— деди Балтазар.— Қанча вақтимиз беҳуда кетди. «Иблис»ни ҳам, «худо»сини ҳам жин урсин!

БЕТОБ НАБИРА

Қуёш шафқатсиз қиздирарди. Ҳосилдор буғдой, маккажўхори ва сули даласи ёқалаб ўтган сертупроқ йўлда ўлгудай ҳолдан тойган кекса бир ҳинду кетяпти. Усти-боши жулдур. У қўлига қуёш нуридан асраш учун эски одеялга ўралган бетоб болани кўтариб олган. Боланинг кўзлари ярим юмуқ. Унинг бўйнида каттакон шиш кўзга ташланиб турибди. Аҳён-аҳёнда, чол қоқилиб кетган пайтларда бола хириллаб инграр ва кўзларини хиёл очиб қўярди. Чол эса тўхтаб, уни шамоллатиш ниятида юзига беозоргина пуфларди.

— Ишқилиб, тирик олиб борайин-да,— деб пичирларди чол қадамини тезлатиб.

Темир дарвозага етиб келгач, ҳинду болани чап қўлига олиб, ўнг қўли билан эшикни тўрт марта қоқди.

Эшик қулфининг тешиги қия очилиб, ёриқдан биров мўралади, кейин тамба ғичирлади-ю, эшик очилди.

Ҳинду қўрқа-писа остонадан ҳатлади. Унинг қаршисида оқ халат кийган, жингалак сочлари оппоқ кекса бир негр турарди.

— Докторга келувдим, боланинг тоби қочиб қолди,— деди ҳинду.

Негр индамай бош силкиди, эшикни тамбалади-да, орқамдан юр дегандай ишора қилди.

Ҳинду атрофга кўз ташлади. Улар тош ётқизилган мўъжазгина ҳовлида туришарди. Ҳовлининг бир томони баланд ташқи девор билан, иккинчи томони эса — ҳовлини қўрғоннинг ичкари қисмидан ажратувчи пастроқ девор билан ўралган. На бир гиёҳ ва на бир кўкат кўринади — худди турма. Ҳовлининг бурчагида, иккинчи девор дарвозаси ёнида каттакон деразали оқ уй қад керган. Уйнинг олдида, ерда эркак ва аёл ҳиндулар ўтиришибди. Кўпларининг болалари бор.

Болаларнинг деярли ҳаммаси тетик. Уларнинг баъзилари чиғаноқларда жуфтми-тоқ ўйнашяпти, баъзилари эса овоз чиқармасдан курашишяпти, оқ сочли негр болалар шовқин кўтармасликлари учун доимо кўз-қулоқ бўлиб турарди.

Кекса ҳинду итоаткорлик билан ерга, уй сояси тушиб турган жойга ўтирди ва боланинг кўкариб кетган ҳаракатсиз юзига пуфлай бошлади. Ҳиндунинг ёнида оёғи шишган бир кампир ўтирарди. У ҳиндунинг тиззасида ётган болага термилиб:

— Қизингми?— деб сўради.

— Набирам,— деб жавоб берди ҳинду.

Кампир бошини сарак-сарак қилиб:

— Набирангни жин чалибди. Аммо у ҳар қандай жиндан ҳам кучли, набиранг албатта тузалиб кетади,— деди.

Ҳинду маъқуллагандай бош силкиди.

Оқ халат кийган негр беморларни айланиб ўтиб, ҳиндунинг боласига кўз ташлади ва уй эшигига ишора қилди.

Ҳинду саҳнига тош ётқизилган катта хонага кирди. Хонанинг ўртасида устига оқ чойшаб ёпилган ингичка узун стол турарди. Хира ойнали иккинчи эшик очилиб, хонага оқ халат кийган, узун бўйли, елкадор, қорамағиз киши — доктор Сальватор кирди. Қоп-қора қоши ва киприкларидан бошқа Сальваторнинг бошида бирор тук йўқ эди. Афтидан у бошини ҳар доим қирдириб юрса керак, негаки бош териси худди юзидай офтобда қорайиб кетган эди. Каттакон қирғий бурни, қўпол ва учдор ияги ҳамда қаттиқ қимтилган лаблари унинг чеҳрасига шафқатсиз ва ҳатто ваҳшиёна ифода бериб турарди. Унинг қўй кўзлари совуқ термиларди. Бу нигоҳ таъқибидан ҳинду ўзини йўқотиб қўяёзди.

У эгилиб таъзим қилгач, болани узатди. Сальватор чаққон, ишончли ва айни вақтда эҳтиёткорона ҳаракат билан бемор қизчани ҳиндунинг қўлидан олди-да, бола ўралган латтани ажратиб, хона бурчагида турган яшикка улоқтирди. Ҳинду увадани олиш учун яшик томон каловланиб юра бошлаган эди, Сальватор уни дарҳол тўхтатди.

— Тўхта, тегма!

Кейин қизчани столга ётқизиб, унинг устига энгашди. У ҳиндуга ён томонидан кўринарди. Шу пайт ҳиндуга доктор эмас, балки кичкина қушча устига йиртқич қуш энгашгандай туюлди. Сальватор бармоқлари билан боланинг бўйнидаги шишни сийпалай бошлади. Унинг бармоқлари ҳам ҳиндуни ҳангу манг қилиб қўйди. Бу бармоқлар узун-узун, фавқулодда ҳаракатчан бармоқлар эди. Улар пастгагина эмас, балки ён томонларга ва ҳатто тепага ҳам бемалол қайрилаверардилар. Анграйиб қолган ҳинду бу ғалати киши туфайли туғилаётган ваҳимали фикрларни зўр бериб миясидан қувишга уринарди.

— Соз. Жуда соз,— деди Сальватор, гўё шишдан баҳра олгандай, уни бармоқлари билан сийпалаб.

Кўрикни тугатиб, Сальватор ҳиндуга ўгирилди ва деди:

— Ҳозир ой боши. Бир ойдан кейин, янги ой бошида кел, қизингни соппа-соғ олиб кетасан.

У ойнаванд эшик орқали болани ваннахона, операция хонаси ва касаллар ётадиган палаталар жойлашган ичкари хонага олиб кириб кетди.

Негр эса қабулхонага навбатдаги беморни — оёғи касал кампирни олиб кирди.

Ҳинду Сальватор ортидан беркилган ойнали эшикка эгилиб таъзим қилди-да, ташқарига чиқди.

Роппа-роса йигирма саккиз кундан кейин яна ўша ойнали эшик очилди. Остонада янги кўйлак кийган, тетик, юзлари қипқизил қизча турарди. У бобосига ҳадик билан тикиларди. Ҳинду қизчасига ташланиб, қўлига даст кўтариб олди-да, юз-кўзла-

ридан ўпа кетди, кейин томоғига қаради. Шишдан ному нишон қолмаган эди. Фақат кичкина, билинар-билинмас қизғиш чандиқ операциядан гувоҳлик бериб турар эди.

Қизча қўли билан зўр бериб бобосини нари итарар, ўпмоқчи бўлиб, ўзининг кўпдан бери устара тегмаган соқолини ботирганида эса ҳатто додлаб юборарди. Қизчани ерга қўйишга тўғри келди. Хонага Сальватор кирди. Энди доктор ҳатто жилмайди ва қизчанинг бошини силаркан:

— Мана, қизингни қабул қил. Ўз вақтида олиб келибсан. Бир неча соат кечикканингда ҳам унинг ҳаётини сақлаб қолиб бўлмасди,— деди.

Кекса ҳиндунинг юзи бир зумда ажинлар билан қопланди, лаблари титраб, кўзларидан ёш қуйилди. У қизчани яна кўтариб, багрига босди, кейин Сальваторнинг оёқлари остига тиз чўкди-да, титроқ овоз билан:

— Сиз набирамни сақлаб қолдингиз. Қашшоқ ҳинду сизга ўз ҳаётидан бўлак нимани ҳадя қила оларди?— деди.

— Сенинг ҳаётинг менга нима учун керак экан?— деб таажжубланди Сальватор.

— Қари бўлсам ҳам, ҳали қувватим бор,— деб давом этди ҳинду чўккалаганча.— Набирамни онасига — қизим олдига ташлайман-да, ҳузурингизга қайтаман. Менга қилган яхшилигингиз учун қолган бутун умримни сизга бағишлайман. Қул мисоли хизматингизни қиламан. Ўтиниб сўрайман, марҳаматингизни дариғ тутманг.

Сальватор ўйланиб қолди.

Юмуш топилишига қарамай, Сальватор янги хизматкорларни жуда эҳтиёткорлик ва нохушлик билан оларди. Иш кўп,— Джим боғ ишларини ёлғиз уддалай олмайди, доктор негрни афзал кўрса ҳам, бу ҳинду жуда муносиб кишига ўхшарди.

— Сен менга ҳаётингни тақдим қилиб, марҳамат юзасидан ўз туҳфангни қабул қилишимни сўраяпсан. Яхши. Сенингча бўлсин. Қачон қайтиб келасан?

— Бир ҳафтага қолмай шу ерда бўламан,— деди ҳинду Сальваторнинг этагини ўпиб.

— Исминг нима?

— Меникими?.. Кристо — Христофор.

— Бор, Кристо. Сени кутаман.

— Юр, қизгинам!— деди Кристо набирасига мурожаат қилиб ва яна уни қўлига олди. Қизча йиғлаб юборди. Кристо ташқарига шошилди.

ҒАРОЙИБ БОҒ

Бир ҳафтадан кейин Кристо қайтиб келди. Сальватор унинг кўзларига диққат билан тикилиб, деди:

— Яхшилаб қулоқ сол, Кристо. Сени ишга қабул қиламан. Яхши боқаман, дурустгина маош ҳам оласан...

Кристо қўл силкиди.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, даргоҳингизда хизмат қилсам кифоя.

— Тўхта, гапга қулоқ сол,— деб давом этди Сальватор.— Сен ҳамма нарсага эга бўласан. Аммо битта шартим бор: бу ерда кўрганларинг ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаслигинг керак.

— Бировга чурқ этсам, тилим кесилсин.

— Эҳтиёт бўл, бунақа фалокатга сен йўлиқма,— деди огоҳлантириб Сальватор ва оқ халатли негрни чақириб:

— Бу кишини боққа олиб бориб, Джимнинг қўлига топшир,— деб буюрди.

Негр индамай таъзим қилди ва ҳиндуни оқ уйдан олиб чиқдида, Кристога таниш бўлган ҳовлидан ўтиб, иккинчи девордаги темир эшикни тақиллата бошлади.

Девор орқасидан итнинг вовуллагани эшитилди, эшик ғичирлаб, астагина очилди, негр Кристони боғ ичига итариб юборди-да, эшик орқасида турган бошқа бир негрга бўғиқ овозда алланималар деб қичқириб изига қайтди.

Кристо қўрққанидан деворга ёпишиб олди: унга томон ўкирикка ўхшаш ҳуриб, қизил-сарғиш тусдаги қора холли ғалати йиртқичлар югуриб келарди. Агар Кристо уларга саҳрода дуч келганида, албатта, қоплон деб ўйлаган бўларди. Аммо чопиб келаётган йиртқичлар итга ўхшаб акилларди. Ҳозир қанақа ҳайвон ҳужум қилса ҳам Кристога бари бир эди. У яқин турган бир дарахтга отилиб, жонҳолатда унга тирмашиб чиқа бошлади. Негр итларга худди аччиқланган заҳарли илонга ўхшаб вишиллаган эди, дарров ҳаммаси шаштидан тушди. Улар акиллашни тўхтатиб, ерга чўзилишди ва бошларини икки олдинги оёқлари устига қўйиб, кўз қири билан негрга тикилиб олишди.

Негр дарахт тепасида ўтирган Кристога қараб вишиллай бошлади, кейин дарахтдан туш дегандай қўл силкиди.

— Нега илонга ўхшаб вишиллайсан?— деди Кристо ўрнидан жилмай.— Тилинг танглайингга ёпишиб қолганми?

Негр газаб билан ўкириб қўйди.

«Соқов бўлса керак»,— деб ўйлади Кристо ва Сальваторнинг огоҳлантиришини эслади. Наҳотки Сальватор сирни фош этган хизматкорларининг тилини қирқса? Афтидан анови негрнинг ҳам тили кесилган бўлса керак... Шу он Кристонинг юраги шу қадар орқасига тортиб кетдики, дарахтдан ағдарилиб тушишига сал қолди. Бирор илож қилиб тезроқ бу ердан қочгиси келди. У ўзи ўтирган дарахтдан деворгача бўлган масофани чамалаб кўрди. Йўқ, сакраш мумкин эмас... Шу пайт негр дарахт остига келди-да, ҳиндунинг оёғидан ушлаб зўр бериб пастга торта бошлади. Бўйсунишдан бошқа илож қолмаган эди. Кристо дарахтдан сакраб тушди-да, илтифот билан илжайишга уринди ва унга қўл узатиб:

— Джиммисан?— деб сўради дўстона қиёфада.

Негр бош силкиди.

Кристо унинг қўлини маҳкам қисди. «Дўзахга тушдингми,

энди иблислар билан муроса қилиш керак»,— деб ўйлади у ва баланд овозда давом этди:

— Соқовмисан?

Негр жавоб бермади.

— Тилинг йўқми?

Негр яна индамай тураверди.

«Қанақа қилиб оғзини кўрса бўларкин?— деб ўйлади Кристо. Аммо Джим кўринишидан имо-ишора билан ҳам гаплашишни истамасди. У Кристонинг қўлидан ушлаб, қизил-сарғиш йиртқичлар олдига олиб келди ва уларга алланима деб вишиллади. Йиртқичлар ўрнидан туриб, Кристога яқинлашишди-да, уни ҳидлаб яна аста нари кетишди. Кристонинг юраги бир оз таскин топди.

Джим Кристони боғ билан таништира бошлади.

Тош ётқизилган бефайз ҳовлидан ўтганларидан кейин боғ ўзининг гул ва кўкатлари билан Кристони ҳайратда қолдирди. Шарққа қараб чўзилиб кетган боғ денгиз қирғоғи сари пасайиб борарди. Қизғиш чиғаноқ увоқлари сепилган йўлаклар ҳар томонга таралиб кетган. Йўлакларнинг четида жозибадор кактуслар ва ширадор зангори агавалар[1], сон-саноқсиз сариқ-кўкиш гулли ғўшшагуллар ўсиб ётибди. Беҳисоб шафтоли ва зайтун кўзни қамаштирувчи ранго-ранг гулли қалин кўкатлар устига соя ташлаб турибди. Кўкатлар орасидан четига оқ тош терилган ҳовузлар кўзга ташланади. Катта-катта фонтанлар ҳавони соф ва оромбахш этган.

Боғ турли-туман қичқириқлар, қушларнинг чуғур-чуғури, ҳайвонларнинг ўкириши ва чинқириғи билан тўлиб-тошган эди.

Кристо умри бино бўлиб, бу қадар ғалати қуш ва ҳайвонларни кўрмаганди. Бу боғда мисли кўрилмаган йиртқичлар яшар эди.

Мана, кўкимтир мис тусли, олти оёқли калтакесак йўлкани кесиб ўтди. Дарахт тепасида икки бошли илон чириллаб қолди. Кристо иккита қип-қизил оғзини очиб вишиллаб турган бу қўшкалла судралувчидан қўрқиб, ўзини бир четга отди. Негр унга жавобан қаттиқроқ вишиллаган эди, илон бошини ҳавода ўйнатиб, дарахтдан қулади ва қамишзор орасига кириб кетди. Бошқа бир икки оёқли узун илон йўлкада ўрмалаб борарди. Темир қафас ичида хур-хурлаётган чўчқа боласи қоқ пешонасига жойлашган биттаю битта каттакон кўзини Кристога тиккан эди.

Бир-бирига туташ икки оқ каламуш қизгиш йўлка бўйлаб худди икки бошли ва саккиз оёқли махлуқдай чопиб юрибди. Баъзан бу қўшалоқ ҳайвонлар ўзаро курашишга тушади: ўнг томондаги каламуш ўнгга тортади, чапдагиси — чапга, ҳар иккиси ҳам норозилик билан чийиллайди. Аммо ҳаммавақт ўнг ёқдаги каламуш ғолиб келар эди. Йўлканинг четида эгизаклар — биқинлари билан бир-бирига туташган икки майин жунли қўй ўтлаб

---

[1] А г а в а — қалин, барги ширадор ўсимлик. Унинг толасидан газлама, ширасидан ичимлик қилинади. *(Автор изоҳи).*

юрибди. Улар каламушларга ўхшаб тортишмасди. Ҳар иккови ўртасида аллақачонлароқ ирода ва хоҳиш бирлиги вужудга келгандай. Бир махлуқ айниқса Кристони ҳайратда қолдирди. Каттакон, бутунлай юнгсиз қизил ит. Унинг устида, худди итнинг терисидан чиққандай, кичкина маймун ўтирарди. Ит Кристога яқинлашиб думини ликиллатди. Маймун бошини қимирлатиб, қўлларини силкитар, ўзи туташган итнинг елкасига шапатилар ва Кристога қараб, чийилларди. Ҳинду чўнтагидан бир чақмоқ қанд олиб, маймунга узатди. Аммо кимдир Кристонинг қўлини жонҳолатда четга тортди. Орқада вишиллаган товуш эшитилди. Кристо ўгирилиб қараб Джимни кўрди. Кекса негр имо-ишора билан маймунга овқат бериш мумкин эмаслигини тушунтирди. Шу пайт кичкина тўтибошли қарға учиб кета туриб, Кристонинг қўлидаги қандни юлиб олди-да, бута орасига яширинди. Ҳув нарида ўтлоқда сигир бошли от кишнарди.

Яйловда отникига ўхшаган думларини силкитиб, икки туя кезиб юрибди. Кўкатлар, чакалакзорлар, дарахт буталари орасидан Кристога ажойиб-ғаройиб ҳайвонлар, йиртқичлар ва қушлар кўз тиккан эди: мушук бошли итлар, хўроз бошли ғозлар, шохдор тўнғиз, бургут тумшуқли туяқушлар, ёввойи мушук танли қўйлар...

Кристо алаҳсираяпман шекилли деб ўйлади. Кўзларини ишқалаб, фонтанларнинг муздек суви билан бошини ҳўллади, аммо фойда бермади. Ҳовузларда у балиқ бошли ва жабрали илонларни, бақаникига ўхшаган оёқ-қўлли балиқларни, калтакесаксимон узун танли каттакон бақаларни кўрди...

Кристонинг яна қочгиси келиб кетди.

Ниҳоят Джим Кристони қум сепилган кенг сайхонликка олиб чиқди. Хурмо дарахтлари билан ўралган майдоннинг ўртасида Мавритания услубида қурилган оқ мармар деворли кўркам бино қад кериб турарди. Хурмо поялари орасидан арк ва тош устунлар кўзга гашланади. Дельфин шаклидаги мис фонтанлардан отилган сув олтин балиқлар сузиб юрган шаффоф ҳовузларга шалоладай қуйилмоқда. Бинога кираверишдаги энг катта фонтан афсонавий Тритондай[1] дельфин устида оғзига айланма бурғу тутиб турган ёш йигитни акс эттирарди. Истеъдодли ҳайкалтарош қўли билан бунёд этилган бу асар йигит ва дельфиннинг ғоят жонлилиги билан кишини мафтун этади.

Бино орқасида бир неча турар жой ва хизмат хоналари бўлиб, ундан нари эса оқ деворга қадар қуюқ кактус билан қопланган эди.

«Яна девор!» — деб дилидан ўтказди Кристо.

Джим ҳиндуни чоғроққина салқин бир хонага олиб кирди. У имо-ишора билан бу уй Кристога қарашли эканлигини тушунтирди-да, уни ёлғиз қолдириб изига қайтди.

---

[1] Тритон — грек мифологиясида денгиз тўлқинлари худоси. Денгиз чиғаноғини чалиб у тўлқинларни тўхтатган ёки тўлқинлантирган. Уни кўпгина дельфинга минган ҳолда тасвир этганлар. *(Автор изоҳи).*

УЧИНЧИ ДЕВОР

Кристо аста-секин ўзини қуршаб турган ғайритабиий муҳитга кўника бошлади. Боғдаги жамики йиртқичлар, парранда ва ҳайвонлар яхши ўргатилган эди. Кристо уларнинг баъзилари билан ҳатто дўстлашиб ҳам олди. Биринчи куни ўтакасини ёрган қоплон терили итлар бир зум унинг ортидан қолмай, қўлларини ялар, эркаланардилар. Туялар унинг қўлидан овқат олар, тўтиқушлар эса тўппа-тўғри елкасига келиб қўнарди.

Бог ва ҳайвонларга ўн икки негр қараб турарди. Уларнинг бари Джим каби индамас ёхуд соқов эди. Кристо уларнинг ҳатто бир-бирлари билан ҳам гаплашганини сира эшитмади. Ҳар ким индамай ўз ишини қилаверарди. Боғда Джим ишбоши эди. У негрларни назорат қилиб турар ва иш тақсимларди. Кристо эса унга ёрдамчи этиб тайинланди. Кристонинг вазифаси унчалик оғир эмас, емиши истаганча. У турмушидан шикоят қила олмасди. Аммо бир нарса — негрларнинг куну тун индамай юришлари уни ташвишлантирарди. У Сальватор ҳаммасининг ҳам тилини кесиб ташлаган, деб ишонарди. Шунинг учун ҳам доктор аҳён-аҳён уни ҳузурига чақиртирганида, ҳинду ҳар гал: «Тилимни кесади»,— деб ўйларди. Бироқ кўп ўтмай Кристо ўз тилидан камроқ хавотирланадиган бўлиб қолди.

Бир куни Кристо Джимни дарахт соясида ухлаб ётган ҳолда кўрди. Негр чалқанчасига оғзини очганча ётарди. Кристо бундан фойдаланиб оҳиста унинг оғзига мўралади ва кекса негрнинг тили ўз ўрнида турганини кўриб, анча хотиржам бўлди.

Сальватор иш вақтини қатъий тақсимлаб олган эди. Эрталаб соат еттидан тўққизгача бемор ҳиндуларни қабул қилар, тўққиздан ўн биргача операция билан шуғулланар, кейин эса ўз хонасига бориб, лабораторияда ишларди. У ҳайвонларни операция қилгандан сўнг уларни узоқ вақт ўрганарди. Кузатиш тамом бўлгандан кейин Сальватор бу ҳайвонларни боққа жўнатарди. Кристо уйни йиғиштириб юриб, баъзан лабораторияга ҳам кириб қоларди. У ерда кўрган нарсалари уни бутунлай лол қилиб қўярди. Аллақандай суюқлиқ тўлдирилган шиша банкаларда ҳар хил мавжудотлар ҳаёт кечирар, кесиб олинган қўл ва оёқлар ҳаракат қилиб турар эди. Танадан жудо этилган бу тирик аъзолар касаллангудай бўлса, Сальватор уларни даволаб, ҳаёт бахш этар эди.

Буларнинг ҳаммаси Кристонинг юрагига даҳшат солар, шунинг учун ҳам у боғдаги ҳайвонлар орасида юришни афзалроқ кўрарди.

Сальватор томонидан ўзига билдирилган шунча ишончга қарамай, Кристо учинчи девордан нарига ўтишга журъат этолмасди. Лекин бу уни жуда қизиқтирарди. Бир куни туш маҳали ҳамма дам олаётган пайтда Кристо баланд девор ёнига чопиб келди. Девор ортидан болаларнинг овозлари, ҳиндуча сўзлар эшитилиб турарди. Аммо гоҳо-гоҳо бу овозларга кимнингдир ингичка, чинқироқ товуши қўшилар, кимдир болалар билан жиғиллашаёт-

гандай ва қандайдир нотаниш тилда гапираётгандай туюларди.

Бир куни Сальватор Кристони боғда учратиб қолиб, унга яқинлашди ва одатдагидай кўзларига тик қараб, деди:

— Мана, ишлаётганингга ҳам бир ой бўлиб қолди, Кристо, сендан жуда хурсандман. Пастки боғдаги хизматкорларимдан бири касал бўлиб қолди. Ўшанинг ўрнида ишлаб туришинг лозим. У ерда жуда кўп янги нарсаларни кўрасан. Аммо тунов кунги гап ёдингда бўлсин: тилимдан айрилмай десанг, уни эҳтиёт қил.

— Соқов хизматкорларингиз орасида гапиришни ҳам унутаёздим, доктор,— деб жавоб берди Кристо.

— Қайтанга яхши. Оз сўйла, кўп ўйла, деганлар. Қанча кам гапирсанг, шунча кўп олтин оласан. Икки ҳафталардан кейин бемор хизматкоримни оёққа турғазсам керак. Дарвоқе, Андни яхши биласанми?

— Тоғда катта бўлганман.

— Жуда соз. Ҳайвонотхонани янги ҳайвон ва қушлар билан тўлдирмоғим зарур. Сени ўзим билан бирга олиб кетаман. Энди эса бор, Джим сени пастки боққача кузатиб қўяди.

Кристо кўп нарсаларга кўникиб қолган эди. Аммо пастки боғда кўрганлари у кутганидан ҳам ошиб тушди.

Қуёш нури тушиб турган катта ялангликда ялангоч болалар ва маймунлар ўйнаб юрибди. Бу болалар турли ҳинду қабилаларига мансуб. Улар орасида жуда кичкиналари — уч яшардан тортиб ўн икки ёшгача бўлган болалар бор. Улар Сальваторнинг беморлари эдилар. Кўплари жиддий операциядан чиққан — миннатдорчиликларининг ниҳояси йўқ. Соғайиб кетган болалар боғда сайр қилар, бутунлай қувватга кирганларидан сўнг эса ота-оналари уй-уйларига олиб кетишарди.

Болалардан ташқари бу ерда маймунлар ҳам бор. Баъзилари думсиз, баъзиларининг юнги йўқ.

Энг қизиғи шундаки, ҳамма маймунлар озми-кўпми гапира оларди. Улар болалар билан тортишар, сўкишар, чийиллашарди. Аммо барибир маймунлар болалар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган эди. Уларнинг тортишуви болаларнинг ўзаро жанжалидан ортиқ эмасди. Кристо уларнинг ҳақиқий маймунми ёки одам эканлигини ҳадеганда англай олмади.

Кристо боғ билан танишиб чиққач, пастки боғнинг юқоридаги боғдан кичикроқ эканлигини ҳамда кўрфаз сари яна ҳам тикроқ нишоблашиб, девордай тик қояга бориб тақалишини пайқади.

Афтидан, денгиз девордан унча узоқ эмасди. Тўлқиннинг шовуллагани эшитилиб турарди.

Бир неча кун ўтгач, Кристо қояни кўздан кечириб, унинг сунъий эканлигини англади. Яна тўсиқ — тўртинчи девор! Қуюқ кўкатлар орқасига кулранг темир дарвоза яширинганди.

Кристо нафасини ютиб қулоқ солди. Қоя ортидан тўлқин шовқинидан бошқа товуш эшитилмасди. Бу тор эшик қаёққа олиб боради? Денгиз қирғоғига олиб чиқармикин?

Кутилмаганда ёш боланинг ҳаяжонли қичқириғи эшитилди. Болалар осмонга қарашди. Кристо бошини кўтариб, боғ тепасидан оҳиста учиб ўтаётган қип-қизил шарни кўрди. Шамол уни борган сари денгиз томон сурарди, кўп ўтмай у бутунлай кўздан йўқолди.

Бог устидан учиб ўтган, одатдаги болалар ўйнайдиган бу шар Кристони қаттиқ ҳаяжонга солган эди. У ташвишлана бошлади. Касал хизматкор тузалиб келиши билан Кристо Сальваторнинг ҳузурига кириб:— Доктор! Андга қачон жўнаймиз,— балки у ерда кўп туриб қолармиз. Қизим билан набирамни бирров кўриб келишга ижозат беринг,— деди.

Сальватор ўз хизматкорларини ҳовлидан чиқармасди, шунинг учун ҳам доим ёлғиз кишиларни ишга олишга ҳаракат қиларди. Кристо Сальваторнинг кўзларига тикилганча сукут сақлаб турди.

Сальватор Кристога совуқ бир нигоҳ ташлади-да, уни огоҳлантирди:

— Шартимизни унутма. Тилингни тий! Бор. Уч кундан кечикма. Ҳа, тўхтаб тур!

Сальватор бир хонага кириб, олтин танга солинган халтача кўтариб чиқди.

— Мана бу набирангга ва тилингни тийишинг учун сенга.

ҲУЖУМ

— Агар у бугун ҳам келмаса, Балтазар, ёрдамингдан воз кечаман, бошқа эпчилроқ, ишончлироқ киши топаман,— деди Зурита ҳурпайган мўйловларини бетоқатлик билан буриб. Зурита шаҳарда кийиладиган оқ костюм ва катта соявонли шляпа кийиб олганди. У Балтазар билан Буэнос-Айреснинг ташқарисида, экин майдонлари тугаб саҳро бошланадиган ерда учрашди.

Оппоқ блуза ва йўл-йўл кўк иштон кийган Балтазар йўл четида чўнқайганча, хижолатдан миқ этолмай, кун нурида қовжираган кўкатларни юлқиб ўтирарди.

Ўз акаси Кристони Сальваторникига жосусликка юборганидан ҳозир унинг ўзи ҳам пушаймон қила бошлаганди.

Кристо Балтазардан ўн ёш катта эди. Кексайганига қарамай, у эпчил ва бақувватлигича қолди. Кристо ёввойи мушукдек айёр, ишониб бўлмайдиган киши эди. Дастлаб деҳқончилик қилишга уриниб кўрди, лекин бу ҳунар таъбига ўтирмади. Кейин портда қаҳвахона очди, аммо ичкиликка берилиб кетиб, кўп ўтмай бор бисотидан маҳрум бўлди. Кейинги йилларда Кристо ўзининг одатдан ташқари айёрлигига таяниб, киши билмас кора ишлар билан шуғулланиб юрди. Бунақанги одам жосусликка жуда лойиқ эди-ю, лекин унга ишониш мумкин эмасди. Хонаси келиб қолганда у туғишган укасини ҳам сотиб юбориши мумкин эди.

Балтазар буни билганидан Зуритага нисбатан кўпроқ ташвишланаётган эди.

— Учирган шарингни Кристо кўрганлигига ишонасанми?

Балтазар елкасини сал қисиб қўйди. Шу топда унинг бу машмашадан тезроқ қутулгиси, уйга бориб, бир қултум вино билан томоқни ҳўллаб, кейин мириқиб ухлагиси келиб турарди.

Ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари тепалик ортидан кўтарилган чанг уюмини қизғиш-пушти рангга бўяди. Шу пайт қаттиқ ҳуштак товуши эшитилди.

Балтазар сесканиб кетди.

— Бу ўша!

— Ниҳоят!

Кристо шахдам-шахдам юриб, уларга яқинлашди. У энди ҳолдан тойган кекса ҳиндуга сира ўхшамасди. Кристо яна бир марта олифтанамо ҳуштак чалиб, келиб Балтазар ва Зурита билан сўрашди.

— Хўш, «денгиз иблиси» билан танишдингми?— деб сўради ундан Зурита.

— Ҳали танишганимча йўқ, лекин у ўша ерда. Сальватор «иблис»ни тўрт девор ичида сақлайди. Асосий иш ҳал бўлди: мен Сальваторнинг даргоҳига хизматга кирдим, у менга ишонади. Касал набира роса қўл келди-да,— Кристо кўзларини маккорона қисиб кулди.— Лекин соғайганидан кейин ишни расво қилишига сал қолди.Мен худди меҳрибон бободай уни бағримга босаман, ўпаман-у, у тентак бўлса нуқул тумтаяди, йиғлаворай-йиғлаворай дейди.— Кристо яна кулди.

— Набирани қаердан топдинг?— сўради Зурита.

— Пул бўлса — чангалда шўрва,— деб жавоб берди Кристо.— Қизчанинг онаси жуда хурсанд. У менга беш пезо берди, мен эса қизини соғайтириб бердим.

Кристо Сальватордан олган олтинлари ҳақида оғиз очмади. У пулларни қизнинг онасига беришни хаёлига ҳам келтирмасди.

— Сальваторнинг даргоҳи ғаройиботларга тўла. Худди ҳайвонот боғи.— Шундай деб, Кристо кўрган-кечирганларини бирма-бир ҳикоя қила бошлади.

— Дарҳақиқат жуда қизиқ,— деди Зурита сигара тортиб,— аммо сен энг асосий нарсани — «иблис»ни кўрмабсан. Бундан кейин нима қилмоқчисан, Кристо?

— Бундан кейинми? Андга саёҳат қилмоқчиман.— Кристо Сальваторнинг ҳайвон овига отланаётганини айтиб берди.

— Жуда соз!— деб хитоб қилди Зурита.— Сальватор борадиган жой бошқа овуллардан олисда. Йўқлигидан фойдаланиб, унинг мулкига бостириб кирамиз-да, «денгиз иблиси»ни қўлга туширамиз.

Кристо норозилик билдириб, бош чайқади.

— Ягуарлар ғажиб ташлайди, иннайкейин «иблис»ни тополмайсизлар ҳам.

— Бўлмаса,— деди Зурита ўйлаб туриб,— Сальватор овга чи-

қиши билан пистирма қўямиз; уни асир тушириб, «денгиз иблиси» эвазига озод этилишини айтамиз.

Кристо чаққон ҳаракат билан Зуританинг ён чўнтагидан чиқиб турган сигарани тортиб олди.

— Ташаккур. Пистирма дурустроқ. Аммо Сальватор алдайдида, ваъда қилади-ю, бермайди-қўяди. Бу испанлар...— Кристони йўтал тутди.

— Нима қил дейсан бўлмаса?— деди Зурита асабийлашиб.

— Сабр қилиш керак, Зурита. Сальватор менга ишонади, лекин ҳали фақат тўртинчи деворгача бора оламан. Доктор менга ўзига ишонгандай ишониши лозим. Ана шундагина у менга «иблис»ни кўрсатади.

— Кейин-чи?

— Кейин Сальваторга каллакесарлар ҳужум қилади,— Кристо бармоғини Зуританинг кўкрагига қададди,— мен бўлсам,— у ўз кўкрагига урди,— содиқ араукан сифатида уни қутқараман. Шундан кейин Кристо учун Сальватор даргоҳининг ҳеч қандай сири-асрори қолмайди. «Ҳамёним ҳам олтинга тўлади»,— деб дилидан ўтказиб қўйди у.

— Нима ҳам дердим, режанг чакки эмас.

Улар Кристо Сальваторни қайси йўлдан олиб ўтишини келишиб олдилар.

— Йўлга чиқишимиздан бир кун олдин девор орқасига қизил тош ташлайман. Тайёр бўлиб турингглар.

Ҳужум планини пухта ўйлаганликларига қарамай, кутилмаган бир ҳолат ҳамма ишни чиппакка чиқаришига сал қолди.

Аҳоли яшайдиган жойдан анча узоқда, кимсасиз саҳрода Зурита, Балтазар ҳамда портдан саралаб олинган ўн каллакесар гаучо[1] костюми кийган ва яхши қуролланган ҳолда, от устида ўз ўлжаларини кутиб туришарди.

Зимзиё тун. Суворилар отларнинг дупурини эшитиш умидида қулоқларини динг қилиб олишган.

Аммо Кристо Сальваторнинг бундан бир неча йил илгаригидай эмас, балки бошқача тарзда овга чиқишини билмас эди.

Кутилмаганда бандитлар тез яқинлашиб келаётган мотор шовқинини эшитиб қолишди. Тепалик ортидан фараларнинг кўзни қамаштирувчи ёруғи кўринди. Суворилар эс-ҳушини йиғиштириб олмасларидан улкан қора автомобиль уларнинг ёнидан шиддат билан ўтиб кетди.

Зурита қаттиқ сўкинганидан Балтазар кулиб юборди.

— Қайғирманг, Педро,— деди ҳинду.— Кундузи иссиқ, улар кечаси юришади. Сальваторнинг машинасига иккита қуёш ўрнатилган. Кундуз куни дам олишади. Биз довонда уларга етиб олишимиз мумкин.— Шундай деб, Балтазар машина изидан от қўйди. Унга бошқалар ҳам эргашди.

---

[1] Гаучо — ярим ваҳший қабила. Улар жуда ҳам уста чавандоз бўладилар. *(Автор изоҳи).*

Суворилар икки соатча юришгач, тўсатдан олисда ловуллаётган гулханни кўриб қолишди.

— Ўшалар. Бир бало бўлганга ўхшайди. Тўхтанглар, мен бориб билиб келаман. Мени шу ерда кутинглар.

Балтазар шундай деди-да, отдан сакраб тушиб, сув илондай ўрмалай кетди.

Бир соатдан кейин у қайтиб келди.

— Машина бузилиб қолипти. Тузатишяпти. Кристо қоровуллик қилиб турипти. Тез ҳаракат қилиш керак.

Қолган ҳодиса кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Каллакесарлар бирдан ташланиб, эс-ҳушини йўқотиб қўйган Сальватор, Кристо ва уч негрнинг оёқ-қўлини боғлашди.

Елланган каллакесарлардан бири, шайка бошлиғи,— Зурита панада яширинiб туришни афзал кўрганди,— Сальватордан эркинлик эвазига жуда катта пул талаб қилди.

— Хўп, тўлайман, мени қўйиб юборинглар,— деди Сальватор.

— Бу фақат ўзинг учун. Шерикларинг учун ҳам шунчадан тўлашинг керак,— деб туриб олди каллакесар.

— Бирданига шунча пулни бера олмайман,— деб жавоб берди Сальватор ўйлаб туриб.

— Бўлмаса ўлдириш керак!— деб бақиришди каллакесарлар.

— Агар шартимизга кўнмасанг, тонг отиши билан ўлдирамиз,— деди каллакесар.

Сальватор елкасини қисди:

— Мунча пулим йўқ.

Сальваторнинг бу қадар осойишталиги ҳатто каллакесарни ҳам ҳанг-манг қилиб қўйган эди.

Каллакесарлар қўл-оёғи боғланган маҳбусларни машина ортида қолдириб, ҳаммаёқни титкилай кетишди. Коллекция учун аталган спирт запасини топиб олиб, роса ичишди ва ҳаммалари маст бўлиб думалаб қолишди.

Тонготарга яқин кимдир оҳиста эмаклаб, Сальваторга яқинлашди.

— Бу менман,— деди шивирлаб Кристо.— Оёқ-қўлимни бўшатиб олдим. Милтиқли каллакесарни пусиб бориб ўлдирдим. Қолганлари маст бўлиб, чўзилиб ётишипти. Шофер машинани тузатиб қўйди. Шошилиш керак.

Ҳаммалари шоша-пиша автомобилга ўтиришди, шофер-негр моторни юргизиб, қаттиқ газ берди.

Орқадан бақириқлар ва тартибсиз отилган ўқ овозлари эшитилди.

Сальватор Кристонинг қўлини маҳкам қисди.

Сальватор жўнаб кетгандан кейингина Зурита ўз хизматкорларидан Сальваторнинг пулни тўлашга рози бўлганлигини эшитди. «Қанақа нарсалиги номаълум бўлган «денгиз иблиси»ни ўғирлашга урингандан кўра тайёр пулни олган яхши эмасмиди», деб ўйлади Зурита. Аммо вақт ўтган, Кристодан бирор хабар кутишдан бошқа илож қолмаганди.

АМФИБИЯ ОДАМ

Кристо Сальваторнинг унга яқинлашиб: «Кристо, сен менинг ҳаётимни қутқариб қолдинг. Энди сендан яширадиган ҳеч қандай сирим йўқ. Юр, сенга «денгиз иблиси»ни кўрсатаман», дейишини кутган эди.

Аммо Сальватор бундай қилишга ошиқмасди. У Кристони халоскорлиги учун яхшигина тақдирлади-да, яна ўзининг илмий ишларига шўнғиб кетди.

Кристо вақтни беҳуда ўтказмай тўртинчи девор ва махфий эшикни ўргана бошлади. Анча вақтларгача бу тилсимотни билиб бўлмайди, лекин пировардида Кристо сирни очишга муваффақ бўлди. Бир куни эшикни пайпаслаб, унинг қабариқ жойини босиб юборди. Тўсатдан эшик ортга силжиб, очилди. У ниҳоятда қалин ва оғир эди. Кристо шошиб ичкарига кириши билан эшик яна ёпилиб қолди. Бу ҳол уни эсанкиратиб қўйди. У эшикни синчиклаб кўздан кечирди, қуббаларни босиб кўрди, аммо у очилмади.

— Ўзимни-ўзим қўлга туширдим,— деб ғулдиради Кристо.

Кристога Сальваторнинг бу сўнгги ва номаълум боғини сайр қилишдан бошқа илож қолмаганди.

Кристо серкўкат ажойиб бир боққа тушиб қолган эди. Боғ теварак-атрофи сунъий қоялардан иборат баланд девор билан ўралган кичкина ҳавзани эслатарди. Тўлқиннинг шовуллашигина эмас, балки саёз жойлардаги шағалнинг шақур-шуқури ҳам аниқ эшитилиб турарди.

Бу ерда одатдаги нам тупроқда ўсадиган дарахт ва буталар бор эди. Тангадек офтоб туширмайдиган серсоя дарахтлар тагидан сон-саноқсиз ариқчалар шилдираб оқиб ётибди. Ўнлаб фонтанлардан отилаётган сув атрофга салқинлик бахш этган. Ҳаво Миссисипи соҳилларидаги каби нам. Боғнинг ўртасида текис томли кичкина тош уй қад кериб турибди. Унинг деворлари печакгул билан қопланган. Деразалардаги зангори чий пардалар тушириб қўйилган. Гўё уйда тирик жон йўққа ўхшайди.

Кристо боғнинг этагига етиб борди. Қўрғонни кўрфаздан ажратиб турган девор ёнида кенглиги беш юз квадрат метр ва чуқурлиги беш метр келадиган ҳамда атрофи қалин дарахт билан ўралган каттакон бассейн бор эди.

Кристо яқинлашиши билан ўтакаси ёрилган аллақандай бир махлуқ буталар орасидан отилиб чиқиб ўзини ҳовузга отди. Кристо ҳаяжон ичида таққа тўхтади. Бу — ўша! «Денгиз иблиси»! Ниҳоят уни кўрадиган бўлди.

Ҳинду ҳовузга яқин келиб, кўзгудай тиниқ сувга тикилди.

Бассейн тубида, оппоқ тош плита устида каттакон маймун ўтирарди. У сув остидан қўрқув ва қизиқиш билан Кристога тикиларди. Кристо ҳангу манг бўлиб қолди: маймун сув тагида нафас олаётган эди. Унинг икки ёни тўхтовсиз гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушар эди.

Кристо бир оз эс-ҳушини йиғиб олгач, беихтиёр кулиб юбор-

ди: балиқчиларни даҳшатга солган «денгиз иблиси» ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи маймун бўлиб чиқди. «Дунёда қанақанги нарсалар бўлмайди-а»,— деб дилидан ўтказди кекса ҳинду.

Кристо мамнун эди: ниҳоят ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўришга муваффақ бўлди. Аммо, айни вақтда унинг ҳафсаласи ҳам пир бўлган эди. Маймун одамлар тасвирлаган махлуққа сира ҳам ўхшамасди. Қўрқинч ва хаёл кишини нима кўйларга солмайди дейсиз?

Қайтиш тўғрисида ўйлаш керак эди. Кристо орқага, эшикка қараб юрди ва девор яқинидаги баланд бир дарахтга чиқди-да, оёғининг синиб қолишидан ҳам қўрқмай, ўзини пастга ташлади.

Ўрнидан туришга улгурмасидан Сальваторнинг овози эшитилди:

— Кристо! Қаердасан?

Кристо шошиб йўлакда ётган хаскашни олди-да, тўкилган баргларни тўдалашга тутинди.

— Шу ердаман.

— Юр, Кристо,— деди Сальватор махфий темир эшикка яқинлашиб.— Кўриб ол, бу эшик мана бундай очилади,— Сальватор бармоғи билан эшик сиртидаги Кристога таниш бўлган қабариқни босди.

«Доктор кечикди — «денгиз иблиси»ни аллақачон кўриб бўлдим», деб дилидан ўтказди Кристо.

Икковлон боққа киришди. Печакгул билан қопланган уйни четлаб ўтиб, Сальватор бассейнга қараб юрди. Маймун қорнини дўппайтириб ҳануз сув остида ўтирарди.

Кристо уни биринчи бор кўраётгандай ҳаяжон ичида қичқириб юборди. Аммо ҳаял ўтмай чинакамига ҳаяжонланишга тўғри келди.

Сальватор маймунга заррача ҳам эътибор бермади. Фақат у халақит бераётгандай қўлини бир силкиб қўйди. Маймун шу заҳоти бассейндан сузиб чиқди-да, бир силкиниб олиб, дарахтга тирмаша кетди. Сальватор эгилиб, қўли билан ўтларни пайпаслай бошлади ва кўк яп алоқ бир тахтачани қаттиқ босди. Бўғиқ шовқин эшитилди. Бассейннинг тубида, нариги четида люк очилди. Бир неча минут ичида бассейн сувдан холи бўлди. Люк қарсиллаб ёпилди. Ён томондан бассейннинг тубига олиб тушувчи темир нарвон сурилди.

— Юр, Кристо.

Улар бассейнга тушишди. Сальватор бир плитага оёқ қўйган эди, бассейннинг ўртасида кенглиги бир квадрат метр келадиган янги люк очилди. Унинг темир зиналари ер остига кириб кетган эди.

Кристо Сальваторга эргашди. Улар темир зиналардан узоқ юришди. Юқоридан люк орқали хира нур тушиб турарди. Аммо кўп ўтмай у ҳам йўқолди. Улар зулмат ичида боришарди. Бу ерости йўлагида оёқ товушлари аллақандай ваҳимали эшитиларди.

— Қоқилмай юр, Кристо, ҳозир етамиз.

Сальватор тўхтаб, деворни пайпаслади. Виключатель шарқиллаши билан ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлиб кетди. Улар шифтдан сумалаксимон оҳак осилиб турган ғорда, ўртасига ҳалқа тишлаб турган икки арслон боши ўйилган темир дарвоза қаршисида туришарди. Сальватор ҳалқалардан бирини тортди. Вазмин эшик аста очилди. Йўловчилар зимзиё залга киришди. Яна виключатель шарқиллади. Каттакон ғор тепасида хира шар ёнди. Ғорнинг бир томони шишадан ишланган эди. Сальватор чироқни ўчириши билан ғор яна қоронғиликка кўмилди, аммо энди шиша девор ортини кучли прожектор нурлари ёритиб турарди. Бу ер улкан аквариум, тўғрироғи, денгиз тубидаги шиша уй эди. Ердан кўтарилган сувости ўсимликлари ва маржон қоялари орасида балиқлар сузиб юрарди. Бирдан Кристонинг кўзи чакалаклар орасидан чиққан катта қабариқ кўзли, оёқ-қўллари бақаникига ўхшаш одамсимон махлуққа тушди. Унинг гавдаси кумуш тангалардай товланарди. Махлуқ чаққон ҳаракат билан шиша девор ёнига сузиб келди-да, Сальваторга бош силкиб, шиша камерага кирди ва ортидан эшикни ёпди. Камера бир зумда сувдан бўшади. Нотаниш мавжудот иккинчи эшикни очиб, ғорга кирди.

— Кўзойнак ва қўлқопларингни еч,— деди Сальватор.

У докторнинг амрини итоаткорлик билан бажо келтирди. Кристонинг қаршисида ёшгина кўркам бир йигит кулиб турарди.

— Танишинглар: Ихтиандр, балиқ одам, ёки тўғрироги, амфибия, «денгиз иблиси» ҳам мана шу,— деб мурожаат қилди Сальватор Кристога.

Йигит илтифот билан жилмайиб, ҳиндуга қўл узатди ва испан тилида:

— Салом!— деди.

Кристо индамай унинг қўлини қисди. Анграйиб қолганидан лом-мим деёлмасди.

— Ихтиандрнинг хизматкори бўлган негр касал бўлиб қолди,— деб давом этди Сальватор.— Сени бир неча кунга Ихтиандрнинг ёнида қолдираман. Агар янги вазифани яхши уддаласанг, сени Ихтиандрнинг доимий хизматкори қилиб қўяман.

Кристо индамай бош ирғади.

ИХТИАНДРНИНГ БИР КУНИ

Тун яримдан оққан пайт.

Ҳаво илиқ ва нам. Ҳаммаёқни гулларнинг хушбўй ҳиди тутиб кетган. «Шитир» этган товуш эшитилмайди. Жимжитлик. Ихтиандр боғнинг қум сепилган йўлкасидан бормоқда. Камарига боғланган ханжар, кўзойнак, қўл ва оёқ қўлқоплари бир маромда тебранади. Чиғаноқ аралаш қум оёқ остида оҳиста ғижирлайди. Йўлка аранг кўзга чалинади. Дарахт ва буталарнинг беўхшов соялари уни буткул қоплаб олган. Ҳовузлардан туман кўтарилмоқда. Ихтиандр аҳён-аҳён дарахт шохларини қўли би-

лан уриб қўяди. Унинг иссиқ юзига ва сочларига шабнам тўкилади.

Йўлка кескин ўнгга бурилиб, пастга қараб кетади. Ҳаво борган сари тоза ва сернам бўла боради. Ихтиандр тош плиталарга қадам қўйгач, тўхтади. Шишалари катта-катта кўзойнагини, қўл ва оёқ қўлқопларини шошмасдан кийди. Соф ҳаводан тўйиб бир нафас олгач, ўзини ҳовузга қараб отди. Муздек сув унинг баданига роҳат бағишлади. Жабра найчалари аста-секин бир меъёрда ҳаракатга кирди,— одам энди балиққа айланганди.

Ихтиандр қўлини бир неча силкишдаёқ ҳовуз тубига етиб борди.

Йигит зим-зиё қоронғуликда ишонч билан сузарди. Қўли билан пайпаслаб тош девордаги темир ҳалқаларни топди. Мана иккинчи, учинчи ҳалқа... Шу алпозда у тепасигача сув билан тўла туннелга етиб борди. У рўпарадан келаётган совуқ оқимнинг қаршилигини енгиб, сув остидан сузиб борарди. Кейин бир талпиниб, юқорига қараб сузди-да, бир зумда иссиқ ваннага тушиб қолгандай бўлди. Боғдаги ҳовузларда исиган сув туннель устидан денгизга қараб оқарди. Энди Ихтиандр оқим билан бирга сузиши мумкин. У чалқанча ётди-да, қўлларини кўкраги устига чалкаштириб қўйиб боши билан олға суза кетди.

Туннелнинг тугашига оз қолди. Океанга чикадиган ерда қоялар остидан қайноқ булоқ отилиб турарди. Унинг кучли оқимида майда тош ва чиғаноқлар бетиним шалдирагани-шалдираган.

Ихтиандр ағдарилиб олиб, олдинга қаради. Қоронғи. Қўлларини чўзди. Сув аста-секин совий борди. Унинг кафтлари юмшоқ ва сирпанчиқ денгиз ўсимликлари ҳамда ғадир-будир чиғаноқлар билан қопланган темир панжарага урилди. Йигит панжарага ёпишиб, унинг сургичини қидириб топди. Туннель оғзига қўйилган доирасимон оғир панжара эшик қия очилди. Ихтиандр ҳосил бўлган тирқишдан лип этиб ўтиб олди. Панжара-эшик яна қарсиллаб ёпилди.

Амфибия одам оёқ-қўллари билан суза-суза очиқ денгизга қараб йўл олди. Сув ости ҳали қоронғи. Фақат у ер-бу ерда қизғиш медуза ва зангори учқунлар милтиллайди. Аммо тонг отай деб қолди, ҳадемай жониворлар бирин-кетин ўз чироқларини ўчирадилар.

Ихтиандр жабрасига сон-саноқсиз игна санчилгандай бўлди. Нафас олиш оғирлашди. Демак, у қояли бурундан ўтиб кетди. Қоя ортидаги сув ҳамиша турли ҳил моддалар, қум ва ташландиқлар билан булғанади. Сув чучуклашди — демак, шу яқин атрофда океанга дарё келиб қуйилади.

«Қизиқ, дарё балиқлари лойқа, чучук сувда қандай яшаркан-а,— деб ўйлади Ихтиандр.— Эҳтимол, уларнинг жабраларига қум ва балчиқлар унча таъсир қилмаса керак».

Ихтиандр бир оз юқорига кўтарилди, кейин ўнгга, жанубга томон кескин бурилди-да, пастга қараб шўнғиди. Бу ерда сув тоза. Йигит совуқ сувости оқимига тушиб қолди. Бу оқим қирғоқ бўйлаб жанубдан шимолга томон оқади. Парана дарёси қуйилади-

ган жойда эса шарққа қараб бурилади. У жуда чуқурликда оқади, аммо оқимнинг юзаси денгиз сатҳидан ўн беш-йигирма метр қуйида, холос. Ихтиандр яна оқимга тушиб олса бўлади — у йигитни тўппа-тўғри очиқ денгизга олиб чиқади.

Пича мизғиб олиш ҳам мумкин. Хатар йўқ: ҳали қоронғи, денгиз йиртқичлари уйқуда. Кун чиқиш олдидан андек ухлаб олиш жуда нашъали бўлади. Тери сувнинг ва сувости оқимларининг ҳарорати қандай ўзгаришини аниқ сезиб туради.

Мана қулоққа бирин-кетин бўғиқ шовқинлар чалинмоқда. Бу лангар занжирларининг овози: кўрфазда, Ихтиандрдан бир неча километр нарида балиқ овловчи кемалар лангарларини кўтаришяпти. Тонг яқин. Олис-олисдан бир меъёрда ғувуллаган товуш эшитилиб қолди. Бу Буэнос-Айрес билан Ливерпуль ўртасида қатновчи улкан инглиз пароходи «Горрокс» моторининг шовқини. «Горрокс» ҳали қирқ километр чамаси нарида. Аммо нафаси сезилиб турибди! Денгиз сувидан товуш секундига бир ярим минг метр тезликда ўтади. «Горрокс»ни кечаси кўрсангиз! Худди нурга кўмилган сузиб юрувчи шаҳарнинг ўзи дейсиз. Лекин уни тунда кўриш учун кечқурунданоқ океан томон узоқ сузиш керак. Буэнос-Айресга эса «Горрокс» кун чиққанда, чироқларини ўчирган ҳолда кириб келади. Йўқ, ортиқ ухлаш мумкин эмас. «Горрокс»нинг мотор, руль ва парраклари, корпусларининг чайқалиши, иллюминатор ҳамда прожектор нурлари жамики океан жониворларини уйғотиб юборади. Афтидан, дельфинлар «Горрокс»нинг яқинлашаётганини биринчи бўлиб эшитдилар, шекилли, бир неча минут муқаддам енгил тўлқин қўзғадилар. Ихтиандр ҳушёр тортди. Дельфинлар пароходга пешвоз чиқиш учун сузиб кетишди, шекилли.

Ҳар томондан кема моторларининг шовқини эшитила бошлади, порт ва кўрфаз уйғонди. Ихтиандр кўзини очди ва сўнгги уйқу қолдиқларини қоқиб ташлагандай, бошини силкитди, сўнгра қўл ва оёқларини силкиб тепага қараб сузди.

У эҳтиёткорлик билан сувдан бошини чиқарди. Атрофга алангладн. Яқин ўртада на қайиқ, на кема кўринарди. Оёгини ерга тираб, белигача сувдан чиқди.

Боши устида қора бузов ва оққушлар парвоз қиларди. Гоҳо-гоҳо улар тўшлари ёки қанотларининг учини шишадек сувга уриб ўтишади, сув бетида ҳосил бўлган доира катталашиб, охири йўқ бўлиб кетади. Оққушларнинг қичқириғи худди ёш боланинг йиғисига ўхшайди. Мана, Ихтиандрнинг тепасидан улкан қанотларини силкитиб баҳайбат альбатрос учиб ўтди. Унинг серпат қаноти қоп-қора, қизил тумшуғининг учи сарғиш, оёқлари тўқсариқ. У кўрфазга томон учиб кетди. Ихтиандр ҳавас билан орқасидан тикилиб қолди. Унинг қора қанотлари ёзилганда тўрт метрча келади. Қани, кишида ҳам шунақанги қанот бўлса!

Тун ғарбга, тоғлар орқасига чекинмоқда. Шарқ уфқи қизариб қолди. Сезилар-сезилмас оҳиста жимирлаб турган океан сатҳида тилла жилолар пайдо бўлди. Оққушлар юқорига кўтарилганда пуштирангга бўяла бошладилар.

Сув юзида ола-чипор, зангори ва кўк йўлкалар кўриниб қолди: бу шамолнинг илк хуружи. Кўк йўлкалар тобора кўпаймоқда. Шамол кучайяпти. Қумлоқ соҳилда тўлқиннинг дастлабки оқ-сарғиш тиллари кўрина бошлади. Қирғоққа туташ сув яшил тус олди.

Бир гала балиқ овловчи кемалар яқинлашмоқда. Йигитга отаси одамларнинг кўзига кўринмасликни тайинлаган. Ихтиандр бир шўнғиб, совуқ оқимга тушиб олди. Оқим уни соҳилдан нарига, шарққа, очиқ океан сари олиб кетди. Сув остида кўкиш бинафша ранг қоронғулик ҳукмрон. Балиқлар қора доғли ва йўл-йўл оч кўк тусда кўринадилар. Қизил, сариқ, жигарранг ва бошқа хил балиқлар, худди бир гала ранго-ранг капалаклардай, бетўхтов искашиб ўтишарди.

Юқоридан ғувуллаган товуш эшитилди, сув ости қоронғилашди. Сувга тегай-тегай деб ҳарбий гидроплан учиб ўтди.

Бир марта ана шундай гидропланлардан бири сувга қўнган эди. Ихтиандр секин бориб унинг темир тиргагига осилиб олиб, ўлишига сал қолди: гидроплан қўққисдан ҳавога кўтарилди, Ихтиандр эса шошиб ўн метр баланддан ўзини сувга ташлади.

Йигит бошини сувдан чиқарди. Қуёш нури тиккага келган. Тушга яқинлашиб қолипти. Сув юзи энди саёз жойлардаги тошлар, катта-катта балиқлар ҳамда Ихтиандрнинг ўзи акс этган кўзгуга ўхшамайди. Кўзгу энди бужмайган, тинимсиз қийшаяди, чайқалади.

Ихтиандр сузишда давом этди. Тўлқинлар тебранарди. Мана у сув юзига чиқди. Тўлқин қирраси уни юқорига кўтарди, пастга олиб тушди, яна тепага олиб чиқди. Ўҳў, теварак-атрофда нималар бўляпти! Қирғоқда тўлқин шовқин солади, ўшқиради ва тошларни бир-бирига уради. Соҳилга яқин сувлар сариқ-кўкиш тусга кирган. Жануби-ғарб томондан кучли шамол эсмоқда. Тўлқин авжга миняпти. Унинг ўткир қиррасида оппоқ сув мавжи кўзга чалиниб қолади. Томчилар нуқул Ихтиандрнинг устига ёғилар, бундан у роҳатланарди.

«Қизиқ,— деб ўйлади Ихтиандр,— тўлқин қаршисига қараб сузсанг, у тўқ кўк бўлиб кўринади, орқага қарасанг эса оқ тусга кириб қолади».

Тўлқин учларидан бир гала учар балиқлар кўтарилди. Улар гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб, юз метрча жойга учиб боришди-да, сувга тушишди, бир-икки минут ўтар-ўтмас яна кўтарилишди. Йиғлоқи оққушлар тиним билмайди. Энг тезучар қуш бўлган фрегатлар ўзларининг баҳайбат қанотларини ёзиб, кўкда изғиб юришибди. Каттакон тумшуғи эгилган, ўткир тирноқли, тўқ жигарранг қаноти кўкимтир металсимон товланувчи, жиғилдони тўқсариқ бўлган ҳув анови қуш — эркак фрегат. Нарироқда учиб юрган рангсизроқ, кўкраги оқи эса урғочиси. Мана у шиддат билан сувга шўнғиди, кўз очиб-юмгунча, қарабсизки, эгри тумшуғида кумушдай балиқ типирчилаб турибди. Альбатрослар учиб юришибди. Бўрон ғувилламоқда.

Ажойиб жасур қуш — паламедея одатдагича қоп-қора булутга

пешвоз чиқиш учун отланган бўлса керак. У ҳаммавақт момақалдироқни қўшиқ билан кутиб олади. Ҳолбуки, бундай пайтда жамики балиқ овловчи кемалар ва елканли қайиқлар бўрондан сақланиш учун соҳилга шошиладилар.

Атрофга қоронғулик чўка бошлади, аммо ҳали сув остидан каттакон ёруғ доғга ўхшаб кўринувчи қуёшнинг қаердалигини билиш мумкин. Йўлни топиб олиш учун шунинг ўзи кифоя. Булут қуёш юзини тўсиб қўймай саёз жойга етиб олиш керак, акс ҳолда нонуштадан маҳрум бўлиш мумкин. Қорни ўлгудай оч. Қоронғида саёз жойни ҳам, сув ости қоясини ҳам топиб бўлмайди. Ихтиандр жонҳолатда оёқ-қўлини ишга солиб, қурбақа янглиғ суза кетди.

Аҳён-аҳён у чалқанчасига ётиб олар, кўкимтир қоронғулик қаърида аранг кўринаётган кун нурига қараб, ўз йўналишини аниқлаб оларди. Гоҳо саёз жой қидириб, диққат билан олдинга тикиларди. Унинг жабра ва териси сувнинг ўзгараётганини сезарди: саёз жойдаги сув шўрроқ, унда кислород ҳам кўп,— анча енгил, яхши. У тили билан сувнинг таъмини татиб кўрди. Кекса, тажрибали денгизчилар ҳам шу йўл билан ерни кўрмасдан туриб унинг яқин қолганлигини ҳаммавақт айтиб берадилар.

Аста-секин ҳаво ёриша бошлади. Ўнг ва сўл томонда кўпдан таниш бўлган сувости қоялари қад кериб турибди. Уларнинг оралиғида кичик ясси тоғлиқ, унинг ортида эса тош девор бор. Бу жойни Ихтиандр сувости кўрфази деб атарди. Даҳшатли бўрон пайтларида ҳам бу ер осойишта бўлади.

Сувости кўрфазидаги балиқларни айтмайсизми! Бижғиб ётибди. Сариқ думли, танасининг ўртасига кўндалангига сариқ ҳошия тушган қорамтир майда балиқлар, қизил, ҳаворанг, кўк ва яна аллақандай туслилари бор. Улар қўққисдан кўздан йўқолишади, кутилмаганда яна ўша ернинг ўзида пайдо бўлиб қолишади. Юқорига сузиб чиқиб, атрофга қарасанг — ҳаммаёқда балиқ, пастда эса ҳеч нарса кўринмайди. Ихтиандр анча маҳалгача бунинг сирини билолмай юрди. Бир куни у қўли билан бир балиқни тутиб олди. Унинг катталиги кафтдай бўлиб, танаси яп-ялоқ эди. Шунинг учун ҳам юқоридан кўз унча илғамас экан.

Мана нонушта ҳам тайёр. Тик қоя ёнидаги текис майдончада устрицалар[1] беҳисоб. Ихтиандр майдончага сузиб бориб, чиғаноқлар ёнига узала тушди-да, овқатланишга киришди. Устрицаларни чиғаноқдан ажратиб, оғзига солди. У сув остида овқатланишга ўрганиб қолган эди: таомни оғзига солгач, лаблари орасидан сувни чиқариб ташлайди. Сувнинг бир қисмини, албатта, овқат билан ютади, лекин у денгиз сувига кўникиб қолгани учун зарар қилмайди.

Унинг теварагида сувости ўсимликлари — яшил баргли агара, мексика каулерплари, пуштиранг нафис нитофиллар тебранади. Аммо ҳозир улар тўқ кулранг тусга бўялган, чунки сув ости

---

[1] Устрица — ейиладиган денгиз жонивори.

хира, нимқоронғи — момақалдироқ ва бўрон ҳали босилгани йўқ. Баъзан бўғиқ чақмоқ товуши эшитилиб қолади. Ихтиандр юқорига қаради.

Нега ҳаммаёқ қоронғи бўлиб кетди? Ихтиандрнинг боши устида қоп-қора соя пайдо бўлди. Нима бўлиши мумкин? Нонушта тугади. Энди тепага чиқиш мумкин. Ихтиандр қояга тирмашиб қора соя томон кўтарила бошлади. Маълум бўлишича, сувга каттакон альбатрос қўнган экан. Унинг тўқсариқ оёқлари Ихтиандрнинг шундоқ боши тепасида турарди. Йигит қўлини кўтариб, альбатроснинг оёғидан маҳкам ушлаб олди. Ўтакаси ёрилган қуш улкан қанотларини ёзиб, сувдан кўтарилди. Бўшлиққа чиққандан кейин Ихтиандрнинг танаси оғирлашганидан альбатрос серпат, юмшоқ кўкси билан йигитни босиб, тўлқин устига гурсиллаб йиқилди. Ихтиандр баҳайбат қуш қип-қизил қайрилма тумшуғи билан бошини ўйиб олишини кутиб ўтирмай, бир шўнғидида, сал вақт ўтгач, бошқа жойдан чиқди. Альбатрос шарққа қараб учиб кетди ва бир зумда сув тоғлари ортида кўздан йўқолди.

Ихтиандр чалқанчасига ётди. Момақалдироқ энди тинган. Қаердадир, олисда, шарқ уфқида чақмоқ чақнади, жала челаклаб қуярди. Ихтиандр роҳатланганидан кўзларини юмди. Бир оздан кейин кўзини очиб, ярим белигача сувга чўккан ҳолда қаддини тиклади ва атрофга аланглади. Қаёққа қараманг — океан, осмон, булут, шамол, жала ва тўлқин. Буларнинг бари бир-бирига қоришиб, тинимсиз ғувуллар, гумбурлар, ўшқирар, шовқин соларди. Кўпиклар тўлқин қирраларида тўқнашиб, кейин жаҳл билан пастга ёйилади. Сув тоғлари яшин тезлигида кўкка бўй чўзар ва баҳайбат кўчки янглиғ қулар, пўртана кўтарилар, сел шовуллар, шамол ўкирарди.

Қуруқликда яшовчи кишини даҳшатга солувчи нарсалар Ихтиандрга роҳат бағишларди. Албатта, эҳтиёт бўлган яхши, акс ҳолда сув тоғлари остида қолиб кетиш мумкин. Аммо Ихтиандр тўлқин билан муомала қилишда балиқдан ҳам қолишмайди. Фақат уларнинг тилини билиш керак: баъзилари паст-баланд бўлади, айримлари эса бошидан ошириб улоқтириб ташлайди. Ихтиандр тўлқин остида нималар кечаётганини, унинг қандай йўқолишини, шамолнинг қачон тинишини биларди; аввал майда тўлқинлар, сўнгра йириклари босилади, лекин сувнинг бир меъёрдаги барра мавжлари анча маҳалгача сақланади. Йигит соҳилдаги тўлқинда ўмбалоқ ошиб ўйнашни хуш кўрар, аммо бунинг хатарли эканлигини ҳам яхши биларди. Бир куни тўлқин уни чархпалак қилиб юборди. Ихтиандр боши билан ерга урилиб ҳушидан кетди. Бошқа одам бўлганда чўкиб кетиши аниқ эди, лекин у сувда ётиб, анчадан кейин ўзига келди.

Ёмғир тинди. У момақалдироқ билан бирга қаёққадир, шарққа томон чекинган эди. Шамол ўзгарди. Тропик шимолдан иссиқ ел эса бошлади. Булутлар орасидан шишадек осмон мўралаб қолди. Офтоб нури отилиб чиқиб тўлқин бағрига урилди. Ҳали қоронғи, хира жануби-шарқ уфқида қўшалоқ камалак балқиди. Океан бутунлай ўзгарди-қўйди. У энди қорамтир эмас, балки шишадек

кўм-кўк, қуёш нурлари ёғилиб турган жойлари эса оч зангори тусга бўялган эди.

Офтоб! Бир лаҳзанинг ўзида осмон ҳам, океан ҳам, соҳил ва узоқ-узоқлардаги тоғлар ҳам ўзгача ҳусн кашф этдилар. Момақалдироқ ва бўрондан кейин ҳавонинг сернам, мусаффо бўлиб кетишини айтмайсизми! Ихтиандр гоҳ беғубор ва оромбахш денгиз ҳавосини симирса, гоҳо жабраси билан нафас олади. Бўрон, момақалдироқ, шамол, ёмғир ва тўлқинлар осмонни океан билан, ҳавони сув билан қориштириб, уни кислородга беармон тўйинтиргандан сўнг нафас олиш нақадар енгил бўлишини одамзод орасида ёлғиз Ихтиандргина билади. Ана шундай пайтларда бутун балиқлар, жамики денгиз махлуқлари қайта жонланади.

Момақалдироқ ва бўрондан кейин сувости чакалакзорлари орасидан ва қоя тошлар тагидан майда балиқлар сузиб чиқади, ундан кейин денгиз тубига яширинган йирик балиқлар пайдо бўлади, тўлқин бутунлай босилгач эса нозик-ниҳол медузалар, шаффоф ва деярли вазнсиз қисқичбақалар кўрина бошлайди.

Мана, қуёш нури тўлқинга қадалди. Атрофдаги сув бир зумда зангори тусга кирди, майда пуфакчалар жимирлаб, кўпиклар вишиллади... Ихтиандрдан сал нарида дўстлари — дельфинлар сайр қилиб юришибди. Улар синчков ва шодлик тўла кўзлари билан Ихтиандрга қараб-қараб қўйишади. Дельфинларнинг қора ялтироқ беллари тўлқин орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетади. Улар ўйнашиб, пишқиришади, бир-бирларини қувишади. Ихтиандр яйраб-яйраб кулади, дельфинлардан бирини тутиб олиб, улар билан бирга сузади, шўнғийди. Йигитнинг назарида, мана шу океан ҳам, дельфинлар ҳам, шу осмон ва қуёш ҳам фақат унинг учунгина яратилгандай. Ихтиандр бошини кўтардида, кўзларини қисиб қуёшга қаради. У ғарбга ёнбошлаган. Ҳадемай қоронғи тушади. Бугун сира уйга қайтгиси йўқ эди. Шиша ранг осмон қорайиб, юлдузлар кўринмагунча сузиб юраверди.

Аммо бекорчилик унинг жонига тега бошлади. Унинг яқинги-насида денгиз жониворлари қирилиб кетяпти. У бу жониворларни қутқариши мумкин. Ихтиандр қаддини ростлаб, олис соҳилга тикилди. Қирғоққа, тезроқ қирғоққа шошилиш керак! Ўша ерда унинг ёрдами тегади. Тўлқин унда ҳаддидан ошяпти.

Ҳар бўрондан кейин бу қутурган тўлқин денгиз жониворларининг қанча-қанчасини: медузалар, қисқичбақалар, балиқлар ва ҳатто ғафлатда қолган дельфинларни қиргоққа чиқариб ташлайди. Медузалар тез ҳалок бўлади, балиқларнинг баъзилари сувга аранг етиб олади, лекин уларнинг ҳам кўпи қирғоқда қолиб кетади. Қисқичбақаларнинг деярли ҳаммаси сувга қайтиб тушади. Баъзан уларнинг ўзлари тўлқин қурбонларини ейиш учун қирғоққа чиқиб туришади. Ихтиандр қирғоққа чиқариб ташланган ҳайвонларни қутқаришни жуда яхши кўрарди.

У бўрондан кейин соатлаб қирғоқда кезар ва ҳали тирик бўлган жониворларни сақлаб қоларди. У сувга ташлаган балиқ думини жилпанглатиб сузиб кетганини ёки сувда беҳуш ётиб-ётиб

охири унга жон кирганини кўриб ич-ичидан қувонарди. Ихтиандр каттагина балиқни тутамлаб олиб, денгиз сари юрди, балиқ жонҳолатда типирчилади, у эса кулиб, қўрқмасликка, бир оз сабр қилишга кўндирмоқчи бўлди. Албатта, қорни очиб турган пайтда шу балиқни океанда тутиб олса маза қилиб еган бўларди. Аммо унинг йўриғи бошқа. Бу ерда, қирғоқда у денгиз жониворларининг ҳомийси, дўсти ва халоскори эди.

Ҳар вақт Ихтиандр қирғоққа одатдаги йўли — сувости оқими билан қайтарди. Бугун эса сув остида узоқ юргиси келмади,— океан ва осмон бениҳоя жозибали эди. У балиқ овлаб юрган денгиз қушлари каби гоҳ шўнғиб, гоҳ кўриниб илгарилаб борарди.

Қуёш ботиб кетди. Аммо ғарб уфқида ҳали қизғиш ҳошия илиниб турибди. Тўқ кулранг тусга кирган маъюс тўлқинлар бири ортидан бири югуради.

Ҳаво совугандан кейин ҳам сув ости илиқ бўлади. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, лекин қўрқинчли эмас. Бу пайтда ҳеч нарса ҳужум қилмайди. Кундузги йиртқичлар аллақачон уйқуга кетган, тунгилари эса ҳали овга чиққанларича йўқ.

Ихтиандр океан сатҳига жуда яқин бўлган шимолий оқимга тушиб олди. Ҳали босилмаган енгил мавж бу сувости дарёсини гоҳ пастга, гоҳ баландга оғир чайқалтирарди, лекин у иссиқ шимолдан совуқ жанубга оқишда давом этади. Ундан анча қуйида қарама-қарши совуқ оқим жанубдан шимолга томон оқади. Ихтиандр қирғоқ бўйлаб узоқ сузиб қолгудай бўлса ҳар доим ана шу оқимлардан фойдаланади.

Бугун у шимол сари анча ичкарилаб кетди. Энди иссиқ оқим уни туннелга олиб боради. Бир галгидай мудраб қолиб ўтиб кетмаса бўлгани. У қўлини гоҳ ёзиб, гоҳ боши орқасига ўтказади, оёқларини йиғиштиради, яна чўзади — шу тариқа гимнастика билан шуғулланади. Оқим уни жанубга томон олиб кетаётганди. Илиққина сув ва бадан тарбияси унга роҳат бағишларди.

Ихтиандр тепага қаради — унинг кўзи олдида чанг зарраларидай майда юлдузлар билан қопланган гумбаз пайдо бўлди. Бу — чироқларини ёқиб, океан сатҳига кўтарилаётган тунги жониворлар. У ер-бу ерда, қоронғулик қаърида зангори ва пуштиранг туманлик жимирларди — бу ғуж бўлиб олган жуда майда махлуқлар галаси. Майин кўкиш нур таратиб шарсимон ҳайвонлар сузиб ўтишди. Ихтиандрнинг яқингинасида медуза порлаб турибди. У худди узун шокилали ва нақшдор тўр абажур қопланган лампага ўхшарди. Шокила медуза ҳар қимирлаганида елда тебрангандай енгил чайқаларди. Саёз жойларда денгиз юлдузлари кўриниб қолди. Океан тубида йирик тунги йиртқичларнинг чироқлари яшин тезлигида, у ёқдан-бу ёққа ўтарди. Улар бир-бирини қуварди, айланарди, гоҳ ўчиб, гоҳ ёнарди.

Мана, яна саёз жой. Маржонларнинг кўркам тана ва шохларидан зангори, пушти, кўк ва оқ нур ёгилмоқда. Баъзи маржонлар оқиш, суник нур таратса, баъзилари чўғдай ярқирайди.

Ер кўкида кечаси фақат олис ва майда юлдузлар, баъзан

ой кўринади, холос. Бу ерда эса минглаб юлдузлар, минглаб ой, минглаб ранг-баранг қуёш бетиним майин нур таратади. Океан туни ердагидан беқиёс даражада гўзал бўлади.

Буни чоғиштириб кўриш учун Ихтиандр атайлаб сув юзига сузиб чиқди.

Ҳаво илиқ. Тепада юлдуз билан қопланган тўқ кўк осмон гумбази. Уфқ устида дум-думалоқ кумуш ой осилиб турибди. Ундан бутун океанга кумуш чойшаб ёзилган.

Портдан чўзиқ гудок товуши эшитилди. «Горрокс» қайта йўлга отланмоқда. Лекин жуда бемаҳал-ку. Ҳадемай тонг отади. Ихтиандр қарийб бир кеча-кундуздан бери дайдиб юрибди. Отасидан эшитадиганини эшитади энди.

Ихтиандр туннелга ошиқди, қўл суқиб темир панжара сургичини очди ва зим-зиё туннель ичига сузиб кириб кетди. Қайтишда денгиздан боғдаги бассейнларга келиб қуйилувчи пастки совуқ оқим билан сузишга тўғри келади.

Йигитнинг елкаси нимагадир енгил урилди. У бассейнга етиб келган эди. Шошиб тепага кўтарилди. Ўпкаси билан гулларнинг таниш ҳидига тўла ҳаводан нафас ола бошлади.

Бир неча минутдан кейин у, отаси тайинлаганидек, ўз каравотида қаттиқ уйқуга кетди.

ҚИЗ ВА БУҒДОЙРАНГ КИШИ

Бир куни у момақалдироқдан сўнг океанда сузиб юрарди.

Ихтиандр сув юзига чиқиб, ўзидан сал нарида чайқалиб турган қандайдир бир нарсага кўзи тушди. У шамол балиқ овловчи кемадан юлиб олган оппоқ елкан парчасига ўхшарди. Йигит яқинроқ сузиб келди-ю, ҳангу-манг бўлиб қолди. Ҳалиги нарса — одам, аёл киши, ёшгина қиз эди. У тахтага боғланган ҳолда ётарди. Наҳотки бу гўзал қиз жонсиз бўлса? Ихтиандр ўз ўлжасидан шу қадар ҳаяжонланиб кетдики, умрида биринчи бор юрагида океанга нисбатан нафрат туйғуси пайдо бўлди.

Балки қиз фақат ҳушидан кетгандир? У қизнинг осилиб тушган бошини тўғрилади-да, тахтанинг бир четидан ушлаб соҳилга томон суза кетди.

Йигит шитоб билан сузиб борар, қизнинг тахтадан тушиб кетган бошини тўғрилаб қўйиш учунгина аҳён-аҳёнда тўхтаб оларди. У фалокатга йўлиққан балиққа шипшигандай: «Бир оз сабр қил!» деб пичирлади. Йигит қизнинг кўз очишини истарди-ю, лекин мени кўриб, қўрқиб кетади деб ўйлаб, ич-ичидан эзиларди. Кўзойнагини ва қўлқопларини ечсамикин? Лекин бунга кўп вақт кетади, бундан ташқари, қўлқопларсиз сузиш қийин. Ихтиандр тахтани итариб, янада тезроқ сузишга киришди.

Мана, тўлқин йўлига ҳам етиб келди. Энди эҳтиёт бўлиш керак. Тўлқиннинг ўзи уларни қирғоққа олиб чиқади. Ихтиандр ўқтин-ўқтин оёғини тушириб, ерни пайпасларди. Ниҳоят саёз жойга етиб, қизни қирғоққа олиб чиқди-да, апил-тапил тахтадан

ажратди, кейин уни қумтепа соясига олиб ўтиб, ҳушига келтириш учун сунъий нафас олдира бошлади.

Унинг назарида қизнинг қовоқлари титраб, киприклари қимирлагандай бўлди. Ихтиандр унинг кўксига қулоғини тутиб, ожиз юрак уришини эшитди. Қиз тирик... Қувончидан қичқириб юбораёзди у.

Қиз кўзини қия очиб, Ихтиандрга термулди ва бир зумда чеҳрасида ваҳимага тушганлик ифодаси намоён бўлди. Кейин яна кўзини юмди. Ихтиандр ҳам изтиробда, ҳам қувончда. Ҳар нима бўлса ҳам қизни қутқариб қолди-ку. Энди у кетиши, қизни чўчитмаслиги керак. Лекин қандай қилиб уни шу аҳволда ёлғиз қолдириб кета олади? Шу пайт кимнингдир оғир ва тез-тез қадам ташлаб келаётгани эшитилди. Иккиланиб ўтиришга ўрин қолмаганди. Ихтиандр ўзини тўлқин қаърига отди-да, анча нарида сувдан чиқиб турган қоятошгача шўнғиб борди. Кейин қоя панасига яшириниб, қирғоқни кузатиб турди.

Қумтепа ортидан соявони баркашдек келадиган шляпа кийган чўққи соқолли буғдойранг бир киши чиқди. У испан тилида: «Худоға шукур-эй, мана у» деди-да, югуриб қизнинг олдига келди, кейин бирдан океан томонга қайрилди ва қирғоқ тўлқинига шўнғиди. Шалаббо ҳолда қизнинг ёнига чопиб бориб, сунъий нафас олдира бошлади (тўйдан кейин ноғора!), қизнинг юзига энгашди... Ўпди. Жонҳолатда алланималар дея гапира бошлади. «Сизни огоҳлантирган эдим-ку... Ножўя иш бўлди... Хайрият, тахтага боғлаб қўйиш эсимга келибди»... деган сўзларигина Ихтиандрнинг қулоғига чалинди.

Қиз кўзини очиб, бошини кўтарди... Юзидаги қўрқиш — ҳайрат, ғазаб, норозилик ифодаси билан алмашинди. Чўққи соқолли киши қизишиб гапиришда давом этди, қизга ўрнидан туришга кўмаклашди. Лекин қиз ҳали мадорсиз бўлганидан яна уни қумга ётқизиб қўйди. Ярим соатлардан кейингина улар йўлга тушдилар. Ихтиандр яшириниб турган тошнинг ёнгинасидан ўтиб кетишди.

— Мени сиз қутқардингизми? Миннатдорман. Худо ниятингизга етказсин,— деб мурожаат қилди қиз қовоғини солганча ҳалиги одамга.

— Худо эмас, сиз ниятимга етказасиз,— деб жавоб берди буғдойранг киши.

Қиз унинг сўзларини эшитмагандай, индамай қўя қолди. Бир оздан кейин:

— Қизиқ, назаримда менинг ёнимда қандайдир махлуқ кўрингандай бўлди,— деди.

— Албатта, сизга шундай туюлган,— деб жавоб берди унинг ҳамроҳи.— Эҳтимол, ўша иблис сизни ўлган деб ўйлаб, юрагингизни суғуриб олиш учун келгандир. Дарров калимангизни ўгириб, пинжимга киринг. Мен билан бўлсангиз ҳеч қандай иблис яқин йўламайди.

Шундай қилиб, ажойиб қиз ва уни, сизни ўзим қутқардим, деб ишонтирган буғдойранг ярамас киши ўтиб кетишди. Аммо

Ихтиандр унинг ёлғончилигини фош қилолмади. Майли, билганларини қилишсин — Ихтиандр ўз бурчини бажарганди.

Қиз билан унинг ҳамроҳи қумтепалар панасида кўринмай кетишди, аммо Ихтиандр ҳануз уларнинг ортидан термулиб ўтирарди. Кейин у океан томонга ўгирилди. Нақадар бепоён ва кимсасиз-а бу океан!

Тўлқин қумга кўкси кумушдай бир балиқни чиқариб ташлади. Ихтиандр атрофга алангланди — тирик жон кўринмасди. У ўз пистирмасидан отилиб чиқиб, балиқни ердан кўтарди-да, денгизга улоқтирди. Балиқ сузиб кетди, аммо нима учундир Ихтиандр маъюс бўлиб қолди. У соҳилда кезиб, балиқ ва бошқа жониворларни сувга олиб бориб ташлашга киришди. Иш билан овора бўлиб кетиб, ҳамма нарсани унутди, кайфияти яна яхшиланди. Қирғоқ шамоли жабрасини куйдириб, қуритиб юборган пайтлардагина сувга бир-икки шўнғиб олиб, қоронғи тушгунга қадар соҳилда дайдиб юрди.

ИХТИАНДРНИНГ ХИЗМАТКОРИ

Сальватор тоққа Ихтиандрга ихлос билан хизмат қилаётган Кристосиз жўнашга қарор қилди. Бу нарса ҳиндуни жуда қувонтириб юборди: Сальваторнинг йўқлигида Балтазар билан учрашиш ўнғай эди. Кристо «денгиз иблиси»ни топганлиги ҳақида аллақачон Балтазарга хабар бериб қўйганди. Энди Ихтиандрни чалғита олса бўлгани.

Кристо энди печакгул билан қопланган оқ уйда яшар ва Ихтиандр билан тез-тез кўришиб турарди. Улар тез орада дўстлашиб кетишди. Кишилик жамиятидан ажратиб қўйилган Ихтиандр кекса ҳиндуга ўрганиб қолди. У йигитга ердаги ҳаёт тўғрисида ҳаммавақт ҳикоя қилиб бериб ўтирарди. Ихтиандр эса денгиз оламини машҳур олимлардан ҳам яхши билар ва Кристога сув ости сирларини гапириб берарди. Ихтиандр географиядан яхши хабардор эди, океанлар, денгизлар ва йирик дарёлар унга беш бармоғидай маълум эди. Астрономия, навигация, физика, ботаника ва зоология фанларини ҳам анча-мунча биларди. Лекин одамлар ҳақида жуда кам маълумотга эга эди: ер юзида яшовчи ирқлар тўғрисидагина баъзи нарсаларни эшитганди; кишилик тарихини эса бутунлай ноаниқ тасаввур қиларди; одамлар орасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида эса беш яшар боладан кўп нарса билмасди.

Кундузлари иссиқ пайтларда Ихтиандр ер ости ғорига тушиб, қаёққадир сузиб кетарди. Оқ уйга эса салқин тушгандагина қайтар ва эрталабгача шу ерда қоларди. Агар ёмғир ёғиб турган ёки бўрон кўтарилган бўлса, бутун кунни уйда ўтказарди. У нам ҳавода ўзини тетик ҳис қилганидан қуруқликда яшайверарди.

Уй кичкина, бор-йўғи тўрт хонадан иборат эди. Ошхона ёнидаги хонада Кристо яшар, унинг ёнгинасида емакхона, нарида эса катта кутубхона жойлашган. Ихтиандр испан ва инглиз

тилларини биларди, сўнгги энг катта хона Ихтиандрнинг ётоғи эди. Ётоқхонанинг ўртасида бассейн бўлиб, девор ёнига каравот қўйилганди. Ихтиандр баъзан каравотда ётса ҳам, лекин бассейнни афзал кўрарди. Аммо Сальватор жўнашидан олдин ҳафтанинг камида уч тунини каравотда ўтказишни тайинлаб кетган эди. Кечқурунлари Кристо Ихтиандрнинг ётоғига кириб, уни каравотда ётишга қистагани-қистаган эди.

— Сувда ухлаш минг марта ёқимли ва қулай,— деб қаршилик кўрсатарди Ихтиандр.

— Доктор каравотда ухлашни буюрган, отанинг гапига қулоқ солиш керак.

Ихтиандр Сальваторни отам деб аташига қарамай, Кристо бунга шубҳаланарди. Ихтиандрнинг юз ва қўллари анча оқ, эҳтимол сув остида кўп бўлганидан шундайдир. Юзининг тўғри тузилиши, ихчам бурни, юпқа лаб ва катта-катта чақноқ кўзлари ҳиндуга, унинг ўзи мансуб бўлган аракуан қабиласини эслатарди.

Кристо Ихтиандрнинг бадани қандай тусда эканлигини жуда билгиси келар, лекин йигит ҳаммавақт номаълум материалдан тикилган, усти тангачалар билан қопланган либосга ўралиб юрганидан бунинг иложи бўлмасди.

— Кечаси ечинмасдан ётасанми?— деб мурожаат қилди у йигитга.

— Нима кераги бор? Тангаларим менга халақит бермайди, жуда ҳам қулай. Жабрага ва баданимга ҳавони бемалол ўтказаверади, бундан ташқари мени ҳар турли балолардан асрайди: бунга акуланинг тиши ҳам, ўткир пичоқ ҳам ўтмайди,— деб жавоб берди Ихтиандр ўринга кираркан.

— Нега кўзойнак тақиб, қўлқоп кийиб юрасан?— деб сўради Кристо, каравот олдида ётган ғалати қўлқопларни кўздан кечира туриб.

Қўлқоплар яшил резинадан ишланган бўлиб, унинг бармоқлари бўғин-бўғин қамиш билан узайтирилган ва бармоқ оралари парда билан қопланган эди. Оёққа кийиладиган пайпоқларнинг бармоқлари эса ундан ҳам узунроқ эди.

— Қўлқоплар тез сузишга ёрдам беради, кўзойнаклар эса кўзни бўрон тўзғитган қумлардан ҳимоя қилади. Мен уни ҳаммавақт ҳам тақавермайман. Лекин кўзойнак билан сув остини яхшироқ кўраман. Кўзойнаксиз ҳамма нарса туманли кўринади,— Ихтиандр кулиб қўйди ва сўзида давом этди:— Ешлигимда отам баъзан қўшни боғда яшовчи болалар билан ўйнашга рухсат берарди. Мен уларнинг ҳовузда қўлқопсиз сузаётганликларини кўриб, ҳайрон бўлардим. «Қўлқопсиз ҳам сузиб бўладими?»— деб сўрасам, қанақа қўлқоп ҳақида гапираётганимни тушунишмади, чунки уларнинг олдида сира сузмасдим.

— Ҳозир ҳам кўрфазга бориб турасанми?— қизиқсинди Кристо.

— Албатта. Фақат ён томондаги бошқа туннель орқали сузаман. Аллақандай йиртқич одамлар тўрга илинтириб олишларига сал қолди, энди анча ҳушёр бўлиб қолдим.

— Ҳм... демак, кўрфазга олиб борувчи бошқа туннеллар ҳам бор экан-да?

— Жудаям кўп. Афсуски, мен билан сув остида сузолмайсан-да. Сенга ажойиб нарсаларни кўрсатган бўлардим. Нега ҳамма одамлар ҳам сув остида яшай олмасикин? Сени денгиздаги отимда сайр қилдирардим.

— Денгиздаги қанақа от? Бу нима деганинг?

— Дельфин. Мен уни ўргатиб олганман. Бечора! Бир куни бўрон қирғоққа чиқариб ташлаган экан, сузгичи қаттиқ шикастланибди. Сувга томон судрадим. Роса қийналдим-да ўзиям. Дельфинлар қуруқликда сувдагидан оғир бўлишади. Умуман ерда ҳамма нарса оғир. Ҳатто ўз тананг ҳам. Сувда яшаш қулай. Шундай қилиб десанг, ҳалиги дельфинни сувга олиб тушдим, қани энди сузолса! Демак, тирикчилик ҳам қилолмайди. Мен уни роса бир ой балиқ билан боқдим. Бу орада дельфин менга шундай ўрганиб қолдики, асти қўяверасан. Дўстлашиб кетдик. Бошқа дельфинлар ҳам мени яхши билишади. Денгизда улар билан сайр қилишнинг гашти бошқача! Тўлқин, томчилар, қуёш, шамол, шовқин — ҳамма-ҳаммаси яхши! Сув ости ҳам ёмон эмас. Худди қуюқ, кўм-кўк ҳавода сузиб кетаётганга ўхшайсан. Жимжитлик. Ўз оғирлигинг ҳам сезилмайди. Гавданг эркин, енгил ва ҳар бир ҳаракатингга итоаткор бўлиб қолади... Денгизда дўстларим жуда кўп. Сизлар қушларни парвариш қилганингиздай мен майда балиқларни боқаман, улар гала-гала бўлиб орқамдан эргашиб юришади.

— Душманларинг-чи?

— Душманларим ҳам бор. Масалан: акула, саккизоёқлар. Лекин мен улардан қўрқмайман. Чунки ҳаммавақт ёнимда пичоқ юради.

— Агар улар қўққисдан ҳужум қилиб қолишса-чи?

Ихтиандр таажжубланди.

— Ахир уларни узоқданоқ эшитаман-ку.

— Сув остида-я?— деди Кристо ҳам таажжубга тушиб.— Агар оҳиста сузиб келишса-чи?

— Барибир. Ажабланадиган жойи йўқ. Қулоғим билан ҳам, бутун гавдам билан ҳам эшитаман. Ахир улар сузганда сув тебранмайдими,— бу тебраниш уларнинг ўзидан анча олдинда юради. Тебранишни пайқабоқ, теварак-атрофга қарайман.

— Ухлаб ётган бўлсанг-чи?

— Барибир.

— Ахир, балиқлар...

— Балиқлар қўққисдан қилинган ҳужумдан эмас, балки кучли душмандан ўзларини ҳимоя этолмаганлари учун ҳалок бўладилар. Мен эса уларнинг ҳаммасидан ҳам кучлиман. Денгиз йиртқичлари буни билади. Шунинг учун ҳам яқинимга сузиб келишга журъат қилишолмайди.

«Зуританинг фикри тўғри: бунақанги денгиз ўғлони учун ҳар қанча меҳнат сарфласа арзийди,— деб дилидан ўтказди Кристо.— Лекин уни сувда қўлга тушириш ҳам ҳазил гап эмас.

«Бутун гавдам билан эшитаман». Қопқонга тушиши қийин бунинг. Зуритани огоҳлантириб қўйиш керак».

— Сув ости дунёси шунақа гўзалки!— дея хитоб қилди Ихтиандр завқ билан.— Йўқ, ҳеч қачон денгизни сизларнинг диққинафас, чанг босган ерингизга алиштирмайман.

— Нега бизнинг ер бўларкан? Сен ҳам ер фарзандисан-ку,— деди Кристо.— Онанг ким эди?

— Билмайман...— деб жавоб берди Ихтиандр қандайдир ишончсизлик билан.— Отамнинг айтишича, мен туғилган пайтимда у вафот этган экан.

— Албатта у балиқ эмас, бирорта аёл, инсон бўлган-да.

— Эҳтимол,— деди Ихтиандр.

Кристо бирдан кулиб юборди.

— Хўш, қани айт-чи, нега балиқчиларни қўрқитдинг, нега тўрларини қирқиб, қайиқдан тутган балиқларини улоқтириб юбординг?

— Чунки улар қоринларидан ортиб қоладиган даражада кўп овлашган эди.

— Ахир улар сотиш учун тутишган-да.

Ихтиандр тушунмади.

— Бошқа одамларнинг ҳам ейишлари учун,— деб изоҳ берди ҳинду.

— Одамлар шунақа кўпми?— ажабланди Ихтиандр.— Наҳотки, ердаги қуш ва ҳайвонлар уларга етмаса. Океанга нега келишади?

— Бирданига ҳаммасини сенга тушунтириб бўлмайди,— деди Кристо ҳомуза тортиб.— Энди ухлайлик. Лекин яна ваннага тушиб олма: отанг хафа бўлади.— Кристо шундай деб, чиқиб кетди.

Эрталаб эса у Ихтиандрни ётоқхонадан топмади. Тош пол ҳўл эди.

— Яна ваннада ухлапти-да,— деб ғулдиради ҳинду.

— Кейин, эҳтимол, денгизга сузиб кетган бўлса керак.

Ихтиандр нонуштага жуда кечикиб қайтди.

Нима учундир унинг авзойи бузуқ эди. Вилка билан бир бўлак бифштексни титкиларкан:

— Яна қовурилган гўштми?— деди аччиқланиб.

— Ҳа, яна қовурилган гўшт,— жавоб берди қатъий оҳангда Кристо.— Докторнинг буйруғи шундай. Тағин хом балиққа тўйиб келдингми? Бу аҳволда пишган таомдан бутунлай безиб қоласанку. Яна ваннада ухлаганинг нимаси. Каравотда ётмасанг жабранг ҳавонинг таъсирига бардош беролмайдиган бўлиб қолади, кейин биқиним санчяпти, деб нолиб юрасан. Нонуштага бўлса, мана кечикиб келдинг. Доктор қайтганда сендан шикоят қиламан. Бутунлай гапимга кирмай қўйдинг...

— Қўй, айтма, Кристо. Мен унинг ранжишини истамайман,— Ихтиандр ерга тикилганича ўйга толди. Бир оздан кейин у бошини кескин кўтарди-да, ўзининг катта, маъюс кўзларини ҳиндуга қадади:

— Кристо, мен бир қизни кўрдим. Шу пайтгача ундан гўзал-

роқ нарсани ҳеч қаерда учратмаганман, ҳатто океан остида ҳам...

— Нега бўлмаса бизнинг ерни ҳақорат қилдинг?

— Уни дельфин устида қирғоқ бўйлаб сузиб кетаётиб, Буэнос-Айрес яқинида, соҳилда кўриб қолдим. Кўзлари кўм-кўк, сочлари олтиндай.— Ихтиандр бир оз тўхтаб, гапида давом этди:— Мени кўрди-ю, қўрқиб қочиб кетди. Нега кўзойнак ва қўлқопларимни тақдим-а? У яна жим қолди, кейин бутунлай синиқ ва паст оҳангда қўшиб қўйди:— Бир куни океанда чўкиб кетаётган қандайдир бир қизни қутқарган эдим. Ўшанда унинг қиёфасига яхши разм солмаганман. Балки у ўша қиздир? Назаримда унинг ҳам сочлари олтиндай сапсариқ эди. Ҳа, ҳа. Эслаяпман...— Йигит ўйланиб қолди, кейин кўзгу қаршисига бориб, умрида биринчи марта ўз аксига боқди.

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Мен уни анча кутдим, лекин қайтиб келмади. Кристо, наҳотки энди у соҳилга келмаса?

«Қизнинг унга ёқиб қолгани жуда яхши бўлди»,— деб дилидан ўтказди Кристо. Шу пайтгача у шаҳарни ҳар қанча мақтамасин, Ихтиандрни Буэнос-Айресга боришга кўндира олмасди. У ерда Зурита йигитни осонгина қўлга тушириши мумкин эди.

— Қиз қирғоққа келмаслиги ҳам мумкин, лекин мен уни топишда сенга ёрдам бераман. Эгнингга костюм кийиб олиб, мен билан бирга шаҳарга борасан.

— Шунда уни кўраманми?!— деди хитоб билан Ихтиандр.

— У ерда қизларнинг уруғи кўп. Эҳтимол, соҳилда ўтирган қиз ҳам дуч келиб қолар.

— Юр, ҳозир жўнаймиз!

— Кеч бўлиб қолди. Шаҳаргача анча йўл босиш керак.

— Мен дельфинда сузаман, сен эса қирғоқ бўйлаб борасан.

— Қўй, ҳовлиқма,— деб жавоб берди Кристо.— Эртага эрталаб икковимиз бирга жўнаймиз. Сен кўрфазга сузиб борасан, мен қирғоқда костюм билан сени кутиб тураман. Ҳали костюм ҳам топиш керак («Кечаси укам билан учрашишга улгураман»,— деб дилидан ўтказиб қўйди Кристо).— Келишдикми: эртага эрта билан.

ШАҲАРДА

Ихтиандр қирғоққа сузиб чиққанида, Кристо билагига оппоқ костюм ташлаган ҳолда уни кутиб турарди.

Ихтиандр костюмга худди илон пўстига қарагандай назар солди ва ноилож кия бошлади. Афтидан у бунақанги либосни жуда кам кўрган эди. Ҳинду унга галстук боғлашда ёрдамлашди, кейин йигитни бошдан-оёқ кўздан кечириб, мамнун жилмайди.

— Юр,— деди у хушчақчақлик билан.

Ҳинду Ихтиандрни ҳангу-манг қилиш мақсадида уни Авени да Алвеар, Вертис каби марказий кўчалардан олиб ўтди, Маври-

тания услубида қурилган епископ ибодатхонаси ва бошқа давлат идоралари жойлашган Виктория майдонини, Озодлик обелиски ўрнатилган Йигирма бешинчи май[1] ҳамда Фуэтро майдонларини, хушманзара дарахтлар билан ўралган президент саройини кўрсатди.

Аммо Кристо янглишган эди. Катта шаҳардаги бетиним ҳаракат, шовқин-сурон, чанг, дим ва ғала-ғовур Ихтиандрни бутунлай довдиратиб қўйди. У одамлар орасидан фақат ўша қизни қидирар, аҳён-аҳён Кристонинг билагидан тортиб:

— Ана!..— деб пичирларди-да, дарҳол хатосини тузатарди:— Йўқ, бу эмас...

Тушга яқинлашиб қолди. Кун исиб кетди. Кристо нонушта қилиб олиш учун Ихтиандрни ертўлага жойлашган кичик бир ресторанга бошлаб кирди. Бу ер салқин бўлишига қарамай, бениҳоя сершовқин ва диққинафас эди. Ифлос ва ғариб кийинган кишилар тинимсиз бадбўй сигара тутатишарди. Тамаки тутунидан Ихтиандр бўғилаёзди, одамлар эса қўлларидаги газетани мижиқлаб бир-бирларига ўдағайлашар, қандайдир нотаниш тилда бақиришар, сўкишарди. Ихтиандр кетма-кет совуқ сув ичаверди, аммо овқатга қўл урмади.

— Бу одамлар гирдобида бирор кишини топишдан кўра океандан таниш бир балиқни топиш минг марта ўнғай. Шаҳар деганингиз кўнгилни айнатадиган нарса экан. Дим, сассиқ. Биқиним оғрияпти. Уйга кетаман, Кристо,— деди у маъюс товушда.

— Бўпти,— деб розилик билдирди Кристо.— Бир танишимникига кириб чиқамизу қайтамиз.

— Мен одамларникига киришни истамайман.

— Йўл-йўлакай. Кўп ўтирмайман.

Кристо овқат ҳақини тўлаб, Ихтиандр билан кўчага чиқди. Йигит бошини хам қилган ҳолда оғир-оғир нафас олиб, Кристонинг ортидан эргашиб борарди. Улар оқ уйлар, кактус, зайтун ва шафтоли дарахтлари сероб бўлган боғлар ёнидан ўтишди. Ҳинду уни янги портда яшовчи укаси Балтазарникига бошлаб кетмоқда эди.

Денгизга яқинлашганларида Ихтиандр нам ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Устидаги кийимларини юлиб ташлаб, ўзини сувга отишига сал қолди.

— Ҳозир етамиз,— деди Кристо ҳамроҳига қўрқа-писа разм солиб.

Улар темир йўлдан ўтишди.

Мана етиб келдик,— деди Кристо. Улар ярим қоронғи дўкончага тушишди.

Ихтиандрнинг кўзи қоронғиликка кўниккач, атрофни ҳайрат билан кўздан кечира бошлади. Дўкон денгиз остининг бир бўлагини эслатарди. Токчалар ва ҳатто полнинг анчагина қисмида

---

[1] 1810 йил 25 майда Ла-Плата вилоятида «Хунту» номли революцион союз ташкил қилиб, маҳаллий ҳокимиятни қамоққа олишган, муваққат ҳукумат тузиб, Испаниядан ажралиб чиқишганди. *(Автор изоҳи.)*

катта, кичик, бурма ва қўшалоқ — турли хил чиғаноқлар уюлиб ётарди. Шипга эса маржон шодалари, денгиз юлдузлари, балиқ тулупи, қуритилган қисқичбақалар ва бошқа денгиз жониворлари осиб қўйилганди. Пештахтада, ойна остида марварид тўла яшиклар турарди. Бир яшикда «Фариштa териси» деб ном олган пуштиранг марварид товланарди. Ихтиандр ўзига таниш бўлган бу нарсалар орасида анча тасалли топди.

— Дамингни ол, бу ер салқин, осойишта,— деди Кристо йигитни кўҳна тўқима стулга ўтқазиб.

— Балтазар! Гуттиэре!— деб қичқирди ҳинду.

— Сенмисан, Кристо?— деган овоз эшитилди қўшни хонадан.— Бу ёққа кел.

Паст эшикдан нариги хонага кириш учун Кристо қаддини эгди.

Бу ер Балтазарнинг лабораторияси эди. Бунда у суюқ кислота ёрдамида рангсизланиб кетган марваридларга қайта зеб берарди.

Кристо ичкари кириб, эшикни зич ёпди. Шипга яқин жойлашган кичкина деразадан тушган заиф нур эски қора стол устидаги нозик идиш ва шиша ванначаларни аранг ёритиб турарди.

— Салом, ука. Гуттиэре қани?

— Қўшниникидан дазмол олиб келиш учун чиқиб кетди. Ҳозир келади,— деб жавоб берди Балтазар.

— Зурита-чи?— деб сўради Кристо, сабрсизлик билан.

— Қаёққадир гумдон бўлди лаънати. Кеча андак қизишиб олган эдик.

— Яна Гуттиэре туфайлими?

— Ҳа-да. Зурита унинг олдида илондек буралади. У бўлса «Йўқ!»— дейди-туради. Нима ҳам қила оласан? Ўлгудай тантиқ, ўжар. Ўзини осмонда тутади. Ҳар қандай ҳинду қизи, гўзалликда танҳо бўлганда ҳам, шундай одамга турмушга чиқишни катта бахт деб ҳисоблайди. У шуни билмайди-да. Ўз кемаси бор, бутун бир артелнинг хўжайини-я,— дея минғилларди Балтазар, марваридларни эритмада чаяркан.— Эҳтимол Зурита бирор жойда аламидан ичиб ётгандир.

— Энди нима қиламиз?

— Бошлаб келганмисан ўзи?

— Ана ўтирипти.

Балтазар эшик олдига бориб, калит ўрнидан мўралади.

— Кўрмаяпман,— деди пичирлаб у.

— Пештахтанинг ёнида, стулда ўтирипти.

— Кўринмайди. Гуттиэре бор, холос.

Балтазар шошиб эшикни очди, улар Кристо билан дўкончага чиқишди.

Ихтиандр йўқ эди. Қоронғи бурчакда Балтазарнинг асранди қизи — Гуттиэре турарди. У ўз ҳусни билан янги портдан бошқа жойларга ҳам донг таратган эди.

Гуттиэре тортинчоқ ва ўзига бино қўйган қиз эди. У ҳаммавақт ёқимли, аммо қатъий товушда:

— Йўқ!— дерди.

Қиз Педро Зуритага ёқиб қолган, Педро унга уйланиш пайида юрарди. Кекса Балтазар ҳам кема соҳиби билан қариндош бўлиб, унинг даврасига киришни орзу қиларди.

Аммо Зуританинг ҳамма таклифларига қиз:

— Йўқ! — деб жавоб берарди.

Отаси билан Кристо хонага кирганларида у бошини қуйи осилтирганча хомуш қиёфада турарди.

— Салом, Гуттиэре! — деди Кристо.

— Бу ердаги йигит қани? — деб сўради Балтазар.

— Йигитларни яшириб қўядиган одатим йўқ, — деб жавоб берди Гуттиэре кулиб. — Дўконга кирганимда у менга қўрққансимон ғалати бир тикилди-да, ўрнидан турди, кейин бирдан ёқасини чангаллаб эшикка қараб югурди. Эс-ҳушимни йиғиб олгунимча чиқди-кетди.

«Ихтиандр айтган қиз худди шунинг ўзи», — деб ўйлади Кристо.

ЯНА ДЕНГИЗДА

Ихтиандр қирғоқ бўйлаб ҳаллослаганча чопиб борарди. Даҳшатли бу шаҳардан чиқиши билан йигит кескин бурилиб йўлдан четлади-да, денгизга қараб югурди. Соҳилдаги тошлар панасига яширинib, атрофга алангланди, кейин устидаги кийимларини шоша-пиша ечиб, тошлар орасига яширди ва жонҳолатда ўзини сувга отди.

Бениҳоя чарчаган бўлишига қарамай, ҳеч қачон бу қадар шиддат билан сузмаган эди. Ўтакаси ёрилган балиқлар ҳар томонга тумтарақай бўлиб қочишарди. Шаҳардан бир неча миль узоқлашгандан кейингина Ихтиандр денгиз бетига кўтарилди ва қирғоқ бўйлаб суза кетди. Бу ерда энди у ўзини уйидагидек ҳис қиларди. Сув остидаги ҳар битта тош, ҳар бир чуқурлик унга таниш. Мана бу ерда қумга узала тушиб камбағаллар яшайди, нарироқда қизил маржон буталари ўсади, уларнинг орасида майда балиқлар сузгани-сузган. Балиқчиларнинг гарқ бўлган манови кемасида икки саккизоёқ ошён қурган, яқинда бу оилада жажжи болачалар туғилди. Кулранг тошлар тагида қисқичбақалар ўрмалайди. Ихтиандр уларнинг ҳаётини соатлаб кузатишдан зерикмайди. Унга бу махлуқларнинг яхши овдан кейинги қувончлари ҳам, ўлжани қўлдан бой берган ёки йиртқичлар ҳужум қилган пайтлардаги қайгулари ҳам маълум. Соҳилга яқин қояларда сон-саноқсиз устрица чиғаноқлари ёйилиб ётипти.

Ниҳоят кўрфаз яқинида Ихтиандр бошини сувдан чиқарди. Тўлқинлар орасида сайр қилиб юрган бир гала дельфинларга кўзи тушиб, қаттиқ ва чўзиқ қичқирди. Катта бир дельфин бунга жавобан қувониб пишқирди-да, тўлқинлар орасида гоҳ шўнғиб, гоҳ кўтарилиб ўз дўсти томон сузиб кела бошлади.

— Тезроқ, Лидинг, тезроқ! — деб қичқирди Ихтиандр унинг қаршисига сузаркан. Дельфин етиб келиши билан йигит унга маҳкам ёпишиб олди. — Тезроқ олға, олға қараб сузамиз!

Дельфин йигитнинг амрига бўйсуниб, очиқ денгизга шамол в: тўлқинларни кесиб суза кетди. У кўпик тўзғитиб, кўкраги билан тўлқинни ёриб ўқдай елиб боришига қарамай, бу тезлик Ихти андрни қаноатлантирмади.

— Имилламасанг-чи, Лидинг! Тезроқ! Тезроқ!

Ихтиандр дельфинни бутунлай ҳолдан тойдирди, лекин тўл қин устидаги бу сайр уни овутолмади. У тўсатдан дўстини ҳангу манг қилиб, унинг ялтироқ белидан сирғалиб тушди-да, сувг. шўнғиди-кетди. Дельфин уни кутиб пишқирди, сувга бир шўнғи чиқди, ниҳоят норозилик билан яна бир пишқирди-да, орқасиг. қарай-қарай қирғоқ томонга сузиб кетди. Дўсти сув юзида қайт кўринмагач, Лидинг ёш дельфинлар тўдасига бориб қўшилди. Ихтиандр ҳануз океаннинг зим-зиё қаърига кириб борарди. Ш тобда унинг ёлғиз бўлгиси, янги таассуротлар, кўрган ва билга. нарсалари ҳақида танҳо ўй сургиси келаётган эди. Хавф-хатарн ҳам унутиб, жуда узоққа сузиб кетди. У ўзининг нима учун бошқ одамларга ўхшамаслигини билишни истарди.

Ихтиандр борган сайин денгиз тубига тушиб борарди. Су зичланиб, уни қиса бошлади, нафас олиши оғирлашди. Бу ерд қуюқ кўкиш-кулранг қоронғилик ҳукмрон эди. Денгиз йиртқич лари ҳам сийрак, уларнинг кўпчилигини Ихтиандр билмасди,— у ҳеч қачон бу қадар чуқурликка тушмаган эди. Шу он биринч марта бу тилсиз ва қоронғи олам Ихтиандрнинг юрагига ваҳим солди. У шошиб тепага сузиб чиқди-да, қирғоққа томон сузди. Су юзини алвон тусга бўяб, кун ботаётган эди. Унинг нури су кўкишлиги билан қоришиб, бинафша ва зангори туслар аралаш масидан иборат нафис бир ранг кашф этган эди.

Ихтиандр кўзойнаксиз бўлгани учун сув остидан денгиз сатҳ текис эмас, балки конусга ўхшаб кўринар,— у каттакон воронка нинг остида тургандек эди. Конуснинг четларига қизил, сари кўк, зангори ва бинафшаранг ҳошиялар тортилганга ўхшарди. Конус ортида эса кўзгудай тиниқ сув сатҳи ёйилиб, унда қоялар сув ости ўтлари ва балиқлар акс этиб турарди.

Ихтиандр кўкрагига ағдарилиб, соҳилга қараб сузди ва сає жойга яқин бир ерда сув остига, қоялар орасига ўтирди. Балик чилар қайиқдан сувга тушиб, қайиқларини соҳилга қараб торт бошладилар. Улардан бири тиззасигача сувга кирди. Ихтиандр сув устида оёқсиз балиқчини, сувда эса фақат унинг оёқларини кўрди, булар яна сув кўзгусида акс этди. Бошқа бир балиқчи елкасигача сувга ботди. Сувда бошсиз, лекин тўрт оёқли ғалати махлуқ намоён бўлди. Гўё бир-бирига ўхшаган икки кишиниг бошини кесиб ташлаб, улардан бирининг елкасини иккинчисиг улаганга ўхшарди. Одамлар қирғоққа яқинлашганларида худд шарда акс этгандек кўринардилар. Улар қирғоққа зичлаши тўпланишгунча Ихтиандр уларни бошдан-оёқ кўриб бўлди. Шунинг учун ҳам одамлар уни пайқаб қолмасларидан олди у ҳаммавақт нарироққа сузиб кетишга улгурарди.

Тўрт оёқли бошсиз таналар ва танасиз бошлар Ихтиандрг энди ёқимсиз кўриниб кетди. Одамлар... Улар тинимсиз шовқи

солишади, қўланса ҳидли сигаралар чекишади. Йўқ, дельфинлар минг марта яхши, улар тоза ва хушчақчақ. Ихтиандр қачонлардир дельфин сути ичганини эслаб, кулимсиради.

Узоқда, жануб томонда кичкина бир қўлтиқ бор. Ўткир сувости қоялари ва қум дўнгликлари қўлтиққа бирорта денгиз кемасини ўтказмайди. У ерда қирғоқ тик ва нуқул қоятошдан иборат. Қўлтиққа на балиқчилар, на марварид қидирувчилар боришади. Унча чуқур бўлмаган сув туби қалин ўт билан қопланг н. Илиқ сувда сон-саноқсиз майда балиқлар сузиб юради. Қўлтиққа кўп йиллардан бери бир урғочи дельфин сузиб келар ва бу иссиқ масканда гоҳ иккита, гоҳ тўртта, баъзан эса олтиталаб бола туғарди. Кичкина дельфинчалар Ихтиандрни ўзига шу қадар маҳлиё қилардики, у бутазорлар орасига яширинганча соатлаб уларни кузатиб ўтирарди. Дельфинчалар гоҳ сув юзида ўйнашар, гоҳо тумшуқлари билан бир-бирларини итаришиб, оналарининг елинига ёпишиб қолишарди. Ихтиандр аста-секин уларни ўргатишга киришди: майда балиқларни тутиб, дельфинларга едира бошлади. Вақт ўтиши билан дельфинчалар ҳам, она дельфин ҳам унга ўрганиб қолди. Ихтиандр энди улар билан бирга сайр қилар, дельфинчаларни тутиб, осмонга отар, кейин яна сувдан тортиб оларди. Бу нарса уларга ёқарди шекилли,— Ихтиандрдан сира ажралгилари келмасди ва ҳар гал у қўлтиқда совғалар — мазали балиқ ёки ундан ҳам ширин бўлган мазали саккизоёқлар билан пайдо бўлди дегунча ҳаммалари бараварига унга ташланишарди.

Бир куни она дельфин яна болалади, дельфинчалар ҳали жуда мурғаклигида, яъни ҳеч қандай овқат емай, фақат оналарининг сути билан ўсаётган пайтларида Ихтиандрнинг миясига бир фикр келди: ўзи ҳам дельфин сутидан пича тотиб кўрса нима қиларкин?

Шу ўй билан у она дельфиннинг остига сездирмай кириб олди-да, маҳкам қучоқлаганча уни эма бошлади. Бундай ҳужумни кутмаган дельфин даҳшат ичида қўлтиқдан қочиб чиқа бошлади. Ихтиандр ўтакаси ёрилган жониворни дарров қўйиб юборди. Унинг сутидан балиқнинг таъми келиб турарди.

Ногаҳоний чақалоқнинг чангалидан қутилган дельфин сув қаърига кириб ғойиб бўлди, саросимага тушган дельфинчалар эса атрофда изғиб юришарди. Она дельфин келиб, ўз болаларини бошқа қўлтиққа олиб кетгунга қадар Ихтиандр уларнинг орқасида анча овора бўлди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейингина улар ўртасидаги ишонч ва дўстлик қайта тикланди.

Кристонинг безовталангани бежиз эмас эди. Ихтиандр уч кечаю уч кундуз қорасини кўрсатмади. Тўртинчи кун деганда у бениҳоя ҳориган, ранг-рўйи оқарган, лекин мамнун қиёфада кириб келди.

— Қаёқларда қолдинг?— деб сўради уни кўриб севиниб кетган Кристо.

— Сув остида,— деб жавоб берди Ихтиандр.

— Нега бунча оқариб кетдинг?

— Мен... шу десанг, ўлишимга сал қолди,— деди Ихтиандр

умрида биринчи марта ёлғон гапириб ва Кристога анча илгари бўлган бир ҳодисани ҳикоя қилиб берди.

Океан тубидан серқоя бир ясси тог кўтарилган, юқорироқда, ясси тоғнинг ўртасида тухумсимон катта чуқурлик бор — ҳақиқий сувости кўли дейсиз.

Ихтиандр ана шу кўл устидан сузиб борарди. Кўл тубининг одатдан ташқари оч кулранг тусда эканлиги уни ҳайратга солди. Ихтиандр пастроққа тушиб, сув остини кўздан кечирди-ю, ҳангуманг бўлиб қолди: у турли хил денгиз ҳайвонларининг чинакам қабристони устида турарди. Бу ерда — майда балиқлардан тортиб, акула ва дельфинларгача — денгиз ҳайвонларининг мурдалари ётарди. Қабристонда яқиндагина жон берган ҳайвонлар ҳам бор эди. Лекин уларнинг атрофида, одатдагича, майда йиртқичлар — қисқичбақа ва балиқлар айланишмасди. Ҳамма нарса бежон, ҳаракатсиз. Фақат у ер-бу ердан тепага газ пуфакчалари кўтариларди. Ихтиандр чуқурлик ёқалаб сузаверди. У яна бир оз пастга тушган эди, бирдан жабралари зирқираб, нафаси бўғилди ва боши айланиб кетди, ҳаял ўтмай ҳушсизланиб, ҳавза четига қулаб тушди. Унинг икки чаккаси лўқиллар, юраги санчиб оғрир ва кўз олдини қизил туман қоплаган эди. Бировдан ёрдам ҳам кутиб бўлмасди. Шу пайт у сал нарига талваса ичида бурала-бурала бир акула келиб тушганини пайқаб қолди. Афтидан у Ихтиандрнинг изига тушгану кейин ушбу сувости кўлининг заҳарловчи ўлик сувига кириб қолган бўлса керак. Унинг қорин ва ёнлари тез-тез кўтарилиб тушар, оғзи ланг очиқ, оппоқ ўткир тишлари ярқираб кўриниб турарди. Акула жон берди. Ихтиандр сесканиб кетди. Жабрасига сув кирмаслиги учун жагини маҳкам қисиб, оёқ-қўллари билан тирмаша-тирмаша қирғоққа чиқди ва ўрнидан турди. Аммо боши айланиб, яна йиқилди. Кейин оёқларини кулранг тошга қаттиқ тираб, куч билан юқорига талпинди ва қўлларини силкиб кўлдан тез-тез узоқлаша бошлади...

Ихтиандр ҳикоясини тугатаркан, қачонлардир Сальватордан эшитган гапларини қўшиб қўйди:

— Эҳтимол бу чуқурликда қандайдир заҳарли газ тўпланиб қолган бўлса керак,— ё сероводород ёки кўмир ангидриди,— деди Ихтиандр.— Биласанми, океан сатҳида бу газлар оксидланади, шунинг учун ҳам уни пайқамаймиз, ҳавзанинг ўзида эса улар ҳали жуда қуюқ ва ўткир бўлади. Қани, энди овқатингни олиб кел, қорним жудаям оч.

Ихтиандр шоша-пиша нонушта қилди-да, кўзойнак ва қўлқопларини кийиб, ташқарига йўл олди.

— Атайин шуни олиш учунгина келганмидинг?— деб сўради Кристо кўзойнакни кўрсатиб.— Сенга нима бўлди ўзи, очиқ гапирсанг-чи?

Ихтиандрнинг характерига янги хислат қўшилганди: у ичидагини ҳеч кимга айтмайдиган бўлиб қолган эди.

— Сўрама, Кристо, нима бўлаётганини ўзим ҳам билмайман,— деди йигит ва хонадан тез чиқиб кетди.

ҚИЧИК БИР ИНТИҚОМ

Ихтиандр марваридфуруш Балтазарнинг дуконида қуққисдан зангори кўз қизга дуч келиб қолиб, шундай уялиб кетгандики, дўкондан отилиб чиқибоқ денгизга қараб чопганди. Энди яна қизни кўргиси келиб қолди, лекин сира иложини тополмасди. Энг қулайи Кристони ёрдамга чақириши ва шаҳарга у билан бирга бориши керак. Аммо Кристонинг олдида қиз билан учрашгиси келмасди. Ихтиандр ҳар куни биринчи марта қиз дуч келган ўша соҳилга сузиб борар ва уни кўриш умидида эрталабдан кечгача қирғоқдаги тошларнинг панасига яшириниб ўтирарди. Қизни қўрқитиб юбормаслик учун қирғоққа яқин қолганда у кўзойнагини ва қулқопини ечиб, оқ костюм кийиб оларди. Кеча-кундуз қирғоқда қолиб кетган пайтлари ҳам кўп бўларди. Кеч кирганда сув остига тушиб балиқ ва устрицалар билан қорнини тўйғазарди-да, тун бўйи беором ухлаб, эрталаб кун чиқмасдан яна ўзининг эски жойига бориб ўтирарди.

Бир куни кечқурун у марваридфурушнинг дуконига боришга қарор қилди. Эшиклар ланг очиқ бўлиб, пештахта орқасида кекса ҳинду ўтирарди, лекин қиз кўринмасди. Ихтиандр соҳилга қайтди. Қояли қирғоқда енгил оқ кўйлак ва похол шляпа кийган бир қиз турарди. Ихтиандр унга яқинлашишга журъат этолмай, тўхтади. Қиз кимнидир кутаётган эди. У сабрсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юрар, аҳён-аҳён йўлга қараб-қараб қўярди... Қоя ортида тўхтаган Ихтиандрни эса сира пайқамасди.

Мана қиз кимгадир қўлини силкиди. Ихтиандр қайрилиб қараб, йўлда шошиб келаётган узун бўйли, елкадор бир йигитни кўрди. Ҳали шу пайтгача у бу нотаниш кишиникидай чақноқ кўз билан очиқ чеҳрани учратмаганди. Йигит қизга яқинлашиб, қўл чўзди ва меҳрибонлик билан:

— Салом, Гуттиэре,— деди.

— Салом, Ольсен,— деб жавоб берди қиз.

Нотаниш йигит Гуттиэренинг кичкинакина нозик қўлини маҳкам қисди.

Ихтиандр уларга адоват билан тикилиб турарди. Бирдан унинг хўрлиги келиб, йиғлаб юборишига сал қолди.

— Олиб келдингми?— деб сўради забардаст йигит Гуттиэренинг бўйнидаги марварид шодасига ишора қилиб.

Қиз бош силкиди.

— Отанг билмайдими?— деб сўради яна Ольсен.

— Йўқ,— деб жавоб берди қиз.— Бу менинг ўз марваридим, нима қилсам ихтиёримда.

Гуттиэре билан Ольсен секин-секин гаплашиб, қояли қирғоққа келишди— Гуттиэре марварид шодасини ечиб, ипнинг бир учидан ушлади-да, қўлини баланд кўтариб:

— Буни қара, кун ботиш пайтида марварид қанчалик товланади-я. Ма, Ольсен...— деди шодага суқ билан тикилиб.

Ольсен энди қўлини чўзган эди, бирдан шода Гуттиэренинг қўлидан сирпалиб, денгизга тушиб кетди.

— Нима қилиб қўйдим!— деб бақириб юборди қиз.

Ольсен билан Гуттиэре маъюс ҳолда қирғоқда туриб қолишди.

— Балки, олиш мумкиндир!— деди Ольсен.

— Бу ер жуда чуқур,— деб жавоб берди Гуттиэре ва қўшиб қўйди:— Қандай бахтсизлик, Ольсен.

Ихтиандр қизнинг қайғураётганини кўриб, шу заҳотиёқ унинг марваридини баҳодир йигитга тортиқ қилмоқчи бўлганини ҳам унутди. У қизнинг қайғусига бефарқ қараб туролмади: қоя ортидан чиқди-да, шахдам-шахдам босиб Гуттиэрега яқинлашди.

Ольсен қовоғини солди, Гуттиэре бўлса синчковлик ва ҳайрат билан Ихтиандрга тикилиб турарди — у кутилмаганда дўкондан қочиб чиқиб кетган йигитни таниган эди.

— Марварид шодасини денгизга тушириб юбордингиз шекилли?— деб сўради Ихтиандр.— Хоҳласангиз, олиб бераман.

— Ҳатто энг уста марварид қидирувчи бўлган отам ҳам бу ердан уни тополмаган бўларди,— деб эътироз билдирди қиз.

— Бир уриниб кўраман,— деди камтарлик билан Ихтиандр ва Гуттиэре ҳамда унинг ҳамроҳини ҳангу манг қилиб, ечинмасданоқ тик қирғоқдан ўзини денгизга отди ва тўлқинлар қаърига кириб, ғойиб бўлди.

Ольсен нима дейишини билмай қолди.

— Ким бу? Қаерда пайдо бўлди?

Орадан бир минут ўтди, икки минут ўтди, йигитдан ҳануз дарак йўқ эди.

— Ўлди,— деди безовталаниб Гуттиэре, тўлқинга тикилиб туриб.

Ихтиандр ўзининг сув остида яшашга қобиллигини қизга билдиришни истамасди. Қидириш билан овора бўлиб кетиб, марварид қидирувчилар туриши мумкин бўлганидан узоқроқ вақт сув остида туриб қолди. Шунинг учун дарров юқорига кўтарилди-да, сувдан бошини чиқариб:

— Бир оз сабр қилинг. Сув остида қоятошлар кўп экан, қийинроқ бўляпти. Лекин топаман,— деди кулиб туриб ва яна шўнғиб сувга кириб кетди.

Гуттиэре марварид қидирувчиларнинг ишини кўп марта кузатган эди. Лекин бу йигитнинг сув остида қарийиб икки мунут тургандан кейин бир текис нафас олиши уни ҳайратда қолдирди.

Орадан икки минут ўтгач, Ихтиандрнинг боши сув юзида яна кўринди. Унинг чеҳрасида қувонч порларди. Йигит қўлини сувдан чиқариб, шодани кўрсатди.

— Қоянинг четига илиниб қолипти,— деди Ихтиандр бутунлай осойишта товушда. У гўё денгиздан эмас, уйдан чиққандай эркин нафас оларди.— Агар тошлар орасига тушиб кетганда анча мушкул бўларди.

У чаққонлик билан юқорига кўтарилди-да, Гуттиэренинг ёнига келиб, унга шодани узатди. Йигитнинг кийимларидан чак-чак сув томар, аммо у бунга заррача парво қилмасди.

— Мана, олинг.

— Раҳмат сизга,— деди Гуттиэре, унга яна синчковлик билан разм солиб.

Орага жимлик чўкди. Ҳар уччовлари ҳам нима қилишни билишмасди. Гуттиэре Ихтиандрнинг олдида марваридларни Ольсенга беришга ийманиб турарди.

— Сиз марваридларни бу кишига бермоқчи эдингиз чамамда,— деди Ихтиандр Ольсенга ишора қилиб.

Ольсен қизариб кетди, хижолатда қолган Гуттиэре эса:

— Ҳа, ҳа,— деди-да, марварид шодасини Ольсенга узатди. У марваридларни индамай олиб, чўнтагига солиб қўйди.

Ихтиандр мамнун эди. Бу ўзига хос кичик бир интиқом бўлганди. Баҳодир совға учун йўқолган марваридни Гуттиэренинг қўлидан олган бўлса ҳам, аслида у энди Ихтиандрники эди.

Ихтиандр қизга таъзим қилди-да, жўнаб қолди.

Аммо бу зафар қувончи узоққа чўзилмади. Янги-янги хаёллар Йхтиандрга тинчлик бермай қуйди. У одамларни яхши билмасди. Малла сочли баҳодир ким? Нима учун Гуттиэре ўз марваридларини унга совға қилди? Қоя ёнида улар нима ҳақда гаплашишди?

Ўша кеча Ихтиандр яна дельфинлар билан бўлиб, тун бўйи балиқчиларнинг ўтакасини ёраёзди.

Эртаси куни эса сув остидан бир марта ҳам чиқмади. Кўзойнагини тақиб олди-да, қўлқопларсиз кун бўйи денгиз тубида марварид чиғаноқларини терди. Кечқурун уйга келганида Кристо жиғибийрон бўлиб анчагина кўйиди. Тонг отиши билан у кийинган ҳолда Гуттиэре билан Ольсен учрашган қоя олдида пайдо бўлди. Кечқурун кун ботганда, ўтган галдагидай, олдин Гуттиэре келди.

Ихтиандр қоя ортидан чиқиб, қизга яқинлашди. Гуттиэре уни кўриб, худди эски таниши билан саломлашгандай, бош ирғади ва:

— Мени кузатиб юрибсизми?— деб суради кулимсираб.

— Ҳа,— деб жавоб берди Ихтиандр секингина,— сизни биринчи марта кўрган кунимдан бери...— Йигит уялинқираб давом этди:— Сиз марваридларингизни анови... Ольсенга ҳадя этдингиз. Лекин унга беришдан олдин шодани суқ билан томоша қилдингиз. Марваридни яхши курасизми?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, мановини олинг... мендан. Шундай деб, у қизга марварид узатди.

Гуттиэре марваридниинг баҳосини яхши биларди. Ихтиандрнинг ҳовучидаги марваридлар у кўрган ва отасидан эшитган жамики марваридлардан юксак турарди. Бениҳоя тиниқ ва кўркам бу марваридларнинг вазни юз қиротдан зиёд бўлиб, унинг нархи қарийб бир миллионга яқин олтин пезони ташкил қиларди. Ҳайратга тушган Гуттиэре гоҳ ғалати марваридларга, гоҳ қаршисида турган хушрўй йигитга тикиларди. Бақувват, ихчам, соғлом,

аммо андак уятчан, эгнига ғижимланган оқ костюм кийиб олган бу йигит Буэнос-Айреснинг бойваччаларига сираям ўхшамасди. Шунга қарамай, у ҳали тузук таниш ҳам бўлмаган бир қизга ана шундай тортиқ узатиб турарди.

— Олсангиз-чи,— деб такрорлади Ихтиандр.

— Йўқ,— деб жавоб берди Гуттиэре бошини чайқаб.— Мен сиздан бундай қимматбаҳо совғани қабул қилолмайман.

— Бунинг қимматли жойи йўқ,— деб эътироз билдирди Ихтиандр қизишиб.— Океан остида тўлиб ётибди.

Гуттиэре кулди, Ихтиандр уялганидан қизариб кетди ва бир оз сукутдан кейин илова қилди:

— Илтимос қиламан.

— Йўқ.

Ихтиандрнинг қовоғи солинди, у жуда хафа бўлган эди.

— Агар ўзингизга олишни истамасангиз,— деди сўзида қаттиқ туриб Ихтиандр,— анови... Ольсен учун олинг. У сира қайтармайди.

Гуттиэренинг жаҳли чиқди.

— У ўзи учун олмайди,— деб жавоб берди қиз дағаллик билан.— Сиз ҳеч нарсани билмайсиз.

— Демак, олмайсизми?

— Йўқ.

Ихтиандр зарб билан қўлидаги марваридларни денгизга қараб улоқтирди-да, орқасига бурилиб, бошини қуйи солганча қиздан узоқлаша бошлади.

Бу ҳол Гуттиэрени довдиратиб қўйди. У турган еридан қўзғала олмасди. Миллион сўмлик бойлик оддий тош янглиғ денгизга чўкди-кетди. Унинг виждони азоблана бошлади. Нега у бу ғалати йигитнинг дилини оғритди-я?

— Тўхтанг, қаёққа кетяпсиз?

Аммо Ихтиандр пинагини бузмай, йўлида давом этди. Гуттиэре чопиб унга етиб олди-да, билагидан тортиб ўзига қаратди. Йигитнинг юзида ёш томчилари йилтирарди. Илгари у сира йиғламаганди, шунинг учун ҳам ҳозир ҳамма нарсанинг, худди сув остида кўзойнаксиз сузган пайтидагидай, хира ва ноаниқ кўриниши уни ҳайратга солаётган эди.

— Кечиринг, сизни хафа қилиб қўйдим,— деди қиз унинг иккала билагидан ушлаб.

ЗУРИТАНИНГ САБРСИЗЛИГИ

Ана шу ҳодисадан кейин Ихтиандр ҳар куни кечқурун қирғоққа сузиб келиб, тошлар орасига яшириб қўйилган костюмни киярди-да, ўзига таниш бўлган қоя олдида Гуттиэрени кутар эди. Улар самимий суҳбатлашиб денгиз бўйида сайр қилишарди. Гуттиэренинг янги дўсти ким? Бу саволга қиз аниқ жавоб тополмасди, албатта. У Гуттиэре билмаган жуда кўп нарсалардан хабардор, ақлли, фаросатли йигит, лекин айни вақтда, ҳар бир

шаҳар боласига маълум бўлган оддий нарсаларни билмай боши қотарди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ихтиандр ўзи ҳақида кам гапирарди. Тўғриси, у ҳақиқатни айтишни истамасди. Қиз Ихтиандрни бир докторнинг, афтидан бадавлат бир одамнинг ўғли эканлигини биларди, холос. У ўз ўғлини шаҳардан ва кишилардан йироқда тарбиялаб, ниҳоятда ўзига хос ҳамда бир ёқлама таълим берган.

Баъзан улар соҳилда узоқ ўтириб қолишарди. Оёқлари остида тўлқин шовуллайди. Тубсиз кўкда сон-саноқсиз юлдузлар жимирлайди. Суҳбат бир лаҳза тинади. Ихтиандр ўзида йўқ шод.

— Энди кетайлик,— дейди қиз.

Ихтиандр истар-истамас ўрнидан туради, қизни шаҳар четигача кузатиб қўйгач, тезлик билан орқасига қайтади ва шошапиша кийимларини ечиб, ўзини сувга ташлайди. Эрталаб, нонуштадан кейин эса бир бўлак оқ нон қўлтиқлаб, кўрфазга келади. Сув остига, қумлоқ ерга ўтириб олиб, майда балиқларни боқишга киришади. Балиқлар йигитнинг атрофида ўралашиб, ивиган нонни тўппа-тўғри унинг қўлидан олиб ейишаверади. Баъзан йирик балиқлар тўдага ёриб кириб, майда балиқларга ташланиб қолишади. Шундай пайтларда Ихтиандр ўрнидан туради-да, қўли билан йиртқичларни ҳайдашга тушади, майда балиқлар эса унинг орқасига яширинишади.

У марварид териб, сув ости ғорига тўплай бошлади. Бу ишга шундай қизиқиб кетдики, кўп ўтмай сара марваридларнинг катта бир уюми ҳосил бўлди.

У ўзи билмаган ҳолда Аргентинанинг, эҳтимол, бутун Жанубий Американинг энг бой кишисига айланиб қолди. Агар истаса жаҳонда энг давлатманд одам бўлиши мумкин эди. Аммо бойлик уни қизиқтирмасди.

Кунлар ана шу зайлда ўтаверди. Ихтиандр Гуттиэренинг чанг, диққинафас ва ғала-ғовур шаҳарда яшаётганидан афсусланарди. Агар у ҳам шовқин-сурондан ва одамлардан йироқда, сув остида яшай олганида қандай яхши бўларди-я! Ихтиандр унга янги ғалати оламни, сув ости далаларидаги ранго-ранг гулларни кўрсатарди. Аммо Гуттиэре сув остида яшай олмайди. У эса қуруқликда ҳаёт кечиролмайди. Очиқ ҳавода ҳали ҳам кўп туриб қоляпти. Қиз билан денгиз қирғоғида ўтирган пайтлари оқибатида кун сайин биқинида оғриқ зўрайяпти. Лекин ҳатто оғриқ чидаб бўлмас даражага етганда ҳам у қиздан олдин ўрнидан қўзғалмасди. Ихтиандрга яна бошқа бир нарса ҳам тинчлик бермасди: Гуттиэре малла соч йигит билан нима ҳақда гаплашди? Ихтиандр ҳар гал буни сўрамоқчи бўлар, лекин уни хафа қилиб қўйишдан қўрқиб, бу ҳақда гапиришга юраги бетламасди.

Бир куни кечқурун қиз Ихтиандрга эртага келолмаслигини айтди.

— Нега?— деб сўради у қовоғини солиб.

— Бандман.

— Нима қиласиз?

— Бу қадар қизиқувчан бўлманг,— деб жавоб берди қиз кулиб.— Кузатмай қўяқолинг,— деди кетидан ва индамай жўнаб қолди. Ихтиандр денгизга тушди. Бутун тунни тош устида ётиб ўтказди. Таъби ниҳоятда хира эди. Тонг отгандан кейингина уйига қайтди.

Кутилмаганда, кўрфаз яқинида балиқчиларнинг қайиқдан туриб дельфинларга ўқ узганини кўриб қолди. Яралганган каттакон дельфин осмонга бир сапчиди-да, гурсиллаб сувга йиқилди.

— Лидинг!— деб пичирлади даҳшат ичида Ихтиандр.

Балиқчилардан бири қайиқдан сакраб тушиб, ўқ еган дельфиннинг сув юзига қалқиб чиқишини кута бошлади. Аммо дельфин балиқчидан юз метр чамаси наридан чиқди ва қаттиқ пишқириб, яна сувга кириб кетди.

Балиқчи шиддат билан дельфинга томон суза бошлади. Ихтиандр дўстига ёрдам бериш учун шошилди. Мана, дельфин яна сув юзида кўринди, шу пайт балиқчи унинг сузгичидан маҳкам ушлаб олди-да, ҳолсизланган жониворни қайиққа қараб судрай бошлади.

Ихтиандр сув остидан сузиб балиқчига етиб олгач, оёғини қаттиқ тишлади. Балиқчи уни акула деб ўйлаб, жонҳолатда оёқларини силкитишга тушди. Кейин ўзини ҳимоя қилиш мақсадида бўш қўлидаги пичоқни душманига урди. Пичоқ Ихтиандрнинг бўйнини тилди. Ихтиандр балиқчининг оёғини қўйиб юбориши билан у ўз қайиғига суза кетди. Яралганган Ихтиандр ва дельфин кўрфазга томон жўнаб қолишди. Йигит дельфинни ўз ортидан сузишга буюриб, сувости ғорига қараб шўнғиди. Бу ерда сув ғорнинг ярмигача кўтарилган эди, холос. Сув устидан ғорга ҳаво кириб турарди. Ғорда дельфин бемалол нафас олиши мумкин эди. Ихтиандр унинг ярасини кўздан кечирди. Яра унча хавфли эмас эди. Ўқ терисининг орасига ўрнашиб қолганди. Ихтиандр бармоғини тиқиб ўқни олиб ташлади. Дельфин оғриққа чидаб, тек турди.

— Тузалиб кетасан,— деди Ихтиандр, дўстининг елкасига қоқиб.

Энди ўзи ҳақида ҳам ўйлаши керак эди. Ихтиандр туннель орқали тезлик билан боққа кўтарилиб, оқ уйга кирди.

Уни ярадор ҳолда кўрган Кристонинг қути учиб кетди.

— Нима бўлди?

— Дельфинни ҳимоя этаётганимда балиқчилар ярадор қилишди,— деди Ихтиандр. Аммо Кристо бунга ишонмади.

— Яна шаҳарга ёлғиз ўзинг бордингми?— деб сўради у шубҳаланиб ярасини боғларкан. Ихтиандр жавоб бермади.

— Еқангни сал кўтар,— деди Кристо ва унинг елкасини бир оз очди. Ҳинду Ихтиандрнинг елкасидаги қизғиш доғни кўриб қолди.

Бу доғ уни қўрқитиб юборди.

— Эшкак билан уришдими?— деб сўради у йигитнинг елкасини силаб. Аммо шиш йўқ эди. Афтидан, бу туғма хол бўлса керак.

— Йўқ,— деб жавоб берди Ихтиандр.

Йигит дам олиш учун ўз хонасига кириб кетди, кекса ҳинду эса бошини чангаллаганча ўйга толди. Шу алпозда анчагина ўтирди, кейин ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

Кристо шошганича шаҳарга жўнади, Балтазарнинг дўконига ҳаллослаб кириб келди-да, пештахта орқасида ўтирган Гуттиэрега шубҳа билан разм солгач:

— Отанг уйдами?— деб сўради.

— Ичкарида,— деб жавоб берди қиз, боши билан иккинчи хонанинг эшигига ишора қилиб.

Кристо лабораторияга кириб, орқасидан эшикни маҳкам ёпди. Балтазар шиша идишда марварид тозалаб ўтирарди. У ўтган галгидай дарғазаб эди.

— Жонингдан тўйиб кетасан киши,— деб тўнғиллай бошлади Балтазар,— Зурита ҳар куни нега аканг шу пайтгача «денгиз иблиси»ни бошлаб келмаяпти деб заҳрини сочади, Гуттиэре бўлса кун бўйи аллақаёққа йўқолиб кетади. Зуританинг номини эшитгиси ҳам келмайди. «Йўқ!— дегани-деган. Зурита эса: «Кутавериб тоқатим тоқ бўлди. Зўрлаб олиб кетаман. Бир оз йиғлайди-ю, кўникиб қолади», дейди. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Кристо укасининг ҳасратларини эшитди, кейин аста гап бошлади:

— Биласанми, «денгиз иблиси»ни олиб келолмаганимнинг сабаби бор: у ҳам Гуттиэрега ўхшаб, ҳадеганда қаёққадир ғойиб бўлади-қолади. Мен билан шаҳарга келишга сира кўнмайди. Бутунлай гапимга кирмай қўйди. Ихтиандрга тузук кўз-қулоқ бўлиб туролмаганим учун доктордан роса дакки еяпман.

— Демак, Ихтиандрни тезроқ қўлга тушириш ёки ўғирлаш керак экан-да: у қайтмасидан олдин сен Сальваторнинг даргоҳидан жўнаб қоласан, қарабсанки...

— Тўхта, Балтазар. Гапимни бўлма. Ихтиандр масаласида шошмаслик керак.

— Нима учун энди?

Кристо дилидаги гапни айтишга қийналгандай хўрсиниб қўйди.

— Биласанми...— деб гап бошлади у.

Шу пайт дўконга кимдир кирди, улар Зуританинг баланд овозини эшитишди.

— Оббо,— деб ғулдиради Балтазар марваридни эритмага ташлаб.— Яна келди!

Зурита эшикни шахдам очиб, лабораторияга кирди.

— Ака-укалар топишибсизлар-да. Хўш, мени қачонгача лақиллатмоқчисиз?— деб сўради у олдин Балтазарга, кейин Кристога тикилиб.

Кристо ўрнидан турди ва жилмайиб:

— Қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан. Сабр этинг. «Денгиз иблиси» росмана бир балиқ эмас. Уни осонликча камардан тортиб чиқариб бўлмайди. Бир марта шаҳарга олиб келишга

муваффақ бўлганимда, сиз йўқ экансиз. «Иблис» шаҳарни кўздан кечирди, унга шаҳар ёқмади, энди бу ёққа келишга кўнмаяпти,— деди.

— Кўнмаса кўнмас. Кутиш жонимга тегди. Бу ҳафтада икки ишни амалга оширишга аҳд қилдим. Сальватор ҳали қайтгани йўқми?

— Яқин кунда келиб қолса керак.

— Демак, шошилиш керак. Меҳмонларни кутинглар. Ишончли одамлар танлаб қўйдим. Сен, Кристо, бизга дарвозани очиб берсанг бўлди, у ёғини ўзим тўғрилайман. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, Балтазарга маълум қиламан.— Шундай деб, у Балтазарга ўгирилди.— Сен билан эса эртага гаплашаман. Ёдингда тут, бу бизнинг охирги суҳбатимиз бўлади.

Ака-укалар индамай таъзим қилишди. Зурита уларга орқасини ўгириши билан ҳиндуларнинг чеҳрасидан табассум йўқолди. Балтазар секин сўкинди. Кристо, афтидан, алланарсаларни ўйларди.

Зурита дўконга чиққач, паст овозда Гуттиэрега алланималар деди.

— Йўқ!— деган жавоб эшитилди нариги хонадан.

Балтазар алам билан бошини чайқади.

— Кристо!— деб чақирди Зурита.— Орқамдан юр, сенда ишим бор.

КЎНГИЛСИЗ УЧРАШУВ

Ихтиандр ўзини ёмон ҳис қиларди. Бўйнидаги яра унга азоб бераётган эди. Аъзойи-бадани мисдек қизиб кетганди. У очиқ ҳавода нафас олишга қийналарди.

Аммо эрталаб, бетоблигига қарамай, Гуттиэрени кўриш учун қирғоққа жўнади. Қиз тушга яқин келди. Кун ниҳоятда исиб кетган эди. Дим ҳаво ва чангдан Ихтиандр бўғила бошлади. У денгиз бўйида қолмоқчи эди-ю, лекин Гуттиэре шошиб турарди, у шаҳарга қайтиши керак эди.

— Отам иш билан бир жойга кетади, дўконга қараб турмасам бўлмайди.

— Ундай бўлса кузатиб қўяман,— деди йигит. Улар қизиган, сертупроқ шаҳар йўлига чиқишди.

Рўпарадан бошини қуйи солган ҳолда Ольсен келарди. У қаттиқ ўйга чўмганидан Гуттиэрени пайқамай ўтиб кетди. Аммо қиз орқасидан уни чақириб қолди.

— Унга икки оғизгина гапим бор,— деб мурожаат қилди Гуттиэре Ихтиандрга ва орқасига қайрилиб Ольсен томон юрди. Улар тез-тез пичирлашиб нима ҳақдадир гаплашишди. Афтидан, қиз уни кўндиришга уринарди.

Ихтиандр улардан бир неча қадам орқада борарди.

— Майли, бугун ярим кечадан кейин,— Ольсеннинг бу сўзлари Ихтиандрнинг қулоғига чалиниб қолди. Баҳодир йигит қиз-

нинг қўлини қисиб, унга бошини силкитди-да, тез узоқлаша бошлади.

Гуттиэре Ихтиандрга яқинлашаркан, унинг юзи ва қулоқлари қизариб кетганини пайқади. У Гуттиэре билан Ольсен ҳақида гаплашиб олишни истарди, аммо гапни нимадан бошлашни билмасди.

— Айтинг-чи,— деди у нафаси қисилиб,— мен билишим керак... Ольсен... мендан бир сирни яширяпсиз. Сиз у билан кечаси учрашишингиз керак. Уни севасизми?

Гуттиэре Ихтиандрнинг билагидан ушлаб, меҳрибонлик билан унинг кўзларига тикилди ва кулиб туриб:

— Менга ишонасизми?— деб сўради.

— Ишонаман... биласизми, яхши кўраман сизни,— Ихтиандрга энди бу сўз таниш эди,— аммо мен, менга жуда оғир.

Бу гап ҳақ эди. Ихтиандрни аллақандай ҳислар азоблаётганди. Бунинг устига, биқинидаги оғриқ минут сайин авжга чиқаётган эди. У бўғила бошлади. Юзидаги қизиллик йўқолиб, ранги докадек оқариб кетди.

— Сиз бетобсиз,— деди қиз безовталаниб.— Ўзингизни босинг, илтимос. Гапирмоқчи эмасдим-у, майли, сизни тинчитиш учун ҳаммасини айтиб бераман. Эшитинг.

Шу пайт қандайдир сувори уларнинг ёнидан от чоптириб ўтди, аммо Гуттиэрега кўзи тушди-ю, отнинг жиловини кескин буриб, пиёдаларга яқинлашди. У анча ёшга бориб қолган, шоп мўйловли, кичкина чўққи соқолли буғдойранг бир киши эди.

Қаердадир, қачонлардир Ихтиандр бу одамни кўрганди. Шаҳардами? Йўқ... Ҳа, анави ёқда, қирғоқда.

Сувори қамчинини этик қўнжига уриб, Ихтиандрга бошданоёқ шубҳа ва адоват кўзи билан разм солиб чиққандан кейин Гуттиэрега қўл узатди.

У қизнинг қўлини тутди-да, бирдан уни эгарга кўтарди ва қўлидан ўпиб, хахолаб юборди.

— Қўлга тушдингми!— У ҳўмрайган Гуттиэренинг қўлини қўйиб юбориб, истеҳзо ва айни вақтда хусумат оҳангида давом этди.— Қайси келин тўй арафасида бошқа йигит билан сайр қилиб юрган?

Гуттиэренинг жаҳли чиқди, аммо сувори унга гапиришга имкон бермади.

— Отангиз кутиб ўтирибди. Мен дўконга бир соатдан кейин келаман.

Ихтиандр кейинги сўзларни эшитмади. Тўсатдан кўз олди қоронғилашиб, томоғига бир нарса қадалгандай, нафаси қисилди. У ортиқ очиқ ҳавода туролмасди.

— Сиз... ҳар ҳолда... мени алдадингиз...— деб ғулдиради у кўкариб кетган лабларини аранг қимирлатиб. Шу тобда у юрагидаги бор гапни тўкиб солгиси ёки бутун ҳақиқатни билиб олгиси келарди-ю, лекин биқинидаги оғриқ чидаб бўлмас даражага етиб, ҳушидан кетишига сал қолди.

Ниҳоят Ихтиандр ўрнидан қўзғалиб, қирғоққа қараб югурди ва тик қоядан ўзини денгизга отди.

Гуттиэре қичқириб юборди. Кейин Педро Зуритага ташланди.

— Тезроқ... Қутқаринг уни!

Аммо Зурита турган еридан қимирламади.

— Ўлгиси келганларга халақит берадиган одатим йўқ,— деди у пинагини бузмай.

Гуттиэре ўзини сувга ташлаш учун қирғоққа томон чопди. Зурита унинг орқасидан от қўйиб, бир зумда қизга етиб олдида, елкасидан кўтариб, эгарга миндирди ва отнинг жиловини катта йўлга бурди.

— Менга халақит бермаган одамни безовта қилишга ўрганмаганман. Яхшиси шу! Ўзингизни боссангиз-чи, Гуттиэре!

Гуттиэре жавоб бермади. У деярли ҳушсиз эди. Отасининг дўконидагина у ўзига келди.

— У йигит ким?— деб сўради Педро.

Гуттиэре Зуритага очиқ ғазаб билан боқиб:

— Қўйиб юборинг,— деди.

Зурита қовоғини солди. «Бемаънилик,— деб дилидан ўтказди у.— Қиз китобининг қаҳрамони ўзини денгизга ташлади. Қайтанга яхши бўлди». Кейин дўконга юз буриб, қичқирди:

— Ота! Балтазар!

Балтазар югуриб чиқди.

— Мана, қизингни ол. Менга раҳмат дегин. Уни қутқариб қолдим. Чиройли бир йигитнинг орқасидан ўзини денгизга отишига сал қолди. Бу билан иккинчи марта қизингнинг ҳаётини сақлаб қолдим, у бўлса ҳали ҳам мендан ўзини олиб қочади. Майли, ҳадемай бу ўжарликларга чек қўйилади:— У қаттиқ хахолади.— Бир соатдан кейин қайтиб келаман. Шартимиз ёдингда бўлсин!

Балтазар эгилиб таъзим қилиб, Педронинг қўлидан қизини олди.

Сувори пошнаси билан отини ниқтаб жўнаб кетди.

Ота-бола дўконга киришди. Гуттиэре ҳолсизланиб стулга ўтирди ва қўллари билан юзини бекитди.

Балтазар эшикни ёпди-да, дўкон ичида у ёқдан-бу ёққа юриб, нима ҳақдадир куйиб-пишиб гапира бошлади. Аммо унинг гапларини ҳеч ким эшитмасди.

«У ўзини сувга ташлади,— деб ўйларди қиз Ихтиандрнинг чеҳрасини кўз олдига келтириб.— Бечора! Дастлаб Ольсен, кейин Зурита билан бўлган мана бу кўнгилсиз учрашув. Мени қайлиғим деб аташга қандай ҳадди сиғди-я. Энди ҳаммаси тугади...»

Гуттиэре йиғларди. Унинг Ихтиандрга ичи ачирди. Содда, уятчан бу йигитни Буэнос-Айреснинг қуруқ ва олифта йигитларига тенглаштириб бўладими, ахир.

«Энди нима қилиш керак?— деб ўйларди ҳануз Гуттиэре,— Ихтиандр каби у ҳам ўзини сувга ташласинми? Ўз-ўзини ўлдирсинми?»

Балтазарнинг эса ҳамон жағи тинмасди:

— Тушунсанг-чи, Гуттиэре. Хонавайрон бўламиз, ахир. Дўкондаги сен кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Зуританики. Менинг ўз молим ўндан бири ҳам чиқмайди. Марваридларни Зуритадан ижарага оламиз. Яна бир қаршилик кўрсатсанг бутун мол-мулкни тортиб оладию, қайтиб менга қайрилиб ҳам қарамайди. Ҳолимиз нима кечади кейин? Вайрон бўламиз-ку! Эсҳушингни йиғ, қизим, қари отангга раҳминг келсин.

— Гапинг чала қолди: «унга турмушга чиқ» ҳам де. Йўқ! — деб жавоб берди Гуттиэре кескин.

— Минг лаънат! — деб қичқирди Балтазар бўғилиб.— Ундай бўлса... Зуританинг ўзи масалангни ҳал қилади! — Кекса ҳинду эшикни тарақлатиб ёпиб, лабораторияга кириб кетди.

САККИЗОЁҚЛАР БИЛАН ЖАНГ

Ихтиандр ўзини денгизга ташлади-ю, бир лаҳзага қуруқликда юз берган кўнгилсизликни унутди. Жазирама ва диққинафас ердан кейин муздек сув унга тасалли бериб, руҳини енгиллаштирди. Биқинидаги санчиқ босилди. У текис ва чуқур нафас ола бошлади. Ҳозир у қониб дам олиши керак эди, шунинг учун ҳам қуруқликда бўлиб ўтган ҳодисани эсламасликка уринди.

Ихтиандрнинг ишлагиси, бетиним ҳаракат қилгиси келарди. Ҳозир нима билан шуғулланса экан-а? Кечасилари у баланд қоядан сувга калла ташлашни яхши кўрарди. Ҳозир эса куппакундузи, тепада балиқчилар тушган қайиқлар қорайиб кўриниб турибди.

«Ҳа, энди топдим. Ғорни тартибга келтириш керак»,— деб ўйлади Ихтиандр.

Кўрфаздаги тик қояда бир ғор бор эди. Ихтиандр сув остида кўркам манзара кашф этиб турган аркли бу ғорни кўпдан бери кўз остига олиб юрарди. Лекин у ерни эгаллаш учун ғорни анча вақтлардан бери эгаллаб ётган саккизоёқларни ҳайдаб чиқариш керак эди.

Ихтиандр кўзойнагини тақди, узун, учи сал қайрилган ўткир пичоғини қинидан суғурди-да, ғорга қараб дадил суза кетди. Ғорга кириш қўрқинчли бўлганидан Ихтиандр душманларни ташқарига чақиришга қарор қилди. У ғарқ бўлган бир қайиқда балиқ овлайдиган узун чангак борлигини биларди. Ихтиандр чангакни қўлига ушлаб олди-да, ғор оғзига келиб, уни ичкарига ниқтай бошлади. Номаълум махлуқнинг босқинчилигидан ранжиган саккизоёқлар қўзғалиб қолишди. Ғор аркининг пештоғи четларида узун эгри-бугри оёқлар кўринди. Улар астасекин чангакка яқинлаша бошладилар. Саккизоёқнинг панжалари чангакка етай деганда Ихтиандр уни тортиб оларди. Бу ўйин бир неча минут давом этди. Мана, ғор оғзида, худди Медуза-Горгонанинг[1] сочларидай, ўнлаб узун оёқлар кўринди.

---

[1] Медуза-Горгона — узун сочли, гавдасига илон чирмашган афсонавий махлуқ. *(Автор изоҳи.)*

Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган катта бир саккизоёқ адабсиз келгиндининг таъзирини бериб қўйишга аҳд қилди. У оёқларини ваҳимали кўзғатиб ғордан сузиб чиқди. Ихтиандрни қўрқитиш учун турли тусга кириб аста-секин унга яқинлаша бошлади. Ихтиандр ўзини бир четга олди-да, чангакни ташлаб, жангга ҳозирланди. Иккитагина қўлга эга бўлган одамнинг саккиз оёқли душманга қарши курашиши қанчалик оғир эканлигини Ихтиандр яхши биларди. Саккизоёқнинг бир оёғини кесишга улгурмасингдан қолган етти оёғи бирданига ёпишиб, чархпалак қилиб юборади. Шунинг учун пичоқни тўппа-тўғри саккизоёқнинг танасига санчишга ҳаракат қилди. Ихтиандр махлуқнинг оёқлари яқинлашишини кутиб турди-да, шиддат билан олдинга, саккизоёқнинг бошига ташланди.

Шундай қилиб, у махлуқни довдиратиб қўйди. Саккизоёқ оёқларининг учини йиғиштириб, ўз рақибини чирмаб олгунга қадар орадан тўрт секундча вақт ўтди. Бу орада Ихтиандр эпчил, аниқ ҳаракат билан саккизоёқнинг танасини ёриб, юрагига пичоқ уриб нерв толаларини қирқиб ташлашга улгурди. Натижада йигитнинг гавдасига чирмашай деб турган улкан оёқлар бирдан ҳолсизланиб, денгиз тубига қулаб тушди.

— Биттаси кетди!

Ихтиандр яна чангакни ишга солди. Бу гал бирданига икки саккизоёқ жангга чиқди. Улардан бири тўппа-тўғри Ихтиандрнинг устига бостириб кела бошлади, иккинчиси эса орқадан ҳужум қилиш пайига тушди. Бу анча хавфли эди. Ихтиандр шиддат билан рўпарасидаги махлуққа ташланди, аммо уни бир ёқли қилишга улгурмасидан орқадаги саккизоёқ унинг бўйнига чирмашиб олди. Йигит бўйнига ёпишган оёқларни чаққонлик билан қирқиб, ўзини ростлаб махлуқнинг танасига пичоқ санчди. Майиб бўлган саккизоёқ аста тебраниб, сув остига қулади. Ихтиандр эса ҳаял ўтмай бошқасини ҳам унинг ортидан жўнатди.

— Учтаси кетди,— деб қўйди йигит.

Аммо жангни вақтинча тўхтатишга тўғри келди. Ғордан саккизоёқларнинг бутун бир галаси сузиб чиқди, сув қонга бўялиб, хиралашган эди. Бу вазиятда саккизоёқлар ғалаба қозониши мумкин эди, улар пайпаслаб ўз душманларини бемалол топа олардилар. Ихтиандр эса уларни кўролмасди. У жанг майдонидан нарига, сув тиниқ бўлган ерга чекинди ва бу ерда қон булутини ёриб чиққан бир саккизоёқни ўлдирди.

Жанг шу алпозда бир неча соат давом этди.

Ниҳоят, энг охирги саккизоёқ қулаб, сув тингандан кейин Ихтиандр денгиз тубида ётган сон-саноқсиз жонсиз тана ва типирчилаётган оёқларни кўрди. У аста ғорга сузиб кирди. Бу ерда бирталай муштдай-муштдай келадиган майда саккизоёқлар сузиб юрарди. Ихтиандр уларни ўлдирмоқчи бўлди-ю, лекин раҳми келди. «Ўргатишга уриниб кўриш керак. Бунақанги қўриқчилар асқотади».

Ихтиандр ғорни йирик саккизоёқлардан халос қилгач, ўзининг сувости хонасини ясатишга киришди. У боғдаги уйдан темир

оёқли, усти мармар стол билан иккита хитойи ваза келтирди. Ғор ўртасига столни, стол устига эса ичига тупроқ солиниб, денгиз гуллари тикилган вазаларни қўйди. Вазадаги тупроқ сув билан аралашиб, анча вақт лойқаланиб турди-да, кейин тинди. Гуллар эса енгил тўлқин таъсирида худди шабадада тебрангандай аста чайқалиб турарди.

Ғор деворида табиий тош скамейкага ўхшаган жой бор эди. Ғорнинг янги хўжайини ана шу скамейкага баҳузур чўзилди. Гарчи у тош бўлса ҳам, лекин сув остида унинг қаттиқлиги деярли сезилмасди.

Бу столи устига хитойи ваза қўйилган ғалати сувости хонаси эди. Жуда кўп синчков балиқлар янги хўжайинни зиёрат қилиш учун келдилар. Улар стол оёқлари оралаб сузишар, вазадаги гулларни ҳидламоқчи бўлгандай тумшуқларини тегизишар, Ихтиандрнинг атрофида гирдикапалак бўлишарди. Оппоқ бир чавоқбалиқ ғорга бир мўралади-да, қўрққанидан думини жилпанглатиб, нари сузиб кетди. Оппоқ қум устида каттакон қисқичбақа пайдо бўлди. У хўжайинга салом бергандай қисқичлаларини бир силкитиб қўйгач, ўрмалаб бориб стол остига жойлашди.

Бу ишдан Ихтиандрнинг кўнгли кўтарилди. «Хонани яна нима билан безатсам экан? — деб ўйлади у.— Ғорнинг огзига энг кўркам сувости гулларидан экаман, ерга марварид ётқизаман, девор четларига чиғаноқлар тераман. Қани энди бу уйни Гуттиэре кўрса... Аммо у мени алдаяпти-ку. Балки алдамаётгандир. Ахир у Ольсен ҳақида гапиришга улгургани ҳам йўқ-ку». Ихтиандрнинг қовоғи солинди. Иш тугаши билан яна у ўзининг ёлғизлигини, бошқаларга ўхшамаслигини ҳис қила бошлади. «Нега ҳеч ким сув остида яшай олмайди? Фақат менгина. Отам тезроқ келсайди, ундан сўрардим...»

У ўзининг сув остидаги янги уйини лоақал бирорта тирик жонга кўрсатишни истарди. «Лидинг», деди у бирдан дельфинни эслаб.

Ихтиандр бурама чиғаноқни олди-да, тепага сузиб чиқиб, уни чала бошлади. Ҳадемай таниш пишқириқ эшитилди — дельфин кўрфаз яқинида бўларди.

Дельфин сузиб келиши билан Ихтиандр уни эркалаб қучоқлади ва:

— Юр, Лидинг, сенга янги уйимни кўрсатаман. Сен ҳали столни ҳам, хитойи вазаларни ҳам кўрмагансан,— деди.

Ихтиандр дельфинга ўз орқасидан эргашишни буюриб, сувга шўнғиди.

Аммо дельфин жуда бесаранжом меҳмон чиқди. Катта ва қўпол жонивор ғорга кириши билан вазалар тебраниб кетди. Бунинг устига у пешонасини стол оёқларига уриб, уни ағдариб юборди. Вазалар нари учиб тушди, агар қуруқликда бўлганда чил-чил синиши турган гап эди. Лекин бу ерда улар шикастланмади, фақат ўтакаси ёрилган қисқичбақагина жонҳолатда ўрмалаб қоя тагига кириб кетди.

«Мунча қўпол бўлмасанг», деб дилидан ўтказди Ихтиандр вазаларни ердан кўтараркан.

У дельфинни қучоқлаб, деди:

— Мен билан шу ерда қол, Лидинг.

Аммо кўп ўтмай дельфин бошини чайқаб, безовта бўла бошлади. У сув остида узоқ тура олмасди. Унга ҳаво зарур эди. Дельфин сузгичларини силкиб, ғордан сузиб чиқди-да, тепага кўтарилди.

«Ҳатто Лидинг ҳам мен билан сув остида яшай олмайди,— деб ўйлади ёлғиз қолган Ихтиандр маъюс ҳолда.— Фақат балиқлар. Аммо улар тентак ҳам қўрқоқ, ахир...»

Ихтиандр ўзининг тош скамейкасига чўзилди. Кун ботди. Ғор ичи қоп-қоронғи эди. Енгил тўлқин Ихтиандрни оҳиста тебратиб турарди.

Кундузги ташвишлар туфайли ҳориган Ихтиандрни мудроқ босди.

ЯНГИ ДЎСТ

Ольсен каттакон қайиқда сувга термулиб ўтирарди. Уфқдан эндигина бош кўтарган қуёшнинг ўткир тиғлари кичкина курфаз сувини ёритиб турибди. Сув остида, оппоқ қум узра бир неча ҳинду эмаклаб юрибди. Ўқтин-ўқтин улар нафас олиш учун тепага сузиб чиқишади-да, яна шунғиб кетишади. Ольсен уларни диққат билан кузатиб турибди. Барвақт бўлишига қарамай кун иссиқ. «Ўзим ҳам бир-икки шунғиб чиқсам нима қилади»,— деб ўйлади у ва ақил-тапил ечиниб, ўзини сувга отди. Ольсен илгари сира шунғимаган эди, лекин бу унга ёқар ва сув остида тажрибали ҳиндуларга қараганда ҳам кўпроқ тура олишига ишонарди. Ольсен қидирувчилар сафига қўшилиб, бир зумда бу янги машғулотга берилиб кетди.

Учинчи марта шунғиган вақтида у сув остида чўккалаб ўтирган икки ҳиндунинг гўё акула ёки бошқа бирор йиртқич ҳужум қилгандай сапчиб туриб, жонҳолатда юқорига талпинганларини кўриб қолди. Ольсен орқасига ўгирилиб қаради. Унга томон танаси кумуш тангачалар билан қопланган, ярим инсон, ярим бақа қиёфасидаги катта-катта қабариқ кўзли ғалати бир махлуқ тез сузиб келарди. У бақаникига ўхшаган қўл ва оёқларини баравар силтаб, олға интиларди.

Ольсен ўрнидан туришга улгурмасидан махлуқ етиб келиб, унинг билагидан маҳкам ушлаб олди. Эсанкираб қолганига қарамай, Ольсен бу махлуқнинг одамникига ўхшаган чиройли юзи борлигини, уни фақат каттакон ялтироқ кўзларигина бузиб турганини пайқади. Ғалати махлуқ ўзининг сув остидалигини ҳам унутиб, алланималар дея гапира бошлади. Ольсен ҳеч нарса эшитмасди. У махлуқнинг лаблари қимирлаётганини кўрарди, холос. Махлуқ иккала қули билан Ольсеннинг билагидан ушлаб турарди. Ольсен оёқларини ерга қаттиқ тираб, кучининг борича юқо-

рига силтанди ва бўш қўли билан тепага сузиб чиқди. Махлуқ ҳам унга ёпишганча сув юзига кўтарилди. Ольсен қайиқ бортига осилиб, унга чиқиб олди-да, бақасимон махлуқни итариб юборди. Махлуқ шалоплаб сувга ағдарилди. Қайиқдаги ҳиндулар ўзларини сувга ташлаб қирғоқ сари суза кетишди.

Аммо Ихтиандр яна қайиққа яқинлашди ва испан тилида Ольсенга мурожаат қилди:

— Менга қаранг, Ольсен, сиз билан Гуттиэре ҳақида гаплашиб олишим керак.

Бу ҳол Ольсенни сув остидаги учрашувдан кўра ҳам кўпроқ ҳайратга солди. Ольсен довюрак киши эди. Модомики номаълум бу мавжудот унинг исмини ва Гуттиэрени билар экан, демак у одам бўлиши керак.

— Қулоғим сизда,— деб жавоб берди Ольсен.

Ихтиандр қайиққа чиқди-да, оёқларини йиғиштириб, қўлларини кўкраги узра чалкаштирган ҳолда ўтирди.

«Кўзойнак!» — деб дилидан ўтказди Ольсен нотаниш кишининг қабариқ кўзларига диққат билан разм солиб.

— Менинг исмим Ихтиандр. Бир гал сизга денгиз тубидан марварид шодасини олиб берган эдим.

— Аммо унда қўл ва кўзларингиз одамникига ўхшаган эди.

Ихтиандр кулимсираб, бақаникига ўхшаш қўлларини силкиб қўйди.

— Ечиб ташлаш мумкин,— деб жавоб берди у қисқагина қилиб.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

Ҳундулар қирғоқдаги қоя орқасидан мўралаб, гарчи сўзларини эшитмасалар ҳам, бу ғалати суҳбатни қизиқиб кузатиб турардилар.

— Гуттиэрени севасизми?— деб сўради Ихтиандр, бир оз сукутдан кейин.

— Ҳа, Гуттиэрени яхши кўраман,— деб жавоб берди Ольсен секингина.

Ихтиандр оғир хўрсинди.

— У ҳам сизни яхши кўрадими?

— Ҳа, у ҳам яхши кўради.

— Ахир у мени севади-ку?

— Бу унинг иши,— деди Ольсен елкасини қисиб.

— Нега унинг иши бўларкан? Ахир у сизнинг қайлиғингиз-ку.

Ольсеннинг чеҳрасида таажжуб акси зоҳир бўлди, лекин у илгаригидай осойишта жавоб қайтарди:

— Йўқ, у менинг қайлиғим эмас.

— Ёлғон гапиряпсиз! — деди Ихтиандр тутақиб.— От минган қорача кишининг ўз оғзидан эшитганман.

— Менинг қайлиғим эканлигиними?

Ихтиандр хижолат тортди. Йўқ, қорача киши, Гуттиэре Ольсеннинг қайлиғи, деган эмас. Лекин ёш қиз анча ёшга борган, кўримсиз бир одамнинг қайлиғи бўлиши мумкин эмас-ку? На-

ҳотки шундай бўлса? Қора киши, эҳтимол, унинг қариндошидир. Ихтиандр гапни бошқа мавзуга кўчиришга қарор қилди.

— Бу ерда нима қиляпсиз? Марварид қидиряпсизми?

— Худо ҳақи, саволларингиз жонимга тегди,— деб жавоб берди Ольсен қовоғини солиб.— Агар сиз ҳақингизда Гуттиэредан баъзи нарсаларни эшитмаганимда эди, қайиқдан улоқтирардим-у, гапни тугатиб қўя қолган бўлардим. Пичоққа ёпишманг. Уни суғурмасингиздан олдин эшкак билан бошингизни ёриб қўйишим мумкин. Лекин ҳақиқатан марварид қидираётганимни сиздан яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман.

— Мен денгизга улоқтириб юборган марваридларними? Гуттиэре сизга айтганмиди?

Ольсен бош силкиди.

Ихтиандрга жон кирди.

— Мана кўрдингизми, сиз марвариддан бош тортмаслигингизни Гуттиэрега айтган эдим. Марваридларни олиб, сизга беришни таклиф ҳам қилганман. Лекин у кўнмади, энди ўзингиз қидириб юрибсиз.

— Худди шундай, лекин марваридлар энди сизники эмас, балки океан мулки. Мабодо уларни топиб олганимда ҳам ҳеч кимдан қарздор бўлмайман.

— Марваридни шунчалик яхши кўрасизми?

— Мен хотин киши эмасман майда-чуйда безакларга ҳирс қўядиган,— эътироз билдирди Ольсен.

— Лекин марваридни... ҳалиги нима эди? Сотиш,— деди Ихтиандр ўзига деярли нотаниш бўлган сўзни аранг эслаб,— ва катта пул олиш мумкин.

Ольсен яна тасдиқ ишораси қилиб бош ирғаб қўйди.

— Демак, сиз пулни яхши кўраркансиз-да?

— Мендан нима истайсиз ўзи?— деб сўради Ольсен асабийлашиб.

— Нима учун Гуттиэре сизга марварид ҳадя қилишини билмоқчиман. Ахир сиз унга уйланмоқчисиз-ку?

— Йўқ, Гуттиэрега уйланишни хаёлимга ҳам келтирмаганман,— деди Ольсен,— мабодо уйланмоқчи бўлганимда ҳам энди вақт ўтди. Гуттиэре бошқа бировнинг қайлиғи.

Ихтиандрнинг ранги оқарди ва Ольсеннинг билагига ёпишди.

— Наҳотки ўша қора кишиники бўлса?

— Ҳа. У Педро Зуритага турмушга чиқди.

— Ахир у... Назаримда, мени яхши кўрарди-ку,— деди Ихтиандр маъюс ҳолда.

Ольсен унга раҳмдиллик билан термилди, кейин калта трубкасини шошмасдан тутатиб, деди:

— Ҳа, менинг сезишимча ҳам, у сизни севар эди. Аммо сиз унинг кўзи олдида ўзингизни денгизга ташлаб, чўкиб кетгансизку,— у шундай деб ўйлайди.

Ихтиандр Ольсенга ҳайрат билан тикилди. У Гуттиэрега ўзининг сув остида яшай олишини сира айтмаган эди. Қоядан ўзини

сувга ташлаган пайтида эса бу ҳаракат қизга ўз-ўзини ўлдириш бўлиб туюлишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Ўтган куни кечаси Гуттиэре билан учрашган эдим,— деб давом этди Ольсен.— Сизнинг ҳалокатингиз уни чуқур изтиробга солиб қўйибди. «Ихтиандрнинг ўлимига мен сабабчиман»,— деди у.

— Нима учун дарров бошқа одамга турмушга чиқиб кетади? Ахир у... ахир мен унинг ҳаётини сақлаб қолганман-ку. Ҳа, ҳа! Гуттиэренинг океанга чўккан ўша қизга ўхшашлигини анчадан бери сезиб юрардим. Мен уни қирғоққа олиб чиқиб, қоя панасига яшириниб турдим. Бир маҳал ҳалиги қора одам келиб — мен уни дарров танидим — Гуттиэрени ўзи қутқарганлигига ишонтирди.

— Гуттиэре менга гапириб берган эди,— деди Ольсен.— У ҳали ҳам ўзини Зуритами ёки ҳушига келган вақтида кўз олдида лип этиб кўринган ғалати махлуқми — ким қутқарганини билмайди. Нега шуни ўзингиз айта қолмадингиз?

— Менга буни гапириш ноқулай. Иккинчидан, Зуритани кўрганимга қадар мен қутқарган қиз худди Гуттиэренинг ўзи эканлигига тўла ишонмасдим. Лекин у ҳалиги одамга турмушга чиқишга қандай қилиб рози бўлди?— деб сўради Ихтиандр.

— Қандай қилиб шунақа бўлганини ўзим ҳам билмайман,— деб аста гап бошлади Ольсен.

— Билганларингизни гапириб беринг,— деб илтимос қилди Ихтиандр.

— Мен тугма фабрикасида чиғаноқ қабул қилувчи бўлиб ишлайман. Гуттиэре билан ўша ерда танишганман. У бизга чиғаноқ олиб келарди — отаси ўзи банд бўлган пайтларда уни юборарканг. Танишдик, бориб-бориб дўстлашиб кетдик. Баъзан портда учрашиб, денгиз бўйида сайр қилардик. У менга ўз қайғусини: қандайдир бадавлат бир испан унга кўз тикиб юрганини ҳикоя қилиб берди.

— Ўшами? Зуритами?

— Ҳа, Зурита. Гуттиэренинг отаси — ҳинду Балтазар — бу никоҳга ўлгудай мойил бўлиб, қизини зўр бериб бундай ажойиб куёвдан бош тортмасликка ундаркан.

— Нимаси ажойибмиш? Қари, ёқимсиз, ифлос бир одам-ку,— деди Ихтиандр ўзини тутолмай.

— Балтазар учун у ажойиб куёв. Бунинг устига, Балтазар Зуритадан қарздор экан. Агар Гуттиэре унга турмушга чиқишдан бош тортса, Зурита Балтазарни хонавайрон қилиши мумкин эди. Қизнинг қандай вазиятга тушиб қолганини энди тасаввур қиляпсизми? Бир томондан, қайлиқнинг бетиним шилқимлиги, иккинчи томондан, отанинг дашном, танбеҳ ва дўқлари...

— Нега Гуттиэре Зуритани ҳайдаб юбормади? Нега сиз, шунчалик катта ва бақувват бўла туриб, Зуритани урмадингиз?

Ольсен кулди ва айни вақтда таажжубга тушди: Ихтиандр ақлдан озганга ўхшамайди-ю, бераётган саволларини кўринг-а. Қаерда туғилиб-ўсган бу?

— Бундай қилиш сиз ўйлаганча осон иш эмас,— деб жавоб берди Ольсен.— Зурита билан Балтазарни қонун, полиция, суд ҳимоя қилди.— Ихтиандр барибир тушунмади.— Қисқаси, ундай қилиш мумкин эмас эди.

— Бўлмаса, нега Гуттиэре қочиб кетмади?

— Қочиш қулайроқ эди, албатта. Шунинг учун ҳам у қочишга қарор қилди, мен эса унга ёрдам бермоқчи бўлдим. Кўпдан бери Буэнос-Айресдан Шимолий Америкага кетиш ниятида юрган эдим. Гуттиэрега мен билан бирга кетишни таклиф қилдим.

— Унга уйланмоқчимидингиз?— деб сўради Ихтиандр.

— Қизиқсиз-а,— деди кулиб Ольсен.— Айтдим-ку биз у билан дўст эдик деб. Бундан кейин нима бўлар эди — билмайман...

— Нега кетмадингиз?

— Чунки йўлкирага пулимиз йўқ эди.

— Наҳотки «Горрокс»да юриш шунчалик қиммат турса?

— «Горрокс»да дейсизми! «Горрокс»да миллионерларгина юра олади. Нима бало, Ихтиандр, осмондан тушганмисиз?

Ихтиандр уялганидан қизариб кетди ва Ольсен уни оддий нарсаларни ҳам билмасликда айбламаслиги учун ортиқ савол бермасликка қарор қилди.

— Ҳатто юк ташувчи пароходга ҳам пулимиз етмас эди. Боргандан кейин ҳам пул керак-ку. Ҳадеганда иш топилавермайди.

Ихтиандр яна савол бермоқчи бўлди-ю, аммо ўзини тутди.

— Шундан сўнг Гуттиэре ўз марваридларини сотишга қарор қилди.

— Эҳ, мен билганимда эди! — деб хитоб қилди Ихтиандр сув остидаги хазинасини эслаб.

— Нимани?

— Йўқ, ўзим... Гапираверинг, Ольсен.

— Ҳамма нарса қочиш учун тахт қилиб қўйилган эди.

— Мен-чи?.. Нега энди? Кечиринг... Демак, у мени ҳам ташлаб кетмоқчи бўлганмиди?

— Бу гап сизлар танишмасингиздан олдин бўлганди. Кейин, билишимча, у сизни огоҳлантирмоқчи ва афтидан, ўзи билан бирга кетишни таклиф қилмоқчи эди. Мабодо, қочиш ҳақида сиз билан гаплаша олмаган тақдирда йўлдан хат ёзиб юбориши мумкин эди.

— Нега энди мен билан эмас-у, сиз билан қочиши керак? Сиз билан маслаҳатлашибди, сиз билан кетмоқчи бўлибди.

— Чунки биз бир-биримизни анчадан бери биламиз, сиз эса...

— Гапираверинг, гапираверинг, сўзларимга эътибор берманг.

— Шундай қилиб, ҳамма нарса қочишга тахт қилиб қўйилган эди,— деб давом этди Ольсен.— Аммо сиз Гуттиэренинг кўзи олдида ўзингизни сувга ташладингиз, Зурита эса Гуттиэре билан иккингизни тасодифан кўриб қолган. Эрталаб заводга кетатуриб, Гуттиэренинг олдига кирдим. Илгари ҳам тез-тез кириб турардим. Балтазар, назаримда, мени ҳар гал хайрихоҳлик билан қарши оларди. Эҳтимол муштларимдан қўрқар, ёки

бўлмаса Гуттиэренинг ўжарлиги Зуританинг жонига теккач, мени ўзининг иккинчи куёви деб ҳисоблайдими, билмайман. Ҳарҳолда Балтазар бизга халақит бермасди, фақат Зуританинг кўзига кўринмасликнигина тайинларди. Кекса ҳинду бизнинг режаларимизга шубҳа қилмасди, албатта. Ўша куни эрталаб Гуттиэрега пароходга билет олганимни, кеч соат ўнга тайёр бўлиб туришни тайинлаб қўймоқчи эдим. Мени Балтазар кутиб олди. У қаттиқ ҳаяжонда эди. «Гуттиэре уйда йўқ. Умуман... у йўқ,— деди Балтазар менга.— Ярим соат олдин Зурита яп-ярақлаб турган автомобилда эшигимиз олдида тўхтади. Бир кўрсангиз эди!— деб хитоб қилди у.— Автомобиль бизнинг кучада камдан-кам учрайдиган нарса, тағин у тўппа-тўғри эшигинг олдига келиб тўхтаса, жуда бошқача бўларкан. Гуттиэре билан икковимиз чопиб кучага чиқдик. Зурита машинанинг эшигини очиб, ерда турарди. У Гуттиэрени бозорга олиб бориб, яна келтириб қўймоқчилигини айтди. Зурита Гуттиэренинг ҳар куни шу маҳалда бозорга боришини биларди-да. Гуттиэре ярақлаб турган машинага қаради. Ёш қизни бу нарса қанчалик қизиқтиришини ўзингиз биласиз-ку. Аммо Гуттиэре тушмагур анойи эмас. У мулойимлик билан бош тортди. Одам ҳам шунчалик ўжар бўладими!— деди бўғилиб Балтазар ва кетидан хахолаб кулиб юборди. Лекин Зурита бўш кемади: «Уялпсиз шекилли,— деди у,— рухсат этинг, ёрдамлашворай».— Шундай деб, уни билагидан ушлади-да шартта машинага ўтқазди, Гуттиэре эса «дада!» — дея бақирганича қолди, машина бир зумда кўздан йўқолди. Менимча, энди қайтиб келишмаса керак. Зурита уни уйига олиб кетди»,— деб ўз ҳикоясини тугатди Балтазар. Афтидан у бўлиб ўтган воқеадан жуда мамнун эди. «Қизингизни кўз олдингизда ўғирлаб кетишибди-ю, сиз бўлсангиз бемалол, тағин завқ билан гапириб ўтирибсиз!!— дедим мен жаҳлим чиқиб. «Нимасидан ташвишланаман?— деб таажжубланди Балтазар.— Бегона одам бўлганда ҳам бошқа гап эди. Зуритани эса кўпдан бери биламан. Шунчалик хасис бўла туриб, машинага пул аямабдими, демак, Гуттиэрени ўлгудай яхши кўради. Энди унга уйланмай қўймайди. Гуттиэрега эса сабоқ бўлади: ўжарлигини ташлайди. Бадавлат одамлар билан ҳазиллашиб бўларканми? Кўз ёшининг фойдаси йўқ. Парана шаҳри яқинида Зуританинг «Долорес» деб аталган боғи бор. Онаси шу боғда туради. Гуттиэрегинамни ўша ёққа олиб кетган бўлса керак».

— Балтазарни урмадингизми?— деб сўради Ихтиандр.

— Сизнинг кўнглингизча роса муштлашишим керак эди,— деб жавоб берди Ольсен.— Дарҳақиқат, Балтазарни ўша тобда савалагим ҳам келди. Лекин ишни бузиб қўймаслик учун бу фикримдан қайтдим. Ҳали бирор тадбир қўллаш мумкин, деган умид бор эди менда... Тафсилотлари билан гапириб ўтирмайман. Юқорида айтганимдай, Гуттиэрени кўришга муваффақ бўлдим.

— «Долорес» боғидами?

— Ҳа.

— Муттаҳам Зуритани ўлдириб, Гуттиэрени озод қилмадингизми?

— Яна уриш, бу ҳам етмагандай — ўлдириш. Сизни бу қадар қонхўр деб ўйламагандим.

— Мен қонхўр эмасман,— деди кўзлари жиққа ёшга тўлган Ихтиандр.— Ахир бу ҳолга чидаб бўладими!

Йигитга Ольсеннинг ичи ачиб кетди.

— Сиз ҳақсиз, Ихтиандр,— деди у.— Зурита билан Балтазар ярамас, ғазаб ва нафратга лойиқ кишилар. Уларни ҳар қанча калтакласанг ҳам оз. Аммо ҳаёт сиз ўйлагандан мураккаброқ. Гуттиэренинг ўзи Зуритани ташлаб кетишдан бош тортди.

— Ўзи бош тортди?— деб сўради ишонқирамай Ихтиандр.

— Ҳа, ўзи.

— Нима учун?

— Биринчидан, у сизнинг уни деб ҳалок бўлганингизга ишонади. Сизнинг ўлимингиз уни оғир аҳволга солиб қўйибди. Бечора қиз қаттиқ севиб қолган экан чамамда. «Энди менинг ҳаётим тугади, Ольсен,— деди у менга.— Энди менга ҳеч нарса керак эмас. Ҳаммасига бефарқман. Зурита таклиф қилган руҳоний бизга никоҳ ўқиганида ҳеч нарсани англаганим йўқ. «Оллонинг хоҳишисиз ҳеч нарса бўлмайди»,— деди руҳоний бармоғимга узук тақа туриб. Унинг амри билан жуфтлашган кишилар ажралмасликлари керак. Зурита билан бир умр бахтсиз бўламан, лекин худонинг қаҳрига дучор бўлишдан қўрқаман, шунинг учун ҳам уни ташлаб кетмайман».

— Ахир, бу нодонлик-ку! Қанақа худо? Дадамнинг айтишича, худо — болаларни лақиллатадиган бир чўпчак, холос,— деди Ихтиандр жиғибийрон бўлиб.— Наҳотки шуни тушунтира олмасангиз?

— Афсуски, Гуттиэре ана шу чўпчакка ишонади. Миссионерлар уни диндор қизга айлантириб қўйишган. Бу йўлдан қайтаришга кўп уриндим, лекин фойдаси бўлмади. Агар черков билан худо ҳақида яна гапирадиган бўлсам, мен билан ортиқ дўстлашмаслигини айтди. Кутишга тўғри келди. Боғда узоқ туришнинг ҳам иложи йўқ эди. Бир неча оғиз гаплашдик, холос. Зурита Гуттиэрени ўз никоҳига ўтказиб олгандан кейин: «Бир иш битди. Қушчани тутиб, қафасга солдик, энди балиқни илинтириш қолди!» — деб хитоб қилганмиш. У бу гапнинг маъносини Гуттиэрега тушунтириб берипти. Гуттиэре эса менга айтди. Зурита «денгиз иблиси»ни қўлга тушириш учун Буэнос-Айресга борармиш, шундан кейин эса Гуттиэре миллионер хотинга айланармиш. «Денгиз иблиси» сиз эмасмисиз? Сув остида истаганча бемалол тура оласиз, марварид қидирувчиларнинг ўтакасини ёрасиз...

Эҳтиёткорлик Ихтиандрни ўз сирини Ольсенга очиб қўйишдан сақлади. Барибир буни у тушунтира олмасди ҳам. Шунинг учун Ольсеннинг саволига жавоб бермаёқ:

— Зуритага «денгиз иблиси» нима учун керак экан?— деб сўради.

— Педро «иблис»ни марварид теришга мажбур қилмоқчи.

Агар ўша «денгиз иблиси» сиз бўлсангиз — ўзингизни эҳтиёт қилинг.

— Огоҳлантирганингиз учун раҳмат,— деди йигит.

Ихтиандр ўзининг қилмишлари қирғоқдаги аҳолига маълум эканлиги ҳамда у ҳақда газета ва журналлар жуда кўп гаплар ёзиб чиққанлигига шубҳа қилмасди.

— Йўқ,— деди бирдан Ихтиандр,— мен уни кўришим керак. Сўнгги марта бўлса ҳам учрашишим керак. Парана шаҳри дедингизми? Ҳа, ҳа, биламан. Парана дарёси бўйлаб юқорига қараб юрилади. Шаҳарга етиб олингандан кейин «Долорес» боғига қандай бориш мумкин?

Ольсен батафсил тушунтирди.

Ихтиандр Ольсеннинг қўлини маҳкам қисди.

— Мени кечиринг. Сизни душман деб ҳисоблагандим, аммо кутилмаганда дўст чиқиб қолдингиз. Хайр, Гуттиэрени қидиришга жўнайман.

— Ҳозирми?— деб сўради Ольсен жилмайиб.

— Ҳа, бир минут ҳам вақтни қўлдан бой бермай,— деб жавоб берди Ихтиандр ва ўзини сувга ташлаб, қиргоққа томон суза кетди.

Ольсен бош чайқаб, орқасидан қараб қолди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ИЎЛДА

Ихтиандр шошилинч равишда сафарга отланди. У қирғоққа яшириб қўйган костюми билан бошмоғини топиб, уларни узун пичоқ осилиб турган камари билан елкасига боғлиб олди-да, кўзойнак ва қўлқопларини кийиб, йўлга тушди.

Рио-де-Ла-Плата кўрфазида жуда кўп океан пароходлари ва корабллари, кема ҳамда қайиқлар турарди. Улар орасида кичкина буғ катерлари сузиб юрибди. Сув тубидан уларнинг остлари худди ҳар томонга сузиб кетаётган сув қўнғизларига ўхшаб кўринади. Лангар занжирлари ва арқонлар сувости дарахтининг ингичка таналаридай юқорига чирмашган. Кўрфаз туби ҳар турли чиқиндилар, темир-терсак, тошкўмир ва ташландиқ шлак уюмлари, яроқсиз шланг бўлаклари, елкан парчалари, тунука идиш ва ғиштлар, бўш шиша ва консерва банкалари, қирғоққа яқинроқ ерлар эса ит ва мушук жасадлари билан қопланган.

Сув бетида юпқа нефть пардаси жимирлайди. Ҳали қуёш ботмаганлигига қарамай, бу ерда кўкимтир кулранг қоронғилик ҳукмрон. Парана дарёси оқизиб келтирган қум ва балчиқ кўрфаз сувини лойқалантириб юборган.

Ихтиандр бу беҳисоб кемалар тўдаси ичида адашиб қолиши мумкин эди-ю, лекин кўрфазга қуйилиб турган дарёнинг енгил оқими компаслик ролини бажарди. «Қизиқ, бунчалик исқирт бўлишмаса бу одамлар» — деб дилидан ўтказди у ахлатхонани эслатувчи кўрфаз тубини жирканиб кўздан кечираркан. У кўрфаз ўртасида, кемаларнинг тумшуқ қисмидан пастда сузиб борарди. Сув ниҳоятда ифлос бўлганидан у худди диққинафас хонага кириб қолган одамдай зўрға нафас оларди.

Бир неча жойда унга кишиларнинг мурдалари ва ҳайвон склетлари дуч келди. Мурдалардан бирининг бош суяги мажақланган бўлиб, бўйнида бир учига тош боғланган арқон осилиб турарди. Бу ерда кимнингдир жиноятн яшириниб ётарди. Ихтиандр бу мудҳиш жойдан тезроқ чиқиб кетишга ошиқди.

Аммо кўрфаз бўйлаб қанчалик юқорига кўтарилган сайин оқимнинг қаршилиги шу қадар кучайиб борарди. Сузиш қийинлашди. Океанда ҳам оқимлар бор, аммо бу оқимлар унга кўмаклашади, йигит уларни яхши билар, худди денгизчи орқадан эсган шамолдан фойдалангандай улардан фойдаланарди. Бу ерда эса фақат битта қарши оқим бор эди. Ихтиандр абжир сузувчи бўлишига қарамай, жуда секин илгарилаётганидан ғижиниб борарди.

Тўсатдан алланима унинг ёнгинасидан шувиллаб ўтиб кетди: қайдайдир кема лангар ташлади: «Бу ерда сузиш ҳам хатарли»,— деб ўйлади Ихтиандр ва атрофга аланглади. Орқадан каттакон бир пароход яқинлашиб келарди.

Ихтиандр чуқурроқ шўнғиди-да, пароход унинг устидан сузиб ўтаётганида эпчиллик билан кеманинг таг тўсинига ёпишиб олди. Бу аҳволда сув остида ётиш анча ноқулай эди, лекин энди у пана жойда бўлиб, тез илгариларди.

Дельта тугаб, пароход Парана дарёсига кирди. Дарё суви ниҳоятда лойқа эди. Ихтиандр бу чучук сувда нафас олишга қийналарди. Унинг қўллари толиқа бошлади, лекин у кемадан ажралишни истамасди. «Афсус, сафарга Лидинг билан бирга чиқолмадим-да»,— деб ўйлади у дельфинни эслаб. Аммо уни дарёда ҳалок қилишлари мумкин эди, чунки Лидинг бутун йўлни сув остида боса олмас, Ихтиандр эса бениҳоя серқатнов бўлган дарё сатҳига чиқишга қўрқарди.

Ихтиандрнинг қўллари борган сари чарчай бошлади. Бунинг устига, кун бўйи оғзига ҳеч нарса олмаганидан, қорни ўлгудай очган эди. Тўхташга тўғри келди. У кема тўсинини қўйиб юборди-да, дарё тубига шўнғиди.

Қоронғилик қуюқлаша бошлади. Ихтиандр сербалчиқ сув остини кўздан кечирди. Аммо на камбала ва на устрица чиғаноғини топди. Унинг атрофида чучук сувда яшовчи балиқлар сузиб юрар, лекин Ихтиандр уларнинг одатларини билмаганидан бу балиқлар денгиз балиқларига нисбатан айёрроқ кўринди. Уларни тутиш қийин эди. Кеч кириб, балиқлар уйқуга кетгандан кейингина Ихтиандр каттакон бир чўртанбалиқни тутишга муваффақ бўлди. Унинг гўшти қаттиқ бўлиб, балчиқ ҳиди анқиб турарди, аммо ниҳоятда очиққан йигит балиқни суякларини ҳам ажратмай иштаҳа билан ея бошлади.

Бир оз дам олиш керак эди. Дарёда осойиштароқ ухласа бўларди, чунки бу ерда акула ёки саккизоёқлар ҳужум қилмасди. Фақат уйқу пайтида сувнинг пастга қараб оқизиб кетиш хавфи бор эди. Ихтиандр бир неча тош топиб, уларни бир ерга қатор қилиб терди-да, ҳосил бўлган тўсиқ остига чўзилди.

Аммо узоқ ухлай олмади. Кўп ўтмай, кандайдир пароходнинг яқинлашиб келаётганини сезди. Ихтиандр кўзларини очиб, сигнал чироқларини кўрди. Пароход қуйидан келаётганди. Йигит дарров ўрнидан туриб, пароходга осилишга ҳозирланди. Аммо у моторли қайиқ бўлиб, ости тап-текис эди. Ихтиандр унга ёпишишга уриниб, паррак орасида қолаёзди.

Оқим бўйлаб пастга бир неча пароход ўтиб кетди. Ниҳоят Ихтиандр қуйидан келган бир пассажир пароходига осилишга муваффақ бўлди.

Шу тариқа йигит Парана шаҳрига етди. Ихтиандр саёҳатининг биринчи қисми тугаган, аммо қийини қолганди — энди у қуруқликда юриши керак эди.

Эрта саҳарда Ихтиандр шаҳарнинг сершовқин гаванидан холироқ бир ерга сузиб борди-да, эҳтиёткорлик билан атрофга

аланглаб олгач, сувдан чиқди. Кўзойнак ва қўлқопларини ечиб, қумга кўмди, кейин костюми ва бошмоғини офтобда қуритди-да, ғижим ҳолича кийиб олди. Унинг қиёфаси дайдиларга ўхшар, аммо у буни хаёлига келтирмасди ҳам.

Ихтиандр, Ольсен тайинлаганича, дуч келган балиқчидан Педро Зуританинг «Долорес» деб аталган боғини сўроқлаб, ўнг қирғоқдан бораверди.

Балиқчилар унга бошдан-оёқ шубҳа билан разм солиб, бош чайқашарди.

Бир соат ўтди, икки соат ўтди, кун тобора қизиб борар, аммо қидиришдан ҳануз натижа чиқавермас, бу нотаниш жойларда Ихтиандр йўлини ҳам топиб юролмасди. Жазирама иссиқдан ҳолсизланган йигитнинг боши айланар ва у ёмон идрок қиларди.

Бу орада Ихтиандр бир неча бор ечиниб, сувга шўнғиб чиқди.

Ниҳоят, кундуз соат тўртларга яқин батракнамо кекса бир деҳқонга йўлиқди. У Ихтиандрнинг сўзларини жимгина эшитдида, бош силкиб, деди:

— Мана шу йўлдан тўппа-тўғри кетаверасан. Кўлга етгандан кейин кўприкдан ўтасан-да, тепаликка кўтариласан. Мўйловдор Долорес ана ўша ерда.

— Нега мўйловдор бўлар экан? «Долорес»— боғ-ку, ахир?

— Тўғри, боғ. Лекин боғнинг кекса хўжайинини ҳам Долорес деб аташади. Долорес — Педро Зуританинг онаси. Семиз, мўйловдор кампир. Хизматга кириб юрмагин тағин. Еттиқават теринги шилиб олади-я. Бориб турган ялмоғизнинг ўзи. Эшитишимча, Зурита ёшгина бир хотин олиб келганмиш. Қайнона унга кун бермайди,— деб ҳикоя қилиб берди эзма деҳқон.

«Гуттиэрени айтяпти»,— деб дилидан ўтказди Ихтиандр.

— Узоқми?— сўради у.

— Кечгача етиб борасан,— деб жавоб берди чол, қуёшга қараб олгач.

Ихтиандр чолга ташаккур билдирди-да, буғдой ва маккажўхори пайкалларини ёқалаб, йўлга тушди. Тез юрганидан ҳадемай чарчай бошлади. Йўлнинг эса охири кўринмасди. Бепоён буғдойзор тиззагача ўт билан қопланган яйловлар билан бўлиниб турар, яйловларда эса подалар ўтлаб юрарди.

Ихтиандр ҳолдан тойди, биқинлари пичоқ санчгандай оғрий бошлади. Уни чанқоқлик азобларди. Теварак-атрофда сувдан асар йўқ. «Тезроқ кўлга етиб олсам эди»,— деб ўйлади Ихтиандр. Унинг юз ва кўзлари ич-ичига кириб кетган эди, у оғир нафас оларди. Қорни ҳам роса очди. Аммо нима билан овқатланади? Ҳув нарида, яйловда ўтлаб юрган қўйларни чўпон ва итлар қўриқлаяпти. Ғарқ пишган шафтоли ва апельсин дарахтларининг шохи тош девор оша эгилиб тушган. Бу ер океанга ўхшамайди. Ҳамма нарса бировники, ҳамма нарса тақсимланган, ҳамма нарса девор билан тусиб олинган, ҳамма нарса қўриқланади. Фақат осмонда учиб юрган қушларгина ҳеч кимникимас. Аммо уларни тутиш осонми. Дарвоқе, бу қушларни тутиш мумкинмикан? Балки улар

ҳам бировга қарашлидир. Бу ерда, ҳовузлар, боғлар ва қўралар орасида очлик ва сувсизликдан ўлиш ҳеч гап эмас.

Ихтиандрнинг қаршисидан қўлларини орқасига қилган ҳолда тугмалари ярақлаб турган оқ кител ва оқ фуражка кийган семиз бир киши кела бошлади. Унинг камарида тўппонча ғилофи осилиб турарди.

— «Долорес» боғи ҳали узоқдами?— деб сўради Ихтиандр, ҳалиги одам яқинлашгач.

Семиз киши Ихтиандрга шубҳа билан разм солди.

— Боғда нима қиласан? Қаердан келяпсан ўзинг?

— Буэнос-Айресдан...

Кителли киши ҳушёр тортди.

— Бировни кўришим керак эди,— деб қўшиб қўйди Ихтиандр.

— Қўлларингни чўз,— деди семиз киши.

Ихтиандр таажжубланди, аммо бу гапга унча эътибор бермай, қўлларини олдинга чўзди. Нотаниш киши чўнтагидан «билагузук» (қўл кишани) чиқариб, бир зумда Ихтиандрнинг қўлларини кишанлади.

— Қўлга тушдингми?— деб ғулдиради у йигитнинг биқинига туртиб.

— Қани, юр! «Долорес» боғига олиб бораман,— деб ўшқирди у яна.

— Нега қўлимни боғлаб қўйдинг?— деб сўради Ихтиандр ҳайрон бўлиб ва қўлларини қисиб турган билагузукни кўздан кечириб.

— Гапни калта қил!— деб бақирди семиз киши қатъий оҳангда.— Олдимга туш!

Ихтиандр бошини қуйи солганча йўлида давом этди. Орқага қайтариб олиб кетмаганига ҳам шукур қилиш керак. У нима ҳодиса рўй берганини англамасди. Ўтган куни кечаси қўшни фермада одам ўлдириш ва ўғирлик содир бўлиб, полиция жиноятчиларни қидириб юрганидан Ихтиандр мутлақо бехабар эди. Ғижимланиб кетган костюм уни шубҳали қиёфага солиб қўйганини эса хаёлига ҳам келтирмасди. Саёҳатнинг мақсади ҳақидаги мужмал жавоби унинг тақдирини узил-кесил ҳал қилди.

Полициячи Ихтиандрни Паранага, қамоқхонага жўнатиш учун яқин қишлоқлардан бирига олиб кетмоқда эди.

Йигит фақат бир нарсани: озодликдан маҳрум бўлгани ва маълум муддатгача саёҳатга чек қўйилганини англаган эди. У қандай қилиб бўлмасин биринчи имконият туғилгандаёқ ўзини озодликка чиқаришга қарор қилди.

Иши ўнгидан келган семиз полициячи мамнуният билан сигара тортар ва Ихтиандрнинг орқасидан унга бетиним тамаки тутунини пуфлаб борарди. Ихтиандр бўғилиб кетди.

— Тутунни менга пуфламасликнинг иложи йўқми, нафасим қисилиб кетди,— деб мурожаат қилди у ўз соқчисига ўгирилиб.

— Нима-а? Чекилмасин эмиш. Ха-ха-ха!— Полициячи кулган эди, унинг афти беҳисоб ажин билан қопланди.

— Нозиклигингни қара-ю!— Шундай деди-да, полициячи

йигитнинг юзига яна тутун пуфлади, кейин ўшқирди: — Юр тезроқ!

Йигит итоаткорлик билан йўлга тушди.

Ниҳоят, узоқда ингичка кўприкли кўл кўринди. Ихтиандр беихтиёр қадамини тезлатди.

— Кўп ошиқма Долоресингга! — деб қичқирди полициячи.

Улар кўприкка чиқишди. Ихтиандр кўприкнинг ўртасига етганда бирдан панжара устидан сакраб, ўзини сувга отди.

Қўли боғланган одамнинг бундай қилишини полициячи сира кутмаган эди.

Аммо Ихтиандр ҳам шундан кейин юз берган ҳодисани асло хаёлига келтирмаганди. Полициячи Ихтиандрнинг кетидан ўзини сувга ташлади — у жиноятчининг чўкиб кетишидан қўрққан эди. Полициячи уни тирик топширмоқчи эди: қўли боғлиқ маҳбуснинг ғарқ бўлиши эса анча ташвиш орттирарди. Полициячи Ихтиандр билан изма-из сузиб бориб, унинг сочидан маҳкам ушлаб олди. Ихтиандр эса сочидан айрилиб қолишидан ҳам қўрқмай, сувга шўнғиди. Кўп ўтмай полициячининг бармоқлари ҳолсизланиб, йигитнинг сочларини қўйиб юборди. Ихтиандр бир неча метр нарига сузиб борди-да, бошини сувдан чиқарди. Сув юзида шапур-шупур қилиб турган полициячи Ихтиандрнинг бошини кўриши билан:

— Чўкиб кетасан, аблаҳ! Бу ёққа қараб суз! — деб бақирди. «Гапини қара», — деб ўйлади Ихтиандр ва кутилмаганда:

— Қутқаринг! Ўламан! — деб қичқирди ва сувга шўнғиб кетди.

У сув остида полициячининг ўзини юз ёққа уриб, уни қидирганини кузатиб турди. Ниҳоят, ҳафсаласи пир бўлган полициячи қирғоққа қараб сузиб кетди.

«Ҳозир кетади», — деб дилидан ўтказди Ихтиандр. Аммо полициячи кетмади. У тергов органидан одамлар келгунча мурдани ташлаб кетмасликка қарор қилган эди. Маҳбуснинг сув остида ётиши эса унга барибир эди.

Шу пайт кўприкдан қоп ортилган хачир устида бир деҳқон ўтиб қолди. Полициячи унга қопни тушириб, шу атрофдаги полиция участкасига хат олиб боришни буюрди. Ихтиандр учун иш бутунлай чаппасига айланиб кетган эди. Бунинг устига, кўлда зулук бор эди. Ихтиандр танасига ёпишган зулукларни ажратишга улгуролмасди, бундан ташқари, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш керак эди, чунки сув юзи қимирлаб кетиб, полициячининг эътиборини жалб қилиб қўйиши мумкин эди.

Ярим соатлардан кейин хачир минган деҳқон қайтиб келди, у қўли билан йўлга ишора қилди-да, қопини ортиб, тез жўнаб қолди. Беш минут ўтгач, қирғоқда учта полициячи пайдо бўлди. Уларнинг иккитаси бошига енгил қайиқ қўйиб олган, учинчисининг қўлида эса эшкак билан дастаси узун илгак бор эди.

Қайиқни сувга тушириб, чўкиб кетган маҳбусни қидира бошладилар. Ихтиандр парво қилмасди. Унинг учун бу нарса бекин-

мачоқдай гап эди — бир жойдан иккинчи жойга ўтиб тураверди. Кўл тубини илгак билан роса тити-пит қилишди, аммо топишолмади.

Ихтиандрни қамоққа олган полициячи ҳайрон бўлиб, қўлларини икки томонга ёзди. Бу ҳол Ихтиандрнинг кулгисини қистатди. Аммо кўп ўтмай у оғир аҳволга тушиб қолди. Полициячилар илгакни ниқтайвериб, сувни лойқалатиб юборган эдилар. Энди Ихтиандр бир метр наридаги нарсани ҳам кўролмай қолди. Бу эса жуда хавфли эди. Энг ёмони — йигит кислороди оз бўлган сувда жабраси билан нафас олишга қийналарди. Бунинг устига сув лойқаланиб, аҳволни биттар оғирлаштирди.

Ихтиандр бўғилди, жабраси қаттиқ оғрий бошлади. Ортиқ чидаш мумкин эмас эди. У беихтиёр ингграб юборди, оғзидан бир неча пуфакча отилиб чиқди. Нима қилиш керак? Кўлдан чиқишдан бошқа илож йўқ эди. Ҳар нима бўлса ҳам чиқиш керак. Уни, албатта, дарров тутишади,— эҳтимол, роса калтаклашар, кейин турмага жўнатишади. Аммо барибир эмасми. Ихтиандр гандираклай-гандираклай саёз жойга етиб келди-да, бошини сувдан чиқарди.

— А-а-а-а!— деб қичқириб юборди полициячилардан бири ва тезроқ соҳилга чиқиб олиш мақсадида қайиқдан ўзини сувга отди.

— Биби Марям! О-о!..— деб қичқирди иккинчи полициячи ва қайиқнинг ичига қулади.

Қирғоқда қолган икки полициячи эса нуқул калима ўгирарди. Улар титраб-қақшаб бир-бирининг орқасига яширинишга уринишарди.

Иҳтиандр бундай бўлишини кутмаганди, шунинг учун ҳам нима сабабдан уларнинг бу қадар ўтакалари ёрилганини ҳадеганда англаёлмади. Кейин у испанларнинг жуда диндор ва иримчи бўлишларини эслади. Афтидан, полициячиларга у нариги дунёдан келган руҳга ўхшаб кўринган бўлса керак. Ихтиандр уларни баттар қўрқитишга аҳд қилди: у тишларини кўрсатиб, кўзларини олайтирган ва ғалати товушда қичқирган ҳолда аста қирғоқ сари юра бошлади; кейин шундай оҳиста қадам ташлаб йўлга чиқди-да, битта-битта босиб узоқлашди.

Полициячилардан бирортаси ҳам Ихтиандрни ушлаш у ёқда турсин, ўрнидан қимирлашга журъат қилолмади. Хурофот туғдирган ваҳима хизмат бурчини бажаришда уларга халақит берди.

«ДЕНГИЗ ИБЛИСИ» БУ!

Педро Зуританинг онаси Долорес қирғий бурун, жағи бесўнақай семиз кампир эди. Қуюқ мўйлови унинг юзига ғалати ва ёқимсиз тус бериб турарди. Аёлларда камдан-кам учрайдиган бу безак уни теварак-атрофга «Мўйловдор Долорес» номи билан машҳур қилган эди.

Ўғли ёшгина хотини билан кириб келганида кампир Гуттиэрени бетакаллуф қарши олди. Долорес одамлардан энг аввал нуқсон қидирарди. Аммо Гуттиэренинг чиройи уни мафтун

этди. Шунга қарамай, қилдан қийиқ қидириш одати устун чиқди: ошхонага кириб олиб, роса ўйлагандан кейин Гуттиэренинг чиройи — унинг нуқсони деган қарорга келди.

Ўғли билан ёлғиз қолган кампир бошини сарак-сарак қилиб, деди:

— Яхши! Жуда ҳам яхши!— У хўрсинди.— Бу паризод бошингга бало орттиради ҳали... Ҳа. Испан қизларига уйланаверсанг бўлмасмиди.— Кампир бир оз ўйга толгач, давом этди:— Димоғдорлигини айтмайсанми. Қўллари ҳам нозик-ниҳол. Оқбилак хотин бўлади бунинг.

— Оқ билак бўлса синдириб ташлаймиз,— деди Педро ва ўзининг ҳисоб-китоб ишларига шўнғиб кетди.

Долорес эснади ва ўғлига халақит бермаслик учун боққа чиқди. У ойдинда ўтириб, хаёл суришни яхши кўрарди.

Боғни мимоза гулларининг хушбўй ҳиди тутган. Оқ нилуфарлар ой нурида ярқирайди. Фикус ва дафна дарахтининг барглари тун шабадасида оҳиста тебраниб турибди.

Долорес гуллар орасига қўйилган скамейкага ўтирди-да, хаёлга берилди: у қўшни ҳовлини ҳам сотиб олади, кейин майин юнгли қўйлар боқади, қўша-қўша саройлар қуради.

— Оббо!— деб қичқирди кампир жаҳл билан юзига «тарс» эткизиб уриб.— Бу чивинларнинг дастидан бемалолроқ ўтириб ҳам бўлмайди.

Осмон аста-секин булут билан қопланди, боғ ичига ярим қоронғилик чўкди. Уфқда оч-зангори ҳошия аниқ кўзга ташланиб турибди, бу — Парана шаҳри чироқларининг шуъласи.

Шу пайтда паст тош девор устида бировнинг боши кўринди. Кимдир кишан солинган қўлларини кўтариб, эҳтиётлик билан девордан ошиб тушди.

Кампир қўрқиб кетди. «Боққа сургундан қочган одам кирди»,— деб ўйлади у. Бақирмоқчи бўлган эди, овози чиқмади, ўрнидан туриб қочмоқчи бўлганида оёқларидан жон чиқиб кетгандай қимир этмади. У скамейкада ўтирган ҳолда номаълум кишини кузата бошлади.

Қўли кишанланган киши эса буталар орасидан ўтиб, аста уйга яқинлашди ва деразадан мўралади.

Кутилмаганда — ёки унга шундай туюлдими — маҳбус паст овозда:

— Гуттиэре!— деб чақирди.

«Мана чиройликнинг каромати. Маҳбуслар билан дон олишаркан. Бу соҳибжамол ўғлим билан мени ўлдириб, боғни талайди-да, маҳбус билан иккови қочади-кетади»,— деб ўйлади Долорес.

Шу пайт кампирнинг юрагида келинига нисбатан кучли нафрат ва бадхоҳлик ҳисси туғён урди. Бу унга куч бағишлади. У сапчиб ўрнидан турди-да, уйга қараб чопди.

— Тезроқ!— деб пичиралади Долорес ўғлига.— Боққа ўғри кирди. Гуттиэрени чақиряпти.

Педро гўё уй аланга ичида қолгандай шиддат билан ташқарига

отилди ва йўлакда турган белкуракни олиб, уйнинг орқасига ўтди.

Девор ёнида кир, ғижимланган костюмли, қўллари боғлиқ нотаниш бир йигит деразага термулиб турарди.

— Лаънати!— деб сўкинди Зурита ва белкурак билан йигитнинг бошига туширди.

Йигит «ғиқ» этмай, ерга қулади.

— Бўлди...— деди пичирлаб Зурита.

— Бўлди...— деб тасдиқлади унинг орқасидан етиб келган Долорес, гўё ўғли заҳарли илонни ўлдиргандай.

Зурита онасига савол назари билан қаради.

— Қаёққа ташлаймиз?

— Ҳовузга,— деди қўли билан ишора қилиб кампир.— Ҳовуз чуқур.

— Сув юзига чиқиб қолади.

— Тош боғлаймиз. Мен ҳозир...

Долорес уйга чопиб кириб, маҳбуснинг ўлигини солиш учун қоп қидира бошлади. Аммо эрталаб ҳамма қопларга буғдой солиб, тегирмонга жўнатган эди. Шунинг учун у ёстиқ жилди билан узун чилвир кўтариб чиқди.

— Қоп йўқ,— деди у ўғлига.— Манови жилдга тош солиб, чилвир билан кишанга боғлаб қўй...

Зурита бош силкиди-да, мурдани елкасига кўтариб, боғнинг нариги бурчаги, ҳовузга қараб жўнади.

— Кийимларингни булғама,— деб пичирлади Долорес, ўғлининг ортидан ёстиқ жилди билан чилвир кўтариб бораркан.

— Ювасан,— деб жавоб берди Зурита, аммо қон ерга оқсин учун йигитнинг бошини пастга осилтириб олди.

Ҳовуз бўйида Зурита ёстиқ жилдига апил-тапил тош тўлғизди, кейин жилдни чилвир билан йигитнинг қўлига маҳкам боғладида, мурдани ҳовузга улоқтирди.

— Энди кийимни алмаштириш керак.— Педро осмонга қаради.— Ҳаво айнаб турибди. Эрталабгача ёмғир қонларни ювиб кетади.

— Ҳовузнинг суви.. қизариб қолмасмикин?— деб сўради «мўйловдор Долорес».

— Йўқ. Сув оқиб туради... О-о лаънатилар!— деди хириллаб Зурита уй сари йўл оларкан ва деразалардан бирига қараб мушт ўқталиб қўйди.

— Мана чиройлигингдан келган иш,— деб минғиллади ўғлининг орқасидан бораётган кампир.

Гуттиэрега болохонадан алоҳида хона ажратиб беришди. Бу кеча унинг уйқуси келмади. Ниҳоятда дим бўлиб, чивинлар сира тинчлик бермасди. Гуттиэренинг миясида нуқул ёмон ўйлар кезиб юрарди.

У Ихтиандрни, унинг ҳалокатини унута олмасди. Эрини ўлгудай ёмон кўради. Қайнанасидан жирканади, аммо у мўйловдор кампир билан яшашга мажбур эди.

Бу кеча Гуттиэре Ихтиандрнинг овозини эшитгандай бўлди. Йигит унинг номини айтиб чақирди. Боғ ичкарисидан қандайдир шовқин, кимнингдир бўғиқ товуши қулоғига чалинди. Гуттиэре бу кеча ухлай олмаслигига кўзи етди. У аста боққа чиқди.

Қуёш ҳали чиқмаган. Боғдан оппоқ тонг нафаси уфуради. Осмонда бир парча ҳам булут йўқ. Кўкатлар ва дарахт барглари да тиниқ шабнам доналари йилтиллайди. Елкасига енгил халат ташлаган Гуттиэре ўтларни босиб сарпойчанг борарди. Тўсатдан у шартта тўхтади-да, ерга тикилиб қолди. Унинг деразаси қаршисидаги йўлкага қон тўкилган эди. Сал нарида қонга беланган белкурак ётибди.

Тунда бу ерда қандайдир жиноят содир бўлган. Йўқса қон қандай пайдо бўлиб қолиши мумкин?

Гуттиэре беихтиёр из бўйлаб юрди. Ҳадемай у ҳовуз бўйига чиқди.

«Жиноятнинг бир учи шу ерга яширинмаганмикан?— деб ўйлади у сокин ҳовуз сатҳига ваҳима билан тикилиб.

Кўм-кўк сув остидан унга Ихтиандр қараб турарди. Йигитнинг чаккаси ёрилган. Юзида кулфат ва айни вақтда, қувонч ифодаси акс этиб турибди.

Гуттиэре Ихтиандрнинг юзига термулиб қолди. Нима гап, ақлдан оздими?

Қиз нари қочмоқчи бўлди. Аммо ўрнидан жилишга, йигитнинг чеҳрасидан кўз узишга ўзида куч тополмади. Ихтиандрнинг юзи аста-секин юқорига кўтарила бошлади. Мана сув сатҳи қалқиб, йигитнинг боши кўринди. У Гуттиэрега кишанли қўлларини чўзиб, ҳазин табассум билан биринчи марта сенсираб унга мурожаат қилди:

— Гуттиэре! Азизим! Кўрар кун бор экан-ку, Гуттиэре, мен...— аммо у гапини тугатолмади.

Гуттиэре сочларини чангаллаб, қўрқувдан қичқириб юборди:

— Йўқол! Йўқол, бадбахт арвоҳ! Сен ўликсан-ку, нега менинг олдимга келдинг?

— Йўқ, йўқ. Гуттиэре, мен ўлган эмасман,— деди у шошапиша,— мен чўкиб кетганим йўқ. Мени кечир... сендан яширган эдим... Нега шунақа қилганимни ўзим ҳам билмайман... Кетма, гапимни эшит. Мен тирикман, мана қўлимни ушлаб кўр...

У қизга банди қўлларини узатди. Гуттиэре унга термулиб тураверди.

— Қўрқма, тирикман-ку, ахир. Мен сув остида ҳам яшай оламан. Мен бошқа одамларга ўхшаган эмасман. Ёлғиз мен сув остида яшай оламан. Ўшанда ўзимни денгизга ташлаганимда чўкканим йўқ. Қуруқликда нафас ололмай қолганим учун шундай қилган эдим.

Ихтиандр қалқиб кетди ва боягидай шошиб, пойма-пой давом этди:

— Мен сени роса изладим, Гуттиэре. Бугун кечаси деразангга яқинлашганимда эринг бошимни ёриб ҳовузга келтириб ташлади. Сувда ўзимга келдим. Тош солинган қопни аранг ечиб ташладим,

аммо мановини,— Ихтиандр кишанни кўрсатди.— ажрата олмадим.

Гуттиэре қаршисида арвоҳ эмас, тирик одам турганлигига ишона бошлади.

— Нега қўлларингиз боғлиқ,— деб сўради.

— Кейин айтиб бераман. Ҳозир қочамиз, Гуттиэре. Отамникига яширинамиз, у ерда бизни ҳеч ким тополмайди... Бирга яшаймиз... Қўлимдан тортсанг-чи, Гуттиэре... Ольсеннинг айтишича, мени одамлар, «денгиз иблиси» дейишармиш, ахир мен одамман-ку. Нега қўрқяпсан?

Ихтиандр ҳовуздан чиқди. Унинг ҳаммаёғи балчиққа беланган эди. У ҳолсизланиб ўт устига ўтириб қолди.

Гуттиэре энгашиб, ниҳоят, унинг қўлидан тутди.

— Бечора бола,— деди у.

— Қандай ажойиб учрашув!— деган овоз эшитилди тўсатдан.

Улар қайрилиб қараб, сал нарида турган Зуритани кўришди. Зурита ҳам, Гуттиэре каби, кечаси билан ухлай олмади. У Гуттиэренинг додлаганини эшитиб, боққа югуриб чиқди ва ҳамма гапни эшитди. Педро қаршисида турган йигит ўзи кўпдан бери изига тушган «денгиз иблиси» эканлигини билиб, севиниб кетди ва уни дарҳол «Медуза»га олиб кетишга қарор қилди. Аммо бир оз ўйлаб туриб, бошқача йўл тутмоқчи бўлди.

— Сиз Гуттиэрени доктор Сальватор ҳузурига олиб кетолмайсиз, Ихтиандр. Чунки Гуттиэре менинг хотиним. Ўзингизнинг ҳам отангизнинг олдига қайтиб боришингиз даргумон. Сизни полиция кутяпти.

— Мен ҳеч қандай гуноҳ қилганим йўқ!— деб хитоб қилди йигит.

— Бегуноҳ одамларни полиция мана бундай гўзал билагузук билан тақдирламайди. Модомики менинг қўлимга тушдингизми — сизни полицияга топширишни бурчим деб ҳисоблайман.

— Наҳотки шундай қилсангиз,— деб сўради Гуттиэре эридан ғазаб билан.

— Шундай қилишга мажбурман,— деб жавоб берди Педро елкасини қисиб.

— Бу қочоқни тўрт томонинг қибла деб қўйиб юборарканса-нда!— деб гапга аралашди ҳовуз бўйига етиб келган Долорес.— Хўш, нима учун қўйиб юборишинг керак экан? Бу банди бировларнинг деразасидан мўралаб, хотинларини ўғирлаб кетмоқчи бўлгани учунми?

Гуттиэре эрига яқинлашиб, унинг қўлидан ушлади ва мулойимлик билан деди:

— Қўйиб юборинг уни. Ўтиниб сўрайман. Мен сизга ҳеч қандай хиёнат қилганим йўқ...

Долорес ўғлининг ён беришидан қўрқиб:

— Қулоқ солма, Педро!— деб қичқирди қўлларини пахса қилиб.

— Аёл кишининг гапини ерда қолдиролмайман,— деди илтифот билан Зурита.— Мен розиман.

— Уйланганига бир ҳафта бўлмай, хотинини елкасига чиқариб қўйибди,— деб тўнғиллади кампир.

— Қизишманг, ойи. Қўлингизни, йигитча, кишандан бўшатиб, устингизга дурустроқ костюм кийдирамиз-да, «Медуза»га олиб борамиз. Рио-де-Ла-Платада кема бортидан ташлаб, хоҳлаган томонингизга сузиб кетаверасиз. Фақат бир шарт билан озод қиламан: Гуттиэрени унутишингиз керак. Сени эса, Гуттиэре ўзим билан бирга олиб кетаман. Шунда бехатар бўлади.

— Мен ўйлаганимдан кўра яхши одам экансиз,— деди Гуттиэре миннатдорчилик билан.

Зурита мамнун бўлиб, мўйловини бураб қўйди ва хотинига эгилиб таъзим қилди. Долорес ўз ўғлини яхши биларди, бинобарин, унинг қандайдир ҳийла ишлатаётганлигини дарров фаҳмлади. Аммо унинг режасини қўллаб-қувватлаш ниятида, сохта аччиқ билан тўнғиллади:

— Эс-ҳушингни олиб қўйибди! Оёғига йиқил энди!

ОЛҒА!

— Эртага Сальватор қайтади. Тобим қочиб қолиб, шу пайтгача келолмадим, сен билан гаплашадиган анчагина гап бор,— деди Кристо Балтазарга мурожаат қилиб. Улар Балтазарнинг дўконида ўтиришарди.— Қулоқ сол, ука, яхшилаб қулоқ сол, гапимни бўлма, йўқса айтадиган нарсаларимни эсимдан чиқариб қўяман.

Кристо фикрини бир ерга тўплаш учун бир оз жим қолди, кейин давом этди:

— Биз Зуритага кўп хизмат қилдик. У икковимиздан ҳам бадавлат, аммо у бундан ҳам бадавлатроқ бўлмоқчи. Педро «денгиз иблиси»ни қўлга тушириш пайида юрибди...

Балтазар бир қимирлаб қўйди.

— Эшит, ука, эшит, акс ҳолда гапимни йўқотиб қўяман. Зурита «денгиз иблиси»ни қул қилиб олмоқчи. «Денгиз иблиси» нималигини биласанми? У хазина. У туганмас бойлик. «Денгиз иблиси» сув остидан энг сара марваридлар териши мумкин. Фақат марваридларгина эмас. Денгиз тубида беҳисоб олтинлари билан не-не кемалар ғарқ бўлиб ётибди. «Иблис» бу олтинларни бизга олиб чиқиши мумкин. Эшитяпсанми, бизга деяпман, Зуритага эмас. Ихтиандрнинг Гуттиэрени севишидан хабаринг борми?

Балтазар гапириш учун оғиз жуфтлаган эди, аммо Кристо унга имкон бермади.

— Қулоқ сол. Гапимни бўлма. Ҳа, Ихтиандр Гуттиэрени яхши кўради. Мендан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Буни сезган ҳамоним, маъқулладим. Майли, у Гуттиэрени яна ҳам қаттиқроқ севсин. Ихтиандр Зуритага нисбатан минг марта яхши эр ва яхши куёв бўлади. Мен уларни анча кузатдим, аммо халақит берганим йўқ. Майли, учрашаверишсин.

Балтазар хўрсинди, аммо ҳеч нарса демади.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, ука. Қолган гапни эшит. Мен

сенга бундан кўп йиллар илгари бўлган бир воқеани эслатмоқчиман. Хотининг қариндошлариникидан қайтаётганида,— бунга йигирма йилча бўлди,— мен уни кузатиб қўйган эдим. Эсингдами, у онасини дафн қилиш учун тоққа борган эди. Йўлда хотининг кўзи ёриш пайтида нобуд бўлганди. Бола ҳам ўлиб кетган эди. Ўшанда мен ҳамма гапни айтмаганман, сени ранжитишни истамагандим. Энди айтаман. Хотининг йўлда жон берди, аммо бола жуда ожиз бўлса ҳам, тирик эди. Бу ҳодиса ҳиндуларнинг бир қишлоғида юз берди. Қандайдир кампир шу атрофда буюк мўъжизакор, худо Сальватор яшашини айтиб қолди.

Балтазар ҳушёр тортди.

— Шундай қилиб, ҳалиги кампир болани сақлаб қолиш учун уни Сальватор ҳузурига элтишни маслаҳат берди. Мен унинг гапига кириб, болани Сальватор олдига кўтариб бордим. «Қутқаринг», деб ёлвордим. Сальватор чақалоқни қўлига олди-да, бошини сарак-сарак қилиб: «Жуда қийин»,— деб жавоб берди ва ичкарига олиб кириб кетди. Кечгача пойлаб ўтирдим. Бир маҳал негр чиқиб: «Бола ўлди»,— деди. Ноилож йўлга тушдим...

— Хў-ў-ш,— деб давом этди Кристо,— Сальватор ўз хизматкори орқали боланинг ҳалок бўлганини маълум қилди. Чақалоқнинг — сенинг ўғлингнинг туғма холи борлигини пайқагандим. Холнинг шакли яхши эсимда.— Кристо бир оз жим қолди, кейин давом этди:— Яқинда кимдир Ихтиандрнинг бўйнини яралаган эди. Ярани боғлай туриб, бўйнидаги холга кўзим тушиб қолди. У худди сенинг ўғлингникига ўхшайди.

Балтазар кўзларини катта-катта очиб Кристога тикилди ва ҳаяжон билан:

— Ихтиандрни менинг ўғлим деб ўйлайсанми?— деб сўради.

— Гап суқма, ука, қулоқ сол. Ҳа, мен шундай деб ўйлайман. Менимча, Сальватор ёлғон гапирган. Ўғлинг ўлган эмас, доктор уни «денгиз иблиси»га айлантирган.

— О-о!— деб қичқириб юборди Балтазар ўзини тутолмай.— Бундай қилишга қандай ҳаққи бор! Мен уни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман!

— Ўзингни бос! Сальватор сендан қудратлироқ. Бундан ташқари мен янглишаётган бўлишим мумкин. Орадан йигирма йил ўтди, ахир. Туғма хол бошқа одамда ҳам бўлади-ку. Ихтиандр чиндан ҳам ўғлингдир ёки ундай эмасдир. Бу масалада эҳтиёт бўлиш керак. Сен Сальваторнинг олдига бориб, Ихтиандр ўғлинг эканлигини айтасан. Мен гувоҳ бўламан. Сен ундан ўғлингни қайтариб беришини талаб қиласан. Агар кўнмаса, Сальватор гўдакларни майиб қиляпти, деб судга арз қиламан, дейсан. Шундай десанг, у чўчийди. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, тўппа-тўғри судга борасан. Борди-ю, судда Ихтиандр сенинг ўғлинг эканлигини исботлай олмасак, у ҳолда йигит Гуттиэрега уйланади-қўяди. Гуттиэре — асранди қизинг-ку, ахир. Хотининг билан ўглинг фироқида куйиб юрган кезларингда бу етим қизни ўзим келтириб берганман...

Балтазар стулдан сакраб туриб кетди. У чиғаноқларини депсиб, дўкон ичида ғазаб билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Ўғлим! Ўғилгинам! Қандай бахтсизлик бу!

— Нега бахтсизлик бўлар экан?— деб ажабланди Кристо.

— Мен гапингни бўлмай, бардош бериб эшитдим, энди сен ҳам қулоқ бер. Сен касал бўлиб ётган пайтингда Гуттиэре Педро Зуритага турмушга чиқди.

Бу янгилик Кристони ҳангу манг қилиб қўйди.

— Ихтиандр эса... бечора болам...— Балтазар бошини қуйи эгди.— Ихтиандр Зуританинг қўлида!

— Иўғ-э,— деб эътироз билдирди Кристо.

— Ҳа, ҳа. Ихтиандр «Медуза»да. Эрталаб Зурита келди. У бизнинг устимиздан кулиб, роса сўкинди, масхара қилди. Биз уни алдаган эмишмиз. Ахир ўйла, бизнинг ёрдамимизсиз, ёлғиз ўзи уни қўлга туширипти-да. Энди бизга бир тийин ҳам бермайди. Мабодо, берса ҳам олмайман. Ахир ўз ўглимни сотаманми?!

Балтазар қаттиқ безовта эди. Кристо унга нохушлик билан қараб турарди. Энди қатъий ҳаракат қилиш пайти келган эди. Аммо бу аҳволда Бальтазар ёрдам бериш ўрнига ишни бузиб қўйиши мумкин эди. Ихтиандр билан Балтазарнинг қондошлигига Кристонинг ўзи ҳам ҳали унча ишонмасди. Тўғри, у чақалоқнинг бўйнидаги туғма холни кўрган. Аммо бу тўла далил бўлолмайди-ку. Ихтиандрнинг бўйнидаги холни кўриб, Кристо бу ўхшашликдан фойдаланишга ва шу йўл билан бойлик оттиришга қарор қилганди. Аммо у ўз ҳикоясининг Балтазарга бу қадар таъсир кўрсатишини ўйламаганди. Айни вақтда, Балтазар маълум қилган янгилик ҳам Кристонинг юрагига ғулғула солиб қўйди.

— Кўз ёшининг вақти эмас. Ҳаракат қилиш керак. Эртага эрталиб Сальватор келади. Ўзингни тут. Кун чиқар пайтда қирғоқда мени кут. Ихтиандрни қутқариш керак. Сальваторга Ихтиандрнинг отасиман деб гапира кўрма. Зурита қайси томонга кетди?

— Ҳеч нарса дегани йўқ, менимча, шимол ёққа кетган бўлса керак. Зурита кўпдан бери Панама соҳилларига боришни ўйлаб юрарди.

Кристо бош ирғади.

— Ёдингда тут: эртага эрталаб, кун чиқар пайтда қирғоқда учрашамиз. Мабодо, келолмай қолсам, кечгача бўлса ҳам кут.

Кристо шошиб уйига қайтди. У кечаси билан Сальваторга нима дейиш ҳақида ўйлаб чиқди. Қандай қилиб бўлмасин Кристо ўзини оқлаши керак эди.

Тонг саҳарда Сальватор кириб келди. Кристо қайғули ва ўз хўжайинига самимий бир қиёфада доктор билан саломлашгач, деди:

— Бахтсизлик юз берди... Кўрфазга сузиб бормасликни Ихтиандрга неча марталаб айтган эдим...

— Нима бўлди?— деб сўради Сальватор шоша-пиша.

— Уни ўғирлаб, кемада олиб кетишди... Мен...

Сальватор иккала қўли билан Кристонинг елкасидан ушлаб, унинг кўзларига тикилди. Бу ҳол бир зумгина давом этган бўлса ҳам ўткир-синовчан назар таъқибидан Кристонинг туси ўзгариб кетди. Сальватор хўмрайганча алланима деб ғулдиради ва бармоқларини Кристонинг елкасидан бўшатиб, тез қўшиб қўйди:

— Бу ҳақда кейин батафсил гапириб берасан.

Сальватор негрни чақириб, Кристо тушунмайдиган тилда унга бир нималар деди, кейин ҳиндуга ўгирилиб, буйруқ оҳангида қичқирди:

— Юр орқамдан!

Сальватор дам ҳам олмай, ҳатто йўл кийимларини ечмай уйдан чиқди-да, боққа қараб юрди. Кристо унга зўрга етиб юрарди. Учинчи деворга етганларида орқаларидан икки негр чопиб келди.

— Мен Ихтиандрни содиқ ит каби қўриқладим,— деди Кристо, тез юрганидан нафаси қисилиб.— Унинг ёнидан бир қадам ҳам силжиганим йўқ...— Аммо Сальватор унинг гапларини эшитмасди. У бассейн олдида, очилган шлюзлардан сувнинг оқиб кетишини кутиб, ер депсиниб турарди.

— Орқамдан юр!— деб буюрди яна Сальватор, ерости нарвонидан тушиб бораркан, Кристо билан икки негр зим-зиё қоронғуликда докторга эргашиб боришарди. Сальватор ерости қасрини беш қўлдай билувчи кишидай, икки-уч зинани бир қилиб босарди.

Қуйи майдонга тушишгач, Сальватор биринчи галдагидай виключателни босмай, пайпаслаб ўнг девордаги эшикни очди. Улар қоронғи йўлакка киришди. Бу ерда зиналар бўлмаганидан Сальватор қадамини яна тезлатди.

«Бирдан бир қудуққа тушиб чўкиб кетсам-а», деб ўйларди Кристо Сальватордан орқада қолмасликка тиришиб. Улар узоқ юришди, ниҳоят, Кристо йўлнинг пастга қараб нишоб бўла бораётганини пайқади. Баъзан унинг қулоғига сувнинг шалоплагани эшитилгандай бўларди. Мана йўллари тугади. Сальватор тўхтаб, чироқни ёқди. Улар тухумсимон равоқли каттакан ғорда туришарди. Ғорнинг бир боши қиялашиб, сувга бориб тақаларди. Сувда, улар турган тош пол тугаган ерда Кристо кичкина сув қайиғи турганини кўрди. Сальватор, Кристо ва икки негр қайиққа тушишди. Сальватор каюта чироғини ёқди, негрларнинг бири устки люкни қарсиллатиб ёпди, иккинчиси эса аллақачон моторни ўт олдириб турарди. Кристо қайиқнинг аста тебраниб, бурилганини ва сув остига кириб, ўшандай оҳисталик билан сузиб кетганини сезди. Орадан икки минут ўтар-ўтмас, қайиқ сув юзида пайдо бўлди. Сальватор билан Кристо куприкчага — капитан кемани бошқариб турадиган жойга чиқишди. Кристо сувости қайиғида сира сузмаган эди. Аммо океан кўксини тилиб бораётган бу қайиқ ҳатто кемасозни ҳам ҳангу манг қилиб қўйиши мумкин эди. У ниҳоят бошқача усулда қурилган бўлиб,

афтидан, мотори ҳам ғоят катта кучга эга эди. Қайиқ тўла тезликка қўйилмаган бўлса-да, ўқдай учиб борарди.

— Ўғрилар қайси томонга кетишди?

— Шимол ёққа,— деб жавоб берди Кристо.— Агар истасангиз, укамни ҳам ўзимиз билан бирга олсак ёмон бўлмасди. Мен огоҳлантириб қўйганман; у қирғоқда бизни кутиб ўтиргандир.

— Нима учун?

— Ихтиандрни марварид қидирувчи Зурита ўғирлаган.

— Қаёқдан биласан?— деб сўради Сальватор шубҳа билан.

— Мен укамга Ихтиандрни олиб кетган кемани тасвирлаб берган эдим, у бу кема Педро Зуританинг «Медуза»си эканлигини айтди. Зурита Ихтиандрни марварид тердириш учун ўғирлаган бўлиши керак. Укам Балтазар марварид қидириладиган жойларни яхши билади. Унинг бизга фойдаси тегиши мумкин.

Салватор ўйланиб қолди.

— Яхши! Укангни олиб кетамиз.

Бальтазар қирғоқда акасини кутиб ўтирарди. Қайиқ соҳилга қараб бурилди. Балтазар ўғлини тортиб олиб, расво қилган Сальваторга қирғоқдан хўмрайиб қараб қўйди. Лекин докторга илтифот билан таъзим қилди-да, ўзини сувга ташлаб, қайиққа сузиб келди.

— Олға!— деб буюрди Сальватор.

У капитан кўприкчаси устида туриб, океан сатҳига диққат билан разм солиб борарди.

ҒАЛАТИ ТУТҚУН

Зурита Ихтиандрнинг қўлидаги кишанни олиб ташлаб, унга янги костюм кийдирди ва қумга кўмиб қўйилган кўзойнак ва қўлқопларини олишга рухсат берди. Аммо йигит «Медуза» палубасига чиқиши билан Зуританинг буйруғига биноан ҳиндулар уни тутиб, трюмга қамаб қўйдилар. Буэнос-Айресда Зурита ёнилғи олиш учун бир оз тўхтади. У Балтазар билан учрашиб, ўзининг муваффақиятини мақтаниб гапириб берди, кейин эса қирғоқ бўйлаб Рио-де-Жанейрога қараб йўл олди. У Жанубий Американинг шарқий қирғоғини айланиб ўтиб, Караиб денгизида марварид қидиришни бошлаш ниятида эди.

Гуттиэрени у капитан каютасига жойлаштирди. Зурита Рио-де-ла-Плата кўрфазига борганда Ихтиандрни қўйиб юбораман деб хотинини ишонтирган эди. Аммо кўп ўтмай бу ёлғон гап фош бўлиб қолди. Кечқурун трюмда кимнингдир қичқиргани ва зорланиб инграгани Гуттиэренинг қулоғига чалинди. У Ихтиандрнинг овозини дарров таниди. Зурита бу пайтда юқори палубада эди. Гуттэре каютадан чиқмоқчи бўлган эди, аммо эшикни очолмади. У муштлари билан эшикни қоқа бошлади, лекин унинг товушига ҳеч ким жавоб бермади.

Зурита Ихтиандрнинг овозини эшитиб, қаттиқ сўкинди ва

капитан кўприкчасидан тушиб, ҳинду-матрослар билан бирга трюмга кирди. Трюм ичи қоронғи ва ниҳоятда дим эди:

— Нега бақирасан?— деб сўради Зурита дағаллик билан.

— Мен..Мен бўғиляпман,— деди зўр-базўр Ихтиандр.— Мен сувсиз яшай олмайман. Бу ер жуда дим экан. Денгизга қўйиб юборинг мени. Бу кеча қолсам ўламан...

Зурита люкни қарсиллатиб ёпиб палубага чиқди. «Чиндан ҳам ўлиб қолса-я», деб ўйлади Зурита ташвишланиб. Ихтиандрнинг ўлими унинг учун катта зарар эди.

Зуританинг буйруғи билан трюмга бочка келтиришиб, унга сув тўлдирдилар.

— Мана сенга ванна,— деди Зурита Ихтиандрга мурожаат қилиб.— Истаганча сузавер! Эртага эрталаб эса денгизга тушираман.

Ихтиандр шоша-пиша бочкага тушди. Эшик олдида турган ҳинду-матрослар одатдан ташқари бу чўмилишга ҳайратланиб қараб туришарди. Улар «Медуза»даги тутқун «денгиз иблиси» эканлигини ҳали билишмасди.

— Жўнанглар бу ердан!— деб дўқ урди уларга Зурита.

Бочкада сузиш у ёқда турсин, ҳатто гавдани тик тутиб бўлмасди.

Ихтиандр сувга бутунлай кўмилиш учун ғужанак бўлиб олди. Бочкада бир вақтлар тузланган гўшт сақланган эди. Кўп ўтмай сув қўланса ҳид билан тўйиниб, Ихтиандр диққинафас трюмдагидан баттар қийналди.

Денгиз устида эсаётган совуқ шарқи-жанубий шамол кемани борган сари шимол томон суриб борарди.

Зурита капитан кўприкчасида узоқ турди ва фақат тонгга яқин каютага кирди. У хотинини ухлаб ётган бўлса керак деб ўйлаганди. Аммо Гуттиэре узун стол ёнидаги стулда бошини қўллари устига қўйганча бедор ўтирарди. Зурита кириши билан Гуттиэре ўрнидан турди, шипда осилиб турган ва пилиги ёниб тугаётган чироқнинг заиф ёғдусида қизнинг тунд, маъюс чеҳраси кўзга аранг чалинарди.

— Сиз мени алдадингиз,— деди у бўғиқ товуш билан.

Гуттиэре эрига шундай ғазаб билан тикилдики, у ўзини қўйгани жой тополмай қолди ва мўйловини бураб, вазиятни юмшатиш мақсадида гапни ҳазилга бурди.

— Сизга яқинроқ туриш учун Ихтиандр «Медуза»да қолишни афзал кўрди.

— Елғон гапиряпсиз! Сиз разил ва ифлос одамсиз. Сиздан нафратланаман.— Гуттиэре тўсатдан деворда осилиб турган каттакон пичоқни олди-да, Зуритага ташланди.

— Ў-ҳў!— деди Зурита ва чаққонлик билан Гуттиэренинг билагидан ушлаб, шундай қисдики, қизнинг бармоқлари ҳолсизланиб, пичоқ тарақлаб полга тушди.

Зурита пичоқни каютадан тепиб чиқариб юборгач, хотинининг қўлини бўшатди.

— Оббо сиз-эй! Жудаям ҳаяжондасиз. Бир стакан сув ичиб юборинг.

Шундай деб, Зурита каютадан чиқди ва эшикни орқасидан қулфлаб, юқори палубага кўтарилди.

Шарқ уфқи бўзариб қолди, қуёш тиғи санчилган енгил булутлар бағрига қон югурди. Муздек тонг шамоли елканларни беармон шиширган. Денгиз устида сув юзига чиқувчи балиқларни пойлаб чағалайлар парвоз қилиб юрибди.

Кун ҳам чиқди. Зурита қўлларини орқасига қилганча ҳануз палубада у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳовридан тушиб қолади ҳали,— деди у Гуттиэрени эслаб.

Зурита матросларга елканларни тушириш ҳақида буйруқ берди. «Медуза» лангар ташлаб тўлқин устида тебраниб турарди.

— Менга занжирни ва трюмдаги кишини келтиринглар,— деб буюрди Зурита. У Ихтиандрни марварид қидирувчи сифатида тезроқ синаб кўришга ошиқарди. «Дарвоқе, йигит денгиздан анча тетик ҳам бўлиб чиқади»,— деб дилидан ўтказди у.

Икки ҳинду соқчилигида Ихтиандр пайдо бўлди. У бениҳоя ҳорғин қиёфада эди. Йигит атрофга алангланди. У бизань-мачта ёнида, кема бортидан атиги бир неча қадам нарида турарди. Бирдан Ихтиандр олдига ташланди ва бортга яқинлашиб, денгизга сакраш учун чоғланди. Шу пайт Зуританинг вазмин мушти унинг бошига келиб тушди. Йигит ҳушидан кетиб, палубага қулади.

— Шошилиш керак эмас,— деди Зурита насиҳатомуз.

Темирнинг шарақлагани эштилди, матрос Зуритага бир учи ҳалқа билан тугайдиган узун ингичка занжир узатди.

Зурита ҳалқани ҳушсиз ётган йигитнинг белидан ўтказиб, уни қулфлади-да, матросларга мурожаат қилди:

— Энди бошидан сув қуйинглар.

Ҳадемай йигит ўзига келди ва ҳайрат билан белига боғланган занжирга қаради.

— Шундай қилсам, қочиб кетолмайсан,— деб тушунтирди Зурита.— Сени денгизга тушираман. Мен учун марварид чиғаноқлари терасан. Қанча кўп марварид йиғсанг, денгизда шунча кўп бўласан. Борди-ю, марварид чиғаноқлари теришдан бош тортадиган бўлсанг, яна трюмга қамаб қўяман, бочкага тушиб ўтираверасан. Тушундингми? Розимисан?

Ихтиандр бош ирғади.

Тезроқ соф денгиз сувига тушиш учун у Зуритага денгизнинг бутун бойлигини олиб чиқиб беришга тайёр эди.

Зурита, занжирланган Ихтиандр ва матрослар кема бортига яқинлашишди. Гуттиэре турган каюта кеманинг нариги томонида эди. Зурита хотинининг Ихтиандрни занжирга боғлиқ ҳолда кўришини истамасди.

Ихтиандрни занжир билан денгизга тушириш ди. Қани энди занжирни парчалаб ташласа! Аммо у жуда мустаҳкам эди. Ихтиандр тақдирга тан беришга мажбур бўлди. У марварид

чиғаноқларини териб, белига боғланган қопга сола бошлади. Темир ҳалқа унинг белини қисиб, нафас олишни қийинлаштирарди. Шунга қарамай, диққинафас трюм ва сассиқ бочкадан қутулган Ихтиандр ўзини бахтли ҳис қиларди.

Матрослар кема бортидан одатдан ташқари бу манзарага таажжубланиб қараб туришарди. Орадан бир неча минут ўтди ҳамки, денгизга ташланган киши тепага кўтарилишни хаёлига келтирмасди.

Дастлаб сув юзига майда пуфакчалар чиқиб турди, кейин у ҳам йўқолди.

— Ичида зиғирдай ҳаво қолган бўлса, ўлай агар. Сувда ўзини балиқдек ҳис қилади шекилли,— деди кекса бир марварид қидирувчи ажабланиб, сувга термилган ҳолда. Денгиз тубида ўрмалаб, марварид тераётган йигит шундоқ кўриниб турарди.

— Эҳтимол «денгиз иблиси» шунинг ўзидир?— деб пичирлади матрос йигит.

— Ким бўлса ҳам, капитан Зурита ажойиб нарсани қўлга киритипти,— деб гапга аралашди штурман.— Битта мана шунақанги қидирувчи ўн кишининг ўрнини босади.

Қуёш тиккага келай дегандагина Ихтиандр тортинглар деган маънода занжирни силкитди. Белидаги қоп чиғаноққа тўлган эди. Овни давом эттириш учун уни бўшатиб олиш лозим эди.

Матрослар ғалати қидирувчини апил-тапил тортиб олдилар. Ҳамма овнинг натижасини кўришга ошиқарди.

Одатда моллюскалар чириши учун марварид чиғаноқлари бир неча кун ташлаб қўйилади,— шундай қилганда марваридларни ажратиш осон бўлади, аммо шу тобда матросларнинг ҳам, Зуританинг ҳам сабрсизлиги устун келди. Улар пичоқ билан чиғаноқларни ёришга киришдилар.

Иш тугаши билан кемани ғала-ғовур босиб кетди. Ҳамма қаттиқ ҳаяжонда эди. Эҳтимол, Ихтиандр яхши жойга тушиб қолгандир. Аммо бир шўнғишда олиб чиққан марваридлари бутун экипажни ҳангу манг қилиб қўйди. Улар орасида йигирмага яқин йирик, тузилиши бениҳоя кўркам ва ажойиб тусли марваридлар бор эди. Бир ҳамладаёқ Зурита беҳисоб давлат остида қолди. Битта йирик марварид эвазига бутун бошли кема сотиб олиш мумкин эди. Зурита катта бойлик бўсағасида турарди. Унинг орзулари ушала бошлаганди.

Матрослар марваридларга суқ билан тикилиб туришарди. Бу ҳол Зуритага ёқмади. У марваридларни похол шляпасига териб солди-да, деди:

— Нонуштага киринглар. Сен эса, Ихтиандр, ажойиб марварид қидирувчисан. Битта бўш каюта бор. Сени ўша ерга жойлаштираман. У ерда нафасинг қисилмайди. Сен учун қўрғон ин бак ҳам буюртираман.— Эҳтимол, унинг кераги ҳам йўқдир, ахир ҳар куни денгизда бўласан-ку. Фақат занжирдан халос қилмайман. Иложи йўқ-да. Бўшатсам, ининга кириб кетиб, қайтиб чиқмаслигинг мумкин.

Ихтиандрнинг Зурита билан гаплашгиси келмасди. Аммо,

модомики бу очкўз одамнинг маҳбуси бўлиб қолдими, демак дурустроқ бошпана ҳақида ўйлаш керак эди.

— Бак сассиқ бочкадан минг марта афзал,— деди у Зуритага.— Лекин бўғилиб қолмаслигим учун бакнинг сувини тез-тез алмаштириб туришингиз лозим.

— Тез-тез дейсанми?

— Ҳа, ҳар ярим соатда,— деб жавоб берди Ихтиандр.— Ҳар доим оқин сув қуйилса, яна ҳам яхши бўлади.

— Ана холос, дарров димоғинг шишиб кетади-да. Мақтаб юборганим учун инжиқлик қилишга ўтиб олдинг.

— Инжиқлик эмас,— деди хафа бўлиб Ихтиандр.— Тушунинг-да... Мана, масалан, каттакон балиқни челакка солсангиз, у тезда ўлиб қолади. Чунки балиқ сувдаги кислороддан нафас олади, мен эса...— мен ҳам каттакон балиқман-да,— деб қўшиб қўйди Ихтиандр кулиб.

— Кислород масаласида ҳеч нарса деёлмайман, аммо сувни вақтида алмаштирмаса, балиқнинг ҳалок бўлишини яхши биламан. Эҳтимол, сен ҳақдирсан. Аммо сенинг бакингга тўхтовсиз сув ташийдиган одамларнинг меҳнатини ҳисобласа, бу жуда қимматга тушади, сенинг марваридларингдан ҳам қимматга тушади. Унда хонавайрон бўламан-ку!

Ихтиандр марвариднинг баҳосини ҳам, Зурита ўз қидирувчилари ва матросларига ҳақ тўлашини ҳам билмасди. Бинобарин йигит Зуританинг гапларига чиппа-чин ишонди.

— Агар мени тутиб туришнинг фойдаси бўлмаса, денгизга қўйиб юборинг,— деб хитоб қилди у океанга суқ билан тикилиб.

— Сени қара-ю!— деди Зурита ва хахолаб кулиб юборди.

— Майли! Ўзим сизга марваридларни келтираман. Мана шунча келадиган марварид тўплаб қўйганман.— Ихтиандр қўлини ердан тиззасигача кўтарди.— Бари сара, текис марваридлар, ҳаммасини олиб келиб бераман, фақат мени қўйиб юборинг.

Зуританинг дами ичига тушиб кетди.

— Валдирашни қўйсанг-чи,— деб эътироз билдирди у, иложи борича осойишта гапиришга тиришиб.

— Мен бировга ёлғон гапирмаганман,— деди Ихтиандр аччиқланиб.

— Қаерда марваридларинг?— деб сўради Зурита ҳаяжонини яширолмай.

— Сувости ғорида. Лидингдан бошқа ҳеч ким билмайди у ерни.

— Лидинг! Ким у?

— Менинг дельфиним.

— Шундоғ дегин!— «Ажабо, қандай тилсимот бу,— деб ўйлади Зурита.— Агар унинг гаплари рост бўлса, бутун орзуларимдан ҳам ошиб тушади-ку. Бойлик остида қоламан. Ротшильд ва Рокфеллерлар менинг олдимда қашшоқ бўлиб қолишади. Йигитга ишонса бўладиганга ўхшайди. Қайтиш ҳақида сўз олиб, қўйиб юборсаммикан, а?»

Аммо Зурита кўпни кўрган одам эди. У оғзаки гапларга сира

ишонмасди. Ихтиандрнинг хазинасини қандай қилиб қўлга киритиш ҳақида ўйлай бошлади. «Агар Гуттиэре илтимос қилса, албатта олиб келади».

— Эҳтимол, сени қўйиб юборарман,— деди Зурита,— аммо ҳозирча сабр қилишинг керак. Шундай. Бунинг сабаблари бор. Менимча ушланиб қолганингдан афсусланмайсан. Сен, гарчи ихтиёринг ўзингда бўлмаса ҳамки, менинг меҳмонимсан, қўлимдан келганча қулайлик туғдириб беришга ҳаракат қиламан. Эҳтимол, жуда қимматга тушадиган бак ўрнига сени каттакон темир қафасга солсак дуруст бўлар. Қафас сени акуладан ҳимоя қилади,— ана шу қафасда сени сувга туширишади.

— Тўғри, лекин мен очиқ ҳавода ҳам бўлишим керак.

— Нима қипти, аҳён-аҳён юқорига чиқариб турамиз. Бу бакка сув ташишдан арзон тушади. Қисқаси, бутун шароитни яратамиз, раҳмат дейсан ҳали.

Зуританинг кайфи жуда чоғ эди. У умрида биринчи марта нонуштага матросларга бир стакандан ароқ беришга буюрди.

Ихтиандрни яна трюмга олиб кетишди, бак ҳали тайёр эмас эди. Зурита ҳаяжон билан капитан каютаси эшигини очди ва остонада турибоқ, Гуттиэрега марварид тўла шляпасини кўрсатди.

— Ваъдам ёдимда турибди,— деди у илжайиб,— хотиним марваридни, совғани яхши кўради. Кўпроқ марварид олиш учун эса яхши қидирувчига эга бўлиш керак. Шунинг учун Ихтиандрни тутиб ўтирибман-да. Буни қара, бир шўнғишда олиб чиққан марваридлари булар.

Гуттиэре марваридларга кўз қирини ташлади. У беихтиёр туғён урган ҳаяжонини аранг босди. Аммо Зурита буни пайқаб қолиб, мамнуният билан хахолади.

— Сен Аргентинада, эҳтимол, бутун Америкада энг бадавлат хотин бўласан. Сенинг ихтиёрингда ҳамма нарса бўлади. Шоҳлар ҳавас қиладиган сарой қуриб бераман. Ҳозир эса хамир учидан патир сифатида мана бу марваридларнинг ярмисини қабул қилиб ол.

— Йўқ. Жиноят эвазига қўлга киритилган марвариднинг биттасини ҳам олмайман,— деб жавоб берди Гуттиэре кескин равишда,— иккинчидан, марҳамат қилиб, мени холи қўйинг.

Зурита хижолат тортди, ранжиди. Бундай бўлишини у сира кутмаган эди.

— Яна икки оғизгина гапиришга рухсат этинг,— деди у, энди «сиз»лашга ўтиб.— Ихтиандрни озод қилишимни истайсизми?

Гуттиэре ишонқирамай Зуритага қаради. У эрининг яна қандай айёрлик ишлатмоқчи эканлигини унинг кўзларидан уқиб олишга тиришарди.

— Нима демоқчисиз?— деб сўради у совуққина қилиб.

— Ихтиандрнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Денгиз остига яшириб қўйган марваридларини «Медуза»га олиб чиқишни буюрсангиз бўлди,— «денгиз иблиси»ни шу заҳоти қўйиб юбораман.

— Шу гапларим ёдингизда бўлсин. Мен сизнинг бирорта гапингизга ишонмайман. Марваридни оласизу Ихтиандрни яна занжирга боғлаб қўясиз. Бу менинг энг ёлғончи ва хиёнаткор одамнинг хотини эканлигимдай ҳақ гап. Эсингизда бўлсин, мени ўзингизнинг қора ишларингизга тортишга уринманг. Яна сиздан илтимос қиламан — холи қўйинг мени.

Бошқа гапга ўрин қолмаган эди. Зурита чиқиб кетди. Ўз каютасига бориб, марваридларни қопга бўшатди-да, авайлаб сандиққа солиб, устидан қулфлаб қўйди. Кейин палубага чиқди. Хотини билан бўлган машмаша уни жилла бўлса ҳам ранжитмади. У ўзини бадавлат ва эътиборли киши сифатида кўрарди.

Зурита капитан кўприкчасига ўтиб, сигара тутатди. Унинг хаёли келгусидаги бойлик ҳақидаги ўйлар билан банд эди. Ҳамиша зийрак Педро бу гал матросларнинг тўда-тўда бўлиб, нима ҳақдадир пичирлашиб гаплашаётганликларини сезмай қолди.

ТАРК ЭТИЛГАН «МЕДУЗА»

Зурита фок-мачта қаршисида, борт яқинида турарди. Штурманнинг ишораси билан бир неча матрос қўққисдан Зуритага ташланди. Улар қуролланмаган, лекин жуда кўпчилик эдилар. Шунга қарамай, Педрони бўйсундириш осон бўлмади. Икки матрос орқадан ёпишиб қолди. Зурита тўрни ёриб чиқди-да, бир неча қадам нари бориб, кучининг борича орқасига, бортга қараб ташланди.

Матрослар инграб, палубага қулаб тушдилар. Зурита қаддини ростлаб олгач, мушт билан янги рақибларнинг қаршилигини қайтара бошлади. Унинг ёнида ҳаммавақт тўппонча юрарди, аммо ҳужум сира кутилмаганда юз берганидан тўппончани қинидан суғуролмай қолди. У секин-секин фок-мачта томон чекинди-да, бирдан маймундай чаққонлик билан мачта арқонига ёпишиб юқорига кўтарила бошлади.

Бир матрос унинг оёғига ёпишган эди, Зурита бошқа оёги билан унинг бошига тепди. Матрос гурсиллаб палубага йиқилди. Зурита юқорига чиқиб, яхшилаб ўрнашиб олгач, роса сўкинди. Бу ерда у ўзини анча хавфсиз ҳис қиларди. Педро шошиб тўппончасини суғурди-да, қичқирди:

— Ким юқорига чиқишга уринаркан, жонидан умид қилмасин!

Пастда қолган матрослар ғала-ғовур кўтариб, бундан кейин нима қилиш ҳақида кенгаша бошладилар.

— Капитан каютасида милтиқ бор!— деб қичқирди штурман, шовқинни босишга уриниб.— Юринглар, эшикни бузамиз!

Бир неча матрос люк томон югурди.

«Тамом,— деб ўйлади Зурита,— отиб ташлашади!»

У кўмак сўрагандай денгизга юз бурди. Қай кўз билан кўрсинки, шу дақиқада қандайдир сувости қайиғи океан бағрини ёриб шиддат билан «Медуза»га яқинлашиб келарди.

«Ишқилиб, сув остига кириб кетмасин-да,— деб дилидан ўтказди Зурита.— Кўприкчада одамлар кўриняпти. Наҳотки мени сезмай, ўтиб кетишса?»

— Ёрдам беринглар! Тезроқ! Ўламан!— деб қичқирди у овозининг борича.

Сувости қайиғидагилар, афтидан, уни кўришган эди. Қайиқ тезлигини пасайтирмай, тўппа-тўғри «Медуза»га қараб келаверди.

Кема люкидан матрослар қуролланиб чиқишди, лекин улар океандаги қайиқни кўриб, таққа тўхтаб қолишди. «Медуза»га қуролланган, кўринишидан, ҳарбий сувости қайиғи яқинлашди. Зуритани чақирилмаган бу гувоҳлар кўзи олдида ўлдириш мумкин эмас эди.

Зурита ғалаба қозонди. Аммо бу ғалаба узоққа чўзилмади. Сувости қайиғининг кўприкчасида Балтазар, Кристо ва қирғий бурун, бургут кўзли новча бир киши турарди. У қайиқ палубасидан туриб қаттиқ қичқирди:

— Педро Зурита! Ўғирлаб келганингиз Ихтиандрни дарҳол қайтаринг. Беш минут вақт бераман, акс ҳолда кемангизни денгизга ғарқ қилиб юбораман!

«Сотқинлар!— деб ўйлади Зурита Кристо билан Балтазарга нафрат билан тикилиб.— Лекин ғарқ бўлиб кетганимдан кўра Ихтиандрдан айрилган маъқул».

— Ҳозир олиб чиқаман,— деди у арқондан сирғалиб тушаркан.

Матрослар ўзларини қутқариш ташвишига тушиб қолдилар. Улар апил-тапил қайиқларини сувга тушириб, қирғоққа қараб суза кетишди. Шу тобда ҳар ким ўз жони ҳақида ўйларди.

Зурита трапдан ўз каютасига чопди, жонҳолатда марварид солинган халтани олиб, қўйнига урди-да, қайиш билан рўмолча олиб изига қайтди. Кейин Гуттиэре турган каютага кирди ва хотинини кўтариб палубага чиқди.

— Ихтиандрнинг тоби йўқ. У қайиқда ётипти,— деди Зурита Гуттиэрени қўйиб юбормай. Педро борт олдига чопиб келди-да, Гуттиэрени қайиққа ўтқазиб, уни сувга туширди ва ортидан ўзи ҳам қайиққа сакради.

Энди сувости қайиғи уларни таъқиб қилолмасди. Чунки бу ерлар жуда саёз эди. Лекин Гуттиэре сувости қайиғининг палубасида турган Балтазарни кўриб қолди.

— Ота, Ихтиандрни қутқар! У...— Аммо қиз гапини тугатолмади. Зурита рўмолча билан унинг оғзини бекитиб, қўл-оёқларини боғлай бошлади.

— Аёлни қўйиб юборинг!— деб қичқирди бу манзарани кўрган Сальватор.

— Бу аёл — менинг хотиним. Оила ишларига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!— деб жавоб берди Зурита зўр бериб ишкак эшаркан.

— Аёл кишига бундай муомала қилишга кимнинг ҳаққи

бор? — деб қичқирди Сальватор титраб.— Тўхтанг, бўлмаса отиб ташлайман!

Аммо Зурита пинагини бузмади.

Сальватор тўппончадан ўқ узди. Ўқ қайиқ бортига тегди.

Зурита Гуттиэрени қўлига кўтарди ва уни пана қилган ҳолда, қичқирди:

— Отаверинг!

Гуттиэре унинг қўлида типирчиларди.

— Аблаҳ! — деб ғулдиради Сальватор тўппончани тушириб.

Балтазар кўприкчадан ўзини сувга ташлаб қайиқни қувиб етишга аҳд қилди. Аммо Зурита қиргоққа яқинлашиб қолган эди. У тинмай эшкакка зўр берарди, ҳадемай тўлқин қайиқни қумлоқ соҳилга чиқариб ташлади. Педро Гуттиэрени кўтардида, соҳилдаги тошлар орасига кириб кўздан йўқолди.

Зуритани қувиб етолмаслигига кўзи етган Балтазар кемага қараб сузди ва лангар занжирига осилиб, палубага кўтарилди. У трап орқали пастга тушиб, Ихтиандрни қидира бошлади. Балтазар кеманинг ҳамма бурчини кўздан кечириб чиқди. Аммо «Медуза»да тирик жон қолмаган эди.

— Ихтиандр йўқ,— деб қичқирди у Сальваторга қараб.

— Лекин у тирик, қаердадир шу ўртада бўлиши керак! Гуттиэре уни қутқаринглар, деди-ку. Агар бу қароқчи қизнинг оғзини беркитмаганда Ихтиандрни қаердан қидириш кераклигини билиб олардик,— деди Кристо.

У денгиз сатҳини кўздан кечира туриб, сувдан чиқиб турган мачта учини кўриб қолди. Афтидан, бу ерда кема ғарқ бўлган эди. Ихтиандр шу кемада эмасмикан?

— Эҳтимол, Зурита Ихтиандрни ғарқ бўлган кемадаги бойликларни олиб чиқишга буюргандир? — деди Кристо.

Балтазар палубада ётган бир учи ҳалқали занжирни кўтарди.

— Зурита Ихтиандрни денгизга мана бу занжирга боғлаб туширган шекилли. Занжирсиз Ихтиандр қочиб кетган бўларди. Йўқ, у ҳалокатга учраган кемада эмас.

— Ҳа,— деди Сальватор ўйчан.— Зуритани енгдигу Ихтиандрни тополмадик.

СУВ ОСТИДАГИ КЕМА

Зуритани таъқиб қилувчилар бугун эрталаб «Медуза»да содир бўлган воқеадан бехабар эдилар.

Матрослар тун бўйи кенгашиб, тонгга яқин биринчи қулай вазиятдаёқ Зуритани ўлдириб, Ихтиандр билан кемани қўлга олишга қарор қилгандилар.

Тонг отган пайтда Зурита капитан кўприкчасида турарди. Шамол тинган, «Медуза» секинлик билан олға силжимоқда.

Зурита океандаги қандайдир нуқтага тикилиб турарди. У дурбинни кўзига тутиб, ғарқ бўлган кеманинг радиомачтасини кўрди.

Ҳадемай Педро сув юзида қалқиб турган қутқазиш чамбарагини пайқаб қолди.

У сувга қайиқ тушириб, чамбаракни олиб келиш ҳақида буйруқ берди.

Матрослар дарҳол қутқариш чамбарагини тутиб келишди. Унда «Мафальду» деган ёзув бор эди.

— «Мафальду» ғарқ бўлибдими?— деди ажабланиб Зурита. У Американинг бу йирик пассажир пароходини яхши биларди. Бундай кемада озмунча бойлик бўлмайди. «Ихтиандр кемадаги қимматбаҳо нарсаларни олиб чиқсамикан? Лекин занжир калталик қилса керак. Агар уни занжирсиз туширса, қайтиб чиқмайди»...

Зурита ўйланиб қолди. Унинг онгида очкўзлик билан Ихтиандрдан ажралиб қолиш ҳақидаги ўйлар жанг қиларди.

«Медуза» аста-секин сув остидан чиқиб турган мачтага яқинлашди.

Матрослар бортга ёпирилиб олишганди. Шамол бутунлай тиниб, «Медуза» тўхтади.

— Мен бир вақтлар «Мафальду»да хизмат қилганман,— деди матрослардан бири.— Жуда катта, яхши пароход. Худди шаҳарнинг ўзи. Нуқул Американинг казо-казолари тушишади.

«Мафальду» ўз ҳалокати ҳақида хабар беролмаганга ўхшайди,— деб ўйлади Зурита.— Радиостанция бузилиб қолган бўлса керак-да. Йўқса, атрофдаги портлардан ҳукумат вакиллари, мухбирлар, фотографлар, кинооператорлар ҳамда ғаввослар тушган тезюрар катерлар етиб келган бўларди. Вақтни бой бермаслик керак. Ихтиандрни занжирсиз туширишга тўғри келади. Бошқа илож йўқ. Аммо қандай қилиб қайтиб чиқишга мажбур этиш мумкин? Модомики, занжирсиз туширилар экан, яхшиси уни сув остидаги марварид хазинасига юборсамикан? Аммо чиндан ҳам Ихтиандр айтганча марварид бормикин? Эҳтимол, у ошириб кўрсатаётгандир?»

Албатта, хазинани ҳам, «Мафальду»даги бойликларни ҳам қўлга киритиш керак. Марварид хазинаси қочиб кетмайди, уни Ихтиандрдан бошқа одам билмайди ҳам. Ихтиандр эса ўзининг қўлида. Бир неча кундан кейин, эҳтимол бир неча соатдан сўнг «Мафальду»нинг бойликларига қўл тегизиб бўлмайди. «Демак, «Мафальду»дан бошлаш керак», деган қарорга келди Зурита. У лангар ташлаш ҳақида буйруқ берди. Кейин ўз каютасига тушиб, бир парча қоғозга алланималарни ёзди-да, хатни кўтариб Ихтиандрнинг каютасига ўтди.

— Ўқишни биласанми, Ихтиандр? Гуттиэре сенга хат бериб юборди.

Ихтиандр шошиб қоғозни олди-да, ўқий бошлади:

«Ихтиандр! Илтимосимни ерда қолдирма. «Медуза» билан ёнма-ён бир пароход ғарқ бўлиб ётибди. Денгизга тушиб, пароходдаги жамики қимматбаҳо нарсаларни олиб чиқ. Зурита сени занжирсиз қўйиб юборади, лекин сен «Медуза»га қайти-

шинг керак. Бу ишни мен учун қил, Ихтиандр, ишонтириб айтаман: тез кунда озод бўласан: Гуттиэре».

Ихтиандр ҳеч қачон Гуттиэредан хат олмаган эди. Шунинг учун унинг ёзувини танимасди ҳам. Хатни ўқиб, Ихтиандр хурсанд бўлиб кетди, аммо шу заҳоти ўйлаб қолди. Бу Зуританинг ҳийласи бўлмасин тағин?

— Нега Гуттиэренинг ўзи айта қолмади?— деб сўради у хатини кўрсатиб.

— У бетоб ётипти,— деб жавоб берди Зурита,— қайтиб чиққанингдан кейин албатта кўрасан.

— Гуттиэрега бойликнинг нима кераги бор?— деб сўради яна Ихтиандр ишонқирамай.

— Агар сен ҳақиқий одам бўлганингда эди, бундай саволларни бермасдинг. Яхши кийиниш, қимматбаҳо безаклар тақиб юришни қайси хотин истамайди? Бунинг учун эса пул керак. Сув остидаги кемада жуда кўп пул бор. Улар энди ҳеч кимники эмас,— нима учун бу пулларни Гуттиэрега олиб чиқиб бермаслигинг керак экан? Энг муҳими — олтин тангаларни қидир. Кемада почтага тегишли чарм қоплар бўлиши керак. Бундан ташқари, олтин буюмлар, пассажирларнинг бармоқларидаги тилла узуклар...

— Сизнингча, ўликларни тинтув қилишим керак экан-да?— деб сўради Ихтиандр ғазаб билан.— Умуман, мен сизга ишонмайман. Гуттиэре бунчалик очкўз эмас. У мени бундай ишга жўнатмайди.

— Лаънатилар!— деб хитоб қилди Зурита аччиқланиб. Ихтиандрни дарҳол кўндирмаса бутун режалари барбод бўлишига унинг кўзи етган эди.

Зурита ўзини тутиб олди ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Сени алдаш ҳазил гап эмасга ўхшайди. Начора, очиқ гаплашишга тўғри келади. Қулоқ сол: «Мафальду»даги олтинлар Гуттиэрега эмас, менга керак. Бунга ишонасанми?

Ихтиандр беихтиёр жилмайди.

— Албатта.

— Жуда соз. Ниҳоят менга ишона бошладинг,— демак, биз келиша оламиз. Ҳа, менга олтин керак. Агар «Мафальду»даги олтинлар сен яшириб қўйган марварид хазинасидан кам бўлмаса ва уларни менга олиб чиқиб берсанг, шу заҳоти сени океанга қўйиб юбораман. Аммо, афсуски, сен менга ишонмайсан, мен эса сенга. Мабодо, денгизга занжирсиз қўйиб юборсам-у, лекин сен...

— Агар қайтиб чиқишга сўз берсам, албатта сўзимнинг устидан чиқаман.

— Ким билади дейсан. Мени ўлгудай ёмон кўрасан, бинобарин қайтиб чиқмасанг ҳам сира ажабланмайман. Лекин сен Гуттиэрени севасан, шунинг учун ҳам унинг ҳар қандай илтимосини бажарасан. Шундай эмасми? Мен Гуттиэре билан гаплашдим. У, албатта, сени қўйиб юборишимни истайди. Тезроқ

озодликка чиқишинг учун у хат ёзиб, мендан бериб юборди. Энди тушунгандирсан?

Зуританинг гаплари йигитга жуда ишонарли ва ростга ўхшаб туюлди. Аммо Зурита «Мафальду»даги олтинлар чиндан ҳам марварид хазинасидан кам эмаслигига ишонгандан кейингина уни озод қилмоқчи бўлаётганини Ихтиандр англамай қолди.

«Ахир чоғиштириш учун,— деб ўзича ўйлай бошлади Зурита,— Ихтиандр ўз марваридларини олиб келиши керак-да. Мен бунга уни мажбур ҳам қиламан. Қарабсизки, «Мафальду» даги олтинлар ҳам, марварид хазинаси ҳам ва ниҳоят, Ихтиандр ҳам ўз қўлимда бўлади.»

Аммо Ихтиандр Зуританинг бу режасини пайқамасди. Унинг очиқ кўнгиллик билан гапириши йигитни бутунлай ишонтирган эди. Шунинг учун ҳам Ихтиандр бир оз ўйланиб тургандан кейин, рози бўлди.

Зурита елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил хўрсинди.

«Бу йигит алдамайди»,— деб дилидан ўтказди у.

— Юр тезроқ!

Ихтиандр шошиб палубага кўтарилди-да, ўзини денгизга отди.

Ихтиандрнинг сувга занжирсиз сакраганини матрослар кўришган эди. Улар Ихтиандр «Мафальду»даги бойликларни олиб чиқиш учун кетганини дарров англадилар. Наҳотки «Мафальду»нинг бутун бойлигини ёлғиз Зуританинг ўзи ўмарса? Вақтни ўтказмаслик керак эди. Матрослар Зуритага ташланишди.

Команда Зуритани таъқиб қилаётган вақтда Ихтиандр денгиз остидаги кемани текширишга киришган эди.

Устки палубанинг каттакон люки орқали йигит ичкари кириб, улкан бинонинг нарвонини эслатувчи трап устидан пастга қараб сузди ва ҳадемай кенг коридорга чиқди. Бу ер деярли қопқоронғи эди. Фақат очиқ эшиклардан хира нур тушиб турарди.

Ихтиандр очиқ эшикларнинг биридан сузиб ўтиб, кема салонига кириб қолди. Катта ва думалоқ иллюминаторлар бир неча юз киши сиғадиган улкан зални аранг ёритиб турарди. Ихтиандр дабдабали қандил устига ўтириб олиб, атрофни кўздан кечира бошлади. Унинг кўзи олдида аянчли манзара намоён бўлди. Юқорига сузиб чиққан ёғоч стул ва кичик столчалар шипга тегиб қалқиб турардилар. Шинамгина саҳнадаги роялнинг қопқоғи очиғлигича қолган. Полга жимжимадор юмшоқ гиламлар тўшалган. Девордаги қизил ёғочдан ишланган силлиқ қопламанинг у ер-бу ери қийшайиб, тоб ташлабди. Бир томондаги девор ёнида хурмо буталари бўй чўзиб турибди.

Ихтиандр қандилдан хурмога қараб сузди. Аммо бирдан ҳангу манг бўлиб тўхтаб қолди. Унинг қаршисидан худди ўшандай ҳаракат билан қандайдир бир киши сузиб келарди. «Кўзгу»,— деди йигит дарров фаҳмлаб. Бутун деворни эгаллаган каттакон кўзгу салон ичини сўник ҳолда акс эттириб турарди.

Бу ерда хазина қидириш бефойда эди. Ихтиандр коридорга сузиб чиқди-да, яна бир палуба қуйи тушиб, ҳалигидай серҳашам ва катта хонага кирди,— бу ер, афтидан, ресторан бўлса

керак. Буфет токчалари ва пештахта устида, стол тагларида вино тўла шишалар, консерва банкалари ва бошқа бурди-балолар думалаб ётарди. Сувнинг босими таъсирида пўкаклар шиша ичига кириб, тунука банкалар мажақланиб кетган эди. Стол устидаги чети зарҳал идиш-товоқларнинг баъзилари, кумуш вилка ва пичоқлар ерга тушиб кетганди.

Ихтиандр бирма-бир каюталарга кира бошлади.

У талайгина жуда яхши жиҳозлар билан безатилган каюталарга кириб чиқди-ю, аммо биронта ҳам мурдани учратмади. Фақат учинчи палубадаги каюталарнинг бирида шишиб кетган бир ўлик шипга қадалганча чайқалиб турарди.

«Кўп одам қайиқлар ёрдамида омон қолганга ўхшайди»,— деб ўйлади Ихтиандр.

Аммо яна қуйига, учинчи класс пассажирлари жойлашган палубага тушгач, йигит даҳшатли манзарага дуч келди: бу ердаги каюталарда эркаклар, аёллар ҳамда болалар қолиб кетган эди. Ўликлар орасида оқ танлилар, хитойлар, негр ва ҳиндуларнинг жасадлари бор эди.

Кема командаси энг аввало бадавлат биринчи класс пассажирларини қутқаришга уриниб, қолган пассажирларни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди. Баъзи каюталарга Ихтиандр кира олмади. Мурдалар эшикларни бутунлай тамбалаб ташлаган эди. Ваҳимага тушган одамлар бараварига ташқарига отилиб, йўлакка тиқилиб қолган ва ана шу тариқа ўзлари учун сўнгги нажот йўлини ҳам тўсиб қўйишганди.

Узундан-узоқ коридор мурда билан тўла. Очиқ иллюминаторлардан кираётган сув шишиб кетган ўликларни аста тебратиб турибди. Ихтиандрнинг юраги орқасига тортиб кетди ва у бу сувости қабристонидан тезроқ узоқлашишга шошилди.

«Наҳотки Гуттиэре мени қаёққа жўнатаётганини билмаган бўлса?— деб ўйлади Ихтиандр.— Наҳотки у мени ғарқ бўлган кишиларнинг чўнтак ва чамадонларини титкилашга мажбур қилса? Йўқ, у бундай қилиши мумкин эмас. Яна Зуританинг ҳийласига учдим шекилли. Тепага сузиб чиқаман-да, Гуттиэренинг палубага чиқиб, ўз илтимосини ўзи тасдиқлашини талаб қиламан».

Йигит палубалар орасидаги сон-саноқсиз йўлаклардан балиқдек сузиб ўтиб, юқорига кўтарилди.

У шошиб «Медуза»га яқинлашди:

— Зурита!— деб чақирди у.— Гуттиэре!

Аммо унга ҳеч ким жавоб бермади. Сукунатга ботган «Медуза» тўлқин устида аста чайқалиб турарди.

«Қаёққа кетиб қолишди экан?— деб ўйлади Ихтиандр.— Зурита яна қанақа ҳийла ишлатмоқчи?» Ихтиандр кема олдига сузиб келди-да, палубага чиқди.

— Гуттиэре!— деб қичқирди у яна.

— Биз бу ердамиз!— деган товуш эшитилди қаердандир, узоқдан.

Ихтиандр қайрилиб қараб, соҳилдаги буталар орасидан мўралаб турган Зуритани кўрди.

— Гуттиэре касал бўлиб қолди! Бу ёққа кел. Ихтиандр!— деб қичқирди Зурита.

Гуттиэре касал! У қизни ҳозир кўради. Ихтиандр денгизга сакраб, қирғоқ томон суза кетди.

Йигит сувдан энди чиққан ҳам эдики, Гуттиэренинг бўғиқ овози эшитилди:

— Зурита алдаяпти! Қоч, Ихтиандр!

Йигит шошиб изига қайтди ва сувга шўнғиди. Қиргоқдан анча нарига боргач, бошини сувдан чиқариб, орқасига қаради. Қирғоқда оппоқ бир нарса «лип» этиб кўриниб қолди.

Эҳтимол, Гуттиэре уни асирликдан қутулгани билан табриклагандир. Қайтиб у билан учрашармикин?..

Ихтиандр очиқ денгиз сари сузиб кетди. Узоқдан кичик бир кема кўринди. У ўткир тумшуғи билан денгиз бағрини тилиб, жанубга томон сузиб борарди.

«Одамлардан узоқроқ юриш керак»,— деб дилидан ўтказди Ихтиандр ва бир шўнғиб, сув остига кириб кетди.

8—1231

УЧИНЧИ ҚИСМ

ҲАҚИҚИЙ ОТА

Сувости қайиғида қилинган саёҳат муваффақиятсиз тугагандан кейин Балтазарнинг таъби ниҳоятда хира бўлди. Ихтиандрни топишолмади, Зурита Гуттиэрени олиб қаёққадир қочиб қолди.

— Лаънати оқлар!— деб вайсарди чол ўз дўконида ёлғиз ўтириб.— Улар бизни еримиздан ҳайдаб чиқаришди, ўзимизни қул қилиб олишди. Улар болаларимизни майиб қилишади, қизларимизни ўғирлаб кетишади. Ҳаммамизни битта қўймай қириб ташлаш ниятида улар.

— Салом, ука!— деди дўконга кириб келган Кристо.— Хушхабар! Ажойиб хушхабар! Ихтиандр топилди.

— Нима?!— Балтазар дик этиб ўрнидан туриб кетди.— Тезроқ гапирсанг-чи!

— Ҳозир, ҳозир, фақат гапимни бўлма, йўқса, айтадиган нарсаларимни эсимдан чиқариб қўяман. Ҳа, Ихтиандр топилди. Ўшанда билиб айтган эканман: у гарқ бўлган кемада экан. Биз жўнаб кетганимиздан кейин сузиб чиқиб, тўғри уйга йўл олибди.

— Қани? Сальваторникидами?

— Ҳа, ўша ерда.

— Мен ҳозироқ бориб, Сальватордан ўғлимни қайтариб беришини талаб қиламан.

— Бериб бўпти!— Эътироз билдирди Кристо.— Сальватор Ихтиандрга океанда сузишни ман қилган. Аҳён-аҳён мен докторга сездирмасдан чиқариб юбораман.

— Беради! Бермаса Сальваторни ўлдираман. Юр ҳозир.

Кристонинг ўтакаси ёрилиб қўлларини силкитди.

— Лоақал эртагача сабр қил. «Набирам» ни кўриб келаман деб Сальватордан аранг рухсат олдим. У жуда шубҳаланадиган бўлиб қолди. Кўзингга еб қўйгудек тикилади. Илтимос қиламан, эртагача кут.

— Майли. Сальваторникига эртага бораман. Ҳозир эса кўрфазга жўнайман. Ўғлимни узоқдан бўлса ҳам кўриб қолсам ажаб эмас.

Балтазар кечаси билан тўлқинга кўз тикиб, соҳилдаги тош устида ўтириб чиқди. Денгиз нотинч эди. Жанубдан эсаётган кучли совуқ шамол тўлқин сиртидаги кўпикларни юлиб олиб, қирғоқ тошларига келтириб урар, соҳилда бўрон ўкирарди. Тўлин ой кўкда сузиб юрган лахтак-лахтак булутлар панасига гоҳ яширинади, гоҳо денгиз сатҳини сутдай ёритиб юборади. Бал-

тазар қанча уринмасин, пишқираётган океан бағрида ҳеч нарсани кўролмади. Тонг отди. Қорамтир океан кулранг тусга кирди аммо у ҳамон бўм-бўш ва кимсасиз эди.

Тўсатдан Балтазар сесканиб кетди. Унинг ўткир кўзлари тўлқин устида чайқалиб турган қандайдир қора нуқтага қадалган эди. Одам! Эҳтимол, ғарқ бўлган бирор кишидир! Йўқ, қўлларини боши остида чалкаштирганча бамайлихотир осмонга қараб ётарди. Наҳотки, ўша бўлса?

Балтазар янглишмаганди. У Ихтиандр эди.

Балтазар ўрнидан турди ва қўлларини кўкрагига босиб:

— Ихтиандр! Ўғлим!— деб қичқирди ва ўзини денгизга отди.

Баланд қоядан сакраган ҳинду сувга шўнғиб кириб кетди. Сузиб чиққанда эса тепада ҳеч ким йўқ эди. Балтазар зўр бериб тўлқинлар билан олишаркан, яна бир марта сувга шўнғиди, аммо катта бир тўлқин уни чархпалак қилиб, қирғоққа улоқтирди, кейин пишқирганча изига қайтди.

Шалаббо бўлган Балтазар ўрнидан турди-да, денгизга термилиб оғир хўрсинди.

— Наҳотки менга шундай туюлган бўлса?

Шамол тўхтаб, шарқдан кўтарилган қуёш Балтазарнинг кийимларини қуритгач, у Сальваторнинг қўрғонига қараб юрди, девор тагига бориб, темир дарвозани тақиллата бошлади.

— Ким у?— деб сўради негр, эшикнинг тешигидан мўралаб.

— Менга доктор керак, зарур ишим бор.

— Доктор ҳеч кимни қабул қилмайди,— деб жавоб берди негр ва тешикни бекитди.

Балтазар дарвозани яна тақиллатди, роса бақирди, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Девор ортидан фақат кучукларнинг ваҳимали акиллагани эшитиларди.

— Шошмай тур ҳали, лаънати испан!— деб тўнғиллади Балтазар ва шаҳарга қараб йўл олди.

Суд биноси яқинида қалин тош деворли пастқамгина кўҳна оқ уй —«Пальма» деб аталувчи меҳмонхона жойлашган эди. Кираверишда усти йўл-йўл чодир билан кичкина равон бўлиб, унга стол-стуллар, сирланган кўк вазалар қўйилганди. Равон фақат кечқурунларигина гавжум бўларди. Кундузлари эса одамлар пастқам-пастқам салқин хоналарда ўтиришни афзал кўришарди. Меҳмонхона суднинг бир бўлимига ўхшарди. Суд мажлислари вақтида бу ерга даъвогарлар, жавобгарлар, гувоҳ ва ҳали қамоққа олинмаган айбланувчилар тўпланишарди.

Ўз навбатлари келишини кутиб ўтирган одамлар кўнгилсиз соатларни майхўрлик билан ўтказишга тиришардилар. Суд биноси билан «Пальма» ўртасида тинимсиз қатновчи абжир бола суддаги гапларни бу ерга етказиб турарди. Шундай қилиш қулай эди. Бу ерга турли ишлар бўйича сотқин воситачилар ва ўз хизматларини очиқдан-очиқ пулловчи сохта гувоҳлар кўп келиб туришарди.

Балтазар ҳам ўз дўкони ишлари юзасидан «Пальма»га кўп келганди. У арзнома ёзиб берувчи одамни бу ердан топиш мум-

кинлигини билар эди. Шунинг учун ҳам тўппа-тўғри шу ёққа келди.

У равондан тезгина ўтиб, салқин вестибюлга кирди ва муздек ҳаводан тўйиб бир нафас олгач, пешонасидаги терни артди, кейин шу ерда ўралишиб юрган болага мурожаат қилди:

— Ларра келдими?

— Дон Флорес де Ларра келдилар, жойларида ўтирибдилар,— деб бурро жавоб берди бола.

Дон Флорес де Ларра деган дабдабали номли бу киши қачонлардир майда суд хизматчиси бўлган ва порахўрлиги учун ишдан ҳайдалиб кетган эди. Шундан кейин у жуда кўп мижозлар орттирди: кимнинг шубҳалироқ иши бўлса тўппа-тўғри унга мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Балтазарнинг ҳам у билан танишлиги бор эди.

Ларра готик услубида қурилган кенг токчали дераза ёнидаги стол ортида ўтирарди. Ҳимоячининг олдида, стол устида бир кружка вино билан қаппайган сариқ портфель турибди. Эскирган сарғиш костюмининг кўкрак чўнтагига ҳар доим ишга тайёр турувчи ручка қистириб қўйилган. Ларра семиз, тепакал, юзи ва бурни қип-қизил, ҳамиша соқолини олиб юрадиган мағрур бир киши эди. Деразадан кираётган шабада унинг бошидаги қолган-қутган оқ тукларни тортқиларди. Суд раисининг ўзи ҳам мижозларни бу кадар улуғворлик билан қабул қилолмасди.

Ларра Балтазарни кўриб, бепарвогина бош силкиди-да, қаршисидаги тўқима креслога ишора қилди:

— Марҳамат, ўтиринг. Вино ичадиларми, пулькеми?

Ҳаммавақт у буюрар, лекин пулини мижозлар тўлашарди.

Балтазар эшитмади, шекилли, гапида давом этди:

— Катта иш. Муҳим иш, Ларра.

— Дон Флорес де Ларра деб мурожаат қилмайсанми,— деб тузатди Ларра кружкадаги винодан ҳўплаб.

Аммо Балтазар бу тузатишга эътибор бермади.

— Муҳим ишингиз нимадан иборат?

— Биласанми, Ларра...

— Дон Флорес де...

— Бу гапларингни бошқаларга қолдир!— деди Балтазар ғижиниб.— Жуда жиддий иш.

— Тезроқ гапирмайсанми, гапирадиган бўлсанг,— деди Ларра энди бутунлай бошқача оҳангда.

— «Денгиз иблиси»ни биласанми?

— Шахсан танишиш шарафига муяссар бўлмаганман, лекин кўп эшитганман,— деб жавоб берди Ларра виқор билан.

— Жуда яхши! «Денгиз илбиси» деганлари — менинг ўғлим, Ихтиандр.

— Нима деяпсан ўзи!— деб хитоб қилди Ларра.— Кўп ичиб қўйибсан, Балтазар.

Ҳинду столга мушт урди.

— Кечадан бери оғзимга туз ҳам олганим йўқ.

— Демак, аҳволинг яна ҳам оғир...

— Ақлдан озибманми? Йўқ, эс-ҳушим жойида. Мана, эшит.

Балтазар Ларрага бутун воқеани айтиб берди. Ларра ҳиндунинг гапларини миқ этмай эшитди. Унинг оппоқ мўйлови борган сари юқори кўтариларди. Ниҳоят у тоқат қилолмай, ўзининг бутун салобатли улуғворлигини ҳам унутиб, гўштдор кафти билан столни урди-да:

— Ё алҳазар!— деб қичқириб юборди.

Оқ фартук кийиб, қўлида кир салфетка ушлаган бир бола унинг ёнига чопиб келди.

— Нима келтирай?

— Яхга солинган икки шиша сотерн!— Ларра Балтазарга қараб давом этди:— Жуда соз! Ажойиб иш! Наҳотки шу гапларни ўзинг ўйлаб топган бўлсанг? Лекин, иқрор бўлиш керакки, сенинг оталигинг ишнинг энг бўш томони.

— Шубҳаланяпсанми?— деди Балтазар ғазабдан қип-қизариб.

— Қўй, қўй, тутоқма, чол. Мен юрист сифатида айтаяпман-да: далилларнинг асослилиги етарли эмас. Аммо бунинг иложини қилиш мумкин. Ҳа. Анча-мунча пул ҳам ишлаб олса бўлади.

— Менга пул эмас, ўғил керак,— деб эътироз билдирди Балтазар.

— Пул ҳаммага керак, айниқса сенга ўхшаган оила аъзоларининг сони кўпайганларга,— деди Ларра насиҳатомуз ва айёрона кўзини қисиб, давом этди:— Сальватор ишидаги энг қимматли ва энг ишончли нарса шуки, биз унинг қандай тажриба ва операциялар билан шуғулланишини билиб олдик. Энди шундай панд бериш мумкинки, Сальваторнинг олтин қопидаги тангалар ҳамёнимизга тутдай тўкилади.

Балтазар Ларра қуйган винодан аранг бир ҳўплади.

— Мен ўғлимни қайтариб олишим керак. Бу ҳақда судга ариза ёзиб бер.

— Ҳай-ҳай-ҳай-ҳай! Асло!— деб эътироз билдирди Ларра капалаги учиб.— Ишни шундан бошласак расво бўлади. Аксинча, энг охирида қилиш керак буни.

— Нима қил дейсан бўлмаса?— деб сўради Балтазар.

— Биринчидан,— деди Ларра бош бармоғини букиб,— Сальваторга жуда нозик бир хат жўнатамиз. Хатда, унинг ғайриқонуний операция ва тажрибалар ўтказаётганлиги бизга маълум эканлигини айтамиз. Агар у бу сирни ҳаммага ошкор қилишимизни истамаса, юз минг сўм тўлаши керак. Ҳа, камида юз минг сўм.

Балтазарга Ларра қойилмисан дегандек қаради. У қовоғини солганча миқ этмай турарди.

— Иккинчидан,— деб давом этди Ларра.— Пулни олганимиздан кейин, уни албатта оламиз ҳам,— профессор Сальваторга ҳалигидан ҳам қалтисроқ бўлган иккинчи хатни йўллаймиз. Унда Ихтиандрнинг ҳақиқий отаси топилганлиги ҳамда қўлимизда ишончли далиллар борлигини маълум қиламиз. Ота ўз

ўғлини қайтариб олиш учун судга арз қилмоқчи эканлигини, судда эса Сальватор Ихтиандрни мажруҳ этганлиги фош бўлиб қолиши мумкинлигини ҳам баён қиламиз. Агар Сальватор даъвонинг олдини олишни ва боладан айрилмасликни истаса, биз тайинлаган кишиларга тайинланган жой ва тайинланган вақтда миллион доллар чўзиб қўйиши керак.

Аммо Балтазар бу гапларни эшитмасди. У стол устида турган шишани олиб, ҳимоячининг бошига туширмоқчи бўлиб турарди. Ларра ҳеч қачон Балтазарнинг бу қадар ғазабланганини кўрмаганди.

— Жаҳлинг чиқмасин. Мен ҳазиллашдим. Шишани жойига қўйсанг-чи!— деб хитоб қилди Ларра қўли билан ялтироқ пешонасини тўсиб.

— Сен!.. Сен!..— деб қичқирди Балтазар тутоқиб:— Сен менга ўз ўғлимни сотишни, Ихтиандрдан юз ўгиришни таклиф қилянсан. Юрак деган нарса борми сенда? Сен одам эмас, чиён, илонсан ёки оталик ҳиссидан маҳрум бир махлуқсан!

— Бешта! Бешта! Бешта!— деб қичқирди ўз навбатида Ларра ҳам жиғи-бийрон бўлиб.— Оталик ҳисси бешта менда! Беш нафар, ўғлим бор! Беш оғиз, бешта еб-ичадиган тирик жон! Биламан, тушунаман! Сенинг ўғлинг ҳам ҳеч қаёққа кетмайди. Сабр қилиб гапимни охиригача эшитгин, ахир.

Балтазар шаштидан анча тушди. Шишани стол устига қўйиб, бошини қуйи солганча Ларрага қаради.

— Гапира қол!

— Хўш, шундай қилиб десанг, Сальватор миллион сўмни тўлайди. Бу пул Ихтиандрингга сарпо бўлади. Менинг ҳам насибам чиқиб қолади. Оворагарчилик ва қалам ҳақи деганларидек... бирор юз минг бўлса етади. Биз сен билан келиша оламиз. Сальватор миллионни беради. Бунга ишончим комил. Пулни оламиз-у...

— Судга берамиз.

— Яна пича сабр қилишга тўғри келади. Энг йирик газета бирлашмаларининг ноширлари ва редакторларига катта шов-шув туғдирадиган жиноят ҳақидаги хабаримиз учун, айтайлик, йигирма-ўттиз минг,— майда-чуйда харажатларга керак бўлади,— тўлашни таклиф қиламиз. Эҳтимол, махфий полициянинг яширин пулларидан ҳам бир оз ўмариб қолармиз. Ахир бунақа ишларда полиция агентлари катта мартаба орттириб олишлари ҳеч гап эмас-да. Сальваторнинг сувини сиқиб ичиб бўлганимиздан кейин, марҳамат, судга бериб, ҳар қанча оталик ҳиссинг бўлса кўрсатавер, ҳуқуқингни ҳимоя қилишда ва севимли ўғлингни бағрингга қайтаришда сенга Фемида[1]нинг ўзи кўмак беради.

Ларра бир зарб билан стакандаги винони бўшатиб, қадаҳни стол устига қўйди-да, ғолибона қиёфада Балтазарга қаради.

— Хўш, нима дейсан?

---

[1] Фемида — қадимги грекларда адолат худоси. (*Автор изоҳи*).

— Менинг томоғимдан овқат ўтмай, кечалари ухлай олмай юрибман-у, сен бўлсанг, ишни орқага сургаяпсан,— деб гап бошлади Балтазар.

— Нима учун шундай қилаётганимни тушуняпсанми-а?— деб унинг сўзини бўлди қизғинлик билан Ларра.— Нега шундай қиляпман? Азбаройи миллион учун! Милли-он! Наҳотки тушунмасанг? Йигирма йилдан бери Ихтиандрсиз яшадинг-ку, ахир.

— Яшашга яшадим. Энди... Қисқаси, судга арзнома ёз.

— Ростдан ҳам ақлдан озганга ўхшайди бу!— деб хитоб қилди Ларра.— Эс-ҳушингни йиғ, кўзингни оч, Балтазар! Эшитяпсанми, миллион-а! Миллион! Дунёдаги ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин бу пулга. Энг яхши автомобиль, йигирмата кема, мана шунга ўхшаган меҳмонхона...

— Ёзадиган бўлсанг ёз, йўқса, бошқа ҳимоячига ёздираман,— деди қатъий оҳангда Балтазар.

Ларра ортиқ қаршилик қилиш бефойда эканлигини англади. У бошини чайқаб хўрсинди-да, сариқ портфелдан қоғоз чиқариб, ён чўнтагидан ручкасини суғурди.

Ҳаял ўтмай, Балтазарнинг ўғлини ғайриқонуний равишда ўзиники қилиб олиб, уни мажруҳ этган Сальватор устидан судга арзнома ёзилиб тайёрланди.

— Охирги марта айтаман: бу фикрингдан қайт,— деди Ларра.

— Узат бу ёққа,— деди ҳинду, арзномага қўл чўзиб.

— Бош прокурорга бер. Билдингми?— деди Ларра мижозига оқ йўл тилаб ва ўзича минғирлаб қўйди: «Зинадаёқ қоқилиб, оёғинг синсин!»

Балтазар прокурор ҳузуридан чиқиб, оппоқ кенг зинада Зуритага дуч келиб қолди.

— Бу ёқда нима қилиб юрибсан?— деб сўради Зурита ҳиндуга шубҳа билан разм солиб.— Менинг устимдан шикоят қилиб чиқдинг шекилли?

— Ҳаммангиздан шикоят қилиш керак,— деб жавоб берди Балтазар испанларни назарда тутиб.— Лекин кимга шикоят қиласан. Қизимни қаерга яширдинг?

— Мени сенсирашга қандай ҳаддинг сиғади?— деб ўшқирди Зурита.— Агар хотинимнинг отаси бўлмаганингда, абжағингни чиқарардим.

Зурита қўли билан Балтазарни нари туртиб, тепага кўтарилди ва дубдан ясалган каттакон эшикка юзланди.

ЮРИДИК МУАММО

Буэнос-Айрес шаҳри прокурорини фавқулодда меҳмон — маҳаллий ибодатхонанинг нозири, епископ Хуанде Гарсилассо зиёрат қилди.

Паст бўйли, сочи калта қирқилиб, мўйлови бўялган, кичкина кўзлари ҳамиша ўйнаб турувчи хўппасемиз прокурор епископ

билан кўришмоқ учун ўз креслосидан турди. У қадрли меҳмонни ёзув столининг қаршисидаги оғир чарм креслога авайлаб ўтқазди.

Епископ билан прокурор бир-бирларига асло ўхшамасдилар. Прокурорнинг юзи гўштдор ва қип-қизил, лаблари қалин, ноксимон бурни эса андак ялпоқроқ эди. Қўлининг бармоқлари калта-калта йўғон ғўлачани эслатади, думалоқ қорни устидаги тугмачалар тирсиллаб, узилиб кетай деб турибди.

Епископ ўзининг беҳад ориқ ва қонсиз юзи билан кўзга ташланади. Қотма қирғий бурни, ўткир ияги ва деярли кўмкўк юпқа лаблари унга ҳақиқий иезуит тусини берган. Епископ суҳбатдошининг кўзига қарамас, аммо айни вақтда уни диққат билан кузатиб турарди. Епископнинг эътибори жуда кучли бўлганидан у диний ишларини вақтинча йиғиштириб қўйиб, мураккаб сиёсий ўйинга бош қўшди. У мезбон билан сўрашиб бўлгач, дарҳол мақсадга кўча қолди.

— Бу ерга келишдан муродим,— деб оҳиста гап бошлади епископ,— профессор Сальваторнинг иши қай аҳволда эканлигини билмоқлик эди.

— Э, бу ишдан ҳазратларининг ўзлари ҳам манфаатдорларку!— деб хитоб қилди прокурор такаллуф билан.— Ҳа, бу жуда ғалати процесс!— Прокурор стол устидан қалин бир папка олиб, делони варақларкан, давом этди: Педро Зуританинг маълумоти билан профессор Сальваторникида тинтув ўтказдик. Сальваторнинг ҳайвонлар устида одатдан ташқари операциялар ўтказганлиги ҳақидаги Зуританинг ахбороти тўла тасдиқланди. Сальваторнинг боғи қинғир-қийшиқ ҳайвонларнинг чинакам фабрикаси экан. Жудаям қизиқ! Сальватор, масалан...

— Тинтув натижасидан газета орқали хабардорман,— деб прокурорнинг гапини бўлди епископ мулойимлик билан.— Сальваторга нисбатан қандай чора кўрдингиз? У қамоққа олинганми?

— Ҳа, қамоққа олинган. Ундан ташқари, шаҳарга далил ва айбловчи гувоҳ сифатида Ихтиандр исмли ёшгина йигит, яъни «денгиз иблиси» ҳам келтирилди. Қанча вақтгача ҳаммамизнинг бошимизни қотирган «денгиз иблиси» Сальваторнинг ҳайвонот боғидаги махлуқлардан бири эканлиги кимнинг хаёлига келибди дейсиз! Ҳозир экспертлар, университет профессорлари ҳайвонлар устида текшириш ўтказишяпти. Биз, албатта, бутун ҳайвонот боғини, жамики ашёвий далилларни шаҳарга кўчира олмадик. Ихтиандрни келтириб, суд биносининг подвалига жойлаштирдик. У бизга ҳазилакам ташвиш орттирмади. Йигит сувсиз яшай олмас экан денг, каттакон бак ясаб беришга тўғри келди. Афтидан, Сальватор уни ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган одамга айлантираман деб йигитнинг организмида қандайдир операция ўтказганга ўхшайди. Олимларимиз бу масалани ҳал қилишади.

— Мени кўпроқ Сальваторнинг қисмати қизиқтиради,— деди боягидай мулойимгина қилиб епископ.— У қайси моддага асосан

жавобгарликка тортилади? Умуман, сизнинг фикрингиз қандай: доктор жазоланадими, йўқми?

— Сальватор иши — камдан-кам учрайдиган юридик муаммо,— жавоб берди прокурор.— Очиғини айтсам, бу жиноятни қайси моддага киритишни ўзим ҳам билмайман. Энг осони, Сальваторни ғайриқонуний операциялар ўтказиш ҳамда йигитга шикаст етказганликда айблашдир.

Епископнинг қовоғи солиниб кетди.

— Сальваторнинг ҳаракатларида жиноят изи йўқ демоқчимисиз?

— Бор ёки бўлади, аммо қандай жиноят?— деб давом этди прокурор.— Менга Балтазар исмли бир ҳиндудан ҳам ариза тушган. У, Ихтиандр — менинг ўглим, деб даъво қилади. Далиллари анча бўш, лекин агар экспертлар Ихтиандр чиндан ҳам унинг ўғли эканлигини исботласалар, биз ундан айбловчи гувоҳ сифатида фойдаланишимиз мумкин.

— Демак, нари борганда, Сальватор фақат медицина уставини бузганликда айбланиб, болани ота-онасининг рухсатисиз операция қилганлиги учунгина судланар экан-да?

— Эҳтимол, бунга унинг болага шикаст етказганлиги ҳам қўшилар. Буниси анча жиддийроқ. Аммо бу масаланинг яна чалкаш томони бор. Экспертларнинг фикрича,— бу ҳали узил-кесил айтилган гап эмас,— ҳайвонларни шу даража чатиштириш ва шу қадар ғалати операциялар ўтказиш соғлом одамнинг хаёлига ҳам келмайди. Сальватор руҳий касал сифатида экспертлар томонидан оқланиши ҳам мумкин.

Епископ юпқа лабларини маҳкам қисганча индамай стол бурчига тикилиб ўтирарди. Кейин у аста гап бошлади:

— Мен сиздан буни кутмаган эдим.

— Нимани, ҳазратлари?— деб сўради қийин аҳволга тушиб қолган прокурор.

— Адолатпарвар бўлган сиздай одам Сальваторнинг хатти-ҳаракатларини оқлаётганингиздан тажжубланяпман.

— Ахир, бунинг ёмон ери йўқ-ку!

— Сиз жиноятнинг моҳиятига ҳам тушунмаяпсиз. Черков суди Сальваторнинг ҳаракатларига бутунлай бошқача қарайди. Сизга ёрдам қўлини чўзиб, маслаҳат беришга рухсат этинг.

— Марҳамат,— деди прокурор хижолат тортиб.

Епископ оҳиста гап бошлади. Унинг овози худди фош қилувчи ваъзхондай тобора кўтарилиб борарди.

— Сальваторнинг ҳаракатлари маълум мақсадга қаратилган демоқчимисиз? Сизнинг фикрингизча, Сальватор томонидан майиб қилинган одам ва ҳайвонлар ҳатто ўзларида бўлмаган баъзи афзалликларга эришган эмиш. Хўш, бу нима деган сўз? Наҳотки тангри кишиларни чала яратган бўлса? Наҳотки киши танасига мукаммал шакл бериш учун профессор Сальваторнинг аралашуви керак бўлиб қолган бўлса?

Прокурор ерга қараганча чурқ этмай ўтирар, черков олдида

ўзини гуноҳкордай ҳис қила бошлаганди. Бундай бўлишини у сира кутмаган эди.

— Наҳотки муқаддас Мавжудият китобининг биринчи боби, йигирма олтинчи бандидаги «Худо одамни ўз қиёфамизга ўхшатиб яратаман, деди», сўзларини унутган бўлсангиз. Йигирма еттинчи бандида эса «Худо одамни ўзига ўхшатиб яратди» дейилади. Сальватор бўлса бу ўхшашликни бузишга журъат этган, сиз — сиздай одам!— буни маъқул иш деб ўтирибсиз.

— Афв этинг, отахон...— деди базўр прокурор.

— Наҳотки, оллоҳ ўз махлуқларини гўзал ва мукаммал қилиб яратмаган бўлса?— деди епископ қизишиб.— Сиз жамият қонунларидаги моддаларни яхши биласиз, аммо илоҳият қонунларидаги моддаларни унутиб қўясиз. Ўша китоб, ўша бобнинг ўттиз биринчи моддасидаги сўзларни бир эсланг: «Худо ўзи яратган нарсаларнинг ҳаммасини кўрди, ҳаммаси бениҳоя соз». Сизнинг Сальваторингиз эса қандайдир тузатиш киритиш, қайта яратиш керак, одамлар сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшай оладиган бўлиши лозим, деб ҳисоблайди,— сиз ҳам бу гапларни олижаноб ва мақсадга мувофиқ фикр сифатида қўллаб-қувватлайсиз. Ахир бу худони таҳқирлаш, масхаралаш, унга шак келтириш эмасми? Ёки жамият қонунлари диний жиноятларга қарши курашмайдими? Сизнинг ортингиздан бутун халқ: «Тўғри, худо одамларни ёмон яратган. Уларни қайта ишлаш учун доктор Сальваторга топшириш керак»,— деб чувиллаб қолса нима бўлади? Ахир, бу динга ҳурматсизлик эмасми? Худо ўзи яратган нарсаларни мукаммал деб топган. Сальватор бўлса ҳайвонларнинг бошларини ўзгартиради, териларини алмаштиради, худони масхаралагандай ғайриилоҳий махлуқлар яратади. Шунда ҳам сиз Сальваторнинг ҳаракатларидан жиноят топишга қийналасиз.

Епископ гапдан тўхтади. У ўз нутқининг прокурорга ўтказган таъсиридан жуда мамнун эди. Бир оз сукутдан кейин у яна сўзга киришди.

— Мени кўпроқ Сальваторнинг тақдири қизиқтиришини айтдим. Лекин Ихтиандрнинг қисматига бефарқ қарай оламанми? Ахир бу махлуқнинг ҳатто христианча номи йўқ. Ихтиандр деган сўз юнон тилида «балиқ-одам» деган маънони билдиради. Гарчи Ихтиандр айбдор бўлмай, балки бировнинг қурбони бўлган бўлса ҳам, барибир у ғайриилоҳий ва худони таҳқирловчи махлуқдир. У фикрни бузиши, кишиларни гуноҳга ботирадиган ишларга судраши, эътиқоди бўш бўлган одамларни иккилантириб, йўлдан оздириши мумкин. Ихтиандр яшамаслиги керак! Қани энди, худо уни ўз ёнига чақирса, бахтсиз бу йигит ўзининг мажруҳлиги туфайли ўлиб кетса,— епископ прокурорга маъноли қараб қўйди.— Ҳар нима бўлганда ҳам, у айбланиши, озодликдан маҳрум этилиши лозим. Ахир, унинг ҳам жиноятлари йўқ эмас: балиқчиларнинг балиғини ўғирлаган, уларнинг тўрларини қирқиб ташлаган, қолаверса, ўзларини шундай қўрқитганки, эсингиздами, балиқчилар овга чиқмай қўйганликла-

ридан шаҳар бир неча кун балиқсиз қолган эди. Даҳрий Сальватор ва унинг жирканч маҳсули Ихтиандр черков билан худонинг ашаддий рақибларидир. Улар йўқ қилинмагунча, черков ўз қуролини ерга қўймайди.

Епископ узоқ сўзлади. Руҳи тушиб кетган прокурор эса таҳдид солувчи бу нутқ қаршисида лол бўлиб, бошини қуйи солганча миқ этмай ўтирарди.

Ниҳоят, епископ гапни тугатгач, прокурор ўрнидан туриб, унга яқинлашди ва хаста товуш билан деди:

— Христиан сифатида бутун гуноҳларимни бўйнимга олиб, тавба қиламан. Мансабдор шахс сифатида эса кўрсатган ёрдамингиз учун сизга қизғин ташаккур айтаман. Сальваторнинг жиноятлари энди менга кундай равшан. У шубҳасиз, қораланиб, жазосини олади. Ихтиандр ҳам адолат тиғидан қочиб қутулолмайди.

ЗАКОВАТЛИ ЖИННИ

Суд процесси доктор Сальваторнинг иродасини бука олмади. Турмада у ўзини осойишта тутди, терговчи ва экспертларга худди катта кишилар ёш болалар билан гаплашганидай, ўта такаббурлик билан муомала қилди.

У бекорчиликка ўрганмаган эди. Илмий иш ёзишни давом эттирди, турма касалхонасида бир неча ажойиб операциялар қилди. Унинг қўлида шифо топганлардан бири турма назоратчисининг хотини эди. Хавфли ўсимта унинг ҳаётини хавф остида қолдирганди. Таклиф қилинган врачлар бу ўринда медицинанинг ожизлигини айтиб, ёрдам беришдан бош тортган бир пайтда Сальватор уни ўлим чангалидан қутқариб қолди.

Ниҳоят суд куни ҳам етиб келди.

Каттакон зал тўпланганларнинг ҳаммасини сиғдира олмади. Коридор лиқ тўлиб, ичкарига киролмай қолган кишилар очиқ деразаларга ёпирилиб олишганди. Ҳатто суд биноси олдидаги дарахт шохлари ҳам ғуж-ғуж одам эди.

Сальватор парвосизлик билан айбдорлар курсисига бориб ўтирди. У ўзини шундай тутдики, четдан қараган киши уни айбдор эмас, балки суд деб ўйлаши мумкин эди. Ҳимоячидан Сальватор бош тортди.

Юзлаб суқ кўзлар унга михдай қадалган эди. Аммо Сальваторнинг ўткир нигоҳига камдан-кам одам бардош бера оларди.

Ихтиандр ҳам одамларда озмунча қизиқиш туғдирмади, аммо у залда йўқ эди. Кейинги кунларда йигит ўзини жуда ёмон ҳис қилар ва жонга тегувчи синчков кўзлардан яширинib ҳаммавақт бакда, сув остида ётарди. Сальватор процессида Ихтиандр фақат айбловчи гувоҳ ёки прокурорнинг тили билан айтганда, ашёвий далиллардан бири эди, холос.

Ихтиандрнинг жиноий иши эса алоҳида, Сальватор процессидан кейин кўрилиши керак эди.

Прокурорнинг масалани ана шу тарзда қўйишига баъзи сабаблар бор эди. Аввало, епископ Сальватор ишини тезлаштиришни ҳадеб талаб қиларди. Ихтиандрга қарши жиноий далиллар тўплаш учун эса анча вақт керак эди. Прокурор агентлари «Пальма» меҳмонхонаси атрофида изғиб, Ихтиандрнинг иши кўриладиган процессга жуда эҳтиёткорлик билан гувоҳлар ёллаётган эдилар. Аммо епископ, агар бахтсиз Ихтиандрни худо ўз даргоҳига чақириб олса беҳад яхши бўлар эди, деган гапни ҳануз прокурорнинг қулоғига қуярди. Бундай ўлим, кишилар фақат олло яратган нарсаларни бузишгагина қодирлар, деган фикрнинг ажойиб исботи бўлар эди.

Учта олим эксперт, университет профессорлари ўз хулосаларини ўқиб беришди. Суд залига тўпланганлар олимларнинг фикрини зўр иштиёқ билан тинглади.

— Суднинг талаби билан,— деб гап бошлади бош эксперт, кекса профессор Шейн,— биз профессор Сальватор томонидан унинг ўз лабораториясида операция қилинган ҳайвонларни ҳамда Ихтиандр исмли йигитни текширишдан ўтказдик. Унинг шинам, моҳирлик билан жиҳозланган лабораторияларини ва операция хоналарини кўздан кечирдик. Профессор Сальватор ўз операцияларида электр пичоқ, юқумли касалликларга қарши ультрабинафша нур ва шу каби жарроҳлик техникасининг сўнгги ютуқларидангина фойдаланиб қолмай, балки жарроҳларга ҳали маълум бўлмаган қатор бошқа асбоблардан ҳам фойдаланган. Афтидан бу асбоблар докторнинг кўрсатмасига биноан ясалган бўлса керак. Профессор Сальваторнинг ҳайвонлар устида ўтказган тажрибалари ҳақида кўп тўхтаб ўтирмайман. Бу тажрибалар ниҳоятда дадил ва аъло даражада бажарилган операциялардан иборат. Чунончи тўқималарнинг ва бутун бошли органларнинг ўрнини алмаштириш, икки ҳайвонни ўзаро бирлаштириш, икки хил нафас олувчи ҳайвонларни бир хил нафас олувчи ҳайвонларга айлантириш ёки аксинча, урғочи ҳайвонларни эркак ҳайвонларга айлантириш, ёшартиришнинг янгича усуллари ва ҳоказо. Сальваторнинг боғидан турли ҳинду қабилаларига мансуб эмизикли чақалоқдан тортиб, ўн тўрт ёшгача бўлган ўсмирлар топилди.

— Болаларни топган пайтингизда улар қандай аҳволда эди?— деб сўради прокурор.

— Болаларнинг ҳаммаси соғ ва хушчақчақ. Улар боғда чопқиллашиб ўйнаб юришган экан. Сальватор уларнинг кўпчилигини ўлим чангалидан қутқариб қолган. Ҳиндулар унга қаттиқ ишонганлар, бинобарин, энг олис жойлардан — Аляскадан тортиб Оловли Ергача: эскимослар, ягонлар, апачлар, таулипанглар, санапанлар, ботокудлар, панолар, арауканлар ўз болаларини олиб келишган.

Залда ўтирганлардан кимдир хўрсиниб қўйди.

— Бу қабилаларнинг бари ўз боласини Сальватор ҳузурига келтирган.

Прокурор безовталана бошлади. Епископ билан суҳбатлашиб

янгича йўл-йўриқ олган бир пайтда, у Сальватор шаънига айтилаётган мақтов сўзларини хотиржам ўтириб эшита олмасди. Шунинг учун дарров экспертни саволга тутди:

— Айтинг-чи, Сальваторнинг операциялари фойдали ва мақсадга мувофиқ бўлган деб ҳисоблайсизми?

Сочлари оқариб кетган бадқовоқ суд раиси экспертнинг ижобий жавоб беришидан қўрқиб, шоша-пиша луқма ташлади:

— Экспертнинг илмий масалалардаги шахсий қарашлари судни қизиқтирмайди. Давом этаверинг. Араукан қабиласидан бўлган Ихтиандрни текшириш қандай натижалар берди?

— Унинг танаси,— деб давом этди эксперт,— қандайдир номаълум, эгилувчи, аммо ниҳоятда пишиқ материядан ишланган сунъий тангачалар билан қопланган. Бу моддани текшириш ишлари ҳали тугаллангани йўқ. Ихтиандр сув остида баъзан оғир флинтгласдан ишланган махсус шишали кўзойнакдан фойдаланган. Бу нарса унга сув остида яхши кўриш имкониятини берган. Ихтиандрнинг танасидан тангачаларни ажратган пайтимизда, унинг орқасида, курак суякларининг остида диаметри ўн сантиметр бўлган ва акула жабрасига ўхшаш бешта ингичка тола билан қопланган думалоқ тешик борлигини кўрдик.

Залда таажжуб овозлари эшитилди.

— Шундай,— дея сўзини давом этди эксперт,— бу ақлга тўғри келмайдиган нарсага ўхшайди, лекин Ихтиандрда одам ўпкаси ва айни вақтда акула жабраси бор. Шунинг учун у қуруқликда ҳам, сув остида ҳам яшайверади.

— Амфибия одам денг?— сўради прокурор киноя билан.

— Ҳа, амфибия одам — икки хил нафас олувчи, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи жонивор.

— Қизиқ, Ихтиандрда акуланинг жабраси қандай пайдо бўлиб қолипти?— деб сўради суд раиси.

Эксперт таажжуб билан қўлларини ёзди-да:

— Эҳтимол, бу жумбоқни профессор Сальваторнинг ўзи ҳал қилиб берар. Бизнинг фикримиз шундай: Геккелнинг биологик қонунига кўра, ҳар қандай тирик мавжудот ўз тараққиёти даврида ерда ҳаёт пайдо бўлгандан бери ўзи мансуб бўлган ҳайвонлар босиб ўтган шаклларни такрорлайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, одам бир маҳаллар жабра билан нафас олувчи ҳайвонлардан келиб чиққан,— деди.

Прокурор ўрнидан туриш учун қўзғолган эди, суд раиси унга ўтириб туришга ишора қилди.

— Она қорнида ривожланаётган инсон эмбрионида йигирманчи куни кетма-кет жойлашган тўртта жабра бурмаси пайдо бўлади. Кейинчалик бу жабра ўзгариб кетади: биринчи жабра ёйи эшитиш органига ва евстахиев найчасига, яъни ўрта қулоқ бўшлиғини бурун-томоқ бўшлиғи билан туташтирувчи найчага айланади: учинчи ёй — тил ости суяги ўсимтасига, тўртинчиси эса ҳиқилдоқнинг қалқонсимон тоғайига айланади. Профессор Сальватор Ихтиандрнинг она қорнидаги ривожланиш босқичини тўхтатиб қолган, деб айта олмаймиз, албатта. Лекин ҳатто катта

ёшдаги кишининг бўйнида, жаги остида жабра ёриғи сақланиб қолгани фанга маълум. Бу, одатда, бўйин фистуласи деб юритилади. Аммо бундай жабра қолдиғи билан сув остида яшаб бўлмайди. Агар эмбрион она қорнида ғайритабиий ривожланса, икки ҳолдан бири бўлиши керак эди: ё эшитиш органи бўлади, ё бошқа анатомик ўзгаришлар ҳисобига жабра тараққий этади. Аммо бу ҳолда Ихтиандрнинг боши ривожланмай, ярим одам, ярим балиқникига ўхшаб қолган бўларди ёки нормал одам сингари ўсиб, жабра йўқ бўлиб кетиши керак эди. Аммо Ихтиандрнинг эшитиш органи бенуқсон, жаглари ва ўпкаси бутун, айни вақтда, унда жабра ҳам яхши ривожланган. Жабра билан ўпка қандай ишлайди, уларнинг ўзаро қандай муносабати бор, жабрага сув оғиз ва ўпка орқали кирадими ёки Ихтиандрнинг орқасидаги жабра тешигидан юқорироқдаги кичкина тешикчадан кирадими — буниси бизга қоронғи. Биз Ихтиандр танасини ёриб кўрганимиздагина бу саволларга жавоб топган бўлур эдик. Буни фақат профессор Сальваторнинг ўзи ҳал қилиб бериши мумкин. Профессор Сальватор қоплонга ўхшаган кучукларнинг, турли ғалати ҳайвонларнинг ва Ихтиандр каби сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшай оладиган маймунларнинг қандай пайдо бўлганини тушунтириб берар.

— Сизнинг умумий хулосангиз нимадан иборат?— деб сўради суд раиси экспертдан.

Олим ва хирург сифатида машҳур бўлган профессор Шейн иккиланиб ўтирмай жавоб берди:

— Ростини айтсам, бу масалада аниқ бир нарса дея олмайман. Лекин шуниси равшанки, Сальватор амалга оширган ишлар буюк истеъдод самараси. Сальватор хирурглик маҳоратида ҳайвон ва инсон организмини бемалол ўзгартира оладиган даражага етдим, деган фикрда бўлса керак. Гарчи у буни амалда кўрсатган бўлса ҳам, лекин унинг жасорати ва фикрий парвози... тентакликка бориб тақалади.

Сальватор истеҳзоли кулиб қўйди.

Экспертлар Сальваторнинг қисматини енгиллаштириш ҳамда турма режимини касалхона режими билан алмаштириш учун унинг ақлдан озганлиги масаласини кўтаришга қарор қилганликларидан у бехабар эди.

— Мен уни бутунлай жиннига чиқариб қўймоқчи эмасман,— деб давом этди эксперт Сальваторнинг ҳолатини пайқаб,— лекин ҳарҳолда, бизнинг фикримизча, айбланувчини руҳий касалликлар санаторийсига ётқизиб, уни узоқ муддат психиатор-врачлар назорати остига олиш лозим.

— Судда айбланувчининг ақлдан озганлиги масаласи кўтарилгани йўқ. Бу судда бошқа кўрилади,— деди раис.— Профессор Сальватор, экспертлар ва прокурорнинг баъзи бир саволларига изоҳ беришни хоҳлайсизми?

— Ҳа,— деб жавоб берди Сальватор.— Изоҳ бераман, албатта. Майли, бу менинг охирги сўзим ҳам бўла қолсин.

СУДЛАНУВЧИНИНГ СЎЗИ

Сальватор оҳиста ўрнидан туриб, худди бировни қидираётгандай суд залига кўз ташлади. Унинг назари томошабинлар орасида ўтирган Балтазар, Кристо ва Зуритага тушди. Биринчи қаторда епископ ўтирарди. Сальватор бир неча дақиқа ундан кўз узмай тикилиб турди. Докторнинг юзида билинар-билинмас жилмайиш зоҳир бўлди. Кейин Сальватор диққат билан залда ўтирганларни бирма-бир кўздан кечира бошлади.

— Мен залда даъвогарни кўрмаяпман,— деди у ниҳоят.

— Мана мен даъвогар!— деб қичқирди тўсатдан Балтазар ўрнидан сапчиб туриб. Кристо унинг енгидан тортиб, жойига ўтқазиб қўйди.

— Қайси даъвогар ҳақида гапиряпсиз?— деб сўради суд раиси.— Агар ўзингиз мажруҳ этган ҳайвонларни назарда тутаётган бўлсангиз, суд уларни бу ерда намойиш қилишни лозим топмади. Аммо Ихтиандр, амфибия одам, шу ерда, суд биносида.

— Мен худо таолони кўзда тутяпман,— деб жавоб берди Сальватор жиддий ва босиқлик билан.

Бу жавобни эшитган суд раиси ҳайрат ичида ўзини кресло суянчиғига ташлади. «Наҳотки Сальватор ақлдан озган бўлса? Еки турмадан қутулиш мақсадида ўзини жиннликка соляптимикан?»

— Бу билан нима демоқчисиз?— деб сўради раис.

— Менимча — бу нарса судга равшан бўлиши керак,— деб жавоб берди Сальватор.— Бу ишда бош ва ягона даъвогар ким? Елғиз худонинг ўзи бўлса керак. Суднинг фикрича, мен ўз ҳаракатларим билан унинг ишига аралашяпман, унинг обрўсини тўкяпман. У ўз ишидан мамнун бир пайтда, қандайдир доктор келиб: «Мана бу нарса ёмон яратилган. Буни ўзгартириш керак»,— деса-ю, оллонинг махлуқларини ўзи хоҳлаган кўйга солаверса...

— Шаккоклик бу! Шаккоклик! Мен айбланувчининг сўзларини протоколга ёзиб қўйишларини талаб қиламан,— деди прокурор, муқаддас туйғулари ҳақоратланган кишидай.

Сальватор елкасини қисди.

— Мен айбноманинг моҳиятини гапиряпман, холос. Ҳамма айб шунга бориб тақалади-ку, ахир. Делони ўқиб чиқдим. Дастлаб мени ҳайвонларни ёриб текширишда ва уларга шикаст етказишда айблашган эди, энди эса пешонамга яна бир айбни ёпиштиришди — шаккок эмишман. Хўш, бу гап қаёқдан чиқди? Ибодатхона томондан эмасмикан?

Шундай деб профессор Сальватор епископга қараб қўйди.

— Сизлар шундай процесс яратдингизки, бу процессда даъвогар сифатида худо ғойибона иштирок этмоқда, айбдорлар курсисида эса айбланувчи сифатида мен билан ёнма-ён Чарльз Дарвин ўтирибди. Эҳтимол, ўз сўзларим билан залда ўтирган кишилардан баъзиларини яна бир карра ранжитиб қўярман, лекин такрор айтаманки, ҳайвонлар ва ҳатто инсон организми

ҳали такомилга етмаган — у тузатиш киритишга муҳтож. Буни шу ерда ўтирган ибодатхона нозири, епископ Хуан де Гарсилассо ҳам тасдиқласа керак.

Бу гапдан бутун зал таажжубга тушди.

— Ўн бешинчи йилда, фронтга кетмасидан илгарироқ,— деб давом этди Сальватор,— муҳтарам епископнинг организмига кичкина тузатиш киритишга — мутлақо кераксиз ва зарарли бўлган кўричакни олиб ташлашга тўғри келган эди. Менинг руҳоний беморим ўшанда, операция столида ётган пайтида ўз пичоғим билан унинг танасидан бир бўлагини олиб ташлаб, худо яратган қиёфани бузишимга сира эътироз билдирмаган эди. Шундай эмасми?— деб сўради Сальватор епископнинг кўзларига тикилиб.

Хуан де Гарсилассо қимир этмай ўтирарди. Фақат унинг қонсиз юзлари андек қизарган, нимжон бармоқлари эса билинар-билинмас титрарди.

— Еки, ҳали хусусий тажриба билан шуғулланиб, организмни ёшартириш устида операциялар ўтказиб юрган вақтимда рўй берган бошқа бир воқеани олиб кўрайлик. Янглишмасам, ўзини ёшартириб қўйишни сўраб, ҳурматли прокурор, сеньор Аугусто де...

Сальваторнинг қолган гапини эшитмаёқ прокурор жонҳолатда норозилик билдирмоқчи эди, аммо унинг сўзларини залдан кўтарилган кулги босиб кетди.

— Четга чиқмасликни сўрайман,— деди суд раиси жаҳл билан.

— Бу илтимос суднинг ўзига нисбатан ўринли бўлур эди,— деб жавоб берди Сальватор.— Масалани шу тарзда қўйган мен эмас, балки суддир. Бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси — кечаги маймунлар ёки жабра таёқчалари нутқ ҳамда эшитиш органига айланиб, гапириш ва эшитиш қобилиятига эга бўлган балиқлар эканлиги ҳақидаги фикр баъзи бировларнинг ўтакасини ёраёзди. Майли, маймун ёки балиқ бўлмаган тақдирда ҳам, уларнинг авлодидан бошқа нарса эмас.— Сальватор бетоқат бўлиб ўтирган прокурорга қараб мурожаат қилди:— Хотиржам бўлинг! Мен бу ерда биров билан мунозара қилмоқчи ёки тараққиёт назариясидан лекция ўқимоқчи эмасман:— Доктор бир оз сукутдан кейин давом этди:— Ҳамма бало одамнинг ҳайвондан келиб чиққанлигида эмас, балки унинг ҳайвоний табиатдан халос бўла олмаётганлигидадир... Кишилар ҳануз қўпол, ёвуз ва бефаросат. Менинг олим ҳамкасбим сизларни чакки қўрқитиб қўйди. У боланинг она қорнидаги ривожланиши ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Мен ўз олдимга пуштга таъсир кўрсатишни ҳам, ҳайвонларни чатиштиришни ҳам мақсад қилиб қўймаганман. Мен — хирургман. Менинг ягона қуролим — пичоқ. Хирург сифатида одамларга ёрдам беришим, уларни даволашим керак эди. Беморларни операция қилиш жараёнида кўпинча турли тўқима, орган ва безларнинг ўрнини алмаштиришга тўғри келган. Бу усулни такомиллаштириш мақсадида ҳайвон организм-

даги тўқималарни алмаштириш тажрибаси билан шуғуллана бошладим.

Операция қилинган ҳайвонларни узоқ вақт ўз лабораториямда кузатдим, янги, баъзан эса бутунлай одатдан ташқари жойга кўчирилган органларнинг фаолиятини синчиклаб ўргандим. Кузатишлар тугагандан кейин ҳайвонлар боққа жойлаштириларди. Ана шу тариқа боғмузей пайдо бўлди. Мени айниқса бир-бирига ўхшамаган ҳайвонларнинг тўқималарини алмаштириш ва бошқа жойга кўчириш проблемаси қизиқтирарди, масалан, балиқлар билан сутэмизувчи ҳайвонларнинг органларини ва аксинча. Бу соҳада эришган натижаларим олимларга ҳатто ақлга сиғмайдиган ишдек туюлиши мумкин. Лекин бунинг ажабланадиган ери йўқ. Бугун мен қилган ишни эртага оддий хирурглар ҳам амалга оширишади. Немис хирурги Зауербрухнинг сўнгги операцияларидан профессор Шейн хабардор бўлса керак. У касал сонни болдир билан алмаштиришга муваффақ бўлган.

— Лекин Ихтиандр-чи?— деб сўради эксперт.

— Ҳа, Ихтиандр — менинг фахрим. Ихтиандрни операция қилишдаги машаққат фақат техниканинг ожизлигида эмас эди. Мен инсон организмининг бутун фаолиятини ўзгартиришим керак эди. Бола устида операция қилишга киришгунимга қадар дастлабки тажрибаларда олтита маймун ҳалок бўлди.

— Қандай операция эди бу?— деб сўради суд раиси.

— Болага ёш акуланинг жабрасини ўрнатдим, натижада у ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшаш қобилиятига эга бўлди.

Залдан таажжуб овозлари эшитилди. Суд процессида иштирок этаётган газета мухбирлари бу янгиликни тезроқ редакцияга маълум қилиш учун телефонларга ёпирилдилар.

— Кейинроқ мен янада жиддий муваффақиятга эришдим. Менинг сўнгги ишим — сизлар бу ерда кўрган маймун сув остида ҳам, қуруқликда ҳам бемалол ҳаёт кечираверади. Ихтиандр эса уч-тўрт кеча-кундуздан ортиқ сувсиз яшай олмайди. Қуруқликда кўп туриш унинг учун зарарли: ўпкаси чарчаб, жабралари қуриб қолади, натижада боланинг биқинларида қаттиқ санчиқ бошланади. Афсуски, мен сафарда юрган пайтимда Ихтиандр ана шу тартибни бузган. У узоқ муддат қуруқликда юриб, ўпкаларини чарчатиб қўйган. Бола ҳозир касал. Унинг организмидаги мувозанат бузилган, шу туфайли у кўп вақтини сув остида ўтказиши керак. Ихтиандр амфибия одамдан балиқ одамга айланади энди...

— Судланувчига савол беришга рухсат этинг,— деди прокурор суд раисига мурожаат қилиб.— Амфибия одам яратиш фикри Сальваторда қандай пайдо бўлди, у бундан қандай мақсадни кўзда тутган?

— Фикр ўша — инсон халқи такомилига етмаган. Эволюцион тараққиёт жараёнида ўзининг ҳайвон аждодларига нисбатан катта устунликларга эга бўлган одамлар, айни вақтда, ривожланишнинг дастлабки босқичларидаги кўп имкониятлардан маҳрум бўлганлар. Масалан, сувдаги ҳаёт инсонга катта устун-

ликлар берган бўлур эди. Нега энди одамга ана шу имтиёзни қайтариш керак эмас экан? Ҳайвонларнинг ривожланиш тарихидан бизга маълумки, қуруқликда яшовчи жамики ҳайвон ва паррандалар сув ҳайвонларидан, яъни океандан келиб чиққан. Қуруқликда яшовчи айрим ҳайвонларнинг яна сувга қайтганликларини ҳам биламиз. Дельфин балиқ эди, қуруқликка чиқиб, сутэмизувчи ҳайвонга айланди, кейин яна сувга қайтди. Аммо кит каби сутэмизувчи ҳайвонлигича қолаверди. Кит ҳам, дельфин ҳам ўпкаси билан нафас олади. Дельфинни икки хил нафас олувчи амфибияга айлантириш мумкин эди. Буни мендан Ихтиандр илтимос ҳам қилган; шундай қилганимда Ихтиандрнинг дўсти — дельфин Лидинг — у билан узоқ вақтгача сув остида қола оларди. Мен дельфинни операция қилмоқчи ҳам бўлганман. Одамлар орасидаги дастлабки балиқ ва балиқлар орасидаги ягона одам бўлган Ихтиандр, табиийки, ёлғизликни ҳис қилмай иложи йўқ. Агар унинг ортидан бошқа кишилар ҳам океанга тушганларида эди, ҳаёт бутунлай ўзгариб кетган бўларди. У ҳолда одамлар қудратли сув стихияси устидан осонликча ғолиб чиққан бўлардилар. Стихия нима ва унинг қандай кучга эга эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Маълумки, океаннинг сатҳи уч юзу олтмиш бир миллион эллик минг квадрат километрни ташкил этади. Ер юзининг ўндан етти қисмидан кўпроғи сувликдан иборат. Аммо битмас-туганмас озиқ-овқат ва саноат учун хомашё запасига эга бўлган бу сувликлар миллионлаб, миллиардлаб одамларни ўз бағрига олиши мумкин. Уч юз олтмиш бир миллион квадрат километрдан ортиқ майдон — бу фақат сувнинг сатҳи, юзаси, холос. Лекин одамлар бир неча сув ости қаватларига жойлашишлари мумкин-ку. Миллиардлаб кишилар ҳеч қандай қийинчиликсиз океанга сиғиб кетган бўлишарди.

Унинг қудрати-чи? Маълумки, океан сувлари қуёшнинг етмиш тўққиз миллиард от кучига баравар бўлган иссиқлик энергиясини ютиб юборади. Агар энергиянинг маълум қисми ҳавога сингиб кетмаганда ва бошқа турли хил иссиқлик йўқотиш ҳодисалари юз бермаганда эди, океан аллақачон қайнаб кетган бўларди. Хўш, бу энергиядан қуруқликда яшовчи кишилар қандай фойдаланяпти? Деярли фойдаланмаяпти.

Денгиз оқимларининг қуввати-чи? Ёлғиз Гольфстрим Флорида оқими билан бирга соатига тўқсон бир миллиард тонна сувни оқизади. Бу каттакон дарё оқизадиган сувдан уч минг марта кўп. Денгиз оқимларидан фақат биттасининг қуввати шунча-я! Хўш, булардан қуруқликда яшовчи кишилар қандай фойдаланяпти? Деярли фойдаланмаяпти.

Тўлқинлар ва сув тошқинларининг қудрати-чи? Тўлқиннинг бир квадрат метр сув сатҳига тушадиган босим кучи ўттиз саккиз минг килограмм, яъни ўттиз саккиз тоннага, баландлиги эса қирқ метрга етади, ана шундай тўлқин миллион килограмм оғирликдаги нарсани, масалан, қоя тошни кўтариши мумкин. Тошқинларнинг баландлиги эса ўн олти метрдан, яъни

тўрт қаватли бинонинг бўйидан ошиб кетади. Хўш, бу кучлардан қуруқликда яшовчи кишилар қандай фойдаланяпти? Деярли фойдаланмаяпти.

Қуруқликдаги жониворлар ер сатҳидан юқорида ҳам, унинг остида ҳам яшай олмайдилар. Океанда эса — экватордан тортиб қутбларгача, сув сатҳидан тортиб, ўн километргача чуқурликда ҳаёт кечириш мумкин.

Океаннинг беҳисоб бойликларидан қандай фойдаланяпмиз? Балиқ овлаймиз, овлаганда ҳам фақат океаннинг энг устки қисмидангина овлаймиз, унинг чуқур қисмлари қолиб кетаверади. Сувости ўсимликлари, марваридлар, чиғаноқлар терамиз — шу холос.

Сув остида баъзи бир ишларни амалга оширамиз: кўприк ва тўғон таянчлари ўрнатамиз, ғарқ бўлган кемаларни кўтарамиз — бор-йўғи шу. Лекин бу ишларни катта қийинчилик, катта хавф остида қиламиз, кўпинча қурбонлар берамиз. Бечора одам сув остида бир минутдан ортиқ турса ҳалок бўлгандан кейин бошқа нима ҳам иложи бор?!

Агар кишилар скафандрсиз ва ҳаво тўлдирилган асбобларсиз сув остида яшаб, меҳнат қила олсалар — бу бутунлай бошқа гап.

Сув остида қанча хазиналар очган бўларди инсон! Мана Ихтиандр. Бир куни у... Лекин мен одамлардаги нафс балосини қўзғатиб қўйишдан қўрқяпман. Ихтиандр менга денгиз тубидан металлар ва жинсларнинг жуда ноёб намуналаридан келтирди. Э, ўзингизни босинг, у келтирган намуналар бир нечта холос, лекин океанда уларнинг кони битмас-туганмас бўлиши мумкин.

Ғарқ бўлган хазиналарни айтмайсизми!

Лоақал океан пароходи «Лузитания»ни эсга олайлик. У бир минг тўққиз юзу ўн олтинчи йилнинг баҳорида немислар томонидан Ирландия қиргоқларида чўктириб юборилган эди. Ҳалок бўлган бир ярим минг пассажирнинг бойликларидан ташқари «Лузитания»да юз эллик миллион доллар олтин чақа ва эллик миллион долларлик қуйма олтин бор эди. (Залдан хитоб овозлари эшитилди.) Бундан ташқари, кемада Амстердамга олиб борилиши керак бўлган брильянт тўла икки қутича сақланарди. Улар орасида дунёдаги энг асл брильянтлардан бири бўлган ва бир неча миллион турадиган «Калиф» брильянти бор эди. Албатта, Ихтиандрга ўхшаган одам ҳам бундай чуқурликка туша олмайди — бунинг учун кучли босимга бардош бера оладиган бошқача одамни яратишга тўғри келади. (Прокурор ғазабнок хитоб қилди.) Бу ҳам амалга оширса бўладиган иш. Лекин аста-секин эришилади бунга.

— Чамамда, ўзингизни худога тенглаштирмоқчисиз шекилли,— деб луқма ташлади прокурор.

Сальватор бунга эътибор ҳам бермай, гапида давом этди:

— Агар одам сув остида яшай олганда эди, океанни, унинг чуқурликларини ўзлаштириш улкан қадамлар билан олға сил-

жиган бўларди. Денгиз бизга кўпгина зиён етказадиган даҳшатли стихия бўла олмасди. Унда ҳеч ким ҳеч қачон ғарқ ҳам бўлмасди.

Залда ўтирганларнинг кўзи олдида, гўё, инсон ҳукмига бўйсунган сув ости дунёси намоён бўлди. Океанни забт этиш қандай фойда келтиради-я! Ҳатто суд раиси ҳам ўзини тия олмай, айбланувчини саволга тутди:

— Шундай экан, нега ўз тажрибаларингизнинг натижаларини матбуотда эълон қилмадингиз?

— Мен айбдорлар курсисида ўтиришга ошиқмаган эдим,— деб жавоб берди Сальватор кулимсираб,— бундан ташқари, менинг кашфиётларим биз яшаб турган ижтимоий тузум шароитида фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиришидан қўрққанман. Ихтиандр учун ҳозирданоқ кураш қизиб кетди. Менинг устимдан ким чақимчилик қилди? Ихтиандрни ўғирлаб кетган мана шу Зурита. Ихтиандрни ҳарбий кемаларни чўктиришга мажбур этиш учун генераллар ва адмираллар уни Зуритадан тортиб олишлари мумкин. Йўқ, мен кураш ва очкўзлик кишиларни беҳисоб кулфатга ботириб, буюк кашфиётлардан ёвузлик мақсадида фойдаланиладиган мамлакатда Ихтиандрни ва «ихтиандрлар»ни уларнинг қўлига топшира олмайман. Мен бошқа нарсани орзу қилган эдим...

Сальватор бир лаҳза жим қолди, кейин бутунлай бошқача оҳангда давом этди:

— Яхшиси, бу ҳақда гапирмайман. Акс ҳолда мени жинни деб ҳисоблашади,— Сальватор экспертга кулимсираб қараб қўйди.— Йўқ, мен жиннилик шарафидан, гарчи у ҳар қанча заковатли бўлса ҳам, воз кечаман. Мен жинни ҳам, савдойи ҳам эмасман. Ахир ўз истакларимни рўёбга чиқармадимми? Ишларимни ўз кўзларингиз билан кўрдингизлар. Агар булар жиноий иш бўлса энг қаттиқ чора билан жазолайверинглар. Мен ҳеч кимдан мурувват тиламайман.

ҚАМОҚХОНАДА

Ихтиандрни текширувчи экспертлар фақат йигитнинг жисмоний ҳолатига эмас, балки унинг ақлий қобилиятига ҳам эътибор беришлари керак эди.

— Ҳозир нечанчи йил? Қайси ой? Қайси кун? Ҳафтанинг нечанчи куни? — экспертлар Ихтиандрга ана шу хилдаги жўн саволларни беришарди.

Ихтиандр буларнинг ҳаммасига:

— Билмайман,— деб жавоб қайтararди.

У бунақа оддий саволларга жавоб беришда қийналарди. Аммо уни жинни деб ҳам бўлмасди. Ихтиандр кўп нарсаларни ўз тарбияси ва ўзига хос турмуш шароити оқибатидагина билмас эди. У худди каттакон чақалоққа ўхшарди. Шунинг учун ҳам экспертлар: «Ихтиандр балоғатга етмаган» деган қарорга келишди. Бу қарор уни жиноий жавобгарликдан озод қилди.

Суд Ихтиандрнинг иши юзасидан очилган делони ёпиб, унга васийлар тайинлади. Икки киши — Зурита билан Балтазар — Ихтиандрга васийлик қилиш истагини билдирдилар.

Сальватор Зуританинг қасддан чақимчилик қилганлигини айтиб, янглишмаган эди. Лекин Зурита Ихтиандрни қўлдан чиқаргани учун Сальватордан ўч олибгина қолмади. Унинг мақсади бошқача эди: у Ихтиандрни яна қўлга киритишни хоҳларди, шунинг учун ҳам унга васийлик қилишга ошиққан эди. Зурита бир неча қимматбаҳо марваридларнинг баҳридан ўтиб, суд ва васийлар советининг аъзоларини сотиб олди. Энди у мақсадга анча яқинлашиб қолган эди.

Балтазар ўзининг оталигини пеш қилиб, васийлик ҳуқуқини беришларини талаб қиларди. Аммо унинг омади келмади. Ларранинг қаттиқ жон куйдиришига қарамай, экспертлар ёлғиз Кристонинг гувоҳлигига асосланиб, Ихтиандр билан Балтазарнинг бундан йигирма йил аввал туғилган ўғли ўртасидаги бирликни аниқлай олмасликларини айтишди. Бунинг устига, Кристо Балтазарнинг туғишган акаси бўлганидан унинг гапига экспертлар унча ишонмадилар.

Бу ишга прокурор билан епископ аралашганидан Ларра бехабар эди. Балтазар ўғли ўғирланган ва мажруҳ этилган ота ҳамда даъвогар сифатида судга процесс вақтидагина керак эди. Балтазарнинг оталигини тан олишни ва унга Ихтиандрни қайтариб беришни суд ҳам, черков ҳам истамасди: улар йигитни бутунлай йўқ қилиш ниятида эдилар.

Балтазарникига кўчиб борган Кристо укасидан безовталана бошлади. Балтазар чуқур ўйга ботган ҳолда соатлаб ўтирар, уйқу ва овқатни батамом унутганди. Баъзан тўсатдан ўрнидан сапчиб турарди-да, дўкон ичида у ёқдан-бу ёққа югуриб: «Ўғлим, ўғлим!» — деб қичқириб қоларди. Ана шундай пайтларда у бисотидаги бор ёмон сўзлар билан испанларни ҳақорат қилишга тушарди.

Бир куни навбатдаги тутқаноқдан кейин Балтазар Кристога шундай деди:

— Эшит, ака, ҳозироқ қамоқхонага жўнайман. Энг яхши марваридларимни назоратчиларга бериб, Ихтиандрни кўрсатишларини сўрайман. Ўғлим билан гаплашаман. У дарров мен унинг отаси эканлигимни тан олади. Ўғил ўз отасини танимаслиги мумкин эмас. Минг қилганда ҳам унинг баданида менинг қоним бор.

Кристо укасини қайтаришга қанча уринмасин, фойдаси бўлмади. Балтазар қатъий қарорга келган эди.

У қамоқхонага қараб йўл олди. Назоратчиларга ёлвориб йиғлади, уларнинг оёғига йиқилди, дуо қилди, дарвозадан тортиб турманинг ичкари хонасигача йўл-йўлакай марварид улашди, ниҳоят Ихтиандрнинг камерасига етиб келди.

Кичкина панжарали деразадан аранг ёруғ тушиб турган тор камера дим ва сассиқ эди: турма назоратчилари бакдаги

сувни аҳён-аҳёндагина алмаштиришар, ғалати маҳбус учун келтирилган балиқлар полда чириб ётарди.

Дераза қаршисидаги девор ёнига темир бак қўйиб қўйилган эди.

Балтазар бакка яқинлашиб, ўз бағрига Ихтиандрни яшириб турган қоп-қора сув сатҳига тикилди.

— Ихтиандр! — деди у аста.— Ихтиандр...— деб чақирди у яна.

Сув юзи сал чайқалди, лекин йигит кўринмасди.

Балтазар бир оз кутди, кейин титраб турган қўлини кўтариб, илиқ сувга ботирди. Унинг бармоқлари йигитнинг елкасига бориб тегди.

Тўсатдан бакдан Ихтиандрнинг шалаббо боши кўринди. У елкасигача сувдан чиқди.

— Кимсиз? Нима дейсиз?— деб сўради йигит.

Балтазар дарҳол чўккалади ва унга қўлларини чўзиб, тез-тез гапира кетди:

— Ихтиандр! Мен сенинг отангман. Ҳақиқий, ўз отанг. Сальватор — сенга ота эмас. У ёмон одам. У сени майиб-мажруҳ этган... Ихтиандр! Ихтиандр! Яхшилаб қарасанг-чи. Наҳотки ўз отангни танимасанг?

Йигитнинг қоп-қора қуюқ сочларидан оқаётган сув унинг қонсиз юзларини ювиб, жағидан томиб турарди. У маъюс ва бир оз таажжубланган ҳолда кекса ҳиндуга термилиб қолган эди.

— Мен сизни танимаяпман,— деб жавоб берди йигит.

— Ихтиандр! — деб қичқириб юборди Балтазар,— яхшилаб қара, ахир,— кекса ҳинду бирдан йигитнинг бошидан ушлаб ўзига тортди-да, унинг юз-кўзларидан ўпа кетди. Чол юм-юм йиғларди.

Ихтиандр кутилмаган бу меҳрибонликдан ўзини ҳимоя қилиб, бак ичида типирчилар, тошиб чиққан сув тош полга тўкиларди.

Шу пайт кимнингдир қўли Балтазарнинг ёқасидан ушлаб уни бурчакка улоқтирди. Балтазар гурсиллаб, девор тагига бориб тушди.

У кўзини очиб, тепасида турган Зуритани кўрди. Зурита ўнг муштумини маҳкам қисган ҳолда дабдаба билан чап қўлидаги қандайдир қоғозни силкитарди.

— Кўриб қўй! Мени Ихтиандрга васий қилиб тайинлаш тўғрисидаги буйруқ бу. Энди бадавлат ўғилни бошқа жойдан қидир. Эртага эрталабоқ йигитни уйга олиб кетаман. Эшитяпсанми?

Балтазар полда ётганча алланималар деб тўнғиллади.

Аммо шу заҳотиёқ ўрнидан сапчиб туриб, ёввойи бир қичқириқ билан ўз рақибига ташланди. Зурита полга ағдарилди.

Ҳинду Зуританинг қўлидаги қоғозни олиб, ўз оғзига тиқди-да, жон-жаҳди билан испанни муштлай кетди.

Қаттиқ олишув бошланди.

Эшик олдида бир даста калит ушлаб турган турма назоратчиси ўзини бетараф ҳисоблаб, индамай қараб турарди. У муштлашаётганларнинг ҳар икковидан ҳам яхшигина пора олган эди, шунинг учун уларга халақит бергиси келмади. Фақат Зурита ҳиндуни бўға бошлагандагина назоратчи безовталаниб қолди:

— Бўғманг! — деб қичқирди у.

Аммо қутуриб кетган Зурита назоратчининг огоҳлантиришига парво қилмади. Агар камерада бошқа бир одам пайдо бўлмаганида, Балтазар оғир аҳволда қолиши мумкин эди.

— Жуда соз! Жаноб васий ўзининг васийлик ҳуқуқларини амалга оширишни машқ қилаётган экан-да! — деди Сальватор.— Нега қараб турибсиз? Ёки ўз бурчингизни билмайсизми? — деб қичқирди у назоратчиларга, худди турманинг бошлиғидай.

Сальваторнинг пўписаси таъсир кўрсатмай қолмади. Назоратчилар муштлашаётганларни ажратишга киришдилар.

Шовқинни эшитиб, бошқа назоратчилар ҳам югуришиб келишди. Кўп ўтмай, Зурита билан Балтазарни бир-бирларидан ажратиб қўйдилар.

Зурита ўзини ғолиб санаши мумкин эди. Лекин мағлуб бўлган Сальватор барибир ўз рақибларидан устун турарди. Ҳатто шу ерда, камерада маҳбуслик вазиятида ҳам у воқеа ва одамларга раҳбар эди.

— Урушқоқларни камерадан олиб чиқиб кетинглар,— деб буюрди Сальватор, назоратчиларга мурожаат қилиб.— Мен Ихтиандр билан ёлғиз қолишим керак.

Назоратчилар сўзсиз итоат этдилар. Зурита билан Балтазарнинг қаршиликларига қарамай, уларни олиб чиқиб кетишди. Камера эшиги қарсиллаб ёпилди.

Коридорда шовқин тингач, Сальватор бакка, сувдан мўралаб турган Ихтиандрга яқинлашди.

— Тур, Ихтиандр. Бу ёққа туш, сени кўздан кечиришим керак.

Йигит Сальваторнинг айтганини бажо келтирди.

— Бундайроқ,— деб давом этди Сальватор,— ёруғроққа тур. Нафас ол. Чуқурроқ. Яна бир марта нафас ол. Тўхта. Хўш...

Сальватор Ихтиандрнинг кўкрагига дук-дук урди, унинг қандай нафас олишини эшитиб кўрди.

— Бўғиляпсанми?

— Ҳа, дада,— деб жавоб берди Ихтиандр.

— Айб ўзингда,— деди Сальватор.— Сенга қуруқликда шунча кўп туриш мумкин эмас эди.

Ихтиандр бошини қуйи эгиб, ўйга толди. Кейин бирдан бошини кўтарди-да, Сальваторнинг кўзларига тикилиб, сўради:

— Дада, нега мумкин эмас? Нега бошқаларга мумкин-у, менга мумкин эмас?

Таъна тўла бу нигоҳга бардош бериш Сальватор учун судда жавоб беришдан ҳам оғир эди. Аммо у ўзини тутди.

— Чунки сенда ҳеч бир одамда бўлмаган фазилат бор: сен сув

остида яшай оласан... Ихтиандр, агар сенга, ё ҳаммага ўхшаб қуруқликда яшашни, ёки фақат сув остидагина ҳаёт кечиришни танла, дейишса, қай бирини танлаган бўлардинг?

— Билмадим...— деб жавоб берди йигит ўйлаб туриб. Унинг учун сув ости дунёси ҳам, қуруқлик ҳам, Гуттиэре ҳам бирдай эди. Аммо Гуттиэредан бир умрга жудо бўлди...

— Энди океанни танлаган бўлардим,— деди йигит.

— Сен ўзбошимчалигинг билан организминг мувозанатини бузиб аллақачон шу йўлни танлагансан, Ихтиандр. Энди фақат сув остидагина яшай олишинг мумкин.

— Ахир мана бу сассиқ сувда эмас-да, дада. Бу ерда ҳалок бўламан. Мен бепоён океанга кетишни истайман.

Сальватор хўрсинди.

— Сени турмадан тез озод қилиш учун бутун чорани кўраман, Ихтиандр. Бардам бўл! — Сальватор йигитнинг елкасига қоқиб қўйди, кейин уни ёлғиз қолдириб, ўз камерасига чиқиб кетди.

Узун стол ёнига қўйилган курсига ўтириб, Сальватор чуқур ўйга ботди.

Ҳар қандай хирургда учраганидек унинг ҳам муваффақиятсизликлари бўлган. Сальваторнинг ўз хатоси туфайли нечталаб одамлар операция столида жон берганлар. Аммо у ҳеч қачон қурбонлар ҳақида ўйламасди. Чунки ўн одам ўлган бўлса, юзлаб кишилар ўлим чангалидан қутқариб қолинган. Бу ҳисоб уни тўла қаноатлантириб келарди.

Аммо Ихтиандрнинг тақдири учун у ўзини жавобгардек ҳис этарди. Ихтиандр унинг фахри, ғурури эди. У йигитни ўзининг энг буюк кашфиёти сифатида яхши кўрарди. Бундан ташқари у Ихтиандрга ўрганиб қолган ва уни ўз ўғлидай ардоқлар эди. Энди эса йигитнинг бетоблиги, унинг бундан кейинги қисмати Сальваторни оғир ташвишга солиб қўйди.

Камеранинг эшигини кимдир аста тиқиллатди.

— Киринг,— деди Сальватор.

— Сизни безовта қилмайманми, жаноб профессор?— деб сўради турма назоратчиси эшикдан мўралаб.

— Сира ҳам,— деб жавоб берди Сальватор ўрнидан тураркан.— Қалай, хотинингиз билан болангиз ўзларини яхши ҳис қилишятими?

— Миннатдорман, яхши юришибди. Уларни қайнанамникига, жуда узоққа, Андга жўнатдим...

— Яхши қилибсиз, тоғ ҳавоси уларга жуда фойдали,— деб жавоб берди Сальватор.

Назоратчи чиқиб кетмади. Эшик томонга бир қараб қўйди-да, Сальваторга яқинлашиб, пичирлаб гап бошлади:

— Профессор! Хотинимни қутқариб қолганингиз учун ўлаўлгунимча хизматингизга тайёрман. Мен уни шундай севаманки...

— Миннатдорчилик билдиришнинг кераги йўқ, мен ўз бурчимни бажардим, холос.

— Сизнинг олдингизда қарздор бўлиб қолишни истамайман,— деб жавоб берди назоратчи.— Фақат бугина эмас. Мен бир

чаласавод одамман. Лекин газета ўқиб тураман ва профессор Сальваторнинг кимлигини яхши биламан. Шундай одамни дайди ва қароқчилар билан бирга турмада олиб ўтиришларига тоқат қилиб бўладими?!

— Менинг олим дўстларим,— деди Сальватор кулимсираб,— мени тентак сифатида санаторийга жойлаштиришга эришганга ўхшайдилар.

— Турманинг санаторийси — турмадек бир гап,— деб эътироз билдирди назоратчи,— ҳатто ундан баттарроқ; у ерда қароқчиларнинг эмас, балки жинниларнинг орасида бўласиз. Сальватор жинниларнинг орасида яшаса-я! Йўқ, йўқ, бунга йўл қўйиш мумкин эмас.

Назоратчи овозини яна ҳам паслатиб, давом этди:

— Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Оиламни бекорга тоққа жўнатганим йўқ. Энди сизга бу ердан қочишга ёрдам бераман, ўзим ҳам яширинаман. Мени тирикчилик бу ерга келишга мажбур қилган, аммо ўзим жинимдан ҳам ёмон кўраман бу ишни. Барибир мени топиша олмайди, сиз эса... сиз ҳамма ишни руҳоний ва савдогарлар забт этган лаънати бу мамлакатдан бошингизни олиб чиқиб кетасиз. Ҳа, айтгандай, яна бир гап,— деб давом этди у бир оз иккиланиб тургач.— Мен сизга бир хизмат ва давлат сирини ошкор қилмоқчиман...

— Ошкор қилмаслигингиз мумкин,— деб унинг гапини бўлди Сальватор.

— Тўғри, лекин... иложим йўқ... биринчидан, ўзимга юкланган даҳшатли буйруқни бажара олмайман. Умр бўйи виждон азоблаган бўларди мени. Агар бу сирни ошкор қилсам, виждон азобидан халос бўламан. Сиз менга қанча яхшилик қилдингиз, улар эса... Бусиз ҳам мени жиноятга бетиним судраётган бошлиқларим олдида менинг ҳеч қандай бурчим йўқ.

— Ҳатто? — деб сўради қисқагина қилиб Сальватор.

— Ҳа. Ихтиандрни Балтазарга ҳам, унга васийлик қилувчи Зуритага ҳам бермасликларини пайқаб қолдим. Зуританинг қўлида ҳужжати бор. Аммо у ҳам, шунча пора узатганига қарамай, Ихтиандрга эга бўлолмайди. Чунки... Ихтиандрни ўлдиришга қарор қилишди.

Сальватор бир қимирлаб қўйди.

— Шундай денг? Қани, давом этаверинг.

— Ҳа, Ихтиандрни ўлдиришмоқчи,— гарчи «ўлдирилсин» деган сўзни ишлатмаган бўлса ҳам, ҳаммадан кўра кўпроқ епископ гапни шунга айлантириб келяпти. Менга заҳар беришди, афтидан, калий цианидга ўхшайди. Бугун кечаси мен заҳарни Ихтиандрнинг бакига ташлашим керак. Турма врачи сотиб олинган. У Ихтиандр гўё сизнинг операциянгиз натижасида ҳалок бўлди, деб тасдиқламоқчи. Агар буйруқни бажармасам, мени жуда аёвсиз жазолашади. Ахир менинг оилам бор-ку... Кейин улар мени ҳам ўлдириб юборишади, буни биров билмайди ҳам. Мен уларнинг қўлидаги итдай бир нарсаман. Илгари жиноят қилганман... арзимас... тасодифан... Барибир қочишга қа-

рор қилдим, ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган. Лекин Ихтиандрни ўлдира олмайман, буни истамайман. Қисқа вақт ичида иккова-ларингизни қутқариш эса қийин, ҳатто иложсиз. Лекин бир ўзингизни қутқара оламан. Мен кўп ўйладим. Ихтиандрга раҳмим келади, лекин сизнинг ҳаётингиз заруррок, сиз ўз маҳоратингиз билан бошқа бир Ихтиандрни яратишингиз мумкин, лекин дунёда ҳеч бир кимса иккинчи Сальваторни ярата олмайди.

Сальватор назоратчига яқинлашиб, унинг қўлини маҳкам қисди.

— Раҳмат сизга, лекин мен бу таклифни қабул қилолмайман. Сизни тутиб олиб, қамоққа ташлашлари мумкин.

— Ташвишланманг! Мен ҳаммасини пухта ўйлаб қўйганман.

— Тўхтанг бўлмаса. Бундай қурбонни мен ўзим учун қабул қилмайман, лекин агар Ихтиандрни қутқарсангиз, мени қутқаргандан кўра ҳам катта иш қилган бўласиз. Менинг саломатлигим яхши, бақувватман, ҳамма ерда ҳам халоскор дўстлар топилади менга. Аммо Ихтиандрни тездан озод қилиш керак.

— Мен буни буйруқдай қабул қиламан,— деди назоратчи.

У чиқиб кетгач, Сальватор:

— Шундай бўлгани маъқул. Ҳаммаси қўлини бурнига тиқиб қолади,— деб қўйди ўзича кулиб.

Сальватор камера ичида у ёқдан-бу ёққа юраркан, «бечора бола» деб пичирлади, кейин столга ўтириб бир варақ қоғозга алланималарни ёзди-да, ўрнидан туриб бориб эшикни тақиллатди.

— Турма назоратчисини чақиринг.

Назоратчи келгач, Сальватор унга:

— Яна бир илтимос. Ихтиандр билан учраштирсангиз — энг сўнгги учрашув бўлади бу,— деди.

— Бундан осони йўқ. Бошлиқлар кетган, бутун турма ўз ихтиёримизда,— деб жавоб берди назоратчи.

— Жуда соз. Ҳа, тағин бир илтимос бор.

— Қулоғим сизда.

— Ихтиандрни қутқариб, мен учун жуда катта иш қиляпсиз.

— Ундай деманг, профессор, сизнинг яхшилигингиз олдида ҳеч гап эмас...

— Майли, ора-очиқ бўлди деб қўя қолайлик,— деди Сальватор.— Мен оилангизга ёрдам бермоқчиман. Мана бу хатни олинг. Бу ерда фақат адрес бор, сўнгида эса «С» — яъни, Сальватор, деб ёзилган. Шу адресга борасиз. Жуда ишончли одам. Мабодо вақтинча яширинш ёки пул-мул керак бўлса...

— Лекин...

— Лекин-пекини йўқ. Қани, мени Ихтиандрнинг олдига бошланг.

Ихтиандр ўз камерасига кириб келган Сальваторни кўриб

таажжубланди. Йигит ҳеч қачон уни бу қадар ғамгин ва меҳрибон қиёфада кўрмаган эди.

— Ихтиандр, ўғлим,— деди Сальватор.— Сен билан мен ўйлагандан кўра ҳам эртароқ ажралишга тўғри келади, эҳтимол, узоқ вақт кўришмасмиз. Сенинг тақдиринг менга тинчлик бермади. Сен минглаб хавф-хатар қуршовидасан... Агар бу ерда қолсанг ҳалок бўлишинг, кам деганда, Зуританинг ёки унга ўхшаган бирорта йиртқичнинг қўлига тушиб қолишинг мумкин.

— Сиз-чи, дада?

— Суд, албатта, мени озодликдан маҳрум этади, бир-икки йил, эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ қамоқда ўтириб чиқарман. Бу вақт ичида сен хавфсизроқ, иложи борича, узоқроқ жойга кетишинг керак. Ана шундай жой бор, лекин у жуда олисда, Жанубий Американинг нариги томонида, ғарбда, Тинч океаннинг Туамоту деб аталган ороллaридан бирида. У ерга етиб олиш қийин, лекин йўл азоблари сен бу ерда, уйда, Ла-Плата кўрфазида дучор бўлишинг мумкин бўлган хатарлар олдида ҳеч нарса эмас. Маккор душманнинг тўр ва қопқонларига чап бериб, қийналиб юргандан кўра мен айтган ороллaрни топиб бориш осон.

Сенга қайси йўлни кўрсатсам экан? Жанубий Американи шимол ёки жануб томондан айланиб ўтиб, ғарбга йўл олишинг мумкин. Ҳар иккала йўлнинг яхши томонлари ҳам, ёмон томонлари ҳам бор. Шимолий йўл сал узоқроқ. Бундан ташқари, бу йўлни танлаганингда Атлантик океандан Тинч океанга Панама канали орқали ўтишга тўғри келади. Бу эса хатарли: сени шлюз дарвозаларида тутиб олишлари ёки сал эҳтиётсизлик қилсанг, кемалар уриб кетиши мумкин. Канал унчалик кенг ҳам, чуқур ҳам эмас. Энг кенг жойи — тўқсон бир метр, энг чуқур жойи эса — ўн икки ярим метр келади, холос. Ҳозирги замон йирик океан кемаларининг туби бу ерда сув остига тегай-тегай деб ўтади.

Аммо сен ҳаммавақт илиқ сувда сузасан. Панама канали орқали ғарбга учта катта океан йўли ўтган: иккитаси — Янги Зеландияга, учинчиси — Фижи ороллaрига боради. Иккинчи йўлга тушиб олиб, кемаларнинг ортидан ёки уларнинг бирига осилиб, деярли керакли жойга етиб олишинг мумкин. Янги Зеландияга борадиган ҳар икки йўл Туамоту ороллари орқали ўтади. Сен сал шимолроққа кўтарилсанг кифоя.

Жанубий йўл эса анча яқин, лекин нуқул совуқ сувда сузишга тўғри келади. Хусусан, Жанубий Американинг энг чеккаси бўлган Оловли Ердаги Горн бурунидан айланиб ўтсанг — муз парчалари оралаб сузасан. Магеллан бўғози жуда нотинч. Сен учун бунинг унча қўрқинчли ери йўқ, лекин кемалар учун ниҳоятда хатарли. Елканли кемалар эса бу ерда бир нафас ҳам тура олмайди. Бўғоз шарққа томон кенгайиб кетган, ғарбий қисми эса тор ҳамда қоя тош ва майда оролчалар билан

қопланган. Ғарбдан эсадиган кучли шамол сувни шарққа, демак, сенга қарама-қарши томонга қараб суради. Бу ерда сув остидаёқ мажақланиб кетишинг мумкин.

Шунинг учун узоқроқ бўлса ҳам, Магеллан бўғози орқали сузмай, Горн бурунидан айланиб ўтишни маслаҳат бераман. Океан суви аста-секин совуй боради, бинобарин, сен ҳам секин-аста бунга кўникиб борасан. Қорин ҳақида ўйламасанг ҳам бўлади — теварак-атрофинг тўла овқат. Ёшликдан океан сувини ичиб, ўрганиб қолгансан. У сенга зарар қилмайди.

Горн бурунидан Туамоту оролларини топиб бориш Панама канали орқали боришдан кўра қийинроқ. Горн бурунидан шимол сари катта кемалар юрадиган кенг океан йўли ўтмаган. Сенга узоқлик ва кенглик даражаларини аниқ кўрсатиб бераман: уларни менинг кўрсатмам билан ясалган махсус асбоб орқали билиб оласан. Лекин бу асбоблар сенга анчагина юк бўлади ҳамда эркин ҳаракат қилишингга халақит беради.

— Мен Лидингни бирга олиб кетаман. Юкларни ўшанга ортамиз. Ахир ёлғиз қолдириб бўладими уни. Бусиз ҳам роса мени қўмсаб қолгандир.

— Ким кимни кўпроқ қўмсагани номаълум,— деди Сальватор жилмайиб.— Лидингни дейсанми? Жуда соз. Туамоту оролларига етиб олганингдан кейин якка-ёлғиз жойлашган маржон оролини топиш қолади, холос. Унинг шундай белгиси бор: оролдан узун мачта кўкка бўй чўзган, унинг учида каттакон балиқнинг шакли кўзга ташланиб туради. Эслаб қолиш қийин эмас. Бу оролни топиш учун бир ой, икки ой, ҳатто уч ой вақт кетар — лекин зарари йўқ: у ернинг суви илиқ, устрицалар эса беҳисоб.

Сальватор Ихтиандрни суҳбатдошининг гапини бўлмай, диққат билан эшитишга ўргатган эди, лекин у шу ерга етганда йигит ўзини тутиб туролмади:

— Ундан кейин нима қиламан, кимни қидираман?

— У ерда ажойиб дўстларни, уларнинг ғамхўрлик ва меҳрибонликларини топасан,— деб жавоб берди Сальватор.— Бу оролда менинг қадрдон дўстим — олим Арман Вильбуа яшайди, ўзи француз, машҳур океанограф. Мен у билан Европада бўлган вақтимда бундан кўп йиллар муқаддам танишиб, дўстлашганман. Арман Вильбуа жуда ажойиб одам, аммо ҳозир у ҳақда гапириб ўтиришга вақт йўқ. Ишонаманки, унинг қандай киши эканлигини ҳамда уни Тинч океан бағридаги бу танҳо оролга келтириб ташлаган қисматни тезда ўзинг билиб оласан. У ёлгиз эмас. Ниҳоятда беозор ва хушфеъл хотини, бир ўғил ва бир қизи бор. Қизи ўша оролда туғилган, ҳозир ўн етти ёшларга бориб қолган бўлса керак, ўғли эса йигирма бешлар атрофида.

Улар сени менинг хатларимдан билишади ва бинобарин, боришинг билан ўз фарзандларидек кутиб олишади...— Сальватор дудуқланиб қолди.— Албатта, энди кўп вақтингни сувда

ўтказишинг керак. Аммо дўстона учрашувлар ва суҳбатлар учун бир неча соатга қирғоққа чиқишинг мумкин. Эҳтимол, бутунлай соғайиб кетарсан, ана ўшанда илгаригидай истаганча қуруқликда ҳам, сув остида ҳам яшайверасан.

Арман Вильбуа сенга иккинчи ота бўлади. Сен эса унинг океанография соҳасидаги илмий ишларида тенги йўқ кўмакчи бўлиб қоласан. Океан ва унинг жониворлари ҳақида ҳозиргача билган нарсаларингнинг ўзи ўнлаб профессорга етиб ортган бўлар эди.— Сальватор кулимсиради.— Тентак экспертлар сендан қайси йил, қайси ой, қайси кун, деб қаёқдаги нарсаларни сўраб юришибди. Сени бу гаплар мутлақо қизиқтирмаслиги учунгина уларга жавоб бера олмадинг, холос. Лоақал сув ости оқимлари, сувнинг ҳарорати, Ла-Плата кўрфази ва унинг атрофидаги сувларнинг шўрлиги ҳақида сўраганларида эди — сенинг жавобингдан бутун бошли илмий китоб яратиш мумкин эди. Агар сенинг сув ости саёҳатингга Арман Вильбуадек ажойиб олим ва тажрибали киши раҳбарлик қилса, ҳали жуда кўп нарсаларни билиб оласан ҳамда ўз билимингдан халқни шунча кўп баҳраманд этасан. Икковларингиз ҳамкорликда океанография бўйича шундай катта иш қиласизларки, бу иш мазкур фаннинг ривожида бутун бир давр очиб, жумлаи жаҳонни ҳайратга солади. Ана ўшанда сенинг ҳам номинг Арман Вильбуанинг номи билан ёнма-ён туради. Арман Вильбуанинг ўзи шундай қилади. Бунга ишончим комил. Сен фанга, шу билан бутун инсониятга хизмат қиласан.

Мабодо бу ерда қолгудай бўлсанг, сени жоҳил ва очкўз кишиларнинг ифлос манфаатлари йўлида хизмат қилишга мажбур этадилар. Ишонаманки, оролнинг тоза ва беғубор сувлари, Арман Вильбуанинг оиласи сенга осойишта маскан бўлиб, бахтиёр ҳаёт кечирасан.

Яна бир маслаҳат. Океанга тушишинг билан,— балки, бугун кечасиёқ шундай бўлар,— сув ости йўли орқали дарҳол уйга қараб суз (уйда ҳозир фақат Джим қолган), Лидингни топгин-да, пичоқ ва навигация асбобларини олиб, кун чиқмасиданоқ йўлга туш. Алвидо, Ихтиандр! Йўқ, йўқ, кўришгунча!.. Хайр...

Сальватор биринчи марта Ихтиандрни бағрига босиб, ўпди. Кейин кулиб унинг елкасига қоқди-да:

— Сендай йигитга ҳеч бало бўлмайди! — деди ва камерадан тез чиқиб кетди.

ҚОЧИШ

Ольсен тугма фабрикасидан эндигина қайтиб, овқатланиб ўтирган эди, бирдан эшик тақиллаб қолди.

— Ким у?— деб қичқирди Ольсен норози оҳангда.

Эшик очилиб, хонага Гуттиэре кириб келди.

— Гуттиэре! Ўзингмисан? Қайси шамол учирди?— деб хитоб қилди ҳам таажжубланган, ҳам севиниб кетган Ольсен ўрнидан тураркан.

— Салом, Ольсен,— деди Гуттиэре.— Бемалол овқатланавер.— У эшикка суяниб, гапини давом эттирди:

— Мен эрим ва қайнанам билан ортиқ яшай олмайман. Зурита... У менга қўл кўтарди. Уйдан чиқиб кетдим. Бутунлай кетдим, Ольсен.

Бу янгилик Ольсенни овқатдан қўл тортишга мажбур қилди.

— Сира кутилмаган иш! — деб хитоб қилди у.— Ўтирсанг-чи! Оёқда зўрға турибсан ўзинг. Буниси қандоғ бўлди? Ёдингдами: «Худонинг амри билан жуфтлашган кишилар ажралмайдилар» деган эдинг. Эслатмай қўя қол демоқчимисан? Хўп. Жуда хурсандман. Ҳозир отангникида яшаяпсанми?

— Йўқ, отам билмайди. У ердан мени яна Зурита олиб кетиши мумкин. Бир дугонамникига тушдим.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Бирорта заводга ишга кираман. Сенинг олдингга менга иш топишда ёрдам берсанг, деб келдим, Ольсен... Қанақа иш бўлса ҳам майли.

Ольсен паришонхотир бой чайқади.

— Ҳозир иш топиш қийин. Лекин албатта уриниб кўраман.— У бир оз ўйлаб тургач, сўради:— Эринг нима деркин?

— У билан ишим йўқ.

— Лекин унинг сен билан иши бор-да,— деди Ольсен кулиб.— Аргентинада яшаётганингни унутма. Зурита сени албатта қидиради, топгандан кейин... ўзинг биласан, яхши бўлмайди. Қонун ва жамоат фикри унинг томонида.

Гуттиэре ўйланиб қолди, кейин қатъий оҳангда деди:

— Нима ҳам қилардим! Ундай бўлса Канадага ёки Аляскага кетаман.

— Гренландияга, Шимолий қутбга десанг-чи!— Ольсен энди анча жиддий қиёфада давом этди:— Ўйлаб кўрамиз. Бу ерда қолиш сен учун хатарли. Мен ҳам кўпдан бери бошқа мамлакатга кетмоқчи бўлиб юрибман. Нега шу ерга, Лотин Америкасига келдим-а? Бу ерда ҳали диний хурофотлар жуда кучли. Ўша пайтда қочиб кетолмаганимиз чакки бўлди-да. Зурита сени олдинроқ ўғирлаб кетди, билетга ҳам, пулга ҳам куйиб қолавердик. Ҳозир сенда, мендагига ўхшаб, Европага бориш учун йўлкирага ҳам пул бўлмаса керак. Лекин биз тўппа-тўғри Европага боришимиз шарт эмас. Агар биз,— мен шунинг учун «биз» деяпманки, сен бехавотирроқ жойга етиб олмагунингча, ёлғиз ташлаб кетмайман,— агар биз лоақал Парагвай ёки Бразилиягача етиб олсак у ҳолда Зуританинг сени қидириб топиши қийин бўлади, иккинчидан, у ерда Америкага ёки Европага ўтиш учун бемалол йўл ҳозирлигини кўришимиз мумкин...

Дарвоқе, Ихтиандр билан доктор Сальваторнинг қамоқда эканлигидан хабаринг борми?

— Ихтиандр дейсанми? Топилдими? Нега қамоқда бўлади? Мен уни кўра оламанми? — деб Гуттиэре кетма-кет савол ёғдириб юборди.

— Ҳа, Ихтиандр қамоқда, у яна Зуританинг қўлига тушиб қолиши мумкин. Сальватор билан Ихтиандрга бемаъни айбларни қўйишяпти.

— Қандай даҳшат! Уни қутқариб бўлмайдими?

— Мен кўпдан бери уриняпман, лекин бутун ҳаракатларим беҳуда кетяпти. Аммо кутилмаганда турма назоратчисининг ўзи бизга иттифоқдош чиқиб қолди. Бугун кечаси Ихтиандрни озод қилишимиз керак. Сен келмасингдан илгарироқ иккита қисқа-қисқа хат олдим: бири Сальватордан, иккинчиси турма назоратчисидан.

— Мен Ихтиандрни кўришим керак! — деди Гуттиэре.— Сен билан бирга борсам майлими?

Ольсен ўйланиб қолди.

— Йўқ,— деб жавоб берди у ниҳоят,— яхшиси уни кўрмай қўяқол.

— Нега?

— Чунки Ихтиандр бетоб. У одам сифатида касал, лекин балиқ сифатида соғ.

— Тушунолмадим.

— Ихтиандр энди қуруқликда яшай олмайди. У тағин сени кўрса, кейин ҳоли нима кечади? Унинг учун бу нарса жуда оғир бўлади, эҳтимол, сен учун ҳам. Ихтиандрнинг сен билан учрашгиси келади, қуруқликда нафас олиш эса уни батамом ҳалок қилади.

Гуттиэре бошини қуйи эгди.

— Тўғри, сен ҳақсан...— деди у бир оз ўйлаб туриб.

— Ихтиандр ва қолган барча одамлар орасида енгилмас ғов — океан бор эди. Ихтиандр — ҳалокатга маҳкум этилди. Бундан буён сув унинг учун азиз ва ягона стихия бўлиб қолади.

— Ахир у қандай қилиб сувда яшайди? Бир ўзи кимсасиз океанда, балиқлар ва денгиз махлуқлари орасида-я?

— У ўзининг сув ости оламида шу пайтгача бахтиёр эди, лекин...

Гуттиэре қизариб кетди.

— Энди албатта илгаригидай бахтли бўлмайди.

— Қўйсанг-чи, Ольсен,— деди Гуттиэре маъюс ҳолда.

— Аммо вақт ҳамма нарсани даволайди. Эҳтимол у ҳатто йўқотган оромини яна топиб олар. Шу ҳолда балиқлар ва денгиз ҳайвонлари орасида ҳаёт кечиради. Агар уни акула бевақт еб қўймаса, қаригунча, сочлари оқаргунча ҳам яшайверади... Ўлим-чи? Ўлим ҳамма ерда ҳам бир хил...

Кеч кириб, хонага қоронғилик чўкди.

— Мен йўлга тушишим керак,— деди Ольсен ўрнидан туриб. Гуттиэре ҳам қўзғалди.

— Лоақал узоқдан бўлса ҳам кўрай?— деб ўтинди Гуттиэре.

— Майли, фақат у сени кўрмасин.

— Хўп.

Ольсен сув ташувчи қиёфасида Коронель Диас кўчасидан арава билан турма ҳовлисига кириб борганида борлиқ тун пардасига ўралган эди.

Дарвоза олдида турган қоровул:

— Қаёққа кетяпсан! — деб қичқирди.

— «Денгиз иблиси»га сув олиб келдим,— деб жавоб берди Ольсен, турма назоратчиси ўргатганидай.

Барча қоровуллар турмада, бак ичида ғалати маҳбус — «денгиз иблиси» борлигини ҳамда бакка денгиз суви қуйиб турилишини билишарди. Аҳён-аҳён бакдаги сувни бочка ўрнатилган махсус аравада денгиздан келтириган сув билан алмаштириб турардилар.

Ольсен турма биносига яқинлашгач, аравани бурчак ортига, ошхона ва хизматчилар кириб-чиқиб турадиган эшик томонга бурди. Назоратчи ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эди. У эшик олдида ва коридорда турадиган қоровулларни турли баҳона билан ҳар томонга жўнатди. Ихтиандр назоратчи кузатувида осонгина турмадан чиқди.

— Тез бочкага сакра! — деди назоратчи. Ихтиандр дарҳол унинг айтганини қилди.

— Жўна!

Ольсен тизгинни бўшатди, арава турма ҳовлисидан чиқди-да, Авени-да Альвар кўчаси бўйлаб Ритеро вокзали, юк станцияси ёнидан бамайлихотир ўтиб кетди.

Унинг орқасида, нарироқда, аёл кишининг сояси кўзга чалинди.

Ольсен шаҳардан чиққанида алламаҳал бўлиб қолган эди. Йўл денгиз қирғоғи бўйлаб чўзилиб кетган. Шамол зўраймоқда. Тўлқинлар ҳайбат билан соҳилга уриладилар.

Ольсен атрофга аланглади. Йўлда ҳеч ким кўринмасди. Фақат олдинда қарама-қарши томондан келаётган автомобилнинг чироқлари ярақларди. «Майли, ўтиб кетсин».

Ҳадемай машина қаттиқ сигнал бериб шаҳар ёққа ғизиллаб ўтиб кетди.

«Бўлди» — Ольсен орқасига қараб, Гуттиэрега тош ортига яширинишни ишора қилди. Кейин бочкани тақиллатиб, қичқирди:

— Келдик! Туш!

Бочка устида Ихтиандрнинг боши кўринди.

У атрофга бир аланглаб олди-да, шоша-пиша бочкадан чиқиб ерга сакради.

— Раҳмат, Ольсен,— деди йигит шалаббо қўллари билан Ольсеннинг қўлини қаттиқ қисиб.

Ихтиандр худди кўксов кишидай тез-тез нафас оларди.

— Арзимайди. Хайр! Эҳтиёт бўл. Соҳилга яқин келма. Қул бўлмайин десанг одамлардан нарироқ юр.

Ихтиандрнинг Сальватордан қандай кўрсатмалар олганидан Ольсен бехабар эди.

— Хўп, хўп,— деди Ихтиандр бўғилиб.— Мен олис-олисга, бирорта ҳам кема бормайдиган тинч маржон ороллариga сузиб кетаман. Раҳмат, Ольсен! — Йигит денгиз томон чопди.

Лекин шундоққина тўлқин нафасига етганда бирдан орқасига қайрилиб, қичқирди:

— Ольсен, Ольсен! Агар Гуттиэрени кўриб қолсангиз мендан салом айтинг. Мен уни ҳеч қачон унутмайман.

Йигит ўзини денгизга отди.

— Хайр, Гуттиэре! — деб қичқирди у сувдан бошини чиқариб ва ғойиб бўлди.

— Хайр, Ихтиандр...— деб пичирлади Гуттиэре қоя тош ортида туриб.

Шамол одамни учириб кетай дейди. Денгиз ниҳоятда нотинч. Соҳилдаги қумлар вишиллайди, қоя тошлар қарсиллаб бир-бирига урилади.

Бировнинг қўли Гуттиэренинг қўлини қисди.

— Юр, Гуттиэре! — деди Ольсен меҳрибонлик билан.

У қизни йўлга олиб чиқди.

Гуттиэре яна бир марта денгизга қайрилиб қарадида, Ольсеннинг пинжига кириб, шаҳар томон аста йўл олди.

* * *

Сальватор қамоқ муддатини ўтаб, уйига қайтди ва яна ўзининг илмий ишларига шўнғиб кетди. У қандайдир узоқ сафарга тайёрланмоқда.

Кристо ҳали ҳам унинг қўлида хизмат қилади.

Зурита янги кема сотиб олган, ҳозир Калифорния кўрфазида марварид қидириш билан машғул. Гарчи у Американинг энг бой кишиси бўлмаса ҳам, ҳарҳолда тақдиридан нолимайди. Мўйловининг учлари барометр стрелкасидай юқорига кўтарилган.

Гуттиэре эри билан ажрашиб, Ольсенга турмушга чиқди. Улар Нью-Йоркка кўчиб кетишган. Икковлари ҳам консерва заводида ишлашади. Ла-Плата кўрфазида ҳеч ким «денгиз иблиси»ни эсламайди.

Лекин баъзан, дим кечаларда, кекса балиқчилар ногоҳ тун сукунатини бузган ғалати овозни эшитиб қолсалар, ёшяланглaрга:

— «Денгиз иблиси» шундай қилиб бурғу чалар эди,— дейишади-да, у ҳақдаги қиссани бошлашади.

Буэнос-Айресда ёлғиз бир кишигина Ихтиандрни унута олмайди.

Шаҳарнинг барча болалари кексайиб, қадди букилган қашшоқ ҳиндуни яхши танийдилар.

— Ана, «денгиз иблиси»нинг дадаси кетяпти! — деб чувиллаб қолишади улар ҳиндуни кўришлари билан.

Чол испанларга дуч келганда юзини тескари буриб ўтади, орқаларидан туфуриб, сўкинади.

Полициянинг кекса Балтазар билан иши йўқ. У беозор одам, бировга зарари тегмайди.

Аммо денгизда бўрон кўтарилди дегунча кекса ҳинду қаттиқ таҳликага тушиб қолади.

У соҳилга келиб, қоятош устига чиқиб олади-да, белигача шалаббо бўлган ҳолда бўрон тинмагунча кеча-кундуз қичқираверади:

— Ихтиандр! Ихтиандр! Ўғлим!

Аммо денгиз ўз сирини пинҳон тутади...

ЖАҲОНГИР

ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК
РОМАН

БИРИНЧИ ҚИСМ

I. НАПОЛЕОНЛИККА НОМЗОД

— Кўйлагимга сув сачратяпсиз, Штирнер! Эшкак эшишни билмас экансиз.

— Мана шу-да! Хотинлар қайиқда сайрга чиқишдан олдин оддий сув ҳам доғ қолдирадиган матодан кўйлак кийиб олишади.

— Бу гапни Жером-Жеромдан, унинг «Қайиқдаги уч киши» ҳикоясидан олгансиз, тўғрими?

— Жуда билағонсиз, хоним. Бу нарсани Жером мендан кўра олдинроқ пайқаган бўлса, айб менда эмас. Қайиқда тўрт киши эмас, беш киши ўтирганда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди.

— Биз фақат тўрт кишимиз,— деди скамейкада ўтирган Эмма Фит.

— Тилла сочли маликам,— жавоб берди Штирнер,— Жеромнинг қайиғидаги тўртинчи йўловчи кучук эди. Бизнинг қайиғимиздаги биринчи йўловчи эса менинг кучугим Фальк...

— Нега энди биринчи бўларкан?

— Чунки у бениҳоя заковатли. Фальк! Фит хонимнинг рўмолчасини олиб бер, кўрмаяпсанми, ерда ётибди?

Фальк, оппоқ чиройли исковуч, сакраб туриб рўмолчани келтириб берди.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

— Кўрдингизми! — деди Штирнер мамнуният билан.— Глюк хоним, менга турмушга чиқинг! Икковимиз кучуклар ўйнайдиган сайёр цирк очамиз. Мен масхарабозларнинг сариқ ясама сочини кийиб олиб, кучукларни боплаб ўйнатаман, сиз эса кассада ўтирасиз. Бир тасаввур қилиб кўринг-а: одамлар ёпирилиб келиб турибди, бу ёқда кучуклар ўйнаб ётади, кассада эса жарақ-жарақ пул... Томоша тугаганидан кейин вафодор тўрт оёқли дўстларимиз билан бирга базми жамшид қиламиз. А? Зўр-а? Ҳарҳолда Карл Готлибнинг қўлида ишлаб юргандан кўра яхши-да.

— Илтифотингиз учун раҳмат, лекин мен бунақа саёқ турмуш кечиролмайман.

— Ҳм... Шунча бойлигингиз билан мен сизга бас келолмайман-да, а?

— Қанақа бойлик?— ҳайрон бўлиб сўради Эльза Глюк.

— Нега ажабланяпсиз! Худди ўз бойлигингизни билмайдигандай гапирасиз-а. Тициан чизган Венераникига ўхшаш ажойиб сочларингиз... Табиий ранги шунақа-ку ўзи, а? Жаҳлингиз чиқмасин, биламан, ранги табиий. Тициан чизган аёллар эса

сочларини махсус моддага бўяшар экан. Ҳатто ўша модданинг рецепти ҳам сақланиб қолган, дейишади. Мана, кўрдингизми, Тицианга илҳом берган не-не гўзаллар ҳам она табиат сизга рецептсиз инъом этган нарсани сунъий тарзда яратишар экан... Осмондай мовий кўзларингиз-чи? Уларга ҳам бўёқ тегмаганига юз фоиз ишонаман...

— Қўйинг-э..

— Тишларингиз эса нақ дурнинг ўзи.

— Бу ёғи кетаваради — ақиқ лаблар дейсиз, шунақами? Гўё одамови банкирнинг секретари эмасу тилла магазинда ишлайдиган заргарга ўхшайсиз-а. Бўлмаса мен ҳам мана шу заргарона хушомадингизга яраша жавоб қиламан! Чўзинчоқ юзингиз, узун бурнингиз, узун сочларингиз, узун қўлларингиз, мабодо, сунъий эмасми?

— Нима, сиз думалоқ нарсаларни яхши кўрасизми? Отто Зауерникидай думалоқ юз, думалоқ кўзлар, эҳтимол, ўн йиллардан кейин тарвуздай келадиган олтинларга эга бўлсангиз, шундайми?

— Жудаям беор экансиз,— деди Эльза Глюк қизариб-бўзариб.

— Қўйинг, бировнинг чўнтагидаги ақчани санаманг,— сўз қотди Готлибнинг юрисконсульти Зауер. Унга Штирнернинг Эльзага қилган муомаласи ёқмаган, бинобарин, ботаётган қуёш нурида қизғиш рангга бўялган дарёда, қайиқда ўтириб индамай эшкак эшиб борарди.

Штирнер қалтис ҳазил қилиб қўйганини англаб, энди жиддий оҳангда гапира бошлади:

— Кечирасиз, ҳеч кимни хафа қилиш ниятим йўқ. Шунчаки, севгида ҳам ҳамма соҳада бўлгани каби яшаш учун кураш қонуни мавжуд демоқчиман, холос. Ким зўр бўлса, ўша ғалаба қозонади. Эркак буғулар ҳам урғочисини деб ўлгунича бир-бири билан олишади. Зўр чиққани урғочисига эгалик қилади. Жамиятимизда-чи? Ким зўр? Бойлиги бор одам зўр. Айтинг-чи, хоним,— Штирнер Эльзага мурожаат қилди,— мен ҳам анави Крез, йўқ, ундан ҳам бадавлатроқ,— ҳурматли Карл Готлибга ўхшаганимда,— аёлларга менинг юзим кўпам чўзинчоқ кўринмаган бўлармиди?

— Баттар бўларди,— кулиб жавоб берди Эльза.

— Э! — деди норози оҳангда Штирнер.— Сиз шу ҳуснингиз билан манман деган Готлибларни чертиб-чертиб танлаб олишингиз мумкин. Шунинг учун шунақа деяпсиз. Аммо бизга ўхшаган оддий секретарлар, тўкин дастурхонга тикилиб сўлагини оқизиб ўтирадиган, бировларнинг маишатини кузатиб, ўзи нонушоққа зор бўлган нотавонлар нима қилади?

— Қаёқдаги гапларни гапирасиз-а, Штирнер! — деди Фит.

— Узр, бундан кейин эҳтиёт бўлиб гапираман... Софдиллик,— давом этди Штирнер,— тепамизда турганлар фойдаланадиган бизнинг иллатимиздир. Гейне: «Софдиллик — ажойиб нарса, агар атрофдагиларнинг ҳаммаси софдил бўлса-ю, фақат бир

ўзим уларнинг орасида қаллоб бўлсам»,— деган экан. Модомики, атрофдагиларнинг ҳаммаси,— бу ерда ўтирганлар бундан мустасно,— ёппасига қаллоб экан, бахтга эришмоқ учун,— шундай деб, у Эльза Глюкка[1] маънодор қараб қўйди,— шу даражада бошқа қаллобларнинг ҳаммаси олижаноб кишилар бўлиб туюлсин.

— Нима бало, Штирнер, бугун чап ёнингиз билан турганмисиз? — яна гапга аралашди Отто Зауер.— Ҳазилларингизнинг таги зил бўлиб кетяпти.

— Шунақами? — деди Штирнер беихтиёр ва бошини хам қилиб, индамай қолди. Бир зумда юзига кексалик ифодаси инди. Пешонасига чуқур ажин тортилди. У гўё қандайдир қийин муаммони ҳал қилаётгандай оғир ўйга ботди. Фальк бир оёғини унинг тиззасига қўйиб, юзига қаттиқ тикилиб турарди.

Эшкаклар Штирнернинг қўлида ҳаракатсиз қотган, ундан томаётган сув томчилари шафақ яллиғида қонга ўхшаб кўринарди.

Эльза Глюк Штирнернинг ногоҳ сўлғинлашиб қолган чеҳрасини кўриб, бир сесканиб кетди ва худди кўмак сўрагандай Зауерга қаради.

Кутилмаганда Штирнер эшкакларни қўйиб юбориб, хахолаб кула бошлади.

— Менга қаранг, Эльза хоним, бирданига ер юзидаги энг қудратли одамга айланиб қолсам нима дейсиз? Бир оғиз сўзимга, биттагина ишорамга ҳамма худди Фалькдай сўзсиз итоат этса, а?.. Фальк! Опке! — буйруқ қилди Штирнер сувга хипчинни улоқтириб. Фальк шу заҳотиёқ қайиқдан ўзини сувга отди.— Мана шунақа! Бутун ер юзига ҳукмдор бўлганимдами?

— Биласизми, Штирнер,— деди Эльза,— юзингиздан ёш кўринасизу, лекин юз тузилишингиз худди алмисоқдан қолгандай туюлади одамга. Бунақа башаралар оила альбомларидаги суратларда кўпроқ учрайди. Уларни кўрсатиб, одатда: «Мана бу бобомнинг ёшлиги» деб қўйишади. Сиз ҳам ўша «бобомнинг ёшлиги»га ўхшаб кетасиз. Йўқ, сиздан мутлақо Наполеон чиқмайди. Чиқса ҳам биржа доирасидаги митти Наполеон чиқади, холос.

— Ҳали шунақами? У ҳолда мен сизни тожу тахтдан, саройдан, олтин файтону гавҳар маржонлардан, жамики маҳраму чўриларингиздан маҳрум этаман. Мурувватимдан бенасиб бўласиз. Шуни билингки, мен сизни мутлақо севмайман. Азбаройи илтифотингизга муяссар бўлмоқ учун ўрта аср рицарларига ўхшаб ўзимни юз балога урмоқчи ҳам эмасман. Мутлақо! Сиз мен учун фақат ютуқларимнинг бир ўлчовигинасиз. Гапнинг пўскалласи шу!

— Начора! Энди балки эшкакларга зўр берарсиз? Уйга қайтиш керак.

Штирнер қайиққа шалаббо бўлиб кетган Фалькни тортиб

---

[1] Немисчасига «глюк» — бахт дегани.

олди. Кучук бир силкинган эди, ҳаммага сув сачради. Глюк билан Фит қичқириб юборишди.

— Кўйлакларингиз расво бўлди,— деб кесатди Штирнер эшкакларни қўлига оларкан.

Қайиқ оқим бўйлаб тез сузиб кетди. Офтоб ўрмон ортига беркинди. Дарёнинг юқори томони тилладай ярқирар, қайиқ атрофларига эса кўкимтир кўланка тушган эди. Зах ҳиди димоққа уриларди. Эмма елкасига жун рўмолини ташлаб олди.

Ҳамма сукутда эди. Дарё сокин оқарди. Аҳён-аҳён майда балиқчалар ойнадай сув сатҳидан отилиб чиқарди-да, тангаларини бир ярқиратиб, яна шўнғиб кетарди.

— Мен сизни бу қадар шуҳратпараст деб ўйламаган эдим,— деди Зауер жимликни бузиб.— Шунчалик экан, илмий мартабани ташлаб, Готлибнинг бизга ўхшаган одми хизматчилари сафига ўтишга сизни нима мажбур қилди? Агар янглишмасам, сиз мияни ўрганиш бўйича анчагина ишлар қилгансиз, ҳатто муваффақиятли тажрибалар ўтказганингиз ҳақида газеталарда бир қанча мақолалар ўқиганман... Сиз шуғулланган фаннинг номи нима эди? Рефлексологиями?

— Бу фаннинг нималигига менинг ҳам унчалик ақлим етмайди,— деди Эльза.

— Муҳтарам жаноблар ва муҳтарама хонимлар! — деб гап бошлади Штирнер худди олий мартабали кишиларга лекция ўқиётгандай.— Рефлексология, бу — инсоннинг ва умуман, ҳар қандай тирик мавжудотнинг ташқи муҳит таъсирига акс жавобини ўрганадиган, шунингдек, умуман, тирик мавжудот билан ташқи муҳит ўртасидаги барча муносабатларни ўз ичига олган фандир. Тушунарлими?

— Сираям тушунмадим! — деди Эльза.

— Бўлмаса, соддароқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламан. Рефлекс, бу — организмнинг бир нуқтасида юз берган қўзғалишни марказ, яъни мия орқали баданнинг иккинчи бир нуқтасига етказилишидан иборат. Ташқаридан бўладиган ҳар қандай таъсир сезиш органлари орқали мияда рефлекс уйғотиб, баданнинг у ёки бу органларини ҳаракатга келтиради, бошқача қилиб айтганда, реакция қўзғайди. Бола қўлини оловга чўзади. Олов куйдиради. Оловнинг терига кўрсатган бу таъсири нерв орқали мияга етиб боради, миядан эса дарҳол қўлга акс жавоб келади: бола қўлини оловдан тортади. Олов тушунчаси болада оғриқ тушунчаси билан боғланиб кетади. Бинобарин, ҳар гал оловни кўрганида бола қўрқиб, қўлини тортиброқ туради. Бу ҳодиса илмий тилда шартли рефлекс, деб аталади. Бошқа, мураккаброқ мисол келтираман. Сиз кучукка овқат берасиз, ҳар гал у овқатланаётган пайтда тепасида сивизга чалиб турасиз. Овқат вақтида кучукнинг оғзидан сўлакайи оқади. Орадан бирор муддат ўтгач, сивизга садоси кучукнинг онгида таъм сезгиси билан чамбарчас боғланиб кетгандан кейин, сивизга чалишингиз билан ўз-ўзидан кучукнинг сўлакайи оқиб тушаверади. Шартли рефлекс, дейишади буни! Қизиғи шундаки, инсоннинг бурч, садо-

қат, мажбурият, виждон каби энг «муқаддас» туйғулари ҳам худди кучукнинг сўлакайидай шартли рефлексдан иборат. Бундай рефлексларнинг пайдо бўлиш жараёни мураккаброқ, аммо моҳияти ўша-ўша. Шу жиҳатдан қараганда, ростини айтсам, ҳалиги юксак фазилатларга кўпам эътиқодим йўқ. Назаримда, ана шу сўлакайнамо хислатлардан кимлардир манфаатдорга ўхшаб туюлади баъзан, кимдир дин, ахлоқ, бурч, виждон сивизғасини чалади-ю, биз эса аҳмоқ бўлиб сўлакайимизни оқизиб ўтирамиз. Бу кўҳна туйғулардан воз кечиб, эски ахлоқ нағмасига ўйнашни бас қилиш вақти етмадимикин?

Зауер гапни бошқа ёққа буриш учун яна Штирнердан нима учун олимликни ташлаб кетганини сўради.

— Шунақа нарсаларни биласизки, Штирнер,— деди у.—Эҳтимол илм оламида тезроқ ном чиқариб, машҳур бўлиб кетармидингиз.

— Олимликдан воз кечганимнинг сабаби бор, муҳтарам Зауер,— жавоб берди Штирнер кўзларида муғамбирона ифода билан.— Мен мингга яқин одамнинг миясини ёриб кўрганман, лекин ишонасизми, бирортасида ҳам ақл деган нарсага дуч келганим йўқ. Шундан кейин мияни чиройли қилиб қовурсагина дуруст бўлар экан, деган хулосага келганман.

— Яна алжияпсиз!— Фитнинг овози эшитилди орқадан.

— Узр, узр! Лекин ишонтириб айтаманки, бизнинг Готлиб одам гўштини истеъмол қилмайди. Лекин мажозий маънода, ҳа-ҳа! Масалан, у эртага эрталаб банкирлар «Тёпфер ва К^0» уйини ямламай ютилишини сезиб турибман. Ўрта аср ҳукмдорлари илм билан бемалол шуғулланишган, чунки уларнинг қорни тўқ, усти бут бўлган, демоқчиман-да. Энди эса... мана мен билан Зауер банкирнинг оддий хизматчиларимиз, холос, ҳатто сиз ҳам, муҳтарама хоним, унинг машинисткаси ва стенографисткаси бўла туриб, унча-мунча фан докторидан кўпроқ маош оласиз. Кўриб турибсизки, ҳаммасини очиқ-ойдин гапиряпман. Инсониятнинг бахт-саодати деб ёвғон ошни афзал кўрган одам ёлғиз мен эмас бу дунёда. Тағин ким билади дейсиз? Мактабда бизга, тўғри чизиқ — икки нуқта орасидаги энг қисқа масофа, деб ўргатишарди. Аммо бу ҳисоб-китоб — ғирт мавҳумотдан иборат. Ҳаётда тўғри чизиқлар бўлмайди... Мана етиб келдик! Энди,— Эмма Фитга мурожаат қилди у,— қўлингизни беринг ва станциягача кузатиб қўйишга рухсат этинг.

Штирнер билан Фит олдинроқ кетишди.

Зауер прокатга олинган қайиқ ҳақини тўлади-да, Эльзани қўлтиғидан олиб, темир йўл станцияси томон жўнади.

Қоронғи тушди. Осмонда юлдузлар жимирлай бошлади. Йўл кимсасиз эди.

— Ҳавонинг авзойи бузиляпти, ёмғир ёғадиганга ўхшайди...— деди Зауер.

— Ҳа, бир амаллаб етиб оламиз,— жавоб берди Эльза.

— Бугунги сайрдан хурсандмисиз, Эльза?

— Исмимни сал бетакаллуфроқ тилга олмадингизми? — де-

ди кулиб Эльза ва Зауерни гапиртиришга қўймай, ўзи давом этди:— Ўзингизни оқламай қўя қолинг. Анави вайсақи Штирнер бўлмаганида янаям хурсанд бўлардим. Шунақаям қуруқ бўладими одам! Қақиллайвериб қулоқ-мияни еворди-я. Тағин нуқул осмондан келади!

— Ҳа, сергапликка сергап,— деди Зауер хаёл сурганча.— Аммо-лекин, Эльза, у вайсақидан эҳтиётроқ бўлишни маслаҳат берардим.

Эльза Зауерга таажжубланиб қаради.

— Бирор эҳтиётсизлик қилдимми?— шундай деб, у қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Йўқ, Отто, сиз шунчаки рашк қиляпсиз. Лекин рашк қилишга барвақтроқ эмасмикин? Ҳали сизга ваъда берганим йўқ. Айнаб қолишим ҳам мумкин.

— Қўйинг, қалтис ҳазил қилманг... Ҳали уни вайсақи дедингиз. Вайсақилиги тўғри, лекин эс-ҳуши жойида. Виждон ва эгри чизиқ ҳақидаги гапларини эшитдингизми? Бу жуда хатарли фалсафа. Ростини айтсам, ундан қўрқаман, сизни ва қариямиз Готлибни ўйлаб хавотирланаман. У вайсақининг гаплари бежиз эмас. Сўзларида жон бор. Нималарни ўйлаяпти у? Мабодо бирор даҳшатли ишни қилиб қўйганида ҳам сира таажжубланмайман...

Эльза Штирнернинг бирдан қарилик ифодаси инган, ботаётган қуёшнинг қизғиш нурлари ёритиб турган ўйчан чеҳрасини кўз олдига келтириб, эти сесканиб кетди. Беихтиёр Зауернинг билакларини маҳкам қисди.

— Готлибнинг ичига кириб олганини айтмайсизми! У Штирнерни бир қадам ҳам ёнидан нари силжитмайди, уйига кўчириб опкеволди... Кечқурунлари Штирнер ўргатилган кучуклари билан чолни овутиб ўтиради...

— Лекин тан бериш керак, Отто, кучуклари ҳақиқатан ҳам зўр.

— Мен буни инкор этмайман. Унинг кучуклари ҳар қандай ўргатилган ҳайвонлардан устун туради. Айниқса Фальк дегани.

— Қора кўппаги-чи,— деди Эльза,— санашни билади, алфавитдаги ҳамма ҳарфларни танийди, унинг ҳар қандай буйруғини сўзсиз тушунади. Баъзан ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетади...

— Ҳа, кўппак ростдан ҳам бало. Эҳтимол, Штирнер ниҳоятда ақлли ва талантлидир. Лекин ёвуз талант икки баравар хатарлироқ бўлади.— Шундай деб, Зауер Эльзага маънодор қараб қўйди.

— Мендан хавотир олманг, Отто. Менга унинг сеҳри мутлақо таъсир қилмайди. Шу пайтгача у менга бефарқ қарарди. Аммо бугун, юзига қараб туриб... Нима дейишимни ҳам билмайман... Эҳтимол, биз ноҳақдирмиз. Вой, нима у?..

Қоронғилик қаъридан Фальк шовқинсиз чиқиб келиб, Эльзанинг этагидан тишлади-да, ғингшиб олдинга тортқилай бошлади.

Зауернинг жаҳли чиқиб, итни ҳайдашга тушди. Унинг бу ишидан Эльза кулиб юборди.

— Жуда иримчи бўлиб кетяпсиз, Отто. Штирнер бизни чақириш учун Фалькни юборган бўлса керак.

II. ПОЕЗД ТАГИДА

Кабинет эшиги очилиб, шахсий секретари Людвиг Штирнер ҳамроҳлигида банкир Карл Готлиб кўринди.

Деворлари яхлит ойнадан ишланган хонани чароғон этган қуёш нури Карл Готлибнинг тилла кўзойнагида ярқирарди. Банкир кўзларини қисганча кулимсираб турарди. Олтмишларга бориб қолган бўлишига қарамай, нақш олмадай ёноқлари, оппоқ юзини кўрган одам уни шунча ёшга кирган деб асло ўйламасди. Соқоли яхшилаб қиртишланган, қимматбаҳо совун, хушбўй сигара ва атир ҳиди анқиб турган, ҳамиша қувноқ, мамнун ва серҳаракат Готлибнинг бутун қиёфасида ўзига тўқ одамларга ҳос бир тароват ёғилиб турарди.

— Хўш, кечаги сайр қалай бўлди? — сўради у Глюк, Фит ва Зауернинг қўлини навбат билан қисаркан.— Дурустми? Балиқ тутдингларми? Лекин ҳаво ажойиб бўлди-да, а? Илтимос, Зауер, мана бу телеграммаларни жўнатиб юборинг. Биржа бюллетени келдими? Бугун долларнинг курси қанақа? Хўш... Хўш... Пахта акциялари-чи? Баланд денг? Жуда соз! «Тёпфер ва К°» банкирлар уйининг мана бу векселларини рад этинг. Ортиқ ён босолмайман. Бугун жуда очилиб кетибсиз, Фит хоним... Сиз нега бунча хаёл суриб қолдингиз, Глюк хоним? Ҳе-ҳе!

Шундай деб, у бармоғи билан йўлга пўписа қилди.

— Ҳа-а, сезиб турибман. Баҳорнинг таъсири-да бу. Ҳа-ҳа!

У қора суюртугининг ёқасига қистирилган бинафша боғламини тўғрилаб, соатига қаради.

— Ҳозир соат ўн. Поезд ўну қирқ бешда жўнайди. Мен кетяпман, соат иккидан ўн беш минут ўтганда шу ерда бўламан. Заводни қабул қилиб олишим керак. Штирнер икковимиз расмий томонларини бирпасда тўғрилаймиз. Ўзиям кўп ўтириб қолдим, бир оз шамоллаб ҳам келаман. Машина тайёрми? Кетдик, Штирнер!

Банкир Готлиб енгил қадам ташлаб чиқиб кетди, эшик ортидан овози эшитилди:

— Қаёқдасиз, Штирнер?

— Ҳозир!— Штирнер ён хонага кириб кучукларини чақирди:— Фальк! Брут!

Унинг истиқболига сайрда бирга бўлган исковуч билан Брут исмли туси йўлбарсникига ўхшаган улкан дог чопиб чиқди.

Штирнер Глюкнинг ёнидан ўта туриб, сал энгашди-да, кулимсираб сўради:

— Ҳалиям ҳал қилганингиз йўқми?

— Нимани?

— Менга турмушга чиқиш масаласини...

У хахолаб кулганча, кучукларни эргаштириб хўжайиннинг орқасидан югурди.

Эльзанинг қовоғи уйилди. Стол ортида ўтирган Зауер бир нималар деб тўнғиллади.

Дераза ортидан машина овози эшитилди.

Хонага сукунат чўкди. Фит индамай машинкасини чиқиллатар, Зауер эса асабийлик билан аллақандай қоғозларни титкиларди.

— Итбоқар!— деди у яна тўнғиллаб.

— Нималар деяпсиз?— сўз қотди Глюк.

— Нуқул итлари билан ўралашгани ўралашган,— деди Зауер куюниб.— Сира тоқатим йўқ бу иккиюзламачи жанобга! Қарздорларга нисбатан қаттиққўллигини назарда тутиб бўлса керак, кеча Готлибни сал бўлмаса одамхўрга чиқариб қўювди, бугун эса кўрдингларми? Хўжайиннинг товонини ялашга тайёр. Кўзларига худди Фалькка ўхшаб тикилади! Кучукларини бекорга олиб кетди деб ўйлайсизларми? Табиат қўйнида чолни зериктирмаслик учун олиб кетди...

— Жуда кекчи бўлиб кетибсиз, Зауер!— деди Эльза.— «Тёпфер ва К°»ни бўлса Готлиб ростдан ҳам ютиб юборди — Штирнер тўғри айтган экан.

— Векселларни ундиришга Готлибни Штирнернинг ўзи кўндирган, бунга шубҳа йўқ,— жавоб берди Зауер бўш келмай.

— Зауер ҳасад қиляти!— деди Фит кулиб.

— Марҳамат қилиб мана бу ведомостни кўчириб беринг!— деди Зауер энсаси қотиб, Фитга бир варақ қоғозни узатаркан.

Худди гуноҳ қилиб қўйган боладай Фитнинг дами ичига тушиб кетди ва қўрқа-писа:

— Хўп бўлади,— деди.

Машинка яна чиқиллай бошлади. Ҳамма ўз ишига киришиб кетди. Ора-чора телефон жиринглаб турарди.

Соат ўн бирларга яқин яна телефон жиринглади.Зауер қандайдир бир хатдан кўз узмай, трубкадаги овозга қулоқ тутди.

— Алло! Ҳа, ҳа... Банкир Карл Готлиб шахсий секретариатининг кабинети. Нима? Эшитмаяпман! Қаттиқроқ гапиринг! Нима бўлди дейсиз? Қандай қилиб? Бўлиши мумкин эмас!

Зауернинг қўлидан авторучка тушиб кетди. Ранги қув ўчди. Овозидаги ғайритабиий ўзгаришни сезган Глюк билан Фит ишларини ташлаб, унинг оғзига тикилиб қолишди.

—Поезднинг тагида қолди?.. Қандай қилиб?.. Кечирасиз, суриштирмасдан бўладими?.. Хўш... хўш... маъқул... хўп... Ҳаммасини тўғрилаймиз!

Зауер трубкани қўйди-да, қўли билан сочларини тараб, ўрнидан турди.

— Нима гап, Зауер?— деб сўради Фит ташвишланиб.— Ким поезднинг тагида қолибди? Гапирсангиз-чи, тезроқ!

Аммо Зауер ўзини яна креслога ташлаб, бир оз индамай ўтирди.

— Ҳа... Бир фалокат бўлишини кўнглим сезувди,— деди у ниҳоят ва ўрнидан сапчиб туриб, тез гапира кетди:— Ҳозиргина телефонда айтишди, Карл Готлиб поезднинг тагида қолибди...

— Тирик эканми?— бараварига сўрашди Фит билан Глюк.

— Тафсилоти маълум эмас...

— Тафсилоти эмиш!— деди Фит.— Тирикми, ўлганми?

— Сўраган эдим, ҳозир тушунтириб ўтирадиган пайт эмас, дарров каравотни ҳозирлаб, врачларни чақириш керак, деб жавоб беришди.

— Демак, тирик экан-да?— деди Глюк.

— Эҳтимол... — Зауер қўнғироқ тугмачасини босиб, хизматкорларни чақирди-да, тегишли кўрсатмаларни бергач, врачларга телефон қила бошлади. Уй ичи бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди. Ҳовлиқиб экономка[1] чопиб келди.

Готлиб сўққабош эди, бинобарин, бутун хўжаликни фрау Шмитгоф исмли саранжом-саришта бир кампир бошқарарди.

Шум хабарни эшитиб у тамом довдираб қолди. Эльза анчагача кампир билан овора бўлди.

Кўчада автомобиль овози эшитилди.

— Доктор!— хитоб қилди Фит.

— Йўқ, бу ўзимизнинг машинани овози,— жавоб берди Зауер.— Ганс, тезроқ йўлакка чиқинг!

Хизматкор Ганс оқсоқланганча ташқарига югурди.

Хонага оғир кутиш дақиқалари чўкди. Қўрқув ва ҳаяжондан ҳолсизланган фрау Шмитгоф креслода ҳарсиллаб ўтирарди.

Ниҳоят кўча ёқдаги хоналардан палапартиш қадам товушлари эшитилди.

— Опкелишияпти...— Шивирлади Фит.— Ишқилиб тирик бўлсин...

Эшиклар ланг очилди.

Тўрт киши Карл Готлибнинг қонга беланган жасадини кўтариб кирди.

Шмитгоф чинқириб бир дод солди-ю, ҳушидан кетди.

Готлибнинг оёқлари тиззасининг юқорисидан кесилиб кетган эди.

Темирйўлчилар формасидаги бешинчи киши аллақандай тугун кўтариб олган эди. Фит билан Глюк Готлибнинг жун ёпинғичини дарров танишди. Тугуннинг четидан банкирнинг ялтироқ ботинкалари кўриниб турарди.

«Оёқлари. Унинг оёқлари... Қандай даҳшат!— кўнглидан кечирди Глюк.— Нега опкелишяпти? Энди нима кераги бор?»

Готлибнинг юзи унча ўзгармаган, аммо докадек оқариб кетган эди.

«Кўп қон кетибди!» — ўйлади Эльза.

Яна бир нарса уни ларзага солди: Готлибнинг ёқасидаги бинафшалар қандай бўлса шундайлигича турганди. Мурданинг кўксидаги бу гуллар негадир Эльзани энтиктириб юборди.

---

[1] Экономка — хўжаликни бошқарувчи аёл.

Мурдани кўтарган одамлар кабинетдан ўтиб, Готлибнинг ётоқхонасига қараб юришди. Паркет полда қип-қизил қон томчилари қолди.

Готлиб жасади ортидан Штирнер борарди. Унинг юзи сал оқаринқираган бўлса-да, хотиржам эди. У полга томчилаган қонни босмаслик учун авайлаб қадам ташлар, гўё йўл устидаги кўлмаклардан сакраб-сакраб ўтаётгандай таассурот қолдирарди.

У билан изма-из Фальк борарди. Кучук ҳар бир қон томчисини искаб ўтарди.

Глюк Штирнерга ўзи ҳам англаб етмаган бир даҳшат билан қаради. Штирнер бу нигоҳни пайқади ва қизнинг назарида, унинг кўзларида табассум учқун отгандай бўлди.

Ётоқхонадан қайтиб чиққан Зауер Штирнернинг олдига келди-да, кўзларига синчковлик билан тикилиб сўради:

— Нега бундай бўлди?

Штирнер бу нигоҳга ҳам бардош берди — фақат қошлари бир чимирилди, холос ва хотиржам жавоб қилди:

— Кўрмай қолдим. Готлиб мендан шошилинч телеграмма жўнатишни сўради. Бунга атиги беш минутгина вақт кетди, холос. Қайтиб келсам, бўлар иш бўпти. Кўрган одамларнинг айтишича, кучугим Брут паровоздан қўрқиб ўзини четга отган экан, Готлибнинг оёғига урилибди. Чол қалқиб кетиб кучук билан бирга рельсга ағдарилиб тушибди. Брутни поезд иккига бўлиб ташлабди. Шўрлик кучугим-ей! Готлибни эса оёқларини...

— Фақат кучугингизга ичингиз ачияптими?

— Бемаъни гапларингизни қўйинг, Зауер. Қолаверса, таъзия изҳор этишнинг расмий усулларига кўпам зўр беравермang. Готлиб ажойиб одам эди, унга ачинаман. Лекин бундан, тўрт оёқли дўстим ҳалокатидан таассуфланмаслигим керак, деган маъно келиб чиқмайди.

— Жуда қизиқ!..— деди Зауер чўзиб ва бу билан ўз сўзларига алоҳида маъно бермоқчидай бўлди.— Готлиб Брут дастидан ўлибди-я!

— Брут одам эмас, кучук. Готлиб ҳам Цезарь эмас, банкир,— жавоб берди Штирнер истеҳзоли кулиб ва Готлибнинг ётоқхонасига ўтиб кетди.

III. ИККИ ВАСИЯТНОМА

Германиянинг йирик банкири Карл Готлибнинг фожиали ҳалокати ҳақидаги хабар бутун савдо оламида шов-шув қўзғади. Банкирнинг кабинети мамлакатнинг молия ва саноат томирлари туташган бир жой эди. Готлиб фақат банкларнигина эмас, балки йирик саноатни ҳам маблағ билан таъминлаб турар эди. Бинобарин, Готлибнинг ногаҳоний ўлими ўша куниёқ бутун мамлакатда гап-сўз бўлиб кетди. Газеталар у ёки бу кредиторлар учун бу ўлимнинг оқибати қандай бўлиши ҳақида баҳс юритар, молиявий кучлар нисбатидаги ўзгаришлар ва бош-

лиқсиз қолган банкнинг тақдири хусусида ҳар хил тахминлар ёзишарди. Готлибнинг ўрнини биров эгаллайдими ёки банк ёпиладими — ўртада ана шу савол турарди. Газеталарнинг мухбирлари ўқувчиларни Готлибнинг меросхўрлари — қариндошуруғлари билан таништиришди: марҳумнинг укаси, ер эгаси Оскар Готлиб, унинг Рудольф исмли йигирма тўрт ёшли ўғли ва тўртта қизи бор. Қайсидир бир газета ёш йигит билан бадавлат қизларга ҳатто қанчадан мерос тегишини ҳам ҳисоблаб чиқди.Аслида эсэ Готлибдан қолган бойлик қанчалигини ҳали ҳеч ким билмасди.

Савдо олами ҳаяжонда, газеталарда шов-шув, Карл Готлиб уйида эса фожиали тугаган инсон умрига сўнгги нуқта қўйилмоқда эди.

Қонуний меросхўрлар сифатида шошилинч чақиртирилган юзлари қип-қизил, басавлат Оскар Готлиб билан унинг сепкилдор тирмизаклари уйда ҳалитдан ўзларини хўжайиндай тутишарди.

Оскар Готлиб лабини тишлаб, қовоқларини уйди. Бойиб кетиш имконияти ҳақидаги хаёл кўзларида учқун бўлиб ўйнарди. Аммо бир томони одоб, бир томони эса акасидан жудо бўлгани туфайли юрагини ўртаётган ачиниш туйғуси уни андак тийиб турарди. Лекин фарзандлари очиқдан-очиқ тантана қилишар, беҳисоб мол-мулк қуршовида энтикиб, лаззатланишарди. Ўғли Рудольф, Оскарнинг катта қизлари Луиза билан Гертруда хонадан хонага ўтиб, девордаги антиқа суратларни томоша қилишар, қимматбаҳо буюмларни сийпалаб кўришар, юмшоқ креслоларга ўтириб, буюмларни ўзларича тақсимлашар, баҳслашишар, тинмай хахолаб кулишар ва ҳар хил режалар тузишарди...

Карл Готлибнинг мажруҳ танасига кесилган оёқларини қўшиб, салобатли дахмага кўмишди. Дафн кунининг эртасига васиятномани очиш тайин қилинганди.

Бу маросим анча дабдабали бўлди. Унга Карл Готлибнинг айрим хизматчилари, жумладан, Зауер, Штирнер, Глюк ва Фитлар таклиф этилганди.

Штирнер ёзув столи ортида лоқайд бир кайфиятда оқ қоғозга кучукларнинг расмини чизиб ўтирарди.

— Марҳум амакимнинг секретари сиз бўласизми? — деб сўради ундан Рудольф Готлиб.— Марҳамат қилиб, мени юқори қаватга олиб чиқинг, бир кўз ташлаб қўяй...

Штирнер индамай стол устидаги қўнғироқ тугмачасини босди. Эшикда хизматкор кўринди.

— Ганс, мана бу жанобни юқори қаватга олиб чиқинг! — Шундай деб у яна расм чизишга тушиб кетди.

Рудольф чурқ этмади, аммо жаҳли чиққанидан ранги ўчиб кетди.

Бир бурчакда Глюк ва Фит билан бу манзарани кузатиб ўтирган Зауер мийиғида кулиб қўйди.

— Қаранг-а, Эльза, Штирнер ўзини худди меросхўрдай тутади-я... Ростини айтсам, унинг қилиқларига сираям тушунол-

маяпман. Янги хўжайинлар кўчага ҳайдаб чиқаришларини кутяптими, ҳайронман...

— Бизнинг қисматимиз нима бўлишини ҳам худо билади,— деди Эмма ташвишли бир оҳангда.

— Нима қипти, ҳайдашса — сайёр циркка кассир бўлишга тўғри келади,— кулиб сўз қотди Эльза.

— Ҳазилни қўйинг, Эльза. Мен жиддий гапиряпман. Штирнер катта бир ўйин бошлаганга ўхшайди.— Зауер овозини пастлатиб давом этди: — Карл Готлибнинг ўлими ғалатироқ туюлмаяптими сизга?

Эльза Зауерга қаради.

— Бу билан нима демоқчисиз, Отто? Ахир Штирнер фалокат рўй берган пайтда йўқ экан-ку...

— Ҳа-ҳа! Демак, Готлибнинг ўлими тасодифий эмаслиги ҳақидаги фикр сизнинг ҳам хаёлингизга келибди-да? Ҳамма гап кучукда! Борди-ю, у қандайдир бир нарсанинг таъсири остида ҳаракат қилган бўлса-чи? Агар янглишмасам, Штирнер ўз илмий ишида ишонтириш ва узоқ масофадан киши фикрига таъсир қилиш масалалари билан шуғулланган... Ўз кучуклари билан қандай машғулотлар ўтказишини биласизми? Ўша куни кечқурун сайрдан қайтаётганимизда Фальк чопиб келиб этагингиздан тортгани ёдингиздами?

— Қандай даҳшат! — шивирлади Фит.— Кучукларига буюриб, бизни ғажитиб ташласа-я!

Зауер кулди.

— Унга фойдаси йўқ буни. Штирнернинг кучуклари йириқроқ ўлжани кўзлашади. Лекин Готлибнинг ўлимидан унга нима фойда? Бу одамнинг турган-битгани сир. У билан бир йилдан ортиқроқ вақтдан бери бирга ишлаймиз, ҳар куни учрашиб турамиз, лекин ҳеч қайсимиз унинг хонасига кирмаганмиз, шундай эмасми? Нима қилади у хонасида? Қамалволиб, қандай режалар тузаркин?

— ...Овора бўласан. Коронинг манзара суратини олишинг мумкин. Лекин муқаддас Себастьянни ўла қолсам бермайман!

Опа-сингил Готлиблар амакиларидан қолган мерос устида ўзаро баҳслашиб, хонадан ўтиб кетишди.

Зауер нафасини ичига ютди.

Хоналардаги қўнғироқлар чалиниб, ҳаммани марҳум хўжайиннинг каттакон кабинетига чорлади. Кабинетдаги ёзув стол ортида гардиши қора кўзойнак тақкан, озғингина бир чол — нотариус ўтиради. У ниҳоятда расмиятчи одам эди, бинобарин, конвертлар очилгунга қадар васиятноманинг мазмунидан меросхўрларни огоҳ қилишдан қатъиян бош тортди. Ноилож қолган Готлиб авлодлари нотариуснинг мерос сирини яшириб ётган қалин портфелига ҳаяжон билан тикилиб ўтиришарди. Нотариус портфелидан шошмасдан бир пакетни олиб, муҳрлари бутунлигини ҳаммага кўз-кўз қилиб кўрсатди, сўнг пакетни очиб, васиятномани ўқий бошлади.

Васиятга биноан ҳамма мол-мулк марҳумнинг укаси Оскар

Готлибга ўтган эди, шунингдек, анча-мунча пул фрау Шмитгофга, бир қисм маблағ эса эски хизматчиларга васият қилинганди.

Готлиб ва унинг фарзандлари васиятномани охиригача эшитиб бўлиб, енгил нафас олишди. Аммо шу пайт натариус:

— Бу биринчи васиятнома...— деб эълон қилди. Ҳамма донг қотиб қолди.

— Демак, иккинчиси ҳам бор экан-да? — деб сўради Оскар Готлиб ташвиш билан.

— Ҳа, бор. Ҳозир ўқиб бераман,— деди нотариус ва бу пакетни ҳам ҳаммага кўз-кўз қилиб кўрсатиб чиққач, Карл Готлиб ўлимидан атиги бир ой олдин ёзилган иккинчи васиятномани олиб, ўқий бошлади:

— «Илгари ёзилган барча васиятномаларимни бекор қилиб, ўзимга тегишли буткул бойлик ва мол-мулкларни, улар қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар, тўлалигича стенографисткам Эльза Глюк ихтиёрига ўтказаман. Ўз қариндошларимни меросдан маҳрум этиб, уни Эльза Глюкка қолдираётганлигимнинг айрим сабаблари борки, уни ошкор этолмайман. Аммо қариндошларим суд орқали Эльза Глюкнинг васиятдан келиб чиқадиган ҳуқуқларига дахл қилмасликлари учун мени шу ишга ундаган баъзи сабабларини айтиб ўтмоқчиман: 1) Эльза Глюк менга шундай бир яхшилик килганки,— у ҳақда гапириб ўтирмайман,— бу яхшиликни қайтариш учун мен қолдираётган бойлик ҳам камлик қилади. 2) Мутлақо шахсий характердаги баъзи бир сабаблар мени укам Оскар Готлибни ўзимга яқин кишилар рўйхатидан ўчиришга мажбур қилди...» Мерос қолдирувчининг мол-мулки долларга чақилганда, тахминий ҳисобларга кўра, икки миллиардни ташкил қилади,— деб сўзини тугатди нотариус.

Оскар Готлиб кресло суянчиғига гавдасини ташлади. Кўз олди қоронғилашиб кетди. У асабий бир тарзда бармоқларини ишқалаб, оғир-оғир нафас оларди. Шу топда у бошига оғир бир нарса билан урилган кишини эслатарди. Опа-сингил Готлиблар эса бошларини бир-бириларининг елкаларига қўйиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлашарди.

Рудольфнинг юзи шу даражада оқариб кетдики, сепкиллари худди лой сачрагандай қорайиб қолди.

— Бўлиши мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас!..— деб қичқирди у бирдан жазаваси тутиб.— Елғон! Алдамчилик! Жиноят! Биз буни шу ҳолда қолдирмаймиз! Бу ердагиларнинг ҳаммаси фирибгар!

Нотариус елкасини қисди.

— Тилингизни сал тийиброқ гапиринг, йигитча. Мен фақат ўз бурчимни бажардим.Агар васиятномани нотўғри деб топсангиз, қонун йўли билан даъво қилишингиз мумкин. Ҳозир эса буни меросхўрга топширишга мажбурман.

Нотариус стол ортидан туриб, Эльза Глюкнинг олдига келди-да, тавозе билан васиятномани узатди.

Эльза ҳангу манг бўлиб қошларини чимирди-ю, беихтиёр қоғозни олди.

Донг қотиб қолган Зауер Эльзага тикилди. Эмма Фит эса суюнишини ҳам, йиғлашини ҳам билмасди. Фақат нотариус билан Штирнер хотиржам эдилар.

Бирдан Оскар Готлиб бир чайқалди-ю, креслодан сирғалиб туша бошлади. Ҳамма унинг устига ёпирилди.

— Докторни чақиринглар!

Хона бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди.

IV. БАХТИЁР ҚАЙЛИҚ

Карл Готлибнинг мол-мулки устидан ёзган васиятномаси тасдиқлангунга қадар васийлик тайин қилинди, шуниси ҳам борки, Оскар Готлиб ўзини васий қилиб тайинлашларига эришди. Шу боисдан Готлиб ўз фарзандлари билан марҳум банкирнинг уйида истиқомат қилиш учун қолди. Энди ёш Рудольф Готлиб адолатли суд «қонуний меросхўрларнинг ҳуқуқларини тиклашига» қаттиқ ишонганидан яна ўзини бўлажак ворис сифатида дахлсиз тутарди.

Марҳумнинг беҳисоб бойликларини ҳисоб-китоб қилиш учун ҳамма хизматчилар иштирок этиши шарт эди. Бинобарин, васиятнома ўқилган куннинг эртасига ҳамма ишга келди, жумладан, Эльза ҳам.

— Ие, сизмисиз? — таажжубланиб кутиб олди уни Зауер.— Ким сифатида бу ерга келдингиз?

— Стенографистка сифатида,— жўнгина жавоб берди Эльза.

— Миллиардерлар стенографистка бўлиб ишламайди! — деди Зауер ва Эльзани бир четга тортиб, давом этди.— Илтимос, ўтиринг... Сиз билан жиддий гаплашиб олишимиз керак.

Улар ўтиришди. Тун бўйи ухлай олмаган Отто фикрларини бир ерга жамламоқчи бўлгандай пешонасини ишқади.

— Кечадан буён ҳушим бошимдан учган, сира ўзимга келолмаяпман. Ёки мен Штирнерни жиноятчи деб ноўрин шубҳаландим, ёки бўлмаса... У мен ўйлагандан кўра ҳам хавфлироқ. Лекин шу нарса менга аёнки, икковимизнинг ўртамизда ўтиб бўлмас тўсиқ пайдо бўляпти... Мендан узоқлашиб кетяпсиз, Эльза!

Эльза унга ҳам таажжуб, ҳам андак таъна билан қаради.

— Ростини айтинг, Эльза, сизни кутаётган бахтдан хабарингиз бормиди, йўқмиди?

— Хабарим йўқ эди,— қатъий жавоб берди Эльза.

— Ҳеч бўлмаса Карл Готлиб ўзининг бутун бойлигидан устун қўйган ўша бебаҳо яхшилигингиз ёдингиздадир, ахир?

— Унга бирор яхшилик қилганимни эслаёлмайман.

Зауер яна кафтини қизиб кетган пешонасига қўйди.

— Ақлдан озиш ҳеч гапмас... Айтайлик, бунда Штирнернинг қўли бордир,— лекин бунга ўзимам энди ишонмайман,— дей-

лик, у қария Готлибга бир бало қилиб таъсир ўтказгандир, қилинмаган яхшиликка усталик билан ишонтириб, уни ана шундай олижаноб ҳаракатга ундагандир... У ҳолда нима учун Штирнер васиятномани ўз номига ёздириб олмади? Ёки...— Зауер бирдан қаддини ростлади, юзида аллақандай оғриқ ифодаси пайдо бўлди.— Мени кечиринг, Эльза, сиздан яна битта нозик нарсани сўрашим керак: эҳтимол Карл Готлиб билан ораларингизда бирор...

Эльзанинг жаҳли чиқиб, ўрнидан туриб кетди.

— Бўпти, бўпти, гапирмайман, тинчланинг! Ўтиринг, илтимос... Кўриб турибсиз-ку, аҳволимни... Миям бутунлай ғовлаб кетди. Эҳ, шунақа азобда қолдимки! Юрагимдаги шубҳаларимни сизга айтишим керак, тун бўйи ухлаёлмай чиқдим. Нима хаёлларга бормадим-е!... Эҳтимол, сизни... Готлибнинг қизидир, деб ҳам ўйладим...

— Менга қаранг, Зауер, ҳозироқ кетаман, агар...

— Балки сиз... ха-ха-ха! Штирнер билан шерикдирсиз, унинг учун ниқоб вазифасини бажараётгандирсиз...

Эльза яна ўрнидан туриб кетди, аммо Зауер уни қўлидан тортиб, зўрлаб ўтқазиб қўйди.

— Ўтиринг! Охиригача эшитинг. Тушунсангиз-чи, мен юзингизга шартта-шартта, очиқ-ойдин айтаётган гапларни бошқалар орқангиздан гапиради, гапиряпти ҳам. Бу васиятнома номингизга дог туширишини наҳотки тушунмасангиз?

— Менга қаранг, Зауер, мен сизни севаман, кўряпсизми, очиқ айтяпман, аммо сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлади. Ҳатто ақлдан озган бўлсангиз ҳам... мен бунақа тентакликка тоқат қилолмайман. Бекордан-бекорга мени ҳароқат қилишга ким ҳуқуқ берган сизга?

— Ҳуқуқ, ҳуқуқ! Мени шубҳалар ўтида азоблашга ким ҳуқуқ берган? Қаёқдан келди бу шубҳалар? — Шундай деди-да, Зауер жим бўлиб қолди, ҳорғинлик билан бошини қуйи эгди.

Эльзанинг унга раҳми келиб кетди. Аста билагидан ушлаб шивирлади.

— Сизни ҳеч ким азоблаётгани йўқ. Сиз ўзингизни-ўзингиз азоблаяпсиз. Нима кераги бор? Бизнинг муносабатларимизда ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ, Отто, қанақа тўсиқ ҳақида гапираётганингизни тушунмаяпман.

— Нега ўзгариш бўлмас экан? Карл Готлибнинг миллионлари, миллиардлари-чи! Сиз мамлакатдаги энг бадавлат аёллардан бирисиз, мен бўлсам... Менинг эркаклик ғуруримдан бўлак ҳеч нарсам йўқ. Мен камбағалман, бинобарин, пулига учиб уйланди, деган гап-сўз бўлишини хоҳламайман. Пул! Наҳотки бу тўсиқ бўлмаса?

— Тилла тўла қоплар орамизда тўсиқ бўлади, деб ким айтди сизга? Ҳеч қандай тўсиқ йўқ, бўлмайди ҳам!

Отто Зауер Эльзага гарангсиброқ тикилди, лекин энди ўзини анча енгил сезди.

— Нима демоқчисиз, Эльза?

— Айтмоқчиманки, бу меросни олиш нақадар ўнғайсизлигини англаш учун Отто Зауерга ўхшаш юрисконсульт бўлиш ҳам, кечалари ухламай савдойи даражасига етиш ҳам шарт эмас. Карл Готлибнинг инъомини қабул қилишни хаёлимга ҳам келтираётганим йўқ. Меросхўрлик ҳуқуқидан воз кечаман, вассалом.

— Эльза! Наҳотки? — Зауер беихтиёр қичқириб юборган эди, хонанинг нариги бурчагида машинкасини чиқиллатиб ўтирган Эмма Фит бир чўчиб тушди.

— Нима бўлди, Зауер? Ўтакамни ёриб юбордингиз-ку.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, хоним, бирдан бой бўлиб кетганимдан, суюнганимдан қичқирдим.

— Демак, Эльзага уйланасиз? — ўзича тушунди Эмма ва чопиб келиб жилмайиб ўтирган дугонасини ўпиб, оғзи қулоғида Зауерни табриклай кетди.

— Нима томоша? Нима учун табриклашяпти? — орқадан хонага кирган Штирнернинг овози эшитилди.

— Нимасини айтасиз? Эльза Зауерга турмушга чиқяпти! Шунақа бой бўлиб кетишадики ҳали! — деди Эмма энтикиб Штирнерга.

— Ростданми? — сўради Штирнер.

Эльза билан Зауер кўз уриштириб олишди. Эльза бир оз иккиланиб турди-да, кейин қатъий жавоб берди:

— Ҳа, ростдан. Табриклашингиз мумкин.

Зауер суюниб кетганидан Штирнернинг қўлини маҳкам қисди.

— Табриклайман, бўлажак хўжайинларим, дарвоқе, менинг хизматимдан фойдаланишга рози бўлсаларингиз, албатта. Акс ҳолда, хайр дейману чамадонимни елкамга қўяман-да, кучукларимни эргаштириб сайёр циркка равона бўламан... Илож қанча, бошқа кассир қидиришга тўғри келади... Балки сиз рози бўларсиз, хоним? Эмма, сиз нима дейсиз? Ие, нима бўлди сизга, қўзичоғим? Йиғлаяпсизми?

— Шунчаки... бу хурсандчиликдан! — деди Эмма.

— Шунақами? — кулди Штирнер. Сўнг, бармоғи билан пўписа қилган бўлди: — Қўғирчоқлар ҳам ўз туйғуларини яшира билишлари керак. Ростини айтинг, Людвигга сал бўлсаям ичингиз ачияптими, йўқми? Сал-пал севармидингиз уни, а?..

Хизматкор кирди.

— Жаноб Готлиб жаноб Отто Зауерни кабинетга киришларини сўраяпти.

Зауер Эльзага бош ирғаб, истамайгина хонадан чиқди. Эльза билан ёлғиз қолган Людвиг Штирнер бирдан жиддийлашди.

— Қарорингиз қатъийми, Глюк хоним?

— Ҳа, қатъий.

Штирнер ўйланиб қолди. Кейин сўради:

— Мен-чи? Мен умидимни бутунлай узаверайми?

— Энди фойдаси йўқ... Менга қаранг, Штирнер, бу воқеа-

ларнинг сиридан воқиф одам, менимча, биттаю битта сизсиз. Шунинг учун баъзи саволларимга жавоб берсангиз.

— Марҳамат.

— Васиятноманинг сирини айтиб беролмайсизми?

— Бу сир Карл Готлиб билан бирга дафн бўлган.

— Жавобингиз мени қониқтирмайди. Яна битта, энг қийин савол: васиятнома билан Карл Готлибнинг ногаҳоний ўлими орасида бирор алоқда борми?

— Албатта бор. Готлиб ҳалок бўлиши билан васиятномани тасдиққа тақдим этиш ва меросхўрлик ҳуқуқини эгаллаш имконияти туғилди — буни ҳар бир юрист айтиши мумкин.

— Сиз мени тушунишни хоҳламаяпсиз ёки...

— Ёки сиз одоб юзасидан фикрингизни очиқ айтмаяпсиз. Очиғини айтинг: чолнинг ўлимига мен айбдор эмасманми?

Эльза қизариб кетди.

— Ўзингиз айбдорсиз, Штирнер. Эсингиздами, софдилликни иллат деб атаган эдингиз... Ҳар куни қўл бериб кўришадиган танишларинг орасида шундай одам бўлиши...

— Қўллари олтмиш яшар бегуноҳ чақалоқнинг қонига бўялган одам демоқчисиз-да? Шу аҳволига яна сизга оғиз солиб ўтирса-я...

— Менга қаранг, Штирнер, қаёқда юрибсиз? Яхшимас. Сизни кутиб ўтирибмиз,— деди Оскар Готлиб хона эшигини очиб.

Штирнер ғижиниб ўрнидан турди-да, чиқиб кетди.

— Шунча узоқ нимани гаплашди? — деб сўради чопиб келиб Эмма.

— У менга қалбини ва тўёна сифатида бутун ер юзини таклиф қилди.

— Сен нима дединг? Бир кунда иккита таклиф? Қандай бахтлисан-а!

— Биласанми, Эмма, меросдан воз кечдим,— деди Эльза.

Эмма донг қотиб қолди.

— Сен ҳам Штирнердан баттарсан!..

V. ЧАЛКАШ ҲОДИСА

Оскар Готлиб ўлмади-ю, лекин меросининг нохосдан қўлдан кетиши уни ўлмоқдан бери қилди. У юзи қорайиб шишинқираган, сўлғин бир қиёфада машҳур адвокат Людерснинг кабинетида ўтирар ва бошини бир томонга қийшайтирганча қўлидаги қаламни асабийлик билан ўйнаб гапирарди.

— Бу мерос масаласи ғирт бемаъни ва чалкаш иш бўлди. Эҳтимол, ўғлим Рудольф, бу ерга фирибгарлар йиғилган, деб тўғри айтгандир. Жиноятчилар ёки ақлдан озганлар тўдасидир. Ўзинглар бир ўйлаб кўринглар. Васиятнома очилган куннинг эртасига мен бафуржа гаплашиб олиш мақсадида марҳум акамнинг юрисконсульти Отто Зауерни хонамга таклиф қилдим. Зауер марҳум Карлнинг ишончли кишиси сифатида васиятнома билан боғлиқ чалкашликни тушунтириб берар, деб ўйлагандим.

Бироқ Зауер ё чиндан ҳам васиятнома ўзгарганидан бехабар, ёки ҳақиқатни айтишни истамади. Лекин кутилмаганда у бошқа янгиликни маълум қилди.— Эльза Глюк меросдан воз кечмоқчи, деб қолди. Глюкни чақирган эдим, у ҳам бу гапни тасдиқлади. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Эльза Глюк ёзган ишонч қоғози бўйича яна Зауернинг ўзи васиятномани суд тасдиғига топширди. «Бу нима қилганларинг?» — деб сўрадим ундан. Зауер елкасини қисиб: «Меросхўр фикридан қайтди»,— деб жавоб берди.

— Эльза Глюк-чи? Ўзи билан қайтиб гаплашмадингизми? — сўради адвокат сигара буруқсатиб.

— Гаплашдим. У менда ғалати таассурот қолдирди. Юзида қандайдир бир совуқ лоқайдлик, боқишлари маъносиз, ҳаракатлари худди уйқудан қолган одамникидай беҳол. «Глюк хоним,— дедим унга,— васиятномадан воз кечган эдингиз-ку?» — «Билмадим, эсимда йўқ... Бўлса бордир»,— деб жавоб берди у. «Унақа бўлса нега васиятномани судга топширдингиз?» У менга ажабланиб қаради-ю, оғзига толқон солиб олгандай, миқ этмади. Бир соатча овора бўлдим. Кейин у бирдан ўрнидан турди-ю, лом-мим демай чиқиб кетди.

— Эҳтимол у қайлиғининг қистови билан ўз фикридан қайтгандир? — сўради адвокат.— Зауер унинг қайлиғи-ку, ахир?

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман. Аммо қизиғи шундаки, қайлиғининг ўзи ҳам ғалатироқ туюлди менга. Ҳаддан ташқари тунд, гўё қайлиғининг шундай катта меросга эга бўлиши — унга бахтсизлик келтирадигандай. Кайфияти бузуқ, ўлгудай тажанг. У ёки артистлик қиляпти, ёки бўлмаса икковлари ҳам ақлдан озишган.

— Нима бўлганда ҳам,— Оскар Готлиб қаламни чўнтагига солди-ю, аммо шу заҳотиёқ яна қайтариб олди,— васиятнома топширилган, бинобарин, курашиш керак. Сиз нима дейсиз, жаноб адвокат?

Людерс битта ҳам туки қолмаган ялтироқ бошини кресло суянчиғига ташлаб, тепасида сузиб юрган тутун ҳалқачаларига кўз тикканча, худди ўзига-ўзи гапираётгандай аста сўз бошлади:

— Васиятномани даъво йўли билан рад этиш расман мумкин эмас: васиятнома барча қонун-қоидаларга риоя қилинган ҳолда нотариусдан ўтган. Суд ва полициянинг тергов протоколига қараганда, Карл Готлиб бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган, бу ишда бировнинг қўли йўқ. Хўш, нима қилиш керак? Васиятнома ёзилаётган пайтда Карл Готлибнинг эси жойида эмаслигини исботлашимиз лозим. Бирдан-бир йўли шу, аммо жуда қалтис йўл бу...

Людерс огзидан тутунни яна ҳалқача қилиб чиқариб, Оскар Готлибга мурожаат қилди:

— Тўғрисини айтинг, марҳум акангиз билан муносабатларингиз қандай эди? Балки ораларингиздан бирор гап-сўз ўтгандир?

— Мутлақо! — қатъий жавоб берди Оскар Готлиб.

— Бўлмаса, иккинчи васиятномадаги имо-ишораларга нима дейсиз?

Оскар Готлиб қип-қизариб, ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди.

— Имо-ишоралар! Худди мана шунинг учун ҳам иккинчи васиятномани бекор қилишларини даъво қилмоқчиман-да... Бу имо-ишоралар мен учун уят. Меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум бўлиш қанчалик оғир бўлса, марҳумнинг бундай бўҳтонига кўникиш ундан ҳам қийинроқ... Нима учун шундай бўлганига ақлим етмаяпти, бу ерда бир англашилмовчилик бор. Эҳтимол, кимдир қасддан мени акамга ёмонлагандир?

— Ҳа, чалкаш ҳодиса... Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, лекин бирор иш чиқишига кафолат бериш қийин.

Шундай деб, машҳур адвокат учинчи бор тутун ҳалқачасини чиқариб, суҳбатни ўзи учун енгил ва ёқимли бўлган гонорар масаласига кўчирди.

VI. СУД ПРОЦЕССИ

Оскар Готлибнинг Эльза Глюк билан бўладиган суд процесси катта шов-шув қўзғади. Иш ютиб чиқилган тақдирда машҳур адвокат Людерс оладиган йирик гонорар, Готлиб васият қилиб қолдирган катта маблағ, васиятнома ёзилганидан сўнг бир ой ўтгач, Готлибнинг тўсатдан ҳалок бўлиши — буларнинг барчаси газеталар учун, ундан кўра ҳам узунқулоқ гаплар учун битмастуганмас мавзу манбаи эди. Ақл бовар қилмайдиган тахминлар, қизғин баҳслар олиб борилар, гаровлар ўйналарди. Ака-ука Готлибларнинг ўзаро алоқаси, шунингдек, Эльза Глюкнинг Карл Готлиб билан Зауерга муносабати ҳаммани кўпроқ қизиқтирарди. Уларни боғлаб турган нарса нима? Оскар билан Карл Готлиб орасида нима гап ўтган? Нима учун марҳум ўз укасини меросдан маҳрум қилди? Судни ҳам худди ана шу масалалар қизиқтирарди.

Оскар Готлибнинг адвокат Людерс томонидан моҳирона тўқилган даъвосига кўра, Карл Готлиб васиятномани ёзган пайтида «эс-ҳуши жойида бўлмаган». Буни исботлаш учун ҳамма имкониятлар ишга солинди. Карл Готлибнинг қабрини очиб, энг зўр профессорлар марҳумнинг миясини ёриб кўришди. Шу муносабат билан судга тақдим этилган протоколда миянинг вазни, туси, миядаги чизиқларнинг сони, паришонхотирликнинг бошланаётгани батафсил ёзиб чиқилган эди-ю, лекин асосий вазифа ҳал этилмаганди.

Экспертлар Карл Готлибни узил-кесил ақлдан озган дейишга журъат этишолмасди, лекин Людерснинг «шарофати» билан баъзи бир «нуқсонлар» топишди.

Аммо Людерснинг ихтиёрида пухта тайёрланган гувоҳлар

ҳам бор эди. Людерс учун экспертларга нисбатан ўшалар билан муомала қилиш осонроқ эди.

Катта ишнинг бошида турган Карл Готлиб қўлида озмунча одам ишламасди. Уларнинг орасидан тузукроқ «чўтал» эвазига хоҳлаган мақомга йўрғалайдиган гувоҳларни ёллаш унчалик қийин эмас эди. Тажрибали қўл бошқариб турган гувоҳлар Карл Готлибни жиннига чиқариш мақсадида у билан боғлиқ ҳар хил майда-чуйда гапларни уйиб ташлашди.

Бош бухгалтер марҳумнинг ғалати бир одати, яъни унинг ҳаддан ташқари ихтирочиликка берилгани ҳақида гапириб, залда ўтирганларни хўп кулдирди. Масалан, Карл Готлиб махсус лифт ясаттириб, унга ёзув столининг ёнида турган креслони ўрнаттирган эди. Лифт учала қаватни бирлаштирар эди. Готлиб иккинчи қаватда жойлашган ўз квартирасидаги тугмачани босиб, биринчи қаватга — банкка тушарди.Қоғозларга имзо чекар ёки зарур кишиси билан гаплашарди-да, яна креслода ўтирганча иккинчи қаватга, тўппа-тўғри ёзув столининг ёнига кўтарилиб, ишини келган жойидан давом эттираверарди.

Готлиб ишлаб ўтирган пайтида хизматчилар ёки малайларнинг киришини ёқтирмасди. «Хаёлни бўлади»,— дерди у. Бинобарин, уй ичига доим айланиб турадиган махсус ленталар — транспортёрлар ўрнатилганди. Айтайлик, Готлибга бирор китоб ёки иссиқ кофе керак бўлса, у ўша нарсани телефонда буюрар, шу заҳотиёқ бир стакан кофе, китоб, сигара қутиси қўйилган патнис таранспортёрнинг шовқинсиз айланадиган лентасида шиғиллаб тўппа-тўғри столининг ёнига келиб тўхтарди.

— Унинг гигиенага бўлган эътиқоди ҳам васваскидан бошқа нарса эсмасди,— деди гувоҳлардан бири.— Ҳамма хоналарга термометрлар, гигрометрлар ва ҳавонинг составини аниқлаб, уни тозалаб турадиган мураккаб аппаратлар ўрнатилганди. Готлиб одатдаги вентиляцияни тан олмасди. «Чанг ва бензин ҳидига тўйинган кўча ҳавоси билан уй ҳавосини тозалаб бўлмайди»,— дерди у. Шунинг учун уй ҳавоси кимёвий йўл билан тозаланарди. Махсус бир одам уйдаги ҳарорат ўн икки даража бўлишини назорат қилиб турарди: ёзда ҳаво қуруқ ҳам, нам ҳам бўлмаслиги ҳамда унда кислород камайиб, карбонат ангидрид кўпайиб кетмаслиги учун ҳарорат сунъий равишда ўн икки даража қилиб совитилиб, ҳаво муттасил озонлаштириб турилади.

Кўнгилчанроқ ёки бўлмаса, Людерс томонидан оғзи тузукроқ мойланган янги эксперт-психиаторлар ана шу кўрсатмаларга асосланиб, марҳум Готлиб чиндан ҳам соғ бўлмаган, деган хулосани ёзиб беришди. Энди тарозининг посангиси Оскар Готлиб фойдасига оға бошлади. Судни ҳукм чиқаришда қийнаб турган биттагина масала қолган эди — у ҳам бўлса Карлнинг Оскарга муносабати масаласи эди. Тўғри, бу масалада ҳам бир талай гувоҳлар сўзга чиқиб, Карл билан Оскарнинг орасидан қил ҳам ўтмас эди, деган мазмунда гапиришди. Бироқ ака-уканинг ораси ҳатто яқин кишилари ҳам сезмаган бирон-бир сабаб туфайли

бузилган бўлиши ҳам мумкин-ку. Оскарнинг бахтига, уларнинг ўртасида жанжал бўлганини ҳеч ким исботлаб беролмади. Людерс ютиб чиқаётганини кўнгли сезиб, оладиган катта гонорарини хаёлан хомчўт қилиб ўтирарди. Наццада ҳашаматли боғ... Янги автомобиль... Мариэтт... У ўз-ўзидан жилмайиб, роҳатланиб керишди. Ҳа, бунақа ишда экспертлару гувоҳлар билан ҳар қанча овора бўлсанг арзийди! Людерс ҳам бор истеъдоди ва нотиқлик талантини намойиш қилди.

Суд ҳукм чиқарадиган куни залга одам сиғмай кетди. Баъзилар олазарак бўлиб Эльза Глюкни қидиришарди, аммо у кўринмасди. Қизнинг манфаатини Зауер ҳимоя қилаётганди.

Людерс судда ажойиб нутқ сўзлади. У гувоҳлар билан экспертларнинг маълумотларини нозик таҳлил қилиб берди, кутилмаган қиёслар келтириб, хулосалар чиқарди, тунд Зауернинг гапларини усталик билан рад этиб ташлади. Людерс нутқ сўзлаётганда бир неча марта гулдурос қарсаклар чалинди, афтидан, қарсак чалганларнинг аксарияти «қонуний меросхўрлар», яъни Оскар Готлиб томонида турган кишилар эди. Судьялар ўзларини сиртдан ҳар қанча хотиржам тутгандай қилиб кўрсатмасинлар, уларнинг ҳам Готлиб томонига оғаётганликлари шундоқ сезилиб турарди.

— Марҳум Карл Готлибнинг мен ваколатини олган Оскар Готлибга муносабати масаласига келсак,— деди сўзининг охирида Людерс,— бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, ахир, ақлдан озган одам бировни яхши кўрди нима-ю, ёмон кўрди нима? Зауер Карл Готлибни катта ишни бошқарарди, деди.— Людерс елкасини қисди.— Нима қипти? Тарихда аҳмоқ подшолар каттакатта давлатларни бошқарганига, халқ эса бундан мутлақо бехабар эканига мисоллар кўп.

Залда ўтирганларнинг бир қисми чапак чалиб юборди. Суд раиси қўнғироқни жиринглатди.

Шу пайт Оскар Готлиб ўрнидан турди. Унинг кўриниши уйқусираган одамникига ўхшарди. У оёқларини базўр судраб, судьялар ўтирган стол ёнига келди-да, бўшашибгина:

— Менга сўз беринглар,— деди.

Залга оғир сукунат чўкди.

Оскар Готлиб худди бир нарсани эслашга уринаётгандай, фаромуш бир ҳолатда, қийналиб гапира бошлади.

— Елғон... Людерс ёлғон гапиряпти. Карл соппа-соғ эди. У мени меросдан маҳрум этиб, тўғри иш қилди. Мен унинг олдида гуноҳкорман.

Залдагилар донг қотиб қолди. Людерс аввалига каловланиб, сўнг Оскар Готлибнинг олдига чопиб келди-да, жонҳолатда енгидан торта бошлади:

— Нималар деяпсиз! Эсингизни йиғинг! Ҳамма ишни расво қилдингиз! Ғирт жинни бўлибсиз! — деди у жиғибийрон бўлиб чолнинг қулоғига.

Оскар қўлини силтаб тортди-да, кутилмаган бир асабийлик билан қичқира кетди.

— Нима деб пичирлаяпсиз? Халақит берманг! Боринг! Карл олдида гуноҳкорман. Буни очиқ айтолмайман. Оилавий сир бу. Лекин бунинг аҳамияти йўқ.

Ҳатто судьялар ҳам гангиб қолишди.

— Нима учун буни фақат эндигина айтяпсиз? — деб сўради суд раиси.

— Чунки... Чунки...— Готлиб фикрини йўқотиб қўйгандай ўйланиб қолди, сўнг давом этди: — Чунки баъзи бир нарсалар марҳум акамга маълум бўлиб қолганидан бехабар эдим. Буни фақат бугун билдим. Мен эмас, Эльза Глюк меросга ҳақли.

Залда бирдан ғала-ғовур кўтарилди. Раис қўнғироғининг овози шовқин-сурон ичида эшитилмасди ҳам. Людерснинг ранги докадек оқариб кетган эди. У гандираклаб бориб столча устида турган графиндан сув қуйди. Қўли титраганидан стакан тишларига урилиб, сув кўкрагига тўкилди.

Зауер ҳам тамоман лол бўлиб қолган эди.

Хуноби ошиб, қип-қизариб кетган Рудольф Готлиб эса иккала қўли билан отасининг елкасидан ушлаб силкитиб, бир нималар деб қичқирарди. Аммо Оскар парвойифалак эди. Шундан сўнг Рудольф суд столи ёнига чопиб келди-да, муштумини ҳавода ўйнатиб бақира бошлади:

— Ақлдан озганини кўрмаяпсизларми? Бу ердагиларнинг ҳаммаси ё жинни, ё жиноятчи... Мен буни шундоқ қолдирмайман!

Суд мажлисни ёпди. Раис зални тозалашни буюрди.

VII. ҒОЙИБ БЎЛГАН МЕРОСХЎР

Даъво рад этилиб, васиятнома тасдиқланди. Эльза Глюк қонуний меросхўр деб топилди.

Рудольф ҳам, катта гонорардан маҳрум бўлган Людерс ҳам бунга тоқат қилишолмасди. Энди нима қилиш керак? Балки Оскар Готлибни жиннига чиқариб, ўғли Рудольфни унга ҳомий этиб тайинлаш ва шу тариқа ишни қайта қўзғаш керакдир?

Аммо ҳозиргача бунинг иложи йўқ эди, Оскар Готлиб суддан кейиноқ дом-дараксиз ғойиб бўлган эди. Сиртдан уни «қонун олдида эътиборсиз», деб эълон қилиш ҳам мумкин эмасди. Рудольф йўқолган отасини қидириб топиш учун бор будини сарфлаб, қарзга ботиб кетди, катта суюнчилар ваъда қилди. Аммо отасининг дараги чиқмади. Бунинг устига, қайта шикоят қилиш муддати тугаб бораётганди.

Танг аҳволда қолган Рудольф Эльза Глюкнинг олдига чопди. У ҳали васиятномага биноан ўз ихтиёрига ўтган Карл Готлибнинг уйига кўчиб келмаган, аммо ҳар куни ишга шу ерга қатнарди. Шахсий секретариат хонасида Штирнер унга бир нималарни айтиб турар, қиз эса бош кўтармай ёзиб борарди. Эльзанинг илгаригидай ўз иш жойида ўтириши ғалати туюлиши мумкин эди-ю, лекин ўзи билан ўзи бўлиб қолган Рудольф бу нарсага эътибор ҳам бермади.

— Ҳа, йигитча, ишлар қалай? — деб сўради Штирнер кулимсираб.

— Бунинг сизга алоқаси йўқ, йигитча,— жавоб берди Рудольф жаҳл билан.— Мен Глюк хоним билан гаплашмоқчиман! — Шундай деб, Рудольф Штирнерга, чиқиб туринг, дегандай савол назари билан қаради. Штирнер бир кўзини қисди.

— Шунақа денг! Бемалол!

Штирнер чиқиб кетгач, Рудольф сочларини ҳурпайтириб, кабинетда у ёқдан-бу ёққа югура бошлади.

— Хоним! Хоним! — деди у ва бирдан қўли билан юзини тўсиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Нима бўлди сизга? — деб сўради кутилмаган бу ҳолатдан ҳангу манг бўлиб қолган Эльза.

Рудольф унинг ёнига чопиб келди-да, тиз чўкиб ёлвора бошлади:

— Раҳм қилинг, ёлвораман!.. Меросдан воз кечинг! Нима кераги бор сизга! У ҳаддан ташқари кўп, ким бойликдан юз ўгирарди? Лекин у сизники эмас, демоқчиманки, унга сизнинг дахлингиз йўқ, тасодифан ўтиб қолди қўлингизга. Эҳ, бошим айланиб кетяпти... Мен-чи? Мен фақат шунинг умидида яшаётган эдим-ку. Отам қурумсоқ, бир тийиннинг устида ўлади. Қарзга ботиб кетдим... Сиз! Нега сиз? Нима сабабдан? Ғирт бемаънилик-ку, даҳшат-ку, бу! Ахир... нималар деяётганимни ўзим ҳам билмайман, лекин сиз тушунинг, раҳм қилинг... Меросдан воз кечинг, бўлмаса... ўзимни ўлдираман.

— Мен бундай қилолмайман,— хотиржам жавоб берди Эльза.

— Нега энди? Ким халақит беради? Бошда воз кечган эдингиз-ку?

— Эсимда йўқ...

— Раҳм қилинг, шафқат қилинг, ёлвораман! Бўлмаса... ўзимни ўлдираман... ҳа, буни айтдим-ку, боя...— Рудольф ўрнидан турди-да, жингалак сариқ сочларини чангаллаганча, яна хона ичида югура бошлади. У эс-ҳушидан айрилаёзганди. Бирдан тўхтаб, чап қўли билан иягини ушлаганча бир нуқтага тикилиб қолди.— Лаънат! Сариқ сочларимга ҳам, сепкилдор башарамга ҳам лаънат! — У сочларини юлиб, ўзини-ўзи шапатилай кетди.— Чиройлироқ бўлганимда ҳам майли эди... Мана, сиз гўзалсиз... Агар... агар... менга турмушга чиқишни таклиф қилсам-чи?..

Эльза жилмайди. Сочлари ҳурпайиб, юзи лавлаги бўлиб кетган Рудольф шу топда чиндан ҳам кулгили бир аҳволда эди.

— Миннатдорман. Менинг қайлиғим бор.

— Тўғри, тўғри, бемаъни гап. Эсим кирди-чиқди бўп қолди, шунинг учун гапирвордим. Ҳа, сиз гўзалсиз, лекин менга сиз эмас, бойлигингиз керак. Шундай гўзал қиз бу қадар ичи қора ва тамагир бўлади, деб сира ўйламаган эдим! — қўшиб қўйди у бир оз сукутдан сўнг.

Эльза қовоғини уйди.

— Мен тамагир эмасман.

— Нега бўлмаса меросдан воз кечиб, мен билан сингилларимни бахтиёр қилишни хоҳламаяпсиз?

У қизнинг олдига чопиб келди-да, билакларига ёпишиб, яна ёлвора кетди:

— Воз кечинг! Воз кечинг! Воз кечинг!

Эльзанинг юзи тундлашди. Қовоқлари баттар уйилди, гўё унинг қалбида ички бир туғён кўтарилган эди.

Рудольф қаттиқ ҳаяжонланаётганига қарамай, қиздаги бу ўзгаришни сезди ва янада зўрроқ жазава билан ёлвора бошлади.

Аммо шу пайт Эльзанинг чеҳрасини яна хотиржам ифода эгаллади, у секин, аммо қатъий қилиб деди:

— Қўйворинг,— шундай деб, у қўлларини бўшатди-да, индамай эшик томон юрди.

— Қаёққа? Тўхтанг! — Рудольф Эльзанинг қўлидан ушлаб қолмоқчи бўлиб орқасидан югурди. Аммо шу пайт эшик очилиб, баҳайбат бир кучук чопиб кирди-да, Эльза билан Рудольфнинг ўртасига туриб олиб, ириллай бошлади. Сал ўтмай, Штирнер пайдо бўлди.

— Яхши эмас! — деди у.— Ким бировнинг қайлиғининг қўлидан ушлайди.

Рудольф безгак тутгандай қалтирар, Штирнерга бошдан-оёқ адоват билан тикилиб турарди. Штирнер унга хотиржам ва андак истеҳзо билан кўз ташлади.

Рудольф ер тепиниб шартта қайрилди-да, хонадан чопиб чиқиб кетди.

У сакраб автомобилга чиқди-ю, худди алаҳсирагандай ғўлдирай бошлади:

— Ҳаммаси барбод бўлди! Ҳаммаси барбод бўлди!

— Қаёққа юрамиз? — сўради шофёр.

— Ҳаммаси барбод бўлди! Ҳаммаси барбод бўлди. Людерснинг олдига...

Людерснинг кабинетига ҳам у шу сўзларни такрорлаб, «Ҳаммаси бардоб бўлди!» — деб кириб борди, ҳатто адвокатнинг ҳузурида ўтирган мижозига ҳам эътибор бермади.

— Людерс! Ҳаммаси барбод бўлди... У рози бўлмади. Бирорта таклифни ҳам қабул қилмади, ўзимам шуни кутган эдим... Эртага шикоят қилиш муддати тугайди. Дадам ғойиб бўлди... Лоақал ўлди, деган дараги чиқса ҳам майли эди... Йўқ, барибир кечикдик!.. Бир неча соат ичида ҳомийликни таъсис этиш мумкин эмас... Ҳаммаси барбод бўлди! Фақат биттагина йўли бор: ишни қайта қўзғаш керак. Дадамнинг сизга берган ваколати ўз кучида турибди...

— Оскар Готлибнинг суддаги охирги гапидан кейин ваколатнинг ҳам қиммати қолмади.

— Барибир, ариза бераверинг!.. Балки иш қайта кўрилгунча дадам топилиб қолар.

Людерс елкасини қисди-ю, бироқ бу гапда ҳам жон борга ўхшайди, деб ўйланиб қолди. Энг муҳими — вақтни бой бермаслик керак, у ёғига вазият бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

Ишни қайта кўриш ҳақида ариза берилди. Аммо Оскар Готлибнинг на ўлганидан, на тириклигидан хабар бўлди. Ҳамма имкониятлар ишга солиб бўлинди, Готлибларнинг даъвоси рад этилди.

Эльза Глюк қонуний меросхўр деб тан олинди.

VIII. ШИШАДАН ЯСАЛГАН ИМОРАТ

Марҳум банкирнинг ихтирочиликка бўлган иштиёқи унинг Америка бинокорлик техникасининг сўнгги ютуқлари асосида қурилган ўз уйи архитектурасида ҳам ифодасини топган эди. Бу янги архитектурада гўзаллик билан қулайлик ниҳоятда уйғунлашиб кетган эди. Узунасига тушган уч қаватли улкан бино бутқул темир, ойна ва бетондан қурилган бўлиб, сиртдан қараганда жуда оддий кўринарди. Кўзни оладиган бирорта жимжима, бирорта безак йўқ эди. Ердан шифтгача бутун деворни эгаллаган яхлит ойналар бинога улкан бир аквариум тусини берганди. Бу шиша девор Готлиб банкидаги миллионлаб маблағни асраш учун жуда мўртлик қиладигандай туюларди. Аммо гап шундаки, бу аквариумнинг «тилла балиқлари» унинг энг тубида — ер ости қаватида сақланарди. Бу хазинанинг пўлат ва бетонлари фақат ер эмас, балки ҳаво қароқчиларининг ҳужумини ҳам қайтаришга қодир эди. Юзлаб автомат қўнғироқ ва ёруғлик сигналлари, биринчи қаватдаги қоровулларга остки қаватни кузатиб туриш имконини берувчи махсус перископлар, ўзи ёпилиб қоладиган эшиклар, электр токига уланган сим тўсиқлар, киноаппаратлар — буларнинг барчаси бу ерга кириш ниятида зўрлик ёки муғамбирлик билан бўладиган ҳар қандай уринишни даф этарди. Ўз вақтида Готлиб мазкур ҳимоя воситаларининг мўъжизавий қудратини тасвирлаган репортёрлар орқали ўз банкининг мустаҳкамлигини бутун дунёга ошкор этиш ва шу тариқа енгил пул топишга уринувчиларни шаштидан қайтариш учун анча-мунча маблағ сарфлаганди. Дарҳақиқат, ўн йил мобайнида банкка фақат бир мартагина ҳужум бўлди, у ҳам муваффақиятсиз тугади; устаси фаранг икки қулфбузар ичкарига кириши билан эшик автоматик тарзда бекилиб қолиб, иккала ўғри ҳам қопқонга тушган бўридай типирчилаб қолди.

Автоматик равишда ҳаракатга келган киноаппарат бу воқеани суратга олди, сўнг картина жазоланган иллат намунаси сифатида мамлакатнинг барча кинотеатрларида намойиш қилинди. Тўғри, баъзи бир одамлар, бу ўғирликни Готлибнинг ўзи уюштирган, у жиноят оламининг машҳур «артист»ларини катта пул эвазига таклиф этиб, шов-шув босилгандан кейин уларни озодликка чиқаришга ваъда берган, деган мишмишлар тарқатишди, шунга қарамай картинанинг таъсири чакки бўлмади. Банкир ва унинг омонатчилари бехавотир ухлайдиган бўлишди.

Ер устидаги биринчи қаватда банк ва унинг барча бўлимлари жойлашганди. Шу қаватда, гарчи зарурати бўлмаса ҳам қу-

ролланган соқчилар туришарди. Банкир уларни шунчаки хўжакўрсинга ишга олганди.

Готлибнинг квартираси иккинчи қаватда эди, қаватнинг ўртасида меҳмонхона, қабулхона, шахсий секретариат ва иш кабинети жойлашганди. Бинонинг ўнг томони икки хонага бўлиниб, улар кабинетга туташтирилганди, хоналарнинг бири Готлибнинг, иккинчиси эса Штирнернинг ётоқхонаси эди. Бу хоналарни Штирнер ҳамиша қулфлаб юрарди, у ерга хизматчиларни ҳатто супуриб-сидиришга ҳам киритмасди. Бинонинг чап томонида Штирнернинг ҳайвонлари: унинг ақлли кучуклари, бўрилари, чўчқалари, мушук ва айиқлари истиқомат қиларди. Улар ниҳоятда тотув яшашарди. Штирнер олимликни тарк этганидан сўнг, ўз сўзи билан айтганда «ҳаваскор» сифатида, ҳайвонлар психологиясини ўрганишга киришганди.

Устки, учинчи қаватнинг қарийб учдан икки қисмини суратлар галереяси эгаллаганди. Бу жой Готлибнинг фахри, шинавандалар учун эса ҳар турли ҳазил-мутойибаларга туртки берадиган бир маскан эди. Бу ерда худди Штирнернинг ҳайвонлари каби, ҳақиқий Андреа дель Сарто билан ўта сохта Корреджио, номаълум бир ҳаваскорнинг ажи-бужи расми билан Леонардо да Винчининг қаламда чизган сурати ёнма-ён турарди. Барча суратлар шиша деворга кўндаланг қилиб қатор терилган стендларга жойлаштирилганди: Готлиб буни «ёритиш бўйича ихтиро», деб атарди. Супачада турган роялни демаса, залнинг ўртаси бўм-бўш эди. Тантанали зиёфатлар пайтида омбордан Готлиб томонидан ихтиро қилинган аллақандай буклама столлар олиб чиқиларди, улар буклоғлиқ ҳолида кўп жой эгалламасди-ю, аммо йиғиштириш амримаҳол эди: хизматкорлар минг турли майда-чуйда қисмларни тўплагунча хуноб бўлиб кетишарди. Столларнинг айрим бўлаклари ўрнига тушмай қийнарди. Хизматкорлар жиғибийрон бўлишар, Готлибнинг эса жаҳли чиқарди.

— Наҳотки шуниям эплолмасаларинг? Оддий нарса-ку, бу! — Шундай деб, унинг ўзи елиб-югуриб ишга киришиб кетар, кўпинча стол қисмларини жой-жойига қўёлмай, бошқалардан кўра баттарроқ асабийлашарди.

Мана, ҳаммаси тугади. Столлар энди иккига бўлинган, толеи қора ўз эгалари каби омборда сочилиб ётарди. Зал бўм-бўш эди. Бинобарин, бу ердан туташ қишки боққа ўтиш кишига ҳузур бахш этарди. Хурмо дарахтининг яшил япроқлари улан аквариумни шундоқ қоплаб олганди. Чирмовуқ гуллар ораси сунъий ғорни эслатарди. Шаффоф архидеялар минг тусда товланиб, кўзни қамаштирарди.

Дафна дарахти ва гуллаб ётган олеандра орасига қўйилган шинам диванчалар мириқиб хордиқ чиқариш ва эркин қанот қоқиб юрган қушлар нағмасини ҳузур қилиб эшитиш имконини берарди.

Залнинг бошқа томонига кутубхона туташиб кетганди, у Готлибнинг биринчи ва иккинчи қаватдаги иккита кабинети устига жойлашганди. Ҳар учала хонани ичига кресло ўрнатилган лифт

бирлаштириб турарди. Муқовасига зарҳал билан ёзилган қимматбаҳо китоблар жамланган ўз кутубхонасига Готлиб ишдан кейин ана шу креслода кўтарилиб, у ерда сигара тутатиб ўтиришни хуш кўрарди. Аммо у китоб ўқимасди. Баъзан рўпара келган бирорта китобни варақлаб, расмларини томоша қиларди.

— Алвасти маймун. Шунақаям тасқара махлуқ бўладими! Кўзойнаги нимаси! Фу, кечаси тушида қўрқади одам! — Шундан сўнг у китобни шартта ёпарди-да, ҳузур қилиб сигара тортарди.

Охирги иккита хона бўш эди. Уларнинг бири марҳум Готлиб ётоқхонасининг тепасида, иккинчиси эса Штирнер хонасининг устида эди.

Бинони кўздан кечириб бўлганларидан сўнг Штирнер Эльзани ана шу сўнгги хонага бошлаб кирди.

— Мана, уй-жойингизни ҳам айланиб чиқдик. Бу ер сизга маъқул бўлади, деб ўйлайман. Хона ёруг, ҳавоси тоза, дарвоқе, бошқа хоналар ҳам бундан қолишмайди. Марҳум хўжайиннинг ранги ҳамиша тиниқ, икки юзи қип-қизил бўлиб юриши бежиз эмас эди.

Хўжайиннинг номини эшитиб, Эльза сесканиб кетди, бир зумда юзига кўланка чўкди.

Штирнер қовоғини солди.

— Эльза,— деди у жиддий,— наҳотки шунча нарсага эга бўлиб ҳам севинмасангиз? Ахир сиз дунёдаги энг бадавлат аёллардан бирисиз. Кўнглингизга келган ишни қила оласиз. Агар бу уй маъқул бўлмаса, шаҳардаги энди сизга тегишли бўлган йигирма олтита уйдан истаганингизда истиқомат қилишингиз мумкин, Ницца, Ментона, Оспидалетти, Майорка, Жазойир ва бошқа жойлардаги виллаларингизда яшашингиз мумкин...— Штирнер бир оз ўйланиб тургач, давом этди.— Лекин сизга мана шу ер маъқул бўлиши керак.

— Ҳа, менга шу ер маъқул бўлиши керак,— Эльзанинг жавоби худди акс садодай эшитилди.

— Қўшни хонага хизматкорингиз жойлашади. Бу хонада ҳам, бошқаларида ҳам электрқўнғироқлар девордаги михлардан кўп, телефонлар эса қўнғироқлардан ҳам кўпроқ... Креслодан тушмасдан истаган нарсангизни талаб қилиб олишингиз мумкин. Кофе ичмоқчи бўлсангиз транспортёрда тўппа-тўғри олдингизга келаверади... Кўришгунча хайр!

Штирнер чиқиб кетгач, Эльза ўзини креслога ташлади-да, бошини хам қилиб, қўллари билан юзини беркитди. Қаердадир соат занг урди. Унинг жарангдор садоси кимсасиз зал бўйлаб тарадди.

Эльза шу алфозда узоқ вақт ўтирди.

У ўзининг болалиги, кечган умри ҳақида ўйлаб кетди. Қиз қашшоқ оилада туғилди, ота-онаси барвақт оламдан ўтиб, ниҳоятда муҳтожлик ва қийинчиликда ўсди. У ёшлигидаёқ жуда кўҳлик эди. Бу ҳусн унга ҳаётда кўпдан-кўп қувонч ва ташвишлар келтирди. Фрау Беккер исмли бадавлат бева бир кампир етим-

хонада чиройли қизчани кўриб қолиб ўз уйига олиб кетди. Бу вақтда Эльза ўн икки ёшда эди. Ўн етти ёшигача у фрау Беккерникида яшади. Ўтган беш йил чинакам фароғат йиллари бўлди. Кампир қизни жонидан ортиқ севарди, уни ювиб-таради, ўқитди, Эльза ҳам кампирга ўз онасидай суяниб қолганди. Аммо кампир васият қилишга ҳам улгурмай, қўққисдан қазо қилди. Унинг қариндош-уруғлари Эльзага арзимаган нарсани шундай оғриниб, миннат билан ажратиб беришдики, қиз уларнинг бу марҳаматидан воз кечиб, ишга кириб кетди. Икки йил мобайнида у ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучугини татиб кўрди. Шу ҳусни билан у истаган дўконига ишга кира оларди, шундай бўлди ҳам, аммо дўкондорларни ўта маҳлиё бўлавериши жонига тегиб, касбини ўзгартиришга қарор қилди. Кечқурунлари стенографияни ўрганишга киришди, кейин эса Готлибнинг қўлида ишлаш бахтига муяссар бўлди. Шу ерда у Зауер билан танишиб, унга кўнгил қўйди, чунки йигит қизга ҳамиша ҳурмат билан қарар, одоб ва назокат билан муомала қиларди.

Кутилмаганда шунча меросга эга бўлиб қолиши уни тамом довдиратиб қўйган эди.

Аввалига меросдан воз кечиб, кейин уни яна қабул қилишга нима учун рози бўлганига сираям ақли етмасди.

— Нега? Нега? — деб сўрарди у ўз-ўзидан.

Бирдан қизнинг чеҳраси ойдинлашди. Кўзлари хиёл юмилди. Шу алфозда у бир неча минут ўтирди. Ниҳоят, диққинафас хонадан очиқ ҳавога чиққан одамдай кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди. Бояги кўнгилхираликдан асар ҳам қолмаганини пайқаб, ўзи ҳам таажжубланди. Ўрнидан турди-да баданининг карахтлигини ёзмоқчи бўлгандай ширин керишди, кейин хонани қизиқиб кўздан кечира бошлади.

— Ростдан ҳам ажойиб экан. Гиламнинг чиройлилигиния-я! Ёруғ, ҳавоси тоза!

У яна энтикиб нафас олди ва аллақандай бир ички ҳаяжон билан ўзининг янги уй-жойини: кутубхона, суратлар галереяси ва ажойиб қишки боғни айланиб чиқди.

— Мана шуларнинг ҳаммаси меники!

Шунда хаёлига биринчи марта: «Штирнер тўғри айтди! Қандай бахтлиман-а!» — деган фикр келди.

IX. ЭЛЛИК ФОИЗ ҚЎШИМЧА ҲАҚ

Штирнер Эльзанинг олдидан чиқиб, шошилиб иккинчи қаватга тушди. Шахсий секретариат хонасида Зауер, Эмма Фит ва фрау Шмитгоф ўтиришарди.

Зауер унга адоват билан тикилди, Фит билан Эмма эса ҳадиксираб кўз ташлаб қўйишди.

Эльза Глюк тўла ҳуқуқли хўжайинга айланганидан сўнг булар ўз қисматлари нима бўлишини билмай, гангиб қолишган эди.

— Салом, жаноблар! — деди Штирнер сўзамоллик билан.— Янги хўжайиннинг олдидан чиқяпман. Ҳеч нарсадан хавотир олманглар: сизлар шу ерда қоласизлар, бу хусусда Эльза билан... Эльза хоним билан гаплашдим... Ишимиз энди кўпаяди... Гўзал бекамиз банк ишларидан бехабар, шунинг учун Эльза Глюк банкини бошқаришнинг бутун оғирлиги мен билан сизга тушади, Зауер.

— Илтимос, мен учун қайғурманг, менга иш ҳам тақсимламанг,— деди Зауер зарда билан.

— Шунақа денг... Лекин илож қанча? Майли, кейин гаплашамиз. Ҳозир зарур ишим бор.

Штирнер шошиб кабинетга кирди, Готлибнинг ёзув столига ўтириб бир нималарни ёзди-да, қоғозни стол ғаладонига қулфлаб, ўз хонасига ўтди. Сал ўтмай қайтиб чиқди-ю, яна ёзув столига ўтирди.

Кабинетга Эльза, унинг ортидан Зауер, Фит ва Шмитгофлар кириб келишди.

Эмма билан экономка ишдан ҳайдамагани учун Эльзага миннатдорчилик билдиришди.

— Ҳа-а! Глюк хоним, ташрифингиздан ғоят миннатдорман! — деди Штирнер.— Кайфиятингиз қалай?

— Раҳмат, яхши.

— Уй маъқул бўлдими?

— Жудаям! — жавоб берди у қувноқлик билан.— Юқориги қават жуда офтобрўя экан. Худди нур денгизида чўмилаётгандай бўлади одам. Қишки боғни айтмайсизми! Жаннат. Шундай жой турганда Ниццага боришнинг ҳам ҳожати йўқ!

— Жуда соз! Демак, ҳаммаси жойида? — деди жилмайиб Штирнер.

Эльзанинг кутилмаганда ўзини бу қадар бахтиёр ва хушчақчақ тутиши Зауерни ҳайратга солди. У ҳушёр тортиб, қизга гумонсираб тикилди-да, лабини тишлай бошлади.

— Энди иш ташвишини елкангиздан соқит қилсангиз ҳам бўлади,— деди Штирнер.— Хоҳишингизни инобатга олиб, ўз номимга тўла ишонч қоғози ёздим... Марҳамат қилиб, имзо чексангиз.

Зауер, Шмитгоф ва ҳатто соддадил Фит ҳам ҳайрон бўлиб қолишди. Ҳамма ишонч қогозини Эльзанинг қайлиғи Зауер олади ёки ҳеч бўлмаганда бошқарув ишлари Зауер билан Штирнер ўртасида тақсимланади деб ўйлаганди.

— Хўп, хўп,— деди Эльза иккиланмай ва ручкани қўлига олди.

— Бир минутга! — Штирнер қўнғироқни босган эди, хонага кекса нотариус иккита гувоҳни бошлаб кириб келди.

— Узр,— деди унга Штирнер,— уйга таклиф этиб, сизни безовта қилдик...

Чол илтифот билан бош қимирлатиб қўйди.

Эльза ишонч қоғозига имзо чекди. Ҳамма расмиятчилик учтўрт минут ичида тугади.

— Ҳаммаси тартиб-қоидали бўлгани яхши. Раҳмат! Сизлар бўшсизлар,— деди Штирнер.

Нотариус, Фит ва Шмитгоф чиқиб кетишди.

— Зауер, сиз юрисконсульт бўлиб қоласиз. Аммо янги банкиримиз илгаригисидан сахийроқ, шунинг учун маошингиз эллик фоиз ошади. Шундай деб буюрган эдингиз шекилли, а?

— Ҳа, ҳа,— деди Эльза.

— Мурувватингиз учун раҳмат, лекин менга қўшимча ҳақингиз ҳам, ишингиз ҳам керак эмас...— титраб-қақшаб жавоб берди Зауер.

— Нега энди, Отто? Ҳазиллашяпсанми? — деб сўради Эльза қайлиғининг кўзларига тикилиб.

— Хўп, хўжайка билан ўзинглар келишинглар, менинг вақтим йўқ. Банкка тушишим керак. Қария Карл манавини хўп ўйлаб топган экан-да.

Шундай деб, Штирнер тугмачани босди-да, шиғиллаб пастга тушиб кетди.

— Ҳазиллашяпсанми, Отто? — қайта сўради Эльза Зауер билан ёлғиз қолганларидан сўнг ва эркаланиб унинг билагидан ушлади.

Зауер ижирғаниб қўлини тортиб олди. Пешонаси тиришди.

— Билмадим, қайси биримиз ҳазиллашаётганикинмиз... Менимча, сиз, Глюк хоним...

— Отто!

— Аммо ҳазилларингиз ҳақоратга ўхшаб кетади... Инсоннинг қадр-қиммати, муҳаббати, ишончи, дўстлиги устидан ҳақорат бу.

Зауернинг овозида қанча алам ва таъна бор эди.

— Эльза! Сенга нима бўлди, Эльза? Меросдан воз кечаман, деб айтган эдинг-ку, ёлғон гапирган экансан-да... Нега ундай қилдинг?

— Отто, наҳотки шундай қилиш кераклигини билмасанг? Судда менинг номимдан ўзинг гапирдинг-ку?

— Тўғри, гапирдим... Нима учун гапирганимни ҳам тушунолмайман... Шайтон йўлдан оздирди... Дарвоқе, ўзинг илтимос қилдинг, мен гапирдим... Сўзингни ерда қолдиролмаслигимни биласан-ку... Аммо сен-чи? Сен мени алдадинг! Бадавлат хотин бўлиб олдинг, менинг юрагимни яна минг турли гумонлар кемиряпти. Бу мерос шаънингга доғ туширади, муҳаббатимизни оёқ ости қилади. Бу ҳам майли-я, Штирнерга ишонч қоғози бериб ўтирибсан-а! Мен нима деб ўйлашим керак? Сен у билан яқинсан. Сен у билан... бирга бўлгансан! Унинг жиноятига шериксан. Сен мени ёш боладай лақиллатдинг.

— Отто!

— Жим бўл! Наҳотки гап-сўз бўлишингни, номинг булғанишини тушунмасанг. Ғийбатлар шу ерга ҳам етиб келади, бу тилла қаср сени гап-сўзлардан асрай олмайди. Ахир сен у билан бир уйда яшайсан, сен...

— Ўзингни бос, Отто, илтимос қиламан!

— Йўқ, гапираман! Бу ҳам етмагандай, сен мени ерга уриб, маошимни эллик фоиз оширмоқчисан. Ха-ха-ха!.. Муҳаббат ва қадр-қимматнинг баҳоси эллик фоиз қўшимча ҳақ!

Зауер аллақандай бир ёввойи жазава билан кула бошлади.

Лол бўлиб қолган Эльза унга бақрайиб тикилиб туради. Қизнинг қалбида аёвсиз ички бир кураш борарди. Ниҳоят унинг асаблари бардош беролмади, қиз ҳўнграб йиғлаб юборди.

Зауер кулгидан тўхтади, энди унинг ўпкаси тўлиб хўрсина бошлади.

— Қандай бахтиқароман... Шўрпешонаман!..— деди у креслога ўтираркан, қўллари билан бошини чангаллаб.

Эльза бориб унинг елкасидан қучди.

— Отто, наҳотки мени шунчалик аҳмоқ деб ўйласанг? Ахир сени севаман-ку! Бўлди, азизим, ўзингни бос... Нима десанг ҳаммасини қилишга тайёрман.

— Ростданми?

— Рост,— деди Эльза жиддий.— Мени айблама, нега шунақа бўлиб қолганини ўзим ҳам билмайман...

Зауер ўрнидан турди. Кетидан Эльза ҳам турди.

— Менга бойлик керак эмас, сени севаман, фақат сени севаман,— деди Зауер қизнинг қўлларини қисиб.— Муҳаббатим ҳаққи, талаб қиламан: эртагаёқ, эшитяпсанми, эртагаёқ никоҳдан ўтамиз, эртадан қолдирмай лаънати Штирнерни кучуклари билан уйдан ҳайдайсан!

— Хўп!

— Эльза!

— Отто!

Лифт шовқинсиз келиб тўхтади.

— О-ҳо! Ўпишишяпти-ку!— орқадан Штирнернинг масхараомуз овози эшитилди, улар бир-бирларидан ажралиб, ўгирилиб қарашди.— Қандай ажойиб манзара!

Штирнер ёзув столи ортида сигара тортиб ўтирарди.

— Нима қилиб ўтирибсиз бу ерда? — деб ўшқирди Зауер.

— Хизматчилик,— деди Штирнер кулимсираб.— Хўжайинимиз билдирган ишонч туфайли...

— Хўжайинимиз қарорини ўзгартирди, энди қўлингизга паттангизни тутқазади,— унинг гапини бўлди Зауер,— номингизга ёзилган ишонч қоғози бекор қилинади. Хизматларингиз эвазига тўла икки ойлик маошни эллик фоиз устамаси билан оласиз.

— Сайёр цирк очишга тўғри келади шекилли,— деди Штирнер пешонасини ишқалаб.

Аммо улар чиқиб кетгач, ўйланиб қолди, стол тортмасидан аллақандай чизмаларни чиқариб, узоқ кўздан кечирди, кейин бир нималар деб ғўлдираб, шоша-пиша ўз хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлаб олди.

X. «КЎЗА СИНДИРГАН ҚИЗ»

Орадан бир ой ўтди. Эмма Фит ўзининг одатдаги иш жойида ремингтонда ёзиб ўтирарди.

Ранги сўлғин, сочлари палапартиш таралган, соқоли ўсиб кетган Зауер Эммага кўз қирини ташлаб, кабинетда узоқ вақт айланиб юрди. Кейин қизнинг тепасига келди-да, юзига қаттиқ тикилганча чайқалиб тураверди.

Эмманинг чаққон бармоқлари энди ремингтон тугмачалари устида чалкашиб кета бошлади. Зауернинг бундай таъқибли нигоҳидан Эмма дув қизарди-ю, лекин ишини тўхтатмасдан сўради:

— Намунча тикилиб қолдингиз, жаноб Зауер, худди биринчи марта кўраётгандайсиз-а? Ишимга халақит беряпсиз...

— Эмма хоним, сиз жудаям гўзалсиз!

Эмма баттар қизарди, аммо ўзини Зауернинг сўзларини эшитмаганликка солди.

— Қизиқ!— давом этди Зауер.— Бу ерда ишлаётганингизга бир йилдан ошди, ҳар куни кўришиб турамизу фақат кейинги ойда кўзим очилгандай бўлди: юзингиз бежирим, сочларингиз шунақа майинки, силаб қўйгиси келади кишининг. Кўзларингиз-чи! Болаларникидай беғубор. Сиз «Кўза синдирган қиз»нинг нақ ўзгинасисиз.

— Мен ҳеч қанақа кўзани синдирганим йўқ.

— Бу Грёзнинг асари. Сиз эса...

— Қўйинг, Зауер.

Зауернинг мақтовлари Эммага мойдай ёқаётган эди-ю, лекин у Эльзанинг қаҳридан қўрқиб, ўз туйғуларини ошкор этмасди. Эльза эса бунақа суҳбат устидан кўп чиқиб турарди. Ҳар гал у сир бой бермай ўтиб кетар, Эмма эса «бека» ҳамма нарсани кўриб ва сезиб турганини ҳис қиларди.

— Жаноб Зауер, сизни танимай қоляпман!

— Ўзим ҳам ўзимни танимаяпман, қўзичоғим. Файласуфларнинг айтишича, дунёдаги энг қийин жумбоқ — инсоннинг ўзини-ўзи тушуниб етиши экан...

Зауер чиндан ҳам ўзгариб кетган эди.

Ҳамиша одобли ва хушмуомала бўлган Зауер энди тамомила ўзига қарамайдиган, ресторанма-ресторан юрадиган, ёмон одамлар даврасида вақт ўтказадиган, ишига ғоят бепарво бўлиб қолган эди.

— Менга қаранг, қимматли Фит хоним, манави бемаъни асбобингизни чиқиллатиб ўтирганингиз етар. Бўлди. Юринг, тепага чиқамиз. Сизга қишки боғдаги аквариумни, ундаги янги тилла балиқчаларни кўрсатаман. Уларни яқинда Штирнер бекамизга совға қилди.

Эмма иккиланиб қолди.

Зауер кулимсираб, кабинет эшигига маъноли қараб қўйди.

— Бекадан қўрқяпсизми?

Эмма шартта ўрнидан турди.

— Фақат бир минутга! Мен уйга боришим керак...

Аммо бу бир минут ярим соатдан кўпга чўзилди.

Зауер тинмай гапирар, хушомад қиларди. Эмма биров кўриб қолишидан қўрқиб ичидан қиринди ўтиб ўтирарди. У соатига қаради-да, бирдан ўрнидан турди.

— Вой, кеч қолдим!..— у йўл-йўлакай сочларини тузатиб, қишки боғдан бўм-бўш залга ўтди.

— Менга қаранг, Эмма, бугун театрга борамиз, кечқурун «Континентал»да овқатланиб, джаз-банд тинглаймиз.

Зауерни ҳаммавақт оғир-босиқ қиёфада кўриб юрган Эмма кулгидан ўзини тиёлмади. Зауер уни тирсагидан ушлаб, ташқарига судради.

Бу манзарани сурат қўйилган стендлар орасида турган Эльза кўриб қолди. У кўпинча галереяни айланиб юрарди.

Зауер билан Эмма ғойиб бўлгач, ранги оқариб кетган Эльза қишки боққа ўтиб, аквариум ёнидаги скамейкага ҳолсизланиб ўтириб қолди. Фонтан отилиб турар, кўкимтир шиша ортида тилла балиқчалар оҳиста сузиб юрар, улар тепага сув сатҳига чиққанида аквариум ичи пуфакчаларга тўлиб кетарди. Ҳаммаёқ жимжит эди. Дарахт шохчаларидаги қушлар худди ёмғирда бўкиб қолгандай чурқ этишмасди.

Эльзанинг кўзи беихтиёр ерда ётган сариқ портфелга тушди. Унинг бир четига кумуш ҳарфлар билан «О. З.» деб ёзиб қўйилганди.

Шу пайт бировнинг қадам товушлари эшитилди.

«Отто Зауер унутиб қолдирган портфелини олиш учун келяпти»,— деган ўй ўтди қизнинг хаёлидан. У ғорга яширинмоқчи бўлди-ю, кейин ўйлаб туриб, бу фикридан қайтди.

Бир куйни хиргойи қилганча боққа Зауер кириб келди. Эльзага кўзи тушди-ю, аввалига таажжубланиб, сўнг андак саросимага тушди, бироқ тезда ўзини ўнглаб олди.

— Ҳа! Бир сайр қилай дебсиз-да! Қалай, тилла балиқчалар маъқул бўлдими? Яхши қайла билан жуда мазали бўлса керак-а!

Аммо бу ҳазил Эльзанинг кўнглига ўтирмади.

— Менга қаранг, Зауер, нималар бўляпти ўзи?

— Нимани назарда тутяпсиз, маликам?

— Ҳозиргина бўлган воқеани, умуман, кейинги ойдаги хатти-ҳаракатларингизни.

Зауер қизариб кетди.

— Глюк хоним, мен ҳам сиздан шуни сўрамоқчи эдим. Ўзингизнинг хатти-ҳаракатларингиз-чи? Ваъдаларингизни бажардингизми? Сиз менинг хотиним бўлдингизу Штирнер ишдан бўшатилдими? Мени тергашга нима ҳаққингиз бор?

— Ҳаққим йўқ. Лекин бажармаган бўлсам ҳам ваъдамда турибман.

— Нега бажармаяпсиз?

Эльза мулзам бўлди. Ростдан ҳам нега ваъдасининг устидан чиқмаяпти? Буни ўзи ҳам билмасди. Яна хаёли жойида эмасга

ўхшайди. Шу заҳоти у идроки хирилашаётгандай ўша ўзига таниш, ёқимсиз ҳолатни туйди. Унинг фикри, худди пашша дераза ойнасига урилгандай, аллақандай пинҳоний тўсиққа қадалиб қоларди. Эльза бошини қуйи солганча миқ этмай ўтирарди.

Зауер эса қизга бошдан-оёқ тикилиб разм солар, таажжубланиб ўйларди:

«Нимасини яхши кўриб юрибман? Ҳеч ҳавас қиладиган жойи йўқ-ку! Бунақа тирик манекенлар кийим магазинларининг ҳаммасида тиқилиб ётибди. Бўйни сал дуруст-у, лекин узунроқ. Тавба, нега илгари сезмаган эканман. Елкаларининг торлиги-чи... Чап кўзининг ёнидаги холи-чи, мутлақо ўрнига тушмаган. Қайтанга ҳуснини бузиб турибди!..»

— Саволимга жавоб бермадингиз!.. Айтадиган гапингиз йўқми?

Ниҳоят Эльза тилга кирди:

— Ахир сиз ҳам ишдан кетганингиз йўқ-ку. Нима учун?

Эльза Зауернинг нозик жойига теккан эди. Дарҳақиқат, у ишдан кетмади. Сабабини ўзи ҳам билмасди. Бир ой муқаддам кутилмаганда Эльзадан кўнгли совиб, Эммага меҳри тушиб қолди. Баъзан буни ўйлаб ўзи ҳам эзиларди. У ўзини худди ақлдан озган кишидай ҳис этиб, азоб чекарди. Ўзини андак бўлса ҳам чалғитиш учун айш-ишратга, маишатбозликка берилди.

Аммо бу даргоҳдан нима учун кетмаётганлигига ўзининг ҳам ақли етмаётганлигини тан олгиси келмасди. Бу ҳол уни баттар асабийлаштирганидан гапни бошқа ёққа буриб юборди:

— Ҳа-а, сиз мендан тезроқ қутулмоқчи экансиз-да? Энди тушундим!..

Эльза унга таъна билан қаради.

— Отто, сиз мени яна ҳақорат қилмоқчимисиз?

— Хотиржам бўлинг! Биз бир-биримизни жуда қийнаб юбордик, энди бу ўйинни тўхтатишимиз керак. Агар билмоқчи бўлсангиз, айтиб қўя қолай: мен Эмма Фитни севаман, шунинг учун бу ердан кетмайман. Ҳа, севаман, шу бугуноқ унга менга турмушга чиқишни таклиф қиламан!

Бу жавоб унинг ўзига энг тўғри жавобдай туюлди-ю, лекин ўзини-ўзи алдаётганини кўнгли сезиб турарди: ахир, Эмма билан бирга кетса ҳам бўларди-ку!

Эльза гавдасини скамейка суянчиғига ташлади-ю, секингина:

— Отто!..— деб шивирлади.

Орага жимлик чўкди. Зауернинг қалбида шафқат туйғуси ғимирлагандай бўлди.

Аммо шу заҳотиёқ миясига бошқа фикр урилди: алдаяпти, одатдагидай муғамбирлик қиляпти. Шуларни ўйлади-ю, зарда билан гапира кетди:

— Хўш, мендан нимани кутувдингиз? Энди бир камим сизга қоровуллик қилиш қолдими? Оиланинг расмий дўсти! Бу фахрли лавозимдан воз кечаман. Бойлигингиз шу даражада кўпки, ишқибозлар истаганча топилади. Мени бўшатинг. Эмма Фит менга осмондаги юлдузни олиб бермайди, унинг миллиард-мил-

лиард пули ҳам йўқ, лекин ойнадай мусаффо қалби бор, у қиз менга вафодор хотин бўлади.

Эльза миқ этмай эшитди, боши баттар қуйи эгилди.

Зауер портфелини қўлига олди.

— Зауер камбағал, лекин уни эллик фоиз қўшимча ҳақ эвазига сотиб олиш мумкин эмас! Кечирасиз, мени кутишяпти.

У шундай деди-да, намойишкорона таъзим қилиб, изига қайтди. Бўм-бўш кенг залдан унинг қадам товушлари анчагача эшитилиб турди.

Эльза тамом лол бўлиб қолган эди. Соат занги уни ҳушига келтирди.

У сапчиб тушди.

— Беш. Кеч бўп қопти!

Қош корайиб қолган эди.

Эльза залга ўтиб, атрофга аланглади. Кўзи беихтиёр роялга тушди, бирдан куй чалгиси келиб қолди. У роялнинг қопқоғини очди-да, ўтириб аста чала бошлади.

Назарида ҳеч қачон у бу қадар ҳузур қилиб рояль чалмаган эди...

Аммо бирдан сесканиб кетди.

Шундоққина тепасида Штирнер турарди. Қачон кирдийкин?.. У роялга суянганча қизга тикилиб турарди. Унинг юзи одатдагидан рангсизроқ, жиддий ва маъюс эди. Юпқа лаблари асабий титрарди.

Эльза қичқириб юборди, роялдан қўлини тортди.

— Чалинг, илтимос! — деди Штирнер самимий бир оҳангда. Эльза ўзини ўнглаб олиб, яна куй чалишда давом этди. Штирнер бир муддат музикага қулоқ солиб турди-да, кейин аста гапира бошлади: — Нақадар соз чаласиз! Бу «Оққуш»ми? Сен-Санснинг «Оққуш»и... Оққуш ўлим олдидан сайрайди, дейишади... Лекин оққушлар жуда узоқ яшашади, фақат қаттиқ яралганларигина бевақт ҳалок бўлишади. Наҳотки сиз ҳам ярадор бўлсангиз? Ким яралади сизни? Жонингизни фидо қилишга арзийдими ўша?

— Ким ҳақида гапиряпсиз? — деб сўради Эльза куйни тўхтатиб, қўлларини тиззаларига тушириб.

— Ким бўларди, Зауер ҳақида-да! Ёки бу сирми?

Эльзанинг қалбида аёллик ғурури исён кўтарди.

— Жаноб Штирнер, — деди у совуққина қилиб, ўрнидан тураркан, — менинг шахсий ишларимга аралашмаслигингизни сўрайман!

— Ахир бу менинг ҳам шахсий ишим, Эльза хоним, сизни яхши кўришимни биласиз-ку, ахир!

— Менинг яхши кўрмаслигимни сиз ҳам биласиз.

— Ҳамма бало шунда-да... Бу менинг ҳам, сизнинг ҳам бахтсизлигимиз, ҳа, ҳа, сизнинг ҳам. Мени севганингизда қандай ажойиб бўларди! Ўзингиз севиб қолганингизда, — деди маъноли қилиб Штирнер.

— Бошқача севиш ҳам бўларканми?

Штирнер жавоб бермади.

— Менга қаранг, Эльза, келинг, бафуржа гаплашиб олайлик. Бу такомиллашган залда ўтирадиган жой ҳам йўқ. Юринг, қишки боққа чиқайлик, илтимос!

Улар ҳозиргина Эльза туриб кетган скамейкага бориб ўтиришди.

— Сиз ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган одамсиз,— деб гап бошлади Штирнер.— Чиройли, камбағал қиз учун бир бурда нон топиб ейиш қанчалик қийинлигини яхши биласиз. Энди сиз бадавлатсиз. Лекин бойликнинг ҳали чатоқ томонлари бор. Эркаклар учун сиз энди хўракка айланасиз. Ҳуснга кўпинча суюқоёқ ва хотинбозлар, бойликка эса қаллоб ва фирибгарлар ўч бўлишади. Сиз танлаган одам бойлигингизни эмас, ўзингизни севишига ким кафил бўла олади? У ҳолда аҳволингиз нима кечади? Зауердан умид йўқ. Сиз ёлғизсиз. Яхшилаб бир ўйлаб кўринг. Хўш, мен сизга эр бўлсам нима қипти? Мени севмайсиз. Лекин севги туфайли эмас, ақл билан тузилган никоҳ энг яхши никоҳ бўлади, дейишади. Балки кейин яхши кўриб қоларсиз, ҳаётда бунақа ҳодисалар кўп бўлган... Бундан ташқари... Менинг қиладиган ишларим, катта режаларим бор. Сизнинг менга бўлган муносабатингиз эса оёқ-қўлимни боғлаб, бемалол, хотиржам ишлашга имкон бермаяпти... Охирги марта айтаман: ўйлаб кўринг!

Эльза бош чайқади.

— Йўқ, йўқ! — деди шошиб Штирнер.— Ҳозир бир нарса дейишингиз шарт эмас. Яхшилаб ўйланг, менинг таклифимни тарозига солиб кўринг ва жавобини... бугун пайшанба бўлса... якшанба куни кечқурун соат олтида менга айтинг. Бу охирги муддат!

Штирнер таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Соат роппа-роса олтига занг урди.

XI. НИКОҲ САФАРИ АМАЛГА ОШМАДИ

Эртасига эрталаб Эльза кўпдан бери ўзини тарк этган тиниқлик билан уйғонди. Штирнернинг таклифини қабул қилиш керакми, йўқми — хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. Нима учун бу масалани ҳал қилиши кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Нонуштадан сўнг Эльза қишки боғдаги ўзининг севимли жойига, аквариум қаршисига бориб ўтирди-да, яна Штирнер ҳақида ўйлай бошлади.

Аммо унга халақит беришди. Хизматкор кириб, қабулхонада Оскар Готлиб кутаётганини, ҳузурига кирмоқчи эканини айтди.

«Оскар Готлиб? Қаёқдан пайдо бўлиб қолди?» — деб ўйлади Эльза. Хаёлидан бир зумда суд процессидаги воқеалар шиғиллаб ўтди.

Эльза иккинчи қаватдаги қабулхонага тушди.

Унга томон икки букчайиб бир чол йўрғалаб келарди. Марҳум банкирнинг укасини Эльза зўрга таниди. Оскар Готлиб озиб кет-

ган эди. Оппоқ соқоли кўксига тушган, юзи чўзилган, кўзлари салқиган. Ўзгариш фақат унинг ташқи қиёфасигагина хос эмас эди. Ҳаракатларидан қандайдир хасталик ва аламзадалик ифодаси ёғилиб турар, кўзлари олазарак эди.

— Безовта қилганим учун минг марта узр сўрайман,— деди у Эльзанинг қўлини ўпиб,— ноиложликдан шундай қилишга мажбур бўлдим...

— Марҳамат,— Эльза креслога таклиф қилди.

Улар ўтиришди. Оскар Готлиб ҳадеб хўрсинар, шляпасини қўлида айлантирар, лекин миқ этмасди. Бир оз ўзини босиб олгач, у аянчли бир овоз билан гап бошлади:

— Ростини айтсам, нимадан бошлашни ҳам билмайман... Аввало шуни айтиб қўйишим керакки, мен тақдирга тан бердим... Ҳа, бутунлай тан бердим... Ишонинг. Аммо кутилмаганда меросдан маҳрум бўлишим мени ниҳоятда мушкул аҳволга солиб қўйди. Гап шундаки, акам оламдан ўтганидан кейин ва... сиз меросдан воз кечганингиздан сўнг мен ўз ер-мулкимни гаровга қўйган эдим... Бошқа иложим йўқ эди. Ҳозирги ёшларни биласизку, айш-ишратни яхши кўради... Катта шаҳар... Ясан-тусан... Ҳар хил тантаналар... Бундан ташқари, хўжаликни ҳам сал эпақага келтириш лозим эди. Шартнома муддати қисқа. Сизнинг айнаб қолишингизни ва иш бунақа чаппасига кетишини ким хаёлига келтирибди дейсиз! Тағин таъна қиляпти деб ўйламанг, шунчаки тушунтиряпман, холос. Мана энди, бир ҳафтадан сўнг, қарзни тўламаганим учун ер-мулкдан айриламан. Қариган чоғимда хонавайрон бўламан... Бола-чақам бор, ахир... Беш жон-а, хотиним ҳам мункиллаб қолган...

— Қарзингиз қанча?

Оскар Готлиб ғудраниб қолди.

— Кўп, жудаям кўп. Икки юз минг...

Эльза ўйга толди.

— Шу ерда кутиб туринг, жавобини ҳозир сизга айтаман.

Готлиб ишнинг бу қадар тез кўчишини кутмаган эди, бинобарин, минг бор қуллуқ қилиб, олдиндан қизга миннатдорчилик билдирди.

Эльза шахсий секретариат хонасига ўтди, гарчи иш вақти бошланган бўлса ҳам хонада ҳеч ким йўқ эди.

«Қизиқ,— кўнглидан ўтказди Эльза,— бу қанақаси бўлди?» — Сўнг Карл Готлибнинг кабинетига кирди. Энди бу ерда ҳар доим Штирнер ишлаб ўтирарди. У шу ерда экан.

— Штирнер, Оскар Готлиб келди...

Штирнер қош остидан қаради.

— Топилибдими? Ёки тирилиб кептими? Ҳа, майли, ҳечдан кўра кеч, дейишади-ку. Хўш, нима дейди?

— Пул сўраб кепти... Ер-мулкини гаровга қўйган экан, энди...

— Қанчага?

— Икки юз мингга деяпти-ку.

Штирнер афтини буриштирди.

— Елғон! Унинг ер-мулки юз мингга ҳам бормайди. Тошлоқ жойлар. Юз минг берамиз, бўлади. Туёғини шиқиллатсин!

— Менга қаранг, Штирнер, ҳарҳолда мен унинг олдида ўзимни гуноҳкордай ҳис қиламан, бунинг устига... одамнинг раҳми келади... Менинг олдимга бош эгиб келиш унинг учун осон бўлмаган. Икки юз минг бера қолинг... Илтимос!

Штирнер кулиб юборди.

— Марҳамат! Қизиқ бўлди-ку! Банк эгаси ўз хизматчисидан илтимос қилиб ўтирса-я! Глюк хоним, ҳаммаси ўзингизники, сизнинг гапингиз — қонун. Мен кичкина одамман, нимани буюрсангиз шуни қиламан.

У икки юз минг маркага чек ёзди-да, чек дафтарчасини стол тортмасига солиб қулфлаб қўйди.

— Мана чек.

— Раҳмат.

— Яна раҳмат дейсиз-а! Қачон хўжайин бўлишни ўрганасиз?

Эльза кабинетдан чиқиб, Готлибга қоғозни узатди.

— Мана, икки юз мингга чек...

Оскар Готлиб ҳаяжондан қўллари қалтираб чекни олди-ю, яна қайта-қайта ташаккур изҳор қилиб, кечирим сўрай бошлади.

— Илтимос, миннатдорчилик билдирманг,— деди Эльза ўнғайсизланиб,— ундан кўра, суд процессидан кейин қаёққа ғойиб бўлганингизни гапириб беринг.

Улар яна ўтиришди.

— Касал эдим... Жуда ғалати касал. Суддан чиққанимдан кейин вужудимни аллақандай қўрқув ва номус туйгуси чулғаб олди... Одамларга кўринишдан ор қилиб қолдим... Хабарингиз бор, суд процессида иштирок этганларнинг сурати кўпгина газеталарда босилиб чиққан эди. Назаримда дуч келган йўловчи, ўтиб кетаётган ҳар бир извошчи, ҳатто болалар ҳам мени бармоғи билан кўрсатиб: «Ана, қилган ёмонлиги учун акаси меросдан маҳрум этган одам»,— деяётгандай туюлаверди. Аммо нима ёмонлик қилганимни ҳеч ким билмайди-ку, шунинг учун ҳар ким кўнглига келган гапни гапиравериши мумкин, албатта: биров векселларга акасининг қалбаки имзосини қўйган, дейиши мумкин, бошқа бирови, акасига заҳар бермоқчи бўлган, дер, ким билади дейсиз. Шундан кейин, қочишга мажбур бўлдим...— чол чуқур хўрсинди.— Ҳа, кўп оғир дақиқаларни бошдан кечирдим, хоним... Мен узоққа кетганим йўқ. Мени қидирмаган жойлари қолмади, лекин мана шу шаҳарнинг ўзида эдим. Эски, сўққабош бир дўстимникига яширинган эдим. «Агар шу ердалигимни бировга айтсанг, ўзимни ўлдираман»,— дедим унга. Лекин шундай демасам ҳам у мени сотмаслигини билардим.

— Кечирасизу,— деди кулиб Эльза,— ўша дўстингиздан уялмадингизми?

— Йўқ! Қизиғи шундаки, мен унинг адресини билмасдим, лекин қандайдир бир ички сезги билан уйини топиб бордим... Тўппа-тўғри кириб боравердим... Бу ҳам майли-я, у мени худди сабрсизлик билан кутаётгандай қарши олди, ҳолбуки биз у билан

анча йилдан бери кўришмаган ва ҳатто ёзишмаган ҳам эдик, шунга сира фурсат топмаган эдим.

«Ҳа, келдингми, хайрият»,— деди у мени кўриб. Ўшаникида яшириниб ётдим. Қўрқув ва номус ўтида қовурилиб ётдим. Баъзан, кечқурунлари сал ўзимга келиб қолар эдим. Шунда, эртага бир кўчага чиқиб айланиб келаман, деб ўйладим. Аммо кечаси бўлди дегунча, яна вужудимни даҳшат ва уят ҳисси чулғаб, эрталабгача тўлғаниб чиқардим... Тушуниб бўлмайдиган бир васваса! Бошимни кўрпага ўраб олардиму нафасимни ичимга ютиб ётаверардим. Эрталаб бош оғриғини баҳона қилиб, нонуштага ҳам чиқмасдим. Мен турган хонанинг деразалари парда билан тўсиб ташланган эди.

— Ажабо...— деди Эльза ўйчан.

— Газеталарни ўқирдиму юрагимни ҳовучлаб, қидирув натижаларини кузатардим. Бахтимга, мени бошқа жойлардан қидиришарди. Шунча вақт ичида фақат бир мартагина кулдим: газеталар менинг Аргентинадан «топилганим» ҳақида ёзишганди, қайси шаҳарданлиги ҳозир эсимда йўқ. Албатта, бу ғирт ёлғон бўлиб чиқди. Менинг қиёфадошим шаҳарга ўз иши билан келган бир фермер экан. Газетада босилган суратига қараганда у ҳақиқатан ҳам менга ўхшар экан.

— Бу ҳолат узоқ давом этдими?

— Сўнгги суд инстанцияси ишни узил-кесил сизнинг фойдангизга ҳал қилган кунга қадар. Шундан кейин менга ҳамма нарса бефарқ бўлиб қолди, эски яшаб турган уйимга қайтиб келдим. Иттифоқо гаровга қўйилган ер-мулк масаласи қўзғалиб қолди. Сездимки, мени қутқарадиган ягона одам сизсиз...

У гапини тугатолмай қолди, хонага Зауер билан Эмма Фит кириб келишди. Готлиб ўрнидан туриб, шоша-пиша чиқиб кетди.

Зауер билан Эмманинг қиёфаси Эльзани ҳайратга солди. Зауер фракда, Эмма эса оқ кўйлак кийиб, бир даста оппоқ гулни кўксига босиб турарди. Уларнинг чеҳрасидан нур ёғиларди. Зауер Эммани тирсагидан ушлаб олганди.

— Глюк хоним, сизга хотиним Эмма Зауерни таништиришга рухсат этасиз. Бизни табрикланг, биз никоҳдан ўтдик!

Эльзанинг ранги қув оқариб, ўрнидан турди.

Эмма шоша-пиша Эльзани қучоқлаб ўпа бошлади, аммо унинг хижолат тортганини сезиб, каловланиб қолди. Эльза ўзини аранг босиб, Эммани эҳтиросиз ўпди, сўнг Зауерга қўлини узатди. Эмма шу даражада бахтиёр эдики, Эльзадаги бу ўзгаришни сезмади ҳам. У қўлларини кўксига босганча болаларча энтикиб бидирлай кетди:

— Жуда ғалати-да, бу Отто,— шундай деб, у эрига ялт этиб қараб қўйди,— кеча театрга борувдик, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ: «Ҳозир никоҳдан ўтишимиз керак. Кетдик!»— деб қолса бўладими!

— Дарров рози бўла қолдингми? — сўради Эльза.

Эмма унга таажжубланиб тикилди. «Бахтдан ким юз ўгиради?» — деган маъно бор эди бу қарашида.

— Ҳаммаси ўз-ўзидан бўлиб кетди-да. Биз спектакль тугашини ҳам кутмай, лекин ажойиб пьеса эди... нима эди-я... тавба, ёдимдан кўтарилибди!.. Ҳа, бир нарса эди-да, ишқилиб... театрдан чиқдигу руҳонийни қидириб кетдик. Отто уни ётган жойидан турғазди шекилли-ёв! Қизиқ чол экан, уйқусираб туриб, бир нималарни ўқиди. Ҳаш-паш дегунча, тамом-вассалом! Мендан хафа эмасмисан, Эльза? — бирдан сўраб қолди у ҳадиксираб.

Бу болаларга хос соддадилликдан Эльза беихтиёр жилмайди. Шундан кейин дугонасини астойдил бағрига босиб, ўпди.

— Қўғирчоқдан хафа бўлиб бўларканми? Ўзинг хурсандмисан, ахир?

— Жудаям! — деб жавоб берди Эмма.

Аммо Зауерга кўзи тушиши билан Эльзанинг юзидаги табассум йўқолди. У Эммага меҳр билан боқиб турарди.

«Йўқ, Зауер менга ўчакишиб никоҳдан ўтмаган, у ростдан ҳам Эммани яхши кўради... Шайтон васвасаси! Васваса! Дарвоқе, бу гапни ким айтувди? Ҳа, Оскар Готлиб... ўша айтувди бу сўзни. Нималар бўляпти ўзи? Назаримда, тағин эс-ҳушимдан айрилаётганга ўхшайман...»

— Э-э, келин-куёвлар! — Кабинет остонасида турган Штирнернинг овози Эльзанинг хаёлини бўлди.

«Хабари бор экан-да» таажжубланиб кўнглидан ўтказди Эльза.

Табрик-қутловларга яна бир карра гувоҳ бўлиш, айниқса Штирнернинг олдида, Эльза учун осон эмас эди, бинобарин у аста хонадан чиқиб кетди.

— Табриклайман, табриклайман,— деди Штирнер хушчақчақлик билан.

Зауер ниҳоятда самимийлик билан Штирнернинг қўлини қисди. Гўё илгариги адоватдан асар ҳам қолмаган эди.

— Бугун кечқуруноқ никоҳ сафарига жўнамоқчимиз,— деди Эмма,— сиз билан Эльза қарши эмасмисизлар?

Штирнернинг чеҳрасида норозилик ифодаси пайдо бўлди, лекин у шу заҳотиёқ Эммага мулойим жилмайди.

— Нега энди, жуда соз бўлади. Қаёққа бормоқчисизлар?

— Ниццага ёки Норвегияга, ҳали бир қарорга келганимиз йўқ. Отто Норвегияга борамиз, дейди, менга эса Ницца ёқади...

— Демак, саёҳатга алоҳида-алоҳида бораркансизлар-да? — деди кулиб Штирнер.— Норвегияга борсангиз бурнингизни совуқ уриб кетади!— давом этди у.— Келинпошшани эҳтиёт қилиш керак, Зауер. Албатта, Ниццага борасизлар!

— Хўп, хайр бўлмаса, биз йўл ҳозирлигини кўрайлик! — Шундай деб, Эмма эрининг қўлидан ушлаб ташқарига судради.— Тезроқ, тезроқ, Отто, намунча имиллайсан! Бунақада ҳамма ерда поездга кеч қоламиз.

Зауер ҳовлига қурилган кичкина, шинам хонада истиқомат қиларди.

Улар ўзаро хахолашиб-кулишиб уйга киришди-да, шоша-пиша сафар тараддудига тушиб кетишди.

— Хўш, Ниццагами?

— Ниццага бўлса Ниццага-да!

— Тавба, ёв қувгандай намунча шошмасак! Чамадон ҳам шунақа оғир бўладими!..

— Бормаслигимиз мумкин... Чамадондан китобларни олиб ташлаш керак.

— Бормаймиз дейсанми? Эсинг жойидами! Борамиз албатта! Ие, йўлга киядиган кўйлагим йўқ-ку?

— Йўлдан оламиз. Ҳозирча кулранг кўйлагингни кия тур, ўзингга жуда ярашади.

Ногаҳон бир нарсага қулоқ тутгандай жим бўлиб қолишди, кейин бир-бирларига таажжуб билан тикилишди.

— Нега ерда ўтирибмиз? — деди ниҳоят Эмма.— Чамадонни нега олдинг? Бирор жойга бормоқчимисан?

— Ҳеч қаёққа бормоқчи эмасман,— жавоб берди Зауер.— Ҳайронман, чамадонни нега олдик? Балки китобларни кўздан кечирмоқчи бўлгандирсан?

— Китобларни? Бошимга ураманми? Е тавба. Бахтдан эсанкираб қолдикми дейман!

У хандон ташлаб ўрнидан турди-да, чамадон устидан ҳатлаб ўтиб Зауернинг юзидан ўпди.

Зауер қовоғини уйди. Ўртада турган чамадонга тикилиб, ўйланиб қолди.

— Нега ўзгариб қолдинг? Мендан хафамисан? — шундай деб, қиз ноз билан бошини эгган эди, Зауернинг яна чеҳраси ёришди.

— Албатта хафаман-да,— деди у кулиб.— Келмасингдан бурун ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб юбординг!

— Ўлай агар, мен эмас! Ўзи чиқди бу ёққа! — деди у оёғи билан чамадонга ишора қилиб.— Қани, кир-чи, жойингга! Кира қол! Ёрдамлашсанг-чи!

Эмма билан Зауер биргалашиб чамадонни каравотнинг тагига суриб қўйишди. Шундан кейин саёҳат ҳақида қайтиб ҳеч ким оғиз очмади...

XII. КЕЧКИ СОАТ ОЛТИДА

— Ёдингизда бўлсин, Эльза, эртага якшанба. Кечқурун соат олтида жавобингизни кутаман. Ҳозир эса зарур бир иш билан шаҳардан чиқиб кетяпман. Кечаси ёки эртага эрталаб қайтаман. Омон бўлинг!

Штирнер қишки боғдан чиқиб кетди.

Эльза ёлғиз қолди. Аммо у Штирнерга бериладиган жавоб ҳақида ўйламасди: унинг хаёли бошқа ёқда эди. У Зауер кутилмаганда Эмма Фитга уйланганидан ҳанузгача ўзига келолмасди.

Эльза ўзини шу топда ҳар қачонгидан кўра ҳам ёлғиз ҳис этди.

Аквариум ичида тилла балиқчалар думларини беозор қимирлатиб, оҳиста сузиб юришарди.

Эльзанинг уларга ҳаваси келиб кетди. Балиқлар ҳам ўзи каби

тутқунликда, шиша қути ичида яшашади. Аммо уларнинг ўз олами, ўзига хос «давраси» бор, улар руҳий азоб нималигини билишмайди. Қиз эса энг муҳтож ва уқубатли кунларидан кўра ҳам ҳозир ўзини бахтсизроқ сезарди. Бойлик унга нима берди?

Аллақандай сирли бир вазиятда ўтган суд процесси ва шу туфайли ўзи қўлга киритган бойлик уни оддий одамлардан, ўз билгича ҳаёт кечирадиган, кўчаларда бемалол сайр қилиб юрадиган кино, театрларга борадиган оломондан ажратиб қўйган эди. Кўчага чиқди дегунча, ҳамманинг эътиборига тушиб, юзлаб ва минглаб нигоҳлар унга қадаларди. Шунинг учун Эльза кўчага ҳам кам чиқадиган бўлиб қолди. Қўлини қаёққа узатса ҳам етади, лекин айни пайтда у ҳамма нарсадан бенасиб. Тиниқ шиша деворгина уни ташқи оламдан ажратиб туради, лекин ана шу шиша девор ҳам унинг учун ўтиб бўлмас бир ғов. Эльза ҳазин бир товуш билан шивирлади.

— Қандай бахти қароман, қандай шўрпешонаман!

Мана, худди кечагидай, худди олдинги кунлардагидай бўмбўш хоналарга майин сас таратиб соат занг урди. Қаердадир пастда машина товуши эшитилди. Штирнер жўнаб кетди...

Штирнер! Эртага унга жавобини айтиш керак. Бу охирги муддат эканлигини қиз сезиб турарди.

— Дарвоқе, нега айтиши керак экан?

Вақт ўтиб борарди. Қизиғи шундаки, Штирнер кетгандан сўнг унинг фикри тиниқлаша бошлаганди. Гўё кўзларини тўсиб турган хира парда кўтарилгандай эди. Оскар Готлиб, унинг васвас касали, Зауернинг бирдан Эммани севиб қолиши...

Ўз атрофидаги одамларнинг Карл Готлиб ҳалокатидан кейинги ғалати ва бемантиқ хатти-ҳаракатлари ростдан ҳам васвасани эслатмайдими? Ҳамма сир мана шунда! Лекин бу васвасанинг сабаби нима? Ким бунга чидаш бера олади? Штирнер! Фақат ўша, бир ўзи.

Штирнер!..

Балки мана шу ташвишларнинг сабабчиси худди ўшанинг ўзидир? Унинг қайиқдаги ғалати гап-сўзлари, бутун дунёни ўзига бўйсундирадиган аллақандай қудратли қуролга қилган шамаси. Наҳотки шу гапларда жон бўлса? Наҳотки у ўшандай қуролга эга бўлиб, одамларни худди мушук чала ўлик сичқонни ўйнатгандай ўйнатаётган бўлса? Лекин у бундай қудратни қаёқдан олади? Ким ўзи у? Сеҳргарми? Кўзбойловчими?..

Эльзанинг эти жимирлашиб кетди.

Штирнер унинг назарида саҳродаги ҳимоясиз қуш устида чарх уриб юрган қузғундай туюлди. Қуш эса — унинг ўзи. Йўқ, бу одамдан қочиб қутулиб бўлмайди. У ўзининг темир чангалидан қизни қўйиб юбормайди.

Эльза ўрнидан туриб, оғир тин олди-ю, яна диванга ўзини ташлади.

Уни ваҳима босди.

— Йўқ, йўқ, йўқ! — дея қичқириб юборди у бирдан, дарахт шохларида ўтирган қушчалар парр этиб учиб кетди.

Унинг бу ҳайқириғи залда акс садо берди. Қизиғи шундаки кутилмаган акс садо унга далда бергандай, гўё кўзга кўринмас бир дўсти: «Албатта, йўқ!» — дегандай бўлди. Курашсиз таслим бўлмаслик керак, бировнинг қўлида қўғирчоқ бўлмаслик, севмаган кишига ўзингни бахшида этмаслигинг керак.

У ўзини босиш учун залга кирди.

«Нима қилсам экан, нима қилсам экан?» — деб ўйларди у залда айланиб юраркан. Тасодифан бир суратга кўзи тушиб қолди. Қорабайир минган бир сувори ўзини таъқиб этиб келаётган чавандозлардан қочиб саҳрода от елдириб борарди.

«Хавф-хатарни мана шундай қарши олиш керак! Балки бу бадавий ҳалок бўлгандир, лекин у охиригача курашди... Қочиш керак! Нима қилиб бўлса ҳам қочиш керак!»

Эльза рояль ёнига бориб, табуреткага ўтирди. Бирдан кўз олдига тунов кунги манзара келди. Ўшанда Штирнер тепасида туриб, музика тинглаганди. Унинг узунчоқ, истеҳзоли, табассум аримайдиган заҳил юзи ҳеч қачон ҳозиргидай совуқ ва жирканч туюлмаган эди.

— Дарҳол қочиш керак! Лекин қандай қилиб? Бир тийин ҳам пули йўқ-ку!

— Миллиардер! — алам билан шивирлади у.— Қашшоқ миллиардер!

Кечагина Готлибга икки юз минг ҳадя этиб юборди, аммо ўзи учун у ҳеч қачон Штирнердан пул сўрамасди. Нимадир, балки ғурурдир, бунга йўл қўймасди.

Дарвоқе у пулни нима ҳам қиларди? Деярли шаҳарга чиқмаса. Нима керак бўлса уйга келтириб беришади, пулини эса Штирнер тўлайди.

Бирдан сумкасида охирги маошидан қолган пул борлиги эсига тушиб қолди. Шошиб ўз хонасига борди-да, сумкани титкилади.

Пул жойида эди. Кўп эмас, лекин жўнаб кетишга етади. Кейин-чи, кейин нима бўлади? Истаган шаҳрида ҳар бир банк унга чекланмаган миқдорда кредит очиши мумкин, лекин тўлаш учун векселни унинг ўз банкига жўнатишади, ўшанда Штирнер унинг қаёқдалигини билади-олади.

Эльза ўйланиб қолди.

— Эҳ, нима бўлса бўлар! Унга чўри бўлиб яшагандан кўра тиланчилик қилган яхши...

Эльза шоша-пиша кийинди-да, иккинчи қаватга тушди. Эшик олдида олачипор дог ётарди. Қизни кўриб, думини ликиллатди. Эльза итнинг бошини силаб, нари сурмоқчи бўлган эди, ўрнидан силжимади. Қиз айланиб ўтиб, эшикни очмоқчи бўлди. Ит бирдан сапчиб турди-да, олдинги оёқларини Эльзанинг елкасига қўйиб ириллаганча орқага итара бошлади.

Қиз итнинг кутилмаган бу қилиғидан ҳанг-манг бўлиб, орқага чекинди.

— Буцефал! Сенга нима бўлди?— деди у мулойимлик билан. Ит яна думини ликиллатиб, шаштидан қайтди. Аммо қиз

иккинчи марта чиқишга уринган эди, ит боягидан ҳам баттар ириллаб берди. Штирнер ишончли соқчиларни қолдириб кетибди! Одамларни ёрдамга чақирсинми? Қиз шовқин кўтаришни истамади. Шу топда миясига бир фикр келиб қолди. У шошиб Готлибнинг кабинетига кирди. Эшик очиқ эди. Лифтда турган креслога ўтириб, тугмачани босиш бир лаҳзалик иш эди. Қиз иложи топилганидан суюниб, лифтда ғув этиб банк бўлимига тушди.

«Сизга панд бердим, Штирнер!»

Қоровуллар тўсатдан пайдо бўлиб қолган Эльзани кўриб, аввалига ҳайрон бўлишди, лекин тавозе билан ўтказиб юборишди. Қиз Штирнер уларга ҳеч кимни чиқармаслик ҳақида буйруқ бериб кетган бўлса-я, деб қўрқиб турган эди.

Эльза юрагини ҳовучлаб ўзи учун зиндонга айланган уй остонасидан ҳатлади-ю, димоғига кўклам нафаси урилгандай бўлди, бир зумда кўчадаги оломон орасига қўшилиб кетди. Хайрият! У энди эркин қуш. Муюлишдан бурилди-ю, такси ёллаб, энг яқин вокзалга олиб бориб қўйишни буюрди. Тезроқ шу ердан узоқлашса бўлгани!..

Вокзалда ҳаммол қаёққа билет олишни сўраган эди:

— Барибир... Мана шу пулга қаёққача борса бўлади?— деб жавоб берди.

Эльза эҳтиётсизлик қилган эди: ҳалиги жавобни эшитган ҳаммол таажубланган ва табиийки, бу ғалати жувоннинг қиёфаси ёдида сақланиб қолган эди. Бу нарса уни қидириб топишда калаванинг учи бўлди. Лекин ўша пайтда Эльза ўзи билан ўзи бўлиб, бу ёғини ўйламаган эди.

Паровоз охирги марта қичқириб, вагон ўрнидан қўзғалгандан кейингина у ўзини босиб олди. Сўнгги дақиқаларгача, гарчи унинг шаҳарда йўқлигини билса ҳам Штирнер орқамдан қувиб келади, деб қўрқиб турган эди.

Шаҳар чеккасидаги бинолар ҳам ортда қолиб, кўм-кўк дала бошлангач, Эльза қувонганидан йиғлаб юборай деди. Ботаётган қуёш нури ферма биноларини қизғиш шафаққа кўмган, бепоён ўтлоқзорда сон-саноқсиз қўй-сигирлар ўтлаб юрарди.

Бу манзара қизни энтиктириб юборди. У вагон деразасидан кўз узмай, ўзича хиргойи қилиб борарди.

«Эркин қушман, парвозим эркин...»

У оқибатини ўйламасди. Шу пайтда унинг қалби эрк нашидаси билан тўла эди. Кун ботиб, атрофни қоронғилик боса бошлагач, вагон чироқларини ёқишди, шундагина у ўйга толди...

— Э, илгаригидан ёмон бўлмайди!— Шундай деб, у тез ечинди-да, кечирган ҳаяжонлари қаттиқ чарчатганидан дарров ухлаб қолди.

Қанча ухлаганини ҳам эслай олмади.

Бирдан худди биров туртгандай чўчиб уйғонди-ю, атрофига алангади. Вагон... Қизиқ, вагонга қандай қилиб тушиб қолди? Қалбини бир зумда ғулғула ва аллақандай ноаниқ туйғулар чулғаб олди. Бу туйғу тобора кучайиб, чуқурлашиб, тиниқлаша борди...

Қайтиш керак! Дарҳол, ҳозирнинг ўзидаёқ қайтиш керак! Штирнер! Азизим! У буни кутиб ўтирибди! Қизнинг кўзи олдида ўзи рояль чалиб ўтирган пайтда кўрган маъюс ва қадрдон чеҳра намоён бўлди.

Эльза тез кийиниб, коридорга чиқди. Пассажирлар сочиқларини кўтариб, бирин-кетин ювинишга боришарди. Тонг ота бошлаганди.

— Проводник, бекатга яқин қолдими?

Бақалоқ проводник чўнтагидан шошмасдан каттакон кумуш соатини олди, худди шундай сусткашлик билан қопқоғини очдида,ўйлаб туриб:

— Ўн икки минутдан кейин, хоним,— деб жавоб берди.

Эльза бетоқат бўлиб, пошнасини ерга урди.

— Бемаънигарчилик! Яна шунча кутиш керак! Қаршидан келадиган поезд-чи?

— Бир вақтда келади.

Эльза сабрсизликдан лабларини тишлади.

Ниҳоят поезд бекатга келиб тўхтар-тўхтамас Эльза ундан сакраб тушди-да, орқага қайтаётган поезд вагонига ўзини урди.

Унинг билети йўқ эди, бинобарин, контролёр протокол ёзди, аммо Эльза унинг ҳамма саволларига ўйламай жавоб қайтарар, ҳеч нарсани идрок этмасди.

Қиз ўз фамилиясини айтиши билан контролёр унга ҳайратланиб тикилиб қолди.

Эльза тоқатсизланиб ўзини қаёққа қўйишини билмасди. У купедан чиқиб, бир деразанинг олдидан иккинчи деразанинг олдига борар, ўзининг ташқи кўриниши ва безовта хатти-ҳаракати билан йўловчиларнинг диққатини тортарди. У тезюрар поезд бу қадар тошбақа юриш қилаётганидан дод деворай дерди.

— Етай дедикми?— у дам ўтмай шу саволни беравергани-дан йўловчилар ундан ўзларини олиб қочадиган бўлишди. Шундан кейин қиз ўз купесига кириб, диванга узала тушди-да, бошини чангаллаб, худди алаҳсираётгандай:

— Людвиг! Людвиг! Людвиг!.. Қачон сени кўраман!— деди инграб.

Ниҳоят поезд тўхтади.

Эльза йўловчиларни туртиб ташқарига отилди. Вокзал майдонига ҳам худди шу алфозда югуриб чиқди-да, ўзини автомобилга урди.

— Эльза Глюк банкига! Тезроқ, тезроқ! Иложи борича тезроқ ҳайданг!..

Штирнер Эльзани кутиб, кабинет ўртасида турарди.

Сочлари тўзғиб кетган қиз кабинетга отилиб кирди-да, Штирнернинг бўйнига осилиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Людвиг, азизим, хайрият!

Штирнернинг чеҳрасига ҳам бахтиёрлик, ҳам маъюслик ифодаси инди.

— Менинг маликам!..— деди у секингина, Эльзанинг юмуқ кўзларидан ўпаркан.

Соат роппа-роса олтига занг урди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I. БИРЖА ВАҲИМАСИ

Савдо аҳлини ваҳима босган эди.

Май ойидан бошлаб биржа шафқатсиз рақобат гирдобига тушиб қолди. Бир ой ичида икки мингдан ортиқ қарздор рўйхатга олинди. Июнь ойига келиб эса уларнинг сони беш мингга етди. Майда корхоналар ҳалокатга учраётган пайтда молиявий газеталар яқинлашиб келаётган фожиани хаспўшлашга уриниб, кризис фақат мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини «валюта билан олибсотарликка асосланган майда ва кераксиз корхоналар»дан халос қилади, деб жамоатчилик фикрини чалғитиш билан овора эди. Аммо июнь ойида бир қанча кўҳна ва йирик корхоналар кризис қурбони бўлди. Бу ҳол саноат ва бир талай майда акционерларга оғир зарба бўлиб тушди. Энди газеталар ҳам ҳеч нарсани яширолмасди. Чинакам фожиа бостириб келаётган эди, даҳшатли томони шунда эдики, вужудга келган бу кризисни одатдаги «иқтисодий танглик» билан изоҳлаб бўлмасди. Гўё янги, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир вабо молиявий муассасаларни маҳв этиб, янги-янги қурбонларни ўз домига тортарди. Июль ойига келиб мамлакатда фақат учта йирик банк қолди. Булар Мюнстерберг, Шумахер ва Эльза Глюк банклари эди. Олдинги икки банкнинг ҳар қайсиси ўз маблағининг ўттиз процентини йўқотган эди. Эльза Глюк банки эса йўқотиш у ёқда турсин, ўз маблағини уч баравар кўпайтириб олганди. Яшаш учун сўнгги кураш мана шу учта банк ўртасида бўлиши муқаррар эди. Эльза Глюк банкидаги маблағ Мюнстербергникидан ҳам, Шумахерникидан ҳам кўп эди. Лекин бу икки банк Эльза Глюкка қарши бирлашса, тарозининг палласи ўшалар томон оғиб кетиши мумкин эди.

Тўғри, маълум шартлар асосида Эльза Глюк банки билан битим тузса, ёки ҳатто маблағларни қўшиб юборса ҳам бўлади. Бинобарин, Мюнстерберг ҳам, айёр Шумахер ҳам бир-биридан яшириб шунга уринар, ҳар қайсиси ўз-ўзича ишончли одамларини Штирнернинг «кўнглига қўл солиб кўриш» учун юбориб турар эди. Аммо бу «ёвуз даҳо»,— уни савдо аҳли шундай деб атарди,— сира ён босмас, ҳар иккала банкнинг ҳам таклифини рад этарди. У ўз рақибларига нисбатан намойишкорона беписанд ва шафқатсиз эди. Биржа «ўйини»даги ажойиб омад, биржа курсларини олдиндан бехато пайқаб олиши, теварак-атрофдаги кишиларга тамомила сирли таъсир ўтказиш қобилияти Штирнерни даҳшатли кимсага айлантирган эди.

Банкирлар ва биржа даллоллари Штирнерга шахсан муро-

жаат қилган бир нечта банкирнинг қўққисдан ўлиб қолгани тўғрисида, гўё сўзларини кўзга кўринмас душман эшитиб қолишидан қўрққандай, шивирлашиб гаплашишарди. Улар билан Штирнер нима ҳақда сўзлашганидан оғиз очишмасди. Аммо унинг ҳузурига кирган банкирлар ақл-идрокларини йўқотиб, орттирган бой тажрибаларини унутиб, ўзлари учун номатлуб битимлар тузишар, оқибатда кўп ўтмай хонавайрон бўлиб, уларнинг жамики маблағлари Эльза Глюкнинг ер остидаги хазинасига келиб қўшиларди. Бундайларнинг айримлари ўз-ўзларини ўлдиришди. Шунинг учун ҳам Мюнстерберг билан Шумахер ўзлари шахсан учрашишдан қўрқиб, воситачилар орқали гаплашишга қарор қилишган эди.

Штирнер билан музокаралар бирон-бир натижа бермагач, ярим аср мобайнида рақобатлашиб келаётган икки банк бирлашган тақдирдагина, «ёвуз даҳо»ни енгмаганда ҳам ҳар ҳолда унга қарши курашни давом этириш мумкинлиги Шумахер билан Мюнстербергга аён бўлиб қолди.

Бу курашни енгиллаштирадиган яна бир томони шунда эдики, ҳар иккала банк мамлакатнинг кўмир шахталари, бўёқ ишлаб чиқариш, автомобиль ва радио заводлари, электр тармоқлари, шаҳар темир йўли, кемасозлик заводлари каби йирик савдо-саноат корхоналарининг акцияларига эгалик қиларди. Бу корхоналарнинг акциялари турли касбдаги миллионлаб кишилар — ўртамиёна фермерлар, идора хизматчилари, пароходларда ишловчи ошпазлар ва ҳатто лифтни кўтариб-тушириб турувчи болалар қўлида эди. Уларнинг бари оз миқдордаги жамғармалари тақдирини Мюнстерберг ва Шумахер банклари тақдири билан боғлаган эдилар. Шундай қилиб, банкирларнинг нуфузи ниҳоятда кучли эди.

Ўн бешинчи июль куни эрталаб Штирнернинг содиқ ва тиришқоқ ёрдамчиси Зауер хўжайинининг кабинетига навбатдаги ахборот билан кирди.

Зауер Штирнернинг узатган қўлини маҳкам қисди.

— Салом, Зауер! Маликангизнинг аҳволи қалай?

— Ташаккур. Бекорга ташвиш тортган эканман. Кеча врач келиб кўриб кетди.

— Хўш, Зауер, хонимдан нима касал топди?

Зауер хушҳоллик билан, лекин бир оз уялинқираб жавоб берди.

— Ҳадемай у она бўлади...

— Шунақа денг! Табриклайман. Мендан салом айтинг. Биржада нима гаплар? Янгиликлар борми?

— Бор бўлгандаям ҳазилакам янгилик эмас. Мюнстерберг билан Шумахер бизга қарши ягона фронт тузмоқчи. Улар акционерлик жамияти ташкил қилиш ҳақида ариза беришибди, биржа доираларининг фикрига қараганда, ҳукумат уларни қўллаб-қувватласа керак.

— Шундай бўлишини билган эдим.

Зауер таажжубланиб қаради. Штирнер жилмайди.

— Бошқа нима ҳам қила оларди?— жавоб берди Штирнер.— Одатда ожизроқ ҳайвонлар ўзларидан кўра кучлироқ йиртқичлардан сақланиш учун бир ерга ғуж бўлиб олишади. Ҳукумат-чи? Ҳукумат эса давлат банки билан менинг орамда бошқа яна бир таянч бўлишини хоҳлайди. Чунки борди-ю, бақалоқ Мюнстерберг билан чиллашир Шумахер хонавайрон бўлса, у ҳолда мамлакатда фақат иккита молиявий куч қолади, ҳа, фақат иккита, Зауер: мен, яъни хотинимнинг банки билан давлат банки. Қайси бири ғолиб чиқишини худо билади.

Дўстининг беқиёс ютуқларига кўникиб қолган Зауер ҳам бу гапни эшитиб, лол бўлиб қолди.

— Жуда катта кетвормадингизми, Штирнер?

— Азизим, биз мувозанат беқарор бўлган замонда яшаяпмиз. Биз учун фақат иккита йўл бор: ё чиқиш, ё тушиш. Ғилдираб кетаётган ҳалқа тўхтаган пайтда ёнбошга ағдарилади. Дарвоқе, иккита банкнинг қўшилувига биржа қандай қараяпти?

— Бир куннинг ичида Мюнстерберг билан Шумахернинг акциялари эллик процентга кўтарилиб кетди,— жавоб берди Зауер.

— Даллолларимизга буюринг, ўша акцияларнинг ҳаммасини сотиб олишсин.

— Сиз Мюнстерберг билан Шумахерга ён босяпсизми?

— Мен Глюкка ён босяпман. Наҳотки шуни ҳам тушунмасангиз? Бўла қолинг, Зауер, вақт кетмасин. Қанча кўтарилса шунча яхши. Пачакилашиб ўтириш жонимга тегди, бир зарба билан ҳамма машмашага чек қўймоқчиман.

Штирнер керакли қоғозларга имзо чекиб, Зауерни чиқариб юборди, кейин бир нарса эсига тушиб, орқасидан чақириб қолди.

— Менга қаранг, Зауер, савдо, саноат ва молия министрларининг уй адресларини менга билиб беринг.

— Мана бу китобда ҳамма адреслар бор.

— Ҳа, дарвоқе... Раҳмат. Нима дейсиз, Зауер, бирор баҳона билан уларни бу ерга таклиф қилса бўлармикин?

— Қийиндир-ов.

— Улар Людвиг Штирнерга бундай шарафни раво кўришмайди-да, а? Майли, кўрамиз, бир-икки ойдан сўнг нима бўларкин? Ҳозирча бу ташрифсиз ҳам кунимиз ўтиб турибди. Менга шаҳар планини беринг-чи.

Зауер планни олиб узатди.

— Миннатдорман. Сиз бўшсиз, Зауер.

Штирнер планни стол устига ёзди, компасни қўйиб, планнинг шимол томонини компас стрелкасига айнан мос келадиган қилиб айлантирди. Кейин министрлар турадиган жойларни пландан аниқлаб, нуқта қўйиб чиқди, шундан сўнг Эльза Глюк банкини ана шу нуқталар билан бирлаштириб чизиқ тортди ва ҳосил бўлган бурчакларни ён дафтарига ёзиб қўйди.

— Ҳў-ўш, жаноб министрлар... ана энди кўрамиз бу ёғини...

Шундай деб, у кабинети ёнидаги ўз хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлади.

Ўн минутлардан сўнг кабинетга Эльза кириб, ёзув столи ёнида турган юмшоқ креслога ўтирди. Сал ўтмай Штирнер чиқди. Эльза шошиб ўрнидан турди-да, иккала қўлини узатганча унинг истиқболига юрди. Штирнер қизнинг қўлларидан ўпди.

— Мени қўмсаганмидинг, Людвиг?

У Эльзани қўлтиғидан олди.

— Ҳа, азизим, эрталабки ишларимни тугатдим. Энди қишки боғда сен билан нонушта қилсам девдим.

Эльзага бу гап мойдай ёқди.

— Мен билан жуда кам учрашасан, Людвиг.

— Илож қанча, азизим, ҳозир жанг кетяпти... Маблағинг уч баробар кўпайганидан хабаринг борми? Ҳадемай мамлакатдаги барча хусусий банклардаги пуллар сенинг қўлингга ўтади.

Улар тузаб қўйилган каттакон стол атрофига ўтиришди. Штирнер қадаҳларга вино тўлдирди.

— Сен биржа маликаси бўласан.

У винодан бир ҳўплаб қўйди.

— Аслида ҳеч қанақа биржа бўлмайди. Ҳамма биржа шу ерда бўлади. Агар менинг хотиним бўлмаганингда не-не чинакам шаҳзодалар изингдан эргашиб юрарди! Мабодо шунча бойликка, шунча қудратга эга бўлишингда менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам бор экан, демак, Штирнер кўпам аравани қуруқ олиб қочадиган маҳмадона эмас экан!

— Мен ҳеч қачон бунақа демаганман!— астойдил эътироз билдирди Эльза.

— Шунақами? Унда яхши.

Улар қадаҳ уриштиришди.

— Людвиг, агар сен бойлигимни эмас, менга ажратадиган вақтингни уч баробар кўпайтирганингда тағин ҳам бахтлироқ бўлардим. Елғизликдан қанчалик изтироб чекаётганлигимни билсанг эди!.. Бутун умрим сени кутиш билан ўтяпти.

— Бу ёғи оз қолди, азизим! Сўнгги рақибларимизни ҳам қўлларини қайириб, ҳарбий ўлжадай оёқларинг остига келтириб ташлаганимдан кейин, бемалол...

Шу пайт Зауер кириб, Эльзага таъзим қилди. Қиз ҳам унга жавобан енгил бош ирғаб қўйди.

— Безовта қилганим учун узр сўрайман. Меҳмонхонада сизни бир жаноб кутиб ўтирибди, Штирнер. Зарур ишим бор, деяпти. Шумахернинг агентимикан, деб шубҳаланяпман. У шахсан сиз билан гаплашмоқчи.

Штирнер чиқиб кетди.

— Хўш, Эмма қалай?— сўради Эльза.

— Раҳмат... Ёмон эмас.

— Сизга нима деган эдим? Гапим рост чиқдими! Бекорга ташвиш тортган эдингиз ўшанда. Эмма ҳадемай она бўлади! Ҳазил гапми! Унинг ўзи ҳали қўғирчоқ ўйнайдиган ёшда-я. Бугун албатта олдига кираман...

— Сизни кўрса хурсанд бўлади.

Штирнер қайтиб кирди.

— Янглишмаган экансиз, Зауер. Айёр тулки Шумахер охирги дақиқада ўз иттифоқчисига хиёнат қилиб, менга қўшилиш истагини билдирибди. Бор ҳунарини ишга солиб, ҳам қўрқитяпти, ҳам минг турли имтиёзлар ваъда қиляпти.

— Сиз нима дедингиз?

— Жаноб Шумахерга бориб айтинг, менга ҳеч қанақа шерик ҳам, энага ҳам керак эмас, дедим. Ўтиринг, Зауер, бирга нонушта қиламиз.

Улар эски қадрдонлардай чақчақлашиб ўтиришди. Илгариги гина-кудуратлардан асар ҳам қолмаган эди.

II. КИМ ЗЎР БЎЛСА, ЎША ЮТАДИ

Ҳукумат Мюнстерберг билан Шумахер банкларини бирлаштирувчи янги акционерлик жамиятини таъсис этадиган куни тонг саҳарда Штирнер Зауерни чақириб, буйруқ берди:

— Мюнстерберг билан Шумахер акцияларини сотиб юборинг, бир дона ҳам қолмасин.

— Уларнинг қиммати бир кечада йигирма олти процентга ортди. Қолаверса, акционерлик жамияти тузилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Менимча...

— Парво қилманг, буйруқни бажаринг. Ҳозироқ биржага ўзингиз бориб, ҳамма янгиликни менга телефон орқали маълум қилинг.

Зауер елкасини қисди-ю, чиқиб кетди.

Бир соатдан сўнг телефон жиринглади.

— Акцияларни талаб кетишяпти.

— Жуда соз, Зауер. Ҳукумат кенгаши қачонга белгиланган?

— Кундуз соат иккига.

— Унгача акцияларни сотиб бўласизми?

— Бир соатда ҳаммаси тамом бўлади.

— Жуда соз. Бир соатдан кейин телефон килинг.

Орадан ярим соат ўтмасданоқ телефон жиринглаб қолди:

— Акциялар тугади. Биржа тўс-тўполон. Дарвоза олдидаги майдонни оломон босиб кетган. Кўча ҳаракати тўхтатилди. Трамвайлар базўр ўтиб турибди, автобус юролмайди.

— Буларнинг менга қизиғи йўқ. Акцияларимизнинг тақдири нима бўлди?

— Афсуски, қиммати пасайиб кетяпти!

— Жуда яхши. Янаям пасайишини кутиб туринг, кейин сотиб олаверинг.

— Людвиг, жудаям бандмисан?— сўради кабинетга кирган Эльза.

— ...Ҳаммасини сотиб олаверинг,— гапида давом этди Штирнер.— Тез-тез телефон қилиб туринг.— Кейин Эльзага мурожаат қилди.— Ҳа, жудаям бандман, азизим. Ўзинг нонушта қилавер.

Бугун телефондан нари жилолмайман, балки туни бўйи ўтиришга тўғри келар.

Эльзанинг қиёфаси тундлашди. Штирнер телефон трубкасини қўйиб, Эльзанинг олдига келди.

— Иложи йўқ, жонгинам, чида. Бугун ҳал қилувчи жанг бўлади. Мен ғолиб чиқишим керак, эртага эса сен тожсиз малика бўласан, бутун бойлик сенинг қўлингда бўлади...

— Людвиг! — деди истеҳзо билан Эльза.

— Бўпти, бу ҳақда гапирмайман. Эмма қалай? Уни кўрдингми?

— Врач кўриб, буйрагингизнинг мазаси йўқ депти, буни қаранг-а, энди унга туғиш хавфли...

— Шунақа дегин,— паришонхотир жавоб қилди Штирнер.

— Лекин ўзи ўлсам ҳам боладан воз кечмайман деяпти.

— Яхши, яхши.

Яна телефон жиринглади. Штирнер бир чўчиб тушди ва шоша-пиша Эльзанинг пешонасидан ўпиб, деди:

— Бўпти, юрагингни кенг қил. Ишларимиз бир ёқлик бўлсин, иккаламиз Ривьерага кетамиз. Алло! Эшитаман.

Эльза бир хўрсиниб, чиқиб кетди.

— Соат ўн иккида? Бир соатдан кейин экан-да? Жуда соз! Ҳукумат қарорини билганингиздан сўнг дарҳол қўнғироқ қилинг.

Штирнер трубкани қўйди-да, ҳаяжонланиб хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Бу масалани ҳал қилишни ҳукумат соат иккидан ўн иккига кўчирибди. Демак, таъсир қиляпти. Энди ютиб чиқишимга астойдил ишонаман. Ҳозир ғалаба қилсам, у ёғи ўзи кетаверади. Штирнердан зўр одам бўлмайди дунёда.

У бошини орқага ташлаганча кўзларини хиёл юмиб, аллақандай лаззатдан жилмайиб, бир лаҳза қотиб турди.

— Йўқ, тантана қилишга ҳали вақт эрта. Охирги зарба учун куч тўплаш керак.

Штирнер ўз хонасига кириб, эшикни яна ичкаридан қулфлаб олди.

Бир соатдан сўнг у ҳориб-чарчаб, ранглари оқариб хонадан базўр чиқди-ю, ўзини креслога ташлади.

Телефон жиринглади. Штирнер худди пружина улоқтириб юборгандай сакраб туриб, трубкани олди.

— Алло! Ҳа, ҳа, мен... Зауермисиз?

Лекин қўнғироқ қилаётган Зауер эмас, Штирнернинг агентларидан бири Шпильман эди.

— Кутилмаган тасодиф! Кенгаш ҳозиргина тамом бўлди. Ҳукумат акционерлик жамиятининг уставини тасдиқламади. Кенгашда ўтирган Шумахер министрнинг юзига: «Сотқин экансан!» — деди шартта. Мюнстерберг ўзидан кетиб қолди, уни беҳуш ҳолда уйига олиб кетишди.

Штирнер гапни охиригача эшитмади. Ҳаяжондан қалтираб трубкани қўйди-ю, овозининг борича «Ғалаба!» — деб қичқирди,

кресло ёнида ухлаб ётган Фальк сакраб туриб, хўжайинига жавдираб боқди.

— Ғалаба, Фальк! — Штирнер рўмолчасини хонанинг бурчагига улоқтириб, буюрди: — Опке!

Кучук зинғиллаб бориб, рўмолчани эгасига келтириб берди.

— Ҳоллари шу экан-ку! Ха-ха-ха! — у асабий куларди. Кейин кучукнинг олдинги икки оёғини кўтариб, пешонасидан ўпди. — Уларни сираям ўпмаган бўлардим, Фальк. Чунки улар сендан кўра аҳмоқроқ, бунинг устига мени ёмон кўришади. Шунинг учун ҳам бурунларини ерга ишқаш керак уларни!

Телефон жиринглади.

— Зауер? Ҳа, эшитдим. Шпильман айтди. Биржада нима гап?

— Э-э, сўраманг. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди.

— Мюнстерберг акциялари нима бўлди?

— Пасайиб кетяпти. Даҳо экансиз, Штирнер!

— Мақтовнинг вақти эмас ҳозир. Хонавайрон бўлган банкларнинг акциялари писта пўчоғига тенг бўлган пайтда ҳаммасини сотиб олиш мумкин. Қайтадан қимматини тиклаб оламиз. Лекин бу иш кейинроқ. Асосий ишни дўндирдик, энди қайтсангиз ҳам бўлаверади, Зауер!

— Чиқолмаяпман. Ақлдан озган оломон орасида қолдим. Ҳатто ҳушидан кетган ва оёқ остида қолган одамларни олиб кетиш учун келган «Тез ёрдам» машиналари ҳам киролмаяпти.

— Ундай бўлса, янгиликларни хабар қилиб туринг.

Зауер худди шундай қилди. Фонд даллоллари ўн минутлик кенгаш ўтказиб, Мюнстерберг, Шумахер ва улар билан алоқадор банкларнинг қоғозларини сақлаб қолиш мумкин эмас, деган қарорга келишди. Бўлар иш бўлган эди. Ҳар дақиқа йирик-йирик маблағлар чиппакка чиқарди. Қоғозлар қўлдан-қўлга ўтиб турарди. Ярим кечадан ўтганда асабийлик энг юқори нуқтасига чиқди. Фақат биржа майдони эмас, балки қўшни майдон ҳам йирик пулдорларнинг автомобиллари билан тўлиб кетди. Улар ўз лимузинларида ҳорғин ва тушкун бир кайфиятда тун бўйи кўзларини жавдиратиб ўтиришди. Курснинг тўхтовсиз пасайиб кетаётганлиги ҳақидаги хабар кетма-кет келиб турарди. Бир хабар телефон орқали етиб келгунга қадар аҳвол яна ўзгарарди. Оломон худди табиий офат юз бергандай қўшни хиёбонга ёпирилиб, скамейкада ўтириш ҳуқуқини олиш учун одамлар қимматбаҳо меҳмонхонага нисбатан кўпроқ ҳақ тўларди. Тонгга яқин икки даллол билан бир банкир ақлдан озиб қолди.

— Штирнерга ўлим! — деб қичқирди даллоллардан бири.

Уларни минг машаққат билан касалхонага олиб кетишди.

Тонг ёришган пайтдагина ғала-ғовур худди сув сепиб ўчирилган ёнғиндай босилди. Кечаги пулдорлар биржадан ўн йилга кексайиб, сочлари оқарган, букчайган бир аҳволда чиқиб кетишди. Оломон сийраклашиб қолди. Ниҳоят Зауер биржа биносидан чиқишга муваффақ бўлди, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. У чарчаганидан оёқда зўрға турарди.

«Ҳозир бутун мамлакатда шу аҳвол, — деб ўйлади у. — Бир

кечада юз минглаб кишилар хонавайрон бўлди, миллионлаб майда омонатчилар ўз жамғармаларидан айрилдилар. Ҳалиги тентак Штирнерни маломатга қўйиб қичқирди, ҳамма айбни ўшанга тўнкади. Лекин Штирнер айбдор эмас. Ким зўр бўлса ўша ютади. Штирнерга койил. У чиндан ҳам буюк даҳо!»

Зауер жилмайиб қўйди, шу заҳоти уни эсноқ тутди.

Штирнер эса Зауердан телефон орқали сўнгги хабарни эшитди-ю, стол ортидан туриб, роҳат қилиб керишди. У энди хотиржам эди. Унинг вужудини яхши ишлаган ва ўз меҳнатининг самарасидан қаноат ҳосил қилган кишиларда бўладиган ширин ҳорғинлик чулғаб олган эди. У ғалаба қилди. Бу ғалаба банкирлар ва министрлар устидан қозонилган ғалабадан кўра каттароқ. У инсон қаршилигини енгди! Готлиблар, Эмма, Зауер, Эльза... Улар ким бўпти!..

— Энди дунёда ҳеч бир кимса менга қаршилик кўрсатолмайди, ҳадемай бутун дунё менинг олдимда тиз чўкади!— деди у ғурур билан.

Унинг уйқуси қочган эди.

Тепага кўтарилиб, Эльзанинг хонасини тақиллатди.

Қиз ҳали ечинмаган, уйғоқ эди. Шошиб, эшикни очди-ю, энтикиб қўлларини узатди.

— Хайрият эсингга тушибман, Людвиг!

III. ОҚ ВИЛЛА

Эльза Глюк банки — у ҳали ҳам Эльзанинг қизлик фамилияси билан юритиларди — молия оламида ягона ҳукмдор бўлиб қолди.

Дарвоқе, Эльза ўз қудратининг ошиб кетганини мутлақо сезмасди. У илгаригидай Штирнер билан учрашувни орзу қилиб, бўм-бўш хоналарда ёлғиз айланиб юрарди. Аммо Штирнер ҳамон унга вақт ажрата олмасди. Эльза Штирнер ўзини кўрмоқчи бўлганини олдиндан сезарди. Юрагида ширин бир талпиниш туйгуси уйғониб, пастки қаватга шошилар, Штирнернинг бўшлигини ва ўзини ҳайдамаслигини ҳис қилиб турарди. Аммо баъзан кунлар, ҳафталар ўтиб кетардики, Штирнер фақат эрталаблари бир кўриниш бериб, хомуш бир қиёфада саломлашар ва ғойиб бўларди. Баъзан у бир неча кунга шаҳардан чиқиб кетарди. Шундай пайтларда қизда қандайдир лоқайдлик пайдо бўлиб, уни кўришни ҳам хоҳламасди. Мабодо қайтган ҳамоноқ дуч келиб қолса, жуда совуқ кўришарди. Штирнер эса пешонасини тириштириб, ҳатто Эльзага ҳам кириш ман этилган хонасига шошиларди. Орадан бир неча минут ўтгач, қиз ўз қалбини қайноқ муҳаббат туйғуси қитиқлай бошлаганини пайқарди. Штирнер хонасидан қайтиб чиққанда эса қиз уни меҳр билан қарши оларди.

Штирнер бўлса оғир хаёл гирдобидан чиқолмай бир оз хўмрайиб турарди. Аммо Эльзанинг самимий муносабати тезда Штирнерни ҳам ўзгартириб юборарди. У яна меҳрибон ва ғамхўр бўлиб

қолар, қиз эса мана шу ширин дақиқалар суруридан бениҳоя роҳатланарди.

Уларнинг сафари яна орқага суриладиган бўлди.

Штирнер ўз олдига янги мақсад қўйган эди: у кўпгина корхоналар Эльза Глюк банкидан қарздор бўлиб қолганидан фойдаланиб, мамлакатнинг бутун саноатини ўз қўлига олишни ўйларди.

Завод ва фабрика эгалари қаттиқ қаршилик кўрсатишди, аммо Штирнер уларнинг завод-фабрикаларини бирин-кетин тортиб ола бошлади.

Ниҳоят, бу кураш ҳам Штирнер фойдасига узил-кесил ҳал бўлгач, у Зауер билан Эльзани чақириб, деди:

— Энди дам олишим, бир оз кечикиб бўлса ҳам никоҳ сафарига чиқишимиз мумкин. Сиз, Зауер, ишга бош-қош бўлиб турасиз. Кураш асосан тугади. Фақат ўз ҳуқуқларимизни қонунлаштириш қолди, холос: «Сўнгги могикан»ларнинг векселларини бекор қилиш, уларнинг завод ва фабрикаларини пулга чақиш керак, чунки у корхоналарни биздан бошқа ким ҳам сотиб оларди? Эртага эрталаб биз учиб кетамиз. Дарвоқе, хотинингизнинг аҳволи қалай?

Зауер қайғу билан бош чайқади.

— Кўрсангиз танимайсиз, Штирнер, жудаям чатоқ.

— Ие, қизиқ экансиз, шунақа бўлади-да, одатда,— жавоб берди кулиб Штирнер.

— Йўқ, мен у маънода гапираётганим йўқ,— деди Зауер бир оз ўнғайсизланиб,— уни оёқлари билан юзи шишиб кетди: буйраги касал. Врачларнинг гапига кирмади, энди туғишга мажбур.— Кейин астойдил ачиниб қўшиб қўйди:— Жудаям хавотирланяпман.

— Энди бир киши учун эмас, икки киши учун қайғуришга тўғри келади. Қўрқманг, Зауер. Энг яхши профессорлар хизматингизда бўлади. Телефон қилиб туришни унутманг. Хотинингизга мендан салом айтинг.

Учиб кетишларидан олдин Штирнер тун бўйи ухламади. Ўз хонасига кириб бир нималар қилиб ўтирди. Эльза ҳам ётоқхонасига кириб кетди. Аммо у уйқу аралаш вужудини аллақандай асаб ёки электр токи жимирлатаётганини, Людвигга нисбатан муҳаббати тобора аланга олаётганини сезиб ётди. Бир неча бор уйқусираб, қўлларини чўзиб:

— Людвиг! Азизим!— деб шивирлади.

Тонг отиши билан у хусусий самолётда Штирнер билан бирга учиб кетди.

Улар Ментонага, Карл Готлиб ўлимидан сал олдинроқ сотиб олган Эльза Глюкка қарашли виллага боришмоқчи эди.

Бутун умри танҳоликда ва хонанишинликда ўтган Эльза учун Людвиг билан бирга саёҳат қилиш жуда роҳатбахш эди.

У гоҳ Людвигга суқланиб тикилар, гоҳ пастдаги бепоён манзарани энтикиб томоша қилар эди. Қиз олис кенгликларга тикилиб туриб, қувноқ бир қўшиқни хиргойи қила бошлади:

Эркин қушман, учмоқ истайман!

— Бемаъни қўшиқ,— деди у кулиб Штирнерга,— «учмоқ истайман» эмиш. «Эркин қушман, сен билан бирга учиб кетяпман», деб куйлаш керак. Ажойиб, қарагин-а, уйлар худди зангори гилам устига терилган қутичаларга ўхшайди. Анави қумурсқалар нима? Э-ҳа, пода-ку! Майдалигини-я! Анави қорли тоғлар қанақа тоғ?

— Альп тоғлари.

— Альпга етиб келдикми? Бургутлардан ҳам баландроқ парвоз қиларканмиз-да!

Қиз ўзини ҳеч қачон бу қадар бахтиёр сезмаган эди.

Самолёт Ницца яқинидаги кичкина аэродромга оҳиста қўнди. Бир соатлардан сўнг улар ўз виллаларида ўтиришарди.

Вилла Вентимилья яқинида, Франция билан Италия чегарасида эди.

Шундоққина денгиз соҳилига оқ мармардан қурилган бу кўркам вилла атрофи ажойиб боғ эди. Апельсинлар ғарқ пишиб ётарди. Вилла олдидаги майдонча теварагига хурмо дарахти экилган бўлиб, майдон саҳнини чиннигуллар қоплаганди.

Биттагина ноқулай ери шунда эдики, вилла яқинидан темирйўл ўтганди. Поездлар кеча-кундуз тарақа-туруқ қилиб ўтиб турарди. Аммо Эльза бу ноқулайликни асло сезмади: кечаси мириқиб ухлади, эртасига улар тоққа чиқишди, ўз қайиқларида сайр қилишди, гидропланга ўтириб, соҳил бўйлаб Ниццага учиб бориб келишди. Монако князлигининг сарғиш қоялар устига қалдирғоч инидай қилиб қурилган қасри осмондан худди ўйинчоқдай кўринарди. Соҳилга урилаётган тўлқин оқ лентадай чўзилиб кетганди. Пляжда юрган одамлар эса тўғнағичдай-тўғнағичдай бўлиб кўзга ташланарди. Учувчи гидропланни орқага, очиқ денгизга бурганида янаям ажойиб манзара намоён бўлди. Тепадан қараганда уфқ атрофи юксалиб кетгандай туюлар, денгиз эса устига кўм-кўк осмон гумбази тўнкарилган мовий чиннига ўхшарди. Гидроплан бўлса улкан шар ўртасида учиб кетаётгандай таассурот қолдирарди. Пастда, денгиз саҳнида митти «капалак»лар — елканли қайиқлар сузиб юрарди... Эльза бўлса бахт ва қувончдан энтикиб ўтирар, ҳаммаёқни янгратиб кулгиси келарди.

Улар виллага ниҳоятда вақтлари чоғ қайтишди.

Готлибнинг бефайз, совуқ шиша уйидан кейин бу вилла ғоятда шинам ва роҳатбахш туюларди. Готлиб ҳали виллага ўз «ихтиро»ларини жорий қилиб улгурмаганди. Барча жиҳозлар қадимий бўлса ҳам чиройли ва қулай эди. Эскироқ, лекин яхши сақланган рояль Эльзага жуда маъқул тушди, у илиқ ёз оқшомлари рояль олдидан нари кетмасди. Балконнинг очиқ эшигидан тўлин ой кўриниб турар, ой нуридан денгиз сатҳида жимирлаб оппоқ йўлка ҳосил бўларди. Тун салқинидан ором олган дарахтлар майин чайқалиб турарди.

Эльза чалган куйлар ҳам ана шундай гўзал, ана шундай майин, ана шу жануб тунларидай ҳузурбахш янграрди.

Штирнер ҳам ҳордиқ чиқараётгандай туюларди. Ҳатто унинг

юз-кўзлари анча майинлашган, лабларидаги истеҳзоли табассум йўқолгандай эди. Лекин баъзан у Эльзага узоқ тикилиб, ўйланиб қолар, кўзларига маъюслик чўкарди.

Икки ҳафта сезилмай ўтиб кетди.

Аммо иккинчи ҳафтанинг бошларида Эльза ўзида аллақандай ўзгариш бўлаётганини сезди. У гўё уйқудан энди уйғонгандай эди. Эльза ўз хонасига кириб олиб, узоқ вақтгача чиқмасди. Миясини ҳар хил ўйлар чулғаб олганди. Негадир Людвиг унга яна беқадрроқ кўрина бошлади. Бунга ўзи ҳам ажабланарди. Людвигга тикилган сайин унинг юзи чўзилиб, ёқимсиз бўлиб кетаётгандай туюларди.

Штирнер ҳам буни сезар ва баттар қовоғини соларди. Зауердан келган телеграммалар ҳам унга таскин бермасди. У бир қатор кўнгилсизликларни хабар қилганди. Штирнер йўқ пайтда бир неча банк пайдо бўлганди. Айрим йирик завод ва шахта эгалари чет элдан кредит олиб, векселларни тўлашган ва шу тариқа Штирнернинг молиявий исканжасидан қутулиб кетишган эди. Лекин, энг муҳими, Штирнер сафарга жўнаб кетиши билан газеталар унга қарши кампания бошлашди. Елғиз Эльза Глюк банкига мамлакатнинг барча молиявий ва саноат бойлиги қарам бўлиб қолиши давлат ва халқ манфаатларига зид деб топилган эди. Хусусий газеталар билан бир қаторда ҳукумат газеталари ҳам Штирнерга қарши ҳужум бошлаган эди.

Штирнернинг ғайритабиий, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалабаси турли-туман фараз ва тахминларга туртки берар, айрим газеталар, бу ғалабанинг сабаби қандай бўлишидан қатъий назар, у одатдан ташқари, фавқулодда бир ҳодиса, шунинг учун унга қарши қонунда кўзда тутилмаган, фавқулодда чоралар билан курашиш керак, деган фикрни олға суришарди. Эҳтимол, ҳукумат Штирнерга қарши махсус қонун ҳам чиқариб қолар. Мюнстерберг билан Шумахер тузмоқчи бўлган акционерлик жамиятининг уставини тасдиқламаган министрлар жамоатчиликнинг тазйиқи остида истеъфога чиқишга мажбур бўлишди. Аслида эса улар устидан яширинча олиб борилган тергов ҳеч қанақа айб тополмади, яъни мазкур министрлар Штирнерга сотилган, деган шубҳа тасдиқланмади. Мюнстерберг бу зарбадан ўзига келолмай жон берди. Шумахер эса ўзига-ўзи суиқасд қилди-ю, лекин омон қолди, тузалганидан кейин Америкага жўнаворди.

Сўнгги ҳафтадаги янгиликлар ана шулардан иборат эди. Штирнерни энди бутун жаҳон биларди. Унинг номи ҳамманинг тилидан тушмасди. Бу ерда, Ментонада у хотини билан пинҳона яшарди. Вилладан чиқишлари билан одамлар уларни ўраб олишарди, бинобарин, Штирнер жамоат кўзига кўринмасликка тиришарди.

Эльза меҳрибон бўлиб юрган кунлари у ёлғизликни сезмади. Аммо сўнгги пайтларда қиз ўзини торта бошлагани учун Штирнернинг табиати хира эди.

Шундан кейин у ишга киришиб кетди. Бир қанча тунука, сим тўр, изолятор, электротехникага доир жиҳозлар тайёрлатиб,

уларни алоҳида хонага жойлаштирди-да, ўзи ҳам кун бўйи ўша хонадан чиқмади.

Эртаси куни эрталаб Эльза яна Штирнернинг атрофида гирдикапалак бўла бошлади. Аммо энди бу ҳам уни овутолмади.

Бир оз ёзилиб келиш учун у тоққа сайрга чиқишни таклиф қилди — улар анчадан буён уйдан чиқишмаган эди. Бу гал Эльза жон деб рози бўлди.

Улар анча-мунча йўл юрганларидан сўнг муъжазгина, оппоқ, озода бир уйда дам олиш учун тўхташди. Уй эгаси — меҳмондўст, гапдон ва синчков кампир сут кўтариб кирди ва буларнинг қаердан келганликларини суриштириб билиб олганидан сўнг, ўзи сайраб кетди:

— Ўша ёқданмиз денг! Айтишларича, у ёқда Штирнер деган бир одам пайдо бўлган эмиш. Гапираверишса, оғзинг очилиб қолади! Хотини иккаласи энди дунёда энг бой одамлар дейишади, лекин бу бойлик улар учун ҳаром! Уларнинг дастидан қанча одам жон берган, қанчаси хонавайрон бўлган, дарё-дарё қон ва кўз ёшлари тўкилган...

Эшик тақиллади, шу заҳотиёқ хонага терлаб-пишиб кетган Штирнернинг вилладаги хизматкори отилиб кирди.

— Кечирасиз, жаноб Штирнер, шошилинч телеграммаларни дарҳол етказишни буюрган эдингиз...— деди у пешонасидаги терини артиб.— Мана, ҳозиргина олдим.

Кампир ҳаяжон зўридан қўлидаги сочиқни тушириб юборди, Штирнерга бақрайганча тикилиб қолди.

Штирнер телеграммани очиб, ўқиди. Кейин шартта ўрнидан турди-ю, ўйланиб қолди.

— Сиз бораверинг, Жан!— деди у хизматкорга, кейин ҳамон донг қотиб турган кампирнинг олдига олтин танга ташлаб, Эльзага қўлини узатди:

— Кетдик! Дарҳол йўлга отланишимиз керак.

Кампир уларнинг орқасидан узоқ тикилиб турди, кейин икки бармоғи билан авайлаб ердан тангани олди-да, бир нималар деб калима ўқиб, тиллани ўрага улоқтирди.

— Пулига қирғин келсин!

— Нима гап, Людвиг?— деб сўради Эльза ташвишланиб.— Азизим, наҳотки яна ўша ёққа қайтсак? Келганимизга ҳеч қанча бўлгани йўқ-ку!— Шундай деб, у гўё хайрлашгандай, осмонга, соҳил ва денгизга маъюс кўз ташлади.

— Бормасам бўлмайди. Зауернинг ёзишича, душманларим мен йўқлигимдан фойдаланиб, яна кураш бошлашибди.

Людвигнинг чеҳраси бирдан қаҳрли тус олди.

У қўлини Эльзанинг кафтлари орасидан шундай шаҳд билан тортиб олдики, қиз қўрққанидан сесканиб кетди, кейин у муштумини тугиб, ғазаб билан ғудранди:

— Шошмай турларинг, аблаҳлар!

Фальк таниш сўзни эшитиб, дарҳол йўлга узала тушди-ю, олдинги икки оёғини узатиб бошини қўйди.

Штирнер уйга қайтиши билан ўзи кутганидан кўра ҳам оғир-

рок ташвишга дуч келди. Хонавайрон бўлган ўнлаб банклар ўзаро бирлашган, Эльза Глюк банки билан бемалол рақобат қила оладиган янги банклар ташкил топган эди. Бу банклар анча-мунча мижозларни ўзларига ром қилибгина қолмай, Штирнерга тобе бўлган бир қанча йирик завод ва фабрикаларни ҳам сотиб олишга улгуришган эди. Бунинг устига, ҳукумат «Молия муассасалари» ҳақида Штирнер манфаатларига зид қонун чиқариб қўйганди. Бинобарин, Штирнер Эльзани ҳам унутиб, ўз хонасига қамалиб олганча яна жангга киришиб кетди.

Аммо бу гал Штирнер ўз рақибларини осонгина бартараф этишга муваффақ бўлди. Рақобатлашаётган банклар яна қўлга олинган. Штирнернинг хатти-ҳаракатларини чекловчи қонунлар ҳақида гап ҳам йўқ эди. Қайтанга, банк муомаласига Штирнер томонидан киритилган янги тартибларни ҳимоя қилувчи бир қатор янги қонунлар чиқарилди.

Унинг учун яна осойишта кунлар бошланди.

У Эльза билан тез-тез кўришиб турар, илмий машғулотларини қайтадан бошлаган, қандайдир мураккаб асбоблар ясаш билан банд эди.

Аммо шунга қарамай, у ўзини ҳорғин ҳис қиларди. У жудаям асабий ҳаёт кечирар, ниҳоятда кўп ишларди. Врач чақиришган эди, уни асабий касал, деб топди. Нисбатан осойишта ҳаёт кечираётган пайтида врачнинг бундай хулоса чиқариши Штирнерга баттар ёмон таъсир қилди. У ўзини ёлғиз ҳис қила бошлади. Ҳатто Эльзанинг меҳрибончиликлари ҳам уни энди овутолмас, баъзан эса ғашини келтирарди.

— Қизиқ, ажабо! Мени сен эркалатаётибсанми ё сенинг қўлларинг билан ўзим-ўзимни эркалаётибманми?— дерди у Эльзани ҳайрон қолдириб.

Аммо қиз чалган куйлардан у ҳануз роҳатланарди. Кечқурунлари ёлғизлик азобидан қийналган пайтлари Штирнер Эльза ҳузурига ошиқар ва:

— Чал, чал, Эльза! Куй эшитгим келяпти, куйдан ором оламан...— деб илтимос қиларди.

Эльза ҳам дарҳол рояль ёнига ўтириб, Шопеннинг ҳазин ва мунгли ноктюрнларидан чала бошларди.

Ана шундай пайтларда уларнинг кўз ўнгида жанубга қилган саёҳатларининг ширин ва масъуд кунлари жонланарди. Қишки боғдан турфа хил гулларнинг муаттар ҳиди димоққа урилар, жануб тунининг илиқ нафаси хонага оқиб кираётгандай бўларди. Аммо энди ана шу хушнуд кайфиятни ғойиб бўлган бахт ҳасрати андак бузиб турарди.

— Халақит берганим учун узр!— кутилмаганда Зауернинг овози эшитилди орқадан.— Мени табриклашларингиз мумкин, эрталаб ўғилчалик бўлдим.

Бу хабардан негадир ҳаяжонланган Штирнер билан Эльза ўринларидан туришди.

— Телефон қилиб айтиб қўйишга ҳам имкон бўлмади,— деди Зауер. У жудаям ҳорғин, лекин бахтиёр кўринарди.—

Тун бўйи мижжа қоқмадим... жуда ташвишландим. Эмма ухлаб ётибди.

— Соғлиги яхшими?

— Туғиши жуда оғир бўлди. Хотиним мадорсиз. Буйрагига таъсир қипти. Врачлар, узоқ муддат жанубга бориб дам олиши керак, дейишяпти. Лекин Эмма менсиз кетишга кўнмаяпти. Агар иложи бўлса, рухсат берсангиз.

Шундай деб, Зауер Штирнер билан Эльзага илтижо билан қаради.

Штирнер ўйланиб қолди.

— Албатта, Людвиг!— деди Эльза.

— Икки кундан кейин жавобини айтаман. Ҳарҳолда бирга борсангиз керак. Энди сизни кенжа Зауер билан табриклашга рухсат этинг!

Зауер таъзим қилди.

— Узр, мен бормасам бўлмайди.— У тезгина хайрлашиб чиқиб кетди. Штирнер билан Эльза эса роялга суянганча ўйга чўмиб қолишди.

IV. ЯЛПИ ТЕЛБАЛИК

Орадан бир ҳафта ўтди ҳамки, Зауернинг хотини билан сафарга жўнашидан дарак йўқ эди. Сўнгги кунларда Штирнер ўз хонасидан деярли чиқмас, кайфияти жуда ҳам ёмон эди. Ҳатто кечқурунлари катта залда бўладиган музикали суҳбатлар ҳам тўхтаб қолганди. Эльза баъзан Штирнер билан учрашишга жазм қиларди-ю, лекин аллақандай сирли куч бунга йўл қўймасди. У залда ёлғиз ўзи айланиб юрар, гоҳо-гоҳо тўхтаб:

— Қандай бахтсизман-а!— деб шивирлаб қўярди.

Ҳафтанинг охирига бориб Штирнерни ҳатто эсламайдиган ҳам бўлиб қолди. Баъзан унинг қиёфаси кўз олдига келарди-ю, ниҳоятда жирканч ва ёқимсиз туюларди.

Қиз атрофидаги жиҳозларга ҳайратланиб тикилар, гўё у бу нарсаларни биринчи маротаба кўраётгандай эди. Ҳафта сўнгида хаёлини Зауер банд эта бошлади. Азизим Зауер, нега сени унутиб юбордим-а? Шундай дерди-ю, лекин Зауернинг хотини борлигини, яқинда фарзанд кўрганлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Бир куни тасодифан учрашиб қолганларида Эльза Зауерга шундай мулойим тикилдики, бундан йигит ўзини йўқотаёзди, кейин хаёлида аллақандай хотиралар жонлангандай чуқур ўйга чўмиб қолди.

— Отто,— деди қиз уни исми билан чақириб,— сизни кўрмаганимга қанча бўлди-ю... Нега мендан ўзингизни олиб қочасиз, Отто?— Шундай деб, қиз йигитга яқинлашди-да, энтикиб аста шивирлади:— Шундай ёлғизманки... Сиз етмаяпсиз фақат, Отто...

Икковларидан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Отто Эльзанинг ёнидаги стулга ўтириб, кафти билан пешонаси-

ни ишқай бошлади. Қизнинг ширин сўзлари унинг мизғиган хотираларини жонлантириб юборди. Юзида кучли изтироб, ички бир ғалаён ифодаси сезилиб турарди. Кейин бирдан аллақандай фикрдан чеҳраси ёришиб кетди. У Эльзанинг билагидан тутди-ю, кўзларига ошиқона тикилганча энтикиб гапира бошлади:

— Ҳа-ҳа, кўришмаганимизга кўп вақт бўлди! Эльза, жонгинам Эльза! Нега сизни унутиб юбордим-а? Нима бўлаётганига сираям тушунолмаяпман, лекин ҳозир туман тарқалиб, сизни гўё узоқ айрилиқдан сўнг кўриб тургандайман. Шу пайтгача қаерда эдингиз, Эльза? Нима бўлди сизга?

Улар ҳақиқатан ҳам кўп йиллик ҳижрон азобидан кейин биринчи марта учрашаётгандай бир-бирларига қараб тўйишмасди.

Бир-бирларига гал бермай ишқ-муҳаббат ҳақида, ёлғизликда тортган уқубатлари тўғрисида ва ниҳоят ҳозирги учрашув бахш этган чексиз қувонч хусусида куйиб-ёниб гаплаша кетишди.

Соат бўм-бўш хоналарда акс садо бериб, бир неча бор занг урди, аммо булар вақт ўтганини сезмас, гаплашган билан гаплари тугамас эди.

Улар ҳеч қандай режа тузмас, ўтмишни ҳам эсламас, келажак ҳақида ҳам ўйламас эдилар. Фақат мана шу ширин дақиқалар лаззатини суришар, шу пайтгача икковларининг ҳам фикр ва туйғуларини чирмаб ётган зулмат пардасини ногаҳон ёриб ўтган нурдан роҳатланишарди. Соат яна занг урди.

— Вой, ўн икки бўпти! Эртагача хайр, азизим.— Шундай деб, у Зауерни маҳкам қучди-да, узоқ ўпди.

Аммо эртасига кўришиш уларга насиб қилмади.

Штирнер янги ташвишлар билан банд бўлиб, вақтинчалик уларни ўз таъсиридан озод қилиб қўйган эди. У ўз қудратини, одамлар устидан ҳукмронлигини яна ҳам мустаҳкамлаши лозим бўлган аллақандай мураккаб аппарат устида ишлаётган эди. Бундай аппаратни яратишга эса уни вужудга келган янги қийинчиликлар ва янги оғир вазифалар мажбур қилаётганди.

Кўрган чора-тадбирлари туфайли ўз тасарруфидаги саноат ишлаб чиқараётган маҳсулотлар шу даражада кўпайиб кетдики, уларнинг нархи арзонлашиб, ички бозор ана шу маҳсулотлар билан тўлиб-тошиб кетди. Энди Штирнер ортиқча маҳсулот кризиси хавфи остида қолган эди. Бундан қутулишнинг бирдан-бир йўли ташқи бозор эди. Аммо бунга эришиш осон эмасди. Штирнернинг арзон товарлари рақобатидан чўчиган чет мамлакатлар катта бож талаб қила бошладилар. Қандай қилиб бўлмасин, ана шу тўсиқни енгиб ўтиш керак эди. У хорижий рақобатчилар билан олиб бораётган иқтисодий уруш қуролли тўқнашувга айланиб кетадиган даражага етиб қолган эди. Аммо ҳақиқий уруш эълон қилиш оғир масала эди. Тўғри, у ҳукуматни хоҳлаган кўйига сола оларди. Лекин шундай бўлса ҳам ҳукумат унинг иродаси билан хатти-ҳаракатлари ўртасида ғов бўлиб турарди. Энди ҳукуматга барҳам берадиган пайт келди, деб ўйларди Штирнер. Шундай қилса, унинг ўзи мамлакатнинг мутлақ ҳокими бўлиб қолади. Миллионлаб кишиларни у ўз иродасига бўйсунди-

ради; уларнинг онгига уруш ниҳоятда зарур, деган фикрни сингдиради ва одамлар, худди Наполеон солдатларидай, жон-жон деб ўзларини ўлим гирдобига отадилар.

Аммо бунинг учун ниҳоятда бақувват, узоқни нишонга оладиган, одамларнинг хоҳиш ва иродасини маҳв этадиган, оммавий таъсир кучига эга бўлган қурол, радиотўлқин керак эди. Бинобарин, Штирнер вақтинчалик атрофидаги одамларни унутиб, ана шундай қурол устида иш олиб борарди.

Эльза билан Зауер ўпишиб хайрлашган худди ана шу куни иш ниҳоясига етди. Штирнер фақат тундагина Эльза билан Зауерни эслаб қолди. Эслади-ю, уларнинг хаёлини яна алғов-далғов қилиб юборди. Зауер тағин ўзининг жажжи «қўғирчоғи» Эмма атрофида парвона бўлиб, ўғилчасини эркалата бошлади, Эльза эса тонг уйқусида ширин тўлғаниб, эрталабгача Людвигнинг номини такрорлаб чиқди.

Тонг отиши билан Штирнернинг кабинетига кириб, уни пешонасидан ўпди ва деди:

— Азизим Людвиг, сенга иккита илтимосим бор!

— Салом, жонгинам... Биттаяммас, иккита дегин! Қани, буюр, маликам.

— Готлиб келди.

— Яна Готлибми?

— Ўзи эмас, ўгли Рудольф.

— Ўғлиям қуйиб қўйгандай худди отасининг ўзи. Пул сўраб келгандир-да, шундайми?

— Отасининг биздан икки юз минг олиб кетганини эшитган экан. Унга бир чақа ҳам бермабди. Шунинг учун Рудольф...

— Асло, асло!

— Ахир биз бадавлатмиз-ку, Людвиг!

— Худди шунинг учун йўқ деяпман-да. Чолнинг йўриғи бошқа эди. Аммо бу болага пул берсак, биз унинг насибасига чанг солгану энди буни ўзимиз тан олаётгандай бўламиз. Кейин ундан қутулиш қийин. Пул сўрайвериб, тинкамизни қуритворади. Чолга кўп нарса керак эмас. Лекин Рудольф... У ҳали хавфли. Йўқ, йўқ, жонгинам. Сенинг манфаатингни ўйлаганим учун ҳам унга пул беролмайман.

— Ваъда бериб қўювдим-ку...

Штирнер ўйланиб қолди. Унинг кайфияти яхши эди. Миясига келган аллақандай фикрдан жилмайиб қўйди.

— У билан ўзим гаплашаман. Ўтира тургин, Эльза,— шундай деб, Штирнер ўз хонасига кирди-ю, тезда қайтиб чиқди.

— Унга шундай бир ҳазил қиламанки, қайтиб бу уйга қадам босмайдиган бўлади. Бу хонадонни бутунлай унутишга ҳам мажбур қилишим мумкин-у, лекин уни тажриба қилинадиганлар сафига қўшишни истамайман,— деди Штирнер Эльзага номаълум маънодаги сўзларни айтиб.

Штирнер қўнғироқ қилиб, хонага кирган хизматкорга Рудольф Готлибни таклиф қилишни буюрди.

Готлиб кирди. У тиланчига ўхшамасди. Уни бу ёққа бошлаб

келган очкўзлик ошкора бир ғурур билан ўйқашиб кетган эди.

— Ўтиринг, йигитча,— деди Штирнер.— Сизга пул керакми?

Бу муомаладан Рудольф титраб кетди-ю, лекин ўзини босди. Сепкилдор юзига бир зумда қон тепди.

— Ҳа, менга пул керак,— деди у ҳамон тик турганча,— менимча, илтимос қилишимга... маълум асослар бор.

«Аҳмоқ!— деди ичида Штирнер.— Бу гапи билан ўз оёғига ўзи болта уряпти!»

— Жаноб Готлиб, агар масалани шу тарзда қўядиган бўлсангиз, тегишли суд муассасаларига мурожаат қилиб, ана шу «маълум асослар»ни ўша ерда исбот қилинг.

— Дунёда адлиявий нормалардан ташқари, ахлоқий нормалар ҳам бор,— жавоб берди Рудольф илгаритдан кўнглида пишитиб қўйган сўзларни ишга солиб.— Маънавий ҳуқуқларимни исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

— Ахлоқ масаласи билан бошқа идоралар шуғулланади, бу ер унақа жой эмас.

— Майнабозчиликни йиғиштиринг!— бирдан қизишиб кетди Рудольф.— Ё илтимосимни қондирасиз, ё бўлмаса...

— Ие, мени қўрқитмоқчимисиз ҳали? Бунақа меҳмонларни алоҳида ҳурмат билан кузатишга одатланганман.

Штирнер ҳуштак чалди. Қўшни хонадан юмшоқ, лекин вазмин қадам товушлари эшитилди. Кабинетга орқа оёқларида юрганча лапанглаб қўнғир айиқ кириб келди. У индамай Рудольфга яқинлашди-да, иккала панжасини йигитнинг елкасига қўйиб, ташқарига итара бошлади.

Рудольфнинг ўтакаси ёрилиб, орқага тисарилди. Остонага етганда шартта бурилди-да, додлаганча қочиб кетди.

Эльза қўрқувдан қалтирар, Штирнер эса кресло суянчиғига ёстанганча хахолаб куларди.

— Номаъқул одамларни ҳайдаб чиқазишнинг энг яхши йўли шу. Қайтиб қадамини босмайди, хотиржам бўл.

Шундай деб, у яна хахолаб кулди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Алло! Ҳа, Штирнерман, эшитаман. Э-э, яна сизмисиз, жаноб Готлиб? Бу ишни шундай қолдирмайман дейсизми? Ў-ҳў! Яхши, отасизми? Хўш, хўш. Фақат уйимга яқин йўламанг! Агар тўрт оёқли дўстларимнинг кўзига кўринсангиз, тилка-пора қилиб ташлашади. Тайинлаб қўйганман. Нима, амакингизнинг ўлими? Қотил? Ана холос!.. Хўш, хўш... Омадингизни берсин!

— Аҳмоқ,— деди Штирнер телефон трубкасини қўяркан.

— Шунчалигам қўрқитасанми, Людвиг?

— Азизим, инсоният ўртасидаги курашнинг энг зарарсиз воситаси шу. Дарвоқе, иккинчи илтимосинг ҳам бор эди шекилли.

— Айтишга ҳам қўрқиб қолдим...

— Қўрқма. Буниси энди айиқнинг чангалига тушмайди. Ким ўзи?

— Эмма. Олдига кирувдим. Ўзи билан бирга Зауерни жанубга жўнатишни ёлвориб илтимос қилди. У даволаниши керак, бир ўзи боролмайди.

— Майли, борсин. Энди борса бўлаверади. Бу ёғини Зауерсиз ҳам эплайман.— Шундай деб, Штирнер тонгги газетани қўлига олди:— Энди мумкин! Дарвоқе, бугунги газетани ўқиганинг йўқми? Ма, ўқи, галати мақола беришибди. Овоз чиқариб ўқи.

Эльза газетани олди-да, Штирнер тагига қизил қалам билан чизиб қўйган сарлавҳага кўз югуртирди:

«ЯЛПИ ТЕЛБАЛИК

Кеча кечқурун шаҳарда ғалати воқеа юз берди. Кечаси соат ўн бирда, беш минут давомида, кўпчилик — қанча одамлиги ҳали аниқ эмас, лекин маълумотларга қараганда, бир неча минг киши ғалати аҳволга тушиб қолди, тўғрироғи, ҳамма бараварига машҳур «Қадрдоним Августин» қўшиғини хиргойи қилишга тушиб кетди. Асаби бузилган айрим кишиларда бундай ҳол илгари ҳам юз бериб турган. Лекин ҳамма гап шундаки, бу гал ялпи оломон шу аҳволга тушиб қолди. Газетамиз мухбирларидан бирининг ўзи ҳам ана шу касалликка гирифтор бўлди. Мана, унинг ҳикояси:

— Танишим, таниқли бир музикашунос билан кафеда ўтирган эдим. Классик музика ихлосманди бўлган танишим одамларда мусиқий дид пасайиб кетаётганидан, музикали эстрада репертуари бетайин джаз ва фокстротлар билан тўлиб-тошиб кетаётганидан шикоят қилиб ўтирарди. У Бетховен, Моцарт, Бах каби улуғ композиторларнинг асарлари борган сари кам ижро этилаётганини жиғибийрон бўлиб сўзларди. Мен унинг гапларини диққат билан тинглаб, маъқуллаб ўтирардим, чунки ўзим ҳам классик куйларнинг шайдосиман. Шу пайт, буни қарангки, миямда «Қадрдоним Августин» деган ўша бемаза қўшиқ куйи ғимирлаётганини сезиб қолдим. «Суҳбатдошим пайқаб қолса-я,— деган ўй келди кўнглимга.— Мендан умрбод юз ўгириб кетади!» У гапида давом этарди-ю, лекин аллақандай бир хаёл хира пашшадай уни ҳам таъқиб этаётгани сезилиб турарди... Аҳён-аҳёнда у ҳалиги хира пашшани қувгандай, бошини силкиб-силкиб қўярди. Қуққисдан чеҳрасида ҳайрат аломати пайдо бўлди. Кейин у гапдан тўхтади-да, бирдан қошиқчани стаканга уриб, боядан бери миямда айланиб турган ҳалиги қўшиқ куйини чала бошлади. Кўнглим бир нарсани сезгандай бўлди-ю, лекин гапиришга журъат этолмай, қошиқ садосига қулоқ солиб ўтиравердим.

Шундан кейинги воқеалар ҳаммасидан ҳам ошиб тушди!

— Зуппе, «Шоир ва деҳқон»,— деб эълон қилди дирижёр ва таёқчасини кўтарди.

Аммо оркестр бирдан «Қадрдоним Августин» куйини чала кетди. Худди эълон қилинган қўшиқ пардасида, ўша оҳангда чала кетди. Мен, музикашунос ва ресторанда ўтирганлар — ҳаммамиз бараварига ўрнимиздан туриб, бир дақиқа донг қотиб қолдик.

Кейин бирдан ғала-ғовур бошланди, одамлар асабий қўл силкир, бир-бирига ҳайрат билан тикиларди. Ҳалиги ёпишқоқ куй бир вақтнинг ўзида ҳамманинг хаёлини банд этганига шубҳа йўқ эди. Нотаниш одамлар бир-бирларидан сўраб-суриштиришган эди, худди шундай бўлиб чиқди. Шундан кейин ваҳима баттар авжга минди. Роппа-роса беш минутдан кейин ҳамма нарса яна ўз ҳолига қайтди.

Олинган маълумотларга қараганда, Биржа майдони ва Банк кўчаси атрофида яшовчиларнинг ҳаммаси ўша пайтда худди шундай аҳволга тушган. Кўпчилик бир-бирига бақрайганча қўшиқни баралла овоз чиқариб айтаверган. Операга кирган одамларнинг гапига қараганда, Фауст билан Маргарита «О, муҳаббат туни» дуэти ўрнига оркестр жўрлигида бирдан «Қадрдоним Августин» қўшиғини бошлаб юборган. Кўп одам шунинг орқасида ақлдан озиб, руҳий касаллар шифохонасига жўнатилган.

Бу антиқа ҳолатнинг келиб чиқиши тўғрисида ҳар хил гаплар юрибди. Илм дунёсининг мўътабар вакиллари, гарчи тарқалиш сабабларини тушунтириб беришолмаса ҳам, буни ялпи руҳий касаллик деб тахмин қилишяпти. Бу хасталик сиртдан қараганда безарардай кўринса-да, аммо жамият маълум сабабларга кўра қаттиқ таҳликага тушиб қолди. Ҳар қандай «номаълум», баён қилиб бўлмайдиган нарсалар одамларнинг юрагига гулғула солиши табиий. Бунинг устига, «касаллик» бундан кўра ҳам оғирроқ шаклларда такрорланиши мумкин, деган ҳадиклар бор. Унга қарши қандай курашиш керак? Қандай қилиб унинг олдини олиш мумкин? Буни ҳеч ким билмайди, чунки «касаллик»нинг келиб чиқиш сабаби маълум эмас. Шошилинч равишда олимлар ва хатто прокуратура ходимларидан иборат комиссия тузилди. Бу комиссия одамларни ваҳимага солиб қўйган ўша қувноқ қўшиқ сирини аниқлашга уриниб кўради. Биз эса сабр-қаноат ва хотиржамлик билан оқибатини кутамиз. Эҳтимол, кўпчилик ўйлаганчалик даҳшатли ҳеч нарса йўқдир».

Эльза мақолани ўқиб бўлиб, Штирнерга қаради.

— Буни қандай тушуниш керак, Людвиг? — деб сўради у.

— Демак, ҳаммаси жойида! Юр, нонушта қиламиз, жонгинам!

V. ЖАМИЯТНИ ҚУТҚАРИШ КОМИТЕТИ

Улкан шаҳар аҳолисини бесаранжом қилган қувноқ немис қўшиғи, газеталарнинг ҳарчанд тасалли беришига қарамай, жиддий хавотирлик туғдирар эди.

Минглаб одамлар бу қўшиқни бараварига куйлашга мажбур бўлган ўша кечадан кейин орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, фақат жамиятнигина эмас, балки ҳукуматни ҳам қаттиқ ташвишга солган ғалати воқеа содир бўлди.

Қоқ пешинда шаҳарнинг бир қисмида бутун ҳаракат бир минут давомида тақа-тақ тўхтаб қолди. Гўё «бир минутлик норозилик забастовкаси» эълон қилинган, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо бу

забастовка ниҳоятда ҳамжиҳатлик билан, ўзига хос равишда ўтарди.

Худди бировнинг ишораси билан бўлгандай, идораларнинг иши бирдан тўхтади.

Гўё қўллари шол бўлиб қолгандай, амалдорлар ёзишдан тўхтадилар. Магазинлардаги сотувчилар харидорларга буюмни узатганча донг қотиб қолишди, улар оғизларини очган ва жилмайганча миқ этмай туришарди.

Ресторанлардаги оркестр музикачилари худди тош ҳайкалга ўхшаб қолишганди. Хўрандаларнинг ҳам аҳволи шу — бировнинг қўлида пиёла, биров вилкадаги гўштни оғзига оборганча қотиб қолган.

Ҳаммасидан ҳам кўча ва майдонлардаги манзара кишини ҳайратга соларди. Мана, икки соқчи ўртасида маҳбус турибди. У тош қотган соқчилар таъқибидан бемалол қочиб қутулса бўларди. Аммо гап шундаки, унинг ўзи ҳам бир оёғини кўтарганча қимир этмай турарди. Бозорда эса оч-юпун бир бола бутун гавдаси билан олдинга энгашганча тоғорадаги пирожкага қўл чўзиб турибди. Сотувчи аёл бўлса худди жўжаларини қузғундан асрамоқчи бўлган она товуқдай ҳурпайиб олган. Тош қотган бу одамлар қиёфасида шу қадар аниқ ифода ва нозик ҳаракат мужассам эдики, манман деган ҳайкалтарош ҳам буни кўриб шубҳасиз лол қолган бўларди.

Тротуарда бораётган йўловчилар ҳам шу аҳволга тушиб қолишганди. Энг қизиғи, бу ғалати ҳодиса шаҳарнинг маълум бир қисмини қамраб олган эди. Мана шу зонага кириб қолган ҳар қандай одам шу заҳотиёқ ҳайкалдай қотиб қолар, шаҳарнинг бошқа жойларида эса ҳаёт ўз оқимида давом этарди. «Ўлик зона»га кирган автомобиллар бу ердан ғизиллаб ўтиб кетарди. Тўғрироғи, уларни ҳеч ким бошқармасди. Шофёр ва йўловчилар қимирлаш у ёқда турсин, ҳатто фикр қилиш қобилиятини ҳам йўқотиб қўйишарди.

Автомобиллар муюлишларда бурилмасдан, дуч келган бинога бориб урилар ёки бир-бировининг устига мингашиб қоларди. Шаҳар темир йўлининг икки поезди ағдарилиб кетди, улардан бири йўл четидаги тўсиқни қўпориб, тўппа-тўғри серқатнов кўчага қулади.

Оломон бу таҳликадан ҳали ўзига келишга улгурмасдан шаҳар яна бир янги зарбага дучор бўлди. Аллақандай бир тўлқин беш минут давомида ҳаммани яна ақлдан оздириб қўйди. Одамларни ваҳшиёна бир ғазаб чулғаб олган эди. Бу гал ҳаммаёқдан «уруш» деган сўз эшитиларди.

— Уруш, ғалабагача уруш! Душманларга ўлим! — дея қичқиришарди, эркаклар ҳасса ва зонтикларини бошлари узра силкитиб. Аёллар, қариялар ва болалар ҳам шундай деб бақиришар ва палапартиш миллий гимнларни айтишарди. Одамларнинг юзига қараб бўлмасди. Ҳамманинг кўзи қонга тўлган, гўё уларнинг рўпарасида ёвуз душман қилич яланғочлаб тургандай эди.

— Ё ўлиш, ё қолиш! Уруш! Яшасин уруш!

Уруш ва қон-қасос туйғуси шу қадар кучли эдики, шаҳарнинг баъзи кўчаларида ур калтак-сур калтак бошланиб кетди. Эркагу аёл қарию ёш муштлашишарди. Аёллар семиз бир хотинни ўртага олиб (афтидан, у чет элликка ўхшаб кўринди шекилли), зонти билан шундай савалай кетишдики, пировардида зонтиknинг фақат симларигина қолди. Уларнинг юзи оқариб кетган, кўзлари ғазабдан чақнар, сочлари тўзғиб, шляпалари ерда оёқ ости бўлиб ётарди. Аммо улар аллақандай бир ваҳшиёна ҳузур билан шўрлик аёлни ҳамон савалашарди. Одамларнинг кўзига ҳамма чет эл жосуси бўлиб кўринарди. Бир тўда эркаклар ўтиб кетаётган «Тез ёрдам» машинасини тўхтатиб, тахмин қилинган «жосус»ни суғуриб олишди. Беморнинг куйган баданидаги бинтларни юлиб ташлашди. Бемор қичқирар, эс-ҳушини йўқотган одамлар эса бинтлар орасидан аллақандай махфий қоғозларни қидиришарди.

Ҳамма — аёллар ҳам, эркаклар ҳам, кексалару болалар ҳам ўзларини худди ҳақиқий жанг майдонида жон олиб, жон бераётгандай ҳис қилишарди.

Бу васваса қандай бошланган бўлса, ҳудди шундай бирданига тўхтади.

Энди тамом ҳолдан тойган одамлар ҳангу манг бўлиб, калтакланган ва ярадор бўлган шерикларига, ердаги қон ҳалқобларига, ўзларининг дабдала бўлиб кетган кийим-бошларига тикилишарди-ю, аммо ҳеч нарсага тушунишолмасди.

Оммавий васваса сабабларини текшириш юзасидан тузилган комиссия зудлик билан жамиятни қутқариш комитетига айлантирилди.

Лекин кимдан қутқариш керак? Комитет буни билмасди. Аммо у одамми ёки номаълум бир микробми, бундан қатъий назар, жамиятга даҳшатли, тарихда мисли кўрилмаган бир душман таҳлика солаётганига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Кўзга кўринмас бу янги душман ҳукуматга уруш ва революциядан кўра ҳам хавфлироқ туюларди, чунки у кўзга кўринмасди. Яна қачон, қаердан янги хавф туғилишини ва унга қарши қандай чора қўллаш кераклигини ҳам ҳеч ким билмасди. Жамият танг аҳволда қолган эди. Ҳар куни ўнлаб одам номаълум хавфни кутиш азобига бардош беролмай, ақлдан озар ёки ўз-ўзини нобуд қиларди. Ҳукумат билан матбуот одатдаги ҳаёт оқимини базўр жиловлаб турарди. Ҳадемай давлат ва жамият пойдевори чилпарчин бўлибгина қолмай, бутун мамлакат улкан бир жиннихонага айланиб қоладигандай эди гўё.

Бу ҳолат айниқса пойтахтда кўпроқ кўзга ташланарди. Аммо лекин бу қадар ваҳимага тушмаган одамлар ҳам йўқ эмас эди. Улар янги-янги мишмишлар тарқатиб, аҳолини баттар қўрқувга солишарди.

— Яқинда касаллик бошқатдан қўзғалади, одамлар бир-бирларини ғажиб ташлашади...

— Кишилар нафас ололмай, бўғилиб ўлишади.

— Шундай бир уйқу элитадики, ҳеч ким қайтиб уйғонмайди...

Бу гапларга ҳамма ишонади.

Шунча воқеадан кейин ишонмаслик ҳам мумкин эмас эди.

Одамлар уй-жой ва мол-мулкларини арзон-гаровга сотиб, ҳали касаллик тарқалмаган жойларга кўчиш ҳаракатига тушиб қолди.

Жамиятни қутқариш комитети тўхтовсиз мажлис ўтказарди. Кўзга кўринмас душман сезиб қолмаслиги учун (агар у тирик мажудот бўлса) мажлис шаҳар ратушаси биносининг ертўласида, ўта махфий вазиятда ўтказиларди. Комитет аъзолари кечасию кундузи бош қотиришларига қарамай, калаванинг учини топиб бўлмасди.

Таклиф этилган эксперт олимлар масала талашиб қолишди.

Психиатрлар оммавий психоз ва гипноз ҳақидаги фикрни ўртага ташладилар. Агар ёвуз туйғуларнинг жунбишга келиб, одамларнинг бирданига қонсираб қолиши ҳисобга олинадиган бўлса, юқоридаги илмий изоҳга қўшилиш ҳам мумкин эди, лекин ҳамманинг бараварига айнан бир қўшиқни айта бошлаганини қандай изоҳлаш керак? Кўчадаги муштлашишдан кўра ҳам ана шу беозор қўшиқ олимларни кўпроқ ташвишга соларди. Рўйирост сезилиб турган ҳис-ҳаяжоннинг одамларга тез «юқиши», оммавий гипноз ва унинг оқибатлари фанда анча-мунча маълум. Лекин гипнознинг бундай яширин шакли илгари сира учрамаган эди.

Бу ҳодисада аллақандай сеҳргарларнинг қўли бор, деган гап ҳам ақлга тўғри келмасди. Чунки гўё гипноз орқали улар кўрсатадиган мўъжизаларни ҳеч ким текшириб кўрмаган, ўрганмаган, бунинг устига сайёҳларнинг олди-қочди уйдирмалари ҳам унга қоришиб кетган.

Сирли ҳодисани номаълум микробга боғлаш ҳам ҳеч қандай натижа бермади.

Янги «касал»га чалинган юзлаб одамлар обдан текшириб кўрилди, врачлар уларнинг қонини қайта-қайта анализ қилишди: аммо ҳеч қандай микроб топишолмади.

— Касалликнинг илдизини бутунлай бошқа жойдан қидириш керак,— деган фикрни ўртага ташлашди инженер-электриклар.— Ҳамма гап инсон организм томонидан бевосита қабул қилинадиган радиотўлқинларда.

— Одамлар ҳам радиоприёмник бўп кетибди-да?— киноялы луқма ташлашди кекса инженерлар.— Афсоналарда бўлади бунақа нарса!

— Радионинг ўзи ҳам яқин-яқингача фақат афсоналарда бўларди-ку?!

Қариялар елка қисишди.

— Бўлмаса исбот қилинглар!

— Исбот қиламиз!

Шундай қилиб, медик ҳамкасблари каби инженерлар ҳам ишга киришиб кетишди.

Сирни фош этиш ниятида олимлар ўз лабораториялари да ўтириб, микроскоп ва катод лампалари устида бош қотираёган пайтда Иоганн Кранц ҳам худди ана шу жумбоқни ечиш учун мижжа қоқмай ишларди.

Иоганн Кранц мартабали олимлар жумласига кирмасди. У шунчаки полиция изқувари эди. Бой тажриба ва катта иқтидорга эга бўлган бу одам душман микробми ёки инсонми, деган савол устида бош қотирмасди. Душман ким ёки нима бўлишидан қатъий назар, уни топиш керак. Ўзи кўп маротаба муваффақият билан қўллаган методни ишга солиб топиш керак. Жиноят излари! Уни мана шу нарса қизиқтирарди. Жиноят излари эса керагидан ортиқча ҳам топиларди. Фақат улардан усталик билан фойдалана билиш зарур. Бу ишнинг муҳимлиги ва сирлилигидан қанотланган Кранц енг шимариб ишга киришди, қолаверса, у кўзойнак таққан хаёлпараст олимлардан илгарироқ калаванинг учини топиш иштиёқи билан ёнарди.

Каттакон кабинетдаги ёзув столи устида Кранц фош этган жиноятларга алоқадор ўлжалар — жиноятчиларнинг суратлари, бармоқ излари туширилган қоғозлар, ҳар хил калитлар, ашёвий далиллар уйилиб ётарди. Унинг ўзи эса стол ортида ўтириб, сўнгги воқеалар ҳақида газета хабарлари ва полиция маълумотларини кўздан кечирди, тун бўйи шаҳар планидан бош кўтармади.

Кабинет тутунга тўлиб кетган эди. Аҳён-аҳёнда хонани шамоллатар, яна сигаретасини тутатиб, гўё жиноятчи билан изма-из бораётгандай, планга аллақандай чизиқлар тортарди.

— Бўлди! — дея хитоб қилди у ниҳоят иккита чизиқни шаҳар харитасининг бир бурчида туташтириб.

Эрталабки соат тўрт эди. Кранц шоша-пиша шаҳар планини буклаб, эскириб кетган портфелига солди-да, автомобиль чақириб, комитетга йўл олди.

— Шошилинч хабар! Калаванинг учи топилди! — дея қичқирди у залга кира солиб.

Бемаҳал бўлишига қарамай мажлис аҳли бир талай эди. Ҳамма донг қотиб қолди.

— Сирни очдингизми? — деб сўради комитет аъзоларидан бири энтикиб.

— Калаванинг учи топилди, дедим. Демак чуватиш ўз қўлимизда, — жавоб берди Кранц. — Мен жиноятчи микроб ёки одамнинг турган жойини аниқладим. Яъни сирли таъсир тарқалаётган фокусни топдим. — Шундай деб Кранц портфелидан шаҳар планини олиб, стол устига ёзди.

Ҳамма уни ўраб олди, Кранц сўзида давом этди:

— Менинг методим жуда оддий: «эпидемия» тарқалган районларни аниқ белгилаш мақсадида сирли ҳодисага алоқадор барча материалларни системага солиб чиқдим. Натижаси шундай бўлди. Қўшиқ билан боғлиқ ҳодиса менга кўп нарса бермади. Бу касаллик шаҳарнинг бир қисмини, икки километрга яқин радиусни ўз ичига олган. Икки километрдан нарида қўшиқнинг таъсири сусайиб, учинчи километрга етганда у ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Бу доиранинг маркази тахминан Биржа майдони билан Банк кўчасига тўғри келади. Бу ерда қўшиқнинг таъсири шу қадар кучли бўлганки, одамлар хиргойи қилиш

у ёқда турсин, баралла овозларини қўйиб айтишаверган. Афсуски, марказни жуда аниқ белгилашнинг имкони бўлмади, чунки одамлардан суриштирган билан қўшиқ таъсирининг сусая бориш даражасини аниқлаш қийин бўлди.

Ўша пайтда бир жойда турган одамлар ҳар хил гапни гапиришади, афтидан, организмнинг ўзига хос хусусияти туфайли қўшиқ ҳар кимга ҳар хил таъсир кўрсатган бўлса керак.

— Бор гап шуми?— деди кимдир ҳафсаласи пир бўлиб.

— Йўқ, фақат шу эмас. Кейинги эпидемия кўпроқ маълумот берди. Бу касаллик нисбатан торроқ майдонни ўз ичига олиб, маълум йўналиш бўйича тарқалган ва аниқ бир жойда тўхтаган. Худди Эльза Глюк банки биносидан бошланган нурга ўхшаш ҳодиса юз берган.

Яна ғала-ғовур кўтарилди.

— Штирнер! Албатта ўшанинг иши! Айтувдим-ку!

Дарҳақиқат, Штирнернинг номи комитетда кўп тилга олинган эди.

— Хулоса чиқаришга шошмаслик керак, жаноблар,— дея гапни бўлди Кранц.— Мен ҳам калаванинг бир учи Штирнерга боғланади, деб ишонган эдим. Лекин яна бир текшириб кўриш учун навбатдаги «сеанс»ни кутишга қарор қилдим. «Уруш талвасаси» ана шу сеанс бўлиб чиқди. Бу ҳодиса ҳам шаҳарни бир тутам нурдай кесиб ўтиб, Готлибнинг уйига, яъни Эльза Глюкнинг уйига бориб қадалади. Шундай қилиб, ўтмас бурчак ҳосил бўляпти. Агар чизиқ давом эттирилса, Эльза Глюк уйининг орқасидаги бинога бориб туташади. Мана, бир кўринглар-а.

У планга ишора қилди.

— Бу бинога нима жойлашган?

— «Ампир» ресторани. Бутун балони мана шу ердан қидиришимиз керак.— Шундай деб, Кранц худди пашша ўлдиргандай, миқти кафти билан «тап» этказиб харита устига урди.

Кранцнинг далиллари оддий ва ишонтирарли эди. Комитет қисқа муддатли кенгашдан кейин «Ампир» ресторанида ва ўша бинога жойлашган меҳмонхонада ялпи тинтув ўтказишга қарор қилди.

Ўша заҳотиёқ телефон орқали бутун полиция оёққа турғазилди.

Солдатлар бинони дарҳол қуршаб олдилар. Тирик жон борки, бошдан-оёқ тинтув қилинди, ертўладан чердаккача ҳаммаёқни тит-пит қилиб юборишди, аммо шунча уринишга қарамай шубҳали бирор нарса топилмади.

Кранц мулзам бўлди-ю, лекин бўш келмади.

— Бутун машмашани ресторанга кирган мижозлардан бирортаси қилган бўлиши ҳам мумкин,— деди у.

Лекин бундай бўлиши мумкин эмас эди.

Бинода истиқомат қилувчиларга тунги тинтув ҳақида оғиз очишни қатъиян ман қилишди. Бир нечта шубҳали киши қамоққа олинди, ресторан мижозларини махфий равишда кузатиб боришга қарор қилинди.

Аммо бу воқеа шаҳарга бир зумда тарқалиб кетди.

Ғазабланган оломон ресторанни остин-устун қилиб ташлади, уни бекитишга тўғри келди.

Омади юришмаган Кранцнинг фиғони фалакка чиқарди.

— Кўрамиз ҳали!— дерди Кранц.— Душман ким бўлмасин, изига тушганимизни яхши билади. Кўрамиз, яна қилиқ чиқаришга журъат этармикин, йўқмикин! Учинчи чизиқ тақдирини ҳал қилади!

VI. АМАЛГА ОШМАГАН СУИҚАСД

— Қандай роҳат! Қандай бахтиёрман-а! Дунё бунчалар гўзал!

Ҳузур-ҳаловатдан кўзлари сузилган ёшгина бир йигит, гўё қадрдон дўстини учратиб қолгандай, кўчадаги симёғочни қучоқлаб, нуқул шу сўзларни такрорларди.

— Чироғим! Сен ҳам мен каби бахтиёрмисан?..

— Жонгинам, сизни шунақа севаманки! Ҳаммаларингизни ҳам жонимдан ортиқ кўраман! — дерди чувринди бир чол башанг кийинган аёлни қучоқлаб. Аёл ҳам чолнинг тиканак соқолли озғин юзидан ўпиб, шивирларди:

— Шунақаям бахтиёрманки! Назаримда марҳум отам тирилиб келгандай бўлди... Худди сизга ўхшарди раҳматлик... Ота, отагинам!..

Уларнинг ёнгинасида эски сиёсий мухолифлар: монархист билан анархист қучоқлашиб турарди.

— Курашга чек қўямиз! Айш-ишрат қурайлик!

Аллақандай бир ялангоёқ хиёбондан битта гулни уздида, худди қимматбаҳо нарсадай авайлаб, полициячига тутқазди.

— Ма, дўстим, ол буни! Мендан сенга ҳадя!..

Семиз полициячи ҳам дайди болани назокат билан ўпиб, гулни олди.

— Ғоят миннатдорман! Гул — ҳаётнинг безаги! Гул билан қўшиқни шунақа яхши кўраманки!..

— Айтамизми?

— Айтамиз.

Улар кўкат устига ўтиришди-да, бир-бирларини қучоқлаганча аллақандай бир лирик қўшиқни бошлаб юборишди.

— Олинглар! Ҳаммасини олинглар!— тилла магазин эгаси шундай деб қичқирар ва харидорларнинг чўнтагига қимматбаҳо безаклар, тилла узуклар, марварид ва олтин соатларни солиб қўярди.— Ўзим билан гўримга олиб кетармидим буларни! Олинглар роҳат қилиб тақиб юринглар! Савдогарчиликка қирон келсин! Яшасин бахт-саодат!

Судда ашаддий бир сиёсий жиноятчи оқлаб юборилди. Ўзининг тошбағирлиги билан ном чиқазган прокурор у гал айбнома ўқишдан бош тортиб, жиноятчининг кўксига бошини қўйганча ҳўнг-ҳўнг йиғлади:

— Дўстим, биродарим!.. Кечириш ва севишдан ҳам яхши нарса борми оламда!

Ҳатто кушхонадаги қассоблар ҳам сўйиш учун келтирилган молларнинг бўйнидан қучоқлаб, пешонасидан ўпарди:

— Ювошгинам!..— дейишарди улар сигирларнинг сағринини силаб.— Қўрқдингми? Бор, сув ич, кейин анави боққа кириб ўтла. Қон тўкиш етар! Энди озодсан!..

Бу воқеа ресторан остин-устун қилингандан кейин атиги бир неча кун ўтгач, юз берди. Шаҳарни измига солиб олган ёвуз даҳо ўзига қарши курашмоқчи бўлган комитет аъзоларининг жиғига тегиб, гўё улар устидан кулаётганга ўхшарди. Ўтган сафарги қон тўкишлар ва шаҳардаги ҳаракатнинг қўққисдан тўхтаб қолиши натижасида рўй берган қурбонлар эвазига кўзга кўринмас душман энди одамларга беқиёс меҳр-муҳаббат ва ҳузур-ҳаловат бахш этган эди. Бу туйғу шу қадар кучли эдики, ана шу роҳатни яна бир бор татиб кўриш учун одамлар ҳамма нарсага тайёр туришарди. Бу гал ҳамма ўтган умрини ёдга олар ва йўқотилган жаннат ҳақида сўзларди.

Ўтган галги қонсираш ва шафқатсизлик касалидан бу галгиси даҳшатлироқ эди. Инсон онги ва руҳиятини бу қадар жиловлаб олган душман ким ўзи? Хоҳласа, у одамларни қонхўр ёки жинни қилади, хоҳласа, меҳрибон ва ҳотамтой қилиб юборади. Унинг учун одамлар қўғирчоқдай бир гап. Хоҳласа, ҳузур бахш этади. хоҳласа, майиб-мажруҳ қилади, ўлдиради, ўлдирганда ҳам бирорта ўқ узмасдан, шовқин-суронсиз, ўзи кўзга кўринмай ўлдиради. Ҳа, бундай душмандан қўрқмасдан бўладими!

Кечаси ер остига жойлашган бинога тўпланган комитет аъзолари мотамсаро бир қиёфада Кранцнинг оғзига тикилиб ўтиришарди. Кранц эса кейинги ҳодисага алоқадор маълумотларни кўздан кечириб тартибга солар, шаҳарнинг «ҳузур-ҳаловат» касали тарқалган секторини аниқлаш устида бош қотирарди.

Аҳён-аҳён бетоқат овозлар эшитилиб қоларди:

— Нима бўляпти, Кранц?

— Ҳаммаси жойида!

Кимдир зарда билан луқма ташлади.

— Бундан ёмон бўлиши қийин!

— Аксинча,— жавоб берди Кранц,— жуда яхши кетяпти. Ҳеч қачон бунақа мароқли иш билан шуғулланмаган эдим.

Кранц ўзининг қизғиш, миқти бармоқлари билан қоғозларни тез-тез титкилар, аҳён-аҳён шаҳар планига янги чизиқлар тортиб қўярди.

— Кранц қадимги рицарларга ўхшаб,— давом этди у,— шаҳарни аждаҳодан озод қилади, кейин унга ҳайкал ўрнатишади. Кранцга албатта, аждаҳога эмас, ҳа-ҳа! Ёки, тўғрироғи, иккаламизга: Кранц қўлида найза ушлаб турибди, унинг оёқлари остида эса тилка-пора аждаҳо!

— Ҳазилнинг вақтими ҳозир?— деди яқингинада жиноятчининг кўксига бош қўйиб йиғлаган прокурор.— Ҳаммаёқ алғовдалғов бўлиб ётибди-ю, майнабозчилик қиласиз-а! Мендек одам

айбнома ўқишдан бош тортганимдан кейин давлатнинг ҳоли нима кечарди...

— Мен ҳазилни яхши кўраман, ҳатто йўлтўсар тўппонча ўқталиб турганда ҳам ҳазил қиламан. Илож қанча! Касб билан боғлиқ одат-да. Хавф-хатарга дуч келганингда ё кулишинг, ё қочишинг керак бўлади. Аммо-лекин ҳозир иш яхши кетяпти, ишонинглар. Кейинги ҳодиса ҳам маълум йўналишдаги тўлқин билан боғлиқ, агар тўлқин учи яна ўша жойга бориб қадалмаса, ўлай агар. Тағин тўрт-бешта маълумотни кўздан кечирсам бўлди — у ёғи ҳал...

Комитет аъзолари Кранцни қуршаб олишди.

Ўртага оғир сукунат чўкди.

Ниҳоят, Кранц харитага сўнгги чизиқ тортди.

— Бўлди!

— Яна Эльза Глюк уйига бориб қадаляпти!— қичқириб юборди ички ишлар министрлигининг ходими.

— Ҳа, яна шунақа бўляпти. Планга бир кўз ташланглар-а.— Кранц ўз олдидаги планни стол ўртасига суриб қўйиб, тушунтира кетди:— Мана бу биринчи чизиқ ҳаракат тўхтаб қолган пайтни билдиради, иккинчиси — уруш васвасаси. Бу чизиқлар Эльза Глюк уйида туташмасдан, ресторан жойлашган қўшни бинода туташади. Тинтувни ўша ерда ўтказганмиз.

— Хато қилганмиз.

— Тўғри. Чунки таъсир тарқалувчи манбани битта деб ўйлаганмиз. Лекин учинчи чизиқ — «меҳр ва ҳузур-ҳаловат» касалини билдирувчи мана бу «омадли» чизиқ хатомизни тўғрилади. Маълум бўлишича, таъсир икки нуқтадан тарқалган. Лекин иккала нуқта ҳам Эльза Глюкнинг уйида. Кўриб турибсизларки, уй жуда узун. Афтидан, таъсир нуқталари бинонинг ҳар иккала томонида жойлашган бўлса керак. Ўтган сафар чизиқлар таъсир манбаининг биттаси устида туташган, шунинг учун ҳам бизга бу манба қўшни бинода жойлашгандай бўлиб туюлган. Учинчи «касаллик» эса бизга бошқа нуқтани, биринчи чизиқ билан учинчи чизиқ туташадиган нуқтани аниқлаб берди. Тушунарлими?

Ҳамма ғимирлаб қолди.

— Айтувдим-ку, Штирнернинг иши бу, деб!

— Буни сиздан олдинроқ айтганман.

— Ярамас! Иблис! Энди у биздан қочиб қутулолмайди.

— Кранц! Биз у жиноятчини шу бугун кечасиёқ қамоққа олишга улгурамиз!

— Қамоққа олиш қийин ишмас,— деди Кранц.— Лекин эрталабгача кутсак ёмон бўлмасди.

— Нима учун кутиш керак экан?— деди прокурор бетоқат бўлиб. У айбнома ўқишдан бош тортиб, жиноятчи билан оғиз-бурун ўпишгани учун Штирнерни сираям кечиролмасди.

— Бунинг сабаби оддий,— жавоб берди Кранц.— Биз одатдан ташқари бир жиноятчи билан рўбарў келиб турибмиз, шунинг учун барча эҳтиёткорлик чораларини кўришимиз керак бўлади. Банк кечаси маҳкам қулфланиб, қаттиқ қўриқланади. Агар

кечаси борадиган бўлсак, минг эҳтиёт бўлганимиз билан ғалағовур кўтарилиб, душман сезиб қолади. Яхшиси, эрталаб банк очиладиган пайтда ҳали одамлар камлигида бориш керак. Гражданча кийиниб, фақат тўппонча билан қуролланилади. Банк соқчилари ва хизматчиларида шубҳа туғдирмаслик учун биттабитта кирилади, кейин бараварига юқорига ташланиб, душманни ғафлатда қўлга олинади.

Прокурор ғазабидан ер депсиниб турган бўлишига қарамай, тажрибали изқуварнинг мулоҳазаларига қўшилишга ва Штирнерни қамоққа олишни эрталабгача қолдиришга мажбур бўлди.

— Менга қолса,— дея гапини давом эттирди Кранц,— бу ишни яна бир кунга кечиктирсак тағинам дуруст бўларди.

— Шуниси етмай турувди!— деб хитоб қилди кўзойнак таққан жиккак чол, комитет йиғилишида шахсан иштирок этаётган ички ишлар министри.

Кранц елкасини қисди.

— Илож қанча, жаноби олийлари, ҳар бир қадамимизни ўйлаб, эҳтиёт бўлиб босишимиз кераклигини юқорида айтиб ўтдим. Биз Эльза Глюк уйининг қандай жойлашганини, кирибчиқиладиган ҳар бир эшикни, Штирнер қайси хонада истиқомат қилишини ва шунга ўхшаган ҳамма икир-чикирларни яхши билишимиз керак. Бу маълумотларни тўплаш учун эса вақт талаб қилинади.

Яна ҳамма иккиланиб қолди.

Бирдан полиция бошлиғи пешонасига «шап» этиб урди-ю, гапира кетди:

— Рухсат этинг. Назаримда, йўли топилганга ўхшайди. Худонинг ўзи мушкулимизни осон қилиб турибди! Яқинда идорамга бир йигитни — Рудольф Готлиб деган йигитни ишга олдим. Бу фамилия сизга танишми?

— Бўлмасам-чи! Иши юришмаган меросхўр-да. Марҳум банкирнинг жияни.

— Ҳа, балли. Мана сизга йўл бошловчи, Кранц,— деди кулиб полиция бошлиги — Ундан зўрини тополмайсиз. У бўлғуси меросхўр сифатида бу хонадонни ипидан игнасигача ўрганиб чиққан. Штирнерни кўргани кўзи йўқ. Хуллас, энг бизбоп одам ўша.

— Жуда соз, қаердан топамиз уни?

— Бундан осон иш йўқ!— Полиция бошлиғи қўнғироқ қилиб, тегишли кўрсатма берди.

Бир соат ўтар-ўтмас ҳали уйқуси тарқамаган Рудольф Готлиб комитет кенгаш ўтказаётган ертўлага кириб келди.

Ўзининг нима учун чақирилганини билган Рудольф дарров ҳушёр тортди. Кўзлари чақнаб кетди. Муштумини тугиб, тишларини ғижирлатди:

— Энди сиз билан ҳисоб-китоб қиламан, жаноб Штирнер!

Полиция бошлиги ўзида йўқ шод эди.

— Жаноб бошлиқ,— деб унга мурожаат қилди Рудольф,— бир илтимосим бор, шуни ерда қолдирмасангиз.

— Нима гап, азизим?

— Ўша ярамасни ўз қўлим билан ўлдиришга рухсат этсангиз.

— Ие, қанақа бўларкин, терговсиз, суд қилмасдан-а? — кулди адлия министри.— Ҳали қўлимизда далил йўқ-ку.

— Нафсиламрини айтганда, жаноблар,— бирдан гапга аралашди прокурор,— бу йигитнинг гапида жон бор. Масала биз ўйлагандан кўра жиддийроқ. Бу воқеаларнинг ҳаммасига Штирнер айбдорлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Биз одатдан ташқари жиноятчига рўбарў келиб турибмиз, деганида Кранц тамомила ҳақ. Шундай экан, унга нисбатан ҳам одатдан ташқари жазо чоралари қўлланиши керак. Буни давлат ва халқ манфаати тақозо этади. Агар у билан ади-бади айтишиб ўтирадиган бўлсак, суд пайтида у мени айбнома ўқиш ўрнига ўзи билан ўпишиб, сигарета узатишга мажбур қилмайди, деб кафиллик беролмайман. Мамлакат тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда,— ҳозир худди шундай бўляпти,— таваккалчилик қилиш жиноят билан тенг иш бўлади, худо кўрсатмасин, расмиятчилик қиламан, деб уни қўлдан чиқариб юборишимиз ҳам мумкин. Ундан ташқари, ҳм... бу ерда бегона одам йўқ... Штирнер қочишга урингани учун ҳам отиб ташланиши мумкин-ку! Бу усулни ҳар қанча қоралашмасин, аслида заррача қинғир жойи йўқ, чунки жазодан қутулиб қолиш учун қайси жиноятчи қочишга уриниб кўрмайди? Хуллас, шундай қилсак, бир ўқ билан бутун фалокатдан халос бўламиз.

— Жуда тўғри! — деди полиция бошлиғи.— Кимки жамият ва давлат қонунларини бузар экан, ундай одам қонун ҳимоясидан четда қолади.

— Отишга устамисиз, Готлиб? — сўради Кранц.

— Тўппончадаги ҳамма ўқни бир нуқтага ураман.

— Нимаям дердик, омадингизни берсин! — деди полиция бошлиғи.

Ҳужум этиш плани эрталабга қадар муҳокама қилинди. Фақат тўртта одам жўнатишга келишилди: Рудольф Готлиб, Кранц ва полициянинг иккита ишончли агенти. Икки агент ҳар эҳтимолга қарши олинадиган бўлди.

— Одам қанча оз бўлса, шунча яхши бўлади,— деди Кранц.

Эрталаб соат тўққизда пухта қуролланган ва тегишли йўл-йўриқни олган отряд жам бўлди.

— Оқ йўл! — деб фотиҳа берди уларга полиция бошлиғи.

Отряд банкка ҳеч қандай қийинчиликсиз кириб, иккинчи қаватга кўтарилди ва Рудольф раҳнамолигида кабинетга қараб йўл олди. Коридорда дуч келган хизматкорларга босиқ пўписа билан турган жойидан қимирламасликни буюришди.

Кабинет бўм-бўш эди. Агентлардан бири кираверишдаги эшик олдида, иккинчиси Штирнер хонасига туташ кабинет эшиги олдида тўхташди, Рудольф эса Кранц ҳамроҳлигида Штирнернинг сирли хонаси эшигини қия очиб, ичкарига кўз ташлади. Хонада деярли мебель йўқ эди. Бор-йўқ жиҳоз — ёнида тумбочка турган каравот, битта шкаф билан кичкина стол. Хонанинг ярми нима учундир қалин тахта билан тўсилган эди. Штирнер рўпарасига ойна ўрнатилган бояги стол ортида ўтириб, соқол оларди. Бу

манзарани кузатиш учун атиги икки-уч дақиқагина вақт кетди. Эшикнинг ғийчиллаганини эшитган Штирнер бурилиб қарашга улгурмасидан иккита баҳайбат ит Рудольфга ташланди, у ҳатто тўппончасини суғуришга ҳам улгуролмади. Айни пайтда эшикка орқа ўгириб ўтирган Штирнер ойнада Рудольфнинг аксини кўрди-ю, стулдан сакраб туриб, ўзини тахта тўсиқ томонга отди ва эшикни очиб ичкарига кириб кетди. Рудольф билан Кранц итларнинг таъқибидан аранг қутулиб,— шовқин кўтармаслик учун Штирнердан бошқасига ўқ узмаслик ҳақида улар кўрсатма олишган эди,— тўсиққа ўрнатилган эшикни тақиллата кетишди.

— Очинг, Штирнер!— қичқирарди Готлиб.— Очинг, нега кўрқасиз?

Эшик орқасига шундай шиддат билан очилдики, унга қапишиб турган Рудольф мункиб кетди.

— Секинроқ, йиқилиб кетманг!— деди хотиржамлик билан Штирнер.— Ёт, Фальк! Ёт, Бич!

Итлар итоаткорлик билан чўзилиб, олдинги оёқлари устига бошларини қўйиб олишди, аммо икки нотаниш одамдан кўз узишмасди.

— Хизматингизга тайёрман, жаноб Рудольф Готлиб!— деди Штирнер яна ҳалиги стол ортига ўтираркан.

Рудольф Готлиб стол устига тўппончасини қўйди-да, чўткани олиб, Штирнернинг юзига совун кўпиги сурта кетди.

Кейин устара билан унинг соқолини ола бошлади.

Штирнер бошини орқага ташлаб ўтирар, Рудольф эса ҳафсала билан унинг томоқларини қирарди.

— Сал оғритяпти, Готлиб... Устарани бир қайраб олинг!

Рудольф устарани қайишга икки-уч суртиб олиб, яна ишга киришиб кетди.

Кранц эса буларнинг олдида худди соқчидай турарди.

— Раҳмат сизга, Готлиб. Жудаям уста экансиз. Ҳунарингиздан бошқалар ҳам баҳраманд бўлиши керак. Сартарошхона очинг. Сиз-чи?— Штирнер Кранцга мурожаат қилди.

— Кранц! Иоганн Кранц! Хизматингизга тайёрман!— у шундай деди-ю, тўппончасини ташлаб, чўтка билан Штирнернинг кўйлагини чўткалай кетди.

— Миннатдорман, мана, хизмат ҳақларингиз!— Штирнер уларга биттадан чақа берди.

Улар қайта-қайта таъзим қилиб, ташқарига қараб юришди.

Уйдан чиққанларидан кейин иккиси икки томонга қараб кетди.

Агентлар эса ғойиб бўлишган эди.

Кранц тўппа-тўғри турмага келиб, ўзини бир кишилик камерага қамаб қўйишларини талаб қила бошлади. Турма бошлиғи ҳазилга олган эди, Кранцнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Мен шахсан министрнинг ўзидан кўрсатма олганман, хоҳлаган одамимни қамоққа олишим мумкин, гапимни қайтарманг! Хизматдаги одамнинг гапига ишонмасликка ҳаққингиз йўқ!

Турма бошлиғи елкасини қисди-ю, тегишли кўрсатма берди.

Кранцни обориб қамаб қўйишди. Турма бошлиғи телефон қилиб суриштирган эди, Кранцни қамоққа олиш ҳақида ҳеч ким буйруқ бермаганлиги, аксинча, уни комитетда сабрсизлик билан кутишаётгани маълум бўлди. Аммо Кранц турмадан чиқишдан қатъиян бош тортди.

— Агар зўрлаб опчиқадиган бўлсаларингиз, отиб ташлайман!— деб пўписа қилди у.— Мени шахсан Кранцнинг ўзи қамаган, фақат ўшанинг ўзи бўшатиши мумкин!

Турма бошлиғи қўл силтади.

— Ё ақлдан озган, ё кайфи баланд!

Кранц ҳеч қачон қуролини ёнидан қўймас эди, бинобарин, унга нисбатан куч ишлатиш ҳам хавфли эди.

— Жин урсин, ўтирса ўтиравермайдими!

Шундай қилиб, Кранц камерада қолди, эшик тирқишидан мўралаб, нуқул йўлакда юрган соқчига танбеҳ берарди.

— Қанақа соқчисан ўзинг!— деб пўписа қиларди у.— Йўлканинг бир бошига борволиб, шунча турасанми! Хизматни қандай ўташ кераклигини биласанми? Бу ёққа кел, қочиб кетмаслигим учун манави қулфни текшириб кўр!

Кранц, афтидан, прокурор айтган одамлардан эмасди: у сираям қочишга уринмасди.

Амалга ошмаган ҳужум иштирокчиларидан фақат Рудольф Готлиб комитетга қайтиб келди. Лекин ундан ҳам тайинли бир гап чиқмади. Кўриниши паришон ва абгор эди.

Комитет аъзолари томонидан берилган ҳамма саволга у бир хил жавоб қайтарарди.

— Соқолини опқўйдим!

— Қанақа соқол? Нималар деяпсиз?

— Штирнернинг соқолини опқўйдим!

Комитет аъзолари ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашарди.

— Эҳтимол кўчма маънода гапираётгандир, ўлдирдим деганидир бу?— деб шивирлади министр полиция бошлиғига.

— Ҳеч бунақасини эшитмаган эдим,— жавоб берди бошлиқ.

— Очиқроқ гапиринг, Штирнер тирикми, ўликми?

Рудольф ҳаммага маъносиз нигоҳ билан бир-бир қараб чиқиб, аччиқ жилмайди:

— Тирик бўлганда қандоқ! Яхшилаб соқолини олиб қўйдим! Сартарошхона очишга тўғри келади энди!

VII. «ТРИЛЬБИ»

— Бормисан, Людвиг!— деди Эльза Штирнерга қўлларини узатиб.— Мени тамом унутиб юбординг!

Улар қишки боғда, гўё узоқ айрилиқдан сўнг энди учрашгандай бир-бирларига термилиб туришарди. Ҳақиқатан ҳам улар қарийб бир ойдан бери кўришишмаганди, бу вақт ичида иккавлари ҳам бирмунча ўзгариб қолишганди. Штирнернинг юзидан қони қочиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетган, қарашлари бежо,

кайфияти тез-тез ўзгариб турадиган бўлиб қолганди. Эльза шу қадар озиб кетган эдики, ёноқлари бўртиб, юзи чўзилиб қолгандай туюларди. Аммо кўзлари аллақандай сўник, ҳаракатлари лоқайд ва ихтиёрсиз эди. Унинг ички дунёси ҳам тамом ўзгариб кетганди. Ўзи яшаётган руҳий олам унинг шахсиятига таъсир этмай қолмаганди. У узуқ-юлуқ фикр қилар, кайфияти ҳам худди шундай қўққисдан бузилиб қоларди. Эльза тирик одамдан кўра кўпроқ автоматни — темир одамни эслатарди. Бу ҳол Штирнер билан бўлган бугунги учрашувда ҳам сезилиб турарди. Уларнинг суҳбати қўққисдан узилиб қолар, кейин бирдан яна қизиб кетарди.

Штирнер Эльзани ўз ёнига ўтқазиб, чаккасини юзига босди. Қиз ҳам бир қўли билан Штирнернинг юзини оҳиста силай бошлади.

— Силлиқми юзим? Рудольф Готлиб олиб қўйди соқолимни!

— Готлиб? — Эльза ҳайрон бўлди.

— Ҳа, Готлиб. У сартарошхона очмоқчи, шунинг учун танишбилишларини соқолини олиб, машқини ошириб юрибди.

Штирнер қақ-қаҳ отиб кулди.

— Тушунмадим, Людвиг, ҳазиллашяпсанми?

— Тушунишнинг керагиям йўқ. Унут ўша Готлибни.

Орага сукунат чўкди.

— Жуда ўзгариб кетибсан, Людвиг. Ҳорғин кўринасан...

— Ҳечқиси йўқ!

— Намунча кўп ишламасанг? Ё бирор кўнгилсизлик бўлдими?

Штирнер ўрнидан туриб, асабий ҳолда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Кўнгилсизлик дейсанми? Аксинча. Ҳаммаси жойида. Лекин чарчаганим рост... ҳа... ўлгудай чарчадим,— деди у секин, кўзларини юмиб.— Қани энди илож бўлса... Мендан совибсан, Эльза!

У кўзларини очди-да, қўлларини кўксида чалиштирганча Эльзага узоқ тикилиб турди.

Бу нигоҳ таъқибидан қиз бирдан оқарди ва энтикиб-энтикиб нафас ола бошлади. Кейин ўзини Штирнернинг бағрига отиб, унинг юз-кўзларидан ўпа кетди. Сўнг лабларидан қаттиқ ва узоқ сўрди.

Штирнер кутилмаганда уни силтаб ташлади.

— Бўлди! Жойингга бор! Ўзингни бос!

Эльза итоаткорлик билан диванга ўтирди. Бояги эҳтироси қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай қўққисдан сўнди.

— Бўлмаяпти, бўлмаяпти... Лаънати! — дея ғудранарди Штирнер тез-тез у ёқдан-бу ёққа юраркан.

— Кейинги пайтларда нима иш билан шуғулландинг, Эльза? — деб сўради у сал ўзини босиб олгач.

— Фақат сен ҳақингда ўйладим...— бўшашибгина жавоб берди қиз.

Штирнер худди тахминлари тўғри чиқаётган доктордай бош силкиб қўйди.

— Яна нима қилдинг?

— Китоб ўқидим. Кутубхонадан «Трильби» деган романни топиб, қайтадан ўқиб чиқдим. Сен ўқиганмисан? Свенгали Трильбини гипноз қилиб қўяди, қиз унинг қўлида бамисоли қўғирчоққа айланиб қолади. Трильбига раҳмим келиб кетди. Одам ўз иродасини йўқотиб, бировнинг измига тушиб қолиши қандай даҳшат!

Штирнер қошларини чимирди.

— Биз бир-биримизни севамиз, нақадар бахтиёрмиз. Мана шу тўғрида ҳам кўп ўйладим.

— Сен бахтлимисан?

— Ҳа, бахтлиман,— жавоб берди Эльза.— Қандай қўрқинчли ва кучли одам-а, бу Свенгали дегани!

Штирнер бирдан хахолаб кулиб юборди.

— Нега куляпсан?

— Шундоқ, ўзим. Бир нарса эсимга тушиб кетди... Свенгали — жўжахўроз.— Штирнер яна Эльзага қаттиқ тикилди.— Қўй ўша Свенгалингни! Хўш, қанақа китоб ўқидинг?

— Ҳеч қанақа китоб ўқиганим йўқ.

— Қандайдир романни ўқидим, дегандай бўлдинг шекилли?

— Ҳеч қандай роман ўқиганим йўқ.

— Музика чалдингми?

— Музика ҳам члганим йўқ.

— Юр, бирор нарса чалиб бер. Анчадан бери куй тинглаганим йўқ...

Улар залга киришди. Эльза рояль ёнига ўтириб, Григнинг «Баҳор» куйини чала бошлади. Чалатуриб, секин сўз қотди:

— Бу куй менга Ментонани эслатади. Осуда оқшомлар... Денгиз ортидан кўтарилган ой... Гулларнинг муаттар бўйлари... Қандай бахтиёр эдик-а, ўша дастлабки кунлари!

— Наҳотки ҳозир бахтиёр бўлмасанг!

— Ҳарҳолда... сени жуда кам кўраман. Сен асабий бўлиб қолдинг, қаттиқ чарчагансан. Баъзан ўйлаб қоламан: шунча бойлик кимга ҳам керак? Одам бахтиёр бўлиши учун кўп нарса керак эмас-ку? Қани энди ўша ёққа, мовий денгиз томонга кетсак, офтоб ва гуллар оғушида муҳаббат суруридан маст бўлиб роҳат қилиб юрсак...

Штирнер яна бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Томорқа қилсак, эчки боқсак. Мен чўпон, сен унинг сулув қайлиғи бўлсанг. Поль билан Виргиния... Бўйнига ҳаворанг боғичли кумуш қўнғироқ осилган суюкли оқ улоқча... Ариқ бўйларидан терилган турфаранг дала гуллари. Оҳ-оҳ, қандай роҳат!.. Сен ҳалиям хаёл оламида яшаяпсан, Эльза! Людвиг Штирнерни олдига бир гала эчкини солиб ҳайдаб юрган беозор подачи қиёфасида бир тасаввур қилиб кўргин-а? Ха-ха-ха! Эҳтимол сен ҳақдирсан, Эльза! Икки оёқлилардан кўра тўрт оёқли жониворлар билан муомала қилиш минг марта осон. Ментонани унут, Эльза! Ҳамма нарсани унутиб, фақат олға интилиш, бургутлар парвоз этадиган юксак чўққиларни кўзлаш керак, ундан ҳам

баландга, булутлар устига чиқиб ўша муқаддас оловни ўғирлаш ёки бўлмаса... тубсиз жарликка қулаб, чилпарчин бўлиш керак! Қўй, шу чучмал куйни чалма. Шўхроқ бирор нарса чалиб бер. Шопеннинг ҳароратли «Полонез»ларини чал, Листдан чал, шундоқ чалгинки, клавишлар қарсиллаб, торлар узилиб кетсин!

Эльза унинг амрига бўйсуниб, Рахманиновнинг улуғвор «Полишинель» куйини чала кетди. Гўё Штирнернинг қалбидаги ғалаён энди Эльзанинг дилига кўчган эди.

Штирнер бармоқларини қайириб, залда у ёқдан-бу ёққа юрарди.

— Мана шундай! Худди шундай! Эзиш керак! Янчиш керак! Мен шуни хоҳлайман! Дунёда мен ягонаман, бинобарин, дунё меники бўлиши керак! Бу куйинг маъқул бўлди... Етади, Эльза... дамингни ол!

Эльза оғир тин олиб, толиққан қўлларини туширди. У асаблари ҳаддан ташқари таранглашганидан ҳушидан кетишига сал қолди.

Штирнер уни қўлтиғидан олди-да, қишки боққа опчиқиб ўтқазиб қўйди.

— Бир оз дам ол. Терлаб кетибсан.

Шундай деб, у дастрўмоли билан қизнинг пешонасини артди, сочларини тузатиб қўйди.

— Дарвоқе, Эммадан хат-хабар борми? Нималар ҳақида ёзяпти?

Эльзага бир оз жон кирди.

— Ҳа, айтишни унутибман. Кеча ундан каттакон хат олдим.

— Соғлиги қалай эмиш?

— Анча тузукман, депти. Лекин врачлар жанубда яна икки ой туришингиз керак, деб тайинлашибди. Боланинг соғлиги ҳам дуруст эмиш.

— Шуни айтиш учун узундан-узоқ хат ёзиш керак эканми?

— Эри ҳақида кўп гапирибди. Зауернинг характери ўзгариб кетаётганидан хуноб бўлиб ёзибди. У камгап, серзарда бўлиб қолганмиш. Илгариги меҳрибончилигидан асар ҳам қолмабди. Мендан кўнгли совиб боряпти, деб хавотирланиб ёзибди Эмма.

Штирнер Эльзанинг бу гапларини ташвиш аралаш синчковлик билан тинглади. Афтидан, Эльзанинг ўзига нисбатан муносабатидан кўра Зауернинг Эммага бўлган муҳаббати уни кўпроқ қизиқтирарди. Штирнер ўйланиб қолди, сўнг қовоғини солганча ўзича пичирлади.

— Бўлиши мумкин эмас! Наҳотки мен ҳисобда адашган бўлсам? Масофа узоқ... Лекин бу хатолик-ку... Йўқ! Бўлиши мумкин эмас!.. Текшириб кўриш керак...

У шартта ўрнидан турди-да, Эльзага заррача эътибор ҳам бермай, ҳатто хайрлашмасданоқ кишки боғдан шошиб чиқиб кетди.

— Людвиг, қаёққа? Людвиг! Людвиг!

Катта залдан узоқлашиб бораётган қадам товушларигина эшитилди.

Эльза бошини хам қилганча аквариум ичида сузиб юрган жажжи балиқчаларга хомуш термилди. Улар ҳаворанг шиша ичида думларини беозор қимирлатиб, оғизларини бир очиб, бир юмиб шовқинсиз ҳаракат қилишарди. Сув юзасига симобдай ялтироқ майда пуфакчалар кўтариларди.

— Яна ёлғизлик!

VIII. ВАҲИМАЛИ ЗОНА

Штирнерга қилинган муваффақиятсиз ҳужум тафсилотларини билиш ниятида прокурор шахсан Кранц ҳузурига — у ўзиниўзи «қамаб қўйган» камерага борди.

— Менга қаранг, Кранц,— деб гап бошлади прокурор,— сиз ҳамиша ҳаммага ўрнак кўрсатадиган хизматчи бўлгансиз. Айтинг-чи, Штирнерникида нима воқеа рўй берди, нима учун сиз ўзингизни бу аҳволга солиб, қамалиб ўтирибсиз?

Кранц ҳарбийчасига қаддини ғоз тутди, унга ҳар қанча ўгиту панд-насиҳат кор қиладиган эмасди.

— Жиноятчиман, шунинг учун ўтирибман-да. Лекин жиноятим нималигини айтиб беролмайман. Маълумот беришдан бош тортишга ҳаққим бор. Судга беришингиз мумкин!

— Ахир жиноятингизни билмасдан туриб қандай қилиб судга берамиз?

— Менинг нима ишим бор? Аниқламагунингларча ўтираверaман. Кранц «йўқ» дедими, демак, йўқ. Гап тамом, вассалом. Лекин мен маҳбус сифатида турма режимидан норозиман!

— Нима гап, Кранц?— қизиқиб қолди прокурор.

— Ғирт бемаънилик! Тушликка карам шўрва беришувди. Мундоқ қошиқ солсам, икки юз граммча гўшт чиқди, карам шўрванинг усти кил-кил ёғ. Агар турмада шунақа овқат бериладиган бўлса ҳамма одам каллакесар бўлиб кетмайдими! Ўта тартибсизлик бу! Жаноб прокурор, сизга қатъиян арз қиламан: агар овқатнинг сифатини пасайтиришмаса, мен очлик эълон қиламан, билиб қўйинг! Е бўлмаса манави мисолни олиб кўрайлик: соқчилар камерага идиш киритиш ўрнига маҳбусларни йўлакнинг нариги бошида жойлашган ҳожатхонага кузатиб боришади. Шу ҳам тартиб бўлдими? Эҳтимол улар тувак ташиб юришга эринишар, лекин мен бундан фойдаланиб қочиш пайидан бўламан, кейин қочишга урингани учун деб... ҳалигидай... Турма ичидаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиниши учун чора кўрилишини сўрайман!

Прокурор ҳайратидан ҳангу манг бўлиб қолди.

Тўғри, карам шўрвадан икки юз грамм гўшт чиққанига ва унинг серёғ бўлганлигига у ажабланмади. Чунки прокурор бошқа маҳбуслар ювиндидан фарқ қилмайдиган овқат ейишларини яхши биларди. Лекин овқатнинг сифатини пасайтириш ҳақидаги талаб! Бунақа талабни прокурор умри бино бўлиб эшитмаганди.

«Бечора,— деб ўйларди у,— Штирнернинг олдига борди-ю,

тамом ақлдан озди-қолди». Кейин иложи борича юмшоқроқ муомала қилишга уринди.

— Ўтинаман, Кранц, эски оғайни сифатида бўлган воқеани гапириб беринг. Қанча йил бирга ишлаганмиз, ахир... Ҳеч бўлмаса бирон-бир маълумот беринг!

— Маълумот беринг дейсизми? Сизга-я! Агар жиноятчиларнинг ўзлари ҳамма гапни гапириб берадиган бўлишса бизга ўхшаган изқуварларнинг нима кераги бор? Сиз бизни ишсиз қолдирмоқчимисиз? Йў-ўқ, мен ҳамкасбларимга хиёнат қилмайман! Улар менинг жиноятимни фош қилиб, мукофот олишсин!

Прокурор Кранцнинг кутилмаган бу мантиғидан довдираб қолди, унга гап уқтиролмаётганидан хуноби ошди.

Кранц буни сезди. Прокурорга раҳми келгандай бўлди. Чўнтагини узоқ тимирскилаб, бир дона кумуш чақа чиқарди-да, худди гадойга бергандай прокурорга узатди.

— Сизга бундан ортиқ нарса беролмайман!

Прокурор беихтиёр қўлини узатиб тангани олди-ю, унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

— Ашёвий далилларга қўшиб қўясиз. Жиноят йўли билан топилган пул...

Бу Штирнер Кранцга «чой пули» қиласиз, деб берган танга эди.

Прокурор ашёвий далилни кафтида айлантирганча индамай чиқиб кетди.

«Қандай ажойиб ходимдан маҳрум бўлдик!— деб ўйларди у.— Ҳаммасига Штирнер айбдор. Наҳотки уни бартараф этолмасак?»

Прокурорни сабрсизлик билан кутиб ўтирган комитет аъзолари ундан Кранц билан бўлган учрашув натижаларини сўрашганда у фақат қўл силтади-ю, ўзини креслога ташлади.

— Нима қилиш керак? Наҳотки Штирнер чиндан ҳам шунақа қудратли бўлса?— деб сўради ички ишлар министри.

Ҳарбий округ бошлиғи, «темир генерал» деб ном чиқазган ингичка мўйловли, қотма, лекин ҳали бардам чол шахдам ўрнидан турди.

— Нима қилиш керак?— деб гап бошлади у ўз ёшига нисбатан номуносиб бир чинқироқ овозда.— Нима қилиш кераклигини мен айтаман. Штирнерга ҳақиқий уруш эълон қилиш керак. Мен қарияни кечирасиз-у, жаноб министр, сиз ноҳарбийларнинг асабингиз анча бўшга ўхшайди. Жўнатган иккита полициячингиз ишни расво қилиб қайтганига ҳатто порох ҳидини билмайдиган аллақандай бир фирибгарни «қудратли», «енгилмас» одам деб ўтирибсизлар. Биласизларми, нима қилиш керак?!— «темир генерал» энди гўё ҳақиқий жанг майдонида сон-саноқсиз лашкарга қўмондонлик қилаётгандай бор овозини қўйиб қичқира бошлади.— Шаҳарда қамал ҳолати эълон қилиш керак. Эльза Глюкнинг уйини қуршовга олиб, кейин ҳужумга ўтиш ло[illegible] ҳа албатта ҳужум қилиш зарур! Ҳар эҳтимолга қарши артилл[illegible]ни ҳам шай қилиб қўйган маъқул. Мабодо пиёдалар ҳужуми муваффақиятсиз тугаса,— бундай бўлиши эҳтимолдан узоқ,— бинони

яксон қилиш учун артиллерия керак бўлади. Ваҳима қилиб юргандан кўра мана шу ишни қилиш керак!

«Темир генерал»нинг оташин нутқи ўтирганларни анча дадиллаштириб қўйди.

Тўғри, генералнинг проектига нисбатан баъзи бир эътирозлар ҳам бўлди, лекин бу эътирозлар проектни бутунлай рад этолмасди.

— Қўшни бинолар шикастланиши мумкин...

— Штирнер билан бирга турадиганларнинг, масалан, хотининнинг нима айби бор?

— Мен айтдим-ку, иш бомбардимон қилишгача бориб етмас,— жавоб берди генерал.— Мабодо шундай бўлганда ҳам ҳечқиси йўқ: уруш қурбонсиз бўлмайди. Бутун мамлакат яксон бўлганидан кўра бир неча юз кишининг ҳалок бўлгани маъқул.

— Одамларни огоҳлантириб, уларни бошқа жойга кўчириш мумкин эмасми?

— Йўқ, мумкин эмас! Одамларни огоҳлантириш — душманни ҳам огоҳлантириш деган сўз. Бу ишни орқага суриб бўлмайди. Агар сизлар рози бўлсаларингиз, шу бугун кечасиёқ солдатларимни ўзим бошлаб бораман. Кўрамиз, ўша ботирнинг ҳоли нима кечаркин!

— Фақат артиллерияни ишга солмайсиз!— деди ҳарбий министр.

— Нима учун?

— Чунки тўплар фақат Штирнернинг ўзини эмас, унинг қуролини ҳам яксон қилади. Бу қурол эса бизга ҳам керак бўлиши мумкин.

Ҳаммалари шунга рози бўлишди.

«Темир генерал» шаҳар чеккасида штаб мажлисини чақириб, ўз планини баён этди:

— Олдимизда оғир вазифа турибди. Ҳукуматнинг кўрсатмаси билан имкониятларимиз чекланган — артиллерияни ишга солишга ҳаққимиз йўқ. Штирнерни тириклайин қўлга тушириш ҳақида буйруқ олганман. Агар бунинг иложи бўлмаса уни ўлдириш, уйини эса ичидаги барча жиҳозлари билан бус-бутун сақлаб қолиш керак. Биз мисли кўрилмаган душман билан рўбарў келиб турибмиз. Шаҳар марказида жанг қилишимизга тўғри келади. Шунга қарамай кўча жанглари тактикасини бу ўринда қўллаб бўлмайди. Душманни кўрмасак, унинг заиф томонларини билмасак, кўча жанглари ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Мабодо биз уйга бир амаллаб кириб олганимизда ва ўша ерда Штирнерга дуч келган тақдиримизда ҳам буни энди... ҳалигидай... «уй жанги» дейишимиз мумкин. Авваламбор, Штирнернинг қочиб қолишига мутлақо йўл қўймаслигимиз керак. Қолаверса, бизга шуниси маълумки, Штирнер муайян бир йўналишга қаратилган ёки аниқ бир доирани қамраб оладиган нур билан иш кўради. Бунинг устига, афтидан, унинг нурлари,— Штирнернинг қуролини шундай деб атаймиз,— ҳаммага бир хил таъсир қилмайди. Бинобарин, биз ўз кучларимизни жанг бўладиган бутун район-

га тарқатишимиз ва айни пайтда резерв кучлар сақлаб туришимиз керак бўлади. Пиёда қисмлар жанг майдонига атрофдаги кўчалардан ёпирилиб келиши лозим. Агар олдинги сафдагилар қуласа ёки орқага чекингудай бўлса, орқадан келаётганлар уларни тўхтатибгина қолмай, балки олдинга қараб суриши зарур. Штирнернинг уйига, менимча, фақат ана шундай қилибгина етиб бориш мумкин. Ким билади, эҳтимол, шундай қилинганда пиёдалар «ўлик зона»га, яъни ўқ тегмайдиган зонага тушиб қолишар, артиллерия жангида кўпинча шундай бўлади. Олдинги отряд сафида ўзим ҳам жангга кираман.

— Жаноби олийлари,— деди адъютант Корф,— бу жуда ҳам эҳтиётсизлик бўлади-ку.

— Жаноб полковник,— деб унинг гапини қайирди генерал,— жанг майдонидаги ўрнимни ўзим белгилашимга рухсат этинг. Таъкидлайман, фақат мана шу ўринда.

Генералнинг қўполлигига ўрганиб қолган полковник индамади-ю, лекин қип-қизариб кетди.

— Бунинг хавфли эканини ўзим ҳам биламан,— давом этди генерал.— Лекин ҳар қандай уруш домино ўйини эмас, хавф-хатардан иборат. Жангга раҳбарлик қилиш учун мен душманнинг қуролини билишим керак. Бу қурол чиниққан солдатга ҳам, асаблари бўш, шалвайган жангчига ҳам бир хил таъсир қиладими, йўқми — шуни ўзимда синаб кўришим лозим.

Орага жимлик чўкди. Штаб офицерлари хўмрайганча миқ этмай ўтиришарди. Бу оғир сукунатни адъютант бузди. Қайсар генерал билан баҳслашиш бефойдалигини у биларди. Ўтмишдаги, олдида оқ от минган лашкарбошиси бор қўшинлар жангини эслатувчи бу ҳужум плани адъютантга мутлақо ёқмаган эди. Лекин энди кеч эди. Жанг оқибатини кутишдан бошқа илож қолмаганди.

Кечаси соат ўн иккида шаҳарнинг ҳар тарафидан Банк кўчаси билан Биржа майдони томон тўла-тўкис қуролланган отрядлар оқиб кела бошлади. Олдинги отряд сафида тилларанг араби от минган «темир генерал»нинг ўзи ҳам бор эди.

— Бир кишига қарши, яна бунинг устига ҳарбий бўлмаган бир одамга қарши бутун бир армия!.. Бу жуда уят, лекин илож қанча, уят бўлса ҳам мамлакатни ҳалокатдан қутқариб қолиш керак.

Генерал Биржа майдонига туташган кўчани кесиб ўтди. Эльза Глюк уйининг бир томони мана шу майдонга, иккинчи томони эса Банк кўчасига қараган эди.

— Кўрамиз энди диконглаганини!— деди генерал узоқдан кўриниб турган Эльза Глюк уйига тикилиб ва отини тезлатди.

Араби тулпор узун-узун, чиройли оёқларини ўйнатиб майдонга кириб борди, лекин кутилмаганда от ўзидан-ўзи пишқириб, қулоқларини чимирди-да, аъзойи бадани титраб орқага тисарила бошлади. Генерал шошиб қолди. Ҳатто тўплар ҳайқириғидан чўчимайдиган Абрек нимадан бунчалик қўрқдийкин? Генерал отнинг сағринига шапатилаб қўйди.

— Нима бўлди сенга, Абрек, нега жиннилик қиляпсан? — деди у ва отни яна олдинга сурди.

Бу гал Абрек майдонга қадам ташлади-ю, бирдан олдинги оёқларини осмонга кўтариб, ўзини орқага отди. Тулпор орқага бурилган ва унинг кейинги оёқлари кўчани майдондан ажратиб турувчи чизиқ устидан ўтган пайтда генерал ўзининг ҳам бадани жимирлаб кетганини сезди. Абрек эса бу пайтда майдондан бир неча ўн метр нарида турарди.

— Нималар бўляпти ўзи? — ғўлдиради генерал. Бирдан уни энг хавфли дақиқалардагина жунбишга келадиган қаҳр ва ғазаб туйгуси чулғаб олди. Генерал отни майдон томонга бурib, иккала оёғи билан кучининг борича унинг биқинига ниқтади. Бундай қаттиқ муомалага ўрганмаган Абрек шаҳд билан олдинга отилди. Тулпор майдонга ўқдай учиб кирди-ю, қаттиқ пишқириб, ўзини бир томонга қараб отди. Бутун армияда энг яхши чавандоз ҳисобланган генерал от устидан коптокдай учиб кетди. Лекин, афтидан, у буни сезмади ҳам. Унинг онги, асаблари, бутун аъзойи баданини, худди ўз тулпорида бўлганидай, аллақандай бир ғайритабиий даҳшат чулғаб олган эди. Бир оёғи узангига илиниб қолгани учун Абрек уни кўчага судраб олиб чиқди, генерал ана ўшандагина ўзига келди. Пиёдалар отряди эндигина шу ерга етиб келган эди.

«Кўришди!.. Қандай шармандалик!..» — деб ўйлади генерал. Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёғини қоқди, сир бермаган киши бўлиб чопиб келган адъютантига мурожаат қилди:

— Ҳечқиси йўқ... Ташвишланманглар! Абрек тушмагур бир нарсадан ҳуркиб шунақа бир фокус кўрсатдики, устида шайтон ўтиргандаям қалпоқдек учиб кетган бўларди.

«Қўшиннинг жанговар кайфиятини туширмаслик» ва ҳаммасидан ҳам офицер ва солдатлар олдида шарманда бўлмаслик учун генерал ҳозиргина ўзи бошидан кечирган даҳшатли вазият ҳақида гапирмади.

— Ҳамма қисмлар етиб келганми?

— Ҳаммаси жой-жойида. Майдонга туташган кўчалар ва ҳатто ўтиб бўладиган ҳовлиларгача эгалланган...

— Банк кўчаси-чи?

— Бу кўчанинг боши ҳам бекитилган.

— Яхши! Сигнални кутинглар!

Генералнинг буйруғига кўра ҳавога зангори мушак отилиши билан қўшинлар Эльза Глюк уйи томон силжий бошлади.

Худди шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди.

Генерал ўзининг узоқ жанговар ҳаёти давомида бунақа ваҳимани кўрмаган эди. У майдондан нарироқда, автомобиль устида туриб, овозининг борича қичқирарди:

— Олға! Олға! Отиб ташлайман!..

Аммо унинг буйругига ҳеч ким қулоқ солмасди. Солдатлар ғалати аҳволга тушиб қолишганди. Улар ўлим талвасасида милтиқларини ташлаб, бир-бирларини босиб-янчиб у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Майдонни доду фарёд тутиб кетганди. Олдинги

қатордагилар ўзини орқага ташлар, орқадагилар эса буларни олдинга қараб итарарди... Генерал қочоқларга йўл бермаслик ҳақида буйруқ берди. Кўчани тўлдириб турган саф-саф қўшинлар олдинги қатордагиларни майдонга қараб сура бошлади. Майдон бир жиннихонага айланиб кетди.

Шу пайт яна аллақандай бир янги тўлқин пайдо бўлди-ю, энди майдон ташқарисида, кўчада турган қўшинларни ҳам талвасага солиб қўйди. Бу тўлқин худди совуқ ўлим нафасидай елар ва тартиб билан бир сафда бораётган солдатлар бир зумда ақлдан озиб, ҳайвонга айланарди-қоларди. Солдатлар бир-бирларига ташланишар, йўлаклар, дарвозалар орқасига яширинишар, ичкаридан эса даҳшатга, васвасага тушган одамлар чопиб чиқишарди.

Уйларнинг ичида ҳам аҳвол шу эди. Одамлар каравот тагига, шкафларга яширинишарди. Баъзилар ўзини деразадан ташлаб, тўппа-тўғри солдатларнинг бошига тушар ёки милтиқ найзасига санчилиб қоларди. Аёллар боласини бағрига босиб, худди уйга ўт кетгандай, чинқирганча хонама-хона югурарди. Йўлак ва зинапояларда ҳам одам тиқилиб кетганди. Бировлар юқорига қараб талпинар, бировлар пастга чопиб тушар, йиқилган хотин-халаж ва болалар оёқ остида қолиб кетарди. Даҳшатли жойи шунда эдики, ваҳима сабабини, кимдан сақланиш кераклигини ҳеч ким билмасди. Аммо аста-секин мана шу бош-кети йўқ оломон бир томонга қараб ҳаракат қила бошлади. Афтидан, ҳали тўлқин зарби етиб бормаган орқа сафдаги солдатлар бу ёқдаги аҳволни кўриб, орқаларига қараб қочишган ва бошқалар ҳам уларга эргашган бўлса керак. Бу тескари ҳаракат борган сари кучайиб борарди. Гўё одамлар қутулиш йўлини топгандай бир томонга қараб шундай шитоб билан чопишардики, гўё уларни ўлим таъқиб қилиб келаётгандай туюларди кишига.

Учта кўчани чопиб ўтганидан кейин адъютант ўзининг қўрқув билмас «темир генерал»ини кўриб қолди. Бошида каскаси йўқ, мундири йиртилган, кўзлари ола-кула бўлиб кетган генерал йиқилиб қолганлар устидан сакраб ўтар ва бошқаларни аёвсиз уриб-суриб олдинга қараб интиларди.

«Ваҳимали зона» эса — бу ҳодисани кейинчалик шундай деб аташди — тобора кенгайиб борарди. Ҳатто жамиятни қутқариш комитети кенгаш ўтказаётган бино ҳам унинг домига тушиб қолди. Комитет аъзолари ва бутун ҳукумат қоча бошлади.

Фақат эрталабга яқин ваҳима босилди, аммо комитет шаҳарга қайтишга журъат этолмади.

Пойтахт қўлдан кетган эди. Энди мамлакатни сақлаб қолиш муаммоси турарди. Аммо бунга ҳеч кимнинг кўзи етмасди. Комитет аъзолари бир-бирларини қидириб топгач, қўшни қишлоқда ҳарбий кенгаш чақирилди. «Темир генерал» маглубиятдан тамом эсанкираб қолган, руҳи бутунлай тушиб кетган эди.

— Шайтонга ҳеч қанақа найза бас келолмайди,— деди у бошини хам қилиб.

Штирнер ғолиб чиқди. Энди у бутун мамлакатга истаганича хўжайинлик қилиши мумкин эди.

IX. «ДЎСТОНА ЁРДАМ»

Чет давлатлар немис ҳукуматининг Штирнерга қарши кураши нима билан тугашини қизиқиб кузатиб туришарди. Француз ва инглиз банкирлари радио ва телеграф орқали ўзларининг халқаро бозордаги рақобатчилари бўлмиш йирик немис банкирларининг ҳалокатини эшитиб, бошлари осмонга етди.

— Қойил! Қойил, Штирнер! — дейишарди чет эл банкирлари ва шоша-пиша бўлажак даромадни чўтга ташлашарди.

Улар Штирнерни ҳаддан ташқари омади юришган одам деб ҳисоблашарди-ю, лекин у ҳам бир кунмас-бир кун худди Стиннес концернига ўхшаб хонавайрон бўлади, деб ўйлашарди. Аммо Штирнернинг қудрати ҳамма тахмин ва умидларни чилпарчин қилиб, кун сайин кучайиб борарди. Капитализм тарихи молия оламининг бу Наполеонникидай мартабаси тез кўтарилган шахсни билмасди. Унинг тепасида «Аустерлиц офтоби» тобора ёркинроқ чарақлар, бошига «Ватерлоо» қисмати тушишидан дарак берувчи бирон-бир аломат сезилмасди.

Штирнер муваффақиятларининг сабаби бошқа нарсада, унинг қўлида одамларни иродасиз қилиб, оддий бир қўғирчоққа айлантириб қўядиган сирли қурол бор, деган мишмишлар кейинги пайтларда тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди.

Қачонки, Штирнер ҳукуматга қарши кураш йўлига ўтгач, фақат чет эл банкирларигина эмас, балки давлат арбоблари ҳам безовталаниб қолишди.

«Темир генерал»нинг мағлубияти ва ҳукуматнинг пойтахтни ташлаб қочиши бутун дипломатия оламида катта шов-шувга сабаб бўлди.

Бир киши ҳаммага қарши! Бир ўзи давлатга қарши! Тағин армиясиз, тўпларсиз, бирорта ҳам ўқ узмай ғолиб чиқса-я!..

Ортиқ қўл қовуштириб ўтириш мумкин эмас эди. Чет давлатлар энди бу зўравонга ўз муносабатларини билдириб қўйишлари керак эди.

Францияда Штирнер туфайли ички сиёсат ҳам ва ҳатто мустамлакачилик урушлари масаласи ҳам вақтинча четга сурилди. Германиядаги воқеаларга бағишланиб, министрлар совети ва депутатлар палатасининг махсус ёпиқ кенгашлари чақирилди. Бу йиғилишлар жуда қизғин ва мунозарали ўтди.

Ниҳоят, арзимаган миқдордаги кўпчилик овоз билан шундай қарорга келинди: Германияга ёрдам таклиф қилиш орқали Штирнерга қарши курашда қатнашиш зарур деб топилсин. Фақат Англия томонидан бўладиган хавф бартараф этилган тақдирдагина актив ҳаракатга ўтилсин.

Англия Штирнерга қарши курашнинг боришини диққат билан кузатиб турган бўлса ҳам Европадаги воқеаларга нисбатан хотиржам қарарди. Тез орада Англиянинг министрлар кабинети бу масалада бир қарорга келди.

— Германия Европа урушида анча ҳолдан тойди, агар у яна ҳалокатга учрайдиган бўлса, Европадаги мутаносиблик бузилади.

Штирнер, кабинетнинг фикрича, ҳозирги вақтда бошқа мамлакатларга бевосита хавф солаётгани йўқ, эҳтимол, унинг бундай нияти ҳам йўқдир. Агар Франциянинг фикри бошқача бўлса, бу ўзининг иши. Лекин Франциянинг Германия ички ишларига бир томонлама аралашувига, гарчи немислар бунга рози бўлган тақдирда ҳам асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундан ташқари, Штирнер зўравонлик қилаётганига қарамай, ҳар ҳолда ишбилармон одамга ўхшайди. Унинг бундан кейинги ҳаракатларини кузатиб туриш керак. Хулоса шуки, Франция юриш бошлашни тўхтатиб туришни таклиф қилиш лозим. Агар Штирнер бошқа мамлакатларнинг ишига аралаша бошласа ёхуд уларнинг манфаатига дахл қилгудай бўлса, Франция билан биргаликда ҳаракат қилиш керак.

Францияга айтилган бу жавоб миллат шаъни учун курашувчи милитаристларни қаттиқ ғазаблантирди.

— Қачонгача, Англиянинг чизган чизиғидан чиқмаслигимиз керак?— дейишди улар.— Лоақал Франция сиёсатининг мустақиллигини кўрсатиб қўйиш учун ҳам дарҳол юриш бошлаш керак,— уларнинг талаби ана шундай эди.

Аммо дарҳол юриш бошлаш таклифи дипломатик каналда баъзи бир тўсқинликларга учради. Франциянинг «самимий ёрдами» анча қимматга тушишидан хавотирланган Германия ҳукумати узатилган ёрдам қўлини тутишга унча шошилмади.

Бундан ташқари, немис ҳукумати Штирнерни ўз кучлари билан яксон қилиш умидидан ҳали воз кечмаган эди.

Штирнерга қарши жанг муваффақиятсиз тугаган бўлишига қарамай, ҳарбийлар ва министрлар орасида «темир генерал»нинг обрўси ҳали баланд эди, у эса чет давлатларнинг аралашувини жинидан ҳам ёмон кўрарди.

— Бизга бунақа ёрдамнинг нима кераги бор?— деди у,— фақат ўзимизни ерга урган бўламиз, қарзга ботамиз. Ана шу лаънати бинонинг кулини кўкка совуриш учун узоққа отадиган тўпларни ишга солишни ҳарбий кенгашда таклиф қилган эдим, аммо менга қарши чиқишди: минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлиб кетиши мумкин, деган важни айтишди. Бунақа бемаъни раҳмдилликнинг нима кераги бор! Бутун давлат йўқ бўлиб кетганидан кўра, бир неча минг одамнинг баҳридан ўтганимиз яхши эмасми?!

— Гап фақат бунда эмас, жаноб олийлари,— деб унинг гапини бўлди ҳарбий министр, у «темир генерал»нинг обрўйига ич-ичидан ҳасад қилиб юрарди.— Тўпларни ишга солишдан бизни тийиб турган нарса шуки, Готлибнинг уйини тўпга тутсак, Штирнер билан бирга унинг ихтиросини ҳам яксон қилган бўламиз. Бу ихтиро... уни яксон қилиш катта йўқотиш бўлади! Штирнернинг қуролини қўлга туширсак борми! Ўҳў!— Министр кўзларини юмиб, бошини сарак-сарак қилди.— Франциянинг адабини бериб қўйган бўлардик, барча душманларимизнинг бурнини ерга ишқардик, биз...

— Дунёга ҳоким бўлардик, шундайми?— дея унинг гапини

бўлди «темир генерал».— Бўпти, сиз айтганча бўла қолсин: Штирнерни тириклайин қўлга тушириш керак. Мен бир марта уриниб кўрдим. Энди бу ишни бошқалар қилсин!

Узоқ музокаралардан кейин Штирнерни оғир тўплардан ўққа тутишга қарор қилинди.

Узоққа отадиган баҳайбат тўп оғзидан бўйи иккита одам баравар келадиган снаряд гумбурлаб чиқиб, пойтахт томонга парвоз қилганида «темир генерал» қувончини яширолмади. Унинг учун бу гулдурос музикадан кўра ҳам хуш ёқиб кетди.

— Ўҳў!— деди у хохолаб.— Кетди! Қани, жаноб Штирнер, бу меҳмонни ҳам йўлидан бир қайтариб кўринг-чи!

— Энди батареялардан ўт очилсин! Тезроқ, агар осмонга чиқиб олишга улгурмаган бўлса, эс-ҳушини йиғмасидан тезроқ отиб қолинглар!

Ёру кўк ларзага келди. Тўплар гумбуридан солдатлар оёқда зўрға туришарди. Фақат «темир генерал»гина, худди уруш худосидай, жилмайиб турар, гўё бўйи яна ҳам чўзилиб қолгандай кўринарди.

— Ўт очилсин!— қичқирди у. Аммо овози ўткир бўлишига қарамасдан уни ҳеч ким эшитмади. Тўплар шовқинидан ҳамманинг қулоғи том битиб қолган эди.

Генерал тўпларга ишора қилиб, қўл силтади.

Солдатлар тўпга навбатдаги ўқни жойлай бошладилар, аммо шу пайт улар бараварига энгашишди-ю, турган жойларида қотиб қолишди.

— Нима қилиб турибсизлар?— қичқирди «темир генерал».— Ўт очинглар!

Ҳеч ким қимир этмади.

«Темир генерал» бир солдатнинг ёнига чопиб бориб, елкасига туртган эди, солдат ҳатто буни сезмади ҳам.

Генерал кучаниб сўкинар ва ер тепинарди. Унинг миясига бирдан Штирнер тирик ва у ўзининг кўринмас қуролини ишга солди, деган ўй урилиб, аъзойи бадани музлаб кетди.

Тўпчилар кутилмаганда яна тетиклашиб, доирасимон майдончада турган тўпларни бирданига тескари томонга бура бошладилар. Бу ишни улар ҳеч қачон ҳозиргидай тез ва аниқ бажаришмаганди. Шошиб қолган генерал эс-ҳушини йиғиб олмасидан бирин-кетин ўқ узилди. Снарядлар тамом бўлмагунча тўпларнинг ҳам овози тинмади. Шундай қилиб, қўшни шаҳарлар ва қанчадан-қанча тинч аҳоли кунпаякун бўлди.

«Темир генерал» энди қичқирмас, ҳаяжонланмасди ҳам. Солдатларнинг иродасини синдирган кўринмас куч олдида ўзининг буйруқлари сариқ чақага ҳам арзимаслигини у тушунган эди. Фалокатни ҳис этиш туйғуси уни тамом эзиб ташлаганди. Ўзи ҳам ана шу куч домига тушиб қолганини сезиб турарди. Генерал чўккалаганча миқ этмай ерга тикилиб ўтирарди.

Сўнгги ўқ узилиб, атрофга совуқ жимлик чўкиши билан генерал тўппончасини чиқазиб чаккасига тиради. Шу пайт кимдир тўппончани унинг қўлидан уриб юборди.

— Уят бўлади, жаноби олийлари!— деди адъютант.

Генерал гўё буни сезмади ҳам. Боягидай ерга тикилиб ўтираверди. Теварак-атрофда сулайиб қолган солдатлар мурдадай чўзилиб ётишарди.

Кеч кирди. Паға-паға булутлар орасидан янги ой мўралади. Лекин одамлар ойни ҳам кўришмас, сал наридаги ўрмонда сайраётган қушлар овозини ҳам эшитмас эди. Ҳамма чала ўлик эди.

Фақат адъютантгина ҳали ўзини бардам сезарди. У ҳатто дала радиостанцияси орқали жанг натижасини ҳукуматга хабар қилишга ўзида куч топа билди. Лекин аслида бунга зарурат ҳам йўқ эди: снарядлар вайрон қилган шаҳар ва қишлоқларнинг ўзи фалокатдан аллақачон дарак бериб бўлган эди.

— Қандай бемаънилик...— деб пичирлади адъютант ва генералнинг ёнига, поход стулига ўтириб, осмонга тикилганича папирос тутата бошлади.

Унинг нигоҳи бирдан уфқда, булутлар орасида бир кўриниббир кўринмай сузиб келаётган нуқтага тушди. Адъютантнинг тажрибали кўзи бу нарсанинг аэроплан эканини дарров аниқлади. У, афтидан, тўппа-тўғри Берлинни мўлжалга олган эди. Унинг ортидан, иккинчи, учинчи аэроплан, хуллас, бутун бир эскадрилья учиб келарди.

«Кимнинг аэропланлари бу?— деб ўйлади адъютант.— Биз ўз учувчиларимизга буйруқ бермаган эдик-ку. Балки жангнинг натижасини эшитиб, ҳарбий министрнинг ўзи кўрсатма бергандир?.. Шунча гапни билиб туриб, одамларни нақ ажалнинг оғзига жўнатиш ғирт нодонлик-ку...»— шундай хаёллар билан адъютант ўрнидан туриб бориб, астагина генералнинг елкасига турти

— Жаноб олийлари!

— Ҳа, ҳа... Ҳаммаси тамом бўлди! Нега тўппончамни олиб қўйдингиз, Корф?— деди генерал.— Бу ёққа беринг. Мен бари бир бу шармандаликка чидаёлмайман.

— Жаноб олийлари, Берлинга аэропланлар эскадрильяси учиб кетяпти.

— Бўлмаган гап... Сизга шундай туюлган.

— Ана, кўринг!

Аэропланларнинг шоқини энди баралла эшитила бошлаган эди.

Генерал эринибгина осмонга қаради.

— Лаънати! Ҳа, рост! Шуниси етмай турувди ўзи! Радио орқали сўранг-чи, кимнинг аэропланлари экан?

Адъютант радиограмма жўнатган эди, бирорта аэроплан ҳа жавоб бермади.

Генералнинг хуноби ошиб, сўкина бошлади: энди унга жон кириб қолган эди.

«Хайрият, ўзига кеп қолди!»— дея кўнглидан ўтказди адъютант кулимсираб.

Генерал худди биров устидан бир пақир совуқ сув қуйи юборгандай сапчиб ўрнидан турди.

— Сизнинг кўзингиз ўткирроқ. Корф, кимнинг аэропланлари бу, кўрмаяпсизми?

Аэропланлар анча яқин келиб қолган, лекин жуда баландда учарди, бунинг устига булутлар қуюқлашиб, хийла қоронғи тушиб қолган эди. Момақалдироқ гумбурлаб, шамол зўрайди. Аэропланлар чайқала бошлади, лекин, афтидан, уларни тажрибали учувчилар бошқараётган бўлса керак, ўз йўлида учишда давом этаверди...

— Кўриб бўлмаяпти...

— Прожектор ёқинглар.

Сал ўтмай, ўткир нур аэропланларни ёритди. Генерал билан адъютант дурбинни кўзларига тутишди.

— Ё менга шундай туюляпти,— деди генерал,— ё бўлмаса...

— Туюлаётгани йўқ. Аниқ кўриб турибман... Америка аэропланлари.

— Нималар бўляпти ўзи?!— Генерал гурс этиб стулга ўтирди-ю, дурбинини тиззасига қўйганча узоқлашиб бораётган аэропланлар ортидан тикилиб қолди.

— Буни қандай тушуниш керак?— сўради у адъютантдан.

Ҳамон кўзидан дурбинни олмаган Корф елкасини қисди.

— Афтидан, Берлинга қараб кетишяпти... Демак, Америка..

— Нега? Нима учун?

— Шамол уларни бир оз четга суриб кетяпти шекилли.

Шимолий Америка Қўшма Штатларининг Штирнерга қарши курашга аралашуви фақат «темир генерал» учунгина эмас, балки бутун Европа учун ҳам кутилмаган иш эди.

Европа давлатлари ўртасида дипломатик музокаралар кетаётган бир пайтда воқеаларнинг боришини сезгирлик билан кузатиб турган Вашингтон тезгина бир қарорга келди.

Америка бу курашдан четда туролмас эди. Қолаверса, Штирнер етказган талафот Европадаги қарздор давлатлардан бирининг тўлов қобилиятини пасайтириб юборган эди. Мабодо, Германия ҳукумати Штирнерни бартараф этиб, унинг кураш воситасини қўлга туширса қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Вашингтон немисларнинг ҳарбий министридан кўра олдинроқ ҳисобга олиб қўйган эди. Америка бу янги, қудратли қуролнинг аҳамиятини ҳаммадан олдин фаҳмлади. Бироқ бу қуролни унинг ўзи қўлга тушириши амримаҳол эди. Модомики, шундай экан, мазкур қуролнинг сири бошқаларнинг ҳам қўлига тушмаслиги учун уни Штирнер билан бирга йўқ қилиб юбориш зарур эди. Бу иш қанча тез битса, шунча яхши. Лекин буни қандай амалга ошириш мумкин? Америка техникаси аэропланларни радио орқали бошқариш усулини маълум даражада эгаллаб олган эди. Бундай аэропланлар белгиланган йўналиш бўйича узоқ масофага учувчиларсиз уча олар ва катта кучга эга бўлган снарядларни маълум нуқтага автоматик равишда ташлай оларди. Битта камчилиги шунда эдики, учиб бораётган аэропланлардан босиб ўтилган йўлнинг суратини юбориб турувчи механизм ҳали яратилмаган эди. Агар ана шундай механизм бўлганида, парвоз-

ни ҳаммавақт кузатиб бориш ва зарур бўлиб қолган тақдирда йўналишни ўзгартириш мумкин эди. Лекин механизм устидаги иш охирига етгунга қадар ҳужумни тўхтатиб туриш хавфли, деб топилди. Аэроплан механизмларининг аниқ ишлаши ҳамда пухта тузиб чиқилган ҳарбий-географик хариталар ҳужумнинг муваффақиятли тугашини таъминлайдигандай туюларди... Америка, шунингдек, Штирнерга қарши фақат олисдан туриб, одамларсиз ишлайдиган механизмлар орқалигина курашиш мумкинлигини ҳам олдинроқ тушунган эди. Тўғри, Атлантика океани ва Франциянинг ғарбий соҳилларидан бошлаб бутун Европа бўйлаб босиб ўтиладиган йўл анча олис эди. Бундай узоқ масофа оралиғида ҳаво оқими аэропланларнинг йўналишини ўзгартириб юбориши мумкин эди. Бинобарин, уларни ҳеч бўлмаганда Франция территориясидан учириш лозим эди, бунинг учун эса Франциянинг, айни пайтда, Берлинга кириш учун Германиянинг ҳам розилигини олиш керак эди. Америка дипломатияси учун ҳар иккала давлатдан ҳам керакли жавобни олиш унчалик қийин эмасди.

Америка ҳукумати ана шу масала бўйича Франция билан Германияга жуда назокат билан ёзилган нота юборди. Айни вақтда кўпдан бери чўзилиб келаётган давлат қарзларини дарҳол тўлаш ҳақида қисқа, аммо қатъий талабномалар ҳам жўнатилди.

Жавоб узоққа чўзилмади. Франция ҳам, Германия ҳам Американинг таклифига розилик билдириб, худди ўшандай чиройли жавоб ноталари йўлладилар, айни вактда тиз чўккудай бўлиб қарзни тўлаш муддатини узайтиришни илтимос қилдилар.

Америка тўлов муддатини узайтиришга жон деб рози бўлди-ю, дарҳол ўз аэропланларини жўнатди. У ҳатто Германиядан жавоб келишини ҳам кутиб ўтирмади, чунки ижобий жавоб бўлишига ишончи комил эди. Дарҳақиқат, министр жавобга имзо чекаётган пайтда Америка аэропланлари,— «темир генерал» билан унинг адъютанти кўрган ўша аэропланлар,— аллақачон Германия устидан учиб ўтаётган эди.

Аммо Америка ҳисоб-китобда янглишган эди. Шамол аэропланларни четга суриб кетди. Фақат улардан биттасигина пойтахтга бомба ташлашга муваффақ бўлган эди, бомба қирол саройига тушиб, саройнинг кулини кўкка совурди. Бошқа аэропланлар эса ўз «юк»ларини шаҳар атрофига ташлаб, анча-мунча жойни вайрон қилишди.

Бу муваффақиятсизликдан америкаликлар хижолат бўлишмади, аксинча, яна янги эскадрилья жўнатишди. Аммо ҳаво экспедициясининг хунук оқибатларини кўрган немислар аввалига бундай хонавайрон қилувчи ёрдамдан халос қилишни сўраб ялинибёлворишди, ахири бўлмагач, қатъий норозилик билдиришди. Агар ҳарбий ҳаракатлар театридаги вазият ўзгармаганда Америка бу норозиликка эътибор ҳам бермаган бўларди.

Ўзининг сирли қуролини, афтидан, яна ҳам такомиллаштириб олган Штирнер бирдан фикр узатувчи шундай бир нур

тарқатдики, бу нур фақат Германиягина эмас, балки бутун Францияни ҳам то океанга қадар қамраб олди.

Бу нур таъсирига тушиб қолган ҳар бир одам Штирнернинг нима ҳақда ўйлаётганини билиб турарди.

«Менга қарши жаҳон уруши очмоқчимисизлар? Марҳамат, мен тайёрман! Сизларнинг қуролингиз меникининг олдида ўйинчоқдай гап. Шунинг учун курашни тўхтатайлик. Шунчалик ақлдан озган экансизлар, бундан ҳам баттар аҳволга солиб қўяман. Охирги марта огоҳлантиряпман!»

Штирнер нур бурчагини бир оз ўзгартириб, яна бошқа нур тарқатди. Германия билан Францияда бу нур таъсирига тушиб қолганлар ростдан ҳам ақлдан озишди. Ҳатто Франция қирғоқларида сузиб юрган пароход экипажи билан йўловчилар ҳам бундан четда қолишмади. Одамлар талвасага тушиб, ўзларини сувга отдилар, гўлахлар қозонларни портлатиб юборишди, пароход сувга ғарқ бўлди. Касалхоналар жиннилар билан тўлиб-тошиб кетди. Улар кўчаларда ҳам санғиб юришар, йўловчиларга таланишар, ҳамма жойда қўрқув солишарди. Ҳаддан ташқари қутуриб кетган бир неча кишини отиб ташлашга тўғри келди.

Бутун Европа ваҳимага тушиб қолди. Вашингтондагиларнинг ҳам кайфияти яхши эмас эди. Штирнер тарқатган нур таъсирига тушиб қолгани учун Франциядан қайтариб олиб келинган бир нечта америкалик инженерлар — экспедиция қатнашчилари, айниқса, ҳамманинг ўтакасини ёриб юборди. Америка бундай зарбага биринчи марта дуч келган эди. Бу унинг миллий ғурурига тегди. Чунки бу зарба қудратли давлатга бир киши томонидан, яна бунинг устига европалик томонидан берилган зарба эди.

Вақтинча ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб туришга тўғри келди. Штирнер ҳам бундан фойдаланиб, бир оз нафасини ростлаб олди.

X. МУНОСИБ ҚУРОЛ ИЗЛАБ

Зауерлар Ўрта Ер денгизи соҳилларида, Ментонадан унча узоқ бўлмаган Оспидалетти деган жойда истиқомат қилишарди.

Эмманинг Эльзага ёзган хатида эридан шикоят қилганича бор эди. Бу ерга янги келган кунлари Отто Зауер бемор хотинига нисбатан ниҳоятда жонкуяр ва ғамхўр эди. Уни кенг ва баҳаво айвонга қўлларида кўтариб олиб чиқар, авайлабгина креслога ўтқазиб қўяр, сўнг ўғли ётган аравачани опчиқишга шошиларди. Улар кун бўйи мовий денгиздан баҳра олиб, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган пароходларни, ранг-баранг қайиқларни, соҳил бўйлаб учиб юрган гидропланларни томоша қилиб ўтиришарди. Улар деярли бир-бирлари билан гаплашишмасди, лекин бу сукут бахтиёр кишиларнинг нашъали сукути эди. Баъзан Эмма мулойим жилмайиб, Зауерга қўлини узатар, у эса хотининнинг қўлини кафтлари орасига олиб, узоқ вақт ушлаб турар эди.

Жануб қуёши Эмманинг соғлигига яхши таъсир қилди. Тез

кунда икки юзи қизариб, кучига куч қўшилди, орадан уч ҳафталар ўтгач, бутунлай оёққа туриб кетди.

Аммо бу қувонч узоққа чўзилмади. Зауер кун ўтган сайин хотинига қўпол муомала қиладиган бўлиб қолди. Энди Эмма эрталаб кўзини очганида ҳар доим каравоти ёнидаги столчада шабнам томчилари йилтираб тургувчи чиройли гулдастани кўрмасди. Зауер айвонда у билан энди камдан-кам ўтирарди. Илгариги нашъали сукут энди юракни сиқадиган, совуқ бир сукунатга айланган эди.

— Кетяпсанми?— деб сўради Эмма ғамгин бир оҳангда, эрининг ўрнидан турганини кўриб.

— Кун бўйи қўл қовуштириб ёнингда ўтиришим керакми?— дерди Зауер қўрслик билан ва ўз хонасига кириб кетар ёки бўлмаса кўчага чиқиб кетарди.

Бир куни Эмма эрининг хонасига қўққисдан кириб қолиб, ғалати манзарага дуч келди.

Зауер ғаладони очиқ ёзув столи ортида ўтирар, қўлидаги Эльзанинг суратига дардли бир нигоҳ билан тикилиб турарди.

Эмманинг юрагига игна санчилгандай бўлди. У орқаси билан юриб сездирмай чиқиб кетмоқчи эди, бироқ Зауер рўпарасида турган каттакон ойнада унинг аксини кўриб қолди. Уларнинг кўзлари тўқнашди, Эмма баттар ўнғайсизланди. Зауернинг қовоғи уйилиб, юзидан қони қочди. У суратни ғаладонга ташлади-ю, тарақлатиб ёпди, орқасига ҳам ўгирилмай, хотинининг ойнадаги аксига қараб туриб сўз қотди:

— Нима қилиқ бу? Одам ишлаб ўтирган пайтда... бостириб кирасан!

— Кечир, Отто, билмапман...

Шундай деб, у индамай чиқиб кетди.

Эмманинг қалби яраланган эди.

У ўз хонасига кирди-ю, ўғлининг тепасига энгашиб, юм-юм йиғлади.

— Бечорагинам, ушоққинам!— Эмма боласининг бошидан авайлабгина ўпган эди, кўз ёшлари унинг сочларига сирғалиб тушди.

Тун бўйи у мижжа қоқмади.

— Нега совиб қолди десам, гап бу ёқда экан-да!— деб ўйларди Эмма изтироб билан.— У бошқа аёлни севади. Бу — Эльза! Шундай бўлиши ҳам табиий. Ахир улар бир-бирларини севишарди-ку. Нега шуни унутдим-а! Нега Зауерга турмушга чиқишга рози бўлдим? Агар Зауер Эльзани севса, нега менга уйланди? Лекин у мени яхши кўрарди, юрагим мени алдамайди. Эльза-чи?

Хуллас бу кечинмалар Эмма учун жуда оғир эди. Нохуш ўй-хаёллар, охири кўринмайдиган муаммо саволлар унинг устига кўчкидай ёпирилиб келар ва бахтига чанг солаётгандай бўларди.

— Эҳ, Отто, Отто!— дея шивирларди у ва яна йиғига тушарди.

Курашсинми? Лекин у курашга яратилмаганди.

Эрталаб Эльзага хат ёзишга қарор қилди. Бу Эльзадан кўра ҳам кўпроқ Штирнерни ҳаяжонга солган ўша узун хат эди.

Аёллик туйғуси Эммага мактубни ёзишнинг бирдан-бир тўғри йўлини кўрсатиб берди: у ўз хатида сурат билан боғлиқ воқеа тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат Эльзанинг дугонаси сифатида ўз дардлари билан ўртоқлашди, холос.

Эмма ўзи билмай бу хати билан рақибига тузоқ қўйган эди, агар Эльза ҳали ҳам Зауерни яхши кўрса, тилидан илиниб қолади-ку, деб умид қилганди.

Эмма жавоб хатини сабрсизлик билан кутди, мана ниҳоят, Эльзадан мактуб келди.

У конвертни титроқ қўл билан очди, юрагини ҳовучлаб сатрларга кўз югуртирди.

Хатни ўқиб чиқди-ю, елкасидаги тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Йўқ, Эльза ёлғон гапирмайди!

Эльза Эммага тасалли бериб, Оттонинг яна унга меҳри ошиб кетиши муқаррарлигини айтганди. Уни хотиржам қилган нарса яна шу бўлдики, Эльза кўпроқ ўзи ҳақида, Штирнерга бўлган муҳаббати, ўзининг бахтиёрлиги ва ташвишлари ҳақида ёзганди. Штирнернинг озиб-сарғайиб кетгани, унинг қаттиқ чарчаб, асабий бўлиб қолганидан астойдил куюнаётгани ҳам мактубдан шундоқ сезилиб турарди. Эмма анча енгил тортди. Хатнинг охири ҳатто унинг кулгисини қистатди.

«Штирнерни ҳозир кўрсанг танимайсан. Соқол қўйиб юборган. Худди дарвишга ўхшаб қолган...» — деб ёзган эди Эльза.

— Тасаввур қиламан! Кўрган одамнинг юраги ёрилиб ўлса керак!

Эмманинг кайфи чоғ бўлди.

Аммо кўп ўтмай Зауер яна унинг ширин умидларини чилпарчин қилди.

Сурат воқеасидан кейин Зауер Эммага яна ҳам қўполроқ муомала қила бошлади.

Энди айвонда Эмма ўтирган пайтда у фақат ўғлини кўргани чиқарди. Эммага заррача ҳам эътибор бермай, аравачанинг ёнига чўккалаганча болани эркалатиш билан овора бўларди.

Эмма эрини энтикиб кузатиб турар, нигоҳлари тўқнашганда ҳам Отто ўзини сезмаганликка оларди. Баъзан эса Эмма гап ҳам ташлаб кўрарди.

— Эльза хатида ёзибдики, Штирнер жудаям бадбашара бўлиб кетганмиш, қаттиқ толиққанмиш...

— Ўша ҳайвон тезроқ ўлса ҳамма тинчирди,— деди Зауер ғижиниб.

Зауернинг Штирнерга муносабати бунчалик ўзгариб кетганидан Эмма ҳайрон қолди. Энди у Штирнернинг номини эшитишни ҳам хоҳламасди. Аммо Эмма бунинг сабабини сўрашга журъат қилолмади. Улар миқ этмай ўтиришаверди.

Бир куни Эммага Зауернинг кайфияти дурустдай бўлиб туюлди. Ҳарҳолда илгаригидан кўра хотиржамроқ эди. Денгиз устида бир тўда аэропланлар кўринди.

— Отто, нима учун аэропланлар қулаб кетмайди?— деб сўраб қолди Эмма.

— Бунчалик аҳмоқ бўлмасанг, Эмма!— деди Зауер.— Шу пайтгача сезмаганимни қара-я!

Эмманинг дами ичига тушиб кетди.

— Майли, ундай бўлса, жавобимни бера қол,— деди у овози титраб.— Кичкина Оттони олиб, қайтиб кетаман...

— Марҳамат! Тўрт томонинг қибла. Лекин ўғлимни сенга бериб бўпман!— Зауер шундай деди-ю, боланинг кўрпачасини тўғрилаб қўйиб, чиқиб кетди.

Эмма кўз ёшларини тиёлмай, боланинг ёнига келди-да, устига энгашди.

— Наҳотки сендан ҳам айрилиб қолсам?

Боғдаги йўлкада қумнинг ғичирлагани эшитилди.

— Жаноб Зауерни кўрсам бўладими?

Эмма шоша-пиша кўз ёшларини артиб, ўгирилиб қаради. Унинг қаршисида енгил оқ костюм кийган, малласоч, юзлари сепкилдор ёшгина бир йигит турарди.

«Қаерда кўрганман?» — деб кўнглидан ўтказди Эмма.

— Танимадингиз-а? Сиз билан кўришганмиз шекилли.

— Э-ҳа, эсим қурсин, жаноб Готлибсиз-да!

— Рудольф Готлиб, топдингиз.

Гап-сўзни эшитиб, Зауер чиқиб келди. Готлиб унга таъзим қилди.

— Жаноб Зауер, сиз билан муҳим бир иш юзасидан гаплашмоқчи эдим.

Улар кабинетга киришди.

— Кейинги пайтдаги воқеаларни,— деб гап бошлади Готлиб,— газеталардан ўқиган бўлсангиз керак.

— Мен газета ўқимайман.

Готлиб ҳайрон бўлиб қошларини чимирди.

— Лекин бу ҳақда ҳамма ерда шов-шув гап!

Зауер сал хижолат тортди. Ривьерага келганидан бери ростдан ҳам газета варақламаган, ҳатто дунёда газета деган нарса борлигини ҳам унутиб юборган эди. Нима учун? Буни ўзи ҳам билмасди. Готлибнинг саволидан кейингина бу ҳақда ўйланиб қолди.

— Дам олмоқчи эдим,— деди Зауер ноқулай аҳволдан қутулиш учун,— газеталарда эса нуқул олди-қочди нарсаларни, сиёсий можароларни ёзишади...

— Ундай бўлса мен сизга гап нимадалигини тушунтиришим керак экан. Гап сиёсий можаролар устида эмас, балки бутун мамлакат, эҳтимол, бутун дунёни таҳликага солиб турган хавф-хатар устида кетяпти.

Готлиб Зауерга қутқариш комитети билан Штирнер ўртасида бўлган ғалати уруш ва «темир генерал»нинг шармандали мағлубияти ҳақида гапириб берди.

Зауер унинг ҳикоясини ҳаяжон билан тинглар, орасида Штирнерни ҳақорат қилиб, сўкиниб қўяр эди.

Унинг луқмалари Готлибга мойдай ёқарди.

— Мен жудаям хурсандман,— деди Готлиб ҳикоясини тугатиб,— сизнинг ҳам менга ўхшаб Штирнерга унчалик тоқатин-

гиз йўқ экан. Ҳар биримизнинг ҳам бунга ҳаққимиз бор. Лекин сиз у билан бирга ишлагансиз, унинг ўнг қўли бўлгансиз, шунинг учун ҳам мен, ростини айтсам, ҳалиям унинг тарафидамикинсиз, деб қўрқувдим. У ҳолда менинг бу ерга келишимдан наф бўлмасди... Мени комитет юборди,— аслида бу ғоя ўзимдан чиққан, хуллас, менинг ваколатим бор... Назаримда, Штирнернинг одамларга таъсир ўтказадиган қуролининг сирини фақат сиз биласиз. Кўпчилик олимлар, Штирнер фикрни узоқ масофага узатадиган махфий қуролга эга, деган тахминларни айтишяпти. Лекин ҳеч ким бу қуролнинг сирини тополмаяпти. Агар истасангиз... бизга катта ёрдам берган бўлардингиз... табиийки, мукофот ҳам...

Зауер ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа тез-тез юра бошлади.

— Мукофот дейсизми? Ўша ёвуз Штирнерни қулатсам — мен учун энг катта мукофот ўша бўлади!

Бирдан Зауер Эльзани ўйлаб кетди.

Ёвуз сеҳргар қўлига тушиб қолган малика ҳақидаги эртак ёдига келди. Сеҳргар, бу — Штирнер. Унинг ўзи, Зауер эса маликани жодудан халос этиши лозим бўлган ботир йигит. Қутқариш керак! Лекин қандай қилиб?

— Агар аниқ бир нарсани билганимда жон деб ёрдам берган бўлардим, жаноб Готлиб. Фақат тахминларим бор, холос. Билишимча, Штирнер марҳум амакингиз қўлига хизматга ўтгунга қадар инсон мияси ва фикрни олис масофага узатиш муаммоси бўйича илмий фаолият билан шуғулланган. Ҳайвонлар устида тажрибалар ўтказган, ҳатто ўша ҳайвонлар кўрсатган мўъжизаларни ўз кўзим билан кўрганман. Менимча,— Зауер иккиланиб бир оз жим турди,— менимча, амакингиз Карл Готлиб ҳам ўз ажали билан ўлган эмас... Поезд яқинлашиб қолган пайтда ўзини қариянинг оёқлари остига ташлаган ўша ит ҳам,— гарчи у ерда Штирнер бўлмаган бўлса ҳам,— ўшанинг хоҳиши билан шу ишни қилган.

Рудольф Готлиб ҳушёр тортиб, олдинга энгашди. У ҳаяжондан энтикиб нафас оларди.

— Ўзимам доим ўйлардим-а, мерос жанжалида бир жиноят яширинган деб!— дея хитоб қилди у.— Нима учун суд процессида мана шу шубҳаларингизни айтмадингиз? Бундан ташқари, сиз судда Эльза Глюкнинг манфаатларини ҳимоя қилгансиз.

Зауер елкасини қисди.

— Эҳтимол, Штирнер атрофидаги бошқа кишилар каби мен ҳам ўша ярамас одамнинг таъсирида бўлсам керак. Мен олим эмасман, шунинг учун Штирнер қандай йўл билан одамларга ўз ҳукмини ўтказишини айтиб беролмайман. Лекин, менимча, унинг таъсир доираси чекланган бўлиши керак. Чунки бу ёққа келганимдан кейин аллақандай гипноздан халос бўлиб, аста-секин енгил торта бошлаганимни сездим. Афтидан, ё Штирнер ҳали узоқ масофага таъсир қилиш кучига эга эмас, ёки бўлмаса, жўнашимдан олдин мени бўшроқ гипноз қилгану вақт ўтиши билан унинг таъсир кучи тарқалиб кетган.

— Сиз ҳақсиз,— деди Готлиб.— Лекин Штирнер кун сайин ўз ишини такомиллаштираётганга ўхшайди. Чунки унинг таъсир доираси кенгайиб, масофаси узайиб, кучи тобора ортиб боряпти. Ким билади, эрта-индин шу ерда ҳам ўзимиз ўша хавфдан қутулолмасмиз.

Зауер сесканиб кетди.

— Тағин-а? Яна ўша одамнинг домига тушамизми? Қўлида қўғирчоқ бўламизми? Йўқ, ундан кўра дунёнинг нариги бурчига бўлса ҳам қочиб кетиш керак! Энг яхшиси, Штирнернинг ўзини йўқ қилиш керак. Ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам ундан қутқарайлик!..

— Модомики шундай экан, модомики, Штирнер муваффақиятининг сири шунда экан, унга қарши фақат ўзига муносиб қурол билан курашиш мумкин. Бундай қуролни ким беради бизга?

Улар жим бўлиб қолишди. Зауер нималарнидир ўйларди.

— Гапингиз тўғри,— деди у. Фақат муносиб қурол билан курашиш мумкин. Миямга ҳозир бир ўй келди. Наҳотки, фикрни узоқ масофага узатиш проблемаси билан дунёда фақат Штирнернинг ёлғиз ўзи шуғулланаётган бўлса?! Олимлар орасидан қидириб кўриш керак...

— Қидириб кўрдик,— деди Готлиб,— шу соҳада ишлаётган олимларга мурожаат қилдик. Лекин улар жуда оз экан. Бир итальян олимидан сўраб-суриштирган эдик, Штирнер қилаётган ишга ҳозирги замон фанининг тиши ўтмайди. Ё Штирнер шу соҳанинг жуда илгарилаб кетган даҳоси, ё бўлмаса, бу ерда бошқа сир бор, деб жавоб берди.

— Италияликдан бошқалар ҳам бор-ку...

— Яна бир олимнинг тажрибалари ҳақида ўқидим. Тўғри, унинг ҳатто профессорлик унвони ҳам йўқ экан...

— Шунинг учун унга эътибор бермадингизми?— деди киноя билан Зауер.

— Ҳа, буни бўйнимга оламан...

— Штирнер-чи? У ҳам бизни профессорлик унвони билан ўйнатяптими? Ўша олимни албатта топиш керак! Бирорта имкониятни ҳам қўлдан бой бериб бўлмайди.

Зауер бир оз ўйланиб, яна давом этди:

— Ҳатто бирор дақиқани ҳам. Гап бундай: сиз билан бирга бораман, ўша олимни қидириб топиб, гапларини эшитамиз. Яна бир нарса. Штирнер Ментонадаги виллада яшаган эди, у шу ерда, узоқ эмас. Ўша виллага ҳам бир кириб ўтиш керак. Балки ишимизга ёрдам берадиган бирон-бир белги топилиб қолар.

Зауер тезда йўлга отланди.

— Эмма,— деди у хотинига,— мен кетяпман.

— Кўпгами?— ташвишланиб сўради Эмма.

— Билмадим, ҳарҳолда тез қайтмасам керак.— У хотини билан совуққина хайрлашди-да, Готлиб ҳамроҳлигида чиқиб кетди.

Эмма Зауер кетганига йиғлашини ҳам, болани қолдиргани учун қувонишини ҳам билмасди.

Штирнердан ишонч қоғози бўлгани учун Зауер Эльза Глюк вилласига ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб, бутун бинони кўздан кечириб чиқди.

Бўм-бўш хоналардан бирида бир бўлак металл қотишмаси топилди. Полда спираль ва чиннидан ясалган изолятор парчалари, ҳар турли қисқичлар сочилиб ётарди.

— Боплабди!— деди Готлиб эритилган қотишмани кўздан кечира туриб.— Штирнер сирни бекитишни билади. Бу ерда қандайдир аппарат турганлиги аниқ. Аммо полга битта учқун ҳам тушмасдан шунча металлни қандай қилиб эритдийкин?

— Бу ерда қиладиган ишимиз қолмади, Готлиб. Бунга бас келадиган қуролни қидиришимиз керак. Ўша дипломсиз олимингиз қаерда ўзи?

— Москвада.

XI. МОСКВАЛИК ИХТИРОЧИ

Орадан бир ой ўтгач, Зауер билан Готлиб Зафар дарвозасидан унча узоқ бўлмаган Тверская-Ямская кўчасидаги уйга келишди. Олти қаватли бинолар асфальт ётқизилган майдонча атрофини гир ўраб олган эди. Ўйнаб юрган болаларнинг қий-чуви баланд деворларга урилиб жаранглаб эшитиларди.

— Шу ерда бўлиши керак,— деди Готлиб квартираларнинг йўлкадаги эшикка қоқиб қўйилган номерларини кўздан кечириб.— Юринг, Зауер. Ҳозирча ҳаммаси жойида.

— Ҳа, жин урсин, қачон тамом бўлади бу зинапоя? Қизиқ, лифтсиз қандай яшар экан бу одамлар?— дерди Зауер ҳансираб.— Нечанчи квартира эди?

— Йигирма тўққизинчи.

— Манави йигирма бешинчи. Демак, энг тепасида экан.

— Ҳечқиси йўқ, сизга юриш фойдали, жудаям семириб кетибсиз, Зауер,— деди Готлиб қўнғироқ тугмачасини босиб.

Качинскийнинг уйига кириб, Зауернинг ҳафсаласи пир бўлди. На хонадаги жиҳозлар, на ихтирочининг ўзи Зауер тасаввур қилганидек эди.

У одатда ихтирочиларнинг уйида бўладиган тартибсизликни, ҳар турли машина ва аппаратлар қалашиб ётган кабинетни кўраман, деб ўйлаган эди.

Качинсийнинг хонаси замонавий Фаустнинг лабораториясига сираям ўхшамасди.

Бу деразаси каттакон чоғроққина хона эди. Дераза ёнида устига ёзув машинкаси қўйилган стол. Бу ёзув столига тақаштириб қўйилган кичкина стол устида ҳам яна битта машинка. Машинкаларнинг бири русча, иккинчиси лотинча ҳарфда ёзади. Стол тепасига, деворга Флетнер системаси бўйича ишлайдиган шамол двигателининг кичкина чизмаси осиб қўйилган. Буларга қараб туриб, уй эгасининг нима иш билан шуғулланишини ҳам билиб бўлмасди.

Кенг турк дивани устига Грёз картинасидан дурустгина кўчирилган нусха осиб қўйилган. Унда Грёзга хос услубда, яъни кўзлари соддамуғамбир қилиб ишланган қиз сурати акс эттирилган.

Суратга қараб туриб, Зауернинг пешонаси тиришди. Чунки Эмма эсига тушиб кетган эди. Эммани бирдан севиб қолган пайтларида уни мана шунақа қизларга ўхшатиб юрарди.

Бу сурат ёнида манзара тасвирланган яна иккита картина осиғлиқ турибди. Алоҳида столчага Клодтнинг Ленинградда, Аничкин кўпригидаги машҳур отлар уюри ҳайкалининг чўяндан ишланган жажжи нусхаси қўйилган.

Кичкина буфет, кўзгули шкаф, хонанинг ўртасида устига оппоқ дастурхон ёпилган стол ва суянчиғи баланд, чарм қопланган бир неча стул — хонадаги жиҳозлар мана шулардан иборат эди.

Ҳаммаёқ озода ва саранжом. Шу ҳам Зауерни ҳайратга солган эди. Бу хонада ўтириб, одам ўзини Москвада эмас, балки Берлинда ёки Мюнхендаман, деб тасаввур қиларди.

Рус ихтирочисини ҳам у бутунлай бошқача деб ўйлаганди. Зауернинг фикрича, бундай тоифадаги одамларнинг қиёфаси ҳам ўзига хос бўлиши керак эди. Аммо Зауер билан Готлибнинг қаршисида кўриниши одми, малла сочлари орқасига силлиқ таралган, кўккўз, соқоли яхшилаб қирилган ёшгинъ йигит турарди. У эгнига ипдухобадан тикилган тўқ жигарранг кўйлак кийиб, галифе шимининг почасини қўнжи тор этикка тиқиб олган эди.

Унинг ёнида хотини — оқ кофта кийган чеҳраси очиқ аёл жилмайиб турарди.

«Янглишмадикмикин ишқилиб?» — деган ўй ўтди Зауернинг кўнглидан. Лекин улар янглишишмаган эди. Меҳмонлар ўзларини таништиришгач, тез орада суҳбат қизиб кетди.

«Бу одам ҳам,— деб ўйларди Зауер,— эҳтимол, Штирнерникидай қудратли кучга эга бўлса керак, лекин жудаям оддий ҳаёт кечирар экан, кўриниши ҳам соддагина! Наҳотки у Штирнерга ўхшаб мана шу кучни ўз манфаати йўлида ишлатмасикин? Наҳотки ҳаммадан бадавлат, ҳаммадан зўр бўлишни хоҳламасикин? Еки чиндан ҳам бу ернинг одамлари бошқача фикр қилишармикин-а?..»

Зауер ўз саволига четдан жавоб олишга уриниб кўрди.

— Айтинг-чи,— деб мурожаат қилди у Качинскийнинг хотинига ҳазил-мутойиба билан,— атрофидагиларга жумладан, сизга ҳам, истаган ҳукмини ўтказа оладиган эр билан яшашга қўрқмайсизми?

Качинская ҳайрон бўлиб қошларини чимирди.

— Нега қўрқишим керак? Менга қандай ҳукм ўтказиши мумкин? Бунақа гап хаёлимга ҳам келган эмас. Тажриба ўтказиш учун махсус лабораторияси бор.

Качинский мийиғида кулиб қўйди.

— Ҳарқолда хатарли куч-да, бу,— деди Зауер бир оз ўнғайсизланиб.

— Бошқа ҳамма кучларга ўхшаган,— деб жавоб берди Качинский.— Нобель табиатни ўзлаштиришда инсон меҳнатини енгиллаштириш, яъни гранитни портлатиш учун динамитни кашф қилди. Лекин инсон бу ихтирони даҳшатли қирғин қуролига айлантирди. Бундан ранжиган Нобель одамзод олдидаги бегуноҳ айбини сал бўлса ҳам ювиш мақсадида динамитдан тушган даромад ҳисобига халқаро мукофот таъсис этди. Бу масаладан Штирнер ҳам мустасно эмас. У ҳам бу янги кучдан ўзининг ғаразли мақсади йўлида фойдаланган.

— Ҳамма гап болта кимнинг қўлига тушишида,— деб давом этди Качинский.— Биров у билан ўтин ёради, бошқа биров эса одамнинг калласини олади. Штирнер жамиятга қарши кураш бошламасидан анча олдинроқ бу хавф маълум бўлган эди. Менинг дастлабки тажрибаларим кенг оммага ошкор бўлгач, бошим ғалвадан чиқмай қолди. Бир неча хотин уйимга келиб, ёвуз одамлар узоқдан туриб бизни сеҳрлаяпти, деб шикоят қилишди. Улар ана шу «жоду»дан халос қилишимни сўраб, ялиниб-ёлворишди. Ҳатто биттасининг айтишича, Харьков университетининг қандайдир талабалари уни шу даражада «электрлаштириб» қўяр эмишки, темир симёғочлар ёнидан ўтган пайтда баданидан чирсиллаб учқун чиқиб кетармиш. «Калиш билан шоҳидан тикилган шляпа кийиб юрсам, учқун чиқмайди. Энди нима қилишим керак? Кечаси ётганимда электр тўлқинлари баданимда жимирлаб юрганини сезаман, қулоғимга: «Энди сен бизнинг қўлимиздасан!»— деган овозлар эшитилади, деб шикоят қилди. Мен унга шоҳи кўрпа ёпиниб, бир томони сим билан иситиш трубасига уланган бирорта металл буюм ушлаб ётишни маслаҳат бердим. «Худди радиоприёмникдагига ўхшаб, ўша сим сизни ер билан боғлаб турадди»,— дедим. Кейинги сафар келганида у менинг маслаҳатим фойда берганини айтди. «Ерга боғланиши» билан ток ерга ўтиб кетиб, бемалол ухлаётган эмиш. Бошқа нима ҳам дейишим мумкин? Булар шунчаки асабий ёки эс-ҳуши жойида бўлмаган аёллар эди. Ҳатто ихтиронгни қўлласанг — ўлдирамиз деган одамлар ҳам бўлди.

«Миямни ўз фикрларингиз билан тўлдириб ташлашингизни хоҳламайман!»— деб қичқирди биттаси.

— Уларнинг хавотирланиши бежиз эмас,— деди Готлиб, суҳбатни тезроқ амалий томонга буриш мақсадида.— Штирнер қилаётган ваҳималар...

— Ҳа, ҳа, шунақа бўлиши мумкинлигини кўнглим сезувди,— деди Качинский,— шунинг учун ҳам биратўла икки йўналишда: ҳам фикрни узоқ масофага узатиш устида, ҳам одамларни унинг зарарли таъсиридан сақлаш устида иш бошлаганман.

— Хўш, натижаси нима бўлди?— деб сўради Готлиб қизиқиб.

— Менимча, бу масалани ҳам ҳал қилсам керак,— жавоб берди Качинский.

— Бир нарсани сўрашга рухсат этсангиз,— деди Зауер.— Бутун дунёдан ҳозир фикрни узоқ масофага узатиш муаммоси устида гап кетяпти. Ўят бўлса ҳам бўйнимга олишим керак,

шу нарсага кўпам ақлим етмайди. Кейин, менимча, ўзи азалдан бор нарсани нима учун одамлар энди кашф қилишди?

Качинский жонланди, Готлиб бўлса беихтиёр хурсиниб қўйди.

«Амалий гапга ўтиш ўрнига назариябозлик бошланади энди!» — деб ўйлади у.

— Буни қисқача шундай тушунтириш мумкин: ўйлаган ҳар бир фикримиз мия ва нервларнинг энг майда зарраларида бир қатор ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар электр ҳодисаси билан бир вақтда рўй беради. Мия ва нерв ҳужайралари ишлаб турган пайтда ўзидан махсус электромагнит тўлқинларини чиқаради, бу тўлқинлар худди радио тўлқинлар сингари ҳар томонга баравар тарқалиб туради.

— Ундай бўлса, нима учун биз шу пайтгача бир-биримиз билан хаёлан гаплаша олмаймиз?

— Чунки бу тўлқинларнинг қуввати оз, табиати ҳам бутунлай бошқача. Бировнинг кўнглидан ўтган фикр иккинчи бир кишининг онгига таъсир қилиши учун ҳар иккала одам миясидаги электромагнит тўлқинлари бир-бирига мос келиши керак.

— Қисқаси, «приёмник-мия» фақат «тарқатувчи станция», яъни фикр узатувчи мия тарқатган узунликдаги тўлқинларнигина қабул қила олади, демоқчисиз-да?

— Ҳа, баракалла. Бундай ҳодисалар бир-бирига яқин одамлар ўртасида кўп кузатилган. Лекин бу ҳодисаларни текшириш ва айниқса, илмий жиҳатдан асослаш имконияти бўлмагани учун шу пайтгача фан буни рад этиб келган. Бунинг устига, бу сирли ҳодисадан ҳар турли қаллоб ва афсунгарлар фойдаланиб, киши танасига боғлиқ бўлмаган аллақандай «руҳ»нинг мавжудлигини халқ орасида исботлашга уриниб келганлар.

Качинский бир оз тин олиб, яна давом этди:

— Худди мана шунақа «сирли» ҳодисалардан бири мени фикрни узоқ масофага узатиш муаммоси билан шуғулланишга ундади.

— Қизиқ, қанақа ҳодиса экан у? — деди Зауер.

Готлиб бетоқат бўлиб ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди.

— Бу воқеа Тифлисда бўлган эди. Яқин бир дўстим терлама касалига чалиниб ётиб қолди. Уни кўргани тез-тез бориб турардим. Бир куни унинг олдидан жуда кеч қайтдим, чироқни ўчириб ўзимни каравотга ташладим. Шунда соат икки эди. Соат занг урди, кетидан худди биров нозик қадаҳнинг четига қошиқча билан икки-уч марта ургандай бўлди. «Мушук!» — деган хаёл ўтди кўнглимдан, ирғиб туриб чироқни ёқдим. Аммо хонада на мушук, на бирорта шиша идиш бор эди. Бу ҳодисага эътибор бермай, яна ўрнимга ётдим.

Эрталаб ўртоғимнинг уйига кирдиму вазиятдан дарров ҳамма нарсани англадим. Дўстим ўша кеча жон берган экан. Унинг жасадини каравотдан олишга ёрдамлашдим.

«Қачон узилди?» — сўрадим мен.

«Кечаси соат иккида», — деб жавоб берди онаси.

Каравот ёнидан ўта туриб, устида ҳар хил дорилар турган

тумбочкага оёғим тегиб кетди. Каттакон юпқа стакан ичидаги қошиқча унинг четига урилиб, таниш овоз эшитилди.

«Қаерда эшитувдим бунақа овозни?— деб ўйлай бошладим мен.— Ҳа, кеча кечаси. Худди мана шу овозни эшитувдим». Кейин онасидан дўстимнинг қандай жон берганини сўрадим.

«Кечаси роппа-роса иккида оғзига қошиқчада дори тутдим. Лекин у лабларини сал-пал қимирлатди-ю, дорини ичолмади. Қошиқчани стаканга ташлаб, устига энгашдим. У оламдан ўтган экан».

Бу воқеа мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Албатта, бунда бирор ғайритабиий нарса борлигига ишонмасдим. Лекин шундай бўлса ҳам бу ҳодисани қандай изоҳлаш мумкин? У пайтларда бир мактабда радио курсидан лекция ўқирдим. Ўзим, хабарингиз бўлса керак, инженер-электрикман. Ўшанда дафъатан, стакан овозининг эшитилиши худди радио тўлқинларига ўхшаган электр билан боғлиқмасмикин, деган фикр келди хаёлимга. Жон бераётган дўстимнинг мияси электр тўлқинлари тарқатган бўлса, менинг миям қабул қилиб олгандир? Кейинроқ, Москвага келганимдан кейин мия ва нерв фаолиятини ўрганиш билан шуғуллана бошладим. Ажабланарли жойи шундаки, нерв системаси билан миянинг тузилиши кўп жиҳатдан радиостанция конструкциясига ўхшаб кетар экан. Мия ҳужайралари ҳам микрофон, ҳам детектор, ҳам телефон вазифасини ўтайди. Нозик нерв толаларининг бир учи ғалтаксимон бўлиб буралиб кетган, худди симдан ясалган спиралга ўхшайди — мана сизга соленоид, мана сизга ўзиндукция. Қизиғи шундаки, ҳатто ўзим билан бирга ишлайдиган профессор-физиолог ҳам мана шу спиралнинг хизматини тузук-қуруқ тушунтириб беролмади. Электротехника нуқтаи назаридан эса бунинг ҳеч қандай бош қотирадиган жойи йўқ. Табиат, афтидан, бу галтакни электр токини кучайтириш учун яратган бўлса керак. Бизнинг баданимизда ҳатто Раунд лампалари ҳам бор, булар юракнинг колбачалари. Юракнинг энергия манбаи аккумулятор батареяларига, устки асаб томирлари эса — радиоприёмникнинг ерга уланадиган симига ўхшайди. Инсон танасининг тузилишини электротехника нуқтаи назаридан ўрганиб, шундай хулосага келдими, бизнинг танамиз электромагнит тебранишларини тарқатадиган ва қабул қила оладиган мураккаб электр аппарати — бутун бир радиостанциянинг айнан ўзи экан. Мана, чизмага бир назар ташланглар.

Аммо электромагнит тўлқинларининг мавжудлигини исбот қилиш мен учун осон бўлмади, албатта. Ҳайвонлар устида муваффақият билан тажриба ўтказаётган Дугов лабораториясида иш бошладим. Ўз тажрибаларимни қуйидаги тартибда олиб бордим: ўз қўлим билан темир қафас ясаб, уни изоляторлар устига ўрнатдим. Зарур бўлиб қолган тақдирда қафас ерга уланиши мумкин эди. Қафас олдига итни ўтқазиб қўйиб, қафас ичига Дугов кирарди. Қафас ерга уланмаган пайтда ит Дуговнинг хаёлан берган буйруқларини тўла-тўкис бажарарди. Қафасни ерга улаб қўйишингиз билан итга ҳеч қандай таъсир ўтказиб бўлмасди.

Бунинг сабабини тушуниб турган бўлсангиз керак: электромагнит тўлқинлари қафас темирига урилиб, ерга ўтиб кетаверган, итга етиб бормаган. Шундан қилиб, муаммо ҳал бўлди. Миянинг электромагнит тўлқинларини тарқатиши исботланди. Мия ва нерв ҳужайраларидаги тебранишларнинг электромагнит билан алоқадорлиги бошқача методлар асосида олимларимиз: академик Лазарев, профессор Бехтерев ҳамда италиялик профессор Казамали томонидан ҳам исбот этилган.

Готлибнинг тоқати тоқ бўлди.

— Буларнинг ҳаммаси жудаям қизиқарли,— деди у сабри чидамай,— лекин ростини айтсам, бизни масаланинг илмий томонидан кўра амалий жиҳатлари қизиқтиради. Сиз янги қуролдан жиноий мақсадларда фойдаланиш хавфидан аҳолини ҳимоя қилиш чорасини ҳам топаман, дедингиз. Лекин ҳали буни топганингиз йўқ. Қисқаси, Штирнерни зарарсизлантира оласизми?

— Назарий жиҳатдан масала ҳал бўлган, бироқ ҳали кенг масштабда тажриба қилиб кўрганим йўқ. Биз ҳайвонларга қисқа масофадан туриб таъсир ўтказишни синаб кўрдик, холос. Мен яратган «машина-мия»ни ҳозирги замон техникаси бемалол ишлаб чиқара олади. Ҳозир инсон мияси тарқатадиган электромагнит тўлқинларининг хусусияти, узунлиги, частотаси ва бошқа жиҳатларини ўрганяпман. Уларни механик жиҳатдан қайта тиклаш унчалик қийин эмас. Агар улар трансформатор орқали кучайтирилса, фикр-тўлқинлар худди радио тўлқинлари сингари ҳар тарафга тарқалиб, одамлар томонидан қабул қилинаверади.

Менинг машинам антенналар, трансформатор ҳамда катод лампалари бўлган кучайтиргич ва антеннанинг индукцияли, тебранувчи контуридан иборат. Сиз маълум фикрни менинг «тарқатувчи станциям» антеннасига узатасиз, станция эса уни кучайтириб, бўшлиққа тарқатади. Биз Штирнерни ўққа тутадиган янги «тўп» мана шу бўлади.

Готлиб енгил нафас олди.

— Тўпни яқин кунларда ишга солса бўладими?

— Назаримда, икки ҳафталардан кейин биринчи ўқни узишимиз мумкин.

— Буни қандай амалга оширилади?

— Штирнернинг олдига қўққисдан бориб, уйдан чиқишни ва бизнинг олдимизга келишни буюрамиз. Албатта, кўчадан туриб фикран шундай буйруқ қиламиз. Қарабсизки, қўлимизга тушиб турибди.

— Лекин «тўп»ингизни қаерга ўрнатасиз?

— Иложи борича унга яқинроқ жойга ўрнатиш керак бўлади. Чунки тўп ҳали тажрибада синаб кўрилмаган, узоқ масофадан туриб таъсир қилишига кафиллик беролмайман.

— Ахир Штирнернинг таъсир доирасига тушиб қолиш мумкин-ку? Унинг қуроли анча олисни нишонга олади, мукаммал ва тажрибадан ўтган.

— Бошқа иложи йўқ, таваккал қилишимиз керак бўлади.

— Ўзимизни ҳимоя қила олмаймизми? Ҳимоя воситалари ҳақида ҳам гапирдингиз-ку, боя? — деди Зауер.

— Мумкин. Юпқа симтўрга ўралиб олинса, Штирнер тарқатган электр тўлқинлари тўрга урилиб, ерга ўтиб кетади. Лекин бунинг битта чатоқ жойи шундаки, ўзимиз ҳам фикр узатиш имкониятидан маҳрум бўламиз. Тўғри, биз «машина-мия»ни ишга солишимиз ҳам мумкин. Лекин ҳали миядан тарқаладиган электромагнит тўлқинларини етарли даражада ўрганмаганман, шунинг учун бу ишга таваккал қилиб ўзим уриниб кўраман. Мен тўрга ўралмасдан антеннага фикр йўллайман. Мабодо Штирнернинг таъсирини сезсам, дарров устимга симтўр ташлайсизлар. Ўзларингиз эса ҳаммавақт тўрга ўралиб юрасизлар.

— Ундан кўра, тўрни ёпинволиб, тўппа-тўғри Штирнернинг уйига бостириб кирсагу уни ўша ернинг ўзида тинчитиб қўя қолсак бўлмайдими? Шояд бу гал соқолини олиб ўтирмасдан, кекирдагини узиб қўя қолсам?

— Қотиллик-ку, бу...

— У одам шунга лойиқ ўзи!

— У ҳолда фақат Штирнергина эмас, унинг қотиллари ҳам шунга лойиқ бўлиб қолади. Штирнер, албатта, осонликча жон бермайди. Уни тириклайин қўлга олишга уриниб кўрамиз. Ана ўшандагина тўла ғалаба қилган бўламиз.

Готлиб ўрнидан турди. Унинг кетидан Качинский билан Зауер ҳам туришди.

— Катта раҳмат сизга! — деди Готлиб.

— Раҳмат айтишга ҳали вақт эрта, — деб жавоб берди Качинский. — Штирнерни қўлга туширганимиздан кейин раҳмат айтасизлар.

XII. ШОВҚИНСИЗ УРУШ

Штирнер ўз кабинетида чизмаларни кўздан кечириб ўтириб, бирдан ўзида уйдан чиқиш хоҳиши пайдо бўлганини сезди. Ўрнидан туриб эшикка қараб юрди-ю, миясига урилган бир фикрдан тўхтаб қолди: тағин ўзи бировнинг измига тушиб қолган бўлмасин? Наҳотки сири фош бўлиб, худди ўшанақа қурол билан ўзига қарши ҳужум бошлашган бўлса? Афтидан, уларнинг кучи ҳали заифга ўхшайди. Штирнер эс-ҳушини йўқотмади. Аммо кўчага чиқиш хоҳиши ҳаддан ташқари кучли эди. Штирнернинг эти жимирлаб кетди. Агар бировнинг фикридан ўзини дарҳол халос этмаса, тамом — ўлади! Нима қилиш керак? Қандай қилиб қутулиш мумкин? У беихтиёр остонага бориб қолган эди. Эшикка шоҳи парда тутилган, ёнгинасидан иситиш радиаторлари ўтган эди. Штирнер минг машаққат билан олдинга бир қадам ташлади-ю, шоҳи пардани юлқиб олиб, устига ёпди, кейин жонҳолатда иситиш трубасига ёпишди. Шу заҳоти кўчага чиқиш истаги бўшашганини сезди. Кўринмас душман юбораётган электромагнит тўлқинлари ерга ўтиб кетаётган эди. Штирнер анча енгил

тортди. Лекин бу ҳали қутулиш деґан сўз эмас эди. Вужудга келган шароит ҳақида ўйлаб кўриш керак эди.

«Хонамда,— деб кўнглидан ўтказди Штирнер,— ўзим тажрибалар ўтказган темир қафас бор. Ўшанинг ичига кирволиб, ерга боґланиб олсам эди. Қафасда ўтира турардим, кейин бу ёґи бир гап бўларди. Лекин хонага чопиб боришга улгурармикинман? Трубани қўйиб юборишим билан душман таъсирига тушиб қолмасмикинман? Полда линолеум бўлмаганда ҳам майли эди-я! Минг лаънат! Ўз қуролим билан ўзимга отишяпти-я. Бундан хунук иш борми! Энг аввало ўзимни тўсишим керак. Симтўрим бор. Ўшани кийиб олишим зарур... Кейинроқ ростакам костюм тикиб оламан. Лекин уни қандай қилиб оламан? Эльза! Эльзани чақириш керак».

Штирнер билан Эльза ўртасида шундай бир муносабат пайдо бўлган эдики, чақириш ёки фикр йўллаш у ёқда турсин, Штирнер унинг номини кўнглидан ўтказиши билан қизнинг ўзи кириб келаверарди. Штирнер уни хаёлан чақира бошлади, айни пайтда у босиб ўтадиган масофани тасаввур қилиб турарди. Аммо Эльзадан дарак йўқ эди. Штирнернинг бошидаги шоҳи мато фикрни ўтказмасди...

— Лаънати!— Штирнер ґижиниб, пардани бошидан туширди. Шу заҳотиёқ яна кўчага чиқиш хоҳиши пайдо бўлди. У шошапиша бошини ўради-ю, ўйланиб қолди. Пардадан фақат битта кўз кўрадиган тирқиш очиб, атрофга разм солди, иттифоқо, нигоҳи девордаги электр қўнґироґининг тугмачасига тушди.

— Ҳаммаёққа қўнґироқ ўрнатиб ташлаган марҳум Готлибга раҳмат. Эҳтимол хизматкорларни чақиришга муваффақ бўларман.

Қўнґироқ икки метрлар чамаси нарида эди. Трубани ушлаганча унга яқинлашди. Аммо труба берироқда тугаб қолди. Навбатдаги иситиш сектори етмиш сантиметр нарида эди. Штирнер эгилди-да, чап қўли билан трубанинг учидан ушлаб, ўнг қўлини навбатдаги сектор трубасига чўзди, айни пайтда бошидаги мато тушиб кетмаслиги учун бир четидан тишлаб олди. Шу алфозда кейинги секторга ўтиб олди-ю, бир қўли билан трубани ушлаганча қўнґироқ тугмасини босди.

— Улар хизматкорларни ҳам сеҳрлаб қўйган бўлишса-я? Унда тамом бўлдим...

Узоқдан қария Ганснинг қадам товушларини эшитиб, Штирнер анча енгил нафас олди.

Ганс кабинетга кирди-ю, хизматкорларга хос тавозе билан пардага ўралган Штирнернинг қаршисига келиб турди.

— Ганс, менинг хонамда...— деди Штирнер ва дудуқланиб қолди. У ўз хонасига шу пайтгача ҳеч кимни киритмаган эди. «Э-э, ҳозир бунақа пайт эмас,— деб ўйлади у.— Кейин унга таъсир ўтказиб кўрганларининг ҳаммасини унуттириб юбораман».— Менинг хонамда симтўр бор. Дарров бу ёққа опкелинг. Мана калит.

Штирнер худди яланґоч тургану баданини яширмоқчи бўлган-

дай, бир қўли билан парданинг четларидан ушлаб, иккинчи қўли билан калитни олди-да, Гансга узатди.

Ганс индамай бориб симтўрни олиб келди.

— Устимга ёпинг!

Қария буйруқни худди пальто кийдиргандай хотиржамлик билан бажарди.

— Раҳмат, Ганс, энди бораверинг. Тўхтанг! Сиз ҳеч нарсани сезмаяпсизми, Ганс? Кўнглингиз ҳеч нарсани тусамаяптими? Масалан, кўчага чиққингиз келмаяптими?

— Э, кўчада нима бор? Очиғини айтсам, жаноб Штирнер, бирпасгина чўзилиб дам олгим келяпти... Оёғим оғришини биласиз-ку!

— Кўпдан бери шуни хоҳлаяпсизми?

— Йигирма йилдан бери аҳвол шу...

— Бораверинг, Ганс!

Штирнер тезлик билан кабинет орқасидаги ўз хонасига ўтди.

— Шошмаларинг ҳали!— деб ғудранди у машиналарини юргизаркан. Пастда кучли моторлар гувуллаб, лампалар ёнди, машина ишга тушиб кетди. «Ўқ» отилган ва у нишонга бориб теккан эди.

Шаҳар ташқарисида каттакон юк машинаси турар, унинг кузовига тузилиши ғалати радиостанция ўрнатилган эди. Бу Качинскийчнинг схемаси асосида яратилган, фикрни кучайтириб узатувчи станция эди.

Шофёр, Зауер ва Готлиб нозик симдан тўқилган, бутун танани, ҳатто юзни ҳам беркитиб турувчи махсус костюм кийиб олишган эди.

— Кийимларингиз сал ғалатироқ,— деди кулиб Качинский,— лекин модага кириб кетса, жудаям қулинг ўргилсин бўлади. Келажакда костюмларимизнинг астарини матога ўхшаган юпқа металлдан тика бошлаймиз. Хотинлар юзларига тўр тутишган-ку! Бизнинг тўрларимиз ҳам шоҳидай нафис ва енгил бўлади.

— Снаряд учирилди,— деди Качинский.— Штирнерга уйдан чиқиб, бизнинг олдимизга келиш ҳақида буйруқ жўнатдим.

— Снаряд нишонга теккан-тегмаганлигини қаёқдан биламиз?— деб сўради Готлиб.

— Менимча, бу ёққа келмаган тақдирда ҳам ўзидан дарак берса керак,— деди Качинский.— Гап шундаки, биз ўзимизнинг «қабул қилувчи» миямиздан ташқари механик равишда қабул қилувчи радиостанцияга ҳам эгамиз. Унда бошқа станция тарқатган фикрларни автоматик тарзда ёзиб олувчи аппарат бор.

Дарҳақиқат, Штирнр ўзидан дарак берди, лекин бунақанги «дарак»ни ҳужум қилувчи томон сираям кутмаган эди.

Качинский ҳимоя костюмисиз янги «фикр-снаряд»ни жўнатаётган пайтда бирдан машина кузовига ағдарилиб тушди, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, туролмади, ўтиришга уриниб кўрувди, яна бўлмади — на бошини, на гавдасини идора қилиб бўларди.

Зауер билан Готлиб Качинскийнинг олдига чопиб келишди.

— Яраландингизми? Нима бўлди ўзи?— деб сўрашарди улар хавотирланиб.— Қаерингиз оғрияпти?

— Ҳеч қаерим оғриётгани йўқ, соппа-соғман,— деб жавоб берди Качинский ва яна ўтиришга уриниб кўрди, яна гурсиллаб йиқилди,— жин урсин, мувозанатимни бутунлай йўқотиб қўйдим.

Зауер, Готлиб ва шофёр гангиб қолишди. Готлиб акс таъсирдан, миянинг мувозанатни бошқарувчи марказини зарарлантирганга ўхшайди. У ўз ишида анча илгарилаб кетибди! Мувозанат туйғуси — жуда мураккаб ва кам ўрганилган муаммолардан бири. Профессор Бехтерев...

«Ихтирочилар ҳам қизиқ халқ бўлади-да,— деб кўнглидан ўтказди Зауер.— Ўзи чувалчангдай ерда чўзилиб ётибди-ю, тағин рефлексология ҳақида гапиради-я!..»

— Атайлаб шундай қиляпти,— деб гапида давом этди Качинский, ўз рақибига қандай хатарли душман билан олишаётганини кўрсатиб қўйиш учун шундай қиляпти. Мувозанат туйгуси...

— Эҳтимол шундайдир, жаноб Качинский, лекин ҳозир биз сизнинг соғлигингиз ҳақида ўйлашимиз керак. Менимча,— деди Готлиб Зауерга мурожаат қилиб,— бу галча чекинишимиз ҳамда биринчи ярадоримизга тиббий ёрдам кўрсатиш учун уни жанг майдонидан олиб чиқиб кетишимизга тўғри келади.

Узоқдан туриб олишувни давом эттириш ниятидан қайтмаган Качинскийнинг қаршилигига қарамай, Зауер билан Готлиб чекинишга қарор қилишди.

— Ёдингизда бўлсин, сиз миллионлаб одамнинг тақдирига жавобгар кишисиз. Штирнер сизни ўлдириб қўйса ёки жиннипинни қилиб қўйса, унда нима бўлади?

— Майли, кетдик...— базўр рози бўлди Качинский.

— Ҳа, Штирнер — хавфли душман,— деб давом этди Качинский йўлда кета туриб.— Унинг қуроли бизникидан зўр. Тарқатиш қуввати ҳам кучли. Афтидан, у йўналтирилган тўлқиндан фойдаланса керак. Биз ҳам ана шунақа тўлқиндан фойдаланишга уриниб кўрамиз!..

— Мувозанатсиз қандай қилиб яшайсиз, яхшиси, шундан гапиринг.

— Бунинг ҳам йўли топилиб қолар!— деди Качинский.

Готлиб ишонмагандай бош чайқаб қўйди.

Качинский мутлақо ночор аҳволда эди. Танасининг бошқа аъзолари соппа-соғ бўлса ҳам оёқ-қўли ишламасди — шол бўлиб қолган эди.

— Бир қаранг-чи, Зауер, аппарат лентасида бирор ёзув бормикин?

Зауер лентага қаради. Унга эгри-бугри чизиқлар тушиб қолган эди.

— Бир нималар борга ўхшайди, лекин мен тушунмаяпман...

— Тез кунда мана шунақа белгиларни ҳарфга айлантириб берадиган асбоб ясайман.— Качинский симтўр остидан қўлини чиқаришга беҳуда уриниб кўрди.— Лентани кўзимга яқинроқ

опкелинг-чи, Зауер! Хўш... Ҳм... у мени қўрқитмоқчи! Мана, у юборган фикрнинг мазмуни:

«Сиз ютқаздингиз, чунки яккаю ягона имкониятни ҳам бой бердингиз: мени ғафлатда қолдиролмадингиз. Штирнер».

— Кўрамиз ҳали ким ютқазишини!— деб қичқирди Качинский ва жазава ичида бошини кўтарди, аммо яна шилқ этиб ётиб қолди.— О, иблис! Мени бу билан қўрқитолмайсиз, жаноб Штирнер!

Касалхонага етиб келишди. Качинскийни қўлда кўтариб киришди. Хонанинг деворларига симтўр тутиб ташлашди.

Врачлар Качинскийнинг касалига сираям тушунишолмади, шундан кейин унинг ўзи ҳаммасини гапириб берди.

— Афсуски, медицина сизга ёрдам беролмайди,— деди врач қўлларини икки томонга ёзиб.

— Шунақалигини билардим,— деб жавоб берди Качинский,— Янгича медицина яратишга ёки гомеопатияга мурожаат қилишга тўғри келади.

Врач дарҳол эътироз билдирди.

— Гомеопатия — ғирт фирибгарликнинг ўзи-ку!

— Ҳаммавақт ҳам эмас,— кулиб жавоб берди Качинский,— Гомеопатия — бир касалликни унинг ўзи билан даволаш деган сўз. Халқда ҳам заҳарни заҳар кесади, деган гап бор-ку.

Качинскийнинг фикрини биринчи бўлиб Зауер тушунди.

— Даволаш учун ўзингизнинг фикр тарқатувчи аппаратингизни қўлламоқчимисиз?

— Албатта-да. «Машина-мия»га, миямнинг мувозанатни бошқарувчи қисми ўз фаолиятини тиклаши керак, деган фикрни айтаман, кейин ўзим бу фикрни қабул қилиб оламан. Штирнер узоқдан туриб ҳаракат қилган бўлса, мен тарқатувчи манбанинг ёнгинасида туриб, ўзимни акс таъсирга тутаман, шунинг учун мувозанатимни тиклашга муваффақ бўлсам керак... Бир тажриба қилиб кўрамиз!

Врачлар бу тажрибани ишонқирамасдан кузатиб туришди. Лекин Качинский кутилмаганда ўрнидан шартта туриб, қўлларини силкита бошлаганда ҳамма қарсак чалиб юборди.

— Мўъжиза-ку, бу!— деб хитоб қилди ёшгина бир врач.

— Агар Качинский ўзини касалликка солмаган бўлса,— деб тўнғиллаб қўйди қарироқ бир врач...

Шу тариқа медицинанинг янги бир соҳасига асос солиндики, кейинчалик бу янгилик асаб касалликларини даволашдан тортиб, наркоз ишлатмасдан оғриқсиз операция қилишгача медицинанинг турли соҳаларида кенг қўлланила бошланди.

— Айтинг-чи,— деди Зауер Качинскийга, икковлари холи қолишганда,— нима учун Штирнернинг «зарба»си фақат сизга таъсир қилди? Модомики, Штирнер сиз юборган фикр тўлқинининг йўналишини аниқ билган экан, унинг жавоб тўлқини йўл-йўлакай тўр ёпинмаган бошқа одамларга ҳам таъсир қилиши керак эди-ку. Нима учун бундай бўлмади?

Качинский ўйланиб қолди.

— Буни тушуниш қийин эмас. Штирнер мен йўллаган фикрни қабул қилиб олиб, тўлқиннинг узунлиги, частотаси, хуллас, менинг радиостанциям, яъни миямнинг ўзига хос барча хусусиятларини шу заҳотиёқ анализ қилиб чиққан бўлса керак. Ҳар бир мия тарқатган электр тўлқинлари бошқаларникидан нимаси биландир фарқ қилади. Штирнер менинг миямга хос хусусиятларни аниқлаб олгандан кейин худди ўша узунликдаги ва ўша частотадаги тўлқин орқали жавоб «ўқ»ини отган. Шунинг учун ҳам фақат мен зарарланганман. Лекин у, таъбир жоиз бўлса, «буюртма» шаклида ҳам фикр йўллаши мумкин.

— Яъни?

— Яъни, у мана шундай мазмунда фикр тарқатиши мумкин: «Менга қарши фикр йўллаган одамнинг ҳаракат органлари зарарланиши керак». Фикр йўллаган одам менман, демак, менинг оёқ-қўлим...

— Наҳотки шунақа ҳам таъсир қилиб бўлса? Гипноз тарихида шунақа ҳодиса ҳам бўлганми сира?

— Эслаёлмайман, лекин бунақа бўлиши мумкин эмас, дейишга ҳам ҳеч қанақа асос йўқ. Ҳарҳолда биринчи тахминим ўзимга кўпроқ мантиқлироқ бўлиб кўринади. Энди бу гапларни бас қилиб, ишга ўтайлик!— деди Качинский дадиллик билан.— Бу гал бошқачароқ ҳаракат қиламиз. Штирнернинг атрофини ҳалқадек қуршаб олиб, ҳар тарафдан унга «ўқ» узамиз. Албатта, у йўналтирилган нур орқали бизнинг зарбаларимизни қайтариши мумкин. Лекин бутун ҳалқани айланиб чиққунча ҳар бир «тўп»имиз биттадан фикр снарядини отишга улгуради.

— Уйидаги хизматкорларни ҳам нишонга олсак қандай бўларкин? Агар уларни уйдан чиқиб кетишга мажбур қилсак, Штирнерга овқат опкирадиган одам ҳам қолмайди, кейин у очлик азобига чидамасдан таслим бўлади,— деди Готлиб.

— Жуда соз! Бунақа йўлини ҳам қилиб кўрамиз,— рози бўлди Качинский.

Зудлик билан фикр тарқатувчи радиомашиналар ясалди. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, «бош қўмондон» ўттизта радиомашина билан шаҳар ташқарисига йўл олди, бу «тўп»лар маълум масофа оралиғида шаҳарнинг ҳамма томонига жойлаштириб чиқилди.

Качинский Штирнерга ультиматум жўнатди:

«Сизга шуни маълум қиламанки, янги куч — олис масофадан туриб киши онгига таъсир қилиш воситасидан якка-ялғиз фойдаланишингизга энди чек қўйилди. Сиз билан бир қаторда бошқалар ҳам ҳозир ана шундай қудратга эга. Бундай шароитда курашни давом эттиришдан фойда йўқ. Бу ҳол жамиятни ҳалокатга судраб, аҳоли бошига янгидан-янги уқубатлар келтиради. Мабодо, сиз ўзингизни бизнинг таъсиримиздан ҳимоя қилолган тақдирингизда ҳам биз сизнинг емирувчилик фаолиятингизни жиловлаб қўямиз; оммавий тусдаги ҳар қандай фикрий тўлқинларингизга қарши акс таъсир, акс буйруқ билан жавоб берамиз. Дарҳол қуйидаги шартларимизни адо этсангиз, тирик қолишингизга кафиллик беришимиз мумкин:

1. Таъсирингиз домига тушиб қолган барча одамларни дарҳол ўз ҳолига қайтариб, исканжадан халос этасиз.

2. Бундан кейин фикрий тўлқинлар тарқатишни қатъяин тўхтатасиз.

3. Ана шундай машина ва электр аппаратларининг ҳаммасини топширасиз.

Агар таклифимизни рад этсангиз ёки жавоб қайтармасангиз мен кескин чораларни қўллашга мажбур бўламан.

Качинский».

Ультиматум билан баравар у Штирнернинг барча хизматкорларига уйдан қочиш ҳақида фикрий буйруқ йўллади.

Аммо Штирнер шай бўлиб турарди.

У автоматик равишда ёзиб олинган радиограммани ўқиди-ю, шу заҳотиёқ жавоб қайтарди:

«Ўзим лозим топган пайтдагина таслим бўламан».

Бирдан у хизматкорлар уйдан қочаётганини сезиб қолди. Дарҳол бунинг сабабини тушунди-ю, қайтиш ҳақида жуда кучли тўлқин тарқатди.

Хизматкорлар худди ёнғин ичида қолгандай типирчилаб қолишди. Икки қарама-қарши фикр тўлқини бир-бири билан тўқнашиб, уларни у ёқдан-бу ёққа тортқиларди. Хизматкорларни бир вақтнинг ўзида икки хил «хоҳиш», қандай қилиб бўлмасин, уйдан қочиш ва мутлақо уйдан чиқмаслик хоҳиши васвасага солиб қўйганди. Одамлар гоҳ дарвоза томон югуришар, гоҳ орқаларига қайтишарди. Баъзилар ўрнидан жилмаслик учун мебелларга, эшикларнинг ёндорига, иситиш трубаларига ёпишиб олган эди. Қизиғи шундаки, мана шу тўс-тўполон заррача шовқин-суронсиз бўлаётган эди.

Штирнернинг тўлқинлари яқин бўлгани учун, афтидан, кучлироқ ҳам эди.

Хизматкорлар аста-секин ўз ўринларига қайта бошлашди.

Бу пайтда Штирнер янги тўлқин тарқатаётган эди.

У шаҳарда қолган аҳолини ялписига оёққа турғазиб, душман машиналарини яксон қилиш ҳақида буйруқ берди.

Штирнернинг буйруғини бажариш учун одамлар худди зилзиладан қочгандай, шаҳар ташқарисига қараб чопа бошлашди. Бу ҳужум сира кутилмаган эди. Оломон бир нечта фикр тарқатувчи аппаратни бузиб ташлашга муваффақ бўлди. Аммо Качинскийнинг кўпчилик жангчилари чопиб келаётган одамларнинг мақсадини ўз вақтида тушуниб, уларга қарши акс таъсир юборишди. Оломон яна икки тўлқин гирдобида қолиб, алғов-далғов бўлиб кетди. Улар ҳужум қилишни ҳам, орқага чекинишни ҳам билишмасди...

Штирнер бу ҳужумнинг тўла ғалаба билан тугашига умид боғламаган ҳам эди. Унинг мақсади асосий зарбадан душманларини чалғитиш эди. У ҳар тарафга тўлқин тарқата бошлади, тўр ёпинмаган ёки бу ноқулай кийимнинг бирор жойини эҳтиёт-

сизлик билан очиб қўйган душманларнинг баъзилари фалаж бўлиб, баъзилари ақлдан озиб қолди. Бундайларни «фронт» орқасига олиб кетишар ёки Качинский методи асосида даволашар эди. Ҳужумчилар бўш келишмади. Улар кўпчилик эди, бинобарин, сафдан чиққанларнинг ўрнини тез эгаллашар ва аппаратларнинг олдига туриб олиб, кечасию кундузи фикр тўлқинларини тарқатишарди.

Штирнер ўзининг ҳимоя қилувчи костюмида бир неча соат ухлаб олди, кўп ухлаш эса хавфли эди. Чунки жисмоний ҳужум эҳтимоли бор эди. У барча хизматкорларига ҳимоя костюмлари кийгизиб, уларни яхшилаб қуроллантирди.

Штирнер ҳолдан тойди-ю, лекин таслим бўлмади. У шошилинч равишда ўз машинасини янаям мукаммаллаштирди, энди бу машина душман радиомашиналарини ишдан чиқазиши керак эди.

Уруш бир неча кун давом этди.

Бир куни Качинский Штирнерга қарши акс таъсир тарқата туриб, бирдан машинадан сакраб тушди-ю, қаёққадир чопа кетди. Зауер бошини симтўрга ўраб брезент устида ухлаб ётарди. Навбатчилик қилаётган Готлиб эса дастлаб Качинскийнинг бу ҳаракатига эътибор бермади.

Қоронғи кеча эди. Радиомашиналарнинг турган жойи фош бўлиб қолмаслиги учун прожекторлар ўчириб қўйилганди. Орадан бир неча минут ўтди ҳамки, Качинскийдан дарак бўлмади. Готлиб ташвишлана бошлади. У Зауерни уйғотиб, бўлган воқеани гапириб берди.

— Нима қилиб қўйдингиз!— деб қичқирди Зауер.— У Штирнернинг таъсирига тушиб қолганини наҳотки сезмаган бўлсангиз? Качинский тамом бўлди. Қанча вақт бўлди қочиб кетганига?

— Ўн минутча. Автомобилдан бамайлихотир тушганига, мен ёзилгани кетди, деб ўйлабман.

— Шунчалик ҳам гўл бўладими одам, Готлиб?— Зауер устидан чойшабни олиб ташлади, улар ишга қулай бўлсин учун устларига симдан тўқилган чойшаб ёпиб олишган эди, ва зудлик билан фикрий буйруқ тарқатди:

«Качинский, қайтинг! Качинский, қайтинг!..»

Шу пайт кутилмаганда Зауер машинадан сакраб тушди-ю, қоронғилик қаърида ғойиб бўлди.

— Биз тамом бўлдик!— Готлиб узоқлашиб бораётган Зауернинг шундай деб бақирганини эшитиб қолди.

Готлиб тўлқин таъсиридан чиқиш учун шофёрга бошқа жойга кўчишни буюрди. Айни пайтда барча аппаратлар орқали шундай фикр йўллади:

«Качинский ва Зауер, қайтинглар!..»

Бу фикр бир йўла йигирмата аппарат орқали тарқатилди. Ўн минутлардан сўнг худди рўпарасидан қаттиқ шамол уриб тургандай олдинга эгилиб, чайқалиб келаётган шарпа кўринди. Бу Зауер эди. Аммо Качинский, афтидан, таъсир марказига жудаям яқинлашиб қолган шекилли, бу ёқдан берилган буйруқлар унга кор қилмади.

— Тезроқ чойшабни ёпинглар!— деб бақирди Зауер.

Готлиб унинг устига металл чойшабни ташлади.

— Раҳмат, Готлиб. Бу гал жуда тўғри иш қилдингиз. Мени қутқариб қолдингиз... Менинг қандай аҳволга тушганимни тасаввур қилсангиз эди! Бир қадам олдинга ташлайман, икки қадам орқага... Качинский қайтмадими?

— Афсуски, йўқ.

— Бечора Качинский! Ўлди деяверинг уни... Лекин жудаям бемаврид нобуд бўлди... Усиз Штирнерни бартараф қилолмаймиз.

— Барибир курашни давом эттираверамиз, Зауер. Машиналар билан ишлашни ўрганиб олдик. Агар Штирнерни фикрий буйруқ билан қўлга тушира олмасак, қўлга қурол олиб ҳужум қилишга уриниб кўрамиз. Бутун бир отрядга ҳимоя костюмларини кийгизамиз-да, тиш-тирноғимизгача қуролланиб, уйига бостириб кирамиз. Костюмлар бизни таъсирдан сақлайди, ўқларга эса худога шукур, ҳеч қандай тўлқин таъсир этмайди... Қарабсизки, Штирнер нариги дунёга равона бўлиб турибди!

XIII. ҒАРОИИБ КЕЧА

Качинский чопавериб ҳориганидан оёғини базўр судраб, Эльза Глюк уйига етиб келди.

Афтидан, уни кутиб туришган эди. Эшиклар ланг очилди. Качинский зиналардан иккинчи қаватга кўтарилди-да, ҳаллослаганча кабинетга кириб, ўзини креслога ташлади.

Штирнер хонасининг эшиги очилди. Остонада, бошдан-оёқ симтўрга ўралган одам пайдо бўлди. Бу Штирнер эди.

— Фамилиянгиз?— деб сўради у.

— Качинский.

— Полякмисиз?

— Русман.

Штирнер бир оз жим турди.

— Сиз менинг асиримсиз,— деди у ниҳоят.— Хоҳласам, нафасингизни тўхтатиб қўйишим мумкин, унда сиз бўғилиб, ит азобида ўласиз. Хоҳласам, итоаткор бир қулга айлантираман. Хуллас сизни истаган кўйимга солишим мумкин.

— Биламан,— деди Качинский.— Сиз шундан раҳатланасизми?

Штирнер яна индамай қолди.

— Уруш шафқатни билмайди,— деб давом этди Качинский.— Мен ўлимга маҳкум бўлган одамман, лекин сизнинг ҳалокатингиз ҳам муқаррар. Модомики, шундай экан, сиздан олим сифатида бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим.

— Гапиринг.

— Мен сизнинг ихтироларингизни кўрмоқчиман. Ўз кашфиётларингизда қандай йўл тутгансиз, аппаратларингиз қандай ясалган, шуларни билмоқчи эдим.

Штирнер ҳайрон бўлиб қолди.Бир оз ўйланиб турди-да, Качинский олдига келиб, унга қўлини узатди.

Аммо Качинский унинг қўлини олмади.

Штирнер орқага чекиниб, қўлини яна симтўр ичига тиқиб олди.

— Ҳали шунақа денг! Россиядагиларнинг ҳаммаси ҳам сизга ўхшаган қаҳрамонми?— деди у истеҳзо билан.

— Қўл бермасликнинг ҳеч қандай қаҳрамонлик жойи йўқ,— деб жавоб берди Качинский босиқлик билан.— Биз иккимиз икки қутбда турган одамлармиз, менинг қўлим сизникидан анча узоқда, бор гап шу.

— Яхши. Агар ўз шерикларингизга эрталаб соат тўққизга қадар тўлқин тарқатмаслик ҳақида буйруқ беришга рози бўлсангиз, илтимосингизни қондираман, эрталабгача ҳаётингизни ҳам сақлаб қоламан.

Качинский ўйга толди. Нафсиламрини айтганда, бир неча соатлик «яраш» билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Бундан ташқари, шерикларига ўзининг тирик эканлигини маълум қилиш имкониятига эга бўлади.

— Мен розиман.

Штирнер Качинскийни фикр тарқатувчи станция жойлашган ўз хонасига олиб кирди.

— Буни қаранг-а!— деди Качинский симтўрдан ясалган ва бир одам ўтирса сиғадиган яшикни кўрсатиб.— Сизда ҳам бор экан-да, бунақа нарса?

— Ҳа,— деб жавоб берди Штирнер.— Мия тарқатадиган электромагнит тўлқинларини аниқлаш учун шу қафасда тажрибалар ўтказганман.

— Қизиқ!— деди Качинский.— Иккаламиз ҳам бир йўлдан юрган эканмиз.

— Лекин йўлимиз кейин бўлиниб кетган. Қани, штабингизга буйруқ беринг-чи.

Качинский аппарат олдига туриб олиб, буйруқ йўллади. Штирнер шу заҳотиёқ автоматик ёзув орқали буйруқнинг тўғри-нотўғрилигини текшириб кўрди.

Тўрт секунддан сўнг ўша лентага жавоб сўзлари ёзилди:

«Ҳақиқатан ҳам Качинский гапираётганини исбот қилинг»,— деган эди Зауер.

Качинский ораларида бўлиб ўтган сўнгги гап-сўзлар, шунингдек, Москвадаги суҳбат мазмунига ишора қилиб, яна тўлқин юборди. Афтидан, Зауер қаноат ҳосил қилди шекилли, қуйидагича жавоб олинди:

«Эрталаб соат тўққизга қадар ҳеч қандай тўлқин тарқатилмайди.

Зауер».

— Мана бу бошқа гап,— деди Штирнер.— Энди сизни кабинетга қамаб олиб, ҳамма чизмаларимни кўрсатаман. Ғаройиб

кеча бўлади бу тун!— Штирнер кабинетни ичкаридан қулфлаб, калитни чўнтагина солди.— Мана бу ерга, стол ёнига ўтиринг. Мен ўз хонамдан баъзи бир хабарларни жўнатишим керак.

— Ўйлайманки, яраш битимидан ўзимизга қарши фойдаланмасангиз керак.

— Хотиржам бўлинг. Шахсий, тўғрироғи, оилавий мазмундаги гап.— Штирнер бир жилмайиб, ўз хонасига кириб кетди.

Қаердадир, пастда мотор гувуллади. Чорак соатлардан сўнг Штирнер хонасидан чиқиб келди.

— Мана мен келдим!— Шундай деб, у шкафдан бир талай қоғозларни олиб стол устига ташлади.— Зериккунингизча кўринг. Бу ерда ҳатто уйнинг планигача бор. Кўряпсизми, ҳеч нарсани яшираётганим йўқ. Бақувват динамомашиналарни ертўлага жойлаштирганман.

Штирнер жим бўлиб қолди, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, кейин ўгирилиб Качинскийдан сўради:

— Менинг бу ишимдан ажабланмаяпсизми? Сизни ўлдириш ўрнига бутун ҳарбий сирларим — манави чизмаларимдан воқиф қилиб ўтирибман.

— Йўқ, ажабланаётганим йўқ. Мабодо, мени ўлдирмаган ва ўз планларингиз билан таништираётган экансиз, бу масалада ўз мулоҳазаларингиз бор. Шунинг учун бу «олижаноб» ҳаракатингиз учун ҳайратимни ҳам, миннатдорчилигимни ҳам билдиришга шошилмаяпман.

— Сиз ҳақсиз. Олижаноблигим туфайли бундай қилаётганим йўқ...— Штирнер индамай қолди. Гўё у Качинскийга бор гапни очиқ-ойдин айтишга иккиланаётгандай эди. Кейин зўр-базўр гапираётгандай бўлди:— Мен жангда ютқаздим.

— Ҳа, албатта,— деди Качинский,— сиз ютқаздингиз. Сирингиз фош бўлган кундан бошлаб,— бу сирни энди мендан бошқа одамлар ҳам билади,— сизнинг ҳукмронлигингиз тугади. Ҳокимиятингиз парчаланиб кетди, шундай бўлгандан кейин...

— Елғон!— деб қичқириб юборди Штирнер.— Ҳали ҳамма кучларимни ишга солганим йўқ. Ўз аппаратларимни мукаммаллаштириш борасида сиздан жудаям ўзиб кетганман. Сиз кўрмаган ихтироларим бор. Миллионлаб одамларнинг фикр тўлқинларини тўпловчи аккумуляция, мислсиз кучайтиргичлар... Агар буларнинг барини ишга солсам ҳаммаларингизни янчиб-эзиб ташлаган бўлардим, сизларнинг чивиннинг ғинғиллашига ўхшаш тўлқинларингизни ямламай ютиб юборардим. Станциямнинг қувватини биласизми? Эллик минг киловатт-а! Хўш, бунинг олдида сизнинг ўйинчоққа ўхшаган асбобларингиз ип эшолармикин?..

— Барибир сиз енгилдингиз!

— Тўғри, лекин сиз ўйлаганчалик техника бобида эмас.

— Нимада бўлмаса?

— Мен ўзим кўтаролмайдиган юкни елкамга олиб қўйдим. Мен бошлаган иш бемаъниликдан бошқа нарса эмас эди. Мен хоҳлаганчалик дунёга ҳоким бўлиш учун инсон машина тарқатган тўлқиннинг айнан ўзи бўлиши керак. Мен эса фақат одамман.

Чарчадим. Иродам ҳам, асабларим ҳам тугади. Енгилишим сабабларидан бири мана шу. Энди менга барибир! Ҳаммаси тамом бўлди! Манави чизмаларни олиб, хоҳлаганингизча фойдаланинг, улардан ҳамма баҳраманд бўлсин.

Штирнер соатига қараб сесканиб кетди.

— Аммо шартимизга қатъий риоя қилинг. Бу мен учун жудаям зарур. Ҳар эҳтимолга қарши — мендан хафа бўлманг — устингиздан кулфлаб қўяман, ундан ташқари, манави соқчиларни қолдираман.— Штирнер йўлбарс тусидаги учта улкан итга ишора қилди.— Булар буйруқни бажаришга ўрганишган. Билиб қўйинг, менинг хонамга кирмоқчи бўлсангиз ёки қочишга уринсангиз, итлар сизни бурдалаб ташлайди.— Штирнер шундай деб, кабинетдан чиқди-да, устидан қулфлаб қўйди.

Качинский семиз папкани очди. Унда ҳар хил математик ҳисоблар ва формулалар ёзилган қоғозлар, планлар, чизма ва схемалар бор эди. Оддий одам тушунмайдиган мана шу барча шартли белгилар Качинский учун бутун бир олам эди. Рақам ва формулалар бир зумда фикрга, фикрлар эса образларга айланди. Қатор саф тортган рақам ва ҳарфлар буларни ёзган одамнинг кучли иқтидоридан далолат бериб турарди. Качинский қоғозларга кўз югуртираркан, ғояларнинг оригиналлиги, фикрларнинг теранлиги, режаларнинг дадиллигидан, худди шахмат мухлиси гроссмейстер ўйинига қойил қолгандай, ҳайратда қоларди. У тез орада ҳамма нарсани унутиб, чизмалар ичига шўнғиб кетди.

Қоғозлар орасидан қалин бир дафтар чиқиб қолди. Бу Штирнер тутган кундалик эди. Унга муддати кўрсатилмай, қисқа-қисқа хотиралар ёзилганди. Айрим узуқ-юлуқ фикрлар, схемаларнинг хомаки нусхалари, китоблардан кўчирмалар, ҳатто ижара ҳақи билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ҳам қайд этилганди. Качинский бир неча саҳифани кўздан кечириб чиқди.

— Мен ўйлагандан кўра қизиқроқ нарса экан бу,— деб пичирлади у ва кундаликни бетма-бет ўқишга киришди...

«Янги йил. У менга нима ҳадя қиларкин? Геренинг уйига бордим. Профессорнинг таъби хира. Шимпанзе Фриц касал бўлиб қолибди ва Геренинг қўлини яралабди (тишлаб олибди).

«Дарахтдаги капалак қурти»ни ўқиб чиқдим. Агар бир қуртнинг ғашига тегилса, у ғужанак бўлиб олади, буни кўриб, ёнидагилари ҳам шундай қиларкан. Нега бундай?

Фриц анча тузалиб қолди. Геренинг яраси ҳам битиб кетди. Чол қони заҳарланишидан қўрққан шекилли. Капалак қуртлари ҳақида сўрадим. Тузук-қуруқ бир нарса демади. Шартли рефлекс эмиш. Худди бир чақалоқнинг йиғисини эшитиб, бошқа чақалоқлар ҳам йиғлаганидай гап, дейди. Лекин ҳамма гап шундаки, агарда китобда ёзилганига ишониладиган бўлса, бармоқ тегизилганидан кейин ғужанак бўлиб олган қуртни кўрмаса ҳам бошқалари шунақа қилаверармиш.

Кир ювадиган хотин кафангадо қилди: ҳар битта кир учун уч маркаю йигирма беш пфеннингдан олди! Арзонроққа ювадиган одам топиш керак. Китобга пул етмади.

Хўжайин ижара ҳақини талаб қиляпти. Уйдан кўчирворможчи. Яна таржимага киришмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Кучукни музика чалиб туриб овқатлантирдик. Мен флейта чалдим. Шартли рефлексни кучайтирдим. Ишдан кейин профессор Гере одати бўйича сайр қиларди, мени ҳам ўзи билан бирга бошлади. Йўл-йўлакай менга ғалати нарсаларни гапириб берди. Унинг айтишича, агар бир жуфт эркак ва урғочи ҳашаротни бир-биридан ажратилса, масалан, урғочисини кичкина қафасга қамаб, эркагини шаҳар ташқарисига олиб чиқиб қўйиб юборилса, у барибир урғочи ҳашаротнинг олдига қайтиб келармиш. Улар йўлни қандай топади? Профессор Гере, бунинг сираям ажабланадиган жойи йўқ, ҳашаротларда кўриш хотираси кучли бўлади, дейди. Кўпгина ҳашаротлар (масалан, асаларилар) шунақа эмиш. Менимча, бу тўғри эмас. Қўлимга ҳашарот тушиши билан тажриба қилиб кўраман, эркагини шаҳар ташқарисига ҳаммаёғи берк қутичада олиб чиқаман.

Гере, кучук миясининг ярим палласини олиб ташлади. Операция, назаримда, муваффақиятли чиқмади. Шўрлик кучук! Аввалгидан кўра баттарроқ ғингшийдиган бўлиб қолди. Унга морфийдан укол қилган эдим, анча тинчиди. Сезишимча, морфийнинг таъсири босқичма-босқич бўлди: кучук аста-секин тинчланди, тутқаноқ орасидаги ором вақти узая борди. Морфийнинг таъсири йўқолгач, яна оғриқ бошланди, лекин бу ҳолат ҳам худди ҳалигидай босқичма-босқич юз берди.

Омадим келди: таржима қилиш учун китоб беришди. Химия китоби. Жудаям қийин. Лекин шуниси ҳам борки, аванс олдим. Кўпгина қарзларимдан қутулдим: уй эгасига ижара ҳақини тўладим, баққолга бердим. Химияда анча-мунча қизиқ нарсалар бор экан. Таржима қилиб ўтириб, кўпгина кимёвий жараёнларда даврийлик мавжудлигини билиб олдим. Масалан, шиша идишга симоб қуйиб, устидан маълум қуюқликдаги водород пероксиди солинса, симоб билан водород пероксиди ўртасида кимёвий жараён бошланиб, пировардида, водород пероксиди сув билан кислородга бўлиниб кетар экан. Ёзувга қараганда, кислород ажралиши гоҳ, сустлашиб, гоҳ тезлашиб тураркан. Энг қизиғи шундаки, *заҳар ва наркотик моддалар худди инсон организмига таъсир қилганидай, мана шу даврий реакцияларга ҳам ўзига хос таъсир кўрсатади!* Бу деган сўз, инсон ва ҳайвон организмида ҳам худди шундай кимёвий реакциялар содир бўлиб туришини англатмайдими? Демак, морфий биз операция қилган кучукка таъсир қилганидай, лабораторияда ўтказиладиган шиша идишдаги реакцияга ҳам худди шундай *тинчлантирувчи* таъсир ўтказар экан-да?

Турли фанлар баъзан кутилмаганда бир-бирига яқинлашиб қолади.

Чарчаш жараёнини ўрганиш мақсадида профессор Гере билан тажрибалар ўтказдик. Масалан, кўзнинг чарчашини олайлик. Ёруғликда қизил ранг айнийди, қоронғиликда эса яна ўз ҳолатига қайтади.

Қайта-қайта таъсир қилиш натижасида асабийликни маълум

чўққигача кўтариш мумкин, аммо ундан кейин шундай бир реакция юз берадики, асабга ҳеч нарса таъсир кўрсатолмайди. Асабнинг сезгирлик даври ундаги сезувчан модданинг бутунлай бузилиб кетишига боғлиқ. (Масалан, кўздаги ана шундай сезувчан модда қизиллик экан.)

Орқа миядан тепароққа жойлашган нерв марказларига келсак, уларга электр орқали таъсир кўрсатилса, токнинг қанча муддат тутиб турилишидан ва таъсир қандай бўлишидан қатъий. назар, даврий «реакция» ҳосил бўлади. Марказдан мускулларга узатилган ҳаракатлантирувчи қўзғатишлар сони секундига 16 дан 30-гачани ташкил этади. (Бу ҳам кимёвий жараёнлардаги даврийликнинг худди ўзгинаси.)

Гере менга, итларни ўргатишга қобилиятингиз зўр, дейди. Агар циркда ишласам, таржима қилиб топганимдан кўра кўпроқ пул туширармишман. Профессор бўлишимга ҳали анча бор эмиш! Профессорлик нима қилиб берарди менга? Муҳтожлик жонимга тегди.

12 май — улуғ кун! Урғочи капалакни кичкина қафасга солиб, очиқ дераза токчасига қўйдим-да, эркагини ёпиқ қутичада шаҳар ташқарисига олиб чиқиб қўйиб юбордим. Эркак капалак қанотини майиб қилиб, учолмай қолармикин, деб қўрқувдим. Дарҳақиқат, қанотлари бир оз шикастланибди, лекин шунга қарамай, у шаҳар томонга қараб учиб кетди. Уйга қайтиб келсам ҳали қайтмабди. Тахминан бир соатлардан кейин пайдо бўлди-ю, ўзининг тутқунликдаги жуфти тепасида айлана бошлади. Икковини ҳам қўйиб юбордим. Мен лол бўлиб қолган эдим. Епиқ қутида олиб кетилган капалак шаҳарга қандай қилиб қайтиб келди? Гере хато қиляпти. Капалак аллақандай бир сезгига таяниб, топиб келган. Қандай сезги бу? Кейин қуртлар ёдимга тушди. Шерикларидан бирига нимадир хавф солаётганини улар қандай сезги билан сезишаркин? Кун бўйи бошим қотди...

Кейин бирдан жумбоқни ечгандай бўлдиму ўзимни буюк бир кашфиёт бўсағасида тургандай ҳис этдим. Балки интуиция деганлари мана шудир? Бирдан ички бир ҳиссиёт билан бир нарсани фаҳмлаш. Дарвоқе, аслида кўп нарсани кейинроқ фаҳмладим. Менинг ҳалиги ҳолатим эса узил-кесил «фаҳмлаш» эмас, балки ҳализамон муҳим бир янгиликдан воқиф бўлишимни кўнгил сезганидан туғилган бемисл қувонч эди. Интуицияни тўла-тўкис тушунмасак ҳам унинг ҳеч қандай сирли жойи йўқ. Интуиция, менимча, турли-туман таассуротлар, фикрлар, кўп йиллар давомида тўпланган узуқ-юлуқ фикрларнинг ўзаро бириккан пайтидир. Бу бирикиш мияда содир бўлади. Барча фикрлар бир системага тушиб, жамланиб, янги бир хулоса, *янги бир фикрни* вужудга келтиради. Ҳарҳолда мен буни ўз бошимдан кечирдим. Энди мен ўз кашфиётимга қай тариқа етиб келганимни тасаввур қила оламан. Капалак ва қуртларнинг хатти-ҳаракати ҳақида ўйлаб туриб, эҳтимол улар радио орқали гаплашишса керак, деган хаёл келди миямга. Албатта, уларнинг ўзига хос «табиий» радиостанцияси бўлиши керак. Мўйловлари балки антенна вази-

фасини бажарар. Бу ўхшатиш ўзимга ёқиб қолиб, шу ҳақда кўп ўйлай бошладим. Хўш, нима учун шундай бўлиши мумкин эмас? Доимо бирга юрадиган иккита капалак қандайдир сигналлар орқали ўзаро «гаплашиши» мумкин. Лекин бу сигналларни қандай энергия бир-бирига етказади? Лоақал электрни олайлик! *Ионлар*, яъни *электр энергиясини* ишлаб чиқарувчи кимёвий эритмаларни биламиз. Тирик мавжудот организмида мускуллар ва асосан, нерв ва миянинг ишлаши жараёнида мураккаб кимёвий реакциялар юз беради. Бу иш жараёни ҳам маълум бир даврийлик билан боғлиқ. Демак, нерв марказлари ионларни вақтвақти билан чиқаради ёки тўхтатиб туради. Бу ионлар ҳавога тарқалиб, иккинчи мавжудотнинг нерв системаси орқали қабул қилинади... Мана сизга радиоалоқа!

Мен ҳали узил-кесил хулосага келмаган эдим-у, лекин бу кашфиётим иккита капалакнинг бир-бири билан топишишини жўнгина тушунтиришдан кўра чуқурроқ, муҳимроқ ва аҳамиятлироқ эканлигини кўнглим сезиб турарди. Капалаклар фикримга туртки берди, холос. Эҳтимол, капалакларнинг бир-бирини топишида радионинг алоқаси йўқдир. Эҳтимол, уларда ҳид билиш ёки бизга номаълум йўналишни ҳис этиш сезгиси тараққий этгандир. Энди капалаклар қаёққа учса учаверсин, бир-бирини қандай қилиб топса топаверсин. Улар билан энди менинг ишим йўқ. Энди менинг олдимда бундан кўра муҳимроқ ва қизиқроқ тадқиқот объекти: ҳайвонлар ва одамлар турибди...»

«Қизиқ,— деб ўйлади Качинский.— Мен ҳам, Штирнер ҳам ҳар хил йўлдан борибмиз-у, аммо бир хил хулосага келибмиз. Тўғрироғи, иккаламиз икки нуқтадан иш бошлабмиз. Лекин у ҳам, мен ҳам химия, физиология ва физиканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланганмиз. Агар биз радиодан, ион назариясидан, рефлексологиядан бехабар бўлганимизда ҳеч қандай кашфиёт қилмаган бўлардик. Дунёнинг икки бурчида яшовчи олимлар баъзан бир кун, ҳатто бир соатнинг ўзида айнан бир хил янгиликни кашф қилишлари сабабига энди тушундим...»

«...Бир неча кунгача ғалати бўлиб юрдим,— деб ёзарди Штирнер ўз кундалигида.— Мен илмий кашфиёт қилдим. Буни профессор Герега айтсаммикин, йўқмикин? Ахири чидолмадим, чалачулпа қилиб бўлса ҳам унга гапириб бердим. Лекин, афтидан, профессор гапнинг асосий моҳиятини тушунди. У менга кичкина кўзойнаги тепасидан кулимсираб қараб қўйди, кулганида бир дона ҳам тиши қолмаган оғзи торайиб, мўйлови ва пастки лабининг остидаги соқоли типратикан игнасидай диккайиб кетди.

— Сизнинг фикрингизча,— деди у,— яъни сиз, ҳе... ишлаб турган, яъни фикрлаётган инсон мияси радио тўлқинлари чиқаради, бинобарин, фикрни узоқ масофага узатиш мумкин, демоқчисиз-да?

— Аниқроғи, фикрнинг ўзини эмас, мия чиқарган электр тўлқинларини узоқ масофага узатиш мумкин. Ҳар бир фикр, ҳар бир кайфият маълум частота ва узунликдаги ўзига хос тўлқин тарқатади. Бу тўлқинлар бошқа мия томонидан қабул қилиб оли-

ниб, қандай фикр ёки кайфият тарқатилган бўлса, ўшандайлигича онгда намоён бўлади.

Гере бошини қимирлатиб, диққат билан эшитиб ўтирди, гапимни тугатишим билан чертиб-чертиб сўзлай кетди:

— Бўлмаган гап! Хафа бўлмангу, азизим, қуруқ сафсата бу. Сиз хулоса чиқаришда ҳаммавақт шошасиз. Агар бундан кейин ҳам шу йўлдан борадиган бўлсангиз, сиздан ҳеч қачон тузукроқ олим чиқмайди.

— Нега сафсата бўларкан? — дедим мен хафа бўлиб.

— Чунки бу илмий гап эмас. Шунинг учун илмий эмаски, ҳали тажриба орқали исбот қилинмаган. Мана, иккаламизнинг орамиз икки қадам ҳам келмайди. Қани, бирорта фикрни менга ўтказиб кўринг-чи!

Мен сал шошиб қолдим.

— Бунинг учун бизнинг «станция»ларимиз, яъни мия ва нервларимиз бир-бирига тўғриланган бўлиши керак.

— Хўп, тўғриланг! — деди Гере тантанавор бир қиёфада.

— Уларни радиоприёмник тўлқинларига ўхшаш тўғрилаб бўлмайди. Лекин яқин одамлар орасида бундай мослик кўп учрайди. Бунақа ажойиб-ғаройиб ҳодисалардан қанчасини эшитганману...

— Ҳар турли кўзбоғламачилик, фолбинлик, сеҳргарлик ва шунга ўхшаш ҳийла-найрангларни айтяпсизми? Эҳтиёт бўлинг, азизим. Сиз жудаям қалтис йўлга тушиб қолибсиз.

— Лекин менинг назариям билан бунақа ҳийла-найрангларни нима алоқаси бор?

Мен ранжидим-у, аммо умидсизликка тушмадим.

Яна пулдан қийналиб қолдим... Хўжайин уйдан кўчириб юбормаса гўрга эди.

Барибир мен ҳақман. Ўзимнинг ҳақлигимни Герега исбот қилмасдан қўймайман. Аммо қандай қилиб тажриба ўтказамикин-а?

Эртага таржимамнинг қалам ҳақини беришмоқчи.

Гере кучукларни ўргатиш қобилиятимга ажабланяпти. У бу ишимнинг сирини билмайди. Мен кучукларни шартли рефлекс асосида ўргатмайман. Менинг усулим бошқача. Мен уларга таъсир ўтказаман.

Бу таъсирнинг сири шундан иборатки, мен буйруғимни ижро этиш учун ит бажариши лозим бўлган ҳар бир ҳаракатни ипидан-игнасигача кўнглимдан ўтказаман. Кеча қизиқ воқеа бўлди. Гере минғирлайвериб, насиҳат қилавериб жонимга тегувди, Вега (Герени ўлгудай яхши кўрадиган кучук) ҳозир бориб уни бир тишласа эди, деган ўй хаёлимга келди. Одатим бўйича, кучук чопиб бориб Геренинг почасидан олишини аниқ тасаввур қилдим. Нима бўлди денг? Вега ростдан ҳам қаттиқ акиллаганча Геренинг олдига чопиб борди-ю, шимини дабдала қилиб ташлади. Ахир бу фикрни олисдан туриб узатиш эмасми? Гере ниҳоятда хуноб. Веганинг хатти-ҳаракати биз ўргатган ҳар қандай рефлекс доирасидан ҳам чиқиб кетгани учун Гере уни қутурган деб ўйла-

япти. Шўрлик кучукни махсус камерага қамаб қўйиб, кузатиш олиб боряпти. Аммо олдига сув қўйса Вега пинагини бузмай ичганини кўриб, ажабланади. Менинг кулгим қистайди, Вега бўлса қамаб қўйилганидан ҳайрон. Ахир итнинг нима учун бундай қилганини тушунтиролмайман-ку! Қизиқ! Герега фикрни узоқ масофага узатиш мумкинлигини исбот қилмоқчи эдим, энди яна шунақа шароит туғилишини кутиш керак. Дарвоқе, шароитни яратса ҳам бўлади. Энди Геренинг кўз олдида тажриба қилиб кўраман. Майли, бу гал Геренинг ўзи топшириқ берсин, масалан, кучукка фалон марта акиллашни буюрсин.

Йигирма марка қарз олдим. Ижара ҳақини тўладим.

Вега ҳалиям «қамоқ»да. Девор орқасида туриб, хаёлдан унга уч марта акиллашни буюрдим. Ҳар доим фикрий буйруғимни бехато бажарадиган кучук бу гал парво ҳам қилмади. Нима учун бундай бўлди?

Сабабини топдим. «Камера» деворларига тунука қопланган, тунука эса канализация трубасига тегиб турарди. Қойил! Тажриба қилишим учун тақдирнинг ўзи менга ёрдам беряпти: мен тарқатган фикр тўлқини тунука қопланган деворга урилиб, канализация трубаси орқали ерга ўтиб кетар экан. Агар хоҳлаганда ерга улаб, хоҳлаганда ердан ажратиб қўйиладиган темир қафас ясасам-да, ана шу қафаснинг ичига ўтирволиб, итга таъсир ўтказсам-чи? Унда..»

— Қизиқ!— деб пичирлади Качинский.— Темир қафас ясаш фикри унда шу тариқа пайдо бўлган экан-да!

Штирнер, афтидан, анча пайт кундаликни қўлига олмаган шекилли, кейинги ёзувлар унинг Карл Готлиб ихтиёрида ишлаган пайтига алоқадор эди.

«Менинг ҳурматли хўжайиним Карл Готлиб,— деб ёзарди Штирнер,— жудаям итга ишқибоз. Қизиғи шундаки, итлар туфайли биз яқинлашиб кетдик, шулар туфайли менинг мартабам ошди. Мен у билан Геренинг уйида танишганман. Улар мактабдош ва тенгқур экан, лекин икковига қараб туриб, сираям унақа деб ўйламайди киши: Геренинг шарти кетиб парти қолган, Готлиб эса қирчиллама йигитга ўхшайди. Готлиб менинг ўргатилган кучукларимга қизиқиб қолиб, уйига таклиф қилди. Гереникига у йилига бир марта келарди. Шунинг учун ҳам мен банкир билан илгарироқ учрашмаганман. Мана энди, кимсан — Карл Готлибнинг шахсий секретариман! У мендан хурсанд, мен — ундан.

Қария Гере билан алоқамиз аллақачон узилиб кетган. Афсуски, мен унга фикрни узоқ масофага узатиш мумкинлигини тажрибада исбот қилиб беролмадим. Майли, қайтанга яхши. Мустақил ишлаяпман. Бу номи улуғ қариялар ёшларнинг меҳнатига шерик бўлишни яхши кўришади. «Гере лабораториясида синаб кўрилди... Гере раҳбарлиги остида ундай қилинди, бундай қилинди...» Ҳамма шуҳрат Гереники. Дарвоқе, ҳозир мени шуҳрат эмас, ундан кўра муҳимроқ нарса қизиқтиради. Темир қафас ичидан туриб таъсир ўтказишни ўзимча синаб кўриб, шундай хулосага

келдимки, фикр қилинаётган пайтда электр тўлқинлари ҳосил бўлар экан. Энди ана шу тўлқинларнинг хусусиятларини ўрганишга киришиш керак.

Ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди. Кечасилари инсон мияси тарқатадиган радиотўлқинларни тутувчи аппарат ясаш билан оворaман. Бу жуда қисқа тўлқинда ишловчи, ниҳоятда сезгир приёмник бўлиши керак. Унинг диапазони қирқ сантиметрдан бир метргача узунликдаги тўлқинга мослашган бўлиши лозим.

Мана схемаси.

Эльза Глюк! Ажойиб қиз. У билан юрисконсультимиз (фамилияси нуқул эсимдан чиқиб қолади) орасидан ола мушук ўтганми дейман. Аммо Зауер! Глюк билан Зауернинг муносабати жуда илиқ. Эҳтимол қайлиғидир? Ўша кулча юзнинг нимаси ёқаркин қизга?

Ишим юришмади! Приёмник радиотўлқинларни қабул қилмади. Бошқатдан ясайман. Энди кечалари ишлаяпман. Кечқурунлари университетда анатомия билан физиологияни ўрганяпман, лекин бу фанларни радиотехника нуқтаи назаридан таҳлил қиляпман. Қизиқ! Одам танаси худди қабул қилувчи ва тарқатувчи радиостанцияга ўхшайди!

Лекин бу радиостанцияни ўрганиш учун аввал радиотехника билан шуғулланишимга тўғри келди. Жин урсин, эртага балки астрономияни ўрганиш зарур бўлиб қоладими! Яхшиямки, энди уй эгаси ижара ҳақини сўраб, жонимга тегмайди. Готлибникида яшайман, маошим яхши. Шунча азоблардан кейин ўзимни подшодай ҳис қиляпман. Машиналарим учун зарур нарсаларни сотиб олишга қурбим етади.

Эльза Глюк. Глюк — бу бахт. У кимники бўларкин? Наҳотки кулча юз илиб кетса?

Яна бошим қотди. Ҳуштак аралаш аллақандай вағиллаган овоз эшитиляпти. Балки «фикрлар музикаси»дир бу? Четдан ҳеч қандай таъсир бўлмаслиги учун хонани ташқи оламдан ажратиб олиш керак.

Хайрият!..

Глюк менга сираям эътибор бермайди. Фит — худди қўғирчоққа ўхшайди, чиройли, аммо ношудроқ. Зауерни яхши кўриб қолганга ўхшайди. Лекин унинг хаёли Эльзада. Бунга энди шубҳа йўқ. Эмманинг ҳоли нима кечади? Шўрлик қиз!

Ишим кўнгилдагидай кетяпти! Ажабланадиган жойи йўқ. Биз ўз фикрларимизни хатда, газетада ҳарфлар орқали ифода этамиз-ку. Энди мен учун фикр ва туйғуларнинг бошқача тили, бошқача ифодаси бор. Тўлқин узунлиги — эн. Икс частотаси — қўрқув. Қўрқув туйғусининг радиотўлқини мана шу. Қувонч туйғусиники бошқача. Афтидан, ҳадемай сунъий равишда туйғулар ҳосил қилиб, радио орқали тарқатсам керак. Хоҳласангиз, қувонишингиз, хоҳласангиз, йиғлашингиз мумкин. Қизиқ! Ҳайвонлар туйғусининг радиотўлқинлари одамлар ҳиссиётининг (қўрқув, қувонч ва ҳоказо) худди ўша хилдаги тўлқинларига жудаям ўхшаб кетади.

Йўқ, бу фавқулодда бир иш бўларди!!!

Жин урсин! Зўр-ку! Мен ўзимни-ўзим осмонга олиб чиқиб қўйяпман. Кичкина радиостанция ясаб, кучукнинг қайғусига мос келадиган тўлқин тарқата бошладим. Энди аппаратим инсон ва ҳайвонлар мияси тарқатган электр тўлқинларини жуда аниқ ёзиб оляпти. Ҳозир қўлимда бутун бошлиқ тўлқин — ҳиссиёт — фикр «луғати» бор. Бир гал ўз «граммофон»им — жажжи станциямни қайғу пардасига мослаб қўйдим. Станция кучук қайғусини англатадиган радиотўлқин тарқата бошлади. Станция ёнига стул қўйиб, унга Фалькни ўтқазиб қўйдим. Ит радиотўлқинларни яхшироқ қабул қилиши учун стул изоляция қилинган эди. Хўш, кейин нима бўлди денг? Фальк бирдан маъюсланиб, увиллай бошлади! Радиотўлқинлар унга таъсир қилган эди! Суюнганимдан итни бағримга босиб, хонани гир айланиб чиқдим.

Сал ўзимни босиб олганимдан кейин тажрибани такрорламоқчи бўлиб, итни тўсиқ орасига ўтқаздим. Аммо Фальк миқ этмади. Афтидан, у яқин масофадаги тўлқинларнигина қабул қилса керак. Агар радиостанциянинг тарқатиш қувватини оширсам-чи?

Эльза Глюкка сираям тушунмайман. Лекин у мени нега бунчалик қизиқтириб қолди? Балки севиб қолгандирман! Бўлмаган гап! Ҳозир бунақа аҳволда эмасман.

Ғалати ҳодиса! Мен ўзимни ғамгин ҳолатга солдим. Аппаратим миям тарқатган ана шу маъюс тўлқинларни ёзиб олди. Кейин бу тўлқинни аппаратим орқали кучайтириброқ тарқатдим. Ўзимни ҳар қанча қувноқликка солсам ҳам аллақандай ғусса бостириб келаверди. Ростини айтсам, ўша пайт Фалькка ўхшаб увиллашга ҳам тайёр эдим. Ўзим-ўзимга қайғу тўлқинини тарқатган эдим. Қизиғи шундаки, хафа бўлишимга ҳеч қандай сабаб йўқ эди, бу қайғу сунъий равишда яратилган эди. Хўш, буни нима дейиш мумкин? Ўз-ўзини гипноз қилишми? Менимча, юқоридаги ҳодиса таъсир қилиш ёки ўзига-ўзи таъсир қилишдан бошқа нарса эмас. Гипноз билан ўхшашлик томони шундаки, мазкур ҳодисада ҳам у ёки бу фикр ва кайфиятнинг муқаррар таъсири бор. Лекин бу ўринда биз гувоҳ бўлган ҳолат механик усулда вужудга келтирилган, яъни нерв тўқималарида сунъий равишда муайян фикр ёки кайфиятга алоқадор электрохимик жараён қўзғатилади, натижада онгда айнан ўша фикр ёки кайфият ҳосил бўлади. Ажойиб механика!

Аммо бундан кейинги тажрибаларимни қандай амалга ошираман? Ўзим четда қолиб, бошқаларга таъсир ўтказиш учун нима қилишим керак? Бунинг иккита йўли бор: биринчиси, йўналтирилган тўлқин ва иккинчиси, изоляция (бошга симтўр кийиб олиш).

Тўрнинг фойдаси бор. Йўналтирилган тўлқин билан ишлаб кўраман. Бунинг учун қанақа антенналар қулай? Менимча, нурни маълум нуқтага тўпловчи фокуснусха антенналар ясашим керак. Шунда тўлқинни кучайтириб тарқатиш мумкин бўлади.

Ўзимни босишга ҳар қанча уринсам ҳам баъзан ақлим шошиб қолади: олдимда қандай истиқболлар очиляпти! Эльза!..

Кечаги тажриба. Фалькка фикран нариги хонадан китоб олиб келиб беришни буюрдим. Буйруқни станция қабул қилиб олиб, кейин тарқатди. Фальк буйруқни бажарди. Мен китобни жойига олиб бориб қўйдим-да, тўлқинни яна такрорладим, яъни бу гал ўзим ҳеч қанақа фикрий буйруқ бермадим, фақат аппарат орқали бояги мазмундаги тўлқинни қайтадан тарқатдим. Фальк яна китобни олиб келиб берди. Бу радиотўлқинлар худди овоз пластинкага ёзилгандай, аппаратга ёзиб олинади. Энди ричагни бир айлантириш билан қайтадан буйруқ бераверишим мумкин.

Бугун ғалати бир тажриба ўтказдим. Одамга фикран буйруқ беришга уриниб кўрдим. Карл Готлибникида Ганс деган кекса бир хизматкор яшайди. Мен хаёлан унга хонамга келишни буюрдим. Ўзимни эса Ганснинг ўрнида тасаввур қилиб, унинг хонасидан менинг хонамгача бўлган бутун йўлни, у қилиши лозим бўлган ҳар бир хатти-ҳаракатни кўз олдимга келтириб турдим, қисқаси, худди Фалькка таъсир ўтказган пайтимдаги ҳолатга кирдим. Аммо Гансдан дарак йўқ эди. Бунга ажабланмадим. Чунки мен билан Фальк ўртасида аллақачон алоқа ўрнатилган. Бундан ташқари, Фалькка яқин масофадан туриб таъсир ўтказганман. Мия тарқатадиган радиотўлқинларнинг қуввати жуда оз, шунинг учун бу тўлқинлар бошқа бировнинг миясига етиб бориб, у ерда айнан бир хил электр тебранишларини қўзғатиши амримаҳол. Ганс билан мен тамомила бошқа-бошқа одамлармиз. Эҳтимол, унинг мияси — қабул қилувчи станцияси — менинг миям тарқатган сигналларни қабул қилолмагандир. Шундан кейин мен ўша буйруқнинг ўзини радиостанция орқали кучайтириб тарқатдим. Натижасини юрагимни ҳовучлаб кутиб турдим. Епирай, тушимми-ўнгимми, йўлакда Иоганнинг шипиллаган қадам товушлари эшитилди: у эскитдан оёқ оғриқ, шунинг учун нуқул таги юмшоқ пойабзал кийиб юради. У мен ўтирган хона эшигини тақиллатмасдан очди-ю (илгари сира бундай қилмасди), бирдан хижолат бўлиб остонада тўхтаб қолди. Унга бундан кейин нима қилиш кераклигини буюрмаган эдим. У қўққисдан кириб келганини оқлашга уринди.

— Узр, назаримда... чақиргандай бўлдингиз...— деди у оғирлигини бир оёғидан иккинчисига солиб.

— Ҳа, ҳа,— дедим мен шошиб, чолни хижолатдан қутқариш учун.— Жаноб Готлиб клубдан қайтдиларми-йўқми, шуни билмоқчи эдим.

— Улар ҳали келишгани йўқ,— деб жавоб берди Иоганн енгил тортиб. У энди менинг чақирганлигимга шубҳа қилмасди. Бояги ўнғайсиз ҳолатдан унда энди асар ҳам қолмаганди.

— Раҳмат, Иоганн, бораверинг.

Чол таъзим қилиб, чиқиб кетди. Мен-чи? Мен уни орқасидан қувиб бориб, бағримга босишга, худди маъюсликдан увиллаб юборган Фальк билан бўлганидай, хонани чарх уриб айланишга тайёр эдим.

Тажриба муваффақиятли ўтди! Бу нимани билдиради? Бу деган сўз энди мен бошқа одамларга ҳам ҳукмимни ўтказа оламан. Уларга кўнглимга келган ишни қилдираман. Ҳамма нарсага қурбим етади! Мендан қудратли одам борми дунёда?

Хоҳласам, одамлар ўз бойликларини келтириб, оёқларим остига ташлашади. Хоҳласам, мени қирол, император қилиб сайлашади. Лекин тож-тахтни бошимга ураманми! Мени дунёнинг энг сулув қизлари севиб қолиши мумкин... Эльза! Йўқ, йўқ... Бундай қилмайман, Штирнер, эс-ҳушингни йиғ! Ўзингни бос, Штирнер, акс ҳолда оқибати яхши бўлмайди! Штирнер! Кечагина бир бурда нонга зор студент эдинг, кейин профессор Герега аспирант бўлдинг... Отбашара, ўртамиёна бир одамсан... Тасодифан илмий кашфиёт қилиб, дарров ҳокимият, шуҳрат, муҳаббат ҳақида орзу қиляпсанми?!

Кеча сайрга чиқдик: мен, Эльза Глюк, Эмма Фит ва Зауер. Афтидан, кўп ортиқча гапларни гапирвордим шекилди. Ярми ҳазил, ярми чин қабилида Эльзага оғиз солдим. Шунақа бўлиши ҳам керак эди ўзи... Мен билан ҳазиллашмасин-да! Лекин ҳазиллашгани ҳам йўқ эди. Нега Зауер менга ғолиб чиққан одамдай қарайди? Аппаратимнинг кучини унда ҳам бир синаб кўрмасам, кўнглим жойига тушмайди».

«Ёзмаганимга қанча вақт бўлди-ю! Хотиним яна хафа. Станциямнинг қувватини янада оширишим керак.

Катта ўйин бошлаб қўйдим. Ё бўйним узилади, ёки...

Нега ақл-идрок билан иш тутмадим? Энди ўзимни тўхтатишим қийин, ўйинга қаттиқ берилиб кетдим. Чарчадим, доимий асабийликдан тинкам қуриди.

Бу кундан ўлганим яхши! Профессор Гередан юз ўгирмасам бўлар экан!

Уруш!..

Етади! Ҳолдан тойдим. Ўйинни тугатиш керак...»

XIV. ЎЙИН ТУГАДИ

Эльза Глюк қишки залда бошдан-оёқ симтўрга ўралиб ўтирарди.

Қаердадир момақалдироқ гумбурлар, унинг олис гулдуроси қўшни залда бўғиқ акс садо берарди. Ҳаво дим эди. Эльза ҳар вақтдагидай Людвигни ўйлаб ўтирганидан, унинг қадам товушларини эшитиб сесканиб кетди. Штирнер қишки залга кирди-ю, эгнидаги металл чойшабни олиб ташлади, кейин Эльзанинг олдига келиб, унинг устидан ҳам худди шундай ёпинчиқни олиб қўйди.

— Бугун бу ёқимсиз кийимдан дам олсак ҳам бўлади, Эльза. Уф!— У енгил тин олди.

Эльза анчадан буён Штирнернинг юзига қарамаган эди, ҳозир башараси бу қадар ўзгариб кетганини кўриб, ҳайрон қолди. Унинг кўзлари худди касал одамникидай ич-ичига тортиб, бурни

баттар бесўнақай бўлиб кетган эди. Соч-соқоли ҳам бир аҳволда эди.

— Жудаям ўзгариб кетибсан, Людвиг! Таниёлмай қолдим сени!

Штирнер жилмайди.

— Қайтанга яхши. Тарки дунё этган дарвишга ўхшайман-а, ростдан? Юр, Эльза... Бирор нарса чалиб бер... кўпдан буён музика эшитганим йўқ... Охирги марта...

Улар залга киришди. Эльза роял ёнига ўтириб, Шопеннинг «ноктюрн»ини чала бошлади.

— Тўхта, Эльза... Тўхта... буни эмас. Момақалдироқ яқинлашиб келаётган пайтда ҳам шунақа майин, мунгли куйни чаладими одам? Момақалдироқ овозини эшитяпсанми? Момақалдироқ! У бировларга куч бағишлаб, бировларни нобуд қилади... Бугун кечаси Штирнер тамом бўлади...

Эльза саросималаниб ўрнидан турди.

— Нималар деяпсан, Людвиг? Одамни қўрқитмасанг-чи!

— Ҳечқиси йўқ... Эътибор берма... Тун бўйи ҳаммасини билиб оласан... Сен билан кўп нарсалар ҳақида гаплашиб олишимиз керак... Чал тезроқ... Бетховеннинг қаҳрамон ўлимига бағишланган мотам маршини чал. Қаҳрамон! Ха-ха-ха!

Эльза шу куйни чала кетди.

Штирнен бармоқларини уқалаганча катта-катта қадам ташлаб, залда у ёқдан-бу ёққа юрарди.

— Шармандаси чиққан қаҳрамон ўлимига бағишланган мотам марши... Айтишларича, Бетховен уни Наполеоннинг ўлимига бағишлаб ёзган экан, кейин ундан кўнгли қолиб, маршни оддийгина қилиб: «Қаҳрамоннинг ўлимига», деб атаб қўя қолибди. Нима демоқчи эдим-а? — Штирнер соатига қараб, деди: — Бўлди, Эльза. Саноқли минутлар қолди. Энди мени ўп, аввалгиларига ўхшамайдиган қилиб, қаттиқ ва астойдил ўп.

Штирнер Эльзанинг лабларидан узилди.

— Ширин хомхаёл!..

Соат тунги ўн иккига занг урди.

— Тамом! — деб пичирлади Штирнер.

Шу лаҳзанинг ўзида Эльза аъзойи бадани ғалати бўлиб кетаётганини сезди. Гўё вужудидан сўнгги пайтларда ўзи кийиб юрган симтўрга ўхшаш аллақандай бир парда сидирилиб тушаётгандай эди. Фикри тиниқлаша бошлади. У бирдан илгариги, Карл Готлиб ўлимидан олдинги Эльзага айланиб қолди. У нимқоронғи, бефайз залга таажжубланиб кўз югуртирди. Чақмоқ ярқ этиб Штирнернинг юзини ёритган эди, қиз рўпарасида турган серсоқол, нотаниш одамни кўриб қўрқиб кетди.

— Нима бу? Қаердаман? — деди у ваҳимага тушиб.— Кимсиз?

Штирнер ачиниш аралаш бир синчковлик билан бу ўзгаришни кузатиб турган эди.

— Бу марҳум банкир Карл Готлибнинг зали. Стенографистка

Эльза Глюк бу залда ҳеч қачон бўлган эмас... Қаршингизда турган одам эса Людвиг Штирнер. Таниянсизми мени? Эльза!.. Мен сизнинг олдингизда гуноҳкорман, лекин кечирим сўрамайман. Менга тасалли берадиган бирдан-бир нарса шуки, мен сизни ростдан ҳам севардим... Ҳозир ҳам севаман... юрак-юрагимдан севаман...

Эльза рояль ёнида турган думалоқ стулга ўтирди-ю, ўзини орқага ташлаб, даҳшат ичида Штирнерга тикилди.

— Менга бунақа ёмон қараманг, Эльза! — Штирнер фикрини бир ерга тўпламоқчи бўлгандай пешонасини ишқалади.— Ҳа, сизни севаман. Мени жиноятга биринчи бўлиб судраган шу севги эмасмиди? Ўзим билан ўзим кўп курашдим. Сайр пайтида, қайиқда бўлиб ўтган суҳбатимиз эсингиздами? Ўшанда мен сизга қудратли кучга эгалигим ҳақида гапирган эдим. Бу қуруқ гап эмас эди. Мен ҳақиқатан ҳам шундай қудратга эга эдим. Мен бошқалардан олдин фикрни узоқ масофага узатиш усулини топдим. Дунёда ҳали бирорта ҳам одам эга бўлмаган кучга эга бўлдим. Ана шундан... бошим айланиб қолди. Миямда бир-биридан буюк режалар туғила бошлади. Ана шу кучдан фойдаланиб, сизда ўзимга нисбатан муҳаббат уйғотдим.

Эльзанинг юраги ўйнаб, орқага тисланди.

— Зауерни эса Эммага хуштор қилиб қўйдим. Мен одамларни қўғирчоқдай ўйнатдим, уларнинг бурнидан ип ўтказиб, хоҳлаган кўйимга солдим. Бадавлат бўлмоқчи эдим, давлат ўз оёғи билан келди. Ҳали ўз қудратимга тўла ишонмаган пайтларимда анча эҳтиёткор эдим. Мен қинғир йўл танладим. Қинғир йўл эса манзилга тезроқ етказади. Ўшанда, қайиқда ҳам сизга бу ҳақда гапирганман. Ўзимда шубҳа туғдирмаслик учун шундай қилдимки, Готлибнинг меросини мен эмас, сиз олдингиз, мен бўлсам... беҳисоб сепингиз билан сизни олдим! Ха-ха-ха!..

Эльза Штирнерга бақрайиб тикилиб қолди.

— Мен одамларга кўп ёмонлик қилдим. Аммо мени бировга озор бериб, роҳат қилар экан бу, деб ўйламанг. Мен буюк одам бўлмоқчи эдим. Ўзимга ҳукмронлигимнинг чеки йўқдай туюлди. Кўнглим шуҳратни тусаса, атрофимда одамлар қарсак чалиб турадигандай, энг бемаъни асарларим ҳам каттаю кичикнинг оғзидан тушмайдигандай бўлиб кўринди. Ахир бунинг турган-битгани сохта шуҳрат, худди сизга зўрма-зўраки юқтирилган муҳаббатдай ўз-ўзини алдаш эди-ку!

Штирнер бирдан бошини эгиб, ҳалигидай ўкинч билан давом этди:

— Мен ўзимни Торга ўхшатаман. Эльза, скандинавияликларнинг худо Тор ҳақидаги афсонаси ёдингиздами? У ҳам менга ўхшаб, ўзини ҳаммадан зўр деб ҳисобларкан. Кунлардан бир кун у баҳайбат одамлар яшайдиган мамлакатга бориб қолибди. Улар унинг паканалигидан кула бошлашибди. Торнинг жаҳли чиқиб, ўз кучини синаб кўришни таклиф этибди. Шунда улар: «Қани, мана шу мугуздаги сувни ичиб тамом қил-чи»,— дейишибди. Тор сувни шунча ичгани билан сира тугамас эмиш. Кейин баҳайбат

одамлар уни бир кампир билан курашга солишибди. Тор ҳарчанд урингани билан ҳатто тиззасигача ерга кириб кетибди ҳамки, кампирни енголмабди. Мугузнинг бир учи денгизга уланган экан. Кампир эса нақ ўлимнинг ўзи экан. Мен ҳам Торга ўхшаб, денгиздаги сувни ичиб тугатмоқчи бўлдим, бир ўзим тарих ғилдирагини орқага айлантиришга уриндим, инсониятга ўз ҳукмимни зўрлаб ўтказишни мақсад қилиб қўйдим. Ўз машиналарим ёрдамида «бахт фабрикаси»га ўхшаш бир нарса яратмоқчи эдим, аммо бу уринишларимдан фақат сароб пайдо бўлди.

Штирнер асабийлашиб соатига қараб қўйди.

— Назаримда, ўтлаб кетдим шекилли... Айтадиган гапларим кўп... Эльза, қанчалик қийналганимни билсангиз эди. Таланган тозидай бир бурчакка биқиниб олганман, атрофимда сон-саноқсиз душман, ҳар доим олазаракман, муттасил асабийликдан аъзойи баданим қақшаб кетди.

Лоақал бирорта дўст — самимий, садоқатли дўст ёнимда бўлганда эди... Лоақал сиз ўзим яратган сохта севги билан эмас, ростакамига севганингизда эди, мен курашни давом эттирган бўлардим. Лекин мен ёлғизман. Чарчадим... Тинкам қуриди!..

Штирнер бошини хам қилганча жим бўлиб қолди.

Эльза Штирнерга қараб туриб, унинг рангпар, ҳорғин чеҳрасида бирон-бир сирли, даҳшатли аломатларни сезмади. Бу ҳаддан ташқари толиққан, асабий бир одамнинг чеҳраси эди. Штирнер ким ўзи? Эҳтимол, талантли ихтирочи ва экспериментатору, аммо тасодифан одамларни ўз иродасига бўйсундириш усулини топиб олиб, ўз «қудрати»дан эс-ҳушини йўқотаёзган ўртамиёна бир одамдир. Жаҳонга ҳоким бўламан деб у минглаб бемаъниликлар қилган, аммо елкасига ўзи кўтаролмайдиган юкни олиб қўйиб, пировардида, ана шу юк остида эзилиб, адойи тамом бўлган. Эльза буни ақли билан эмас, юраги билан ҳис қилди. Унинг қаршисида фожиавий қаҳрамон, ғайритабиий инсон эмас, балки ўз хатоларининг жабрини тортаётган маҳзун бир одам турарди. Эльза Штирнерни мана шу аҳволда кўпроқ англарди, шунинг учун ҳам унга ичи ачиб кетди.

— Сиз ҳақиқатан ҳам эзилишингиз керак эди!— деди у шивирлаб.

— Миннатдорман! Сизнинг бу ҳамдардлигингиз мен учун сунъий бўсаларингиздан кўра минг марта афзал!.. Ҳа, мен ўлгудай чарчадим. Шунинг учун ҳам...— Штирнер бир оз тин олгач, давом этди:— Курашни тўхтатишга аҳд қилдим. Умуман, ҳамма нарсага чек қўяман, Штирнерни ҳам ўлдираман.

У яна соатига қаради.

— Штирнернинг бир неча минутлик умри қолди, холос.

Эльза унга ваҳима билан қаради.

— Заҳар ичдингизми?

— Ҳа, заҳар ичдим, лекин бу бутунлай бошқача заҳар. Ҳозир ҳаммасини биласиз...Лекин Штирнерни йўқотишдан аввал сизнинг олдингиздаги гуноҳимни озгина бўлса ҳам ювишга ҳаракат қилдим. Сизни олдинги ҳолатингизга қайтардим. Кечаси соат ўн

бирда станциям орқали сизга тўлқин йўллаб, роппа-роса соат ўн иккида аввалги ҳолатингизга қайтишни буюрдим. Энди сунъий ҳаёт кечиришдан халос бўлдингиз. Сиз эркин одамсиз. Хоҳлаганингизча яшанг, хоҳлаган одамингизни севинг. Бахтли бўлинг.

Эльза чуқур хўрсинди.

— Штирнер-чи? Софдил одамлар қўл беришга ҳазар қиладиган Штирнернинг тақдири нима бўлади?— давом этди у.— Штирнер ўлиши керак. Мен машинамга буйруқ бериб, бор қувватини ишга солиб келдим. Роппа-роса соат бирда,— Штирнер яна соатига қаради,— атиги олти минутдан кейин машина Штирнернинг Штирнерга буйруғини тарқатади. Шундан кейин Штирнер ўзининг Штирнерлигини унутади. У шахс сифатида тамом бўлади. Ҳаётидаги ҳамма воқеалар эсидан чиқади. У онги бутунлай ўзгача янги одам бўлади. У одам — Штерн. Штерн Штирнер буюрган томонга қараб бошини олиб кетади. У ҳатто ўзининг онгсиз ҳаётидаги темир қафас ичида хор-зор бўлган Штирнер борлигини хаёлига ҳам келтирмайди! Бу ўлим... Тафаккур ўлими!

— Лекин сизни тутиб олишлари мумкин!— деди Эльза беихтиёр ташвишланиб.

— Шу алғов-далғовда Штирнерни ким таниб ўтирибди? Соқол қўйиб юрганимни ҳеч ким кўрган эмас. Ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйганман. Бугун кечаси душманлар тўлқин тарқатишмайди. Мабодо тарқатишган тақдирда ҳам аллақандай Штерн учун бунинг хавфли жойи йўқ. Штирнерга эса бошқа тўлқин йўналтириб қўйилган, бу тўлқин унинг онгини аниқ нишонга олиши керак. Штирнер йўқ бўлади...

Эльза бақрайганча унга тикилиб турарди. Гўё мана ҳозир аллақандай бир сирли ҳодиса юз берадигандай эди.

— Яна бир гап, Эльза. Мен кетганимдан кейин бу ерда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетади. Эҳтимол, сизнинг барча бойлигингизни тортиб олишар. Шуни ўйлаб, қийналиб қолмаслигингиз чорасини кўриб қўйганман. Мана бу ерда,— Штирнер Эльзага пакет узатди,— йўлкира ва бир одамнинг адреси бор. Унинг номига катта миқдорда пул ўтказиб қўйганман. Сизнинг номингизда пул сақлаш хавфли. У одамга кучли таъсир ўтказганман, зеро, пулдан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ўша ёққа боринг. У ер жудаям узоқ. Лекин шуниси маъқул. Шунча ташвишлардан кейин дам олишингиз керак. Бўлди! Алвидо, Эльза!..

— Тўхтанг, битта саволим бор... Айтинг-чи, Штирнер, Карл Готлибнинг ўлимида сизнинг қўлингиз борми-йўқми?

Соат бирга занг урди. Бирдан Штирнернинг афти буришиб, кўзлари олайиб кетди. Вужуди титраб-қақшай бошлади. У роялнинг бир четига ёпишиб, энтикиб-энтикиб нафас оларди.

Эльза юрагини ҳовучлаганча бу ўзгаришни кузатиб турди.

Штирнер бир хўрсинди-ю, аста-секин ўзига кела бошлади.

— Саволимга жавоб берсангиз-чи, Штирнер!

Штирнер унга тамомила ҳайрат билан боқди, кейин аллақандай янги ва хотиржам овоз билан деди:

— Афв этасиз, хоним, сизни таниёлмай турибман, қанақа

савол тўғрисида гапираётганингизга ҳам тушунмаяпман.— Шундай деб, Штирнер таъзим қилди-да, битта-битта босиб залдан чиқиб кетди.

Эльза анграйиб қолди. Штирнер ғойиб бўлган эди.

XV. ЧИЛ-ЧИЛ БЎЛГАН АКВАРИУМ

Эльза тун бўйи мижжа қоқмади. Тонг ёришган пайтда ҳам у ўша жойида, рояль ёнида ўтирарди. Тунги воқеа уни қаттиқ ларзага солган эди. У Штирнер онгига сингдирган чигал, алғовдалғов фикрлар ҳақида ўйларди. Эльза Карл Готлиб ўлимидан сўнг рўй берган воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказди: Штирнердан қочишга беҳуда уринганлари, кутилмаганда уни севиб қолиши, Ментона сафари. Аммо у буларнинг ҳаммасини ўзига алоқаси йўқдай, гўё аллақандай бир романда ўқиган воқеалардай эсларди. Зауернинг қайлиғи бўлиб юрган пайтларини ҳам у аниқ кўз олдига келтирди. Аммо ўтмишдаги бу ҳодисада ҳам энди нимадир ўзгарган эди. Эльза Зауер ҳақида ўйларкан, уни ҳали ҳам севишини ҳис қилди. Лекин бу севги илгаригисига ўхшамасди: Зауернинг образи анча хиралашиб қолган эди. Унга нима бўлдийкин? Наҳотки ўзгариб кетган бўлса? Аслида қанақа одам эди ўзи? Шундагина у Зауерни яхши билмаслигини сезди. Энди уларнинг муносабатлари қандай бўларкин? Ногаҳон Эмма кириб келди-ю, унинг хаёллари бўлинди. Эмма йўл кийимида бўлиб, ниҳоятда чарчаган, ранги оқариб кетган эди.

— Эльза! — у йиғлаганча ўзини дугонасининг қучоғига отди.

— Салом, Эмма! Нега йиғлаяпсан? Нега келишингни олдинроқ айтмадинг? Ўғлинг қани? — Эльза бир зумда Эммани саволга кўмиб ташлади.

— Чақалоқ пастда, энага билан. Отто мени ташлаб кетди, бир тийин ҳам пул қолдирмади. Кўйлагимни, яна у-бу нарсаларни сотиб, йўлкира қилиб келяпман.

— Еш бола билан пулсиз қолдирдими, а?

— Унинг эс-ҳуши жойида эмас. Шунақаям шўрпешона бўламанми! Менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ...— Эмманинг ўпкаси тўлиб, баттар йиғига тушди.— Оттони мендан тортиб олма! У сени яхши кўради. Суратингни ҳалиям асраб юрибди. Тасодифан кириб, кўзим тушиб қолувди, хонасидан ҳайдаб чиқарди. У сени севади... Мени маҳрум қилма ундан. Сенда ҳамма нарса бор, сен бахтиёрсан. Давлатинг ошиб-тошиб ётибди, Людвигни севасан, бошингга урасанми Оттони?

Эльза маъюс кулимсиради, аммо кўзлари тўла мунг эди.

«Шўрлик Эмма,— деб ўйлади у дугонасининг ўзгариб кетган, озғин юзига тикилиб.— Юзидаги қизиллик қани, қўнғироқдай кулишлари қани? Шу аҳволга солиб қўйибди-я, қўғирчоқдай қизни? Наҳотки Отто шунчалик тошбағир бўлса?»

— Мен ҳам сендан кўра бахтлироқ эмасман,— деди Эльза

Эмманинг тўзғиб кетган сочларидан силаркан,— ҳеч қанақа бойлигим йўқ, Штирнерни энди севмайман, Штирнернинг ўзи ҳам йўқ...

Эмма кутилмаган бу гапдан ҳайрон бўлиб, бир лаҳзага ўз қайғусини ҳам унутди.

— Ўлдими! Нима учун хабар қилмадинг? Ўлгандан кейин севмайдими одам? Шунча ўзгариш бўпти-ю!..

Эльза яна жилмайди.

Эмманинг чеҳраси баттар тундлашди.

— Демак, сен,— деди у пиқиллаб йиғлаганча,— демак, сен унга Оттони севишингни айтгансан, шундан кейин Штирнернинг жаҳли чиқиб, ўзини-ўзи ўлдирган. Демак, Оттони мендан тортиб олмоқчи экансан-да?

— Қўй бунақа гапларни, тентаквой,— деди Эльза уни эркалаб.— Оттони сендан тортиб олмайман. Ахир у сенинг эринг, болангнинг отаси-ку.

— Бўлса нима қипти? — деб жавоб берди Эмма.— Унинг ўзи, шайтоннинг сўзига кириб сени яхши кўриб қолганман, агар шайтон йўлдан урмаганда сенга уйланармидим, деб неча маротабалаб айтган. Бунақа никоҳни бузса бўлаверади, деган. Отто бир нарсани билмаса гапирмайди. Ростдан ҳам тентакроқман-ку! Лекин... тентаклар ҳам бахтли бўлишни хоҳлашади! — У яна йиғига тушди.— Ахир қанақа бўлишимдан қатъий назар, мени севар эди-ку, энди бўлса... севгиси учун ўч оляпти.

Эмма ўқтин-ўқтин йиғлаб, Эльзага кўрган-кечирганлари ҳақида батафсил гапириб берди. У ёлғизликда узоқ вақт азоб чеканидан, энди юрагидаги ҳамма дардларини тўкиб солар, Оттонинг қўполлиги, меҳрсизлигини айтиб адо қилолмасди.

Эльза унинг гапларини эшитиб ўтириб, юраги музлаб кетди. Отто энди унинг кўзи олдида бутунлай бошқа одам бўлиб гавдаланди. Унинг қилган ишларини «шайтоннинг йўлдан оздиришига» боғлаб бўлмасди. У Штирнернинг таъсиридан қутулганидан кейин ўзгариб қолган эди.

Зауернинг Эммадан кўнгли совиган ҳам бўлиши мумкин. Лекин хотинини шунчалик хўрлайдими? Одоб, андиша, қолаверса, оддий одамгарчилик қаёқда қолди? Зауерни ўзи севиб юрган пайтларини эслаб, Штирнернинг бир гапи ҳақида ўйлаб кетди. У, биз инстинктнинг ожиз бир қулларимиз, инстинкт бизни эшакмия бир одамни севишга ҳам мажбур қила олади, деган эди. Қандай даҳшат!

Эльзанинг қулоғи дугонасида-ю, хаёли энди иккинчи қаватда тобора кучайиб бораётган шовқин-суронда эди.

«Нима бўлиши мумкин?»

Иккинчи қватда эса сўнгги жанг бўлаётган эди.

Симтўрга ўралган қуролли отряд Зауер ва Готлиб бошчилигида Эльзанинг уйига бостириб кирди.

Зауер тўппончасининг дастаси билан кабинет эшигига уриб, қичқира бошлади:

— Очинг, Штирнер, бўлмаса эшикни бузиб кирамиз!

Кутилмаганда ичкаридан Качинскийнинг овози ва итларнинг акиллагани эшитилди.

— Штирнер йўқ, эшикни очолмайман. Штирнер устимдан қулфлаб, итларни пойлоқчи қилиб кетган.

— Качинский, сизмисиз? Тирикмисиз? — Зауер солдатларга буйруқ қилди.— Эшикни бузинглар!

Бир неча солдат елкаси билан эшикни итара бошлади. Ичкарида итлар зўр бериб акилларди, улар ириллаб, эшикнинг синган жойларидан бошини чиқазган эди, кетма-кет ўқ узилиб, барининг овози ўчди.

— Жониворларни ўлдиришнинг нима кераги бор? — деди хотиржамлик билан Качинский ичкаридан туриб.

— Итлар бизни тилка-пора қилиб ташласа майлими? — деб тўнғиллади Зауер ҳосил бўлган туйнукдан кабинетга кириб. У стол ортида бемалол ўтирган Качинскийни кўриб ҳайрон бўлди. Ихтирочи иккала кафти билан бошини чангаллаганча бамайлихотир чизмаларни кўздан кечирарди.

— Штирнер қани? — деб сўради Зауер.

— Билмадим,— жавоб берди Качинский бошини ҳам кўтармай,— эрталаб мени кўр қилмоқчи, бўғиб ўлдирмоқчи, яна алланима балолар қилмоқчи эди, эҳтимол, ёдидан кўтарилгандир ёки бирор иш билан банддир...— Качинский кафти билан чизмани «тап» этиб уриб, хитоб қилди:— Зўр! Штирнер рост гапирган экан. Ажойиб кеча бўлди! Гениал одам экан у. Кучайтиргич трансформаторлари ҳамда катод лампалари бор антенналарнинг схемаси ва антенналари тебранувчи контурли индукцион алоқа схемаси...

Зауер билан Готлиб кўз уриштириб олишди: наҳотки Штирнер Качинскийни ҳам эсдан оғдириб қўйган бўлса?

— Бутун бинони қадамма-қадам тинтув қилиб, фикр тарқатувчи станциялар олдига қоровул қўйиш керак,— деди Зауер.

Тинтувни ана шундай станциялардан биттаси жойлашган Штирнернинг хонасидан бошлашди. Иккинчи бир станция бинонинг нариги бошига, «ҳайвонотхона» ёнига ўрнатилган эди. Станция ишламасди.

— Менимча, жаноблар, энди қўрқадиган жойи қолмади. Ниқобларимизни ечсак ҳам бўлаверади,— деди Готлиб ва биринчи бўлиб ўзи бошидан симтўрни олиб ташлади. Бошқалар ҳам шундай қилишди. Бу ерга келганлар орасида Готлибнинг бир нечта эски танишлари бор эди: прокурор, полиция бошлиғи ва «уруш олиб боришнинг янги методларини ўрганиш» мақсадида Штирнерга қарши ҳарбий юришда қатнашган «темир генерал».

У Штирнерга қарши урушда мағлубиятга учраганини оқламоқчи бўлгандай, қўлларини икки томонга ёзиб, гапирарди:

— Штирнерга қарши хотинларга ўхшаб бошга тўр ёпиниб бориш кимнинг хаёлига келибди? — Кейин у оппоқ бароқ қошларини чимириб, Качинскийга ишора қилди: — Бўлажак саркардалар энди мана шулар, инженерлар. Бизнинг давримиз ўтди! Ўқталган найзамизни мана бу нарсалар истаган томонига

буриб юборганидан кейин, найза билан бир иш қилиб бўладими? — у Штирнер хонасининг эшигидан кўриниб турган машинага ичиқоралик билан қараб қўйди.

Фикрга таъсир этувчи машиналар қўлга туширилганини ҳаммага хабар қилиб қўйиш керак.— Зауер шундай деб, Штирнернинг хонасига ўтди.— Ҳе-е, жин урсин! — деб тўнғиллади у яна нотаниш конструкциядаги машинага гарангсиб тикилганча.— Качинский! — у ихтирочини ёрдамга чақирди,— манави нарсанинг тилига тушунасизми?

Качинский машинанинг ёнига келиб, ричагини дадил айлантира бошлади. Машина ишга тушиб кетди.

— Штирнернинг таъсирини йўқотадиган. тўлқин тарқатиш керак ҳаммаёққа,— деди Качинский.

— Тўғри!— деб маъқуллади кўпчилик бараварига.

Шундан кейин Качинский, шу ерда турганлардан бирининг ибораси билан айтганда, одамларни «узоқдан туриб даволай бошлади».

— Хўш?— деб сўради Зауер ертўлаларни тинтув қилган солдатларнинг биридан.

— Штирнер йўқ!— деб жавоб берди у.

— Биринчи қаватдан қидиринглар! Бирорта тирқиш ҳам қолмасин!

— Кечирасиз, жаноб прокурор,— деб мурожаат қилди Качинский прокурорга,— манави чизмаларни олсам бўладими? Штирнер менга қолдириб кетган эди...

— Ҳозир мен бирор нарсани ҳам олишга рухсат беролмайман. Буларнинг ҳаммаси ашёвий далиллар. Эҳтимол, кейинроқ...

— Афсус!— деди Качинский.

«Яхшиям танишишга улгуриб, муҳим формулаларни ёзиб олган эканман. Чизмаларнинг керагиям йўқ!— деб ўйлади Качинский.— Булар бўлса формулаларнинг ҳаммасига тушунишмайди».

— Менинг ҳам бир илтимосим бор, жаноб прокурор,— деди Готлиб.— Катта бойлик сақланаётган ертўлаларни қўриқлаш учун қўшимча отряд чақириш керак. Буни талаб қилишга ҳаққим бор, деб ўйлайман, чунки мен қонуний меросхўрман. Бунга энди ҳеч кимда шубҳа бўлмаса керак.

— Сизнинг ҳуқуқларингиз келажакда ҳал бўлади,— деди прокурор.— Лекин қўшимча отряд чақиришга қарши эмасман.

Бу гапларни эшитиб, Зауернинг қовоғи осилиб кетди. У Готлибнинг ёнига келиб, пичинг билан гапирди:

— Отга сал олдинроқ қамчи босмаяпмизми жаноб Готлиб? Сиз шуни яхши биласизки, суд меросни Эльза Глюк фойдасига ҳал қилган, суд ҳукми қонуний кучга кирган.

— Лекин вазият ўзгарганлиги учун бу иш қайта кўрилиши мумкин!— деди у ва бирдан ўзининг яқингинадаги шеригига ўшқира кетди.— Сиз нима учун бу ишга бурнингизни тиқяпсиз? Шунча чалкаштирганингиз ҳам етади! Агар яна мерос йўлида кўндаланг турадиган бўлсангиз, сизни қамоққа олишларини

талаб қиламан. Чунки сиз Глюк номидан гапиргансиз, демак, жиноятга шериксиз!

— Лекин муҳтарам отангизнинг меросдан маҳрум бўлиш сабаблари масаласи ҳам бор...— деди унга жавобан Зауер.

Кранц кириб келди-ю, баҳс узилиб қолди.

— Ў-ҳў!— деди у қўлларини ёзиб.— Таниш жой-ку! Эсингиздами, Готлиб, жаноб Штирнернинг соқолини олиб кийимини чўткалаган эдик шу ерда, эвазига.. қҳе... чойчақа ҳам олган эдик. Сизга ашёвий далил сифатида турмада берган чақам ёдингизда бўлса керак, жаноби олийлари,— деб мурожаат қилди у прокурорга.— Мен қилган жиноят ўша эди. Штирнерни ўлдириш ўрнига кийимини чўткалаб ўтирибман-а!

— Ҳеч ким бу жиноятингизни юзингизга солмайди, Кранц. Шунча қамоқда ўтирганингиз ҳам етади, энди сизни жиддий иш кутяпти. Қафасни қўлга туширдигу, аммо ичидаги қушча учиб кетибди. Штирнер йўқ.

— Топамиз, топамиз! Ернинг остидан бўлса ҳам суғуриб оламиз!— деди Кранц қувноқ бир оҳангда.

— Нохуш хабар,— деди Качинский телефон трубкасини қўйиб.— Ҳозиргина бир заводдан телефон қилишди, Штирнернинг таъсири ўз кучини йўқотиши билан бир неча юз ишчи ҳушидан кетиб қолибди. Афтидан, бу Штирнернинг таъсирида узоқ вақт бўлиб, қаттиқ чарчаганлик оқибати бўлса керак. Зудлик билан ёрдам беришга тўғри келади.

Зауер тажанг бир аҳволда хонадан чиқиб, учинчи қаватга кўтарилди. Қишки боғда Эльза билан ўз хотиниға дуч келди.

Эмма қувониб, унинг қучоғига отилди.

— Отто!

Аммо Зауер уни силтаб ташлади.

— Қаердан келиб қолдинг? Бор, мен фрау... Штирнер билан гаплашиб олишим керак.

Эльза унга таъна билан қаради. Кўзлари жиққа ёш Эмма эса Эльзага: «Муомаласини кўрдингми?»— дегандай мўлтираб турарди.

— Қани, бўла қол!— деди яна Зауер хотинига ўқрайиб.

Эмма бир хўрсинди-ю, индамай чиқиб кетди.

— Отто Зауер, мен сизни таниёлмай қолдим,— деди Эльза ундан ўпкаланиб.

—Бошимга битган бало бўлди! Ундан қандай қилиб қутулиш йўлини тополмаяпман,— деди Зауер ғижиниб.— Тушунинг, ахир, менинг унга нисбатан муҳаббатим Штирнер томонидан сунъий равишда қўзғатилган.

— Бу сизга унга бунақа муомала қилишга ҳуқуқ бермайди. Унинг айби йўқ, у сизни Штирнер аралашмасдан илгари ҳам севарди.

— У билан нима ишим бор?— деди яна зарда билан Зауер.— Штирнер қани?

— Кетди.

— Қаёққа?

— Билмайман. Менга айтгани йўқ, ҳарҳолда уйда бўлмаса керак.

— Ёлғон! Сиз уни яширгансиз!

Эльза ўрнидан турди.

— Менга қаранг, Зауер, бунақа оҳангда гаплашадиган бўлсангиз, ҳозироқ кетаман.

Зауер ўзини аранг босиб, Эльзанинг ёнига ўтирди.

— Кечиринг мени, Эльза,— деди у энди паст тушиб.— Шунча пайтдан буён асабларим ишдан чиқди. Штирнерни йўқ деяпсиз, демак, бўш экансиз-да?

Эльза бош силкиди.

— Бирга бўлишимизга нима халақит беради энди?

— Ахир сизнинг болангиз, хотинингиз бор, Зауер.

— Гапирманг уни, Эльза!

У Эльзанинг қўлидан ушлади. Эльза қовоғини солиб, қўлини тортиб олди. Уни энди Зауердан ажратиб турган нарса фақат хотини билан боласи эмас эди. Зауернинг табиатида пайдо бўлган янги иллатлар уни тамом бегона қилиб қўйган эди. Эҳтимол, булар янги иллатлар эмасдир; эҳтимол, бу қўполлик ва тошбағирлик унда ҳамиша бўлгану сохта одоб ниқоби остида сезилмай келгандир?

Яна бир нарса Эльзани ўйлантириб қўйди. Охирги кеча Штирнер бутунлай бошқа одам қиёфасида намоён бўлди. У жиноятчи эди. Унинг эрки ва туйғуларини маҳв этди. Аммо ҳаётида из қолдириб кетди. Сўнгги кеча у орттириб кетган ташвиш Эльзани ҳаяжонлантирмай қолмасди, албатта. У бунга эркини қайтарди-ю, шу билан ўзида ҳали инсоф ва диёнат борлигини ҳам исбот қилди.

Зауер Эльзанинг кўнглида нималар кечаётганини англамай, бу сукутни аёлларга хос тортинчоқлик деб ўйлади.

У яна Эльзанинг пинжига суқилиб, энтикиб гапира кетди:

— Хўп денг, Эльза. Бахтли бўламиз. Икковимиз ҳам кўп азият чекдик, энди бахтиёр бўлишга ҳаққимиз бор. Бундан ташқари, Эльза, ёдингиздами, меросдан воз кечганингизда мен хурсанд бўлган эдим, чунки сиздан айрилиб қолишдан қўрққан эдим? Менимча, энди мерос орамизга ғов бўлолмайди. Штирнер йўқ. Ўз ҳуқуқингиздан фойдаланишга нима халақит беради? Готлибми? У мишиқидан қўрқадиган жойим йўқ!

Эльза Зауерга бир қаради-ю, яна қўлини тортиб олди. Зауер Эльзанинг нигоҳида ҳайрат ва қўрқув ифодасини кўрди.

— Сиз мени тамагир одам экан, деб ўйламанг,— дея шошапиша ўзини оқлаган бўлди у.— Йўқ, мен фақат сизни, бойлигингизни эмас, ўзингизни яхши кўраман. Лекин одам пишиқ бўлиши керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, деган гап бор. Келажагингизни ўйланг. Агар менга ишонч қоғози берсангиз, ҳеч бўлмаганда сизга қолдирилган мерос миқдорида бойлигингизни сақлаб қоламан.

Эльза ўрнидан туриб, гўё бир нарсадан юзини ҳимоя қилгандай қўлини кўтарди.

— Йўқ, Зауер, йўқ! Меросдан оғиз очманг! Яна шу ифлос ишга аралашишни хоҳламайман... Қўйинг бунақа гапни... Чарчадим... Кечаси билан ухламаганман, оёқда зўрға турибман...

— Лекин бу охирги сўзингиз эмасми?— деди Зауер узоқлашиб бораётган Эльзанинг орқасидан.

Эльза жавоб бермай, тез чиқиб кетди.

У ўз хонасига чопиб кирди-ю, йиғлаб ўтирган Эммани бағрига босди.

— Йиғлама, қизалоғим! Оттони тортиб олмайман, лекин уни ёнингга қайтаришинг ҳам қийин деб қўрқаман.

— Наҳотки?— деди Эмма Эльзага ночор термилиб.

— Эҳтимол, кейинроқ...— Эльза дугонасига тасалли бериш учун шундай деди-ю, аммо Оттонинг қайтишига ўзи ҳам ишонмади.

— Энди дам олишимиз керак. Сени ёлғиз қолдирмайман. Ҳаммасини унутиш учун узоқ-узоқларга кетамиз. Йиғлама! Сен ўзингни асрашинг керак. Унчалик ёлгиз ҳам эмассан. Ўғлинг бор. Биргалашиб тарбия қиламиз. Бахтингни шундан топасан.

— Ҳа, кетамиз. Мени ташлаб кетма, Эльза!

Зауер бошини хам қилганча қишки боғда, аквариум ёнида ўтирар, аламини кимдан олишни билмасди.

— О, ярамас!— деб қичқирди у бирдан ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда аквариумга мушт солди.

Шиша чил-чил бўлиб, суви тўкилиб кетди, аквариум тубига тушиб қолган балиқчалар думини ликиллатиб, оғзини кап-кап очганча қолаверди...

УЧИНЧИ ҚИСМ

1. ДЕНГИЗ СОҲИЛИДАГИ УЙ

Қирғоқ бўйлаб эсаётган шабада хурмо япроқларини худди улкан елпиғичдай бир маромда тебратади. Ҳали эрта бўлишига қарамай офтобнинг шашти зўр. Дарахтлар ерга қуюқ соя ташлаган.

Томи текис, кенг айвони океан соҳилига қараган мўъжазгина уй тоғ ёнбағрига жойлашганди. Уйнинг орқасидан тропик ўрмон бошланиб кетган. Уйни гир қуршаб олган хурмо дарахтлари улкан япроқлари билан жазирама иссиқни даф қилиб туради. Ҳовлининг атрофи кўкат девор билан ўралган.

Уй якка-ёлғиз. Пастқам тоғ тизмаси ортида кичкина шаҳарча жойлашган.

Эгнига енгил оқ костюм кийиб, оёғига шу ернинг усталари ясаган тўқима туфлини сарпойчан кийиб олган малласоч, ёшгина жувон айвонда нонушта қилиб, кофе ичиб ўтирарди.

— Яна ичасизми?— деб сўради худди ўшандай оқ кўйлак, оқ шалвар ва тўқима пойабзал кийган кекса хизматкор.

— Йўқ, Ганс, раҳмат. Опкетаверинг. Дарвоқе, оёғингиз қалай, Ганс?

— Миннатдорман, жуда яхши. Офтоб ажойиб малҳам бўлди. Ҳадемай бемалол рақсга тушсам ҳам бўлаверади.

— Фрау Шмитгоф уйдами?

— Масаллиқ опкелишга кетувди. Ҳали-замон кеп қолади. Бирор нарса керакми, фрау?

— Йўқ, раҳмат, ҳеч нарса керак эмас.

Ганс кетди.

Эльза хурмо япроғидан ясалган елпиғични олди-да, енгил тўқима креслони денгиз томонга буриб, тонг қуёшидан жимирлаб ётган сув сатҳига тикилганча аста елпиниб ўтирди.

Эльзанинг бу ерга келиб қолганига ҳам, мана, уч йил бўлди. Эмма, унинг ўғли ва Эльзани бирга опкетишга кўндирган фрау Шмитгоф ҳам шу ерда истиқомат қиларди.

Эльзанинг бу ерга келиб учратган биринчи одами Карл Готлибнинг кекса хизматкори Ганс бўлди. Штирнер кетишидан олдин Эльзага тайинлаган ишончли одам шу эди.

Штирнер Ганснинг садоқатини «мустаҳкамлаш» мақсадида унга катта кучланишда таъсир ўтказган эди. Ўша пайтда Штирнер таъсирни узоқ муддат сақлаш бобида катта ютуқларга эришганди, ҳатто ўзини умрбод «бошқа шахс»га айлантиришни мўл-

жаллаб юрган эди. Ганс мана шу мақсаддаги биринчи тажриба бўлди. Синов муваффақиятли тугаб, ижобий натижалар бергач, Штирнер ўз ишидан хурсанд бўлиб, мамнун жилмайиб қўйди.

«Одамларни софдил ва садоқатли қилиш нақадар осон бўлиб қолди!» — деб кўнглидан ўтказган эди у, Гансни бу ёққа жўната туриб.

Аммо сунъий равишда туғдирилган бу садоқат фақат эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан қилинган эди. Ганс бусиз ҳам Штирнерга умрбод содиқ қолиб, унинг ҳар қандай буйруғини сўзсиз бажариши мумкин эди. Яқин шаҳарлардан биридаги банкда унинг номига катта миқдорда пул қўйилган эди. Аммо пулнинг ҳам, уйнинг ҳам тўла хўжайини Эльза эди. Унга шовқинсуронли шаҳарлардан ва ўтмишини эсга соладиган ҳамма нарсадан йироқ бўлган бу овлоқ маскан жуда ҳам ёқар эди. У тезроқ ўзини унутишларини хоҳларди.

Уларнинг бу ёққа келишлари худди қочоқларнинг ишига ўхшаб кетарди. Қаёққа кетишаётганини бировга айтишмади, тўсатдан, ҳеч кимни огоҳлантирмасдан жўнаворишди, ҳатто бу ёққа келгандан кейин фамилияларини ҳам ўзгартириб олишди. Эльза болалигида ўзини тарбиялаб, вояга етказган ажойиб кампирнинг фамилиясини олди — ўзини Беккер деб атади. Эмма марҳум онасининг қизлик фамилиясига ўтиб, Шпильман бўлди. Фақат Шмитгоф ўз фамилиясида қолди.

— Мен ўзимнинг фамилиямга жудаям ўрганиб қолганман, ўзгартирсам чалкаштириб юраман. Бундан ташқари... бу ғайриқонуний ишдир, жавобгарликдан қўрқаман,— деди у.

Улар осойишта ҳаёт кечиришарди. Ўзларини маълум қилиб қўймаслик учун ҳеч ким билан хат ёзишмас, ҳатто газета ҳам олишмасди. Шмитгоф билан Ганс рўзғорга қарар, қора танли энага болани боқиш ва парвариш қилишда Эммага ёрдамлашарди. Иккита негр томорқа билан боғда ишлар ҳамда бир жуфт от билан эшакни боқарди. Аслида отларнинг зарурати ҳам йўқ эди. Баъзан Эмма ўғли билан отга миниб, айланиб келарди. Улар асосан океан соҳилида сайр қилишарди.

Ҳаммалари ҳам таниб бўлмас даражада қорайиб кетишганди. Айниқса кичкина Отто, уни Миқтивой деб аташарди. Қопқора сочлари жингалак, ҳар доим офтобда яланғоч юрганидан бадани кўмирга ўхшаб кетган бу бола, юзининг европача бичимини демаса, нақ ҳабаш эди.

Катта шаҳарда яшаб ўрганиб қолган Эмма дастлабки кунлари анча зерикди, аммо кўп ўтмай янгича ҳаётга кўникиб кетди. Боланинг ташвишидан қўли бўшамасди. Ўзининг юзига ҳам аввалги қизиллик қайтган, ўғлига қўшилиб кулганида уй ичи худди қўнғироқ садосига тўлиб кетгандай бўларди. Кечқурунлари Эльза кўпинча рояль чалиб ўтирарди: бу одати ҳалиям қолмаганди. Эмма боласини ухлатиб куй тинглаб ўтирарди.

Ҳар ким ўз дардини ўйларди.

Эльза эрталаб ҳаммадан кеч турарди. Нонушта қилиб ўтириб,

океан соҳилидан эшитилаётган шўх қийқириқларга жилмайиб қулоқ соларди.

Бола кун бўйи соҳилдан бери келмасди.

У ранг-баранг тош ва чиғаноқлар терар, қисқичбақа тутар, тўлқин қирғоққа чиқариб ташлаган майда балиқларни қайтадан сувга улоқтириб юрарди.

Юраксиз Эмма бошда ҳамма нарсадан қўрқарди. Назарида тўлқин уйни супуриб кетадигандай туюлар, чаёнлар, илонлар уйга ўрмалаб кириб келаётгандай бўларди. Арслонлар юрагига ваҳима соларди. Дарҳақиқат, бу ерда арслонлар ҳам бор эди, лекин улар олисда, ўрмон ичкарисида яшашарди. Ҳеч қачон уйга яқин йўлашмасди. Ҳар замонда уларнинг ўкиргани эшитилиб қоларди, холос. Шундай пайтда Эмманинг ўтакаси ёрилиб, Эльзани уйғотарди... Лекин бора-бора у ҳам буларнинг ҳаммасига кўникиб қолди.

Эльза аста-аста елпинганча океанда, кўрфазга кирадиган жойда пайдо бўлган оппоқ кемани кузатиб турди. Кўрфазда кўпинча маҳаллий аҳолининг балиқчи қайиқлари сузиб юрарди. Европа кемаларининг бу тинч кунжакка кириши катта воқеа ҳисобланарди. Океан кемаларининг йўли анча олисда эди. Кичикроқ кемалар баъзан уфқда кўзга чалинарди-ю, ё тўғрига ўтиб кетар, ёки бўлмаса қўшни шаҳарчанинг портига қараб бурилларди. Бу гал оқ кема тўппа-тўғри кўрфазга кириб кела бошлади.

Эльза ороми бузилишидан хавотирланган кишиларда бўладиган нохуш бир кайфиятга тушди.

Кема бир текис чайқалиб, соҳилга яқинлашиб келарди.

Кема устида қизил байроқ ҳилпиради.

«Қизиқ»,— деб ўйлади Эльза.

Бу орада кема қирғоққа яқин келиб тўхтади.

Лангар занжирларининг шарақлагани эшитилди, елканлар туширилди. Қайиқда икки матрос билан эгнига оқ костюм, бошига пўкак қалпоқ кийган яна уч одам ўтирарди. Қайиқ Эмма, ўғли ва қора танли энага турган жойга келиб тўхтади. Оқ кийинган уч одам қайиқдан тушди. Бояги қўнғироқдай овозлар тиниб қолди. Бола онасининг пинжига кириб, нотаниш одамларга қўрқиб қараб турарди. Матрослар қайиқдаги пахта тойларига ўхшаган юкларни кўтариб, белларигача сувга ботганча қирғоққа таший бошладилар. Оқ костюмли киши Эмманинг олдига келиб таъзим қилди, бошидан қалпоғини олди-да, юкларга ишора қилиб, бир нималар деди. Эмма бош силкиди. Матрослар билан оқ костюмли уч одам юкларни очиб, брезент, арқон ва қозиқларни олишди. Чодир тика бошлашди. Шу етмай турувди! Нима учун албатта шу ерга тикишлари керак бўлиб қолди?

Эмма болани кўтариб олган энагага алланималар деди, учовлари тош йўлкадан шоша-пиша уйга кўтарила бошладилар.

Эльза тез-тез елпиниб, буларнинг етиб келишини бетоқатлик билан кутди. Эмма бола билан энагани ортда қолдириб, айвонга

деярли чопиб кирди. Эльза Эмманинг ранги оқариб кетганини кўриб, беихтиёр ўзи ҳам ҳаяжонлана бошлади.

— Ким улар? Нима учун келишибди?— деб сўради у дугонасидан. Эмма баландликка чопиб чиққанидан ва қаттиқ ҳаяжонланганидан энтикиб нафас оларди. Тўзғиб кетган сочлари пешонасига ёпишиб қолганди.

— Бугун парранда тополмадим, ўрнига яхши балиқ олдим!— орқадан шаҳарчадан қайтган фрау Шмитгофнинг овози эшитилди.

— Ким экан улар?— саволини қайтарди яна Эльза, Шмитгофга эътибор бермай.

— Штирнер билан тағин иккита нотаниш одам...— деди Эмма дугонасига жавдираб қараб.

Эльза суратдай қотиб қолди, кейин гавдасини кресло суянчиғига ташлади, қўлидаги елпиғич ерга тушиб кетди.

— Бўлиши мумкин эмас! Янглишяпсан, Эмма.

— Ўша, ўша! Ўлай агар, худди ўзи! Башараси ўзгариб кетибди, лекин ўшанинг ўзи. Унинг кўзларини унутиб бўладими? Енида яна иккита бегона одам бор. Бири ёшроқ, иккинчиси катта ёшда, мўйлов қўйган.

Орага жимлик чўкди. Эльза қаттиқ ҳаяжонда эди.

Гўё Эмма эмас, унинг ўзи ҳозиргина тоққа чопиб чиққандай тез-тез нафас оларди.

— Нима деди у сенга?— сўради Эльза.

— Овга келишган экан, чодир тикишга рухсат сўради. У негадир ўзини Штерн деб таништирди.

— Штерн!— хитоб қилди Эльза.— Демак, ўша, бунга шубҳа йўқ, ўшанинг ўзи.

— Нега энди Штерн бўлади?— сўради Эмма.

Эльза бир оз иккиланиб туриб, кейин жавоб берди:

— Бизга ўхшаб фамилиясини ўзгартирган.

— Шуни биларкансан, нега менга шу пайтгача индамадинг?— деди Эмма ўпкаланиб.

— У билан қайтиб учрашмаймиз деб ўйлаган эдим. Ўтмишини унутишга ва уни ошкор этмасликка унинг биздан кўра асоси кўпроқ. Шунинг учун, Эмма, сендан ва фрау Шмитгоф, сиздан илтимос қиламан, Гансни ҳам огоҳлантириб қўйинглар, агар Штирнер бу ёққа келгудай бўлса, ҳеч қайсимиз унинг эски номини тилга олмаслигимиз, уни таниганлигимизни сездирмаслигимиз керак. Қанчалик гуноҳ қилган бўлишига қарамай, у энди бошқа одам. У ўз ўтмишидан воз кечган, шунинг учун унинг сирини ошкор этмаслигимиз керак.

— Бу сир ҳамроҳларига маълум бўлса-чи?

— Ундай бўлмаса керак.

— Агар Штирнер бизни таниб, ўзи ўзини ошкор қилиб қўйса-чи? Менимча, Эльза, сени кўргач, у хотиржам туролмайди. Кутилмаган учрашув бўлади-ю!— у кафтларини бир-бирига ишқалаб, ёш боладай қийқириб хитоб қилди:— Роса қизиқ иш

бўлди-да!— Кейин бирдан шаштидан тушиб қолди:— Ишқилиб, яна бирор балони бошламаса гўрга эди...

— Йўқ, энди бундай қилмайди. Ташвиш тортма. У ҳеч қайсимизни танимайди ҳам, ишонавер. Ахир сени танимабди-ку. Фақат мени... сал-пал... бирорта танишига ўхшатиши мумкин,— деб қўшиб қўйди у гўё бир нарсаларни эслагандай бўлиб.— Балки бу ёққа келишмас ҳам.

— Келишади, менимча, келишса керак,— деди Эмма.— Чунки Штирнер: «Сизларни безовта қилмаймиз. Лекин хизматкорларингиз орасида маҳаллий шароитни биладиган бирорта одам бўлса бир-икки кунга йўл бошловчиликка бериб туришларингизни ўтиниб сўраймиз»,— деди. Ана, келишяпти, келишяпти!— бирдан қийқириб юборди Эмма.— Мени шунақа аҳволда кўришди барибир. Сен кириб туфли билан пайпоғингни кийиб чиқ! Ноқулай. Минг қилганда ҳам Штирнер, т-фу... Штерн, Штерн, Штерн бир пайтлар сенинг эринг бўлган...

Эльза тез ўрнидан туриб, ўз хонасига кириб кетди. У ҳозир ясаниб чиқишдан кўра ҳам ҳаяжонини сал босиб олиш ҳақида ўйларди.

У яна Штирнер билан, бир маҳаллар бошига қанча кулфатлар солган, лекин уни чин қалбидан севган ўша сирли одам билан юзма-юз бўлади.

Эльза хона ичида тез-тез у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Хотиралар гирдобида боши айланиб кетди. Бу қадар ҳаяжонланаётганига ўзи ҳам таажжубда эди. У ҳаммасини унутдим, ҳаммаси ўтмиш бўлиб қолди, деб ўйлаганди. Фақат очилмай қолган бир сир унга баъзан азоб берарди: Карл Готлибнинг ўлимида Штирнер айбдорми, йўқми? Бу сирни Штирнер ўзи билан бирга олиб кетган эди. Эльза кўзгу олдига бориб, беихтиёр сочларини тузата бошлади.

«Қорайиб кетганимни-я!»— деб кўнглидан ўтказди у ойнага қараб туриб.

— Барибир танимайди,— деб шивирлади кейин енгил тин олиб.

Ташқарида овозлар эшитилди.

— Ие, нимага қараб турибман?— у шкаф олдига чопиб бориб, кўйлакларини титкилай кетди: «Барибир ҳаммасиям уларга алмисоқдан қолгандай туюлса керак», деган ўй ўтди кўнглидан. Кейин енгил оқ кўйлакни танлаб, тез кийинди-да, ўзини яна бир марта ойнага солиб, айвонга чиқди.

II. АРСЛОН ОВЛОВЧИЛАР

Оппоқ шоп мўйловли киши Эльзага яқинлашди.

— Ичимизда энг каттаси сифатида менга бошқаларни таништиришга рухсат этасиз,— деди у таъзим қилиб.— Дугов, Москвадаги ҳайвонот боғларининг мудири. Бу киши — Качинский. Фикрни узоқ масофага узатишга доир барча ишларнинг мутасаддиси.

Качинский саломлашди.

— Бу киши эса,— Дугов Штирнерга ишора қилди,— менинг энг яқин ёрдамчим Штерн.

Штирнер Эльзага қўлини узатди, улар андак расмийроқ тарзда кўришишди.

Ҳаммалари стол атрофига ўтиришди. Эльза қўнғироқ чалиб, нонушта келтиришни буюрди. Кекса хизматкор столга яқинлашганда Штирнерга кўз қири тушди-ю, қўлидаги патнис титраб кетди. Эмма эшик томонга қараб бир кулиб қўйди, Эльза нима учун куляпти бу деб, ўгирилиб қараган эди, эшик орқасидан қўрқа-писа мўралаб турган фрау Шмитгофни кўрди.

Дугов уй эгаларининг соғлиги учун қадаҳ кўтариб, деди:

— Сизларнинг оромингизни бузганимиз учун узр сўраймиз, тасодифан шундай бўлиб қолди, фрау Беккер. Биз отпускадан фойдаланиб, арслон овлагани чиққан эдик. Ҳайвонот боғларимизда фақат шу ердагина истиқомат қиладиган ажойиб арслон зотлари етишмайди. Шунинг учун ҳам Штерн билан сафарга отландик, бизга Качинский ҳам қўшилди, бу киши ўзи бизни таъминлаган қуролларини амалда синаб кўрмоқчи.

— Қанақа қурол экан у? Қани ўзи?— деб сўради синчков Эмма.

Дугов кулиб қўйди.

— Овга бирга борсангиз кўрасиз!

— Арслон овига-я? Ўлганимдаям бормайман!— деди Эмма ўтакаси ёрилиб.— Овозини узоқдан эшитсам ҳам қалтираб қоламан-ку...

— Ўҳў! Демак, бизни алдашмаган экан, овимиз бароридан келадиганга ўхшайди!— деди Дугов қўлларини бир-бирига ишқалаб.— Сизларни безовта қилганимизнинг боиси шуки,— деб давом этди у,— шаҳарда тўхтаб, шов-шув кўтаришни хоҳламадик. Оломон ҳамиша халақит беради. Шунинг учун сизларнинг кўрфазингизга қараб бурилдик.— Дугов қўли билан соҳил томонга ишора қилди.— Ўзимиз чодирда яшаймиз. Сизлардан фақат битта илтимосимиз бор: агар хизматкорларингиз орасида маҳаллий кишилардан бўлса йўл бошловчи сифатида фойдаланишга рухсат берсангиз.

Эльза Дуговнинг илтимосига бажонидил рози бўлди. У Штирнерга қарамасликка ҳарчанд уринди-ю, бироқ иложини қилолмади, бир неча бор кўз қирини ташлаб олди. Ниҳоят, сабри чидамай, унга мурожаат қилди:

— Айтинг-чи, жаноб Штерн, агар янглишмасам, сиз рус эмассиз-а?

— Ҳа, рус эмасман,— жавоб берди Штерн.

— Россияда яшаётганингизга кўп вақт бўлдими?

— Уч йилча бўп қолди.

Эльза сўроқни эслатадиган бу суҳбатни ортиқ давом эттиришни эп кўрмади. Шундай бўлса ҳам яна бир савол оғзидан чиқиб кетди.

— Илгари қаерда яшагансиз?

Штирнер очиқ чеҳра билан самимий кулди. Эльза ҳайрон бўлиб қолди: бу кулги Штирнернинг аввалги совуқ заҳархандаларига мутлақо ўхшамасди. Чиндан ҳам унинг рўпарасида бутунлай бошқа одам ўтирарди.

— Илгари қаерда яшаганим ва умуман, бутун ўтмишим ўзим учун ҳам жумбоқ. Ишонмайсизми? Ана, ўртоқларимдан сўранг. Москвага келгунимга қадар нима бўлганини мутлақо эслаёлмайман, бу ҳолдан дастлабки кунлари қаттиқ изтироб чекиб юрдим. Профессорларга маслаҳат сўраб мурожаат қилган эдим, улар шизофренияга ўхшаган аллақандай бир мураккаб руҳий касаллик топишди. Бу дард билан оғриган киши ўзининг кимлигини ҳам, ўтмишини ҳам унутар экан. Ўртоқ Качинский ўз методи асосида даволашни таклиф қилган эди, бу кишига нақадар ишонишим ва беқиёс ҳурматимга қарамай, мен кўнмадим. Бу даво худди гипнозга ўхшайди, гипнозни эса ўлгудай ёмон кўраман.

Эльза Качинскийга қаради. У боши билан тасдиқ ишорасини қилиб, деди:

— Мен Штернга ўз хизматимни таклиф қилган эдим. Бу киши рад этди. Розилик бўлмагач, албатта, мен ҳам тажриба ўтказмадим.

— Москвага келганимдан кейин «Динамо» заводига ишчи бўлиб кирдим,— деб давом этди Штирнер.— Кейин ҳайвонот боғига ўтдим — мен жониворларни жуда яхши кўраман — ўша ерда мудир Дугов билан танишдим, бу киши катта илтифот кўрсатиб, тез орада мени ўзларига ёрдамчи қилиб олдилар.

— Сиз шунга арзир эдингиз, азизим,— деб луқма ташлади Дугов.

— Дугов орқали «Фикр узатувчи аппарат» билан танишдим. Качинскийни биз ҳазиллашиб шундай деймиз. Ўзим ҳақимда бундан ортиқ ҳеч нарса билмайман.

— Фикрни узоқ масофага узатиш шунақа кенг йўлга қўйилганми сизларда?— деб сўради Эмма.

— Ҳа, ҳа!— деди Дугов.— Ажойиб нарса. Фикрни узоқ масофага узатиш ҳақиқатан ҳам кенг қўлланиляпти. Бир неча ўн йилдан кейин дунё таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади.

— Ҳозир эришилганининг ўзи ҳам ҳазил гап эмас,— деди Штирнер.— Наҳотки газеталарда ўқимаган бўлсангиз?

— Биз газета олмаймиз.

Штирнер Эльзага қаради-ю, бир нималарни эслагандай ўй суриб қолди.

— Қизиқ,— деди у кейин.— Мен сизни қачонлардир, қаердадир кўргандайман. Эҳтимол, йўл-пўлда тасодифан учрашгандирмиз?..

— Эҳтимол,— деб жавоб берди Эльза бир оз ўнғайсизланиб.— Шунақа қилиб, фикрни узоқ масофага узатиш мўъжизалар яратади денг?

— Э, нимасини айтасиз! Биз афсона ва хомхаёлларни ҳақиқатга айлантирдик.— Качинский бирдан тўлқинланиб гапга

тушиб кетди: — Агар йўлингиз тушиб Москвага бориб қолгудек бўлсангиз, уни танимайсиз. Сизни лол қолдирадиган биринчи нарса шуки, Москва улкан сукунат шаҳрига айланган. Бевосита фикр алмашишни ўрганганимиздан буён бир-биримиз билан деярли гаплашмаймиз. Гаплашишнинг эски усули бизга энди жуда секин ва ноқулай бўлиб туюлади! Балки бориб-бориб гаплашишни бутунлай унутиб юборармиз. Ҳадемай почтани ҳам, телеграфни ҳам ва ҳатто радиони ҳам архивга топширсак керак. Биз узоқдан туриб бир-биримиз билан гаплашишни ҳам ўрганиб олдик. Агар хоҳласангиз, ҳозир Москвадаги ўртоғим билан фикр олишишим мумкин.

Качинский жим бўлиб қолди, кўзларини хиёл юмиб, чаккасига қандайдир бир қутичани қўйганча диққатини бир жойга тўплади. Эльза билан Эмма унинг юзидаги ўзгаришларни қизиқиб кузатиб турдилар. Салдан кейин Качинский кўзларини очиб, жилмайди.

— Дўстим соғ-саломат экан, лекин иши жуда кўпмиш, мажлисда ўтирибди. Москвада қор ёғаётган эмиш. Ивин ҳаммамизга салом айтди. Хотинига тўти олиб боришимизни илтимос қилди.

Эмманинг оғзи очилиб қолди.

— Қанақа қилиб гаплашдингиз? — деб сўради у, — фикрлар аралашиб кетмайдими?

— Шунақа бўлиши ҳам мумкин, лекин радиодагичалик эмас. Бизнинг «радиостанция»миз эскисига қараганда анча аниқ ишлайди; биз суҳбатдошимиз «приёмниги» қайси тўлқинда турганини ҳаммавақт биламиз ва шунга қараб, тез алоқа боғлаймиз.

— Қани ўша радиостанциянгиз? — деб сўради Эльза.

— Мана! — деди Качинский пешонасини кўрсатиб. — Миямиз — бизнинг радиостанциямиз. Бизда ҳақиқий кучайтиргич машиналар ҳам бор, лекин улардан оммавий таъсир ўтказиш лозим бўлиб қолгандагина фойдаланамиз. Масалан, янгиликларни хабар қилиш, лекция, концерт пайтларида. Одамлар эса бир-бирлари билан муомала қилиш учун чўнтакларида кичкина кучайтиргич олиб юришади. Мана! — Качинский ҳозиргина ўзи чаккасига тутиб турган қутичани кўрсатди. — Яқин масофага ҳозир кучайтиргичнинг ҳам зарурати йўқ. — Ҳадемай сунъий кучайтиргичлардан бутунлай воз кечамиз. Машқ қилиш орқали табиий «радиостанция»миз қувватини ошира борамиз.

— Худди радиодагига ўхшаб, концерт ҳам эшиттира оласизларми?

— Радиодагидан кўра ҳам соз бўлади. Биз энг яхши композиторларимиздан истаган куйимизни хаёлан ижро этишни илтимос қиламиз. Хаёлнинг эркин парвозига қулоқ тутиш нақадар гаштли! Ёки бўлмаса, бизда севиб ўйналадиган шахматни олиб кўрайлик. Юз минглаб одамлар гроссмейстерларнинг ўйинини хаёлан томоша қилишаверади. Айниқса бу ўйинни «очиқ» ўйнаш мароқли. Шахматчилар доналарни суришни ўйлаш жараё-

нини хаёлан тарқатаверадилар. Э-э, ҳаммасини айтиб адо қилиб бўлмайди.

— Бориб ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул,— деди Штирнер Эльзанинг ўзига қараб турганини сезиб.

— Ҳа, энг яхшиси шу,— деди Качинский.— Биз фақат овозни эмас, балки бўёқлар, образлар, саҳналар, хуллас, инсон тасаввур қила оладиган ҳамма нарсани хаёлан тарқатаверамиз. Фикрни узоқ масофага узатиш барча учун тушунарли бўлгач, театрлар, кинематограф, мактаб ва шунга ўхшаш оммавий муассасаларга ҳожат қолмайди. Билим олиш, ҳордиқ чиқариш, томошалар ҳамма учун қулай бўлади. Фикрни узатиш, айниқса, ишчилар фаолиятида ҳам жуда қўл келади. Бизда ишни худди оркестрдай уюшқоқлик билан ва бенуқсон бажарадиган бутун-бутун меҳнат коллективлари бор.

Бу нарса фикрий таъсир ёрдамида нерв системаларининг фаолиятини уйғунлаштириш билан боғлиқ. Коллектив меҳнат талаб қилинадиган жойда ҳаракатларнинг мувофиқ келиши катта аҳамиятга эга. Бунинг учун, масалан, қадим замонлардан бошлаб кейинги пайтларгача қўшиқдан фойдаланишган. Бизда бир вақтлар: «Эй азаматлар, зўр беринг...» деган қўшиқ айтиларди. «Зўр беринг», деганда ишлаётганлар аҳил ҳаракат қилишарди. Лекин бу усул фақат оғир жисмоний меҳнат пайтидагина қўл келган. Мураккаб меҳнат жараёнлари чоғида ишчилар ҳаракатини уйғунлаштириш учун эса бошқа усулларни қўллашган. Барча процесслар бир-бирига боғланиб кетадиган конвейер системаси жорий қилинганки, ишлаб чиқаришнинг бирор ерида иш тўхтаса, бутун конвейер тўхтаб қолган. Одамлар хоҳласа-хоҳламаса бир меъёрда ишлашга мажбур бўлишган. Ахир барча баравар эмас-ку. Ҳар кимнинг жисмоний ва руҳий ҳолати ҳар хил бўлади. Энди ана шу мажбурий усул ўрнини бизнинг фикрий таъсир усулимиз эгаллади. Бу усул одамларни мажбур қилмайди, балки ишчиларга ўз нерв системалари ва мускуллари ишини коллектив меҳнати билан мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Бир пайтлар Москвада ташкил этилган Бирсимфанс, яъни дирижёрсиз биринчи симфоник оркестр ҳаммани ҳайратга солган эди. Бу ҳақиқатан ҳам кўпдан-кўп одамларнинг бир-бири билан қалбан бирлашган, нерв системаларининг иши уйғунлашган коллективини яратиш йўлидаги биринчи уриниш эди. Аммо шунга қарамай, Бирсимфансда ҳам мажбурий бирлашув кучли эди: унинг аъзолари коллективнинг ягона иродасидан кўра олдиндан белгиланган куй суръатига кўпроқ бўйсунар эдилар.

Кўринмас «дирижёр»нинг мияга бевосита таъсир қилиши — бу, бутунлай бошқа гап. Уюшқоқлик ҳам, меҳнат унумдорлиги ҳам аъло даражада бўлади.

— Буларнинг ҳаммаси инсон шахсиятини, унинг эркинлигини йўқ қилиб юбормайдими? Бу кучни бошқаларга қарши ишла-

тишни хоҳлаб қоладиган одамлар чиқиб қолиши мумкинку!

— Шунақа одам бор эди уни Штирнер деб аташарди, унинг тўғрисида баъзи бир гапларни эшитганман,— деди Штирнер.— Ўша одам ростдан ҳам фикр кучидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, бошқаларга куп жабр ўтказган. Аммо Качинский уни зарарсизлантиришга муваффақ бўлди.

— Билмайсизми, ҳозир Штирнер қаердайкин?— Эльза ўзини тутолмай Штирнерга мурожаат қилди.

— Билмайман, унинг қаердалигини билмаганимга шукур қилсин... Агар кўриб қолганимда ҳам сўрашмаган бўлардим.

Качинский жилмайди.

— Штирнердан ўч олишнинг нима кераги бор? Уни жиловлаб қўйишнинг юмшоқроқ усуллари мавжуд. Лекин биз бу усуллардан фавқулодда ҳоллардагина фойдаланамиз. Бундан ташқари, адолатли бўлишимиз керак: Штирнер бизга катта мерос қолдириб кетди. Унинг ихтироларисиз фикрни узоқ масофага узатиш соҳасида бу қадар ютуқларга эришмаган бўлардик. Қолаверса, у менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Бу унинг олижаноблигидан далолат беради.

— Россияда Штирнернинг кирдикорларини қилиб бўлмайди,— деди Штирнер.— Фикрни узоқ масофага узатиш ҳаммабоп бўлиб қолганидан бери кучлар нисбати ўзгарди. Агар сиз бировнинг фикрини қабул қилишни истамасангиз, «приёмнигингизни ўчириб» қўйишингиз мумкин. Вассалом.

— Барибир «фикрий ҳужум» эҳтимоли ҳали ҳам бор,— деб унинг гапини давом эттирди Качинский.— Лекин бундайларни доимо кузатиб турамиз ва ўзига хос равишда жазолаймиз. Қудратли кучайтиргичлар орқали жиноятчига тегишли таъсир ўтказамиз, у шундай «мулла» бўлиб қоладики, қайтиб жиноят қилиш умрбод хаёлига ҳам келмайди. Бизга энди қамоқхоналар ҳам керак эмас, ҳар қандай жиноятчини жамият учун фойдали шахсга айлантириш қўлимиздан келади.

Эльза негадир ўйланиб қолди.

Дугов буни сезди ва ўз гапларимиз билан чет одамларнинг суҳбатидан узоқлашиб кетган мезбонларни чарчатиб қўйдик шекилли, деган андиша билан соатига қараб, сўз қотди:

— Жуда гапга тушиб кетдик. Юринг, Штерн, овга ҳозирлик кўрайлик.

Дугов билан Штирнер аёллар билан хайрлашиб, соҳилга тушиб кетишди.

— Тушликни бирга қиламиз, деган умиддаман,— деди Эльза уларнинг орқасидан.

— Агар сизни уринтириб қўймасак,— деб жавоб берди Дугов таъзим қилиб.

Ичкаридан Оттонинг йиғиси эшитилди, Эмма узр сўраб, чиқиб кетди.

III. ШТИРНЕР ВА ШТЕРН

Эльза Качинский билан ёлғиз қолди.

У қаттиқ ҳаяжонда эди. Качинскийнинг ҳамма гапларидан, айниқса, биттаси уни ниҳоятда қизиқтириб қолганди: Качинский Штирнерни олдинги ҳолатига қайтариши, бир неча минутга бўлса ҳам Штернни аввалги Штирнерга айлантириши мумкин экан. У буни жудаям хоҳларди. Нега? Буни ўзи ҳам унчалик англамасди. «Готлиб ўлимининг сирини билишим керак»,— деб ўйларди у. Олдинги Штирнерни кўриш истагини туғдирган нарса фақат бу эмас эди. Эҳтимол, бир маҳаллар ўзини севган кишининг ғалати бир йўсинда бошқа одамга айланиб қолиши, ўз шахсияти билан бирга муҳаббатини ҳам маҳв этишига қарши аёллик туйғуси исён кўтараётгандир. Эҳтимол... Эҳтимол, фалакнинг гардиши билан энди бу одамни сева бошлагандир. Эльза мақсадига қандай қилиб эришиш йўлини ўйлаб, индамай ўтирарди.

— Айтинг-чи, жаноб Качинский,— деб гап бошлади у ниҳоят журъатсизлик билан,— Штернни аввалги ҳолатига қайтариш учун ўз усулингизни шу ерда бир синаб кўрмайсизми? Шундай қилса бўладими ўзи?

— Ҳам ҳа, ҳам йўқ. Умуман олганда, хотирани қайта тиклаш мумкин. Медицина бунақа ҳодисаларга кўп дуч келган. Айниқса, уруш пайтида. Қаттиқ контузия натижасида одамлар ҳамма нарсани, ҳатто ўз исмларини ҳам унутишган, лекин хотира яна тикланган. Гипнозда ҳам шунақа ҳодиса учраб туради. Фақат мия ҳужайраларидаги хотира марказлари узил-кесил ишдан чиққан тақдирдагина хотира тикланмаслиги мумкин. Буни жароҳат туфайли хотирани йўқотиш, дейишади. Уни тузатиб бўлмайди. Лекин Штерн масаласига келсак, унинг мия тўқималари жароҳатланмаган, акс ҳолда бутун руҳий фаолияти ишдан чиққан бўларди. Хотирасини ҳисобга олмаганда Штерн соппа-соғ одам. Ўзимни мисол қилиб кўрсатишим мумкин. Штирнерга қарши курашаётган пайтимда у миямнинг ҳаракатни бошқарувчи марказларини зарарлади. Мен бутунлай шол бўлиб қолдим, лекин мувозанат сезгиси яна қайтадан тикланди.

— Демак, мумкин экан-да?— деди Эльзага жон кириб.— Нима учун бўлмаса «ҳам ҳа, ҳам йўқ», дедингиз?

— Мумкинликка мумкин, лекин... ўзингиз эшитдингиз-ку, Штерн буни хоҳламаяпти. Бу бир. Иккинчидан, Штернинг ўтмишига нега бунчалик қизиқиб қолдингиз?

— Гап шундаки, назаримда... биз у билан илгари таниш бўлганмиз... ҳатто жудаям яқин бўлганмиз. Лекин у ҳамма нарсани, жумладан, мени ҳам унутиб юборибди. Мен унда бир хотира тикланишини истардим. Кейин... ўзи менга айтмоқчи бўлган, лекин айтишга улгуролмаган бир сирни, жудаям муҳим бир сирни билмоқчийдим...

Качинский унга таажжубланиб қаради. «Нима балоси бор буларни?» — деган ўй ўтди кўнглидан.

— Афсуски, мен унинг хоҳишига қарши бориб, сизнинг синчковлигизни қондиролмайман.

Эльзанинг қовоғи солинди.

— Бу синчковлик эмас, жуда муҳим нарса,— деди у ўпкалангандай бир оҳангда.— Шу қадар муҳимки, унинг розилигини сўраб ўтирмай, шу ишни қилишингизни сўрайман. Атиги ўн минутга. Ўтмишда ким бўлишидан қатъий назар, у яна Штернга айланади, сизнинг тажриба ўтказганингизни сезмайди ҳам. Ахир бунда ҳеч қандай жиноий иш йўқ-ку. Илтимос қиламан сиздан, ўтинаман!

Энди Качинскийнинг кайфияти бузилди.

— Бошқалар онгининг эркинлигини ҳимоя қилиш ҳақидаги принципимизни ўзим биринчи бўлиб бузсам, яхши иш бўлмайди,— деди у жиддий оҳангда.

Эльзанинг жаҳли чиқа бошлади. «Качинский масаланинг моҳиятига тушунмаяпти. Гап аёллик синчковлигидан кўра жиддийроқ нарса устида бораётганини унга кўрсатиб қўяман!» — деб ўйлади у ва деди:

— Штерннинг гапига қараганда, сиз Штирнер деган одамни зарарсизлантирган экансиз. Буни қандай қилган эдингиз? Шуни гапириб берсангиз.

Качинский ҳаммасини батафсил айтиб берди.

— Демак, сиз Штирнерни ўша деворларига ойна қопланган уйда кўргансиз?

— Йўқ, юзини кўрмаганман. У бошдан-оёқ симтўрга ўралиб олган эди.

— Агар илтимосимни қондирмасангиз, мен сирни очишга мажбурман. Штерн билан Штирнер бир одам, мен унинг хотиниман, асли исм-фамилиям Эльза Глюк, эримники бўйича Штирнер.

Качинский ҳангу манг бўлиб қолди.

— Кранц тўғри айтган экан-да?— деди у бир оз жимликдан сўнг.

— Кранц деганингиз ким?

— Кранц — изтопар. У Штирнерни қидириб топишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Яқинда у Москвада Штернни кўриб қолиб, Штирнер шу, деб мени ишонтирмоқчи бўлган эди. Ташқи ўхшашлик сизни янглиштиряпти, деб мен уни базўр фикридан қайтарган эдим.

— Демак, илтимосим бежиз эмаслигига энди қаноат ҳосил қилгандирсиз?— деди Эльза ўз гапининг таъсиридан мамнун бўлиб.

— Штерн, бу — Штирнер!— дея олди фақат Качинский ва чуқур ўйга ботди.

Эльза жавоб кутиб, уни индамай кузатиб ўтирди.

— Хўш, розимисиз?

— Йўқ.

— Агар Штерн — Штирнер рози бўлса-чи?

— Рози бўлмайди.

— Кўрамиз! У билан ўзим гаплашаман. Сиз ўтира туринг, ҳозир келаман.

Качинский айвонда ўтирганча узоқлашиб бораётган Эльзанинг орқасидан қараб қолди.

Эльза соҳилга ўрнатилган чодир ёнига бориб, Штирнерга алланималар ҳақида гапира бошлади, Штирнер диққат билан қулоқ солиб турди-да, кейин бош силкиб қўйди.

«Наҳотки шунчалик тез кўндирган бўлса?— деб ўйлади Качинский.— Ўзи хотирасини тиклашга уриниб кўришни таклиф қилганида у ҳар доим рад этар эди-ку».

Эльза Штирнерни эргаштириб келди.

— Бу киши рози,— деди у айвонга кириб,— ҳатто ўзлари илтимос қиляптилар.

— Розимисиз?— деб сўради Качинский ишонқирамай.

— Жоним билан. Заррача қаршилигим йўқ,— деб жавоб берди Штирнер.

Качинский ўйланиб қолди: «Хоҳлаган пайтимда яна хотирасини йўқотиб юборишим мумкин-ку. Ҳушёр бўлиб кузатиб тураман».

— Нима ҳам дердим, майли, сизлар айтганча бўла қолсин,— деди Качинский.— Кейин чўнтагидан қутичани — кучайтиргич-аккумуляторни олиб, чаккасига босди-да, Штирнерга фикран буйруқ берди:

— Ўтириб, ухланг!

Штирнер итоаткорлик билан креслога ўтирди-да, кўзларини юмиб, шу заҳоти уйқуга кетди.

— Одатда ухлатиш усулини қўлламаймиз,— деди Качинский Эльзага мурожаат қилиб,— лекин бу мураккаб операция. Мен уни фақат ўн минутгагина аввалги ҳолатига қайтараман...

— Йигирма минутга!— деди Эльза.

— Майли, ўн беш минутга, ундан кўп эмас. Бу вақт ичида бирор ножўя иш қилиб қўйишга улгурмаса керак, деб ўйлайман. Ҳар эҳтимолга қарши уни уй ичидан кузатиб тураман, бунисига хўп дейсиз. Роппа-роса ўн беш минутдан кейин у яна Штернга айланади.

Качинский гапдан тўхтаб, Штирнерга қаттиқ тикилди.

— Ҳозир уйғонади. Мен кетдим.

Качинский уйга кириб, эшик орқасига туриб олди. Айвондан у кўринмасди.

Штирнер бир неча бор чуқур нафас олди, кўзларини хиёл очди-ю, аммо офтоб ёруғидан яна дарров юмди. Готлиб уйидаги каттакон залнинг нимқоронғиси билан ярқираб ётган океан сатҳи ўртасидаги фарқ катта эди. Ниҳоят, у аста-секин кўзларини очди.

— Нима бу? Қаердаман? Эльза! Сенмисан?..— У Эльзанинг бағрига отилиб, қўлларидан ўпа бошлади.— Жонгинам Эльза! Нималар бўляпти? Ҳеч фикримни йиғиштириб ололмаяпман...

— Ўтиринг, Людвиг,— деди Эльза мулойимлик билан,— яхшилаб эшитинг, гапимни бўлманг. Ихтиёрингизда ўн беш минутгина вақт бор... Ҳозир ҳаммасини тушунтираман. Сиз ўша

момақалдироқли тунда Штернга айланиб, кетиб қолдингиз. Мана, сиз билан яна учрашдик. Қандай қилиб дейсизми? Вақтимиз қолса кейин айтиб бераман. Энди сиздан мени шунча пайтдан буён, яъни уч йилдан бери қийнаб келаётган саволга тезроқ жавоб беришингизни сўрайман.

— Уч йил?— ҳайрон бўлиб сўради Штирнер.

— Ростини айтинг: Карл Готлибнинг ўлимига айбдормисиз, йўқми?

— Сизга айтганман-ку, Эльза. Готлибнинг ўлимига бахтсиз тасодиф сабаб бўлган.

— Аммо иккинчи васиятнома унинг ўлимидан атиги бир ой олдин ёзилган. Бу ҳам тасодифми?

— Йўқ бу тасодиф эмас. Бунда, очиғини айтсам, менинг айбим бор. Мен сўнгги васиятномани ёзишга Готлибни ростдан ҳам шошилтирганман, чунки умридан саноқли кунлар қолган эди. Кўринишдан бардам бўлишига қарамай, унинг юраги чатоқ эди. Врачлар ўзига айтишмаган, лекин ишончли кишиси сифатида менга уни бир ойдан ортиқ яшамайди, дейишган эди. Шунинг учун унга тезроқ васиятномани ёзишни буюриб, фикран таъсир ўтказганман. Нима учун ўзимнинг эмасу сизнинг номингизга ёзилганини айтувдим шекилли. Мана шу «қинғир» йўл мақсадга тезроқ етказарди,— деди у таниш истеҳзо билан.

— Васиятномада менинг Готлибга кўрсатган хизматим эслатилган. Унга нима дейсиз?

— Гарчи мен сал ошириб юборган бўлсам ҳам, лекин хизматингиз бор. Бир гал сизга тўлаш учун олинган ва Карл Готлиб имзолаган бир нечта векселларни берган эдим. Шунда сиз, эҳтимол тасодифан бўлса керак, дастхат илгаригиларига ўхшамаслигини сезиб қолиб, менга кўрсатган эдингиз. Ўшанда сизга сир бой бермадим-у, лекин пухта текширув ўтказиб, ўнлаб шунақа векселларни топдим. Булар сохта векселлар эди. Улар қаердан келиб қолди? Ким уларни ясаган? Узоқ ва эҳтиёткорлик билан олиб борилган текширувлардан кейин қалбаки векселлар марҳум Карлнинг укаси Оскар Готлиб томонидан ясалганини аниқладим. Рад қилиб бўлмайдиган далилларни тўплаб, ўзимизнинг қария Готлибга тақдим этдим. Шундай қилиб, гарчи бу қалбаки ишни биринчи бўлиб сиз сезганингизни унга айтмаган бўлсам ҳам сиз Карлга катта хизмат кўрсатдигиз, укасининг ножўя хатти-ҳаракатини фош қилдингиз. Карл қаттиқ ғазабланиб, Оскарни меросдан маҳрум қилишини айтди — бу фикрни унга мен ўтказганим йўқ. Шундан кейин Карл укасини койиб, унга ёмон хат жўнатди. Оскар жавоб хатида айбини бўйнига олиб, ялинибёлвориб кечирим сўради, моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолганини рўкач қилиб, ўзини оқламоқчи бўлди. Ўша хат Готлибнинг пўлат сандиқларидан бирида ҳалиям турган бўлса керак...

— Хат топилди!— деб қичқириб юборди Эльза.— Ҳаммаси тўғри... Энди гапингизга ишониб турибман.

— Ким топди уни?

— Зауерда калитлар бор экан. Сиз кетганингиздан кейин Зауер яна меросни талаб қила бошлаган Рудольф Готлиб билан уришиб қолди. Зауер ҳамма масалада ўзини сизга ўхшатмоқчи бўлдими, бойликни менинг ихтиёримда қолдириш учун Готлибга қарши курашишга аҳд қилди. Шкафлар муҳрлаб қўйилмасдан илгари Зауер улардан бирини очишга улгурган, бир даста қалбаки векселлар билан Оскар Готлибнинг хатини топиб олиб, укасини меросдан маҳрум этган. Карл Готлибнинг васиятномаси тўғри эканлигини исботлаш учун уларнинг ҳаммасини прокуророга берган. Жон-пони чиқиб кетган Рудольф Готлиб Зауерга ўқ узиб, қорнидан ярадор қилган. Зауер яллиғланиш касалидан ўлди, Рудольф Готлибни ўн йилга ҳукм қилишган эди, ҳозир қамоқ муддатини ўтаяпти. Оскарнинг қалбаки векселлари устидан очилган иш тез кунда ёпилди, чунки Оскар биринчи сўроқ пайтидаёқ миясига қон қўйилиб ўлиб қолди...

— Қанча бахтсизлик!— деди Штирнер.— Ахир буларнинг биортасидаям менинг айбим йўқ-ку, Эльза?

— Тўғри, лекин бевосита бўлмаса ҳам айбингиз бор. Энди бу ҳақда гаплашмаймиз. Айтинг-чи, Москвага қандай қилиб бориб қолдингиз?

Штирнер елкасини қисди.

— Қочишни режалаштирган пайтимда, душманларим мени Москвадан қидирмаса керак. деб ўйлаганман. Бундан ташқари, Москва милициясининг бизникилар билан алоқаси йўқ-ку. Шунинг учун Штернни ўша ёққа жўнатдим. Унинг кейинги тақдиридан хабарим йўқ.

— Штерндан эшитган нарсаларимдан баъзи бирларини айтиб беришим мумкин.

Шундай деб, Эльза Штерн билан боғлиқ гапларни Штирнерга сўзлаб берди. Фақат Качинскийнинг фамилиясини айтмади.

— Қандай қилиб мени эски ҳолатимга қайтардинглар?— деб сўради Штирнер.

— Янги дўстларингизнинг биттасидан илтимос қилдим. Аввалги Штирнер билан бир неча минут бўлса ҳам гаплашиб, ҳозир сиз менга айтиб берган гапларни билиб олмоқчи эдим.

— Мен шунга рози бўлдимми?

— Ҳа, рози бўлдингиз.

— Қизиқ,— деди Штирнер,— шунақа бўлишини илгаритдан билиб, ўз шахсимни ўзгартирган пайтимда Штернга ҳеч қанақа таъсирга рози бўлмасликни буюрган эдим-ку.

— Демак, Штерн сизга эмас, менга қулоқ солибди,— деди кулиб Эльза.

— Эҳ, Эльза, Эльза, нега бундай қилдингиз? Ўтмишни эслаш нақадар оғир!— Штирнер маъюс бўлиб қолди.

— Ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади!— деди Эльза.

— Ҳа, энди менга сиз билан ажрашиш илгаригидан кўра оғирроқ. Яна сизни унутиш...

Штирнер ўрнидан туриб, Эльзага қўлларини узатди, кўзларига меҳр билан боқиб, деди:

— Эльза!..— Шу пайт бирдан унинг юзи ва кўзларида лоқайдлик пайдо бўлди, Эльзанинг қўлини ушлаб турганидан хижолат тортиб қолди:— Хўш, фрау Беккер, биз билан бирга овга борасизми, йўқми? Мен розиман, ўйлайманки, ҳамроҳларим ҳам эътироз билдиришмайди. Ажойиб ов бўлади.

Эльза рўпарасида яна Штерн турганини сезди. Вақт тугаган эди. Качинский қўлида соатни ушлаганча айвонга чиқиб келдида, Штирнердан сўради:

— Айтинг-чи, Штерн, фрау Беккер билан соҳилда нима тўғрисида гаплашдинглар, фақат ов ҳақидами?

— Албатта-да,— деди Штирнер Качинскийга таажжубланиб қараб.— Бошқа нима тўғрисида гаплашишимиз мумкин? Фрау Беккер олдимга келиб, овга бирга олиб кетишни илтимос қилди. Агар мен рози бўлсам, сиз билан Дугов ҳам қарши эмасликларингизни айтди. Мен розиман. Шуни айтиш учун келдим, холос. Тўғрими?— У Эльзага мурожаат қилди.

— Ҳа, тўғри,— деб жавоб берди Эльза кулиб.

Качинский Эльзага таъна билан қараб, бош чайқаб қўйди.

— Нега бошингизни чайқаяпсиз, Качинский?— деб сўради Штирнер.

— Ҳаммаси жойида бўлди-ку,— деди Эльза Качинскийга.

— Нима жойида бўлди? Нимани гаплашяпсизлар, жаноблар?— Штирнер бетоқат бўла бошлади.

Качинский қўл силтаб қўйди.

— Арзимаган гап. Фрау Беккер овга бирга бораман деб ҳазиллашяпти...— деди у Эльзага ўпкалангандай қараб.— Ё ростдан ҳам борасизми?

— Албатта бораман!— деди Эльза.

Качинский яна қўлларини икки томонга ёзди.

— Демак, эртага эрталаб жўнаймизми?— деб сўради Штирнер Эльзадан.

IV. СЕНС-САНСНИНГ «ОҚҚУШ» КУЙИ

Кечки овқатдан кейин ҳаммалари айвонда ўтиришиб, суҳбатни қизитиб юборишди.

Меҳмонлар Москва ҳақида, фикрни узоқ масофага узатишнинг истиқболлари ҳақида, инсоният бу қудратли қуролни мукаммал эгаллаб олганидан кейин очиладиган имкониятлар тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қилиб беришди.

Эмма бу гапларни ҳаяжон билан тинглаб ўтирар, ҳар замон-ҳар замонда: «Қара-я, у ер қандай ажойиб! Биз бўлсак, бу ерда ўтирибмиз!»— дегандай, Эльзага қараб қўярди.

Уфқдан баркашдай ой кўтарилди. Бутун океан сатҳига кумуш чойшаб ёпилгандай бўлди. Тўлқинлар кўкнинг бу ноёб туҳфасини беозор тебратиб турарди.

Океан кечки нам ҳаводан тўйиб нафас оларди. Турфа гуллардан таралаётган муаттар ҳид ҳаммаёқни тутиб кетган эди.

Қаердадир, олисда ерли халқ қўшиқ бошлади. Бу қўшиқнинг оҳанги худди қирғоққа урилаётган тўлқин овозидай якранг ва зерикарли эди. Шунинг таъсириданми, айвондаги суҳбат борабора сусайиб, охири тўхтаб қолди.

Энди тўлқин бир-бирига ишқалаётган майда тошларнинг овози баралла эшитила бошлади.

— Биз бўлсак шундоқ жойда яшаяпмиз!— деб юборди бирдан Эмма чуқур хўрсиниб.

— Унақа деманг, фрау,— деди Дугов ва қулочини ёзиб атрофга ишора қилди.— Бундан ортиқ фусункор жой бўладими!

— Тўғри, лекин... ҳар куни бир хил... Янгиликни қўмсар экан одам! Бу ер ёмон эмас, аммо нимадир етишмайди барибир.

— Нима етишмаётганини мен биламан!— деди кулиб Дугов.— Музика етишмайди! Фрау Беккер, сиз чалишни биласиз шекилли? Ичкарида пианинога кўзим тушган эди. Бирор нарса чалиб берсангиз-чи! Биз жим ўтириб, эшитамиз.

— Илтимос, илтимос!— деб унинг гапини қувватлади Качинский.

— Жоним билан,— деди Эльза ва хонага кириб, рояль ёнига ўтирди.

«Бугун жудаям яхши чаламан»,— деб кўнглидан ўтказди у, тунги шабнам инган муздек клавишлар устидан бармоқларини югуртираркан.

— Нимани чалсам экан?— у ўйлаб улгурмасдан, бармоқлари худди аллақандай бир сирли буйруқни адо этгандай, Сенс-Санснинг «Оққуш» куйини чала кетди.

Ниҳоятда сокин ва майин бир куй тун қаърига, ой нурига чўмилиб ётган океан саҳнига таралиб, оҳанг сеҳри билан тун латофати бир-бирига омихта бўлиб кетди.

— Қўлингиз дард кўрмасин!

Эльза чўчиб тушди. Унинг рўпарасида роялга суянганча Штирнер тикилиб турарди. Қачон кира қолдийкин?

— Кечирасиз, халақит бермадимми? Кирмасликнинг иложи бўлмади... Бу куй... Илтимос, чалаверинг!..

Эльза чалишдан тўхтамай, Штирнернинг гапларига энтикиб қулоқ солар ва ўз дардини ўйларди. «Оққуш», бу Сенс-Санснинг «Оққуш»и...» деган эди Штирнер қачонлардир ойнабанд залда. Йўқ, у ёвуз одам бўлиши мумкин эмас. Ўшанда ҳам овози ҳозиргидай мулойим эди.

— «Оққуш»... Сенс-Санснинг «Оққуш»и!.. Бу пьесани энг яхши музикачилар ижросида ўн марталаб эшитганман,— деди Штирнер Эльзадан кўз узмай,— лекин сизнинг чалишингиз нима учун мени бу қадар тўлқинлантириб юборди? Худди сизни илгари қаердадир кўрганимга ўхшаб туюлгандай, бу куйни чалганингизни ҳам илгари эшитгандайман...

Эльза ҳаяжонланганидан кўкси тез-тез кўтарилиб туша бошлади.

— Фақат туюлаётгани йўқ. Биз ҳақиқатан ҳам учрашганмиз,— деди у тезгина, чалишдан тўхтамай.

— Қачон? аерд ?— еб с ради Шти н д ..ндаи эн тикиб.

— Кечаси, момақалдироқ пайтида, шифти ва деворларига ойна қо ланган залда.

Штирнер пешонасини ишқалаб, бир нарсаларни эслашга уринди.

— Ҳа, рост... Шунақа бўлувди шекилли...

— Ундан илгари ҳам кўришганмиз... Ҳозир сиз унутиб юборган кунларда кўп кўришганмиз...— Эльза ҳалигидай тез ва асабий оҳангда сўзлай кетди.— Сиз мени унутгансиз... Штернга айланган пайтингизда берган битта саволимга: «Кечирасиз, хоним, сизни танимай турибман»,— деб жавоб бергансиз.

— Йўғ-э? Наҳотки! Биз... сиз билан жудаям яқин таниш бўлганмизми?

Эльза иккиланиб қолди. Бармоқлари чалкашиб кета бошлади. Кейин у чалишдан тўхтаб, Штирнернинг кўзларига тикилди.

— Жудаям...— шундай деди-ю, ўз ҳаяжонини яшириш учун Рахманиновнинг янгроқ «Полишинель» куйини чала кетди. Штирнер ҳам қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Ундай бўлса... илгари ким бўлганлигимни сиз биларкан сиз-да?

Эльза жавоб бермади. «Полишинель» оҳанглари тобора авжга чиқарди.

— Фрау Беккер, ўтинаман, айтинг! Бу ерда мен билишим керак бўлган қандайдир сир бор!

Эльза қўққисдан чалишдан тўхтади ва Штирнерга жиддий, ҳатто аллақандай бир ҳадикли нигоҳ билан қараб, деди:

— Буни сизга айтолмайман, айниқса, ҳозир айтолмайман.

— Нега чалмаяпсиз?— айвондан Дуговнинг овози эшитилди.

Эльза яна чала бошлади.

Штирнер бошини хам қилганча индамай қолди. Салдан кейин тағин секин гап бошлади:

— Сиз чалган куй... сизнинг ўзингиз... Нега?..— у керакли сўз қидириб бир оз тўхтаб қолди.— Нега сиз мени бунчалик ҳаяжонга соласиз? Узр. Мен юрагимдаги гапларни гапириб олишим керак. Мен дуч келган чиройли аёлларнинг орқасидан эргашиб кетаверадиган суюқ одам эмасман. Лекин сиз... бурилиб қарашингиз, кўйлагингиз бурмалари, чаққон ҳаракатларингиз — ҳамма-ҳаммаси юрагимга ғулғула соляпти, қалбимда аллақандай бир олис, лекин ширин хотираларни қўзғаяпти,— Штирнер бирдан қизишиб, Эльзанинг ёнига чопиб келди-да, қўлларини кафтлари орасига олиб, гапира кетди:— Фрау Беккер, менинг ўтмишда ким бўлганлигимни айтмасангиз ҳам майли. Лекин, модомики, сиз билан таниш бўлган эканмиз, лоақал ўша пайтлар... дўстлигимиз, эҳтимол, ундан кўра ҳам яқинроқ бўлган кунларимиз ҳақида гапириб беринг. Бу мен учун жуда ҳам зарур... Юринг, соҳилга тушайлик, ўша ерда ҳаммасини сўзлаб берасиз.

Улар айвонга чиқишди.

— Концерт тугад ь ? деди Дугов.— Афсус, биз энди маза қилаётган эдик

— Фрау Беккернинг бошлари оғрияпти,— Э. ьза учун Штирнер жавоб берди.— Биз соҳилда бир оз айланиб келамиз.

Штирнер билан Эльза соҳилга тушиб кетишди.

Качинский уларнинг ортидан ўйчан тикилиб қолди. Табиатан қувноқ Дугов эса бир жилмайиб қўйди. Буни сезиб, Эмманинг жаҳли чиқди.

«Ҳеч нарсанинг фаҳмига бормайди-ю, тағин кулади!» — деб кўнглидан ўтказди у. Кейин қирғоқдаги тош устида ўтирган бир жуфт сояга қараб, енгил тин олди...

V. МУЛОЙИМ АРСЛОНЛАР

Кичкина отряд йўлга тушди.

Олдинда иккита йўлбошловчи негр, уларнинг орқасида Дугов, Эльза, Штирнер ва Качинскийлар боришарди.

— Қуролларингиз қани?— деб сўради Эльза ҳайрон бўлиб.

— Мана бу ерда!— деди Дугов пешонасини кўрсатиб.

— Миянгизда-я? Радионгиз ҳам, қуролингиз ҳам миянгизда экан-да? Эҳтимол, электр лампочкаси ҳам бордир?— деди ҳазиллашиб Эльза.

— Эҳтимол эмас, аниқ. Инсон тафаккури — қудратли куч. Дарвоқе, Качинский, бу ҳақда Аррениус нима деган эди?..

— «Энг буюк энергия манбаи, бу — инсон тафаккури. Мия тўқималарида пайдо бўладиган электромагнит тебранишлари — оламни забт этувчи энг қудратли куч».

— Ана, миямизга қанақа куч яширинганини эшитдингизми!— деди Дугов.

Улар тропик ўрмонга кириб боришди. Ўрмон нимқоронғи эди. Турли-туман қушлар дарахт шохлари ва чакалаклар орасида патиллаб учиб юрарди. У ер-бу ердан ёриб ўтган қуёш нурлари, худди прожектордай, ранг-баранг япроқлар ва улар ичида ғужғон ўйнаётган ҳар хил тусдаги паррандаларни ёритиб, камалакдай товланарди. Йўл тугади. Чириган япроқлар ва қулаб тушган дарахтлар юришни қийинлаштирарди. Тўсиқлардан ўтишда Штирнер Эльзага ёрдамлашиб борди.

Кечадан бери Штирнер Эльзага ниҳоятда меҳрибон бўлиб қолган эди.

— Саёҳатимиз қанчага чўзилади?— деб сўради чарчай бошлаган Эльза.— Менимча йиртқичлар жуда ичкарида бўлса керак.

— Уларни қидириб нима қиламиз?— деди Дугов.— Йиртқичларнинг ўзи олдимизга келиши керак. Бирорта яланглик топиб, уларни чақирамиз.

Кўп ўтмай, улар ёп-ёруғ яланглиққа чиқишди. Ўрмон қоронғисидан кейин ҳаммалари беихтиёр кўзларини қисишди. Катта-

катта қизил, сариқ ва чипор лолалар ялангликни гиламдай қоплаб ётарди.

— Қандай ажойиб!— дея қичқириб юборди Эльза.

Улар ўтиришиб, суҳбатга тушиб кетишди.

— Фурсат етди,— деди Дугов.— У ялангликнинг ўртасига бориб тўхтади. Бошини сал олдинга чиқазди. Юзи жиддийлашди. У ўрмон қаърига тикилганча турган жойида аста-секин айлана бошлади.

Бирдан Эльза сесканиб кетди. Олисдан арслоннинг момақалдироқдай ўкиргани эшитилган эди. Салдан кейин бошқа арслонлар ҳам ўкира бошлади.

— Илиняпти!— деди кулиб Качинский.

Дугов эса ҳамон ҳалиги вазиятда айланарди.

Бўкиришлар энди яқиндан эшитила бошлади. Дарахт шохларидаги маймунлар чийиллаб қолди. Ҳатто паррандалар ҳам безовта бўлиб, дув осмонга кўтарилди.

Мана, йиртқичларнинг вазмин қадами остида шох-шаббаларнинг чирсиллаб сингани эшитилди.

Улар ҳар тарафдан чиқиб келиб, қуролсиз, ҳимоясиз одамларни қуршаб ола бошладилар. Эльзани ваҳима босди. Янги қурол иш бермаса-чи? Ҳаммалари тилка-пора бўлишади!

Штирнер унинг қўрқаётганини сезиб, қўлидан ушлади.

— Хотиржам бўлинг!

Эльза сал ўзини ўнглаб олди.

Бу орада баҳайбат бир арслон ялангликка чопиб чиқди-да, офтобдан кўзлари қамашиб тўхтаб қолди. Кейин битта-битта босиб Дуговнинг олдига келди ва эркаланиб бошини унинг оёқларига ишқай бошлади. Дугов унинг ёлидан аста силаган эди, арслон чўзилиб ётиб олди. Сал ўтмай, худди мушук миёвлагандай овоз эшитилиб, ялангликка иккита боласини эргаштириб она арслон чиқиб келди. Улар ҳам Дуговнинг оёқлари остига ётишди. Кейин яна бир баҳайбат арслон чакалакзор орасидан отилиб чиқди.

— Етади!— деди Дугов.— Кемамиз шунча меҳмонни кўтаролмайди. Сен ортиқчасан,— Дугов энг олдин чиққан арсоннинг бошига шапатилаб қўйди,— ўзиям шартинг кетиб, партинг қолибди, сен боравер, қария!

Арслон каттакон тили билан Дуговнинг қўлини бир яладида, чакалакзор ичига чопиб кириб кетди.

— Мана буниси ростдан ҳам чиройли экан!— деб давом этди Дугов энг охирида чакалакзор орасидан отилиб чиққан арслоннинг елкасини силаб.— Юнгини қаранглар, худди тиллага ўхшади-я! Нега... йиғлаяпсан, кичкинтой? Оёғингга тикан кирдими? Вой, бечора-ей! Ке, опташлайман.

Дугов арслон боласининг оёғидан бармоқдай келадиган тикани суғуриб олди. Она арслон эса буни хотиржам кузатиб турди.

— Буларнинг панжаси жудаям нозик бўлади,— деди Дугов Эльзага мурожаат қилиб.— Шунинг учун ҳам тикандан кўп

азият чекишади. Яқинроқ келсангиз-чи, фрау! Кўряпсиз-ку, чақалоқдай беозор булар!

Эльза яқин бориб, арслонларни силай бошлади. Улар эркаланиб, бошларини Эльзанинг оёқларига суйкашарди.

— Бўлди, кетдик. Ҳадемай кун ботади. Иўлбошловчилар қани?

Улардан бирини Качинский ўтлар орасидан топди. Бечора негр қўрқиб кетганидан ўликдай чўзилиб ётарди. Иккинчиси арслоннинг овозини эшитиши билан жуфтакни ростлаб қолган эди. Уни ҳам топишди-ю, лекин у энди йўлбошловчиликка ярамасди. У шундай қалтирардики, бўйнидаги чиғаноқ шодаси тўхтовсиз силкиниб турарди. Арслонларга кўзи тушди-ю, тахтадек қотди-қолди. Качинский унга ғалати қилиб бир қараган эди, негр сал ўзига келиб, йўлга тушди.

Бу гал Дугов энг орқада юрди, унга эркак арслон ва иккита боласи билан урғочи арслон эргашиб борарди.

Энг олдинда йўлбошловчи, кейин Эльза билан Штирнер, Штирнернинг орқасидан эса Качинский юришарди.

Зим-зиё ўрмон ичкарисига кирганларида бирдан дарахт шохлари шитирлаб қолди. Штирнер қичқириб, гавдаси билан Эльзани тўсиб қолди. Эльзанинг устига сакраган каттакон қоплон Штирнернинг елкасига тушиб, уни ерга қулатди. Эльза «Дод!» — деб юборди. Аммо қоплон Штирнерга тегмай, думини қисганча чакалакзор ичига кириб кетди.

— Бизнинг овимиз ҳам бехатар эмас!— деб қўйди Дугов.— Қалайсиз, Штерн?

— Соппа-соғман,— деб жавоб берди Штирнер ўрнидан тураркан.— Фақат костюмим йиртилди, холос.

— Қуролимизнинг кучига энди ишонгандирсиз, фрау Беккер,— деди Качинский Эльзанинг ёнига келиб.— Қоплонга таъсир ўтказилмаган эди, у бизга ҳужум қилди. Аммо у Штирнернинг устига келиб тушишга улгурмасидан мен унга хаёлан яхшиликча жўнаб қолишни буюрдим. Кўрганингиздай, қоплон дарров қуён бўлди. Фикр қилинаётган пайтда электромагнит тўлқинлари секундига уч юз минг километр тезликда, яъни нур тезлигида тарқалади. Демак, биз дунёда энг тез отадиган қуролга эгамиз. Душманни зарарсизлантириш учун секунднинг юз мингдан бир бўлаги кифоя қилди.

— Лекин барибир эҳтиёт бўлишимиз керак,— деди Штирнер Эльзага қараб. У ўзидан кўра ҳам кўпроқ Эльза ҳақида қайғурарди.

— Энди хатар йўқ, дарахтлар сийраклашяпти, ҳадемай ўрмондан чиқамиз,— деди Дугов.

— Вой, қанақа ажойиб тўтилар-а!— деб хитоб қилди сал ўзини босиб олган Эльза.

— Ие, эсимдан чиқай депти-ку!— деб қолди Качинский бирдан.— Ивинга тўти ваъда қилувдим.— У дарахт шохида ўтирган тўтилардан энг чиройлигини танлаб, фикран буйруқ берди. Тўти учиб келиб, Качинскийнинг елкасига қўнди.

Негр Качинскийга илоҳий бир нарсага қарагандай нигоҳ ташлаб қўйди.

Качинский буни сезиб, кулди.

— Унинг учун,— деди Качинский негрни кўрсатиб,— биз олий мавжудот, мўъжизалар яратувчи худонинг ўзимиз. Инсоннинг табиати шунақа: ўзининг ақли етмаган нарсани у ё илоҳийлаштиради, ёки рад этади.

— Бу негр бўлмаган одамларга ҳам мўъжизадай туюлиши мумкин,— деди Эльза.

— Лекин бу ерда ҳеч қандай мўъжиза йўқ,— деб гапга аралашди Дугов.— Ҳайвонларни ўргатишни ҳар қандай тури уларда шартли рефлекс ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Фикрни узоқ масофага узатиш соҳасидаги ютуқларимиз эса онгда ўзимиз хоҳлаган нарсани биратўла мустаҳкамлаш имкониятини берди. Дарвоқе,— деб давом этди у бир оз жимликдан сўнг,— биринчи тажрибаларимиз эсингиздами, Качинский: ҳозир қилаётган ишларимиз олдида улар ёш болаларнинг ўйинига ўхшаб кўринади.

— Ундай десак, биринчи тажрибаларимизга нисбатан адолатсизлик бўлади,— деди Качинский.— Ўшаларсиз ҳозир бутун дунёга донғи кетган ҳайвонот боғига ҳам эга бўлмас эдик.

— Қанақа боғ у?— деб сўради Эльза.

— О, бориб бир кўришингиз керак! Москва яқинидаги бепоён майдон устига ойна қопланиб, қишки боққа айлантирилган. У ерда тропик ўсимликлар гуркираб ўсиб ётибди. Гуллар ва ўсимликлар орасида арслонлар, йўлбарслар, ёввойи эчкилар, оҳулар, қоплонлар, хуллас, ер юзининг жамики ҳайвонлари бемалол айланиб юради. Болаларни айтмайсизми, болаларни! Улар кун бўйи ҳайвонлар билан бирга: йўлбарсларга миниб сайр қилишади, арслон болалари билан ўйнашади. Мана, саёҳатимиз ҳам тугади. Уйга яқинлашиб қолдик...

Одатдан ташқари карвоннинг кириб келиши уйдагиларни қаттиқ бесаранжом қилди. Эмма арслонларнинг қорасини кўриши билан додлаганча боласини бағрига босиб, ўзини уй ичига урди, апил-тапил эшик ва деразаларни беркитиб олди. Кекса негр хотин соҳилга қараб қочди. Шмитгоф ҳушидан кетди. Ганс оёқда зўрға турарди. Йиртқичларнинг ҳидини сезган отлар ер тепиниб, кишнашар, эшак нуқул ҳанграрди.

Лекин аста-секин ҳамма нарса яна ўз ҳолига қайтди. Эльза ялиниб-ёлвориб Эммани айвонга олиб чиқди, дугонасига далда бериш учун бориб арслонларни силаб-сийпай бошлади. Ниҳоят, кичкина Отто ҳам аста-секин арслон болаларининг олдига борди, лекин қўл теккизишга бир оз қўрқиб турди.

— Агар хоҳласангиз, фрау Шпильман,— деб Эммага мурожаат қилди Дугов,— арслонлардан биттасини сизга қолдириб кетишим мумкин. Ўғлингизга эрмак бўлади, уйингизни қўриқлайди.

— Миннатдорман, лекин... ўзингизга буюрсин!

Дугов кулиб арслонларга қаради, кейин нигоҳини чодирда

ўтирган матросларга кўчирди. Улар фикрий буйруқни бажариш учун дарров ўринларидан туришди. Чодирни тез йиғиштириб, қайиқни сузишга таёрлай бошладилар. Арслонлар тош йўлкадан аста-секин соҳилга тушиб, қум устига чўзилишди. Матрослар уларни қайиққа битта-биттадан ўтказиб, кемага ташишди.

— Кетасизларми?— деб сўради Эльза маъюс оҳангда.

— Афсуски, вақтимиз тугаб қолди. Бизни дирижабль кутяпти. Аммо бу ёқимли танишувимиз шу билан тугамайди, деб умид қиламиз. Ҳали яна кўп келамиз, боғимизнинг Харьков, Тифлис ва бошқа шаҳарларда очилган филиалларини тўлдириш учун ҳали яна қанчадан-қанча жониворлар керак бўлади. Ўзингиз ҳам бориб, қилган ишларимизни бир кўрсангиз тағин ҳам соз бўлар эди.

Эльза таъзим қилди.

Дугов Эмманинг ёнига келди.

— Овга биз билан бирга бормасдан кўп нарсани йўқотдингиз, фрау. Ажойиб мўъжизаларни кўрган бўлардингиз.— Дугов осмонда, кўрфаз устида учиб юрган беҳисоб қушларга тикилиб, давом этди:— Майли, овда кўрмаганларингиз эвазига ҳозир сизга бир «мўъжиза» кўрсатаман.

Дугов яна қушларга тикилиб қарай бошлади.

Қушлар ўз йўлларини ўзгартириб, уч бурчак ҳосил қилдилар. Улар шу вазиятда уй тепасига учиб келишди. Уч бурчак улкан доирага айланди. Кейин бу доира аста-секин кенгая бориб, бора-бора кўк бағрига сингиб кетди.

Эмма ҳайратланганидан чапак чалиб юборди.

— Яна! Яна!— деб қичқирарди бола.

Дугов Эмма билан ўғлини овунтириб турган пайтда Штирнер билан Эльза четроққа чиқиб, нималарнидир гаплаша бошлашди Эльза бир қизарар, бир ерга қарар, лекин, афтидан, Штирнернинг сўзларидан мамнун эди.

— Қани, кетдик!— деди Дугов.

Ҳаммалари соҳилга тушишди. Качинский, Дугов ва Штирнер қайиққа ўтириб, эшкакларни қўлларига олишди.

— Хайр!— деб қичқирди Штирнер Эльзага ва эшкагини сувга ташлади.

Ботаётган офтоб нурида эшкаклардан оқаётган томчилар қипқизил шароб томчиларига ўхшарди. Мана, қайиқ кемага бориб тақалди, саёҳатчилар тепага кўтарилишди. Елканлар шамолдан таранглашди. Лангар занжирлари шақирлади...

— Хайр!— деган овоз чалинди яна Эльзанинг қулоғига. Кемадагилар рўмолчаларини силкитишди. Эмма, Эльза ва бола ҳам рўмолча силкита бошлади.

Арслонлар олдинги оёқларини борт панжарасига тираб, саф тортишди. Уларнинг юнглари кун нурида олтиндай товланарди. Кема йўлга тушди...

Дугов арслонларга қараган эди, улар худди соҳилдагилар билан хайрлашгандай, бирдан бошларини қимирлатиб, олдинги

оёқларини силкита бошлашди. Бола билан Эмма кулиб юборишди. Эльза ҳам маъюс жилмайди.

Кема елканлари аллақачон кўздан йироқлашган, офтоб океан ортига ботиб, боягина зумраддай ярқираб ётган сув сатҳи қўнғир тусга кирган бўлса ҳам икки аёл билан бир бола ҳамон соҳилда туришар ва кема сузиб кетган томондан кўз узишмасди.

— Ҳа, албатта ўша ёққа бориб, ана шу мўъжизаларни кўришимиз керак,— деди ниҳоят Эльза ўйчанлик билан.

— Албатта!— деб жавоб берди Эмма иккиланмай.— Бу ерда жуда узоқ туриб қолдик.

Эльза ўша кеча алламаҳалгача ухлай олмади. Тонгга яқин кўзи илинганда гўё Людвигнинг овози эшитилгандай, у буни ҳадеб чақираётгандай туюлди.

— Ҳа, ҳа, азизим Людвиг!— деб шивирлади у уйқу аралаш.

Аммо Эльза янглишган эди.

Бу пайтда унинг ҳақида Штирнер эмас, балки Штерн ўйлаётган эди.

Штерн кема палубасида, серюлдуз жануб осмони остида ухлаб ётган арслоннинг бошига тирсаги билан суянганча пастак тўқима стулда ўтирарди. Ой ботиб кетди, аллақаёқлардан тонг насими етиб келди. Штерн эса ҳамон мижжа қоқмай, океан соҳилидаги якка-ёлғиз уйда яшаётган фрау Беккер ҳақида ўйларди.

Кеманинг бир текис чайқалиши, ниҳоят, уни элитди, Штерн арслоннинг пахмоқ ёлига бошини қўйганча уйқуга кетди.

Қуёшнинг илк нурлари дастлаб шуларга — инсон ва арслонга тушди.

Улар инсон тафаккури ўзларидаги жамики ёвуз ва теваракатрофдагиларга хатарли бўлган ҳис-туйғуларни жиловлаб ташлаганидан бехабар, тинчгина ухлаб ётишарди.

КЭЦ ЮЛДУЗИ

ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК
РОМАН

Константин Эдуардович Циолковский хотирасига бағишлайман

I. ҚОРАСОҚОЛ БИЛАН УЧРАШУВ

Арзимаган бир воқеа тақдиримни ҳал қилади, деб ким ўйлабди дейсиз.

У пайтда бўйдоқ эдим, илмий ходимлар турадиган бинода истиқомат қилардим. Ленинграднинг баҳор оқшомларидан бирида очиқ деразадан хиёбондаги яшил момиқ билан қопланган дарахтларни томоша қилиб ўтирардим. Уйларнинг юқори қаватлари ботаётган қуёшнинг сарғиш нурида чўмилар, пастки қаватлар эса кўкимтир қоронғилик қаърига ғарқ бўлмоқда эди. Узоқдан Нева дарёси ва Адмиралтейство қуббаси ярқираб кўринарди. Оқшом ниҳоятда сўлим эди, фақат куй етишмасди, холос. Радиоприёмнигим бузилиб қолган эди. Қўшни хонадан таралаётган майин бир куй деворларга урилиб, қулоғимга элас-элас эшитиларди. Шу тобда қўшниларимга ҳавасим келиб кетди ва ниҳоят, қўшним Антонина Ивановна радиоприёмнигимни осонгина тузатиб бериши мумкин-ку, деган фикрга келдим. Мен у қиз билан яхши таниш эмасдим, лекин физика-техника институтида ассистент бўлиб ишлашини билардим. Ҳар гал зинада учрашиб қолганимизда бир-биримизга мулойимгина таъзим қилиб ўтардик. Шунинг ўзи унга ёрдам сўраб мурожаат қилишимга тўла ҳуқуқ берадигандай туюлди назаримда.

Ҳаял ўтмай қўшним эшигидаги қўнғироқ тугмасини босдим.

Эшикни Антонина Ивановна очди. У йигирма беш ёшлардаги сулув қиз эди. Унинг катта-катта қувноқ қўйкўзлари кишига андак истеҳзо билан такаббурона боқар, қирра бурни эса чеҳрасига қандайдир жўшқинлик ифодасини баҳш этарди. Эгнидаги жўнгина тикилган қора мовут кўйлаги қоматини қучиб турарди.

Негадир бирдан довдираб қолдим ва шоша-пиша, узуқ-юлуқ қилиб келишимнинг сабабини тушунтирдим.

— Бу замонда радиотехникани билмаслик уят,— деб гапимни бўлди у ҳазил аралаш.

— Мен биологман,— дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб.

— Лекин ҳозир мактаб болалари ҳам билади радиотехникани.

У шундай дея текис тишларини ярқиратиб куларкан, таънасини юмшатгандай, орадаги ноқулайлик сал кўтиралгандай бўлди.

— Юринг, ичкарига кирайлик, чойимни ичиб бўлиб, приёмнигингизни даволагани бораман.

Мен бажону дил эргашдим.

Кенг ошхонадаги думалоқ стол ёнида семиз, икки юзи қипқизил, очлари оппок аёл — Антонина Ивановнанинг онаси ўтирарди. У мен билан қуруққина кўришиб чойга таклиф қилди.

Мен рад этдим. Антонина Ивановна чоиини ичиб бўлгач, бизникига чиқдик.

У приёмникни ғоятда чаққонлик билан қисмларга ажратди. Мен унинг узун, ҳаракатчан бармоқларига ҳавас билан тикилардим. Биз кўп гаплашолмадик. Қиз аппаратни бирпасда тузатиб, чиқиб кетди.

Бир неча кунгача фақат у ҳақда ўйлаб юрдим, яна кирмоқчи бўлардиму, бироқ ҳеч баҳона тополмасдим. Ниҳоят, айтишга ҳам уялади киши, приёмнигимни атайин бузиб қўйдим... Кейин унинг олдига кирдим.

Қиз приёмникни кўздан кечириб чиқди-ю, менга масхараомуз қараб қўйди-да:

— Приёмнигингизни тузатмайман,— деди.

Менинг лавлагим чиқиб кетди.

Аммо эртаси куни яна кирдим — бу гал приёмнигим жуда яхши ишлаётганини айтиш учун кирдим. Шундай қилиб, Тоня ни кўриб туриш,— мен уни ўзимча шундай деб атардим,— мен учун ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолди.

Қиз мен билан дўстона муносабатда бўларди, лекин мен унинг назарида кабинетда ўтириб қолган олим, тор доирадаги мутахассис, радитехникадан бехабар, характери бўш, табиати ўз лабораторияси ёки кабинетига мукка тушиб олган чолларникига ўхшаган бир киши эдим. Ҳар учрашганимизда у талай кўнгилсиз гапларни уйиб ташлар ва характеримни ўзгартиришни маслаҳат берарди.

Менинг иззат-нафсим ҳақоратланган эди. Қайтиб уникига кирмасликка қарор қилдим, лекин, албатта, бунинг уддасидан чиқолмадим. Бунинг устига, ўзим ҳам сезмай характеримни ўзгартира бошладим: кўпроқ сайр қиладиган, спорт билан шуғулланадиган бўлдим, чанғи, велосипед ва ҳатто радиотехникага оид китоблар сотиб олдим.

Бир куни Ленинград кўчаларида сайр қилиб юриб, Йигирма Бешинчи Октябрь кўчаси билан Учинчи Июль кўчасининг муюлишида тимқора соқолли ёшгина бир кишини кўриб қолдим.

У менга диққат билан бир оз тикилиб турди-да, кейин истиқболимга шахдам юриб кела бошлади.

— Кечирасиз, сиз Артемьев эмасмисиз?

— Шундай,— жавоб бердим мен.

— Сиз Нина... Антонина Герасимовани танийсизми? Мен сизни бир куни у билан кўрган эдим. Мен унга Евгений Палей ҳақида баъзи нарсаларни айтмоқчи эдим.

Шу пайт нотаниш кишининг олдига автомобиль келиб тўхтади.

— Тезроқ! Тезроқ бўлинг! Кечикамиз!— деб қистади шофёр.

Қорасақол машинага сакраб чиқиб олди.

— Айтиб қўйинг — Помир, Кэц...— деб қичқирди у машина ғизиллаб бораркан.

Автомобиль тезда ғойиб бўлди.

Уйга бир алфозда қайтдим. Бу одам ким? Фамилиямни қаёқдан билади? Мени Тоня билан ёки у айтганча Нина билан, қаерда кўрган экан? Ҳамма танишларимни бир-бир кўз ўнгимдан ўтказиб чиқдим... Бундай қиррабурун ва қоп-қора чўққисоқол албатта эсда қолиши керак. Йўқ, мен бу одамни илгари учратмаганман... У тилга олган Палей-чи? У ким бўлди?

Тонянинг олдига кириб, бу ғалати учрашув ҳақида гапириб бердим. Ҳамиша оғир-вазмин бу қиз бирдан ҳаяжонланиб кетди. Палейнинг номини эшитиб ҳатто қичқириб юборди. Учрашувни бутун тафсилотлари билан қайтадан гапириб беришга мажбур қилди, кейин нега у одам билан бирга машинага ўтириб, ҳамма гапни сўраб олмадингиз, деб койишга тушди.

— Тавба, жуда қўймижоз одамсиз-да!— деди у сўзини тугатиб.

— Тўғри,— жавоб бердим мен жаҳл билан.— Американинг саргузашт фильмларидаги қаҳрамонларга сираям ўхшамайман ва бу билан фахрланаман. Нотаниш одамнинг машинасига чиқиб олиш... Афв этасиз.

У ўйга ботди, менинг сўзларимга қулоқ ҳам солмай, худди алаҳсирагандай ўзича пичирлай бошлади:

— Помир... Кэц... Помир... Кэц...

Кейин китоб жавонини титкилаб, Помир харитасини олди ва Кэц деган жойни қидира кетди.

Аблатта харитада Кэц деган жой кўрсатилмаган эди.

— Кэц... Кэц... Агар бу шаҳар бўлмаса, нима ўзи: кичкина қишлоқми, овулми, бирон ташкилотми?.. Кэцнинг нималигини билиш керак!— деб хитоб қилди у.— Шу бугуноқ ёки эртага эрталабдан қолдирмай қандай қилиб бўлмасин билиш керак.

Тоняни таниёлмай қолдим. Бамайлихотир ва тартиб билан ишлайдиган бу қизда шунча куч-ғайрат борлигини кўриб ҳайратда қолдим. Бу ўзгаришга фақат бир сўз — Палей деган сеҳрли сўз сабаб бўлган эди. Мен ундан Палейнинг кимлигини сўрашга журъат қилолмадим, уйга чиқиб кетдим.

Яшириб ўтирмайман, ўша кеча ухлай олмадим, таъбим жуда хира эди, эртаси куни Тонянинг олдига чиқмадим ҳам.

Аммо кечқурун унинг ўзи кириб келди. У одатдагидай мулойим ва хотиржам эди. Стулга ўтириб, гап бошлади:

— Кэцнинг нималигини аниқладим: бу Помирдаги ҳали харитага киритилмаган янги шаҳар экан. Эртага ўша ёққа жўнайман, сиз ҳам мен билан бирга боришингиз керак. Мен қорасоқолли кишини танимайман, сиз уни топишга ёрдам берасиз. Ахир Палей ҳақида маълумотга эга бўлган одамнинг фамилиясини билиб олмаганлигингиз сизнинг гуноҳингиз-ку, Леонид Васильевич.

Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Шу етмаётган эди-да, ўзиям. Лабораторияни, илмий ишимни ташлаб, қандайдир Палей исмли кимсани қидириб, Помирга борар эмишман-а!

— Антонина Ивановна,— дедим мен қуруққина қилиб.—

Илмий тажрибаларимнинг самарасини фақат биргина ташкилот кутмаётганини яхши биласиз. Ҳозир, жумладан, меваларнинг пишишини тўхтатиб туриш масаласига бағишланган ишимни тугаллаяпман. Бу тажриба анчадан бери Америкада олиб борилляпти, бизда ҳам бошланган бу иш. Аммо натижа ҳали-ҳозирча қувонтирарли эмас. Эшитган бўлсангиз керак, ўрик, мандарин, шафтоли, апельсин, беҳи ва шунга ўхшаш маҳаллий мевалардан турли хил маҳсулотлар тайёрлайдиган жанубдаги консерва фабрикалари бир-бир ярим ой қаттиқ ишлаб, йилига ўн-ўн бир ой бекор туришади. Бунга сабаб, меваларнинг деярли бир вақтда пишиши ва уларни бирданига ишлатишнинг имконияти йўқлигида. Шунинг учун ҳам ҳар йили ҳосилнинг қарийб ўндан тўққиз қисми нобуд бўлади.

Йилига ўн ой бекор турадиган фабрикалар сонини кўпайтиришнинг ҳам фойдаси йўқ. Шу важдан менга ёзда Арманистонга бориб, ўша ернинг ўзида меваларнинг пишишини сунъий равишда кечиктириш юзасидан ғоят муҳим тажриба ўтказиш топширилган. Тушуняпсизми? Мевалар ҳали ғўралигида териб олинади, кейин заводларнинг улгуришига қараб аста-секин пишиб бораверади. Шундай қилиб, заводлар ишсиз қолмайди...

Тоняга қараб дудуқланиб қолдим. У сўзимни бўлмади, унинг бунақа одати йўқ эди, аммо чеҳраси борган сари хиралашиб борарди. Пешанасида, икки қошининг орасида ажинлар пайдо бўлиб, қовоқлари осилиб кетди. Узун киприкларини кўтарганида кўзларидаги нафратини пайқадим:

— Жамоатчи-олимни кўринглар-а!— деди у совуқ оҳангда.— Мен ҳам Помирга ўйнагани эмас, иш билан кетяпман. Қандай қилиб бўлмасин Палейни қидириб топишим керак. Сафар кўпга чўзилмайди. Мевалар пишгунича Арманистонга етиб ҳам борасиз...

Нима десам экан! Ахир унга мени қандай ноқулай аҳволга солиб қўяётганини айтолмайман-ку! Севган қизинг билан аллақандай Палей деган кимсани, балки ўз рақибингни қидириб юриш... Бу қандай гап! Тўғри, у ўйнагани эмас, иш билан кетяпман деяпти. Лекин унинг Палейда нима иши бор экан? Буни сўрашга ғурурим йўл бермади. Бўлди, етар. Севги ишга халақит беряпти. Ҳа, ҳа! Илгари лабораторияда ярим кечагача ўтирардим, энди эса соат тўрт бўлар-бўлмас жўнаб қоламан. Мен унга яна бир бор рад жавобини бермоқчи бўлиб турган эдим, яна Тонянинг ўзи гап бошлаб қолди:

— Майли, бир ўзим борадиганга ўхшайман,— деди у ўрнидан тураётиб.— Бу ишни анча қийинлаштиради, бироқ, сизнинг ёрдамингизсиз ҳам қорасоқолни топиб оларман балки. Хайр, Артемьев. Муваффақиятли пишишингизни тилайман.

— Менга қаранг, Антонина Ивановна!.. Тоня!..

Аммо у аллақачон чиқиб кетган эди.

Орқасидан борсаммикин? Қайтарсаммикин? Майли, розиман, дейми?.. Йўқ, йўқ! Бир гапда туриш керак. Ҳозир шундай қилмасам, кейин расво бўлади.

Дарҳақиқат, ўша куни кечқурун, тун бўйи, эртасига эрталаб ҳам гапимда турдим. Лабораториядаги тажрибам — олхўриларга қарагим ҳам келмасди.

Тоня, албатта, ёлғиз жўнайди. У ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмайди. Қорасоқолни ва у орқали Палейни топгач, Помирда нима воқеа юз бераркин? Агар у билан бирга бўлганимда ҳамма нарсани билиб олардим. Тоня билан бирга бормасам — бу алоқа узилди деган сўз. Кета туриб бекорга «хайр» дегани йўқ. Лекин, барибир бир гапда туриш керак. Ҳозир шундай қилмасам, кейин расво бўлади.

Аблатта, мен бормайман. Лекин жудаям жоҳил бўлиш керак эмас-да. Тоняга йўл ҳозирлигини кўришда ёрдам бериш оддий бир илтифот-ку.

Хуллас, соат ҳали тўрт ҳам бўлмасдан тўртинчи қаватдан оёғимни қўлимга олиб пастга отилдим: Америка фильмларидаги қаҳрамонлардан қолишмай юриб кетаётган троллейбусга сакраб чиқиб олиб, уйга жўнадим. Чамамда, Тоняларникига тақиллатмасданоқ кириб борган бўлсам керак. Эшикдан кира солиб:

— Сиз билан бораман, Антонина Ивановна! — деб қичқирдим.

Бу хитоб қайси биримиз учун кутилмаган бўлишини аниқ билмайман, назаримда, мен учун бўлса кераг-ов!

Шундай қилиб, мен ажойиб-ғаройиб саргузаштлар гирдобига тушиб қолдим.

II. ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ҚИЗ

Ленинграддан сирли Кэцга қилган саёҳатимизни ғира-шира эслайман. Бу кутилмаган сафардан ғоят ҳаяжонланган, ўзимнинг хулқ-авторим ва Тонянинг ғайрат-шижоатидан тамом гангиб қолган эдим.

Тоня бирор куннинг ҳам бекор кетишини истамасди, шунинг учун энг учқур замонавий алоқа воситаларини назарда тутган ҳолда саёҳат режасини тузиб чиқди.

Ленинграддан Москвагача аэропланда учдик. Валдай тепалиги устида аэроплан шунақаям чайқалдики, асти қўяверасиз. Мен кеманинг чайқ[illegible]ига ҳам, ҳаводаги силкинишга ҳам бардош беролмайман, шунинг учун дарров мазам қочди. Тоня жон куйдириб тепамда парвона бўлди. У бутун йўл бўйи менга ғамхўрлик қилди, илиқ муомалада бўлди, хуллас, унинг муносабати энди тамом ўзгарган эди. Мен борган сари ҳайратга тушардим: қанча куч-ғайрат, аёлларга хос муҳаббат, меҳру шафқат бор-а, бу қизда! Саёҳат олдидан у менга нисбатан кўпроқ елиб-югурди, лекин бу асло сезилмасди. Унинг кайфи чоғ, дам-бадам аллақандай қушиқларни хиргойи қилиб борарди.

Москвада биз Циолковскийнинг Москва билан Тошкент ўртасида қатновчи ярим реактив стратопланига ўтирдик.

Бу машина жуда тез учар экан. Сигара нусха учта металл корпус ёнма-ён уланган, дум томонида кичкина қанотча, устидан

эса битта қанот билан қопланган — стратопланнинг ташқи кўриниши ана шундай. Тоня унинг тузилиши билан тезда танишиб олиб, менга ҳам тушунтира кетди: чап томондаги корпусда йўловчилар билан учувчилар ўтиришаркан, ўнг томонда ёнилғи, ўртадаги корпусда эса самолёт парраги, ҳавони сиқиб чиқарувчи асбоб, двигатель ва совутгич жойлашган экан; самолётни паррак кучи билан ёнилғи ҳаракатга келтирар экан. Тоня яна аллақандай ғалати нарсалар ҳақида гапирди, лекин мен янги таассуротлар қаршисида лол бўлиб қолганимдан тузуккина англаёлмадим. Зич ёпилувчи кабинага кириб, юмшоқ ўриндиқларга ўтирганимиз эсимда. Самолёт темир излар устида шиддат билан сирғалиб, тезлиги секундаги юз метрга етгач, ҳавога кўтарилди. Биз жуда баландда, афтидан, тропосфера устида, соатига минг километр тезлик билан учиб борардик. Айтишларича, бундан кўра тезроқ учиш ҳам мумкин экан.

Ҳали тузуроқ жойлашиб олмасимдан РСФСР орқада қолиб кетди. Булут қатлами орасидан ер кўринмасди. Булутлар сийраклаша бошлагач, жуда пастда қўнғир тусли ер сатҳи кўзга ташланди. Унинг ўртаси чуқурроқ, гардиши уфқ сари юксалган, худди тўнтариб қўйилган гумбазга ўхшарди.

— Қозоқ саҳролари,— деди Тоня.

— Дарров-а? Мана буни тезлик деса бўлади!

Бу учишимиз ҳатто сабри чидамаётган Тоняни ҳам қаноатлантирар эди.

Олдинда Орол денгизи ялтираб кўринди. Кабинада ҳам энди ҳозиргина ортда қолган Москва ҳақида эмас, Тошкент, Андижон, Қўқон хусусида гап борар эди.

Тошкентни томоша қилишга улгуролмадим. Биз яшин тезлигида аэродромга қўндик ва дам ўтмай автомобилга ўтириб, Циолковский томонидан яратилган, ўта тез юрадиган реактив поезд вокзалига жўнадик. Тошкент билан Андижон орасида қатнайдиган бу биринчи реактив поезд ўз тезлиги жиҳатидан стратопландан қолишмас экан.

Мен узун, юрганда шамол қаршилигига камроқ учрайдиган қилиб ясалган ғилдираксиз вагонни кўрдим. Вагон туби ердан сал кўтарилган бетон изда турарди. Вагоннинг икки томонида бетон издан чиқиб турган қанотсимон жиҳозлар бор эди. Бу қанотлар бурилишларда ёрдам берса керак.

Айтишларича, ҳаво оқими вагон тубига ҳайдалиб, махсус тешиклардан орқага сиқиб чиқарилар экан. Шундай қилиб, вагон юпқа ҳаво қатлами устида учаркан. Ишқаланиш жуда камайтирилган экан. Ҳаракат ҳаво оқимининг орқага ҳайдалишидан ҳосил бўлиб, тезлик шу даражага етарканки, вагон ҳатто кўприксиз кичик дарёлардан сакраб ўтиб кетавераркан.

Мен хавотирланиб, сесканиброқ вагонга ўтирдим. Биз йўлга тушдик.

«Учар поезд»нинг тезлиги ҳақиқатан ҳам жуда катта экан. Дераза ортидаги манзара сариқ-кулранг тусга кирган. Фақат осмон кўм-кўк кўринар, оппоқ булутлар эса шиддат билн орқага

учар эди. Ростини айтсам, бу янги транспорт воситасининг ҳамма қулайликларига қарамай, қисқа сафаримизнинг тезроқ тугашини кутардим. Мана бирдан остимизда дарё ярақлаб қолди, кўприксиз бу дарёдан кўз очиб-юмгунча сакраб ўтиб кетдик. Мен додлаб беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Менинг бу қадар қолоқлигимни кўриб, йўловчилар хахолаб кулиб юборишди. Тоня бўлса қувнаб чапак чалар ва:

— Мана бу менга ёқади! Буни тезлик деса бўлади!— дерди.

Мен энтикканча деразадан ташқарига қараб-қараб қўярдим: бу якранг манзара қачон тугаркин?

Андижонга етканимизда мен раҳм-шафқат сўрадим. Шунча машаққатлардан кейин бир оз дам олиш керак-ку, ахир. Аммо Тоня буни эшитишни ҳам хоҳламасди. У ҳамон қайнаб-тошиб турарди.

— Бутун графикни бузиб юборасиз. Мен ҳамма нарсани минутигача ҳисобга олганман.

Шундай қилиб, биз яна худди ёв қувгандай аэродромга қараб югурдик.

Андижондан Ўшгача оддий аэропланда учдик. Унинг тезлиги ҳам чакана эмас — соатига тўрт юз эллик километр — лекин, бу учиш ҳам Тоняга тошбақа юриш бўлиб туюлди. Бахтга қарши, мотор хириллаб, ерга қўнишга мажбур бўлдик. Бортмеханик моторни тузатгунча, кабинадан чиқиб, қум устига чўзилдим. Лекин қум ҳаддан ташқари иссиқ эди. Қуёш аёвсиз олов пуркарди, бинобарин, яна дим кабинага қайтиб киришга тўғри келди.

Терга пишиб ўтирарканман, саёҳатимизни ич-ичимдан сўкар ва Ленинграднинг ҳузурбахш майин ёмғирини орзу қилардим.

Тоня Ўшдан учадиган дирижаблга кечикишдан кўрқиб, асабийлашарди. Бахтга қарши, кечикмадик, дирижабль учишидан ярим соат илгари аэродромга келиб кўндик. Тарам-тарам пўлатдан ясалган бу баҳайбат металл қуш бизни Кэц шаҳрига элтиб қўйиши керак эди. Биз дирижабль турган мачта ёнига чопиб бориб, лифтда тезлик билан юқорига кўтарилдик ва гондола ичига кирдик.

Дирижаблдаги саёҳат менда илиқ хотира қолдирди. Гондола каюталари салқин, ҳаммавақт шамоллатиб туриларкан. Тезлик — соатига бор-йўғи икки юз йигирма километр. Силкиниш ҳам, чайқалиш ҳам, чанг-чунг ҳам йўқ. Биз шинам кают-компанияда яхшилаб овқатландик. Овқат устида Олой, Қоракўл, Хорог каби талай янги сўзларни эшитдим...

Помир юқоридан менда нохуш таассурот қолдирди. Бу «дунё томи»ни «ўлим супачаси» деб бежиз айтишмаган. Муз дарёлари, тоғлар, дарёлар, ҳар хил тепаликлар, қоп-қора тош тишлари чиқиб турган қор деворлари — бари мотамсаро. Фақат олисда, жуда пастда яшил яйловлар кўзга ташланади.

Бир йўловчи альпинист кўкимтир муз билан қопланган тоғни кўрсатиб, Тоняга тушунтириб борарди:

— Мана бу текис музлик, ановиниси игнасимон, наригиси ғадир-будур, ундан нарида тўлқинсимон, зинапояли...

Бирдан кўл сатҳи ярқираб кўринди...

— Қоракўл. Денгиз сатҳидан уч минг тўққиз юз тўқсон метр баландда,— деди альпинист.

— Қаранг, қаранг!— деб қолди менга Тоня.

Пастга қарадим. Оддий кўл. Ярқираб турибди. Тоня эса шавқ-завқдан энтикади.

— Қандай гўзал!

— Ҳа, ажойиб кўл,— дедим мен ҳам Тоняни рангжитмаслик учун.

III. МЕН ИЗҚУВАРГА АЙЛАНДИМ

Мана, ниҳоят, пастлай бошладик Дирижаблдан бутун шаҳар кўриниб турибди. У қор чўққилари орасидаги жуда узун, энсиз, баланд тоғ водийсига жойлашган. Водий ғарбдан шарққа қараб чўзилиб кетган. Шаҳарга яқинлашганда эса кенгаяди Водийнинг жануб томонида каттакон тоғ кўли бор. Альпинистнинг айтишича, у жуда чуқур эмиш.

Икки юзга яқин уйнинг ясси тунука томлари ярқираб турибди. Томларнинг кўпи алюминдай оппоқ, лекин қоралари ҳам бор. Тоғнинг шимолий ёнбағрида гумбазли улкан бино қад кўтарган, афтидан, обсерватория бўлса керак. Турар жойларнинг орқасида фабрика бинолари кўзга ташланади.

Биз қўнадиган аэродром шаҳарнинг ғарб тарафида экан, шарқ томонда эса қандайдир жуда энлик ғалати темир йўл. У водийнинг охиригача чўзилган, назаримда ўша ерда узилса керак.

Ниҳоят, ерга қўндик.

Меҳмонхонага кетяпмиз. Шаҳарни томоша қилишга ҳол йўқ: йўл эзиб ташлаганди. Тоня ҳам раҳмдиллик қилиб менга рухсат берди. Ботинкаларимни ечиб, кенг диванга чўзилдим. Оҳ-оҳ! Қандай роҳат! Ҳар турли тезюрар машиналарнинг моторидан бошим ҳануз ғувилларди, кўзларим юмилиб кетяпти. Энди бир мириқиб дам оламан-да!

Эшикни биров тиқиллатгандай бўлди. Ё ҳалиям бошим ғувиллаяптимикин?.. Йўқ, ростданам тиқиллатишяпти. Топган вақтларини қаранг-а.

— Киринг!— дедим аччиқ билан ва дивандан сакраб турдим.

Остонада Тоня кўринди. У мендан хабар олгани кирганга ўхшайди.

— Қалай, яхши дам олдингизми? Юринг энди,— деди у.

— Қаёққа? Нега?— дедим қаттиқ-қаттиқ гапириб.

— Қаёққа бўларди? Бу ерга нима учун келдик?

Ҳа, ҳа. Қорасоқолли кишини қидириш учун келганмиз. Тушунарли... Лекин ҳозир кеч бўлиб қолди-ку, яхшиси эрталабдан бошласак бўлмасмикин. Бироқ, қаршилик қилиш бефойда эди. Индамай Ленинградда киядиган енгил пальтомни елкамга ташладим, аммо Тоня ғамхўрлик билан огоҳлантирди:

— Пўстинни кийинг Бир неча минг метр баландликда турганимизни унутманг. Қуёш ҳам аллақачон ботган

Мен пўстинимни кийдим, биз кўчага чиқдик.

Муздек тог ҳавоси димоғимга урилиб, нафасим бўғила бошлади. Тоня менинг қийналаётганимни кўриб, тушунтирди:

— Сиз сийрак тоғ ҳавосига ўрганмагансиз. Ҳечқиси йўқ, тез ўтиб кетади.

— Қизиқ, меҳмонхонада буни сезмаган эдим-ку,— дедим ажабланиб.

— Меҳмонхонадаги ҳаво компрессор орқали сунъий равишда қуюқлаштирилган,— жавоб берди Тоня,— тоғ ҳавосини ҳамма ҳам кўтара олмайди. Баъзилар бутунлай кўчага чиқишмайди, улар билан хонада консультация олиб борилади.

— Афсус, бу имтиёз қорасоқолли кишиларни қидирувчи мутахассисларга берилмас экан-да!— деб кесатдим ҳазил аралаш.

Биз тоза, яхши ёритилган шаҳар кўчалари бўйлаб юриб борардик. Дунёдаги энг текис ва энг мустаҳкам тош кўча шу ерда — бошдан-оёқ табиат силлиқлаган ва табиат пардозлаган гранитдан қурилган.

Қаршимиздан қорасоқолли кишилар тез-тез чиқиб турарди: афтидан, аҳоли орасида жанубликлар кўпга ўхшайди.

Тоня ҳар қадамда енгимдан тортар ва:

— Шу эмасми?— деб сўрарди.

Мен ғамгин бош чайқардим. Шундай қилиб, кўл бўйига бориб қолганимизни ҳам сезмабмиз.

Бирдан сиренанинг чинқириғи эшитилди. Садо атрофга таралиб, чўчиб уйғонган тоғлардан ҳазин акс садо қайтди. Ҳавода қандайдир юракни музлатадиган оҳанг сузарди.

Соҳил бўйлаб равшан чироқлар ёндию кўл ярқираб, худди олмос гардишли кўзгуга ўхшаб қолди. Чироқлар кетидан ўнлаб қудратли прожекторлар ўзларининг мовий нурларини мусаффо осмонга қадашди. Сиренанинг овози ўчди. Тоғдаги акс садо ҳам тинди. Аммо шаҳар оёққа турган эди.

Кўлда соҳил бўйлаб тезюрар катер ва глиссерлар сузиб юрарди. Одамлар тўдаси кўл томон оқиб кела бошлади.

— Қаёққа қараяпсиз?— деб қолди бирдан Тоня.

Бу овоз менга яна ўзимнинг дардисар вазифамни эслатди. Мен кўл ва чироқларга шартта орқамни ўгириб, тўда орасидан соқолли кишиларни қидира бошладим.

Бир пайт қорасоқолли нотаниш кишини кўргандай бўлдик. Энди Тоняга айтмоқчи бўлиб турувдим, унинг ўзи хитоб қилиб қолди:

— Қаранг, қаранг!— деди у осмонга ишора қилиб.

Биз ерга яқинлашиб келаётган олтин юлдузни кўрдик. Оломон жим бўлиб қолди. Шу он олисдан гулдураган овоз эшитилди. Беғубор осмонда момақалдироқ овози! Бу гулдуросга тоғлар бўғиқ акс садо билан жавоб бердилар. Дақиқа сайин шовқин кучайиб, юлдузча катталашиб борарди. Унинг орқасида қуюқ тутун кўрина бошлади ва кўп ўтмай юлдузча қанотли сигара

тусига кирди. Бу фақат қитъалараро учадиган кема бўлиши мумкин. Оломон орасидан хитоблар эшитилди.

— Кэц-етти!

— Йўқ, Кэц беш!

Ракета бирдан кичик доира ясади-да, қуйруғини пастга қилиб тўнтарилиб олди. Ундан аланга отилиб чиқар, кеманинг тезлиги ҳам тобора пасайиб, аста-секин кўл устига яқинлашиб келарди. Унинг бўйи энг катта паровознинг бўйидан ҳам анча узун эди. Оғирлиги ҳам, назаримда, ундан кам эмасди.

Мана, ниҳоят, баҳайбат нарса сув сатҳиға бир неча ўн метр қолганда гўё ҳавода осилиб қолди: портлаб ёнаётган газ кучи уни муаллақ ҳолда тутиб туради. Газ чиқитлари сув юзини титратиб, мавжлантирарди. Кўл устини тутун қоплаб олган эди.

Кейин пўлат сигара секин-секин пастлай бошлади, кўп ўтмай унинг қуйруғи сувга тегди. Сув вақирлаб, жўш уриб кетди. Ракета буғ билан қопланди. Гулдурос шовқин тўхтади. Буғ билан тутун орасидан ракетанинг ўткир учи бир кўринди-ю, ғойиб бўлди. Сув қаттиқ чайқалди. Баҳайбат тўлқин катер ва глиссерларни тебратиб, бутун кўл бўйлаб таралди. Ракета кўринмасди. Йўқ, ана, прожектор нури тушиб, сув юзида ярқираб кўриниб қолди.

Одамлар бараварига қичқиришиб, ракетани муваффақиятли қўнгани билан табриклашарди. Бир неча катер, худди қалдирғоч китга ташлангандай, чайқалиб турган ракета томон сузиб кетди. Кичкина қора катер уни шатакка олиб, соҳилга судраб келди. Икки бақувват трактор махсус кўприкдан қирғоққа тортиб чиқарди. Ниҳоят люк очилиб ракетадан қитъалараро саёҳатчилар чиқишди.

Биринчи чиққан сайёҳ қаттиқ аксира бошлади. Оломон орасида кулги ва хитоблар эшитилди: «Саломат бўлинг!»

— Доим шунақа бўлади,— деб жавоб берди осмондан тушган сайёҳ.— Ерга тушишим билан шамоллаб қоламан, йўталаман.

Мен поёнсиз само қўйнида бўлган бу одамга катта қизиқиш ва ҳурмат билан қарадим. Шунақа довюраклар ҳам бор-а! Мен ракетада учишга ҳечам рози бўлмасдим.

Сайёҳларни тантана билан кутиб олишди, ҳамма улардан нималарнидир сўраб-суриштирар, тинмай қўл қисишарди. Фазогирлар автомобилга ўтириб жўнаб кетишди. Оломон сийраклаша бошлади. Чироқлар ўчди. Бирдан оёқларим тўнгиб қолганини пайқадим. Этим жунжикиб, кўнглим айнарди.

— Жуда кўкариб кетибсиз,— деди ниҳоят раҳмдиллик қилиб Тоня.— Юринг уйга.

Меҳмонхонага кираверишда мени семиз, тепакал киши қарши олди. Аҳволимни кўриб:

— Тоққа мазангиз йўқ экан, йигит,— деб бош чайқаб қўйди у.

— Совқотдим,— жавоб бердим мен.

Шинам ошхонада овқатланиб ўтириб, семиз киши билан гаплашиб қолдик. У врач экан. Чой устида ундан шаҳарни ва

учиб келган ракетани нима учун Кэц деб аташларини сўрадим.

— Юлдузнинг ҳам номи шундай,— жавоб берди доктор.— Кэц юлдузи. Эшитмаганмисиз? Ҳамма гап шунда. Бу шаҳар ҳам ана шу юлдуз туфайли қурилган. Нима учун Кэц деб аталади? Наҳот пайқамаган бўлсангиз? Сиз бу ёққа учиб келган стратоплан кимнинг лойиҳаси бўйича қурилган?

— Циолковский лойиҳаси бўйича бўлса керак,— жавоб бердим мен.

— Бўлса керак...— деди доктор ранжигандай, чўзиб.— Бўлса керак эмас, худди шундай. Сиз кўрган ракета ҳам, юлдуз ҳам унинг лойиҳаси бўйича қурилган. Шунинг учун ҳам Кэц деб аталади: Константин Эдуардович Циолковский. Тушундингизми?

— Тушундим,— жавоб бердим мен.— Кэц Юлдузи қанақа юлдуз?

— Ернинг сунъий йўлдоши. Фазодаги станция-лаборатория, айни вақтда, сайёраларо учувчи ракеталар учун ракетодром.

IV. БЕҲУДА ҚУВИШ

Анчадан бери бу тунгидай қаттиқ ухламаган эдим. Агар Тоня келиб соат олтида уйғотмаганида кундуз соат ўн иккигача ухлашим аниқ эди.

— Тезроқ кўчага юринг,— деди у.— Ҳозир ишчилар билан хизматчилар ишга боришади.

Каллаи саҳарлаб яна изқуварлик ролимни бажаришга киришдим.

— Палей деган одамнинг шу ерда яшаш-яшамаслигини справка бюроси орқали била қолсак бўлмасмикин?

— Беъмани гап,— деди Тоня.— Буни Ленинграддалигимиздаёқ суриштирганман...

Биз тош кўчадан борардик. Қуёш аллақачон тог тепасига кўтарилган бўлса ҳам баданим жунжикар, ҳамон нафасим бўғиларди. Музликлар ярқираб, кўз очирмасди.

Узоқда кичкина боғ кўринди — бу маҳаллий боғбонларнинг ўсимликларни иқлимга мослаштириш йўлидаги уринишларининг самараси. Кэц шаҳри қурилгунга қадар бу ерда, бир неча минг метр баландликда ҳеч қандай гиёҳ ўсмаган.

Юравериб чарчадим. Бир оз ўтиришни таклиф қилдим. Тоня рози бўлди.

Олдимиздан одамлар тинимсиз ўтиб турарди. Улар бемалол гаплашиб, кулишиб боришарди — қисқаси, ўзларини жуда тетик ҳис қилишарди.

— Ана! Ана!— деб қичқириб юбордим бирдан.

Тоня ўрнидан сакраб туриб, билагимдан ушлаб олди, биз оёғимизни қўлимизга олиб машина орқасидан чопа кетдик. Машина ракетодромга элтадиган тўппа-тўғри йўлдан елдай учиб борарди.

Чопиш қийин эди. Нафасим қисиларди. Кўнглим беҳузур бў-

ларди. Бошим айланиб, оёқ-қўлим титрарди. Бу гал Тонянинг ҳам мазаси қочди, лекин сира тўхтай демасди.

Шу алпозда ўн минутлар чамаси югурдик. Қора соқолли киши ўтирган автомобиль ҳали кўздан узоқлашмаган эди. Тоня бирдан кўчани кесиб ўтди-да, қўлларини ёзиб, рўпарадан келаётган машинанинг йўлини тўсди. Машина кескин тўхтади. Тоня кабинага сакраб чиқиб, мени қўлимдан тортди.

Шофёр бизга ҳангу манг бўлиб тикилиб турарди.

— Анави машинанинг орқасидан ҳайданг тезроқ!— деб буюрди Тоня. Унинг овози шундай қатъий чиқдики, шофёр ғинг демай, машинасини орқага қайтариб, газни охиригача босди.

Йўл ажойиб эди. Тезда сўнгги уйлар ҳам ортда қолиб, олдинда ракетодром кафтда тургандай кўзга ташланди. Кенг «темир йўлда» улкан лаққа балиқ янглиғ ракета ётарди. Ракета атрофида одамлар уймаланишарди. Бирдан сирена товуши янгради. Одамлар шошиб ўзларини четга олишди. Ракета темир излардан сирғанганча тезлигини ошира бориб, ниҳоят, ўқдай учиб кетди. Лекин ҳали ракетанинг портлатгичлари ишга туширилмаган, у худди трамвайдай, электр токи билан ҳаракат қиларди. Йўл тоққа томон ўттиз градус қиялик билан кўтариларди. Йўлнинг тугашига бир чақиримча қолганда ракетанинг қуйруғидан бир қучоқ аланга отилиб чиқди. Ракета тутун билан қопланди. Кейин кучли портлаш овози эшитилди. Бир неча дақиқадан сўнг қудратли ҳаво тўлқини бизни гандираклатиб юборди. Ракета орқасида тутундан узун оқ из қолдириб, само қаърига кириб борарди. Кўп ўтмай у қора нуқтага айланиб, кўздан ғойиб бўлди.

Биз ракетодромга етиб келдик. Аммо, афсуски, ерда қолганлар орасида қора соқолли киши йўқ эди...

V. ФАЗОДА ЯШАШГА НОМЗОД

Тоня оломон орасига ўзини уриб, ҳаммадан, қора соқолли кишини кўрмадингларми, дея сўраб-суриштира кетди.

Одамлар бир-бирларига қарашиб, эслай бошлашди. Ниҳоят, оппоқ темир қалпоқ ва оқ чарм костюм кийган бир киши:

— Евгеньев бўлса керак,— деди.

— Албатта, Евгеньев-да. Бугун бу ерда ундан бошқа қора соқолли киши йўқ эди,— деди бошқаси.

— Қани у?— деб сўради Тоня ҳовлиқиб.

Ҳалиги киши қўлини юқорига кўтарди.

— Анови ёқда. Стратосферани кесиб, Кэц Юлдузи томон боряпти.

Тонянинг ранги оқариб кетди. Мен уни қўлтиғидан суяб, таксига олиб бордим.

— Меҳмонхонага борамиз,— дедим мен.

Тонядан йўл бўйи садо чиқмади. Итоаткорлик билан билагимга суяниб, зинапоядан юқорига кўтарилди. Уни ўз хонасига

олиб кириб, креслога ўтқазиб қўйдим. У бошини кресло суянчиғига ташлаганча кўзларини юмиб ўтирарди. Бечора Тоня! Иши ўнгидан келмаганига қанчалик изтироб чекяпти. Лекин энди ҳаммаси тугади. Қора соқолли киши сайёралараро саёҳатдан қайтгунча Кэц шаҳрида кутиб ўтирмаймиз-ку, ахир.

Аста-секин Тонянинг юзига қон югурди. Кўзларини очмасдан негадир кулимсиради.

— Қорасоқол Кэц Юлдузига учиб кетди. Начора, орқасидан биз ҳам учамиз!

Бу гапни эшитиб, креслодан ағдарилиб тушаёздим.

— Ракетада-я! Зим-зиё осмонга-я!..

Бу сўзларни шундай қўрқув, шундай аянч билан айтдимки, Тоня қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Мен сизни анча довюрак ва қатъий одам деб ўйлаган эдим,— деди у энди бутунлай жиддий ва ҳатто бир оз маъюс оҳангда.— Дарвоқе, менга ҳамроҳ бўлишни истамасангиз, Ленинградгами, Арманистонгами — хоҳлаган томонингизга кетаверишингиз мумкин. Энди қора соқолли кишининг фамилиясини билиб олдим, сизнинг керагингиз ҳам йўқ. Ҳозир эса хонангизга чиқиб, каравотга чўзилинг. Кўринишингиз чатоқ. Баланд тоғ ва юлдузлар олами сизга тўғри келмас экан.

Ҳа, ростдан ҳам ўзимни жуда ёмон ҳис қилаётган эдим, бинобарин, Тонянинг буйруғини жон деб бажаришим мумкин эди. Лекин ҳозир сал иззат-нафсимга тегилганди. Шу тобда мен ҳамма нарсадан ҳам Ерда қолишни истар ва айни вақтда Тонядан ажралиб қолишдан қўрқардим. Қайси бири устун чиқади? Мен ўйлаб бўлгунча, тилим сайраб кетди:

— Антонина Ивановна! Тоня!— дедим мен.— Қора соқолли кишини қидириш учун сизга керагим қолмаган пайтда мени ўзингизга ҳамроҳ қилмоқчи бўлганингиздан айниқса бахтиёрман. Сиз билан бирга учаман!

У хиёл жилмайиб, менга қўлини узатди.

— Раҳмат, Леонид Васильевич. Энди сизга ҳамма гапни айтишим керак. Мен шунчалик қатъият билан қидираётган Палей сизни қанча изтиробга солганини кўрдим-ку, ахир. Иқрор бўлаверинг, кўнглингизга, Палей бу қизни ташлаб қочган-у, энди қайсар маъшуқа севгисини қайтариш умидида унинг орқасидан қувиб юрибди, деган ўй ҳам кўп марта келган.

Икки юзим беихтиёр ловиллаб кетди.

— Лекин сиз шу қадар одоб сақладингизки, бу хусусда менга бирорта ҳам савол бермадингиз. Энди айтай: Палей — менинг дўстим, университетда бирга ўқиганмиз. У ғоят талантли ёш олим, ихтирочи. Ҳар нарсага қизиқувчан, беқарорроқ одам. Биз у билан университетнинг охирги курсида ўқиб юрган вақтимиздаёқ электромеханикада бурилиш ясаш эҳтимоли бўлган бир илмий иш бошлаган эдик. Худди бир нуқтада учрашиш учун, икки томондан тоннель қазишга киришган ишчилардай, илмий ишни иккига бўлиб, икковимиз ҳам бир мақсадга интилдик. Иш пировардига етиб қолган эди. Ҳамма ёзувларни Палей

ўз ён дафтарчасига қайд этиб борарди. Кутилмаганда уни Свердловскка командировкага жўнатишди. Командировка шу қадар шошилинч бўлдики, у ён дафтарчани қолдиришни ҳам унутибди. Ўзиям доим паришонхотир юради. Свердловскка хат ёздим, лекин жавоб келмади. Шундан бери дом-даракси з. Свердловскда менга унинг Владивостокка кўчирилганини айтишди, лекин у ердан ҳам изини тополмадим. Шундан кейин ишни ўзим мустақил давом эттиришга уриниб кўрдим. Лекин менга Палей томонидан ишланган талай формула ва ҳисоблар етишмасди. Вақти келиб бу иш ҳақида батафсил гапириб бераман. Хуллас, у мени шу қадар банд этган эдики, юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимдан нари кетмасди. Бу нарса менинг бошқа иш билан шуғулланишимга ҳам халақит берарди. Шундай келажаги порлоқ масалани ярим йўлда қолдириб кетиш — Палейнинг бу енгилтаклигини ҳалиям тушунмайман. У ҳақдаги хабар мени нима учун бу қадар ҳаяжонлантирганини энди англагандирсиз. Бор гап шу... Ростдан ҳам жуда бетоб кўринасиз. Бориб дам олинг.

— Сиз-чи?

— Мен ҳам бир оз чўзиламан.

Аммо Тоня ётмади. Кэц бош бошқармасининг кадрлар бўлимига бориб, Кэц Юлдузига фақат ўша ерда ишлаш учун шартнома тузиш шарти билангина учиш мумкинлигини билиб келди. Физиклар билан биологлар айниқса зарур экан. Тоня кўп ўйлаб ўтирмай, ўзи учун ҳам, мен учун ҳам бир йил муддат билан шартнома тузибди.

У хонамга қувониб кириб келди ва завқ билан ўз саргузаштларини гапира кетди. Кейин бинафшаранг чарм портфелидан қоғоз, авторучка чиқариб, менга узатди.

— Мана сизнинг аризангиз. Қўл қўйинг.

— Хўп, лекин... бир йил... қанақа бўларкин...

— Ташвишланманг. Мен сўрадим, бошқарма бу шартномага унчалик қаттиқ амал қилмас экан. Шароитнинг фавқулоддалиги, ҳаёт тарзи, иқлим — ҳаммаси эътиборга олинган. Кимки ўзини ёмон ҳис этса...

— Иқлим? У ерда қанақа бўлиши мумкин?

— Мен Кэцдаги турар-жойларни назарда тутяпман. У ерда исталган ҳарорат ва ҳаво намлигига эга бўлган иқлим яратиш мумкин.

— Демак, Кэцда ҳам атмосфера бу ердаги, Помирдагидай сийрак экан-да.

— Ҳа, тахминан шундай,— деди Тоня бир оз ишончсизлик билан ва шошиб қўшиб қўйди:— Балки сийракрок ҳамдир. Сиз учун энг катта тўсиқ шу. Юлдузда яшашга номзодлар жиддий жисмоний кўрикдан ўтадилар. Тоғ касалига тез чалинадиганлар яроқсиз деб топилади.

Ростини айтсам, бу сафардан фахрли равишда қутулиб қолиш учун ҳали имкониятим борлигидан жуда севиндим. Аммо Тоня шу заҳотиёқ менга тасалли берган бўлди:

— Лекин биз бир йўлини қиламиз! Эшитишимча, у ерда оддий босимдаги атмосферали хона бор эмиш. Босим аста-секин камайтириб бориларкан ва, бинобарин, ердан чиққанлар унга тезда кўникиб кетиши мумкин экан. Мен сиз ҳақингизда доктор билан гаплашиб кўраман.

Мен гангиб қолдим ва жон-жаҳдим билан сўнгги далилимни ишга солдим:

— Ердаги иш нима бўлади?

Тонянинг жавоби тайёр эди:

— Бундан осони йўқ! Кэц — жуда обрўли ташкилот. Кэцда ишлаш учун шартнома тузганлигингизни ишхонангизга бир оғиз айтсангиз — кифоя, дарров рухсат беришади. Фақат соғлигингиз имкон берса бўлгани. Ўзингизни қандай сезяпсиз? — Шундай деб, у томиримнинг уришини текшириш учун қўлимдан ушлади.

— Шундай доктор қўлингни ушлагандан кейин: «Михдай!» — деб жавоб беришдан бошқа иложинг қоладими!

— Ундай бўлса, яна яхши. Тезроқ мана бунга қўл қўйинг, мен докторга учрашиб келаман.

Шундай қилиб, ҳаш-паш дегунча мен фазода яшашга ёлланиб қолдим...

— Дармонсизлик сезилмайдими? Баданингизда кўкариш ҳоллари бўлмаганми? Бошингиз айланмайдими? Кўнглингиз беҳузур бўлмайдими? — сўрарди доктор мендан.— Қусмаганмисиз?

— Йўқ, фақат автомобилнинг орқасидан югурганимизда кўнглим қаттиқ айниган эди.

Доктор бир оз ўйланиб, кейин маънодор қилиб деди:

— Касалингиз унчалик оғир эмас.

— Демак, учиш мумкин экан-да, доктор?

— Ҳа. Менимча, мумкин. Тўғри, ракетада одатдаги атмосфера у ерда атмосферадаги каби бешдан тўрт қисми азот бўлган кислороддан эмас, балки тоза кислороддан нафас оласиз. Шунинг ўзи етарли. Кэц Юлдузида эса одатдаги босимга эга бўлган ички камералар бор. Демак, фақат учиш вақтида бир оз бардош беришга тўғри келади. Юлдуз атиги минг километр баландликда жойлашган.

— Учиш қанча кунга чўзилади? — сўрадим мен.

Доктор менга масхараомуз кўз қирини ташлади.

— Сайёралараро саёҳатдан хабарингиз камроққа ўхшайди. Ракета Юлдузга саккиз-ўн минут учади, азизим. Лекин ичида кўникмаган одамлар бўлгани учун учиш бир оз чўзилади. Марказдан қочирма кучдан фойдаланиш мақсадида снаряд Ернинг айланиши бўйлаб уфққа томон йигирма беш градус қиялик билан учади. Дастлабки ўн дақиқа орасида тезлик секундиға беш юз метрга етади ва фақат атмосфера орасидан учиб ўтиш вақтидагина сал пасаяди, кейин эса, атмосфера сийраклаша бошлагач, тезлик яна ошади.

— Атмосфера орасидан ўтиш пайтида тезлик нима учун пасаяди? Тормозланиш бўладими?

— Гап тормозланишда эмас. Атмосферадан катта тезлик билан ўтилганда ишқаланиш кучайиб, ракетанинг қобиғи жуда қизиб кетади, бундан ташқари, тезлик ошган сайин оғирлик ҳам орта боради. Ўз танангни ўн баравар вазмин ҳис қилиш эса кўпам ёқимли эмас.

— Қобиқ атмосферага ишқаланган пайтда куйиб кетмаймизми?— сўрадим ҳадиксираб.

— Йўқ. Сал-пал терлашингиз мумкин. Шу холос. Ахир, ракета қобиғи уч қатламдан иборат-ку. Ички қатлам — пишиқ металлдан ясалган, оддий шиша пардаси билан қопланган кварц ойнали, эшиклари ҳаво кирмайдиган даражада зич ёпилади. Иккинчи қатлам — қийин эрийдиган, иссиқликни деярли ўтказмайдиган материалдан ясалган. Учинчи — ташқи қатлам эса, гарчи нисбатан юпқа бўлса ҳам, лекин иссиқликка жуда чидамли металлдан иборат. Устки қатлам чўғ бўлиб кетганда ҳам ўртадагиси иссиқликни ракета ичига ўтказмайди, бунинг устига, ажойиб совутгичлар бор. Қатламлар орасида совутгич газ тўхтовсиз айланиб туради.

— Ҳақиқий инженер экансиз, доктор,— дедим мен.

— Илож қанча. Организмни одатдан ташқари шароитга кўниктиришга қараганда ракетани одам организмига мослаштириш осонроқ. Шунинг учун ҳам техниклар мен билан ҳамкорликда ишлашади. Биринчи тажрибаларимизни кўрганингизда эди. Қанча муваффақиятсизликлар, қанча қурбонлар!

— Одамлар ҳам қурбон бўлганми?

— Ҳа, одамлар ҳам.

Баданим чумоли ўрмалаётгандай жимирлаб кетди. Лекин чекиниш учун вақт ўтганди.

Меҳмонхонага қайтиб келганимда Тоня, худди суюнчи беринг дегандай, шу хабарни айтди:

— Мен суриштириб билдим — ҳаммаси жойида. Эртага туш пайтида учамиз. Ўзингиз билан ҳеч нарса олманг. Эрталаб, учишдан олдин ваннага тушиб, дизенфекцион камерадан ўтамиз. Стерилизация қилинган ички кийим билан костюм беришади. Доктор сизнинг соғлиғингизни жуда яхши деди.

Тонянинг сўзларини худди тушдагидай эшитдим. Юрагимни даҳшат босди. Ердаги сўнгги кечани қандай ўтказганимни ва нима хаёлларга борганимни айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ...

VI. ПАРДОЗХОНА

Тонг отди. Ердаги сўнгги тонг. Деразадан паришонлик билан ташқарига қарадим — офтоб чарақлаб турибди. Иштаҳам бўлмаса ҳам зўрма-зўраки нонушта қилиб, ер микробларидан «тозаланиш» учун жўнадим. Бу тадбир бир соатдан кўпга чўзил-

ди. Врач-бактериолог менга қандайдир ақлга сиғмайдиган рақамлар — кийимимга ин қурган миллиардлаб микроблар ҳақида гапирди. Буни қарангки, мен ўзим билан бирга терлама, ичтерлама, юракбуруғи, тумов, кўкйўтал, сал бўлмаса вабо касалини олиб юрган эканман. Қўлларимдан сил микроблари ва йиринглатувчи таёқчалар топилди. Ботинкаларимда куйдирги микроби бор экан. Чўнтакларимдан қоқшал микроблари чиқди. Пальтомнинг чокларида қайталайдиган иситма, оқсил касали микроблари уя қурган экан. Шляпамда эса қутуриш, қора чечак, сарамас, яна алланимабалолар... Қўйинг-чи, бу янгиликлардан тамом эсанкираб қолдим. Қанчадан-қанча кўзга кўринмас душманлар мени қулатиш учун пайт пойлаб турган экан-а! Нима бўлганда ҳам Ернинг хатарли томонлари бор. Мана шу ўй менда юлдузлар оламига саёҳат қилишга андак майл уйғотди.

Менинг ошқозон ва ичакларимни ювишиб, танамга қандайдир нотаниш аппаратлар ёрдамида нур юборишди. Бу аппаратлар баданимдаги зарарли микробларни ўлдириши керак эди. Мен жуда қийналиб кетдим.

— Доктор,— дедим мен.— Бу эҳтиёткорликдан фойда йўқ. Камерангиздан чиқишим билан микроблар яна менга ёпишиб олади.

— Тўғри, лекин сиз ҳеч бўлмаганда катта шаҳардан илашиб келган микроблардан халос бўлдингиз. Ленинграднинг марказидаги бир куб метр ҳавода минглаб, боғларда юзлаб, Исаакий тепалигида эса атиги ўнлаб бактериялар бор. Бизда, Помирда бўлса улар жудаям оз. Совуқ ва офтоб нури, чангнинг йўқлиги, ҳавонинг қуруқлиги — буларнинг ҳаммаси ажойиб дезинфекторлардир. Кэцда сиз яна «пардозхона»га тушасиз. Ҳозир биз фақат хомаки тозалашдан ўтказдик. У ерда эса жуда синчиклаб тозалашади. Қалай, маъқул эмасми? Лекин илож қанча. Шуниси яхшики, ҳеч қандай юқумли касаллик билан оғримаслигингизга имонингиз комил юрасиз. Ҳарҳолда у ерда бундай хавф жуда кам. Бу ерда эса ҳар қадамда бирор касаллик пойлаб туради.

— Менга жуда тасалли бердингиз,— дедим дезинфекция қилинган кўйлакни кия туриб,— фақат куйиб кетмасам, бўғилиб қолмасам, яна ҳалиги...

— Гап куйиб кетиш ёки бўғилиб қолиш устида бўлса, бу фалокатлар ерда ҳам юз бериши мумкин,— деб гапимни бўлди доктор.

Кўчага чиққанимда автомобилимиз бизни йўл четида кутиб турарди. Кўп ўтмай дезинфекцион камеранинг аёллар бўлимидан Тоня ҳам чиқиб келди. У менга бир жилмайиб қўйди-да, ёнимга ўтирди. Автомобиль йўлга тушди.

— Қалай, яхши чўмилдингизми?

— Ҳа, ажойиб ҳаммом экан. Уч юз квадриллион икки юз триллион юз биллион микробни ювиб ташладим.

Мен Тоняга қарадим. Унинг руҳи тетик, икки юзи қизариб, тиниқлашган. Биз худди истироҳот боғига кетаётгандай, у жуда хотиржам эди. Ҳарҳолда, у билан учишга рози бўлиб яхши қилган эканман...

Туш пайти. Қуёш нақ тепамизда турибди. Осмон худди тоғ биллуридай кўм-кўк, беғубор. Қорли чўққилар, ҳаракатсиз муз дарёлари ярқирайди, пастда тог сойлари ва шалолалари шовиллайди, ундан ҳам пастда кўм-кўк далалар ясталган, худди парчапарча қор лахтакларидай бўлиб қўй подалари ўтлаб юрибди у ерларда. Офтобнинг куйдиришига қарамай, шамол муздек тоғ нафасини уфуряпти. Еримиз қандай гўзал-а! Бир неча минутдан сўнг мен уни тарк этиб, зим-зиё кўк қаърига учаман. Рост гап, бу ҳақдаги романларни ўқиган дуруст экан...

— Ана бизнинг ракетамиз!— деб қичқирди Тоня қувонч билан.— У худди балиқ пуфагига ўхшайди. Қаранг, семиз доктор бизни кутиб турибди.

Автомобилдан тушдик, одат бўйича докторга қўл узатган эдим, у дарров қўлини орқасига яширди.

— Дезинфекциядан ўтганингизни унутманг. Ердаги бирор нарсага қўл текиза кўрманг.

Ҳайҳот, мен ердан ажралиб қолдим. Яхшики, Тоня ҳам энди «ерники» эмас. Мен уни қўлтиғидан олдим. Биз ракетага қараб юрдик.

— Мана бизнинг фарзандимиз,— деди доктор ракетани кўрсатиб.— Кўряпсизларми — унинг ғилдираклари йўқ. У пўлат изларда юрмайди, балки пўлат новлар устида сирғанади. Ракета корпусида шарлар учун махсус чуқурчалар бор, ракета ана шу шарлар устида юради. Тезликни ошириш учун ердаги электростанция қувват беради. Металл нов сим вазифасини бажаради... Кўринишингиз ёмон эмас. Кўникяпсизми? Дуруст, дуруст. Осмондагиларга мендан салом айтинглар. Илтимос, врач Анна Игнатьевна Меллер «Кэц-беш» ракетасидагилардан ойлик ҳисоботни бериб юборсин. У жуда гўзал жувон. Дунёда энг кам тажрибага эга бўлган доктор. Лекин иши ўзига етарли...

Сиренанинг чинқириғи докторнинг сўзларини босиб кетди. Ракета люки очилди. Пастга нарвон сирғалиб тушди.

— Қани, энди вақт бўлди! Яхши боринглар,— деди доктор яна огоҳлантиргандай қўлини орқасига қилиб.— Хат ёзиб туринглар.

Нарвоннинг атиги ўнта зинаси бўлса ҳам юқорига кўтарилгунча юрагим ўйнаб кетди. Орқамдан Тоня, унинг кетидан механик кирди ракетага. Учувчи аллақачон ўз ўрнида ўтирарди. Биз лампочка ёритиб турган торгина камерага базўр жойлашдик. Камера кичкина лифтнинг кабинасини эслатарди.

Эшик аста ёпилди. «Тобутнинг қопқоғига ўхшайди»,— деган ўй ўтди кўнглимдан.

Ер билан алоқа узилган эди.

VII. ҚИСҚА САЕҲАТ

Каютамиз ойналарининг қопқоқлари берк бўлганидан ташқарида нималар бўлаётганини билолмай, тишимни тишимга қўйганча биринчи турткини кутиб ўтирардим. Соат ниллари ўн иккини кўрсатди, лекин биз ҳамон қимир этмасдик. Қизиқ, афтидан, учиш бирор сабаб билан кечиктирилаётганга ўхшайди.

— Қўзғалганга ўхшаймиз,— деди Тоня.

— Мен ҳеч нарсани сезмаяпман.

— Ракета шар-ғилдираклар устида аста сирғалади-ку, шунинг учун бўлса керак.

Шу пайт қўққисдан биров елкамдан кресло суянчиғига босгандай бўлди.

— Албатта, қўзғалдик!— деб хитоб қилди Тоня.— Сезяпсизми? Елкам борган сари кресло суянчиғига ёпишиб кетяпти.

— Ҳа, сезяпман.

Бирдан портлаш товуши эшитилди, кейин у чиниқироқ овозга айланди. Ракетага титроқ кирди. Энди ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди: биз учиб кетаётган эдик. Дақиқа сайин ракета ичи исиб борарди. Оғирлик маркази орқага ўта бошлади. Ниҳоят, ўзимни креслода ўтиргандай эмас, балки каравотда осмонга қараб, тиззаларимни букиб ётгандай ҳис қила бошладим. Ракета тиккасига учаётган пайт бўлса керак.

— Тўнтарилган қўнғизларга ўхшаб қолдик,— деди Тоня.

— Устидан каттагина ғишт бостирилган ҳам деяверинг,— қўшиб қўйдим мен.— Кўкрагимдан бир нарса итараётганга ўхшайди.

— Рост. Қўлни ҳам қимирлатиб бўлмайди — қўрғошиндай зилзамбил.

Портлашлар тўхтаган пайтда бир оз енгил бўларди. Иссиқ ўтказмайдиган қатлам ва совутгичларга қарамай, ракета ичи жуда қизиб кетган эди, биз атмосферадан ўтяпмиз — ракета ишқаланиш зўрлигидан қизиган, албатта.

Яна дам олиш. Портлаш йўқ. Мен эркин нафас ола бошладим. Бирдан қисқа портлаш юз берди-ю, ўзимни ўнг томонга оғиб кетаётгандай ҳис қилдим. Ҳа, тамом. Ҳозир Помирга бориб уриламиз.

Жонҳолатда Тонянинг елкасига ёпишдим.

— Бир нарсага урилдик шекилли...— деб ғўлдирадим аста.

Тонянинг ранги оқариб кетган, кўзларида даҳшат, лекин хотиржам жавоб берди:

— Менга ўхшаб кресло суянчигини ушлаб олинг.

Мана ракета яна олдинги ҳолатига қайтди. Портлашлар тўхтади. Ракета ичи ҳам анча салқин бўлиб қолди. Одам ўзини жуда енгил ҳис қила бошлади. Қўлларимни кўтариб, оёқларимни қимирлатиб кўрдим. Қандай ёқимли! Ўрнимдан турмоқ-

чи бўлдим, лекин креслодан аста ажралиб, ҳавода осилиб қолдим, кейин яна секин креслога тушдим. Тоня қўлларини худди қуш қанот қоққандай қимирлатиб, қўшиқ айтарди. Биз хахолаб кулардик. Жуда қизиқ холат!

Кутилмаганда иллюминатор қопқоқлари очилди. Қаршимизда осмон. У сон-саноқсиз порлоқ юлдузлар билан қопланган, ранги оч қизил тусга бўялгандай. Сомон йўли турли рангдаги юлдузларга ғарқ бўлган, Ердан кўринганидай оқиш эмас.

Тоня менга Етти Оғайни ёнидаги каттакон юлдузни кўрсатди — эскидан таниш юлдузлар туркуми сафида янги юлдуз.

— Кэц... Кэц Юлдузи,— деди у.

Сон-саноқсиз совуқ юлдузлар орасида биргина у гоҳ қизил, гоҳ яшил, гоҳ сариқ нур таратиб милтирайди. У гоҳ ярқираб ёнади, гоҳ сўнади ва яна порлайди... Юлдуз кўз олдимда катталашиб, борган сари ўнг томондаги ойнага яқинлашиб келарди. Демак, ракета айлана йўл билан унга томон учиб боряпти. Юлдуз узун-узун яшил нур таратиб, ойна ортига ўтиб кетди. Энди қоп-қора осмонда фақат юлдузлар ва оқиш туман кўзга ташланарди. Улар жуда яқиндай туюларди...

Қопқоқлар беркилди. Яна портлатгич аппаратлар ишга тушди. Ракета қўнишга ҳозирланяпти. Қизиқ, у сомон ракетадромига қандай қўнаркин-а...

Хиёл турткидан кейин тўхтадик. Наҳот саёҳатимиз тугаган бўлса? Ғалати вазнсизлик ҳолатидамиз.

Капитан хонасининг эшиги очилди. Капитан ётган кўйи кичик ҳалқачаларни ушлаб пастга туша бошлади. Биз ҳали шу вақтгача кўрмаган бир ёш йигит ҳам шу тарзда унга эргашди.

— Саёҳат вақтидаги нохуш дақиқалар учун афв этасизлар. Бунга менинг практикантим айбдор: рулни қаттиқроқ буриб юборди, креслодан ҳам қулаб кетгандирсизлар.

Шундай деб, капитан кўрсатгич бармоғини ҳалиги йигитга тегизган эди, у худди момиқдай нари учиб кетди.

— Ҳа, майли, ҳаммаси жойида бўлди. Иссиқ костюм билан кислород маскаларини кийинглар. Филипченко,— ҳалиги ёш учувчининг фамилияси шундай экан,— буларга ёрдамлашворинг.

Капитан хонасидан фазовий костюм кийган бортмеханик чиқди. У худди ғоввосга ўхшарди, фақат скафандри ғоввослар-никидан кичикроқ, елкасида эса алюминга ўхшаган ялтироқ матодан тикилган плаш бор эди.

— Плашларни,— деб тушунтирди капитан,— совқотганда нарироқ суриб қўйинглар. Офтоб нурида исинасизлар. Жуда қизиб кетсаларингиз плашга ўраниб олинглар. У қуёш нурини қайтаради.

Бортмеханик билан капитан кўмагида фазовий костюмларни тезгина кийиб олиб, ракетадан чиқишни ҳаяжон билан кутиб турдик.

VIII. ФАЗОДАГИ ЧАҚАЛОҚ

Бизни ҳаво камерасига ўтказиб, ҳавони аста-секин сиқиб чиқара бошладилар. Кўп ўтмай «фазовий бўшлиқ» ҳосил бўлиб, эшик очилди.

Мен остонадан ҳатладим. Нарвон йўқ эди, ракета ёнбошлаб ётарди. Аввалига кўзим қамашиб, довдираб қолдим. Оёғим остида диаметри бир неча километр келадиган улкан шар сирти ярқираб турарди.

Бир қадам босмасимданоқ ёнимда фазовий костюм кийган «юлдуз одами» пайдо бўлди. У одатдан ташқари чаққонлик билан қўлимга ипак арқон боғлади. Бисмиллоси жойида-ку. Жаҳлим чиқди, қўлимни тортиб, жаҳл билан бир тепинган эдим... Шу заҳоти ўн метрлар юқорига учиб кетдим. «Юлдуз одами» шошиб арқонни тортиб, мени ялтироқ шар сиртига тушириб қўйди. Энди тушундим: агар мени боғлаб қўйишмаганда салгина эҳтиётсиз ҳаракат қилишим билан сўнгсиз бўшлиқ қўйнига учиб кетган бўлардим ва мени осонликча тутишолмасди ҳам. Лекин нега мен арқоннинг бир учини ушлаб турган кишини юқорига тортиб кетмадим? «Ер»га қараб, унинг ялтироқ сиртидаги сон-саноқсиз ҳалқаларга кўзим тушди. Ҳамроҳим оёқларини ана шу ҳалқаларга ўтказиб олган экан.

Ёнимда турган Тоняни ҳам бир одам арқонга боглаб олган эди. Мен унга яқинлашмоқчи бўлгандим, менинг ҳамроҳим йўлимни тўсди.

Скафандр ойнасидан унинг ёш, кулиб турган чеҳрасини кўрдим. У скафандрини меникига яқинлаштириб, эшитадиган қилиб қаттиқ-қаттиқ гапирди:

— Қўлимдан маҳкам ушлаб олинг!

Мен итоат этдим. Ҳамроҳим оёқларини ҳалқадан чиқариб, енгилгина сакради. Унинг орқасида аланга ёнди, бир туртки билан биз шарнусха «ой» бўйлаб олдинга қараб учиб кетдик. Ҳамроҳимнинг қисқа масофага учишда фойдаланиладиган ихчам ракета-жилди бор эди. У жилднинг гоҳ орқадаги, гоҳ ён, гоҳ устки, гоҳ қуйи «тўппонча»ларидан отиб, мени шар устида учириб борарди. Ҳамроҳимнинг эпчиллигига қарамай, биз худди цирк майдонидаги масхарабозлардай гоҳ тик, гоҳ оёғимиз осмондан бўлиб ўмбалоқ ошиб учардик, лекин мияга қон қуйилиши асло сезилмасди.

Ҳадемай ракетамиз уфқ ортида ғойиб бўлди. Биз ракетодром билан Кэц Юлдузи орасидаги бўшлиқ устидан учиб ўтган эдик. Агар менинг ҳолатимни гапирадиган бўлсак, назаримда, биз бир жойда турибмиз-у, бизга қараб ялтироқ бир қувур борган сари катталашиб яқинлашаётгандай эди. Мана у кўндаланг ўқда бир айланди-ю, унинг ярим доира шаклидаги чети кўринди. Қувур бу томондан «ракетодром ой»га қараганда кичикроқ шарга ўхшарди. Мана шу шар бомба янглиғ тўппатўғри бизга қараб келарди. Юрагим орқага тортиб кетди: ялтироқ бомба мана ҳозир бизни майда-майда қилиб юборадиган-

дай эди. Аммо бомба фавқулодда бир тезлик билан ҳавода ярим доира ясади-да, бизнинг орқамизга ўтиб қолди. Билсам, учишни секинлатиш мақсадида ҳамроҳим атайин бизни Юлдузга нисбатан тескари қаратган экан. У «тўппонча»дан бир неча марта отди, гўё биров кўринмас кафтлари билан елкага турт-гандай бўлди, учиш секинлашиши билан ҳамроҳим ярим шар сиртидаги ҳалқалардан бирини маҳкам ушлаб олди.

Бизни кутишаётган экан, «қўнишимиз» билан ярим шар деворларидаги эшик очилди. Ҳамроҳим мени ичкарига итариб, орқамдан ўзи ҳам кириб олди. Эшик ёпилди.

Яна лампочка ёниб турган ҳаво камераси, деворда манометр, барометр, термометрлар. Ҳамроҳим аппаратлар ёнига бориб, кузата бошлади. Босим билан ҳарорат етарли бўлгач, ечинишга тушди ва мени ҳам шунга ишора қилди.

— Қалай, ўмбалоқ ошиб тўйдингизми?— сўради у кулиб.— Мен атайин шундай учдим.

— Бир оз кўнгилни ёзмоқчи бўлибсиз-да?

— Йўқ. Ҳароратни бошқарадиган плаш билан муомала қилолмай, иссиқ ва совуқдан қийналиб қоласиз деб қўрқдим. Бинобарин, офтобда бир текис «пишишингиз» учун сизни худди сихдаги кабобдай айлантириб турдим,— деди у фазовий костюмини ечиб бўлиб.— Энди танишиб қўяйлик. Крамер, Кэц Юлдузининг лаборант-биологи. Сиз-чи? Бу ерга ишлагани келдингизми?

— Ҳа, мен ҳам биологман. Артемьев Леонид Васильевич.

— Жуда яхши! Бирга ишлаймиз.

Мен ечина бошладим. Шундагина физиканинг «таъсир кучи акс таъсир кучига тенгдир» деган қонуни бу ерда айнан юз беришини ҳис қилдим. Бу ерда ҳамма нарса, ҳатто одамнинг ўзи ҳам «реактив асбоб»ларга айланиб қолади. Мен костюмни, ўзимизча айтганда, «ер»га ташладим, ташладим-у, аммо ўзим тепага учиб кетдим. Қизиқ: мен костюмни отдимми, ё костюм мени отдими, билиб бўлмайди.

— Энди икковимиз ҳам тозаланишимиз — дезинфекцион камерага киришимиз керак,— деди Крамер.

— Сиз нега кирасиз?— сўрадим ажабланиб.

— Ахир сизга қўл теккиздим-ку.

«Вой-бўй! Худди мен вабонинг уясидан келгандайман-а»,— деб ўйладим.

Мана, яна «пардозхона»даман. Яна танага кўринмас нурлар юборувчи аппаратлар гувиллаб турган камера. Яна тоза, стерилизацияланган кийим-бош, яна «юлдуз врачи»нинг кичкина, оппоқ амбулаториясида сўнгги тиббий кўрик.

Бу ҳаво амбулаториясида на стул, на стол бор. Фақат медицина асбоблари солинган ва деворларга омонатгина михлаб қўйилган эшиклар турибди.

Бизни жиккаккина, ҳаракатчан аёл врач Анна Игнатьевна Меллер кутиб олди. Кумушранг енгил кўйлак кийиб олган бу жувон, қирқ ёшни уриб қўйган бўлишига қарамай, эндигина

балоғатга етган қизчага ўхшарди. Мен унга Кэц шаҳридаги «ер врачи»нинг салом ва илтимосини топширдим.

Дезинфекциядан кейин у менга ер кийимларимдан яна анчамунча микроб топилганини айтди.

— Тирноқларга эътибор бермаётганликлари тўғрисида Кэц шаҳри соғлиқни сақлаш бўлимига албатта ёзаман. Сизнинг тирноқларингиз остидан бактерияларнинг бутун бир армияси чиқди. Юлдузга жўнатишдан олдин тирноқларни олдириб, ўрнини яхшилаб тозалашлари керак. Умуман, соғлиғингиз яхши, энди нисбатан анча тозасиз. Ҳозир сизни ўз хонангизга олиб боришади, кейин овқатлантиришади.

— Олиб боришади? Овқатлантиришади?— таажжубланиб сўрадим мен.— Етиб қолган бемор ҳам, чақалоқ ҳам эмасманку. Ўзим бориб, ўзим овқатланарман.

— Мақтанманг! Фазода сиз ҳали чақалоқсиз.

Шундай деб, у елкамга қоқиб қўйди. Мен камеранинг нариги бурчагига ўқдай учиб кетдим, деворга тегиб хонанинг ўртасига қайтиб келдим-у, оёқларимни питиллатганча ҳавода «осилиб» қолдим.

— Қалай, энди ишондингизми?— деди кулиб Меллер.— Тағинам бу ерда оғирлик бор ҳарҳолда. Ҳали гўдаксиз. Қани, юриббоқинг-чи!

Қаёқда дейсиз! Бир минутлардан кейингина оёғим полга тегди. Қадам босмоқчи бўлувдим, яна ҳавога кўтарилиб кетдим. Бошим «шифт»га тегди-ю, ҳеч нарсани сезмадим, ночор аҳволда қўлларимни ўйнатиб туравердим.

Эшик очилиб, менинг биолог танишим Крамер кирди. У мени кўриб, хахолаб кулиб юборди.

— Анови чақалоқни шатакка олиб, олтинчи хонага кузатиб қўйинг,— деб мурожаат қилди Крамерга Анна Игнатьевна.— У сийрак ҳавода қийналяпти. Яримта ҳаво улушини беринг.

— Ҳозирча одатдаги босимни беришнинг иложи йўқми?— деб илтимос қилдим мен.

— Яримтаси етади. Кўникиш керак.

— Қўлингизни беринг,— деди Крамер.

У полдаги қайиш ҳалқаларга оёғини суққанча, тез ва чаққон юриб менинг олдимга келди, қўли билан белимдан ушлаб, кенг йўлакка олиб чиқди. Сўнг худди коптокдай қўлида айлантириб туриб, йўлак бўйлаб улоқтириб юборди. Мен додлаганча учиб кетдим. Ўн метрча қиялаб учиб бориб, деворга яқинлашдим.

— Қайишни ушланг,— деб қичқирди Крамер.

Ҳамма ерда: деворларда ҳам, полда ҳам, шифтда ҳам қайиш ҳалқалар бор эди. Мен жонҳолатда бир ҳалқага ёпишдим, ўзимни тўхтатолмай қоламан деб қўрққан эдим, йўқ, ҳайтовур, қўлим ҳалқага тегиши биланоқ тўхтадим. Крамер аллақачон ёнимда турарди. У бир эшикни очди-да, мени қўлтиқлаб олиб, цилиндр шаклидаги хонага кирди. Бу ерда каравот ҳам, стол ҳам, стул ҳам йўқ эди. Фақат деворларда ҳалқалару ҳаворанг парда ту-

тилган каттакон дераза бор эди, холос. Шунинг учун ҳам хонага кўкимтир нур тушиб турарди.

— Қани, ўз уйларидагидай бемалол, ёзилиб ўтирсинлар,— деб ҳазил қилди Крамер.— Ҳозир кислородни кўпайтираман.

— Айтинг-чи, Крамер нима учун ракетодром Юлдуздан ажратилган?

— Бу янги ихтиро. Илгари ракеталар тўғридан-тўғри Кэц Юлдузининг ўзига қўнар эди. Лекин ҳамма учувчилар ҳам бир хил эмас. Ҳеч қандай турткисиз, оҳистагина қўндириш қийин иш. Бир гал «Кэц-етти» ракетасининг капитани қўниш вақтида Кэц Юлдузига қаттиқ уриб олди ракетани. Катта оранжереяга зарар етди: унинг ойналари синиб, ўсимликларнинг бир қисми нобуд бўлди. Уни тузатиш ишлари ҳалигача давом этади. Ана шу бахтсиз ҳодисадан кейин инженерларимиз ракетодромни Юлдуздан айрим қуришга қарор қилишди. Олдин у каттакон ясси гардиш шаклида эди. Лекин тажриба қўниш учун ярим доира шаклида бўлиши қулайроқ эканини кўрсатди. Оранжереяни тузатиб бўлгач, Кэц Юлдузини оранжерея билан бирга кўндаланг ўқ атрофида айланишга мажбур қиламиз. Ана шунда марказдан қочирма куч ва оғирлик ҳосил бўлади.

— Учиш вақтида кўрганимиз ранг-баранг нурлар нима эди? — сўрадим мен.

— Улар сигнал чироқлари. Бепоён осмонда бунақа кичкина юлдузчани топиб олиш қийин-да. Шунинг учун ҳам «бенгал чироқлари» ўрнатганмиз. Ўзингизни қандай сезяпсиз? Нафасингиз бўғилмаяптими? Ортиқ бермайман, акс ҳолда соф кислороддан кайф қилиб бошингиз айланиб кетади. Иссиқ эмасми?

— Бир оз совқотяпман,— жавоб бердим мен.

Крамер бир сакраб ойнанинг олдига борди ва пардани очиб юборди. Хонага кўзни қамаштирувчи офтоб нури ёғилди. Ҳарорат тез кўтарила бошлади. Крамер қарама-қарши томондаги деворга учиб бориб, дераза қопқоғини очди.

— Мана бу манзарани томоша қилинг.

Мен деразадан қараб, ҳангу манг бўлиб қолдим. Ер осмон уфқининг ярмисини ишғол қилган эди. Мен унга минг километр баландликдан қараб турардим. У мен кутгандай қабариқ шар шаклида эмас, букикроқ кўринди. Унинг нотекис, тоғ чўққилари туртиб чиқиб турган четлари гўё туман пардаси билан қоплангандай эди. Ноаниқ, ғадир-будур чизиқлар. Ер сиртидан нарида узун кулранг доғлар — атмосферанинг қалин қатлами хира қилиб турган булут карвонлари чўзилиб кетганди. Марказга яқинроқда — яна доғ кўринди, лекин оқишроқ эди. Мен Муз океани, Сибирь ва Шимолий Европа қиёфасини танидим. Шимолий қутб кўзни қамаштирадиган даражада ярқираб турарди. Қуёш акси Баренц денгизида кичкина учқундай йилтирарди.

Ерни томоша қиларканман, аста-секин у камайиб бораётган улкан Ой шаклига кирди. Мен Қуёш нури ёритиб турган бу баҳайбат ярим ойдан кўзларимни узолмасдим.

— Кэц Юлдузимиз,— деб тушунтирди Крамер,— шарққа томон учади ва юз минутда Ер атрофини бир марта айланиб чиқади. Бизда қуёшли кун атиги олмиш етти минут давом этади, тун эса — ўттиз уч минутни ташкил қилади. Қирқ-эллик минутдан кейин биз Ернинг соясида қоламиз...

Ойнинг акс нури хира ёритиб турган Ернинг қоронги томони базўр кўринарди. Қоронги ва ёруғ минтақалар чегарасини каттакатта қоп-қора тишлар — тоғ соялари ажратиб турибди. Мана мен Ойни, ҳақиқий Ойни ҳам кўрдим. У жуда яқиндай, лекин Ердан кўринганига нисбатан анча кичкинадай туюлди.

Ниҳоят Қуёш Ер ортига беркинди. Энди Ер ёрқин ҳалқа билан ўралган қора гардишга ўхшаб қолди. Ғойиб бўлган қуёш нурлари ер атмосферасини ёритиб тургани учун шундай кўринарди. Хонамизга қизғиш шуъла ёғилди.

— Кўриб турибсизки, бу ерда қоронғилик бўлмайди,— деди Крамер.— Ой Ер орқасига ўтганда Ердан тушадиган шуъла бемалол ой нурининг ўрнини босади.

— Назаримда, ракетанинг ичи бир оз совуганга ўхшайди,— дедим мен.

— Ҳа, тун салқини,— жавоб берди Крамер.— Лекин ҳарорат айтарли пасайгани йўқ. Станциямиз қобиғининг ўрта қатлами иссиқликни чиқармайди, бунинг устига Ер жуда кўп миқдорда ҳарорат юбориб туради. Кэц Юлдузида тун жуда қисқа, шунинг учун ҳам совқотиш хавфи йўқ. Биз биологлар учун бу жуда яхши. Лекин физикларимиз хуноб: улар тажриба учун абсолют нулга яқин бўлган ҳароратни кўп машаққат билан олишади. Ер ҳатто минг километр масофада ҳам худди улкан печдай иссиқлик пуркаб туради. Оранжереямиздаги ўсимликлар қисқа тун салқинидан зарар кўрмайди. Биз ҳатто электр печларни ҳам ёқиб ўтирмаймиз. Шу ерда ажойиб тоғ иқлими бор. Ҳадемай рангсиз юзларингизга қон югуриб қолади. Мен ҳам шу ерга келганимдан кейин эт қўйдим, иштаҳам очилиб кетди.

— Ростини айтсам, менинг ҳам қорним очди,— дедим мен.

— Бўлмаса ошхонага учамиз,— деб таклиф килди Крамер, менга офтобда қорайган қўлини узатиб.

У мени йўлакка олиб чиқди, биз сакраб-сакраб, қайиш ҳалқалардан ушлаб ошхонага йўл олдик.

Бу — «тонг»нинг илк нурига тўлган цилиндр шаклидаги каттакон хона эди. Қалин ойнали панжарадор деразани гуркираб турган тиниқ яшил тусдаги ўсимлик қоплаб олган. Бундай тиниқ, кўкатни Ерда сира учратмаган эдим.

— Ана у!

Таниш овозни эшитиб, атрофга алангладим ва деворга қалдирғочдай ёпишиб турган Меллерни кўрдим. Унинг ёнида оч бинафшаранг кўйлак кийган Тоня. Дезинфекциядан кейин унинг сочлари тўзғиб кетибди. Унга қараб жилмайиб қўйдим.

— Бу ёққа, бу ёққа марҳамат,— чақирди Меллер.— Хўш, нима билан меҳмон қилай?

Рўпарамдаги токчада ҳаво кирмайдиган қилиб зич ёпилган банкалар, баллонлар, кублар ва шарлар турарди.

— Сизни сўрғич орқали суюқ овқат, ёрма бўтқа билан боқамиз. Қаттиқ нарсаларни эплай олмайсиз, қўлингиздан чиқиб учиб кетади — кейин тутиб бўпсиз. Бизда кўпроқ сабзавотдан тайёрланган овқатлар бўлади. Чунки маҳсулот ўзимиздан чиқади. Мана бу олма суви,— у берк банкалардан бирини кўрсатди,— мана булар гуручли қулупнай, ўрик, шафтоли, банан, Кэц шолғоми, бунақасини Ерда татимагансиз... Шолғом ейсизми?

Шундай деб, Меллер токчадан биқинида найчаси бор бир цилиндрни олди. Цилиндрнинг остида ҳам йўғонроқ найча бор эди. Меллер ана шу найчани кичкина насосга улаб, дам бера бошлади. Иккинчи найчанинг учида сарғиш кўпик кўринди. Меллер, цилиндрни Тоняга узатди.

— Манг, сўринг. Агар сўриш қийин бўлса, яна дам бериш керак. Найчанинг оғзи стерилизацияланган. Нега афтингизни буриштирасиз? Идишларимиз юнон чинниларидай чиройли бўлмаса ҳам, бу ернинг шароитига жуда мос.

Тоня иккиланиброқ найчани оғзига олиб борди.

— Хўш, қалай?— сўради Меллер.

— Жудаям ширин.

Крамер менга бошқа бир «сўрғич»ни тутқазди. «Кэц шолғоми»дан тайёрланган суюқ сариқ бўтқа ростдан ҳам жуда ширин эди. Банан сувини айтмайсизми! Мен дам беришга улгуролмасдим. Кейин ўрик шарбати, қулупнай суви.

Мен маза қилиб овқатландим. Аммо Тоня негадир ўй суриб, деярли ҳеч нарса емади.

Йўлакда унга етиб олиб, енгидан тортдим.

— Нима бўлди сизга, Тоня?

— Мен ҳозир Кэц Юлдузи директорининг олдига кирдим. Евгенийни суриштирдим. У Юлдузда йўқ. Узоқ сайёралараро саёҳатга жўнаб кетибди.

— Биз ҳам орқасидан учамизми?— деб сўрадим ташвишланиб.

— Афсус,— деди у.— Биз ишлашимиз керак. Лекин директор, сайёралараро саёҳатга чиқишингиз ҳам мумкин, деб айтди.

— Қаёққа?— ҳадиксираб сўрадим мен.

— Ҳали-ҳозир билмайман. Ойга, Марсга, балки ундан ҳам олисроққа учармиз.

— Евгеньев билан радио орқали гаплашса бўлмайдими?

— Бўлади. Кэцнинг радио алоқаси фақат Ер билангина боғланмаган: Хевисайд қатлами халақит беради. У радионурларни қайтариб юборади. Мен қисқа нурлар билан ана шу қатламни ёриб ўтиш ва Ер билан радио алоқани ўрнатиш устида иш олиб боришим керак бўлади. Ҳозирча ёруғлик телеграфи орқали алоқа қилинади. Миллион свечали прожектор ёқилган, агар ҳавода булут бўлмаса, нур Ерга бемалол етиб боради. Шуниси ҳам борки, Помирда, Кэц шаҳрида ҳаво деярли доимо очиқ бўлади. Сайёралараро бўшлиқда учиб юрган ракеталар

билан эса Кэц Юлдузи радио орқали гаплашади... Ҳозир радиостанцияга бориб, Кэц Юлдузи билан Ой ўртасидаги бўшлиқни тадқиқ қилаётган ракета билан боғланишга ҳаракат қиламан... Дарвоқе, директор сизни йўқлаган эди.— Тоня билагузук соатига қараб, қўшиб қўйди:— Бугун энди кечикдингиз. Бирга радиостанцияга учамиз. Тўққизинчи хонага.

Электр нури билан ёритилган кенг йўлак ерости йўлидай чўзилиб кетган эди. Бу ерда товуш одатдагидан пастроқ эшитиларди, чунки ҳаво сийрак эди, шунинг учун ҳам мени биров чақираётганини ҳадеганда эшитмабман.

Бу Крамер экан. У кичкинагина қанотларини силкитиб биз томонга учиб келарди. Унинг икки ёни ва орқасидан қўшалоқ елпиғичга ўхшаган нарсалар чиқиб турарди.

— Мана, сизларга қанот олиб келдим,— деди у,— энди бутунлай фазогирларга ўхшашларинг керак. Очилган пайтида салпал кўршапалакнинг қанотини эслатади. Булар қўл панжисига ўрнатилади. Букланиши ва орқага қайтариб қўйилиши мумкин, у ҳолда қўл бўшайди, истаган нарсангизни ушлашингиз, кўтаришингиз мумкин.

Крамер чаққонлик билан катталиги қариқиз ўтининг япроғидай келадиган қанотчаларни қўлимизга боғлаб, уни қандай ишлатишни кўрсатди-да, яна келган томонига учиб кетди. Тоня икковимиз учишга киришдик. Бир неча марта бошимиз бошимизга тўқнашиб қолди, деворга бориб урилдик, чархпалак бўлиб кетдик. Лекин сира оғриқ сезилмасди.

— Чиндан ҳам кўршапалакка ўхшаймиз,— деди Тоня кулиб.— Қани, радиостанцияга қайси биримиз олдин бораркинмиз?

Биз илгарилаб кетдик.

— Нега йўлакда ҳеч ким кўринмайди?— сўрадим мен.

— Ҳамма ишда,— деди Тоня.— Айтишларича, бу ер кечқурун гавжум бўлармиш. Худди очиқ кундаги тилла қўнғизлардай тўдалашиб учиб юришармиш.

Биз тўққизинчи хонага учиб келдик. Тоня тугмачани босган эди, эшик шовқинсиз очилди. Мени таажжублантирган энг биринчи нарса — радист бўлди. У қулоқларига наушник тақиб «шифтда ўтирар» ва радиотелефонограмма ёзарди.

— Тайёр,— деди у ён дафтарчани белидаги сумкага соларкан; бу сумка унинг учун ёзув столи ғаладони хизматини ўтарди.— Евгеньев билан гаплашмоқчимисиз? Уриниб кўрамиз.

— Қийин эмасми?— сўради Тоня.

— Йўқ, қийин эмас лекин бугун узоқ тўлқинли передатчигим ишламаяпти, қисқа тўлқинда эса Ердан илон изи ясаб айланиб кўтарилаётган ракетани топиш анча қийин. Ҳозир ракетанинг учиб кетаётган жойини аниқлаб, алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиб кўраман...

Лекин шу пайт унинг оёғи қўққисдан деворга тегиб кетиб, ўзи нари учиб кетди. Уни радионаушникнинг симлари ушлаб қолди ва радист бир зумда яна ўз ўрнига қайтди. У ён дафтарчасини чиқариб, хронометрга қаради ва алланималарни ҳи-

соблай кетди. Кейин аппаратнинг қулоғини бурай бошлади.

— Алло... Алло! Кэц Юлдузи гапиряпти! Ҳа. Ҳа. Евгеньевни чақирворинг. Йўқ дейсизми? Бўлмаса, айтиб қўйинг, келганидан кейин Кэц Юлдузини чақирсин. У билан Кэц Юлдузининг янги ходими гаплашмоқчи. Фамилияси...

— Антонина Герасимовна,— деди Тоня шошиб.

— Ўртоқ Герасимова. Эшитяпсанми? Хўп. Кўпми? Ов яхши бўлдими? Табриклайман.

У аппаратни ўчириб, деди:

— Евгеньев ракетада йўқ экан. У сайёралараро бўшлиққа овга чиқиб кетибди, уч соатлардан кейин қайтаркан. Майда астероидларни тутиш билан машғул эмиш. Ажойиб қурилиш материали. Темир, алюминий, гранит... Евгеньев радиотелефон ёнига келганда сизни чақираман.

IX. КУТУБХОНАДА

Кечқурун чой ичиб ўтирсам, олдимга Крамер учиб келди.

— Бугун кечқурун бўшмисиз?— сўради у ва тушунтира кетди:— Ажабланманг, Юлдузда бир кеча-кундуз юз минутдан иборат, лекин биз одат бўйича иш кунини ер вақти билан ҳисоблаймиз. Дераза қопқоқларини беркитиб, «Тун» ясаймиз ва юлдуз вақти билан олти-етти кеча-кундуз ухлаймиз. Ҳозир Москва вақти билан кеч соат саккиз. Кутубхонамиз билан танишишни истамайсизми?

— Жоним билан,— жавоб бердим мен.

Кэц Юлдузидаги ҳамма хоналар каби кутубхона ҳам цилиндр шаклида эди. Дераза деган гап йўқ. Ён томондаги деворлар яшиклар билан қопланган. Цилиндрнинг кўндаланг ўқи бўйлаб — эшикдан то рўпарадаги деворгача — тўртта ингичка сим тортилган. Кутубхонага келувчилар ана шу симларни ушлаб, бу ўзига хос йўлакда у ёқ-бу ёққа юриб туришади. «Йўлак» билан ён деворлар орасидаги бўш жойга қатор қилиб тўр каравотлар қўйилган. Хона покиза, нина баргли дарахт ҳиди анқиб турган тоза ҳаво. Яшиклар орасига ўрнатилган газ найчалари жилосиз, ёқимли нур сочади. Жимжитлик. Баъзи каравотларда бошига қора қути кийган одамлар ётишибди, улар қутининг ёнидан чиқиб турган дасталарни аҳён-аҳён бураб қўйишади.

Ғалати кутубхона! Бу ерга одамлар китоб ўқиш учун эмас, балки даволаниш учун келгандай туюлади.

Симдан ушлаганча Крамернинг орқасидан кутубхонанинг нариги бошига қараб кетяпман. Рўпарамда, қора яшиклар олдида қип-қизил шоҳи кўйлак кийган бир қиз ивирсиб юрибди.

— Кутубхоначимиз, Эльза Нильсон. Танишинглар,— деди Крамер ва ҳазиллашиб мени қизнинг олдига қараб отиб юборди. У кулиб туриб, мени ҳаводаёқ илиб олди. Биз танишдик.

— Қанақа китоб ўқимоқчисиз?— сўради у.— Бизда деярли ҳамма тилдаги миллион нусха китоб бор.

Миллион нусха! Шунча китоб бу ерга қандай қилиб сиғади? Аммо кейин фаҳмладим:

— Фильмотеками?

— Ҳа, китоблар плёнкаларга ёзилган,— деди Нильсон.— Уларни экранда катта қилиб кўрсатадиган асбоб ёрдамида ўқишади.

— Қулай ва ихчам,— қўшиб қўйди Крамер.— Ҳар саҳифаси плёнкага олинган, бутун бир том битта ғалтакдан ортиқ жой эгалламайди.

— Газеталар-чи?— сўрадим мен.

— Газетанинг ўрнини радио билан телевизор босади,— жавоб берди Нильсон.

— Плёнка китоблар — янгилик эмас,— деди Крамер.— Бизда бундан ҳам қизиқ нарсалар бор. Ўртоқ Артемьев учун қандай кечки программа тузамиз? Келинг, бундай қиламиз: аввал дунё янгиликлари билан таништирамиз. Кэц Юлдузида туриб ҳам дунё воқеаларидан бехабар қолмаётганимизни бир кўрсатиб қўяйлик. Кейин «Қуёш устуни»ни берасиз...

— Янги романми бу?— сўрадим мен.

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади,— жавоб берди Крамер кулиб.— Еки, майли, «Атмосфера электростанцияси»ни бера қолинг.

Нильсон бош силкиб, яшикдан доира шаклидаги силлиқ металл қутиларни олди.

Крамер каравотга ётишимни сўради. Кейин қутиларни дастали яшикка жойлаб, бошимга кийгизиб қўйди.

— Бемалол эшитиб, кўриб ётаверинг,— деди у.

— Етибману лекин ҳеч нарсани кўрмаяпман ҳам, эшитмаяпман ҳам. Бутунлай жимжитлик, қоп-қоронғи.

— Дастани ўнгга буранг,— деди Крамер.

Мен бурадим. Бир нима ширқиллади, кейин аста шиғиллаган овоз эшитилди. Кучли нурдан кўзим қамашиб кетди. Мен бир дақиқа кўзимни юмдим, шу пайт қулоғимга бир товуш чалинди:

«Африканинг тропик чангалзорлари маданий деҳқончилик учун тозаланмоқда».

Кўзимни очиб, Африка қуёшидан ялтираб турган зангори океан сиртини кўрдим, унда жанговар сафга тизилган каттакон флот: дредноутлар[1], линкорлар, крейсерлар ва ҳар хил тур ва системадаги қирувчилар. Бу ерда йўғон мўриларидан қора тутун бурқситаётган эски ҳарбий кемалар ҳам, нисбатан янгироқ, ичдан ёнадиган двигателли ва сўнгги — электр двигателли теплоходлар ҳам бор эди.

Бу манзара шу қадар кутилмаган эдики, мен беихтиёр сесканиб кетдим. Наҳот яна уруш бўлса? Бутун дунёда капитализм

---

[1] Дредноут — зирҳли энг катта ҳарбий кема.

тугатилган-ку, яна қанақа уруш бўлиши мумкин? Оқибати революцияга олиб келган сўнгги уруш вақтидаги эски фильмни беришмадимикан менга?

«Қирғин қуролли бўлган ҳарбий флотни биз юк ташувчи транспортга айлантирдик»,— давом этди ҳалиги овоз.

— Ҳа-а, гап бу ёқда экан-да! Боя ўткир нурдан кўзим қамашиб, даҳшатли денгиз тўплари ўрнатилган жанговар башнялар олиб ташланганини пайқамаган эканман. Уларнинг ўрнига кемаларга юк кўтарадиган кранлар ўрнатилган эди. Кемаларнинг «жанговар» сафи билан янги қурилган гавань ўртасида юзлаб қайиқлар, шатакчи катерлар, баржалар қатнаб турибди. Гаванда юк тушириш қизғин давом этяпти.

Мен дастани яна бурадим. Ие... бу ҳам урушга ўхшайди-ку.

Каттакон қароргоҳ, оқ чодирлар ва оқ тусга бўялган фанер уйлар. Уй ва чодирлар олдида оқ костюм кийган одамлар — европаликлар ва қора танлилар. Қароргоҳ ортида кўкка ўрлаётган ҳаммаёқни тутун босиб кетган...

Янги «кадр» — одам боласи ўтолмайдиган тропик ўрмон аланга ичида. Култепа устида баҳайбат фургонлар — пўлат устунларга симтўр тортиб ишланган каттакон яшиклар турибди. Уларнинг ичида одамлар ихчам машиналар билан тўнка қўпоришяпти.

«Тропик чангалзорлар — Ер юзининг энг серқуёш ерлари. Лекин бу жойлар илгари маданий деҳқончилик учун қўл етмас жойлар эди. Ўтиб бўлмас ўрмонлар, ботқоқлик, йиртқич ҳайвонлар, заҳарли илонлар, қурт-қумурсқалар, омонсиз безгак... Энди уларнинг ҳозирги қиёфасини кўринг...»

Теп-текис воҳа. Тракторлар ер ҳайдаяпти. Қора танли тракторчилар оппоқ тишларини ярқиратиб жилмайишади. Уфқда кўп қаватли уйлар, кўм-кўк боғ-роғлар... «Чангалзорлар миллионлаб кичиларни боқади... Циолковский ғояси рўёбга чиқмоқда...»

«Ие-е, шу ерда ҳам Циолковскийми?— ажабландим мен.— Келажак инсониятга қанчалаб ғоя ташлаб кетишга улгурди у!»

Худди ўз саволимга жавоб олгандай, Ерни Циолковский ғоялари бўйича ўзгартиришнинг ажойиб манзараларини кўрдим.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш йўли билан саҳроларни яшнаётган воҳага айлантириш; қадам етмас тоғлар бағрини тураржой ва ям-яшил боғлар учун мослаштириш, қуёш двигателлари, сувнинг кўтарилиши, қайтиши ва денгиз тўлқинлари кучи билан ишлайдиган машиналар; қуёш энергиясидан кўпроқ баҳра оладиган янги хил ўсимликлар...

Энди бу ёғи менинг соҳам. Бу соҳадаги ютуқлардан хабардорман.

Дунё кино янгиликлари тугади. Бир минутлик танаффусдан кейин яна овоз эшитилди. Бу ҳикоя ипидан-игнасигача кўз олдимдан ўтди.

* * *

«Мен янги типдаги аэрочаналарнинг синов пойгасида иштирок этганман,— дея гап бошлади овоз.— Олдимизга оғир вазифа қўйилган эди: биз қутб доираси ортида тундра оралаб юзлаб километр йўл босишимиз керак эди.

Мен пойга бошлиғи эдим, колоннани бошқариб борардим. Биз тўппа-тўғри шимолга қараб борардик.

Ҳаммаёқ зиз-зиё. Кўкда шимол ёғдуси кўринмайди. Йўлимизни фақат чана чироқлари ёритиб турибди. Эллик даража совуқ. Теварак-атроф кимсасиз қор саҳроси.

Биз компасга қараб икки кун йўл босдик.

Бирдан уфқ қизаргандай туюлди менга.

— Шимол ёғдуси бошланяпти. Юриш енгиллашади,— деди чанамизни ҳайдаб бораётган ҳамроҳим.

Ярим соатлардан кейин шимол уфқи яна ҳам қизариброқ кўринди.

— Ғалати ёғду,— дедим мен шеригимга.— Мутлақо товланмайди. Ранги ҳам бошқача. Одатда шимол ёғдуси аввал зангори тусга кириб, кейин қизғиш рангда жилваланарди. Бу нур эса тонг шуъласига ўхшайди, бунинг устига қимир этмайди. У фақат олдинга юрганимиз сайин кучая бориб, қизғиш рангдан аста-секин оқ тусга киряпти.

— Балки бу бурж ёруғлигидир?— деди ҳамроҳим.

— Жой жиҳатдан ҳам, вақт жиҳатдан ҳам тўғри келмайди. Бунга асло ўхшамайди ҳам. Разм солинг — нур йўли тепадан уфққа томон худди конусдай аста-секин кенгая борган.

Биз кутилмаган бу сирли осмон жумбоғига шу қадар берилиб кетибмизки, олдимиздан чиқиб қолган тик бир пастликка тушиб кетиб, чанани мажақлашимизга ҳам оз қолди.

Бир неча минутдан кейин жардан чиқиб олиб, ҳавонинг илий бошлаганини сездик. Термометр ўттиз саккиз даража совуқни кўрсатарди, атиги бир соатгина олдин эса эллик даража совуқ эди.

— Балки бу нурдан иссиқлик таралар?— дедим мен.

— Агар шундай десак, бу ҳолни сира тушуниб бўлмайди,— дея эътироз билдирди ҳамроҳим.— Тундрани иситадиган нур устуни!

У кулиб юборди.

Нур устуни бизнинг маршрутимиз бўйлаб ястанган эди. Бинобарин, ана шу нурли конусга қараб юриш ва иложи бўлса, нима гаплигини билишдан бошқа чорамиз қолмади.

Йўл юрганимиз сайин атроф исиб, ёруғлаша борарди. Кўп ўтмай ҳамроҳим чироқларни ўчирди: бунга эҳтиёж қолмаган эди. Кейин биз нур конуси томон ҳаво тўлқинининг кучайиб бораётганини пайқадик, унинг тепасида эса, худди дурбин орқали кўринадиган Зуҳра ҳилолидай кўзни қамаштирувчи нозик ҳилол жилваланарди.

Ҳайҳот, жумбоқ ечилиш ўрнига борган сари баттар чигаллашиб борарди.

— Бу нур қуёш нурига ўхшаб кетяпти,— деди боши қотган ҳамроҳим.

Ҳадемай кун худди кундузгидай ёришди. Аммо ўнгу сўлимиз, орқа томонимиз уфққа қараб қоронғлашиб кетган эди. Ер бағирлаб эсаётган шамол қор зарраларини тўзғитиб тобора кучаярди. Биз қор тўзони оралаб йўлда давом этардик.

Бу орада ҳарорат жуда тез кўтарилиб борарди.

— Ўттиз даража совуқ... Йигирма беш... Ўн етти... Тўққиз...— дерди ҳамроҳим.— Ноль... Икки даража иссиқ... Эллик даража совуқдан кейин-а! Энди шамолнинг сирини тушуна бошладим. Афтидан, «қуёш устуни» ҳаво билан тупроқни қаттиқ қиздиради, натижада, ҳарорат ана шундай кескин фарқ қилади. Совуқ ҳаво пастдан иссиқ зонага кириб боради, юқорида эса қарши томонга эсувчи иссиқ ҳаво оқими бўлса керак.

Ниҳоят биз ёруғлик нури бевосита тушиб турган нуқтага яқинлашдик. Шамол учириб келган қор учқунлари эриб борарди; бўрон ёмғирга айланди, аммо у осмондан тушмай, орқадан уриларди; ердаги қор тез эриб, пилчиллаб ётибди. Тепаликларнинг ёнбағирлари ва пастқамликларда жилдираб сув оқяпти. Чана юролмай қолди. Изғирин қутб қиши, худди эртакдагидай, бир зумда баҳорга айланди.

Йўлда давом этиш хавфли эди: чаналар ишдан чиқиши мумкин. Мен тўхтадим. Кетимдан бутун колонна тўхтади. Аэрочаналардан пойга қатнашчилари — ҳайдовчилар, инженерлар, мухбирлар, киноператорлар сакраб туша бошладилар. Ҳамма фавқулодда бу ҳодисадан гунгу лол эди.

Мен шамолдан сақланиш учун бир неча чанани кўндаланг қилиб қўйишни буюрдим, кейин кенгаш бошладим. Кенгаш кўпга чўзилмади. Ҳамма олдинга юриш хавфли, деган фикрни қувватлади. Мен бир неча кишини олиб, пиёда экспедициига борадиган, бошқалар чаналар билан шу ерда қоладиган бўлишди. Биз нима гаплигини аниқлаб қайтамиз, кейин ҳаммамиз «қуёш устуни»ни айланиб ўтиб, пойгани давом эттирамиз деган қарорга келдик.

Биз тўхтаган жойда термометр саккиз даража иссиқни кўрсатиб турарди. Бинобарин, пўстинларимизни ечиб, ов этиклари ва чарм костюмлар кийиб олдик, ўзимиз билан бир оз озиқ-овқат, асбоб-ускуналар олиб йўлга тушдик.

Бу йўл жуда машаққатли бўлди. Аввалига оёқларимиз ҳўл қорга ботиб кетаверди, кейин лой кечишга тўғри келди. Биз ариқ ва ботқоқликлар, кичкина кўлларни айланиб ўтишга мажбур бўлдик. Бахтимизга, балчиқзор у қадар кенг эмас экан. Кўп ўтмай кўм-кўк ўт ва гуллар билан қопланган қуруқ «соҳил» кўриниб қолди.

— Қутб доираси ортида декабрнинг охирида — ёғду, иссиқлик ва кўкат. Қулоқларимни ишқаланг, сал ўзимга келай!— хитоб қилди ҳамроҳим.

— Лекин бу баҳор эмас, қаҳратон қутб океани ўртасидаги қандайдир ғаройиб кўклам оролчаси,— деди иккинчи ҳамроҳим.— Агар ҳақиқий баҳор бўлганда эди, бу ердаги ҳамма ботқоқлик ва кўлларда сон-саноқсиз парранда ва қушларни кўрган бўлардик.

Кинооператоримиз аппаратини ўрнатиб, сурат олиш ҳаракатига тушиб қолди. Аммо шу пайт шамол кўтарилиб, уни аппарат-маппарати билан ерга ағдарди. Кинооператорнинг каттакон жун шарфини шамол чирпирак қилиб осмонга учириб кетди.

Довул тобора зўраяр ва бизни қадам босгани қўймасди. Бу ерда, энди шамолнинг аниқ йўналиши ҳам йўқ эди: у гоҳ рўпарадан, гоҳ орқадан келиб урилар, гоҳ қуюндай айланиб, осмонга учириб кетай дерди. Афтидан, биз совуқ ҳаво оқими билан иссиқ оқим тўқнашиб, гирдоб ҳосил бўлаётган нуқтага тушиб қолган эдик. Бу «Қуёш устуни» таъсирида пайдо бўлган бўрон чегараси эди.

Биз энди тик туриб эмас, балки жонҳолатда бир-биримизга ёпишиб, лой устида эмаклаб борардик...

Ниҳоятда ҳолдан тойиб, охири қуруқ ерга чиқиб олдик, бу жой бутунлай осойишта эди. Жазирама ёз куни ердан кўтариладиган ҳовурдай, илиқ тупроқдан енгил буғ кўтариларди. Ҳарорат йигирма даражага етган эди.

Бир неча минут ичида кийимларимиз қуриб, тугмаларимизни ечиб ташладик. Баҳор ёзга айланди.

Сал нарида кўм-кўк ўт, ранг-баранг гуллар ва майда қутб қайинлари билан қопланган кичкина тепалик кўриниб турарди. Атрофда ҳаётбахш нурдан баҳра олиб капалаклар, чивин ва пашшалар учиб юрарди.

Биз тепаликка чиқдигу ҳайратдан қотиб қолдик. Кўрганларимиз саробга ўхшарди.

Қаршимизда буғдойзор чайқалиб турибди. Айрим пайкалларда кунгабоқар, маккажўхори бўй чўзган. Унинг ортида — карам, бодринг, лавлаги, помидор экилган пайкаллар, қулупнай ва земляника пушталари. Ундан нарида эса — бутали экинлар, смородина, крижовник ва ҳатто узум бошлари олтиндай товланиб турган токзор. Бутазор орқасида — мевали дарахтлар: нок, олма, олча, олхўри, ундан нарида — мандарин, ўрик, шафтоли ва ниҳоят, воҳанинг марказий қисмида, афтидан у ерда ҳарорат жуда баланд бўлса керак, апельсин ва лимон дарахтлари, кофе, какао ва чой буталари ўсиб ётарди.

Қисқаси, бу ерга ўрта минтақа, субтропик ва ҳатто тропик шароитда ўсадиган энг муҳим маданий ўсимликлар тўпланган эди.

Далалар, пайкал ва боғлар орасига бир марказга келиб туташувчи йўл тушганди. Ана шу жойда тепасига радиомачта ўрнатилган беш қаватли бино қад кўтариб турибди. Биноннинг балконларида ва дераза токчаларида — ҳар хил гуллар, кўкатлар. Деворларни чирмовиқ ўт қоплаб олган.

Далаларда ҳам, пайкалларда ҳам, боғларда ҳам ёзги костюм ва соявони кенг шляпа кийган одамлар ишлашарди...

Икки минутлар чамаси донг қотиб туравердик. Ниҳоят шеригим тилга кирди:

— Одамнинг тасаввурига ҳам сиғмайдиган ҳол! Ффу!— деди у оғир энтикиб.— «Минг бир кеча»даги эртакка ўхшайди!

Биз тик йўлдан воҳа марказига қараб юра бошладик. Мен аҳён-аҳён сирли нур ёғилаётган осмонга қараб қўярдим. Офтобдай кўзни қамаштирувчи ҳилол энди гардиш шаклига кирган эди.

Сариқ қум сепилган йўлкадан мевалари ғарқ пишиб ётган апельсин дарахлари оралаб биз томонга офтобда қорайган бир киши кела бошлади. Эгнида оқ кўйлак, тиззадан келадиган оқ шим, сарпойчан оёғига сандал кийиб олган. Соявони кенг шляпаси юзига соя ташлаб турибди. У узоқданоқ бизга қараб очиқ чеҳра билан қўл силкиди. Яқинлашганимиздан сўнг, деди:

— Салом, ўртоқлар. Сизларнинг келишларингиз ҳақида менга хабар қилишган эди. Агар бўронларимизни ёриб ўтган бўлсаларингиз чиндан ҳам жасур кишилар экансизлар.

— Ҳа, соқчиларингиз зўр экан,— жавоб берди ҳамроҳим кулиб.

— Бизга соқчиларнинг кераги йўқ,— деб эътироз билдирди ҳалиги киши.— Чегарадаги қуюнлар — бу, иккинчи даражали ҳодиса. Лекин биз хоҳласак, биронта ҳам тирик жон ўтолмайдиган бўрон тўсиқларини яратишимиз ҳам мумкин эди. У ҳолда сичқон ҳам, фил ҳам бараварига осмонга кўтарилиб кимсасиз қор саҳросига улоқтириб ташланган бўларди. Сизлар, ҳарҳолда, жуда катта хатарга дуч келгансизлар. Ваҳоланки, шарқ томонда бу ёққа бемалол, бехавфу хатар ўтиш мумкин бўлган ёпиқ йўл бор... Ҳай майли, энди танишайлик: Крукс, Вильям Крукс. Тажриба воҳасининг директори. Бу ерда шунақа воҳа борлигини билмасаларнгиз керак? Дарвоқе, юзларингиздан ҳам кўриниб турибди. Воҳа — сир эмас. Бу ҳақда газетада ҳам, радиода ҳам хабар берилган. Лекин мен сизларнинг бехабарлигингиздан таажжубланмайман. Одамлар дунёни қайта қуришга киришганларидан бери ер юзининг ҳамма бурчакларида шу қадар кўп ишлар амалга ошириляптики, буларнинг ҳаммасига кўз-қулоқ бўлиб туриш қийин. Кэц Юлдузи тўғрисида эшитганмисизлар?

— Ҳа,— жавоб бердим мен.

— Балли, бизнинг «сунъий қуёшимиз»,— Крукс қўли билан осмонга ишора қилди.— Кэц Юлдузи туфайли бунёдга келди. Кэц Юлдузи — осмондаги биринчи база. Ана шундай базага эга бўлган ҳолда ўз «қуёши»мизни яратиш ҳам қийин эмас эди. Назаримда, бунинг нималигини пайқаётган бўлсаларингиз керак? Бу сайқалланган тунука тахталардан ясалган ботиқ ойна. Қуёш нури уфқ ортидалигидаёқ ойнага тушиб, Ерга тик акс нур қайтарадиган баландликка ўрнатилган у. Сояларга қаранглар. Улар экваторда туш пайтидагидай жуда тик. Ерга тиккасига суқиб қўйилган чўп ҳеч қандай соя бермайди. Ҳарорат воҳанинг мар-

казида ўттиз даража, йил бўйи, кечаси-ю кундузи шундай. Фақат воҳанинг атрофида совуқ ҳаво оқими туфайли ҳарорат бир оз пастроқ. Лекин бу оқим айтарли эмас: совуқ ҳаво ердан чиқиб турган буғ билан ўша заҳотиёқ юқорига кўтарилиб кетади. Ўсимликларимизни ана шу ҳарорат зоналарига қараб жойлаштирганмиз. Марказда, кўриб турибсизлар, ниҳоятда иссиқсевар ўсимлик бўлган какао ҳам яшнаб турибди.

— Мабодо сунъий қуёшингиз сўниб қолса нима бўлади? — сўрадим мен.

— Агар сўниб қолса, воҳадаги ўсимликлар бир неча минут ичидаёқ нобуд бўлади. Лекин у ҳақиқий Қуёш порлаб турар экан, ҳеч қачон сўнмайди. Ойна тахталарини у ёқ-бу ёққа айлантириб, ҳароратни бошқариш мумкин. Бу ерда эса ҳарорат ўзгармасдир. Бинобарин, биз йилига бир неча марта ҳосил йиғиштириб оламиз. Бу «қуёш» тез орада ер юзининг жануби ва шимолидаги баланд кенгликларда порловчи ўнлаб бошқа қуёшларнинг фақат биринчиси. Биз қутб ва қутб атрофидаги мамлакатларни мана шундай воҳалар билан безаймиз. Аста-секин воҳалар орасидаги ҳаво ҳам исий боради. Шимолий қутб тепасида қудратли «қуёш» яратиб, асрий музликларни эритамиз. Ҳавони иситиб ва янги ҳаво оқимларини вужудга келтириб, бутун шимолий яримшарга ҳарорат бахш этамиз. Муз билан қопланган Гренландияни жаннатга айлантирамиз. Ва, ниҳоят, битмас-туганмас табиий бойликлар макони бўлган Жанубий қутбгача етиб борамиз. Ўз бағрига миллионлаб кишиларни сиғдирадиган ва едириб-кийдирадиган бутун бир қитъани муздан халос қиламиз. Биз Еримизни энг яхши планетага айлантирамиз...

Овоз тиниб, қоронғилик чўкди. Фақат аппаратнинг шиғиллаши эшитиларди. Кейин яна нур ярқиради-ю, кўз олдимда янги ажойиб манзара намоён бўлди.

Стратосфера бўшлиқларида, қоп-қора осмон тагида типратиконга ўхшаш ғалати снарядлар учиб юрибди. Пастда — енгил, баррасимон, уларнинг остида эса тўп-тўп серқатлам булутлар... Булутлар орасидан Ер сирти кўриниб турибди: яшил ўрмонлар, қоп-қора экин майдонлари, кумушранг илонизи дарёлар, тангадек ярқироқ кўллар, тўппа-тўғри кетган ипдек ингичка темир йўл излари. «Типратикан»лар тутундан из қолдириб ҳавода у ёқдан-бу ёққа учади. Баъзан улар учишни секинлатиб, тўхтаб қолишади. Ана шунда «типратикан»лардан кўзни қамаштирувчи чақмоқ чақнаб, яшин нури тиккасига Ерга отилади.

...Каттакон кабина. Қалин кварц ойнали думалоқ иллюминаторлар. Менга нотаниш мураккаб аппаратлар. Уларнинг олдида икки ёш йигит. Учинчиси эса ўлчов асбоблари қўйилган стол ёнида ўтириб, шерикларининг ишини бошқаряпти:

— Беш минг... етти... Учишни тўхтатинг... Ўн ампер... Беш юз минг вольт... Тўхтанг... Электрсизлантиринг!

Аппарат олдида турган йигит дастакни тортди. Қаттиқ чарсчурс этган овоз жимликни бузди, яшин чақнаб, чақмоқ Ерга қараб отилди.

— Олға, фақат олға!..— деб буюрди бошлиқ.

Кейин менга қараб, деди:

— Сиз атмосфера элекростанциясида турибсиз. Бу ҳам Кэц Юлдузидаги корхоналардан бири.

Кэц Юлдузини қургач, биз стратосферани мукаммал тадқиқ қилишга, атмосферадаги электр қувватини ўрганишга муваффақ бўлдик. Бу аллақачонлардан бери маълум ҳодиса. Ҳатто ундан саноат мақсадларида фойдаланишга уринишлар ҳам бўлган. Лекин атмосферадаги электр қуввати жуда оз бўлганидан бу уринишлардан натижа чиқмаган. Бир квадрат километр баландликда атиги 0,04 киловатт-соат энергия тўпланади, деб ҳисобланарди. Агар атмосферанинг Ер сиртига яқин қатламларини назарда тутадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам шундай. Яшин эса ниҳоятда кўп — секунднинг юздан бир бўлаги ичида 700 киловатт-соат энергия чиқаради. Лекин чақмоқ — тасодифий, кам содир бўладиган ҳодиса. Атмосферанинг юқори қатламлари эса — бу бошқа гап. У ерда бутунлай ўзгача манзарани кўрамиз.

Ерда яшарканмиз, биз ҳаво океанининг тубида бўламиз. Кишилар горизонталь ҳаво оқимларидан фойдаланишни нисбатан анча олдин ўрганиб олишган. Бу оқим уларнинг елканли кемаларини юргизган, шамол тегирмонларнинг парракларини айлантирган. Кейин бу оқимларнинг сабабини — ҳавонинг қуёш нуридан нотекис қизишини аниқлашди. Кейинроқ эса, одамлар осмонга уча бошлагач, худди шу сабабдан ҳаво вертикал равишда — пастдан юқорига ва юқоридан пастга ҳаракат қилишини билиб олишди. Ниҳоят, яқингинада, ҳаво океанимизда ҳам Қуёшнинг ва, айниқса, Ойнинг тортиш кучи таъсирида худди сув океанларидагидай кўтарилиш ва қайтиш ҳодисаси юз бериши аниқланди. Ҳаво сувдан қарийб минг марта енгил бўлгани учун кўтарилиш ҳодисаси айниқса кучли бўлиши керак. Атмосфера кўтарилиш ва қайтишларга нисбатан тахминан чуқурлиги саккиз километр келадиган сув океанидай вазиятда бўлади.

Ой атмосферани ўзига тортиши натижасида ҳаво океани ҳам Ойга қараб талпинади. Шундай қилиб, ҳаво қатламлари ҳаракатга келади. Бундай кўтарилиш ва қайтишлар вақтида кучли ионлашган газ заррачаларининг ишқаланиши юз беради. Шунинг учун ҳам атмосферанинг юқори қатламлари радио тўлқинларини яхши ўтказади. Атмосферанинг мана шу кучли ионлашган қатламларида, уларнинг Ернинг магнит майдонига нисбатан ҳаракати вақтида, худди ўтказгичдагидай, Фуконинг индукцион токи ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, табиатда атмосфера ҳаракати туфайли Ернинг магнит ҳолатига таъсир қилувчи ўзига хос динамомашина ишлаб туради. Бу ҳодиса магнитографларнинг ёзувларида қайд этилган.

Бу улкан машинанинг, бу ўзига хос «мангу двигатель»нинг ишини ўрганиб, атмосферадаги электр қуввати хазинаси бит-

мас-туганмас, деган қарорга келдик. Бу хазина инсониятнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини ортиғи билан қондиради, фақат ана шу қувватдан фойдалана билиш керак.

Сиз кўриб турган нарсалар — ҳали ишнинг ибтидоси. Ракеталар худди лейден банкалари сингари ўзига электр қувватини тўплайдиган махсус игналар билан қопланган. Кейин қабул қилувчи станция жойлашган кимсасиз бўшлиқда «яшин» чақнайди. Станцияга сим билан металл шарлар уланган. Бу шарлар станциядан анча баландда туради.

Ҳозир биз улкан атмосфера станциясини қуришга киришяпмиз. Унинг иши батамом автоматлаштирилади. Стратосферада бир-бирига сим билан боғланган доимий, қўзғалмас қурилмалар ўрнатамиз. Бу қурилмалар электр қувватини йиғиб, ҳавонинг ионлашган устуни орқали Ерга жўнатади. Одамлар Ер юзини қайта қуриш учун зарур бўлган битмас-туганмас энергия манбаига эга бўладилар.

Яна қоронғилик, сукунат... Кейин яшил нур ёнди. У астасекин қизғиш тусга кирди. Тонг. Олмалар гуллаб ётибди. Ёшгина жувон боласини кўтариб турибди. Бола порлоқ кунни олқишлаётгандай қўлларини силкитади...

Манзара узилди.

Бирдан кўз олдимда бепоён бўшлиқда учиб бораётган Ер планетаси намоён бўлди. Қулоғимга тантанавор музика садоси эшитилди. Ер бора-бора узоқлашиб, кичкина юлдузга айланди. Музика садоси эса тобора пасайиб, охири сўнди. Шу билан сеанс тугади. Лекин мен узоқ вақт кўзларимни юмганча таассуротлар исканжасида ётдим.

Ҳа, Тоня менга, сиз ўз ишингиз билан ўралашиб қолгансиз, деб ҳақ гапни айтган экан. Жаҳон революциясидан сўнг бутун дунёда ҳаёт қанчалик ўзгариб кетганини мана эндигина ҳис қилдим: қандай ишлар амалга оширилган-а! Уларнинг кўламини айтмайсизми! Бу ҳали илк таассуротлар, холос. Олдинда мени яна нималар кутаётганикин?..

X. ДИРЕКТОР ҲУЗУРИДА

Директорнинг кабинети мен кўрган бошқа хоналардан бир оз фарқ қиларди. Дераза олдига ғоят юпқа алюминдан ясалган стол қўйилган. Стол устида — папкалар, ички телефон аппаратлари, радио ва рақамлар ёзилган талай тугмачалар. Стол ёнида — китоб ва папкаларга мўлжалланган айланма жавон. Юлдузда сунъий равишда андак оғирлик кучи ҳосил қилинган эди, бинобарин, нарсалар бир ерда тураверарди, лекин уларга сал қўл тегиши билан ҳар тарафга тўзғиб кетишарди. Шунинг учун ҳам улар автоматик қисқичлар билан бириктириб қўйилган эди.

Стол ортида енгил алюмин креслода директор ўтирарди. У креслога ўзини белидан камар ўтказиб боғлаб олган эди.

Директор — офтобда қорайган, икки юзи қип-қизил, қирғийбурун, катта-катта қора кўзларидан ақл ёғилиб турувчи ўттиз ёшлардаги киши эди? У эгнига енгил, кенг-мўлгина костюм кийиб олганди? Директор менга очиқ чеҳра билан бош иргаб (Кэцда қўл олиб сўрашилмайди), сўради:

— Бизнинг шароитимизда ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? Кислород етишмаслигидан қийналмаяпсизми?

— Кўника бошлаяпман шекилли,— жавоб бердим мен.— Лекин бу ер жуда салқин экан. Ҳаво ҳам Ернинг энг баланд тоғлиқларидагига ўхшаб сийрак.

— Одатланмаганликдан,— деди у.— Кўриб турибсиз, мен ўзимни жуда яхши ҳис этяпман. Ердагидан ҳам яхши. У ерда мен ўлимга маҳкум этилган эдим — силнинг учинчи босқичидан қон тупурардим. Ракетага ҳам нақ бўлмаса замбилда олиб чиқишаёзди. Ҳозир отдай бўлиб кетдим. Кэц Юлдузининг фазилати фақат шугина эмас. Бу тенги йўқ курорт. Унинг ердаги курортлардан афзаллиги шундаки, бу ерда ҳар бир киши учун зурур бўлган иқлимни яратиш мумкин.

— Шундай қаттиқ саралашга қарамай сил аҳволингиз билан сизни қандай қилиб Кэцга қабул қилишди?— ажабландим мен.

— Керакли одам учун истисно қилишган-да,— деди кулиб директор.— Мени махсус санитар ракетасида жўнатишди, бу ерда эса касалликнинг сўнгги излари тугагунга қадар алоҳида хонада сақлашди. Врачимиз, ҳурматли Анна Игнатьевна Меллер, суяк сили билан оғриган беморлар учун махсус ҳаво санаторийлари ташкил этиш ҳаракатида юрибди. У тажрибалар ҳам қилиб кўрди — натижалар жуда яхши. Силдан чириётган суякларга мутлақо тегилмайди. Гипс каравотлари ҳам, майиб белни ичдан боғлайдиган сербар белбоғлар ҳам, қўлтиқтаёқ ҳам йўқ. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари истаганингизча. Тери эркин нафас олади. Денгиз ҳавоси. Бизнинг шароитимизда буни яратишдан осони йўқ. Осойишталик, овқат етарли. Тузалишига умид қолмаган беморлар ҳам қисқа муддатда шифо топиб кетади.

— Лекин бу одамлар учун Ерга қайтиш хавфли бўлса керак?

— Касаллик ўтган бўлса, ҳеч қандай хавф йўқ. Ерга қайтганларнинг кўпчилиги ҳозир соғ-саломат юришибди. Биз бошқа гапларга алахсиб кетдик. Асосий масалага ўтайлик... Хўш, ўртоқ Артемьев, биологлар бизга жуда ҳам зарур. Истаганингизча иш топилади. Биринчи навбатда Юлдузни ўз оранжереямизда етиштирилган мева ва сабзавот билан таъминлашни йўлга қўйиш керак. Ҳозирча бу ишни «боғбон»имиз Андрей Павлович Шликов яхши уддалаб турибди, лекин биз фазодаги мулкимизни тобора кенгайтиряпмиз. Ерда одамлар фақат тўрт томонга — шарққа, ғарбга, шимол ва жанубга қараб силжийдилар. Бу ерда эса юқорига ва пастга — қисқаси, ҳамма томонга қараб қулоч отиш мумкин. Биз аста-секин турли хил ёрдамчи корхоналар билан бойиймиз. Янги оранжерея қуряпмиз. Унда Шликовнинг ёрдамчиси — Крамер ишлайди.

— Мен у кишини танийман.

Директор бош силкиди.

— Жуда соз...— давом этди у қалам ушлаб турган қўлини кўтариб.

Қалам унинг бармоқлари орасидан сирғалиб чиқиб, ёнгинамдан ўтиб кетди. Мен уни илиб олмоқчи бўлган эдим, оёқларим полдан кўтарилиб, ҳавода муаллақ туриб қолдим. Бир минутлардан кейингина товоним «пол»га тегди.

— Бу ердаги нарсалар ўжар, қочишнинг пайидан бўлишади,— ҳазил қилди директор.— Шундай қилиб, деярли тўла вазнсизлик шароитида мева ва сабзавот етиштирамиз. Биолог қаршисида қандай ажойиб масалалар туғилишини тасаввур қилиб кўринг-а. Ўсимликларда оғирлик кучи бўлмаганда геотропизм қандай кечади? Тўқималарнинг бўлиниши, модда алмашинуви, ширанинг ҳаракати қандай юз беради? Ультра қисқа нурлар қандай таъсир кўрсатади? Космик нурлар-чи? Эҳ-ҳа, ҳаммасини санаб чиқиш қийин! Шликов кашфиёт кетидан кашфиёт очяпти. Ҳайвонлар-чи? Биз уларни ҳам парвариш қиламиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ тажриба қилинаётган бир неча жониворларимиз бор. Ахир фазодаги бундай лаборатория — ўз ишини севган олим учун бир хазина-ку. Кўриб турибман, сизнинг ҳам кўзларингиз чақнаб кетяпти.

Мен ўз кўзларимни кўрмасдим, лекин директорнинг гаплари менга жуда таъсир қилган эди. Ростини айтсам, шу тобда фақат Арманистонни эмас, ҳатто Тоняни ҳам унутиб қўйган эдим.

— Тезроқ ишга киришсам,— дедим мен.

— Эртагаёқ киришасиз,— жавоб берди директор.— Фақат ҳозирча бу ерда, оранжереяда эмас. Ойга илмий экспедиция уюштиряпмиз. Кекса астрономимиз Фёдор Григорьевич Тюрин, геолог Борис Михайлович Соколовский ва сиз учасиз.

Бу хабарни эшитиб, дарров Тоняни эсладим. Уни балки узоқ муддатга ташлаб кетарман. Менсиз унинг ҳоли нима кечаркин...

— Биологнинг нима кераги бор?— сўрадим мен.— Ой бутунлай ўлик сайёра-ку.

— Шундай деб ўйлаш мумкин. Аммо-лекин... Яхшиси, бу ҳақда астрономимиз билан гаплашинг, унинг ўз тахминлари бор.— Директор кулимсиради.— Чол бир оз телбароқ. Унинг битта фалсафаси — «Ҳаракат фалсафаси» бор. Гапиравериб сизни чарчатиб қўймаса деб қўрқаман. Лекин ўз соҳасининг жуда йирик олими. Илож қанча? Қариганда баъзи одам сергапроқ бўлади дейишади. Ҳозир Тюриннинг олдига бориб, у билан танишасиз. Ғалати чол. Фақат ҳадеб фалсафа сотишига йўл қўйманг.

Директор қатор тугмачалардан бирини босди.

— Крамер билан танишсиз. Ҳозир чақираман, у обсерваторияга киришда сизга ёрдам беради. Ёдингизда бўлсин, у ерда ҳозирги арзимас оғирлик кучи ҳам йўқ.

Крамер учиб кирди. Директор унга ҳамма гапни тушунтирди, Крамер бош ирғаб, мени етаклаб олди. Биз йўлакка чиқдик.

— Бу галги учишда сайёрлараро бўшлиқда мустақил ҳаракат қилишни ўрганиб олишга тиришаман,— дедим мен.

— Маъқуллайман! — деди Крамер.— Ҳозир биз олдига борадиган чол баджаҳлроқ. Сиркаси сув кўтармайди. У фалсафага тушиб кетганда гапини бўла кўрманг. Акс ҳолда авзойи бузилиб, Ойга етгунча йўл бўйи тутун қайтаради. Умуман олганда эса ажойиб киши. Биз уни яхши кўрамиз.

Мен икки ўт орасида қолдим. Директор, фалсафа сотишига йўл қўйманг, деган эди. Крамер, кекса астроном-файласуфни ранжитманг, дейди. Устомонлик қилишга тўғри келади.

XI. ЎРГИМЧАК ОЛИМ

Фазовий костюмда, орқамизга ихчам ракета-жилдлар осиб атмосфера камерасидан ўтдик, эшикни очиб ташқарига чиқдик. Ҳавосиз бўшлиқ қаърига учиб кетиш учун оёқни салгина туртиш кифоя қиларди. Кўкда яна «ер тўлишган» пайт эди. Улкан, ялтироқ Ер гардиши осмон уфқининг ярмини эгаллаб турарди: «Юз ўн икки градус», деб тушунтирди Крамер.

Мен Европа ва Осиё шаклини, оппоқ булут билан қопланган шимолни кўрдим. Шимолий қутб денгизларидаги музлар ярқирарди. Осиёнинг қоп-қора тоғлари орасида қор чўққилари оқариб турибди. Қуёш Байкал кўлида жилва қилади. Унинг қиёфаси жуда аниқ кўзга ташланади. Кўм-кўк доғлар оралаб кумушранг Обь ва Енисей дарёлари илонизи бўлиб чўзилиб кетган. Каспий, Қора ва Ўрта денгизлари аниқ кўриняпти. Эрон, Арабистон, Ҳиндистон, Қизил денгиз ва Нил дарёлари ҳам «манаман» деб турибди. Ғарбий Европанинг шакли эса алкаш-чалкаш. Скандинавия ярим оролини булут қоплаган. Африканинг ғарбий ва жанубий қисми ҳам яхши кўринмайди. Ҳинд океанида Мадагаскар ноаниқ, чапланган доғга ўхшайди. Тибет тиниқ кўринади, лекин Осиёнинг шарқий қисми туман ичида. Суматра, Борнео, Австралиянинг ғарбий соҳиллари оқариб кўринади... Япон ороллари базўр кўзга чалинади. Ажабо! Мен бир вақтнинг ўзида Европанинг шимолини ва Австралияни, Африканинг шарқий соҳиллари ҳамда Японияни, қутб денгизлари ва Ҳинд океанини кўриб турардим. Одамлар ҳали ҳеч қачон бир қарашда бу қадар улкан майдонни кўзлари билан илғаб ололмаганлар. Агар Ерда ҳар гектар ерни кўздан кечириш учун бир секунддан вақт сарфланганда ҳам, бутун Ер юзини кўриб чиқиш учун тўрт-беш юз йил кетган бўларди — у шу қадар бепоён.

Крамер билагимни сиқиб, олисда порлаб турган нуқтани — ҳозир борадиган жойимизни кўрсатди. Ер жамолидан кўз узишга тўғри келди. Мен Кэц Юлдузига ва тўлин ойга ўхшаган ракетодромга қарадим. Жуда олисда, осмон қаърида қип-қизил юлдузча гоҳ ёнар, гоҳ сўнарди. Дарров фаҳмладим: ракетодромга Ердан учган ракета яқинлашяпти. Кэц Юлдузи атрофида, зим-зиё бўшлиқда яқин турган юлдузлар кўп эди. Уларга разм солиб, барининг инсон қўли билан яратилганига ишонч ҳосил қилдим. Булар директор айтган «ёрдамчи корхоналар» эди, мен ҳали уларни

билмасдим. Кўпчилиги ярқироқ цилиндр шаклида эди, лекин куб, шар, конус, пирамида нусхалари ҳам бор эди. Баъзи иншоотлар қўшимча қурилмаларга эга: улардан тирсак, мўри, гардишга ўхшаган нарсалар чиқиб турибди, буларнинг нимага хизмат қилишини ҳали-ҳозирча билмайман. Баъзи «юлдуз»лардан вақтивақти билан нур отилиб чиқади, «юлдуз»ларнинг бир қисми ҳаракатсиз, айримлари аста сузиб юрибди. Бир-бирининг атрофида ҳаракат қилаётганлари ҳам бор, афтидан улар кўринмас сим ёки трос билан боғланган бўлса керак. Бундай айланма ҳаракат натижасида, назаримда, сунъий тортишиш кучи ҳосил бўлади.

Крамер яна диққатимни тортди, Обсерваторияни кўрсатиб, скафандрини меникига яқинлаштирди ва деди:

— Томоша қилишга улгурасиз. Кўкрадаги ҳалқани босиб туриб, отинг. Вақт зиқ.

Мен ҳалқани босдим. Орқамга бир нарса урилди-ю, умбалоқ ошиб кетдим. Кўз олдимда бутун коинот айлана бошлади. Гоҳ зангори Қўёш, гоҳ улкан Ер шари, гоҳ ранг-баранг юлдуз сочилган осмон бўшлиғи кўринади менга. Кўзим тиниб, бошим айланиб кетди. Қаёққа учаётганимни, Крамернинг қаерда қолганини ҳам билмасдим. Мундай қарасам, тўппа-тўғри ракетодром устига қулаб тушяпман. Шошиб бошқа тугмачани босдим, биқинимга туртки теккач, чап томонга қараб учиб кетдим. Жуда оғир аҳволда қолдим! Энг муҳими, қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Мен тинимсиз буралар, айланар, ғужанак бўлардим, лекин фойда чиқмасди. Ниҳоят кўзимни чирт юмиб, яна тугмачани босдим. Орқамга яна туртки тегди... Обсерваторияни аллақачон кўздан қочирган эдим. Пастда Ер кўкимтир жимирлаб турарди. Унинг чети қорая бошлаганди: қисқа тун яқинлашмоқда эди.

Ўнг томонимда олов липиллади, Крамернинг ракетасидан чиққан бўлса керак. Йўқ, энди беҳудага отавермайман. Тамом умидсизликка тушиб турган пайтимда бирдан Кэц Юлдузини кўриб қолдим, лекин у мен тахмин қилган жойда эмас эди. Севинганимдан ўзимни йўқотиб қўйиб, шахт билан яна отдим-у, ҳалигидан баттар умбалоқ ошиб кетдим. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Бунақа машқларни цирк ўйинчиларига чиқазган экан... Шу пайт оёғимга, кейин билагимга бир нарса урилди. Наҳот астероид бўлса?.. Агар кийимим йиртилгудек бўлса, шу заҳотиёқ бир парча музга айланиб қоламан, бўғилиб ўламан. Этим жимирлаб кетди. Балки костюмим тешилиб, баданимга фазовий совуқ кираётгандир? Нафасим бўғилаётгандай туюлди. Ўнг қўлимни нимадир қисди. Скафандримга бир нарса урилди-ю, шу он Крамернинг бўғиқ товушини эшитдим:

— Хайрият-э, ниҳоят ушлаб олдим сизни... Ўтакамни ёриб юбордингиз-ку. Мен сизни бундан кўра эпчилроқ, деб ўйлаган эдим. Илтимос, бошқа ота кўрманг. У ёқдан-бу ёққа учавериб қийнавордингиз. Кўздан йўқотишимга сал қолди. Унда тамом бўлардингиз.

Крамер мени чирмаб ташлаган оқ плашни олиб ташлади. Қуёш нури баданимга дарров ҳарорат бахш этди. Гарчи кислород

аппарати жойида бўлса ҳам, ҳаяжондан зўрға нафас олардим. Крамер ракетадан биринчи бор тушганимиздаги каби мени қўлтиқлаб олиб, ҳар томондан ота бошлади. Биз олға учиб кетдик. Дарвоқе ҳеч қандай ҳаракат сезилмасди, фақат ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб қолганини пайқадим. Кэц Юлдузи ҳам худди пастга қулаб тушаётганга, обсерватория юлдузчаси эса шиддат билан биз томонга учиб келаётганга ўхшарди. У дақиқа сайин катталашиб ва равшанлашиб борарди.

Кўп ўтмай обсерваториянинг ташқи қиёфаси кўзга ташланди. Бу ғалати иншоот эди: тўрт қирра, қирраларнинг ҳар бири уч бурчак шиклида. Уч бурчакли бу пирамидалар устига думалоқ ойнали каттакон металл шарлар ўрнатилган. Шарлар ўзаро қувурлар билан уланган. Кейин билишимча, бу қувурлар бир шардан иккинчисига ўтиш учун йўлак вазифасини ўтар экан. Ҳар бир шардан телескоп-рефлекторлар чиқиб турибди. Улкан ботиқ ойналар шарларга енгил алюмин дасталар билан уланган. Ердаги телескопларда бўладиган одатдаги труба «ҳаво» телескопида йўқ. Бу ерда у керак эмас: атмосфера йўқ, бинобарин, ёруғликнинг сочилиши юз бермайди. Катта телескоплардан ташқари шарлар устига нисбатан кичикроқ астрономик асбоблар: спектографлар, астрографлар, гелиографлар ўрнатилган.

Мана, Крамер учишни секинлатиб, йўналишни ўзгартирди, биз шарлардан бирига яқинлашиб, уларни боғлаб турган қувурга тегар-тегмай тўхтадик. Обсерваторияни сал бўлса ҳам туртиш мумкин эмас экан, шунинг учун ҳам Крамер бу қадар эҳтиёткорлик қилган экан. Буни у менга кейинчалик тушунтириб берди. Обсерваторияни туртиб юборган одамнинг ҳолига вой. Тюрин ундай меҳмонга, энг яхши юлдузли осмон суратини расво қилдингиз, ўлишимга ҳам бир баҳя қолди, деб ўшқириб берар экан.

Крамер девордаги тугмачани аста босди. Эшик очилгач, атмосфера камерасига кирдик. Камера ҳавога тўлгандан кейин костюмларимизни ечдик.

— Бу чол телескоп билан бирикиб кетган.— деди ҳамроҳим.— Овқат вақтида ҳам ундан ажралмайди. Атрофига баллон ва банкаларни қўйиб олиб, найчадан овқат сўрганча осмонга тикилиб ўтираверади. Ҳали ўзингиз ҳам кўрасиз. Сизлар гаплашгунингларча мен янги оранжереяга бориб келаман. Ишнинг кетишини бир кўрай-чи.

У яна скафандрини кийди. Мен эсам обсеваторияга олиб кирувчи эшикни очиб, электр нури билан ёритилган йўлакка кириб қолдим. Лампочкалар оёғим остида ёниб турарди, маълум бўлишича, обсерваторияга оёғим осмонда бўлиб кирган эканман. Лампаларни босиб олмаслик учун шоша-пиша девордаги қайишга ёпишдим. Буклама қанотлар ёдимда бўлса ҳам, даҳшатли мўйсафиднинг бу масканида уларни ишлатишга журъат этмадим. Крамер билан директорнинг ҳикояларидан уни ана шундай тасаввур қилардим.

Ғоят жимжитлик эди. Обсерваторияда тирик жон бор, деб

ўйламасди одам. Фақат вентиляторлар майин гувиллар, қаердадир, афтидан кислород аппаратлари бўлса керак, узлуксиз шиғилларди. Мен қаёққа юришни билмасдим.

— Ҳей, менга қаранглар,— дедим мен ва бир йўталиб қўйдим.

Ҳеч ким жавоб бермади...

Мен қаттиқроқ йўталиб, орқасидан қичирдим:

— Ҳой, ким бор?!

Узоқдаги эшикдан негр йигитнинг пахмоқ боши кўринди.

— Ким? Нима?— сўради у.

— Фёдор Григорьевич Тюрин уйдамилар? Қабул қиладиларми?

Негр йигит оппоқ тишларини ярқиратиб жилмайди.

— Қабул қиладилар. Мен ухлаб қолибман. Бизнинг Флоридага тун чўкканда мен доим ухлайман. Яхши уйғотдингиз,— деди сергап негр.

— Флоридадан қандай қилиб осмонга чиқиб қолдингиз?— сўрадим мен.

— Пароходда, поездда, аэропланда, дирижблда ва ниҳоят, ракетада.

— Тўғри, лекин... нима учун?

— Чунки, мен синчков одамман. Бу ер Флоридамиз каби иссиқ. Мен профессорга ёрдам бераман...— «профессор» сўзини у алоҳида ҳурмат билан айтди,— у худди чақалоққа ўхшайди. Агар мен бўлмаганимда у аллақачон ўз телескопининг ёнида ўлиб кетарди. Микки деган маймуним ҳам бор. У билан зерикмайман. Китоблар бор. Энг муҳими, каттакон ажойиб китоб — осмон бор. Профессор менга юлдузлар ҳақида ҳикоя қилиб беради.

«Бу чол унчалик қўрқинчлига ўхшамайди-ку»— ўйладим мен.

— Йўлакдан тўппа-тўғри шарга қараб учинг. Шарда арқон бор. У сизни профессор Тюриннинг олдига олиб боради.

Маймуннинг чинқириғи эшитилди.

— Нима дейсан? Ким келганини, ким билан гаплашаётганимни кўролмаяпсанми? Ҳа-ҳа! У хонанинг ўртасида, ҳавода типирчилаб ҳеч ерга тушолмаяпти. Албатта унинг қанотлари чиқади,— деди ишонч билан негр.— Бу ерда қанотсиз яшаш қийин.

Мен сферик деворгача учиб бордим, йўлак шу ерда тугарди. Эшикни очиб, шар ичига кирдим. Шарнинг деворларига машиналар, аппаратлар, яшик ва баллонлар ўрнатилган эди. Эшикдан қиясига йўғон арқон тортилган эди. Арқоннинг иккинчи учи шарни қоқ иккига бўлиб турган девор ёриғига кириб кетганди. Мен арқондан тутганча олдинга қараб юрдим — пастгами, юқоригами, аниқ айтолмайман. Бунақа ер тушунчаларини хаёлидан чиқазиб юборишга тўғри келади.

Ниҳоят, ёриққа етиб келиб, одам қорасини кўрдим. У ҳавода муаллақ ётарди. Ундан ҳар томонга қараб ипак чилвирлар тортилган, чилвир учлари хона деворларига боғланган эди.

«Худди уясида ётган ўргимчакка ўхшайди» — деб ўйладим мен.

— Жон, сенмисан? — сўради ҳалиги одам кутилмаган ингичка овоз билан.

— Салом, ўртоқ Тюрин. Мен Артемьевман. Ҳалиги...

— Ҳа-ҳа, биламан. Директор айтди. Ойгами? Ҳа. Учамиз. Жуда соз.

У телескоп дурбинидан кўз узмай ва қимир этмай гапирарди.

— Ўтиришга таклиф қилмайман: ўтирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Бунинг ҳожати ҳам йўқ.

Мен унинг чеҳрасини тузукроқ кўриш учун эҳтиётлик билан «Ўргимчак»ка яқинлашдим. Қуюқ сочлари оппоқ, соқоли қирилган юзи бир оз рангсиз. Тюрин мен томонга бошини андак бурган эди, унинг қоп-қора ўйноқи кўзларини кўрдим. Қовоқлари қизарган. Афтидан, кўзларини чарчатиб қўйганга ўхшайди.

Мени йўтал тутди.

— Менга қараб йўталманг, безовта қиласиз! — деди у қатъий равишда.

«Бошланди,— деб кўнглимдан ўтказдим.— Йўталиб ҳам бўлмайди».

Лекин, яхшилаб разм солгач, нима учун йўталиш мумкин эмаслигини англадим.

Тюрин ҳавога китоблар, қоғоз, қалам, дафтар, дастрўмол, трубка ва портсигарини ёйиб қўйган эди. Ҳаво сал тебранса — ҳаммаси учиб кетади. У ҳолда Жонни ёрдамга чақиришга тўғри келади — профессор ўз тўридан осонликча чиқолмаса керак. У, назаримда, ўз танасини ана шу ипак тўр билан телескоп объективи олдида ҳаракатсиз тутиб туради.

— Телескопингизнинг трубаси жуда катта экан,— дедим мен суҳбатни бошлаб юбориш мақсадида.

Тюрин мамнуният билан кулди.

— Ҳа, ер астрономлари бундай телескопни орзу ҳам қилишолмайди. Лекин ҳеч қандай труба йўқ. Учиб келган вақтингизда пайқамадингизми?.. Узр, эсимда борида бир неча сўзни ёздириб қўйишим керак.

Шундай деб, у астрономик ва математик терминлар билан тўла жумлаларни гапира кетди. Кейин ён томонга қўлини оҳиста кўтариб, чилвир билан боғлаб қўйилган қора яшикдаги дастани буради. Агар унинг ҳаракатини экранда кўрсатилса, томошабинлар, механик аппарат дастасини жуда секин айлантиряпти, деб ишонишлари турган гап эди.

— Лентага автоматик усулда ёзиш — уй секретарининг ўрнини босади,— тушунтирди Тюрин.— Қутига яшириб қўйилган, бехато ишлайди, овқат сўрамайди. Ўзинг ёзгандан кўра тезроқ ёзади. Кузатиб, айни вақтда айтиб туравераман. Машина ва математик ҳисоблаш аппарати ёзилганларни ишлаб чиқишда менга ёрдам беради. Ҳар эҳтимолга қарши ёнимда қоғоз ва қалам туради. Фақат мен томонга қараб нафас олманг... Ҳа, дарвоқе, телескоп ҳақида... Бундай телескопни Ерда қуриб бўлмай-

ди. У ерда оғирлик ҳажмини чегаралаб қўяди. Меники ойнали телескоп — рефлектор. Бунақа телескоп биттагина эмас. Ойналарнинг диаметри юзлаб метрни ташкил қилади. Рефлекторлар ғоят улкан. Ҳаммаси шу ерда, осмон материалларидан ясалган масалан, шиша-кристалл шаклидаги метеорлардан. Бу ерда мен метеор-болидларнинг чинакам корхонасини очганман. Э-ҳа, нималар деяпман ўзи... Айтгандай, Ерда чинакам астрономия билан шуғулланиб бўларканми? Улар менинг олдимда кўрсичқондай гап. Икки йил ичида улардан юз йилга илгарилаб кетдим. Кўрасиз, ҳадемай асарларим босилиб чиқади... Плутон планетасини олайлик. Ердагилар у ҳақда нима билишади? Бир кеча-кундузда Қуёш атрофини қанча айланиб чиқишини билишадими? Йўқ. Қуёш билан Плутон орасидаги ўртача масофаними? Эклиптиканинг оғишиними? Йўқ. Массани-чи? Зичликни-чи? Йўқ, йўқ, йўқ. Тағин планетани кашф қилдик дейишади.

У кексаларча хихилаб кулди.

— Оқ миттилар, қўшалоқ юлдузларни-чи? Галактика системасининг тузилишини-чи? Коинотнинг умумий тузилишини-чи? Э-э, қай бирини айтасиз. Ҳатто Қуёш системасига кирувчи планеталар атмосферасини ҳам тузук-қуруқ билишмайди! Ҳанузгача баҳслашади. Менинг бу ердаги кашфиётларим эса йигирмата Галилейга етади. Мен бу билан мақтанмайман, чунки гап одамда эмас, жойда. Менинг ўрнимда ҳар қандай астроном бўлганда ҳам шу ишларни қилган бўларди. Мен ҳам бир ўзим ишлаётганим йўқ. Ихтиёримда астрономларнинг бутун бир штати бор... Буюкликка келсак, осмон обсерваториясини кашф этган одам буюк. Ҳа, Кэц Юлдузини кашф этган одам. Биз ана ўшанинг олдида қарздормиз.

Ёриқ орасида бир нима лип этди. Аввал маймун, кейин Жоннинг жингалак сочли боши кўринди. Маймун негрнинг елкасига миниб, иккала панжаси билан унинг сочларидан маҳкам ушлаб олган эди.

— Ўртоқ профессор! Ҳалиям нонушта қилмадингизми?— деди Жон.

— Йўқол!— деб жавоб берди Тюрин.

Маймун ингичка овоз билан чийиллади.

— Мана. Микки ҳам айтяпти. Иссиқ кофе ичиб олинг,— қистади Жон.

— Йўқол кўзимдан! Анови бақироғингни ҳам йўқот.

Маймун ҳалигидан баттарроқ чинқирди.

— Нонушта қилмагунингизча олиб кетмайман уни!

— Хўп, хўп. Мана, бошладим.

Тюрин баллонни оҳиста олдига тортиб, найчанинг қопқоғини очди-да, кетма-кет сўра бошлади.

Маймун билан Жон ғойиб бўлишди, лекин ҳаял ўтмай яна уларнинг шарпаси кўринди. Жоннинг назарида профессорнинг қорни тўйгунга қадар бу ҳол такрорланаверди.

— Ҳар куни шу аҳвол!— деди Тюрин уҳ тортиб.— Безор қилишди. Лекин, ростини айтсам, шулар бўлмаса овқат эсимга

ҳам келмайди. Астрономия, азизим, шунақа ажойиб нарса!.. Сиз астрономияни фан деб, юлдузлар ҳақидаги фан деб ўйлайсизми? Йўқ. Очиғини айтганда, бу — дунёқараш. Фалсафа.

«Бошланди», деб ўйладим мен ҳадиксираб. Кейин бу хавфли мавзудан қутулиш учун, сўрадим:

— Айтинг-чи, Ойга саёҳат вақтида биолог зарурми?

Тюрин бошини аста буриб, менга синовчан ва ишончсиз назар ташлади.

— Нима, фалсафани эшитишни ҳам хоҳламайсизми?

Крамернинг насиҳатини эслаб, дарров жавоб бердим:

— Аксинча, фалсафани яхши кўраман, лекин ҳозир... вақт жуда оз қолди, йўлга тайёрланишим керак. Мен билмоқчи эдим.

Тюрин телескоп объективига тикилганча жим қолди. Наҳотки, жаҳли чиққан бўлса? Мен бу ноқулай вазиятдан қандай қилиб қутулишни билмасдим. Аммо кутилмаганда Тюриннинг ўзи гап бошлади:

— Ерда менинг ҳеч кимим йўқ. На хотин, на бола-чақам. Қисқаси, сўққабошман. Лекин менинг уйим, менинг ватаним — бутун Ер юзи ва бутун коинот. Менинг оилам — дунёдаги барча меҳнаткашлар, сизга ўхшаган ажойиб йигитлар.

Бу ногаҳоний такаллуфдан анча енгил тортдим.

— Сиз мени бу ерда, ўргимчак уясида Ердан, унинг манфаатларидан ажралиб қолган деб ўйлайсизми? Йўқ. Биз бу ерда катта иш қиляпмиз. Сиз ҳали Кэц Юлдузидаги ҳамма илмий тармоқлар билан танишишингиз керак бўлади.

— Баъзилари билан кутубхонада танишдим. «Қуёш устунлари»...

Тюрин бирдан қўлини равон кўтариб, «автоматик секретарь» аппаратини буради-да, бир нарсаларни гапира кетди, афтидан, ўзининг сўнгги кузатиш ёки фикрларини ёздирди. Кейин давом этди:

— Мен осмонга тикиламан. Хўш, ҳаммадан кўпроқ мени нима ҳайратга солади? Узлуксиз ҳаракат. Ҳаракат — бу ҳаёт. Ҳаракатнинг тўхташи — ўлим. Ҳаракат — бу бахт. Бир ерда депсиниш, тўхташ — кулфат, бахтсизлик. Ҳаракатдаги бахт — бу тананинг, фикрнинг ҳаракат қилиши. Шу асосда ҳатто ахлоқ вужудга келиши мумкин. Сиз нима дейсиз?

Оғир аҳволда қолдим. Мен нима дейишни билмасдим.

— Менинг фикримча, сиз ҳақсиз,— дедим ниҳоят.— Фақат бу чуқур ғояни яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

— Ҳа-ҳа! Ҳарҳолда сиз буни чуқур ғоя деб ҳисоблайсизми?— деди профессор қувнаб ва биринчи марта мен томонга кескин бурилди. Ўргимчак уяси чайқалиб кетди. Хайриятки, бу ерда одам йиқилмайди.

— Мен бу ғояни албатта ўйлаб кўраман,— дедим бўлажак ҳамроҳимнинг муҳаббатини тамомила қозониб олиш мақсадида.— Ҳозир эса мени олиб кетиш учун ўртоқ Крамер келади, мен бир нарсани...

— Хўш, нимани билмоқчи эдингиз? Ойда биологнинг нима

кераги бор, демоқчимисиз? Ой бутунлай ўлик планета-ку. Ойда мутлақо атмосфера йўқ, бинобарин, у ерда органик ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Худди шундай деб ўйлашади. Лекин менинг фикрим бошқачароқ. Телескопим... Ҳа, мана, Ойга бир қаранг. Чилвирларни ушланг, фақат эҳтиёт бўлинг. Китобларга тегиб кетманг. Мана шундай. Бир кўз билан...

Мен объективга қараб, ҳангу манг бўлиб қолдим. Ой сатҳи жуда яқин эди, ундаги ҳар бир ёриқ ва бўлаклар аниқ кўриниб турарди. Ана шундай бўлаклардан бирининг чети ҳар хил тусда ял-ял ёнарди. Афтидан, бу кристалл шаклидаги тоғ жинслари тўпланган жой бўлса керак.

— Хўш, қалай?— деди профессор мамнуният билан.

— Назаримда, Кэц Юлдузидан туриб қараганда Ой Ерга нисбатан яқинроқ кўринади.

— Ҳа, агар телескопимдан Ерга қарасангиз, Ленинградингизни ҳам бемалол кўраверасиз... Кузатишларимга асосланиб, Ойда оз миқдорда бўлса ҳам газ бор, деган хулосага келдим. Демак, баъзи бир ўсимликлар ҳам бўлиши мумкин... Эртага сиз билан шуларни аниқлаш учун учамиз. Мен, ростини айтсам, саёҳатга кўпам қизиқмайман. Менга шу ердан ҳам кўринаверади. Лекин бу экспедицияга директоримиз мажбур қиляпти. Тартибга бўйсунишимиз керак... Хўш... Энди ҳаракат фалсафаси ҳақидаги гапимизга қайтамиз...

Нуқтанинг бўшлиқда тўғри чизиқ бўйлаб чексиз ҳаракати — беҳуда гап. Бундай ҳаракат бир ерда кўзғалмасдан туриш билан баробар. Чунки олдинда ҳам, орқада ҳам чексизлик — бунинг чегараси йўқ. Босиб ўтилган ҳар қанча йўл чексизликка нисбатан нулга тенг.

Хўш, бутун фазодаги ҳаракат-чи? Фазо абадий. Ундаги ҳаракат тўхтамайди. Наҳот фазо ҳаракати ҳам беҳуда гап бўлса?

То калаванинг учини топгунча ҳаракатнинг табиати ҳақида бир неча йил бош қотирдим.

Бу оддий нарса экан. Гап шундаки, хоҳ тўғри чизиқ бўйлаб бўлсин, хоҳ эгри чизиқ бўйлаб бўлсин бетўхтов чексиз ҳаракат табиатда умуман йўқ. Ҳар қандай ҳаракатда ҳам узилиш бор, ҳамма сир ана шунда. Менделеев миқдорнинг (ҳатто миқдорнинг!) чексиз эмаслигини ўз вақтида исботлаган эди, бу ўринда атомни кўзда тутамиз. Эволюцион таълимот генетик таълимот билан ўзгаради, тўғрироғи, чуқурлашади, организмнинг ривожида сакрашлар, мутациялар тобора кўпроқ роль ўйнайди. Магнит миқдорининг узлуксиз эмаслиги Вейс томонидан, нур сочишнинг ўқтинлиги Бланк томонидан, термик хусусиятларнинг чексиз эмаслиги Коновалов томонидан исботланган. Фазо абадий, лекин фазодаги ҳамма ҳаракат — узлуксиз эмас. Қуёш системалари пайдо бўлади, ривожланади, эскиради ва ўлади. Янги ранг-баранг системалар вужудга келади. Ҳаммасининг ибтидоси ва интиҳоси бор, демак, ўлчов миқёси ҳам бор. Органик дунёда ҳам худди шу ҳол юз беради. Тушуняпсизми? Менинг фикрларимга диққат қиляпсизми?..

Бахтимга шу пайт ёриқда яна маймун билан негрнинг боши кўринди.

— Ўртоқ Артемьев, сизни Крамер атмосфера камерасида кутяпти,— деди у.

Мен шоша-пиша профессор билан хайрлашиб, бу «ўргимчак уяси»дан чиқиб кетдим.

Очиғини айтганда, Тюрин мени ўз фалсафаси ҳақида ўйлашга мажбур қилди. «Ҳаракат — бу бахт». Лекин ҳаракат фалсафасининг ижодкорига четдан қараган одам қандай аянчли манзарани кўради! Зим-зиё осмон бўшлиғида у ёлғиз, ўргимчакдай тўрга ўралиб, кунлаб, ойлаб, йиллаб қимир этмай осилиб туради... Лекин у бахтиёр, бунга шубҳа йўқ. Тана ҳаракатидаги камчиликни фикр, мия ҳужайраларининг ҳаракати тўлдиради.

XII. ТЮРИН МАШҚ ҚИЛАДИ

Крамер мени скафандрини ечмасдан кутиб турган экан, афтидан, у шошаётган бўлса керак. Мен тез кийиндим. Ҳамроҳим атмосфера босимини охиригача пасайтириб, ташқи эшикни очди. У мени ўз олдида маҳкам ушлаганча обсерватория деворидан ёни билан сирғалиб аста ажралди-да, Кэц Юлдузига қараб йўл олди. Бир неча марта «ўқ узган» эди, биз жуда тез учиб кетдик. У мени энди қўйиб юбориши ҳам мумкин эди, лекин, афтидан, менинг «учувчилик санъатим»га ишонмади шекилли, маҳкам тирсагимдан ушлаб олганча орқамда борарди.

Яқинлашиб келаётган Кэц Юлдузига қараб, унинг ўз ўқи атрофида жуда тез айланаётганини пайқадим. Назаримда, оранжерея тузатиб бўлинган ва илгаригидан кўпроқ сунъий оғирлик кучи ҳосил бўлган кўринарди.

Айланиб турган парракка қўниш осон иш эмас. Лекин Крамер бунинг ҳам йўлини топди. У Юлдуз цилиндрининг устида унинг айланиши бўйлаб уча бошлади. Шундай қилиб, бизнинг тезлигимиз цилиндр тезлиги билан бараварлашгач, у ҳалқадан маҳкам ушлаб олди.

Ечинишга улгурмасимдан Меллер чақиртириб қолди.

Ракетада оғирлик қанчалик ортганини аниқ билмайман. Ҳарҳолда Ердаги оғирликнинг ўндан бир қисмидан кўп эмас. Лекин баданнинг менга таниш, ёқимли таранглигини ҳис қилдим. Ўз оёғинг билан «пол»да «юриш», яна ўзингни одатдаги қиёфада тасаввур этиш жуда кўнгилли бўларкан.

Мен Меллер ҳузурига дадил кириб бордим.

— Салом,— деди у.— Тюринга одам юбордим. У ҳозир келади. Хўш, қалай?

— Ажойиб одам,— жавоб бердим мен.— Лекин мен бошқачароқ...

— Йўқ,— деб гапимни бўлди Меллер.— Аҳволи қалай? Мен врач сифатида сўраяпман.

— Жуда рангпар. Юзи бир оз шишинқирган...

— Албатта-да. У тоқат қилиб бўлмайдиган даражада турмуш

кечиряпти. Ахир, обсерваторияда кичкина боғ, гимнастика зали, мускулларни машқ қилдириш учун махсус аппаратлар бор, лекин у соғлиғи ҳақида мутлақо ўйламайди. Ростини айтсам, Тюринни Ойга жўнатишга директорни ўзим кўндирганман, унинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириш учун бундан кейин ҳам қаттиқ тураман, акс ҳолда биз бу ажойиб инсондан айрилиб қоламиз.

Тюрин кириб келди. Яхши ёритилган амбулаторияда унинг чеҳраси яна ҳам сўник кўринди. Бунинг устига, оёқ пайлари ҳаракатдан тўхтаган, балки, қисман ишдан чиққанга ҳам ўхшарди. У оёқда зўрға турарди.

Тиззалари букилиб кетар, оёқлари қалтирар, у эса ноилож қўлларини силкирди. Агар уни ҳозир Ерга туширишса, ўзини худди тўлқин соҳилга чиқариб ташлаган китдай ҳис қилса ажаб эмас.

— Ўзингизни қандай аҳволга солиб қўйибсиз!— деди Меллер таъна билан.— Одам ҳам шунақа бўладими!

Ҳаракатчан, жиккак бу аёл кекса олимни худди ёш боладай койиб кетди. Кейин уни массажга жўнатиб, массаждан чиққач, медицина кўригига келишни буюрди.

Тюрин кетгач, Меллер менга мурожаат қилди:

— Сиз биологсиз, бинобарин, мени яхши тушунасиз. Тюрин — истисно. Биз ҳаммамиз ўзимизни яхши ҳис қияпмиз. Лекин «осмон ҳаёти»даги бу енгиллик мени ташвишга соляпти. Сиз ўз танангизни бутунлай ёки қисман сезмайсиз. Лекин бунинг оқибати қандай бўлади? Кэц — ёш юлдуз. Ҳатто бу ерда эскитдан яшаётган кишиларимизнинг ҳам вазнсизлик ҳолатига тушганига уч йилдан ортиқ бўлгани йўқ ҳали. Хўш, ўн йилдан кейин нима бўлади? Бундай мослашув организмнинг умумий ҳолатига қандай таъсир кўрсатади? Ниҳоят, янги туғилган чақалоқлар қандай ўсади? Болаларимизнинг болалари-чи? Авлодларимизнинг суяги тобора илвираган, кемирчакдор бўла бориш эҳтимоли йўқ эмас. Пай ва мушакларимиз бутунлай ишдан чиқади. Бизнинг осмондаги мустамлакамиз кишиларининг саломатлиги учун жавобгар шахс сифатида мени аввало мана шу нарса ташвишлантиради. Иккинчидан — космик нурлар. Гарчи масканимизни ўраб турган қобиқ бундай нурларни қисман ўтказмаса ҳам, биз бу ерда Ердагидан кўпроқ космик нурларни қабул қиламиз. Ҳозирча бунинг зарарли оқибатлари сезилмаяпти. Лекин шунга қарамай, кузатиш учун қўлимизда материал жуда ҳам оз. Масалан, бу ерда мутация[1] ҳодисаси пашшаларда кучли сезиляпти, бу деган сўз, уларнинг уруғи кўпаймайди. Нурлар Кэц Юлдузидаги одамларга ҳам шундай таъсир кўрсатса-чи? Болалар майиб ёки ўлик ҳолда туғила бошласа-чи?.. Лекин ҳаммаси ўзимизнинг қўлимизда. Барча зарарли оқибатларнинг олдини олишимиз мумкин. Сунъий равишда истаганча оғирлик кучини ярата оламиз, агар зарур бўлса, Ердагидан ҳам кўпроқ ярата оламиз. Космик нурлардан

---

[1] Мутация — ҳаёт шароитининг ўзгариши таъсири остида организмда янги биологик белги ёки хусусият пайдо бўлиши.

сақланишга ҳам қурбимиз етади. Лекин бунинг учун жуда кўп тажриба ўтказишимиз керак. Биологларни қандай ишлар кутаётганини тасаввур қиляпсизми?

— Ҳа, иш етиб ортади,— дедим мен Меллернинг гапларига маҳлиё бўлиб.— Бу иш фақат осмон мустамлакаси учунгина эмас, балки Ер учун ҳам зурур. Жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги билимимиз қанчалар кенгаяди! Мен бу ёққа келиб қолганимдан жуда хурсандман.

— Жуда соз. Бизга шундай ғайратли, ташаббускор ходимлар керак,— деди Меллер.

«Бу ёққа келиб қолганимдан хурсандман», деган гап менга Тоняни эслатди. Янги таассуротлар қуршовида қолиб, уни тамом унута ёзибман. Унинг аҳволи нима кечдийкин, қидиришлари қандай натижа бердийкин?

Меллер билан хайрлашиб, йўлакка учиб чиқдим. Йўлакда шўх кулги, қўшиқ, гап-сўзлар ва қанотларнинг гувиллаши эшитиларди, гарчи бир оз оғирлик ҳосил бўлган эса-да, ёшлар одат бўйича қанот қоқиб учишарди. Улар худди учар балиқлардай бир неча метрга сакрашарди. Баъзилари «пол»да юришни машқ қилишяпти. Қанчалаб ёш, қувноқ, офтобда қорайган чеҳралар! Қанча тўполону қанча томоша: мана бир тўда қизлар «кўча» қоидасини бўзиб, «копток» ўйнашяпти, тўп вазифасини улардан бири — паст бўйли, тиқмачоқдай бир қиз бажаряпти. У визиллаб қўлдан-қўлга ўтарди.

Сайр қилиб юрганларнинг ҳаммаси хушнуд ва бардам эди. Гўё уларга бу «тоши енгил» дунёдаги меҳнат мутлақо таъсир қилмаганди. Деворни ушлаганча ёнлаб Тоня яшайдиган хона эшигига етиб бордим. Тоня дераза олдида енгил алюмин креслода ўтирарди. Афтидан, ўтган вақт орасида омбордан янги жиҳозлар олиб келишганга ўхшайди.

Дерзадан қоп-қора осмонда улкан шуъла —«тунги» Ер гардиши кўриниб турарди. Шуъла нуридан Тонянинг юзи ва қўллари ял-ял ёнарди. У ўйчан бир қиёфада ўтирарди.

Уни ўзига келтирмоқчи бўлдим. Яқинлашиб, кулиб туриб сўрадим:

— Хўш, энди неча кило келасиз?

Шундай деб, унинг елкасидан ушлаб худди уч яшар қизчадай юқорига кўтардим. Назаримда, йўлакдаги қувноқ кайфият менга ҳам ўтган эди.

У индамай ўзини четга олди.

— Нега хафа кўринасиз?— дедим андак ўнғайсизланиб.

— Шундай, ўзим... онамни соғиндим.

— «Ернинг тортиш кучи» таъсир қипти-да?

— Эҳтимол,— деди у.

— Евгеньев нима бўлди?

— Телефон қилолганим йўқ. Аппарат доим банд. Директор билан суҳбатларингиз қандай бўлди?

— Эртага Ойга учаман.

Тоня менга ялт этиб қаради.

— Кўпгами?

— Билмайман. Учишнинг ўзига беш-олти кун кетади, дейишади. Ойда қанча бўлишимиз номаълум.

— Бу жуда қизиқ,— деди Тоня менга тикилганча.— Жон деб сизлар билан учган бўлардим, лекин мени вақтинча Ердан нур етмайдиган масофада жойлашган лабораторияга жўнатишяпти. У бўшлиқда абадий коинот совуқлиги ҳукм суради. Паст ҳароратда металларнинг электр ўтказувчанлигини ўрганадиган янги лабораторияни жиҳозлаш учун бораман...

Унинг кўзлари чақнаб кетди.

— Жуда ажойиб проблема! Ҳарорат пасайиши билан металларда электр токига қаршилик кўрсатиш кучи ҳам пасайишини сиз биласиз. Абсолют нолга яқин ҳароратда қаршилик ҳам деярли нолга баравар... Бу масала устида Капица иш олиб борган эди. Аммо Ерда паст ҳарорат ҳосил қилиш учун жуда катта куч-ғайрат талаб этиларди. Сайёралараро бўшлиқла эса... бу осон гап. Абсолют совуқ ҳароратли вакуумга жойлаштирилган металл ҳалқани кўз олдингизга келтиринг. Ҳалқага индуктив ток юборилади. Токни ниҳоясиз даражада кучайтириш мумкин. Агар ҳарорат кўтарилмаса бу ток ҳалқада абадий ҳаракат қилаверади. Ҳарорат кўтарилиши билан ҳалқа электрсизланади. Агар ҳалқага етарли даражада юқори кучланишли ток берсак, у ҳолда бу биз ўзига хос «тузлаб қўйилган» чақмоққа эга бўламиз, бу чақмоқ ҳарорат кўтарилиши билан ўз активлигини намойиш қилади.

— Портлатгич билан таъминланган Дьюар идишидаги «тузланган» чақмоқ,— дея унинг гапини илиб кетдим мен,— ерга ташланади. Ерга урилиши натижасида пистон портлайди, идишдаги ҳарорат кўтарилади ва чақмоқ ўзининг емирувчи кучини кўрсатади.

Тоня жилмайди.

— Фикрларингиз қонхўр одамникига ўхшайди! Мен бундай мақсадда қўллашни хаёлимга келтирганим ҳам йўқ.

— Нега қонхўр одамники бўларкан,— эътироз билдирдим мен.— Урушлар тугаган. Лекин қоялар денгизлардаги кўчма муз тоғларини портлатиш мумкин-ку...

— Ҳа-а, шундай денг... Тўғри. Лекин гап шундаки, қаршилик кучи бўлмагандан кейин кучланиш ҳам йўқолади — демак, қувват ҳам бўлмайди... Яхши ҳисоблаб чиқиш керак. Эсиз, Палейнинг ўрни билиняпти-да!— деб хитоб қилди у эҳтирос билан.

Албатта, бу олимнинг эҳтироси эди, лекин кейинги гапдан ранжиганимни яширолмадим.

* * *

Эртасига уча олмадик: Тюриннинг тоби қочиб қолди.

— Нима бўлди?— деб сўрадим Меллердан.

— Файласуфимиз лоҳас,— жавоб берди у,— «бахт»дан, ҳаракатдан касал бўлиб қолди. Очигини айтганди, ваҳима қиладиган

ҳеч гап йўқ. Оёғи, болдирлари оғрияпти. Бу ҳеч нарса эмас, лекин уни қандай қилиб Ойга жўнатиб бўлади? Ўзини ҳам, сизларни ҳам қийнаб қўяди. Ердаги оғирликнинг ўндан бири бўлган шароитда шу аҳволга тушди. Ойда эса — олтидан бир қисм огирлик бор. У ёкда оёғини ҳам кўтаролмайди. Мен унга бир неча кун машқ қилишни тайинладим. Осмонда бизнинг тутилган астероидлардан ташкил топган омборларимиз бор. Осмон жисмлари, сайёраларнинг парчалари шар шаклида тўпланган. Бу парчалар ногаҳоний турткидан сочилиб кетмаслиги учун гелиопайвандчиларимиз уларни ўзаро бириктириб қўйишган. Ана шундай «бомба»лардан бирига пўлат сим билан ичи бўш шарни улаб, ҳар икковини бир-бирининг атрофида айлантириб қўйдик. Марказдан қочирма куч ҳосил бўлди, ғовак шар ичидаги оғирлик Ойдаги оғирлик билан баравар. Тюрин ана шу шар ичида машқ қиляпти. Шардаги босим ва кислород миқдори фазовий костюм скафандридагидай. Боринг, азизим, Тюриндан хабар олинг. Фақат ёлғиз учманг. Энагангиз Крамерни ҳамроҳ қилиб олинг.

Крамерни гимнастика залидан топдим. У шундай ақлга сиғмайдиган ҳаракатлар қилардики, Ердаги цирк гимнастикачилари буни хаёлларига ҳам келтиришолмасди.

— Майли, бирга учаман,— деди у,— лекин мустақил учишни ҳам ўрганиш керак. Ахир сиз Ойга учасиз, саёҳат вақтида қандай ҳодисалар бўлишини ким билади дейсиз!

Крамер мени ўзига узун сим билан боғлаб олди, биз Тюрин қароргоҳига қараб учиб кетдик. Мен энди ўмбалоқ ошмас, анча дуруст «ўқ узар» эдим, лекин айланиб турган шарга қўнишга ҳали уқувим етмасди, бинобарин, Крамер дарров ёрдамга келди. Тўрт минутлардан сўнг биз металл шар ичида юрардик.

Шарга киришимиз билан қаттиқ қичқириқ ва чийиллаган товушни эшитдик. Мен катта электр лампочкаси порлаб турган шар ичини қизиқиб кўздан кечирдим. Тюрин «пол»га ўтирволиб, ҳадеб резина гиламни муштлар, негр Жон эса унинг ёнида каттакатта қадам ташлаб сакраб юрарди. Микки шодон чийиллаб, Жоннинг елкасидан «шифт»га сакраб, қайиш ҳалқада бир зум осилиб тургач, яна Жоннинг елкаси ёки бошига ўзини отарди. «Ой оғирлиги», афтидан, Жон билан маймунга жуда маъқул тушган кўринади, лекин Тюринга нисбатан бундай деб бўлмасди.

— Туринг, профессор!— деб қичқирарди Жон.— Доктор Меллер сизга ўн беш минутдан юришни буюрган, ҳали беш минут ҳам ўтгани йўқ.

— Турмайман!— чинқирарди жаҳл билан Тюрин.— Нима, мен сенларга тизгиндаги отманми! Золимлар! Бусиз ҳам оёғим узилиб тушай деяпти!

Шу пайт Крамер икковимиз худди «осмондан тушгандай» унинг олдида пайдо бўлдик. Жон бизни кўриб, суюниб кетди.

— Қаранг, ўртоқ Артемьев,— дея бидирлай кетди у,— профессор менга қулоқ солмаяпти, яна ўзининг ўргимчак уясига кириб олмоқчи...

Бирдан маймун чийиллаб юборди.

— Анави патефонингнинг унини ўчирсанг-чи!— ингичка овоз билан ҳалигидан ҳам қаттиқроқ чинқирди Тюрин.— Салом, ўртоқлар!— деди у бизга мурожаат қилиб ва эмаклаб ўрнидан базўр турди.

«Бу билан қандай қилиб Ойга учиб бўлади?»— деб ўйладим мен ва Крамер билан кўз уриштириб олдим. У индамай бош чайқади.

— Ахир, профессор, ўзингиз менга неча марта айтгансиз: ҳаракат қанча кўп бўлса, одам шунча бахтли бўлади...— бўш келмасди Жон.

Жоннинг бундай «фалсафий асоси» сира кутилмаган эди. Биз Крамер билан беихтиёр жилмайдик, Тюрин эса ғазабдан қипқизариб кетди.

— Тушуниш керак! Тушуниш керак!— деб қичқирди у овозининг борича.— Ҳаракатнинг тури кўп. Бу қўпол жисмоний ҳаракат бош миям ҳужайраларининг олий ҳаракатига, фикрларим ҳаракатига халақит беряпти. Бундан ташқари, ҳар қандай ҳаракат узлуксиз эмас, сен бўлсанг тўхтовсиз юриб туришимни истайсан... Мана, гўштимни қийма қилиб енглар, қонимни сўринглар!

Шундай деб, жабрдийда қиёфада инқиллаб, оҳ-воҳ қилиб нари-бери юра бошлади.

Жон мени бир четга тортиб, қулоғимга шивирлади:

— Ўртоқ Артемьев! Профессордан жуда ташвишдаман. У жуда нимжон. Унинг Ойга менсиз учиши хатарли. Ахир у ейишни ҳам, ичишни ҳам унутади. Ойда унга ким ғамхўрлик қилади?

Жоннинг кўзларига ёш келди. У ўз профессорини жуда севарди. Мен қўлимдан келганча Жонни юпатдим. Саёҳат вақтида профессорга кўз-қулоқ бўлиб туришга ваъда бердим.

— Сиз унинг учун жавоб берасиз!— деди негр тантанали бир тарзда.

— Албатта, албатта!— дедим мен.

Юлдузга қайтганимиздан сўнг ҳамма гапни Меллерга гапириб бердим. У норози қиёфада бош чайқади.

— Тюрин билан ўзим шуғулланмасам бўлмайди.

Ростдан ҳам бу кичкина серғайрат аёл дарҳол шарга учиб кетди.

Мен ҳам вақтни бекор ўтказмадим: сайёралараро бўшлиқда учишни ўргандим, устозим Крамернинг айтишича, бу ишда катта ютуқларга эришдим.

— Ойга саёҳат вақтида осмон қаърида йўқолиб кетмаслигингизга энди ишонаман,— деди у.

Бир неча кундан кейин Меллер шардан қайтиб келгач, деди:

— Профессорни Ерга туширишга ҳали журъат этмасдим, лекин Ойга у тўла «яроқли».

XIII. ОЙ ОРБИТАСИ САРИ

Ойга саёҳатимиз арафасида Тоняни самовий совуқлик лабораториясига кузатиб қўйдим. Хайрлашув қисқа, лекин илиқ бўлди. У қўлимни қаттиқ қисиб:

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг...— деди.

Бу оддий сўзлар менга бахт нашъасини берди.

Эртаси тонгда Тюрин ракетага дадил кириб борди. Ғам-қайгудан тамом эзилган Жон уни кузатиб қўйди. У йиғлагудай аҳволда эди.

— Профессор учун жавоб берасиз!— деб қичқирди у менга ракета эшиги ёпилишидан олдин.

Ойга тиккасига эмас, балки Ер атрофида айланиб, бурама тарзда учарканмиз. Саёҳатимиз қанчага чўзилиши ҳам номаълум. Ракетамизга йигирма киши сиғиши мумкин. Биз эса атиги олти кишимиз: илмий экспедициянинг уч аъзоси капитан, штурман ва механик. Ракетадаги қолган бўш жойлар озиқ-овқат, портловчи модда ва суюқ кислород билан банд. Ракетанинг сиртига Ой устида саёҳат қилиш учун мўлжалланган ғилдиракли вагон бириктирилган. Ҳаво қаршилиги бўлмаганидан «Ой автомобили» ракетанинг тезлигини пасайтирмайди.

Кўп ўтмай ракетамиз Кэц Юлдузининг меҳмондўст ракетодромини тарк этди. Шу заҳотиёқ Тюриннинг аҳволи оғирлашди. Гап шундаки, портлаш кучайиб, тезлик ошиши билан тананинг вазни ўзгара бошлади. Тюриннинг аҳволи тушунарли: оғирликка ўрганиш мумкин, вазнсизликка ўрганиш мумкин, лекин тананг гоҳ пардай енгиллашиб, гоҳ қўрғошиндай зил-замбил бўлиб қолишига кўникиш жуда оғир.

Яхшиям, озиқ-овқат ва ёнилғини етарлича оливолганимиз, шошмаслигимиз мумкин, бинобарин, портлашлар ҳам бир меъёрда. Уларнинг товуши фақат ракета деворларига урилади. Бу товушга ҳам худди мотор шовқини ёки соатнинг чиқиллашига кўниккандай кўникиш мумкин, аммо оғирликнинг кучайишига... асло сўраманг!

Тюрин ҳансирар, оҳ тортарди. Гоҳ юзига қон қуйилиб, чеҳраси алвон тусга кирар, гоҳ юзидан қон қочиб, ранги докадек оқариб кетарди.

Фақат геологимиз — хушчақчақ, пахмоқ мўйловли барваста Соколовскийгина ҳамон қувноқ эди.

Тана вазнсизлиги қайтган пайтларда астроном ёлгизликда орттирган одати бўйича овоз чиқариб гапира бошларди. Лекин сўзлари пойма-пой бўларди: гоҳ Ердаги астрономларга номаълум бўлган ажойиб маълумотларни айтар, гоҳ «фалсафа»га тушиб кетарди.

— Кино нима учун қизиқарли? Чунки унда биз ҳаракатни кўрамиз...

Кейин у инграр, ғужанак бўлар, сўнгра яна тилга кирарди.

Мен ташқарига қараб борардим. Ердан узоқлашганимиз сари у тобора кичраярди. «Кун» тобора узайиб, тун қисқара бошлади.

Аслини олганда, бу тун эмас, балки кун тутилишидай гап эди.

Ой эса қизиқ манзара кашф этиб борарди.

Ракетамиз орбитанинг Ойга қарама-қарши нуқтасига етган пайтда Ой кичкина, Ердан кўринганига нисбатан анча кичкина туюларди, биз орбита бўйлаб Ойга яқинлашсак у ғоят улкан шакл касб этар эди.

Ниҳоят, Ойнинг энг катта меъёри Ерники билан баравварлашган дақиқа етиб келди. Ой орбитасига бир неча марта саёҳат қилган капитанимиз сўз қотди:

— Табриклайман. Ойгача бўлган масофанинг бешдан тўрт қисмини босиб ўтдик. Қирқ саккиз ер радиуси орқада қолди. Қуёш системаси доирасидаги сайёраларарo саёҳат вақтида ер радиуси — 6378,4 километр ўлчов бирлиги бўлиб хизмат қилади. Бу сайёраларарo навигаторларнинг ўзига хос миляси,— деб тушунтирди у.

Энди Ой ҳажми кеча-кундуз ичида— ракетанинг Ер атрофида айланиш вақти орасида ўзгарарди. Сутканинг ярмида Ой катталашар, қолган ярмида эса кичрайиб борарди. Лекин бу суткалар энди Ердагидан анча узун эди.

Булутсиз, ёруғ кун тобора узаярди.

Капитаннинг айтишича, Ойнинг тортиш кучи соат сайин зўрайиб, ракетанинг йўлини ўзгарта борарди. Ер йўлдошининг ўз бағрига чорлаши таъсирида ракета ҳаракати гоҳ тезлашар, гоҳ секинлашарди. Ой бизни қучоғидан чиқаришни истамасди. Агар портлагич асбобларимиздаги қаршилик кучи бўлмаганда биз Ойга мангу асир бўлиб қолардик. Қуёш системасига кирувчи улкан сайёраларнинг тортиш кучи нақадар хатарли экани ўзўзидан маълум...

Учишнинг дастлабки соатларида капитан ракетани белгиланган йўлдан автоматик учишга ўтказиб, бошқаришни ташлаб қўярди. Бу хавфли эмас эди. Лекин вақт ўтган сайин, гарчи ҳамма нарса механизациялашган бўлса ҳам, у бошқариш пультидан камроқ қўзғаладиган бўлди.

Биз Ер атрофида Ой билан тахминан бир орбита бўйлаб учардик, бинобарин, Ер атрофини Ой билан бир вақтда — ўттиз ер суткаси ичида айланиб чиқардик. Тун-қуёш тутилиши, худди Ерда ой тутилиши каби, жуда камайиб кетди. Ракета Ой ортидан қувишни тўхтатиб, ниҳоят, у билан тенглашиб олди. Энди биз Ердан Ой билан бир хил масофада узоқлашган эдик. Ракета билан Ой орасидаги масофа ўзгармас бўлиб қолди.

Назаримда, Ой ҳам, Ер ҳам, ракета ҳам бир жойда қимирламай турибди-ю, фақат юлдузли гумбаз тинимсиз сурилаётгандай эди.

— Тез орада бу ерда осмон мустамлакаларини қурамиз,— деди Соколовский жимликни бузиб.

— Йўқ, азизим, тез орада эмас,— деб эътироз билдирди Тюрин.— Аввал материал топиш керак. Ҳамма нарсани ердан олиб чиқиб бўлмайди-ку. Аксинча, биз Ерга ҳали баъзи бир «осмон»

совғаларидан жўнатишимиз керак. Метеоритлар коллекциясини жўнатдик. Яхши коллекция. Ҳаммаси ғуж-ғуж леонидлардан иборат.

Шундай деб, Тюрин мамнуният билан кулди.

— Тўғри,— деди Соколовский.— Иншоотлар қуришимиз учун кўп темир, никель, пўлат, кварц керак.

— Шунча қазилма бойликни қаёқдан оласизлар?— сўрадим мен. «Қазилма бойлик» деганимга Соколовский хахолаб кулиб юборди.

— Қазилма бойлик эмас, учирма бойлик,— деди у.— Метеоритнинг нимаси «қазилма». Уларнинг орқасидан бекорга қувганим йўқ.

— Метеорит тутишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси менман. Бу менинг ғоям!— тузатиш киритди Тюрин.

— Мен буни даъво қилаётганим йўқ, профессор,— деди Соколовский.— Ғоя — сизники, лекин амалга оширган — мен. Ҳозир ҳам Евгеньевни янги разведкага жўнатганман.

«Евгеньев» деган фамилия мени осмонга олиб чиққан бутун йўлни эслашга мажбур қилди. Бу ердаги одатдан ташқари таассуротлар бутун шахсий ишларни шу қадар тез орқага суриб ташлаганини қаранг-а!

— Биласизми, ўртоқ Артемьев, биз Кэц Юлдузининг ёнгинасидан майда метеоритларнинг бутун бир галасини топдик,— деб мурожаат қилди менга Соколовский.— Тепароқда улардан кўра анча йирикроқларига ҳам дуч келдик. Уларни тадқиқ қилиш натижасида таркибларида темир, никель, кремнезём[1], глинозём[2], кальций оксиди, дала шпати, хромли темир, таркибида темир бўлган оксидлар, графит ва шу каби оддий ҳамда мураккаб моддалар борлиги аниқланди. Қисқаси, қурилиш учун зарур бўлган ҳамма нарса, ўсимлик учун кислород ва сув бор. Қуёш энергиясидан фойдаланиб, бу материалларни қайта ишлашимиз ва ўзимиз учун керакли ҳамма нарсани, ҳатто қаламгача тайёрлашимиз мумкин. Тўғри, кислород билан сув бу ерда тайёр ҳолда эмас, балки «бириккан» ҳолда учрайди, лекин бу кимёгарларимизни чўчитолмайди.

— Сизнинг маълумотларингизга асосланиб, бу ҳалок бўлган осмон жисмлари қолдиқларининг ҳаракатини ўрганиб чиқдим,— дея гапга аралашди Тюрин.— Хулосалар жуда қизиқ. Метеоритларнинг бир қисми олисдан учиб келган, кўпчилик қисми эса Кэц Юлдузи билан бир хил орбитада Ер атрофини айланиб юради...

— Бу нарсага сизнинг диққатингизни мен тортганман, профессор,— деди Соколовский.

— Албатта. Лекин хулосалар меники.

— Майли, баҳслашмаймиз,— деди Соколовский муросага келиб.

— Баҳслашаётганим йўқ. Фақат мен аниқликни яхши кўра-

---

[1] Кремнезём — қумтупроқ (кремнийнинг кислород билан бирикмаси)..
[2] Глинозём — алюминий оксиди.

ман. Шунинг учун ҳам олимман,— эътироз билдирди Тюрин, ҳатто ўрнидан сапчиб туриб кетди, лекин шу заҳотиёқ қайта ўтириб, войвойлаб қолди.

— Меллер ҳақ,— деди у.— Вазнсизлик оламида қимирламай ётавериб жуда нимжон бўлиб кетибман. Ҳаёт тарзини ўзгартиришим керак.

— Ой сизни ҳаракатга солиб қўяди,— деб кулди геолог.

— Рост. Дарвоқе, мен ўз фаразимни айтмоқчи эдим,— гапида давом этди Тюрин.— Ер атрофида айланаётган метеоритлар шу қадар кўпки, улар парчаланиб кетган кичкина ер йўлдоши — иккинчи Ойнинг қолдиқлари бўлса керак. Бу жуда митти бўлган. Мазкур метеоритларнинг миқдори ва ҳажмини аниқ ҳисоблаб чиққанимиздан сўнг, худди палеонтологлар ҳалок бўлган ҳайвонларнинг суякларини тиклаганидек, бу йўлдошнинг илгариги яхлитлигини тиклашимиз, аниқлашимиз мумкин. Кичкина иккинчи Ой! Лекин у бизнинг Ойдан кам нур сочмаган, чунки Ерга яқинроқ бўлган.

— Кечирасиз, профессор,— танасининг ранги ва қотмалигидан ҳиндиларга ўхшаб кетадиган ёш механик кутилмаганда гапга аралашди.— Менимча, бунақа яқин масофада Ер кичкина Ойни ўзига тортиб олган бўларди.

— Нима? Нима?— деб бақириб юборди Тюрин.— Нега ушоқдай келадиган Кэц Юлдузи Ерга қулаб кетмаяпти? А? Ҳамма гап ҳаракатнинг тезлигида... Аммо кичкина Ой ҳарҳолда ҳалок бўлибди-ку,— деди у энди сал ҳовридан тушиб.— Курашувчи кучлар — инерция билан ернинг тортиш кучи — уни парчалаб ташлаган... Афсуски, бизнинг Ойни ҳам шу қисмат кутяпти! У парчаланиб кетади. Ер худди Сатурнникига ўхшаган ажойиб узукка эга бўлади. Менинг фикримча, бу ой узуги Ойнинг ўзидан хира бўлмайди. У ер тунини безаб туради. Лекин бари бир бу катта йўқотиш,— деб хўрсиниб гапини тугатди у.

— Ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш,— қўшиб қўйдим мен.

— Ҳм... Ҳм... Ким билади, балки тўлдириб бўлар. Менинг бир лойиҳам бор, лекин бу хусусда ҳозирча гапирмайман.

— Метеорларни қандай тутгансиз?— сўрадим Соколовскийдан.

— Бу жуда қизиқ ов,— жавоб берди геолог.— Мен уларни фақат Кэц Юлдузи орбитасидагина эмас...

— Марс ва Юпитер орбиталари орасидаги астероидлар минтақасида ҳам овлаган,— деб гапни бўлди Тюрин.— Ер астрономлари бундай астероидларнинг фақат мингдан ортиқроғини билишади. Менинг каталогимда эса уларнинг сони тўрт мингдан ошиб кетди. Бу астероидлар ҳам ҳалок бўлган иккинчи Ойдан кўра каттароқ сайёранинг қолдиқлари. Ҳисобларимга кўра, бу сайёра Меркурийдан катта бўлган. Марс билан Юпитер ўзаро тортишиб уни парчалаб ташлаган. Тақсимлаб олишолмаган-да! Сатурн узуги ҳам унинг ҳалок бўлган, парчаланган йўлдоши. Бизнинг қуёш системамизда қанча марҳумлар борлигини кўрдингизми?

Энди навбат қай бириники экан? Вой-бўй... бу турткилар тугайдими, йўқми!

Мен креслонинг чарм қопланган юмшоқ суянчиғидан ушлаб яна деразадан ташқарига қарадим. Ҳамон юлдуз чамани билан қопланган қоп-қора осмон. Шу алфозда йиллаб, юз йиллаб учсанг ҳам манзара ўзгармайди.

Бирдан бир маҳаллар эски паровоз уланган оддий поездда қилган саёҳатим эсимга тушиб кетди. Ез эди. Кечки пайт. Қуёш булутлар бағрини қон қилиб, ўрмон ортига яширинади. Вагоннинг очиқ деразасидан нам ҳаво, арғувон ва аконит ҳиди гупуллаб уриб турибди. Кўкдаги камон ой поездни изма-из қувиб келяпти. Гоҳ ўрмон, гоҳ кўл, гоҳо тепаликлар бир-бирига ўрин бўшатади. Тепаликлар устида дарахтларга кўмилган бинолар. Ундан сўнг дала бошланди, димоққа қорабугдой ҳиди урилди. Қанча таассуротлар, Тюриннинг тили билан айтганда, кўз, қулоқ, бурун учун қанча «ҳаракат». Бу ерда эса на шамол, на ёмғир, на иқлим ўзгариши, на тун, на ёз ва на қиш. Ҳамиша якранг мотамсаро осмон, кўкимтир қуёш, ракета ичида бир хил ҳарорат...

Йўқ, осмонда, Ойда, бошқа сайёраларда яшаш қанчалик қизиқарли бўлмасин, Ер ҳаётини ҳеч қачон «осмон турмуши»га алмаштирмайман...

— Шундай қилиб десангиз... астероид ови — энг қизиқарли ов,— кутилмаганда геолог Соколовскийнинг йўғон товуши эшитилди.

Унинг суҳбати менга ёқади. Гапирганда доим оддий, худди Васильевский оролидаги уйида ўтиргандай, хотиржам гапиради. Афтидан унга бу ғайриодатий шароит ҳеч қандай таъсир кўрсатмаётганга ўхшайди.

— Астероидлар минтақасига киргач, қулоқни динг қилиб туриш керак,— давом этди у.— Акс ҳолда катталиги Москвадаги Советлар Саройидек ёки ундан ҳам йирикроқ бирор парча ракетага келиб урилиши ҳеч гап эмас. Унда тамом деяверинг. Шунинг учун астероидлар йўналишига тобора яқинлашиб учиш керак бўлади... Ажойиб манзара! Астероидлар минтақасига учиб кирасиз. Осмоннинг кўриниши ўзгаради... Яхшилаб қаранг-а. Уни бутунлай зим-зиё дейиш қийин. Таги қоп-қора бўлса-да, ғижғиж юлдуз билан қопланган. Ана шу ёғду бағрида қора ҳошиялар кўзга ташланади. Бу учиб бораётган астероидларга қуёш нури тушмаган пайти. Баъзилари кўкда кумушдай оқ из қолдиради. Айримларидан эса сариқ-қизғиш из қолади. Осмон йўл-йўл ҳошиялар билан тўлиб кетади. Ракета астероидлар ҳаракати томон бурила борган сари тезлиги ошиб, деярли улар билан бараварлашади, шунда астероидлар ҳошияга ўхшамай қолади. Сиз энди ғаройиб оламга кириб қоласиз ва турли катталикдаги сон-саноқсиз «ой»лар орасида учиб борасиз. Уларнинг барчаси бир томонга қараб учади, лекин ҳали ракетадан олдинда бўлади.

Ана шундай «ой»лардан бирортаси ракета ёнидан учиб ўтаётганда унинг бутунлай думалоқ эмаслигини кўрасиз. Бу «ой»лар-

нинг шакли хилма-хил. Чунончи, бир астероид пирамидага ўхшаса, иккинчиси шарнусха, учинчиси дағал куб шаклида, кўпчилик қисми эса шунчаки шаклсиз қоятош парчаларига ўхшайди. Бир хиллари тўда-тўда бўлиб учса, иккинчи хиллари ўзаро тортишиш натижасида бир бош узумдай ғуж бўлиб қолган. Уларнинг сирти гоҳ хира, гоҳ тоғ биллуридай ярқироқ бўлади...

Ўнгда ҳам, сўлда ҳам, пастда ва юқорида ҳам ана шундай «ой»лар... Ракета учишини секинлатса, «ой»лар худди олдинга отилиб кетгандай туюлади, ракета тезлашса уларнинг учиши секинлагандай бўлади. Ниҳоят ракета уларни қувиб ўтади, «ой»лар ортда қолади.

Астероидлардан сеқин учиш хатарли. Орқадан қувиб етиб, ракетани мажақлаб ташлаши мумкин. Улар билан бир йўналишда ва бир хил тезликда учиш бутунлай хавфсиз. Лекин у ҳолда фақат атрофингни ўраб турган астероидларнигина кўрасан. Бунинг устига ҳамма нарса — ракета ҳам, ўнгдаги, сўлдаги, юқоридаги ва орқадаги «ой»лар ҳам бир жойда қимирламай турганга ўхшайди. Фақат юлдузлар чамани аста оқаверади, чунки астероидлар ҳам, ракета ҳам ҳарҳолда ҳаракатда бўлади, осмонда уларнинг ҳолати ўзгариб туради.

Капитанимиз астероидларга қараганда тезроқ учишни афзал кўрарди. Чунки орқадан ҳеч нарса келиб урилмайди. Бундан ташқари, «ой»лар галаси ичида ҳаракат қиласан, кузатишинг, танлашинг мумкин. Хуллас, осмондаги ойни ўғирламоқчи бўлган Гоголь қаҳрамони ролини бажарасан. Фақат сен «ўғирлайдиган» ой кичикроқ. Катта астероидни орбитасидан чиқариб, Кэц Юлдузига олиб келишга ҳали қудратимиз етмайди. Ҳамма ёнилғини сарфлаб қўйиш ва астероидга мангу асир бўлиб қолишдан қўрқамиз... Аввалига энг кичкина астероидларни танладик. Астероидга турткисиз яқинлашиш ва уни шатакка олиш учун жуда катта маҳорат ва эпчиллик талаб қилинади. Капитан ракетани астероид билан баравар учириб бориб, аста унга яқинлашди. Шундан кейин ён томондаги портлашлар тўхтатилди. Биз электромагнитни ишга солдик: кристалл шаклидаги астероидлардан қолган бошқа ҳаммаси асосан темирдан иборат-ку. Ниҳоят, орадаги масофа жуда қисқаргач, электромагнитни ўчириб, қолган ишни тортишиш кучига қўйиб бердик. Сал ўтмай билинар-билинмас туртки сезилди. Шундан сўнг йўлдошимиз билан қўшалоқ бўлиб учавердик. Тўғри, бошида бу осонликча бўлмади. Баъзан биз қаттиқ тўқнашиб қолардик. Бундай пайтда, астероид ўз орбитасидан чиқиб кетар, биз буни сезмай ҳам қолардик, ракета эса ундан енгил бўлгани учун жуда нарига учиб кетар ва ҳаммасини бошқатдан бошлашга тўғри келарди. Кейинчалик бу ишни жуда яхши эгаллаб олдик. Энди фақат астероидни ракетага бириктириш қолган эди. Уни занжир билан боғлаб олишга ва электромагнит билан тутиб туришга уриниб кўрдик, лекин натижа яхши бўлмади. Кейин метеорларни ракета сиртига пайванд қилишни ўрганиб олдик, қуёш энергияси бизда етарли, пайвандлаш аппаратларини эса доим ўзимиз билан олиб юрардик.

— Ахир, бунинг учун ракетадан чиқиш керак-ку? — дедим мен.

— Албатта. Чиқардик-да. Ҳатто астероидлар устида саёҳат ҳам қилганмиз. Бир ҳодиса эсимда,— давом этди Соколовский кулиб.— Биз беўхшов тарошланган тош бомбага ўхшаган каттакон ялпоқ астероидга яқинлашдик. Мен ракетадан учиб чиқиб, астероиднинг бир қиррасига ёпишиб олдим-да, коинот бўйлаб саёҳатга жўнадим. Хўш, кейин нима бўлди денг? Ялпоқ «қутб»ларда ўрнимдан ғоз туриб кетавердим, қабариқ «экватор»да эса оғирлик маркази ўзгаргани учун оёқни осмондан қилиб туришга тўғри келди. Шу алфозда учиб юравердим.

— Бу, афтидан, айланиб турган кичик планета бўлса керак, бундан ташқари, оғирлик маркази эмас, балки нисбий оғирлик ўзгарган,— деб тузатди Тюрин.— Айланиш қутблари устида оғирлик жуда катта бўлади ва у марказга томон тўғри йўналишда боради. Лекин қутбдан узоқлашган сари оғирлик камаяверади. Шундай қилиб, қутбдан экваторга қараб юрган киши худди тоғдан тушаётгандай бўлади, бунинг устига баландлик тобора оша боради. Қутб билан экватор орасида оғирликнинг йўналиши уфққа тўғри келиб қолган. Шунинг учун ҳам сиз ўзингизни жуда баланд тоғдан тушаётгандай ҳис қилгансиз. Кейин эса у қия шифт ҳолатига кирган ва планетадан учиб кетиш учун сиз дуч келган нарсага ёпишишга мажбур бўлгансиз... Ердан энг яхши кучли телескоплар орқали,— давом этди Тюрин,— диаметри олти километрдан кам бўлмаган планеталар кўринади. Астероидларнинг эса гарддай келадиганлари ҳам бор.

— Ҳар қанақасини ҳам кўрдик,— деди Соколовский.— Баъзиларида оғирлик шу қадар озки, астероиддан учиб кетиш учун салгина сакраш кифоя қилади. Мен айланаси ўн етти ярим километр келадиган ана шундай астероидлардан бирида бўлганман. Бир метр баландликка сакраб, пастга йигирма икки секунддан кейин тушдим. Ерда остонадан сакраш учун сарф қилинадиган ҳаракат билан икки юз ўн метр юқорига — Эйфель минорасидан салгина қолишадиган баландликка чиқиб кетиш мумкин. Тош отган эдим, у қайтиб тушмади.

— Тушади, лекин тез эмас,— деди Тюрин.

— Диаметри ойникидан атиги олти марта кичик бўлган нисбатан йирик астероидда ҳам бўлганман. У ерда бир қўлим билан шерикларимдан йигирма иккитасини кўтардим. Бу астероидда оддий ипдан арғимчоқ ясаб учиш, баландлиги олти ярим километрли минора қуриш мумкин. Тўппончадан ўқ узиб кўрдим. Нима бўлди денг. Агар ўзим акс таъсир оқибатида планетачадан учиб кетмаганимда, отган ўқим орқадан айланиб келиб мени ҳалок қилиши мумкин эди. У ҳозир ҳам астероид атрофида айланиб ётган бўлса керак.

— Бундай планетада поездлар соатига бир минг икки юз саксон километр тезликда юрган бўларди,— деди Тюрин.— Дарвоқе, шундай планеталардан бир нечтасини Ерга яқинлаштириш мумкин. Нима учун қўшимча ёритишни вужудга келтириш мум-

кин эмас? Ундан кейин бу планеталарга аҳоли кўчирилади. Шиша оранжерея қурилади. Ўсимлик ўстирилади. Жониворлар боқилади. Бу жуда ажойиб маскан бўлади. Вақти билан Ойда шундай қилиш мумкин.

— Ойда гоҳ савуқ, гоҳ иссиқ бўлади-ку, дедим мен.

— Шиша қалпоқ остидаги сунъий атмосфера ва пардалар Қуёш ҳароратини бир меъёрда тутиб туради. Ой тунлари вақтида тупроқнинг совушига келсак, бу масалада менинг ўз фикрларим бор,— деб қўйди Тюрин маъноли қилиб.— Ахир биз фавқулодда кучли ҳаракат таъсирида Ер ядросининг қизиши назариясидан воз кечмадикми? Шунга қарамай Еримиз иссиқ...

— Қуёш ва атмосфера пўстини...— деб геолог гап бошлаган эди, Тюрин унинг сўзини бўлди:

— Ҳа, ҳа, лекин фақат бугина эмас. Ер қатламларида иссиқлик унинг бағридаги радиоактивликнинг бўлиниши натижасида кучая боради. Нега бу ҳодиса Ойда юз бермас экан? Ҳатто нега кучлироқ тарзда юз бермас экан? Радиоактив бўлиниш Ой бағрини иситиши мумкин. Бундан ташқари, Ой қатлами остида ҳали совумаган магма бор... Ой бизга туюлганидай совуқ эмас. Модомики, у ерда атмосфера қолдиқлари бор экан... Мана шунинг учун ҳам сиз, биолог, экспедицияга киритилгансиз,— деб менга мурожаат қилди у.

Соколовский ишонқирамай бош чайқади.

— Элементларнинг радиоактив бўлиниши натижасида тупроқнинг қизишини мен негадир астероидларда сезмадим.

— Астероидлар Ойдан кичкина,— деб жавоб берди астроном чийилдоқ товуш билан.

У бир оз жим қолди, кейин яна бирдан фалсафага тушиб кетди, гўё миясидаги икки фикр чизиғи баравар чувалиб борарди.

Ракетамиз деразасидан сўник юлдузлар мўралайди. Юлдузлар галаси уфқни кесиб, ён томонга, сўнг юқорига қараб сурилиб борарди, демак, ракета буриляпти.

— Биз анчагина астероид тутиб қўйдик,— деди менга паст овоз билан Соколовский, ўзича нималарнидир пичирлаб ўтирган Тюринга эътибор бермай.— Аввало ракетодромимиз остига «пойдевор» ётқиздик. Унинг массаси қанча катта бўлса, шунча мустаҳкам бўлади. Қўнаётган ракеталарнинг тасодифий турткилари уни ўрнидан қўзғатиб юбормайди. Кейинчалик астероидларни фабрика ва заводларимизга жўнатамиз, сиз ҳали булар билан танишасиз. Яқинда жуда ажойиб бир планетача тутиб олдик. Тўғри, бу кичкина парча, холос — ер ҳисоби бўйича, бир ярим тонна келади. Лекин тасаввур қилинг-а, нуқул олтиндан иборат... Ҳазилакам топилдиқ эмас! Осмонда олтин сочмалари...

Тюрин бу сўзларни эшитиб қолди шекилли, гап қўшди:

— Катта планеталарда элементлар юзадан марказга томон ўзларининг кўтарилиб борувчи солиштирма оғирликларига қараб жойлашган, юқорида силиций, алюминий —«сиал», пастроқда силиций, магний —«сима», ундан ҳам пастда никель, темир — «нифе», темир ва яна ҳам оғирроқ металлар — платина, олтин,

симоб, қўрғошин, Сизнинг олтин астероидингиз — ҳалок бўлган планета марказий ядросининг бир бўлаги. Кам учрайдиган ҳодиса. Осмондаги олтин сочмаларига кўп умид боғламанг.

Мени уйқу элита бошлади. Баданим ердаги кеча-кундузга, сергаклик ва уйқуга қаттиқ ўрганиб қолган экан.

— Ухлаяпсизми?— деди Тюрин.— Хайрли тун. Мен бўлсам жуда ғалати аҳволга тушиб қолдим. Обсерваторияда бир меъёрда ухлашни тамом унутаёзган эканман. Энди эса ора-сира ухлаб оладиган ҳайвонларга ўхшаб қолдим. Худди мушукдай.

У яна нималарнидир гапирди, лекин мен ҳеч нарсани эшитмасдим. Портлашлар тинган, осойишталик... Тушимга Ленинграддаги лабораториям кирипти...

Бир суткадан кейин осмонга қарадим-у, Ойни кўриб, ҳангу манг бўлиб қолдим. У бутун кўкни эгаллаб олган ва ўз салобати билан кишини қўрқувга соларди. Ойгача атиги икки минг километр масофа қолган эди. Тоғлар, водийлар, сувсиз «денгиз»лар кафтдагидай кўриниб турарди. Айрим тоғ тизмалари, аллақачон сўнган вулқон кратерлари яққол ажралиб турибди. Ҳатто оғзи очиқ ёриқларгача кўзга ташланяпти...

Астроном Ойдан кўз узмасди. У, ўз тили билан айтганда, Ой сиртидаги «ҳар бир тошни» аллақачонлардан бери биларди.

— Ана, қаранг, четдагиси. Бу Клавиус, пастда — Тихо, ундан пастроқда — Альфонс, Птолемей, ўнгда — Коперник, ундан кейин эса Апеннин, Кавказ, Альп...

— Помир, Ҳимолай, Кордильер етишмас экан,— дедим мен.

— Ойнинг нариги томонидаги тоғ чўққиларини шундай деб атаймиз,— деди кулиб геолог.— Уларга ҳали ҳеч ким ном қўймаган.

— Ана Ой-у, мана Ой!— деб хитоб қилди Тюрин. «Ердаги»дан юз марта катта. Оҳ!..— инграб юборди у.— Яна оғирлик.

— Капитан тормоз беряпти,— деди геолог.— Ой бизни ўзига тобора қаттиқроқ тортяпти. Ярим соатдан кейин манзилга етамиз.

Мен суюниб кетдим, айни вақтда юрагимни ваҳима босди. Ойга саёҳат қилган ва биринчи қўнишда ҳаяжонланмаган киши бўлса, майли, мени қўрқоқ деяверсин.

Ой шундоқ остимизда. Энди у осмоннинг ярмини эгаллаб олган. Тоғ чўққилари кўз олдимизда юксалиб боряпти.

Лекин қизиқ: Ой, худди Ерга ўхшаб, юқоридан шарнинг қабариқ сиртига ўхшаб эмас, балки тўнтарилган ола-була зонтикдай букик кўринади.

Тюрин ингради: портлашлар кучайиб борарди. Шунга қарамай у Ойдан кўз узмасди. Шу пайт Ой қаёққадир ён томонга сурилди. Гавдамнинг бир томони оғирлашиб кетганидан ракета яна йўналишини ўзгартирганини пайқадим. Оғирлик йўналиши шу қадар ўзгардики, Ой энди биздан анча баландга «чиқиб кетди». «Шифтда» юришни тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

— Сабр қилинг, профессор,— деди геолог Тюринга мурожаат қилиб.— Атиги икки-уч километр қолди. Ракета жуда секин учяпти: секундига юз метрдан ортиқ эмас. Ҳозир ракетадаги газ

босими Ойнинг тортиш кучига баравар, бинобарин, ракета инерция бўйича ҳаракат қиляпти.

Яна ҳамма нарса аввалги ҳолига қайтди. Оғирлик йўқолди.

— Биз қаерга қўнамиз?— деб сўради йигирма секундлардан сўнг ўзига келган Тюрин.

— Тихо Браге яқинига бўлса керак. Атиги беш юз метр қолди,— деди Соколовский.

— Вой-вой! Яна портлаш!— инграб юборди Тюрин.

Мана, ҳаммаси жойида. Ой энди пастда, бизнинг остимизда.

— Ҳозир қўнамиз...— деди Соколовский ҳаяжон билан.— Фақат қўниш вақтида «ой автомобили»га шикаст етмаса бўлгани.

Яна ўн секундча ўтгач, енгил турткини сездим. Портлашлар тўхтади. Ҳаммамиз аста ёнбошлаб қолдик.

XIV. ОЙ СИРТИДА

— Хуш келибсизлар!— деди Соколовский.— Ҳаммаси кўнгилдагидек.

— Қўниш вақтида ҳатто дераза қопқоқларини ҳам ёпмабмиз,— деди Тюрин.— Бу эҳтиётсизлик. Дераза ойналари қоятош қиррасига урилиши мумкин эди.

— Капитанимиз Ойга биринчи марта қўнаётгани йўқ-ку,— эътироз билдирди унга Соколовский.— Қани, қадрли дўстлар, фазовий костюмларни кийиб, ой автомобилимизга ўтинглар.

Биз тез кийиниб, ракетадан чиқдик.

Мен чуқур нафас олдим. Гарчи аппаратимдаги кислороддан нафас олаётган бўлсам ҳам, бу ерда газ бошқача «маза» касб этгандай туюлди. Бу, албатта, хаёлий гап. Иккинчи ҳис этган нарсам, ғоят енгиллик бўлди. Буниси аниқ гап эди. Илгари, ракетада учган вақтларимда ҳам, Кэц Юлдузида ҳам (тўла вазнсизлик шароитида) бундай енгилликни ҳис қилганман, лекин бу ерда, Ойда оғирлик худди «доимий миқдор»дай ҳис қилинади, фақат Ердагидан кичикроқ, холос. Ҳазил гапми, мен энди Ердаги вазнимдан олти марта енгил эдим!

Мен атрофга қарадим. Устимизда ҳамон ёрқин юлдузлар билан қопланган қоп-қора осмон. Қуёш ҳам, Ер ҳам кўринмайди. Тун зулматини ракетамизнинг ён ойнасидан тушаётган нуригина тилиб турибди. Буларнинг ҳаммаси Ернинг нур сочиб турувчи йўлдоши ҳақидаги одатдаги тасаввурга асло сиғмасди. Кейин пайқадим: ракетамиз Клавиусдан жануброққа, Ойнинг Ердан кўринмайдиган орқа томонига қўнган экан. Бу ерда эса ҳозир тун ҳоким эди.

Теварак-атроф тап-тақир саҳро. Электрлаштирилган костюмда бўлганим учун совуқни сезмасдим. Лекин бу тақир саҳро кўриниши юракни музлатарди.

Ракета-автомобилимизни туширишга ёрдамлашиш учун капитан билан механик ракетадан чиқишди. Геолог имлаб мени ҳам бу умумий ишда иштирок этишга чорлади. Мен авторакетага қара-

дим. У тухумсимон вагонга ўхшарди. Кичик бўлишига қарамай, анчагина оғир назаримда. Бунинг устига, на арқон, на чиғир кўринади, хуллас, уни тушириш учун ҳеч қандай мослама йўқ. Механик юқорида гайкаларни бўшатяпти. Капитан, Соколовский, Тюрин ва мен пастда ракетани илиб олишга тайёр турибмиз. Лекин у бизни пачақлаб юборади-ку... Дарвоқе, биз Ойдамиз-ку. Бунга дарров кўникиш қийин. Мана, «тухум»нинг қуйруқ томони бўшатилди. Ракета қуйруғи билан туша бошлади. Соколовский Дюз туйнугининг четидан ушлаб олди. Капитан ўртада турибди, мен — олд қисмида. Ҳозир ракета сирғалиб тушади... Қўлимни кўтариб тайёр бўлиб турибман-у, агар ракета оғирлик қилса ўзимни қаёққа отишни ўйлайман. Лекин шубҳаларим беҳуда бўлиб чиқди. Олти қўл ракетани енгилгина кўтариб, ғилдирак устига қўйди.

Капитан билан механик қўл силкиб хайрлашиб, катта ракетага чиқиб кетишди. Тюрин Соколовский билан мени автомобилга ўтиришга таклиф қилди.

Унинг ичи тор эди. Лекин костюмларимизни ечиб қўйиб, бемалол гаплашиб ўтиришимиз мумкин эди.

Кичик ракета тузилишидан хабардор бўлган Соколовский уни бошқаришга ўтди. У чироқни ёқди, ракетани кислород билан тўлдирди, электр печкани ишга туширди.

Ракетанинг ичи тўрт ўринли усти ёпиқ автомобилни эслатарди. Бу тўрт ўриндиқ ракетанинг фақат олд қисмини эгаллаган эди. Кабинанинг учдан икки қисми ёнилғи, озиқ-овқат ва механизмлар билан банд эди. Ракетанинг бу томонига одам зўрға сиғадиган торгина эшик орқали ўтиларди.

Биз ечингач, гарчи электр печка ишлаб турган бўлса ҳам, совқота бошладик. Мен жунжикиб кетдим. Тюрин елкасига мўйнадан тикилган камзулчасини ташлаб олди.

— Ракетамиз жуда совуб кетибди. Бир оз сабр қилинглар, ҳозир қизийди,— деди Соколовский.

— Тонг яллиғи,— деди Тюрин экипажимизнинг кичкина деразасидан ташқарига қараб.

— Тонг яллиғи?— сўрадим мен ажабланиб.— Ойда қанақа яллиғ бўлиши мумкин: ахир, бу ерда атмосфера йўқ-ку?

— Бўлиши мумкин экан,— жавоб берди Тюрин. У ҳеч қачон Ойда бўлган эмас, лекин астроном сифатида Ойдаги шароитни Ердагидан кам билмасди.

Мен деразадан қараб, олисда қизиган металл парчаларидай порлаб турган нуқталарни кўрдим.

Булар кўтарилаётган қуёш нуридан ёриган тоғ чўққилари эди. Уларнинг ёруғ шуъласи бошқа чўққиларда мавж қиларди. Бу шуъла бир чўққидан иккинчисига ўтиб, бора-бора кучсизланар ва шу тариқа ўзига хос тонг манзарасини кашф этарди. Шуъла ёруғида ярим қоронғилиқда ётган тоғ тизмалари, денгиз чўкмалари, конуссимон чўққиларни ажрата бошладим. Юлдуз билан қопланган осмон фонидаги кўринмас тоғларнинг кунгурадор қиррали жарликлари кўзга ташланиб турарди.

— Ҳадемай қуёш чиқади,— дедим мен.

— Ҳали-вери чиқмайди,— деб эътироз билдирди Тюрин.— Ер экваторида у икки минут орасида чиқади, бу ерда эса қуёш гардиши уфқдан кўтарилгунча бир соат вақт ўтади. Ойдаги кеча-кундуз Ердагидан ўттиз марта узун-да.

Мен деразадан кўз узолмасдим. Манзара ҳайрон қоларлик даражада ажойиб эди! Тоғ чўққилари, гўё биров машъала ёққандай, бирин-кетин ярқираб борарди. Ойда бундай чўққилар озмунча дейсизми! Ҳали жамол кўрсатиб улгурмаган қуёшнинг нурлари барча чўққиларни юқоридан бир хил масофада «кесиб» ўтган эди. Бинобарин «ҳавода» бирданига жимжимадор тоғлар пайдо бўлиб қолгандай туюларди кишига. Бундай ловиллаб турган тоғлар тобора кўпайиб борарди, мана, ниҳоят, уларнинг текисликдаги акси аниқ кўзга ташланди, энди улар ҳавода осилиб турганга ўхшамасди.

Тоғларнинг қуйи томони кулранг тусда, юқори қисми оппоқ. Акс нур аста-секин тоғ этакларини ҳам ёритиб борарди. «Ой тонги» борган сари равшанлашарди.

Бу манзарадан кўзим қамашиб кетган бўлса ҳам деразадан юз буролмасдим. Мен ой тоғларининг ўзига хос томонларини яхшироқ илғаб қолишни истардим. Лекин улар Ердагидан фарқ қилмасди. Баъзи жойларда улкан қоялар тубсиз жарликлар узра базўр илиниб турибди, лекин улар қулаб тушмасди. Бу ерда улар анча енгил, тортиш кучи эса бўш.

Ой текисликларида, худди жанг майдонларидагидай, каттакичик чуқурликлар бор. Баъзилари уч дюймли тўп ўқлари ҳосил қилган чуқурчалардай кичкина, айримлари эса вулқон оғзидай катта. Наҳотки булар Ойга тушган метеорларнинг изи бўлса? Шундай бўлиши мумкин. Чунки Ойда атмосфера йўқ, демак, Ердагидай, Ойни осмон бомбаларидан ҳимоя қилувчи тўсиқ ҳам йўқ. Шундай экан, бу ерда юриш анча хавфли. Бир неча юз тонна келадиган ана шундай бомбаметеор бошингга келиб тушса борми!

Мен ўз ҳадигимни Тюринга айтдим. У менга кулимсираб қаради.

— Чуқурликларнинг бир қисми вулқон натижасида пайдо бўлган, бир қисми, албатта, метеорларнинг зарбидан,— деди у.— Улардан бирортаси бошингизга келиб тушишидан қўрқяпсизми? Шундай бўлиши ҳам мумкин, лекин эҳтимоллик назариясининг айтишича, бундай хавф Ердагидан унчалик кўп эмас.

— Кўп эмас!— хитоб қилдим мен.— Ерга катта метеорлар кўп тушадими? Уларни камёб нарсадай излаб юришади-ку. Бу ерда эса, қаранг, ҳаммаёқни ўйиб ташлаган.

— Тўғри,— деб жавоб берди Тюрин хотиржамлик билан.— Лекин сиз бир нарсани эсдан чиқаряпсиз: Ойда аллақачонлардан бери атмосфера йўқ. Миллион йиллардан бери бу ерда на шамол эсади, на ёмғир ёғади, бинобарин, метеорларнинг излари шундайлигича ўзгармай қолаверган. Бу чуқурликлар — бир неча миллион йиллик ҳаётнинг солномаси. Ой сиртига юз йилда битта катта метеор тушган бўлса — шунинг ўзи ҳам жуда кўп деган сўз. Наҳот унинг тушиши бизга, худди шу пайтга тўғри

келса? Мен метеорнинг, албатта, тўппа-тўғри бошимга эмас, яқин атрофимга тушишига эътироз билдирмасдим.

— Келинглар, эндиги режаларимиз ҳақида гаплашиб олайлик,— деди Соколовский.

Тюрин ишни Ойнинг умумий сатҳини кўздан кечириб чиқишдан бошлашни таклиф қилди.

— Клавиус цирки, Коперник кратерини неча марталаб телескопдан завқ билан томоша қилганман!— деди у.— Бу ерларга қадами етган биринчи астроном бўлишни истайман.

— Ишни тупроқни геологик тадқиқ қилишдан бошлашни таклиф этаман,— деди Соколовский.— Бунинг устига, Ойнинг Ердан кўринадиган қисмига ҳали офтоб тушгани йўқ, бу ерда эса «тонг» отди.

— Сиз хато қиляпсиз,— эътироз билдирди Тюрин.— Яъни, тўғри гапирмадингиз. Ҳозир Ердан Ойнинг тўртдан бир бўлаги кўриняпти. Биз бу «ой»ни — Ойнинг шарқий қисмини — ракетамизни соатига икки юз километр тезликда ҳайдаган тақдиримизда қирқ беш соат ичида айланиб чиқишимиз мумкин. Фақат Клавиус билан Коперник олдида тўхтаймиз. Иннайкейин, экспедициянинг бошлиғи ким: менми ё сизми?— деб сўзини тугатди у қизишиб.

Ой бўйлаб сайр қилиш мени ҳам қизиқтириб қолди.

— Ростдан ҳам Ойдаги улкан цирк ва кратерни нима учун кўрмаслигимиз керак экан?— дедим мен.— Уларнинг геологик тузилиши ҳам эътиборга лойиқ бўлиши керак.

Геолог елкасини қисиб қўйди. Ойнинг Ердан кўринадиган сиртида Соколовский бир марта бўлган. Лекин кўпчилик бир таклифни қувватлаб тургандан кейин...

— Кратерга чиқмадингизми?— ҳадик билан сўради Тюрин.

— Йўқ, йўқ,— деди кулиб Соколовский.— У ерга ҳали инсон оёғи етмаган. Сиз биринчи бўласиз. Мен Фароғат денгизининг «тубида» бўлганман. Агар геологик материалларни назарда тутадиган бўлсак, бу ном ўзини тўла оқлайди. Мен у ердан ажойиб коллекция тўпладим... Қани, вақт кетмасин. Жўнасак жўнайлик! Лекин жуда тез ҳайдашга тўғри келади. Машинамиз соатига минг километр ва ундан ҳам ортиқ юра олади. Бўпти, сизларни Клавиусга олиб бораман.

— Коперникка ҳам,— деди Тюрин.— Иўл-йўлакай Карпат тоғларини ҳам кўриб ўтамиз. Улар Коперникдан шимолроқда.

— Хўп бўлади!— деди Соколовский ва ричагни босди.

Ракетамиз титради, маълум ергача ғизиллаб бориб, кейин ҳавога кўтарилди. Мен пастда, водийда қолган катта ракетамизни кўрдим, сўнг кўзим ўткир нурдан қамашиб кетди: Қуёш!

У уфқдан эндигина кўтарилган эди. Бу тонг Қуёши биз Ердан кўрадиган Қуёшга мутлақо ўхшамасди. Атмосфера уни қизартирмаган. Ҳар вақтдагидай қоп-қора осмонда кўкимтир тусда порлаб турибди. Нури кўзни олади. Дераза ойнасидан ўтган ҳароратини шу заҳотиёқ пайқадим.

Ракета энди анча баландга кўтарилган ва биз тоғ чўққилари устида учиб борардик. Тюрин тоғ тизмаларини диққат билан

кўздан кечирарди. У силкинишларни ҳам, ўз фалсафасини ҳам аллақачон унутиб юборган эди. Шу тобда у фақат астроном эди.

— Клавиус! Бу ўша! Ичидаги учта кичик кратерни кўриб турибман.

— Тўппа-тўғри цирк ичига тушаверамизми?— сўради Соколовский кулимсираб.

— Ҳа, тушаверамиз. Фақат кратерга яқинроқ қўнинг!— хитоб қилди Тюрин ва бирдан хиргойи қила бошлади.

Бу мен учун шу қадар кутилмаган ҳол эдики, назаримда ўргимчак ашула айтаётгандай бўлди. Мен Тюриннинг овози ғоят ингичкалигини айтган эдим, лекин, афсуски, куйлаш қобилияти мутлақо йўқ эди. Унинг қўшиғида на вазн, на оҳанг бор эди. Соколовский менга айёрона қараб, жилмайиб қўйди.

— Ҳа? Нима гап?— деб сўради бирдан Тюрин.

— Қўнишга жой излаяпман,— жавоб берди геолог.

— Қўнишга жой!— деб хитоб қилди Тюрин.— Менимча, бу ерда жой етарли. Клавиуснинг диаметри икки юз километр келади. Москва билан Ленинград орасидаги масофанинг учдан бир қисми.

Клавиус цирки баланд кўтарма билан қуршалган водийни эслатарди. Тюриннинг айтишича, кўтарманинг бўйи етти километр. Бу Альп ва Кордельер тоғларидан ҳам баланд. Соянинг нотекислигига қараганда, кўтарманинг четлари қингир-қийшиқ-қа ўхшайди. Уч кратернинг кўланкаси бутун цирк ичини қоплаб олганди.

— Циркни саёҳат қилиш учун ҳозир энг қулай пайт,— деди Тюрин.— Қуёш тиккага келганда Ойдаги иссиққа чидаш қийин. Тупроқ қизиб кетади. Ҳозир эса у эндигина қизий бошлаяпти.

— Ҳечқиси йўқ. Ой кунига ҳам чидаймиз. Костюмларимиз бизни иссиқдан ҳам, совуқдан ҳам яхши асрайди,— жавоб берди Соколовский.— Тушяпмиз. Маҳкамроқ ушланг, профессор!

Мен ҳам креслога ёпишдим. Аммо ракета ғилдираклари деярли турткисиз «ер»га тегди, бир сакраб, йиирма метрлар чамаси учиб борди, яна пастга тегиб, яна сакради ва, ниҳоят, текис жойга чиқиб ғизиллаб кетди.

Тюрин уч кратер ҳосил қилган учбурчакнинг марказига томон ҳайдашни сўради.

Биз дарҳол кратерлар томон жўнадик. Тупроқ борган сари ўйдим-чуқур бўла борар, биз ракета ичида у ёқдан-бу ёққа отилиб, ўтирган жойимиздан қалқиб кетиб илгарилаб борардик.

— Яхшиси, бир сакраб керакли жойга етиб олганимиз маъқул,— деди геолог.— Бунақада ғилдиракларни ишдан чиқазамиз.

Шу дақиқада қаттиқ туртки сезилди. Остимизда бир нима тақирлади-ю, машина аста ёнбошлаб қолди.

— Айтмадимми!— деб хитоб қилди Соколовский куйиниб.— Авария! Ташқарига чиқиб, тузатиш керак энди.

— Эҳтиёт ғилдиракларимиз бор. Тузатамиз,— деди Тюрин.— Жуда бўлмаса, пиёда ҳам кетаверамиз. Кратерларгача ўн километртча масофа қолди, холос. Кийиниш керак!

У шошиб трубкасини олиб тутатди.

— Бир оз овқатланиб олайлик,— деди Соколовский.— Нонушта вақти бўлди.

Тюрин беҳад ошиқаётган бўлишига қарамай, рози бўлди. Биз шоша-пиша овқатланиб, ташқарига чиқдик. Соколовский бош чайқаб қолди: ғилдирак тамом ишдан чиққан эди. Янгисини қўйишга тўғри келди.

— Сизлар бўлгунча, югуриб етиб оламан,— деди Тюрин.

Ростдан ҳам у чопиб кетди. Оббо чол-ей! Билимга берилиш шу-да! Соколовский ҳайратдан қўлларини ёзганча қолди. Тюрин кенглиги икки метр келадиган ёриқлардан енгил сакраб, каттароқларини эса айланиб ўтарди. Костюмининг қуёшга қараган томони ял-ял ёнар, сояда қолган қисми эса — деярли кўринмасди. Худди ой сиртида фақат ўнг оёғи билан сакраб ва ўнг қўлини силкиб, майиб-мажруҳ одам бораётганга ўхшарди. Унинг чап қўли ва оёғи онда-сонда, «ой» нури тушган пайтдагина ярқираб қоларди. Тюриннинг қораси тез узоқлашиб борарди.

Ғилдирак билан бир неча минут овора бўлдик. Ҳаммаси тахт бўлгач, Соколовский менга ракетанинг устки очиқ майдончасига чиқишни таклиф қилди. У ерда иккинчи бошқариш аппарати бор эди. Биз Тюриннинг изидан йўлга тушдик. Ракетанинг устида ўтириш, ичида ўтиришдан кўра қизиқроқ эди. Чунки чор атроф кўриниб турарди. Ўнг томонимиздаги тоғлар Қуёш нури тушиб турган водийга тўртта соя ташлаган. Сўл томонимизда эса фақат тоғ чўққилари ярқираб турибди, тоғ этаклари ой қоронғисида қолган. Ердан Ойнинг бу қисми кулранг тусда кўринади. Тоғ тизмалари мен кутгандан кўра нишаброқ эди. Биз «ой»нинг энг четидан ёки Тюриннинг тили билан айтганда, «терминатор» чизигидан — нур ва соя чегараси устидан борардик.

Кутилмаганда Соколовский тирсаги билан биқинимга аста туртиб, олдинга ишора қилди. Қаршимизда катта жарлик турарди. Биз бундай жарликнинг бир нечтасидан сакраб, агар каттароқ бўлса устидан учиб ўтдик. Афтидан, Соколовский сакраш олдидан мени эҳтиёт бўлинг деб огоҳлантираётганди. Мен унга савол назари билан қарадим. Геолог скафандрини меникига яқин келтириб, деди:

— Қаранг, профессоримиз...

Мен олдинга қараб, қўланка қаъридан отилиб чиққан Тюриннни кўрдим. У қўлларини силкитиб, узун жарлик бўйлаб биз томонга қараб чопиб келарди. Жарликдан у сакраб ўтолмаганди.

— Ундан ўзиб кетиб, цирк марказига биринчи бўлиб боришимиздан қўрқяпти,— деди геолог.— Тўхташга тўғри келади.

Ракета тўхтар-тўхтамас Тюрин устки майдончага сакради. Ой уни ёшартириб юборган эди. Йўқ, сал муболаға қилдим. Тюрин бутун гавдаси билан устимга келиб тушди, кўкраги тинимсиз кўтарилиб тушарди. Чол ниҳоятда чарчаган эди.

Соколовский жарга яқин қолганда «педални босди». Портлаш юз бериб, ракета олдинга, сўнг юқорига талпинди. Шу пайт Тюриннинг оёқларига кўзим тушиб қолди. У беҳад ҳолсизлан-

ганидан дастакни тузукроқ ушлашга ҳам улгурмай, ракетадан учиб кетган эди. Унинг танаси ярим доира ясаб, пастга қулаб борарди. У жуда баланддан йиқилган, лекин жуда секин пастларди. Менинг юрагим ёрилаёзди. Профессор тамом бўлди!..

Бу вақтда биз жарлик устида учиб борардик. Бирдан Соколовский ракетани кескин орқага бурди, ўзимнинг ҳам учиб кетишимга сал қолди, биз тезлик билан Ой сиртига, Тюриннинг яқинига қўндик. Тюрин қимир этмай ётарди. Соколовский тажрибали эмасми, дарров унинг кийимларини кўздан кечирди. Озгина тешик бўлса ҳам киши ҳалок бўлади: фазовий совуқ бир зумда танани муз парчасига айлатириб қўяди. Хайрият, кийими бутун экан, фақат сал тирналиб, бир оз чанг бўлипти. Тюрин қўлини кўтарди оёқларини қимиирлатди... Тирик! Кутилмаганда у ўрнидан туриб, ракетага қараб юра бошлади. Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Фақат Ойдагина шундай бўлиши мумкин. Тюрин ўз ўрнига чиқиб ўтириб олгач, индамай қўли билан олдинга ишора қилди. Мен скафандрининг ойнасидан унинг юзига қарадим. У жилмаярди!

Бир неча минутдан сўнг манзилга етиб бордик. Биринчи бўлиб ракетадан тантанали қиёфада профессор тушди. У удумни бажо келтириб, ибодат қилди. Бу манзара хотирамда абадий ўрнашиб қолди. Юлдуз билан қопланган қоп-қора осмон. Кўкимтир Қуёш. Бир томонда кўзни қамаштирувчи ярқироқ тоглар, иккинчи ёқда — «ҳавода муаллақ турган», эриган чўяндай оппоқ чўққилар. Бепоён цирк водийсининг қарийб ярмига учи қинғир соялар ястаниб олган; кул ва чанг билан қопланган тошлоқ тупроқда — машинамиз ғилдиракларининг олис-олисга чўзилган излари. Ой сиртидаги бу излар айниқса кучли таассурот қолдиради. Кўланканинг шундоқ четида ғоввос қиёфасидаги бир одам ортида из қолдириб, бир меъёрда қадам ташлаяпти — бу инсон оёғининг излари! Мана у тўхтади. Кратерларга, бизга, осмонга бир-бир қараб чиқди. Атрофидан тош териб, кичкина пирамида ясади. Кейин энгашиб, бармоғи билан кулга:

ТЮРИН

деб ёзиб қўйди.

Бармоқ билан кўлга битилган бу ёзув Ер қояларидаги ўймакор ёзувлардан умрбоқийроқ: уни ёмғир ювиб кетмайди, шамол кўмиб юбормайди. Агар тасодифан шу жойга метеорит тушмаса бу ёзув миллион йиллар тураверади.

Тюрин мамнун. Биз яна ракетамизга ўтириб, шимолга қараб учамиз. Қуёш энди уфқдан бир оз кўтарилган, шарқ томондаги тоғларнинг айрим қояларини ёритиб турибди. Лекин у кўкда жуда ҳам секин ҳаракат қилади.

Яна жарликдан сакрадик. Бу гал Тюринни огоҳлантириб қўйгандик. У темир дастакларга маҳкам ёпишиб олганди. Пастга қарайман. Жарлик юракни ваҳимага солади. Ерда бунақалари кам учрайди. Туби кўринмайди — зим-зиё. Эни бир неча кело-

метр келади. Бечора Ой! Юзингга қандай чуқур ажинлар тушибди-я!..

— Альфонс... Птолемей... Ойга учиб келаётганда буларни кўрганмиз,— деди Тюрин.

Олисда кратер чўққиси кўзга ташланди.

Тюрин скафандрини меникига яқинлаштириб,— акс ҳолда гапни эшитиб бўлмайди,— деди.

— Ана!.. Коперник! Ойдаги энг катта кратерлардан бири. Унинг диаметри саксон беш километрдан ортиқ. Ердаги энг катта кратернинг — бу Цейлон оролида — эни етмиш километрга ҳам етмайди.

— Кратерга! Тўппа-тўғри кратерга!— деб буюрди Тюрин.

Соколовский кратер деворидан ошиб ўтиш учун ракетани юқорига, тиккасига учирди. Тепадан ўртаси конус шаклидаги тўғри доира кўриниб турибди. Ракета конус этагига қўнди. Тюрин машинадан сакраб тушиб, конусга қараб югурди. Наҳотки у тепасига чиқмоқчи бўлса? Ҳа, худди шундай. У ниҳоятда тик қояларга тармашиб, юқорига талпиняпти. Тюрин шу қадар тез кўтариляптики, Ердаги энг чаққон альпинист ҳам уни қувиб етолмаган бўларди. Ойда тепага кўтарилиш анча осон. Бу ерда Тюриннинг оғирлиги ўн-ўн икки килограммдан ошмайди. Бу вазн унинг ҳатто бўшашган пайтларига ҳам оғирлик қилмайди.

Конус атрофида, ундан маълум масофа нарида — тош кўтармаси. Унинг қандай пайдо бўлганига тушунолмайман. Агар бу тошлар қачонлардир отилган вулқон оқибати бўлса, у ҳолда улар теварак-атофга сочилиб кетиши ва бу қадар тўғри ҳалқа ҳосил қилмаслиги керак эди.

Бу жумбоққа кутилмаганда жавоб топилди. Қўққисдан тупроқнинг силкинганини пайқаб қолдим. Наҳотки Ойда ҳам зилзила бўлса? Савол назари билан Соколовскийга қарадим. У индамай қўли билан чўққига ишора қилди: тепадан улкан қоялар думалаб тушарди. Бу қоялар шиддат билан думалаб бориб кўтарма олдидагина тўхтарди.

Ҳа, гап бу ёқда экан! Ойда Ер тоғларининг кушандаси бўлган шамол ҳам, ёмғир ҳам йўқ. Аммо-лекин ундан кўра хатарлироқ бўлган емирувчи куч бор экан. Бу — Ойдаги тун билан кун орасидаги ҳароратнинг кескин фарқ қилиши. Ойда икки ҳафта икки юз даража совуқ бўлса, икки ҳафта шу даражада иссиқ бўлади. Орадаги фарқ тўрт юз даражани ташкил қилади! Қоялар бунга дош беролмай, худди муздек стаканга қайноқ сув қуйгандагидай, парчаланиб кетади. Тюрин буни мендан яхшироқ билиши керак. Нега бу қадар эҳтиётсизлик қилиб, тоққа ўрмалаб чиқяпти... Афтидан, профессорнинг ўзи ҳам буни пайқаб қолди: тошдан тошга сакраб тезлик билан пастга туша бошлади. Унинг ўнгида ҳам, сўлида ҳам ўпирилиш бўляпти. Лекин Тюрин бехатар жойга тушиб олди.

— Йўқ, йўқ! Мен ўз фикримдан қайтмайман,— деди у,— лекин ноқулай вақтни танлабман. Ой тоғларига ой кунининг охирида ёки кечаси чиқиш керак. Ҳозирча етарли. Бўронлар океа-

нига учамиз, у ердан тўппа-тўғри шарққа, Ойнинг ҳали бирорта инсон кўзи тушмаган томонига жўнаймиз.

— Бу ғалати номларни ким ўйлаб топган,— сўрадим мен йўлга тушганимиздан кейин.— Коперник, Платон, Артистотель — бу бир нави. Лекин Ойда Бўронлар океани нима қилсин? Бу ерда бўроннинг ўзи йўқ-қу. Фароғат денгизи нимаси? Ялангоч тошларми? Ёки Кризислар денгизини олайлик... Қанақа кризис? Умуман, бир томчи ҳам суви йўқ денгиз қанақа денгиз бўлди?

— Тўғри, номлар унчалик мос келмайди,— деди Тюрин.— Ой сиртидаги жарликлар, сўзсиз, бир маҳаллар мавжуд бўлган океан ва денгизларнинг излари. Лекин уларнинг номлари... Ахир уларни нимадир деб аташ керак бўлган-да! Кичкина планеталарни кашф қилишганда дастлаб уларни анъана бўйича қадимги юнон худоларининг номлари билан аташган. Кўп ўтмай ҳамма номлар тугаган, лекин янги планеталар узлуксиз кашф қилинаверган. Шундан сўнг машҳур кишиларнинг номларига ўтишган: Фламмарион, Гаусс, Пикеринг ва ҳатто америкалик Эдуард Тук каби таниқли филантропларнинг номлари ҳам бор. Шу тариқа капиталист Тук осмонда ўз мулкига эга бўлиб олган. Менимча, майда планеталарга рақам системасини қўллаган маъқул... Ойдаги Карпат, Альп, Апеннин тоғларига келсак,— бу, фантазия доирасининг торлигидан. Мана, масалан, мен Ойнинг нариги томонида кашф қиладиган тоғлар, вулқонлар, денгиз ва циркларимизга бутунлай янги номлар ўйлаб қўйдим...

— Албатта, Тюрин кратерини ҳам эсдан чиқазмассиз?— деб сўради Соколовский кулиб.

— Ҳаммамизга ҳам етади,— жавоб берди Тюрин.— Агар сизлар хоҳласангиз, Тюрин кратери ҳам, Соколовский денгизи ҳам, Артемьев цирки ҳам бўлади.

Орадан ярим соат ўтмай Соколовский бизни Бўронлар океанига етказди. Ракета океан «тубига» қўнди. Унинг туби жуда нотекис эди. У ер-бу ерда баланд тоғлар бўй чўзиб турибди. Уларнинг чўққилари бир маҳаллар орол бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Баъзан биз чуқурликдаги водийларга тушиб кетар ва бутунлай сояда қолардик. Лекин қоронғи эмас эди: тепадаги ёп-ёруғ тонг чўққиларидан акс нур тушиб турарди.

Мен атрофни диққат билан кузатардим. Тошлар узун-узун қуюқ кўланка ташлаган. Кутилмаганда бир жойда худди титилиб кетган саватникига ўхшаган панжарадор бир сояни кўриб қолдим. Уни дарров Соколовскийга кўрсатдим. У ракетани тўхтатиши билан ҳалиги сояга қараб югурдим. У худди тошга ўхшайди, лекин шакли жуда қизиқ: қовурғали умуртқа суягини эслатади. Наҳотки ҳалок бўлган ҳайвон қолдиғини топган бўлсак? Демак, Ойда ҳатто умуртқали ҳайвонлар ҳам яшаган экан-да. Демак, Ойда атмосфера у қадар тез йўқ бўлган эмас экан-да. «Умуртқа» ва «қовурғалар» ўз ҳажмига нисбатан нозикроқ эди. Лекин Ойда оғирлик Ердагига қараганда олти марта кам, бинобарин, ҳайвонларнинг скелетлари нозикроқ бўлиши мумкин. Бунинг устига, булар денгиз ҳайвонларига ўхшайди.

Геолог скелет ёнида ётган бир қовурғани олиб синдирди. Сирти қора, ичи ғалвирак, кулранг тусда. Соколовский бош чайқаб, деди:

— Менимча, булар суяк эмас, маржон.

— Лекин шакли, кўриниши-чи,— эътироз билдирдим мен. Илмий баҳс қизиб кетиши мумкин эди, лекин гапга Тюрин аралашиб қолди. У ўз ваколатига суяниб, дарҳол жўнашни талаб қилди. Тюрин Ойнинг нариги томонини ҳали Қуёш тўла ёритиб турган пайтда кўриб қолишга ошиқарди. Бўйсунишдан бошқа илож йўқ эди. Кэцга қайтгандан сўнг анализ қилиш учун бир неча «суяк» териб олдим. Биз йўлга тушдик. Бу топилма мени жуда ҳаяжонлантириб юборди. Агар денгиз тубини тузукроқ титкиланса, жуда кўп ажойиб кашфиётлар қилиш, Ойдаги қисқа муддатли ҳаёт манзарасини тиклаш мумкин эди. Қисқа муддатли деганмизда, албатта, астрономик миқёс кўзда тутилади...

Ракетамиз шарққа томон учиб борарди. Қуёшга қараб, ҳайрон қолдим: у юқорига одатдан ташқари тезлик билан кўтариларди. Шу пайт Тюрин икки биқинини ушлаб қолди.

— Фотоаппаратимни йўқотганга ўхшайман... Ғилофи бор-у, ўзи йўқ... Орқага! Фотоаппаратсиз қолиш мумкин эмас! Лаънати скелетни суратга олиб бўлиб, ғилофга солаётган пайтимда тушириб қўйган бўлсам керак! Бу ерда нарсалар шунақа енгилки, тушириб қўйсанг ҳам пайқамайсан...

Геолог норози қиёфада бош чайқади, шунга қарамай ракетани орқага бурди. Шунда мен ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдим: биз орқага бурилишимиз билан Қуёш яна шарққа, уфққа томон қайта бошлади. Худди алаҳсираётгандай бўлдим назаримда. Қуёш нури миямга таъсир қилдимикан? Осмонда гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ҳаракат қиладиган Қуёш ҳам бўладими! Мен буни ҳатто ҳамроҳларимга айтишга ҳам журъат қилмай, индамай кузатиб ўтиравердим. Биз эски манзилга яқинлашиб тезликни соатига ўн беш километрга туширганимизда — Қуёш тўхтади. Ҳеч нарсага тушунолмай қолдим.

Тюрин ҳадеб осмонга қарайверганимни сезди шекилли, скафандини меникига яқинлаштириб, деди:

— Қуёшнинг қилиғидан таажжубланяпсиз-а. Бунинг сабаби оддий. Ой — кичкина жисм, унинг экваториал нуқталари ҳаракати жуда секин. Секундига тўрт метрга ҳам етмайди. Бинобарин, экватор бўйлаб соатига ўн беш километрга яқин тезлик билан ғарбга томон юрилса, Қуёш бир жойда тураверади, агар тезлик оширилса Қуёш шарққа «жўнаб қолади». Еки аксинча: биз шарққа, Қуёш истиқболига томон учганимизда, Ой сиртида тез ҳаракат қилиб, Қуёшни ҳам тез кўтарилишга мажбур қилдик. Хуллас, бу ерда Қуёш ҳаракатини ҳам бошқаришимиз мумкин. Ойда соатига ўн беш километр масофани пиёда ҳам бемалол босса бўлади. Экватор бўйлаб ғарбга томон ана шундай тезлик билан бораётган йўловчи устида Қуёш қимирламай тураверади... Бу жуда қулай. Чунончи, Қуёш ботаётган пайтда унинг изидан бориш ғоят катта қулайлик туғдиради. Тупроқ ҳали илиқ, атроф

ёруғ бўлади, офтоб куйдирмайди. Гарчи костюмларимиз ҳарорат ўзгаришидан бизни яхши асраса ҳам, нур ва қоронғилик орасидаги фарқ анча кучли сезилади.

Биз эски жойга етиб келдик. Тюрин аппаратини қидиришга тушди, мен вақтдан фойдаланиб, Бўронлар океанининг тубини яна кўздан кечира бошладим. Балки қачонлардир бу океан сиртида чиндан ҳам даҳшатли бўронлар бўлгандир. Тўлқинлар ер океанларидаги тўлқинлардан беш-олти марта кучлироқ чайқалгандир. Бу денгиз сиртида ўшанда бутун бир сув тоғлари кўчиб юргандир. Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлаб, сув пишқирган, тошгандир... Денгизда қачонлардир Ерда яшаган энг катта ҳайвонлардан кўра баҳайбатроқ ҳайвонлар истиқомат қилгандир...

Мен жар ёқасига бордим. Унинг эни бир километрдан оз эмас. Бунинг остида нималар бор экан? Бир тушиб кўрсам-чи? Мен электр фонаримни ёқиб, жарликнинг нишоб еридан пастга туша бошладим. Тушиш осон эди. Аввалига эҳтиётлик билан, сўнг дадил-дадил сакраб тобора пастлайвердим. Тепада юлдузлар жимирлаб турибди. Атроф зим-зиё. Менга пастга тушган сари ҳарорат кўтарилаётгандай туюлди. Балки, тез ҳаракат қилгагимдан иссиқлаб кетгандирман. Афсус, геологдан термометрни олмапман. Тюриннинг, Ойдаги тупроқ олимлар тахмин қилгандан кўра иссиқроқ, деган фаразини текшириб кўрган бўлардим.

Йўлда цилиндр шаклидаги ғалати тош парчалари учрай бошлади. Наҳотки булар қотиб қолган дарахт таналари бўлса? Улар денгиз тубига, бундай чуқурликка қандай қилиб тушиб қолди?

Мен ўткир қиррали бир нарсага ёпишдим, костюмим йиртилишига сал қолди, юрагим орқасига тортиб кетди: ахир, ҳалок бўлиш ҳеч гапмас. Дарров энгашиб ҳалиги нарсани ушлаб кўрдим: қандайдир тишлар. Чироқни тутдим. Қоя орасидан узун қоп-қора арра чиқиб турибди — худди аррабалиқнинг ўзи дейсиз. Йўқ, бу маржон бўлиши мумкин эмас. Мен теварак-атрофга чироқ тутиб чиқдим ва ҳамма ерда арралар, узун бурама қозиқ тишлар, кемирчакли тахталар ва қовурғаларни кўрдим... Ҳалок бўлган ҳайволарнинг бутун бир қабристони... Тош бўлиб қотган бу ҳужум ва ҳимоя қуроллари оралаб юриш жуда хатарли эди. Шунга қарамай, мен сеҳрланиб қолган эдим. Фавқулодда кашфиёт! Фақат шунинг ўзи учунгина сайёрлараро саёҳатга чиқса арзийди. Мен жар ичига махсус экспедиция келиб қунишини, бундан миллион-миллион йиллар муқаддам ҳалок бўлган ҳайвонларнинг суяклари терилиб, Кэцга, сўнг Ерга, Фанлар Академиясининг музейига олиб тушилишини ва олимларимиз Ой ҳайвонларининг қиёфасини тиклашларини хаёлан тасаввур қилардим...

Ҳа, мана буни маржон деса бўлади! Ердагидан олти марта эмас, ўн марта катта. «Бутоқли шохлар»нинг бутун бир ўрмони дейсиз. Баъзи маржонларнинг ҳатто ранги ҳам ўчмаган. Айримлари фил суяги тусида, бошқалари — пуштиранг, кўпчилик қисми эса қип-қизил.

Ҳа, демак, Ойда ҳаёт мавжуд бўлган. Балки, Тюрин ҳақдир, биз бу ҳаёт қолдиқларини топишга муваффақ бўлармиз. Ўлик қолдиқларини эмас, балки ҳайвонот ва ўсимлик дунёси сўнгги вакилларининг қолдиқларини топармиз...

Кичкина тошча олдимдан виз этиб ўтиб, маржон бутасига келиб тушди.

Бу ҳол хаёлларимни тўзғитиб юборди. Мен бошимни кўтариб, жарлик ёқасида милтираётган чироқни кўрдим. Ҳамроҳларим, афтидан, мени чақираётган кўринади. Қайтиш керак. Мен уларга жавобан фонаримни ўчириб-ёқдим-да, шоша-пиша энг нодир ва қизиқларли намуналардан териб сумкамга солдим. Ерда бу хазина олтмиш килограммдан кўп чиқса керак. Демак, бу ерда ўн килограммдан ортиқ эмас. Бинобарин, бу юк мени кўп қийнамади ва мен тез юқорига кўтарилдим.

Ўзбошимчалик қилганим учун астрономдан хайфсан эшитишга тўғри келди, лекин ўз топилдиқларим ҳақида гапириб берганимдан кейин у анча юмшади.

— Буюк кашфиёт қилгансиз. Табриклайман! — деди у.— Албатта экспедиция ташкил қиламиз. Лекин ҳозир кечикиш мумкин эмас. Қани, дарҳол жўнадик.

Лекин бари бир андак кечикишга тўғри келди. Биз океан четига бориб қолган эдик. Қаршимизда Қуёш нури тушиб турган «соҳил»» қоялари бўй чўзиб турарди. Ажойиб манзара! Соколовский беихтиёр машинани секинлатди.

Пастда қизғиш порфир ва ранг-баранг базальтлардан иборат қоялар ястаниб ётибди: зумрад тусли, пуштиранг, зангори, сарғиш кулранг, сариқ тусли... Худди камалакдай товланувчи сеҳрли шарқ гилами дейсиз. У ер-бу ерда қордай оппоқ тизмалар, пуштиранг ҳайкаллар кўзга ташланади. Туртиб чиқиб турган улкан тоғ биллурларига қараб бўлмайди, кўзнинг нурини олади. Еқутлар қон томчиларидай осилиб турибди. Тўқсариқ гиацинтлар, қип-қизил пиронлар, қора метанитлар, бинафшаранг альмандинлар яшнаб турган гулзорни эслатади. Кўк ёқут, зумрад ва аметистлар[1] уюм-уюм бўлиб ётибди... Қаердандир, қоянинг ўткир қиррасидан бир тутам нур ёғиляпти. Фақат олмосларгина шундай нур таратиши мумкин. Бу қоялар, афтидан, эндигина парчаланган бўлса керак, космик чанг бу шаффоф ва ранг-баранг нур кўзини ҳали тўсиб улгурмаган.

Геолог қаттиқ тормоз берди. Тюрин сал бўлмаса ағдарилаёзди. Машина тўхтади. Соколовский йўл-йўлакай халтасидан болғачасини олиб, ярқираб турган қоятошлар устидан чопиб кетди. Мен унинг орқасидан югурдим, бизнинг ортимиздан Тюрин. Соколовскийни геологларга хос енгиб бўлмас бир иштиёқ чулғаб олган эди. Бу қимматбаҳо тошларни кўриб қолган очкўзнинг ҳасислиги эмас, балки камёб қазилма бойликка дуч келган ҳақиқий олимнинг иштиёқи эди.

Соколовский болғачаси билан олмос парчаларини шундай

---

[1] Турли тусдаги қимматбаҳо тошлар.

учирардики, шу тобда у худди ўпирилиб тушган кондан ўзига йўл очаётган кончини эслатарди. Болға зарбидан олмос заррачалари атрофга нур бўлиб сачратди. Тюрин икковимиз бир олмосни ташлаб, иккинчисини олардик. Сумкаларимизни олмосга тўлдирдик, Қуёшга тутиб томоша қилдик, осмонга отиб ўйнадик. Биз гўё нур зарралари қуршовида қолган эдик.

Эҳ, Ой! Ой! Ердан нақадар якранг, кумушсимон бўлиб кўринасан. Лекин сийнангга қадам қўйган кишини қанчалар ранг-баранг, кўзни қамаштирувчи туҳфалар билан кутиб оласан!..

Кейинчалик бунақа хазиналарга жуда кўп марта дуч келдик. Қимматбаҳо тошлар, худди ранг-баранг шабнамдай, тоғ қоялари, чўққиларда тўшалиб ётарди. Ерда энг қимматбаҳо ҳисобланган олмос ва зумрадлар Ойда беҳисоб... Бундай манзарага деярли кўникиб ҳам кетдик... Аммо Бўронлар океани соҳилида бизни чулғаб олган «олмос талвасаси»ни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

Биз яна тоғ ва жарликлардан сакраб, шарққа томон учиб боряпмиз. Геолог йўқотилган вақтнинг ўрнини тўлдириш учун ракетани зўр бериб ҳайдаяпти.

Тюрин бир қўли билан ўриндиқ суянчиғидан ушлаб, тантанали бир тарзда иккинчи қўлини кўтарди. Бу билан у Ой сиртининг Ердан кўринадиган қисми чегарасидан ўтганимизни нишонлади. Биз номаълум дунёга қадам қўйдик. Биз ҳозир кўрадиган нарсаларни бирорта одам кўрган эмас. Менинг бутун вужудим кўз ва қулоққа айланганди.

Тюрин ҳаддан ташқари ҳаяжонланарди. У нима қилишини билмасди: вагон-ракетанинг тепасидан атроф яхши кўринарди, ракета ичида эса ёзиш-чизиш қулай. Бирида ютсанг, бирида ютқазасан. Ниҳоят у ёзишдан воз кечишга қарор қилди: барибир Ойнинг «орқа» томони ҳали синчиклаб ўрганилади ва вақти келиб харитага туширилади. Ҳозир фақат бу ҳақда умумий тасаввур ҳосил қилинса бас. Биз экватор бўйлаб юришга қарор қилдик. Тюрин фақат энг катта цирк ва энг баланд кратерлари белгилар ва уларга ном бериб борарди. Биринчи тадқиқотчига берилган бу ҳуқуқ унга катта ҳузур бахш этарди. Шу билан бирга у шу қадар камтар эдики, бирор кратер ёки денгизни ўз номи билан аташга ошиқмасди. Афтидан у илгарироқ рўйхат тузиб олганга ўхшайди, ҳозир революция қаҳрамонлари, машҳур олимлар, ёзувчилар, саёҳатчиларнинг номларини қалаштириб ташлаяпти.

— Хўш, бу денгиз сизга ёқадими? — деб сўради у мендан, худди ўз ноибига ер-сув инъом қилаётган подшоҳ қиёфасида.— «Артемьев денгизи» деб атасак нима дейсиз?

Мен уфққача чўзилиб кетган чуқур жарликка қарадим. Бу денгиз Ойдаги бошқа денгизлардан сира фарқ қилмасди.

— Агар хўп десангиз,— дедим мен бир оз иккиланиб тургач,— буни «Антонина денгизи» деб атасак.

— Антонийми? Юлий Цезарнинг энг яқин ёрдамчиси Марк Антонийми? — деб сўради у гапимни яхши эшитмай. Унинг мияси буюк кишилар ва қадимги худоларнинг номлари билан тўлиб кет-

ган эди.— Нима қипти, яхши. Марк Антоний! Жарангдор, бунинг устига, астрономлар ҳали ишлатмаган. Шундай бўла қолсин. Езиб қўямиз: «Марк Антоний денгизи».

Профессорнинг гапига тузатиш киритиш ноқулай эди. Шундай қилиб, Юлий Цезарнинг энг яқин ходими Ойда ўлмас мулкка эга бўлиб қолди. Майли, ҳечқиси йўқ, мен билан Тоняга ҳали денгизлар етарли.

Тюрин тўхтатишни илтимос қилди. Биз ҳали Қуёш нури етмаган ҳавзада турардик.

Астроном ракетадан тушди-да, термометрни чиқариб, тупроққа суқди. Тюриннинг орқасидан геолог тушди. Бир оз вақт ўтгач, Тюрин термометрни суғуриб олиб кўздан кечиргач, уни Соколовскийга узатди. Улар скафандрларини яқинлаштириб, афтидан, фикр алмашдилар. Кейин тезлик билан ракета майдончасига кўтарилишди. Бу ерда яна гаплашиб олишди. Мен савол назари билан Соколовскийга қарадим.

— Тупроқнинг ҳарорати икки юз эллик даражага яқин совуқ,— деди менга Соколовский.— Шунинг учун ҳам Тюриннинг кайфияти яхши эмас. Унинг айтишича, бу ерда радиоактив моддалар оз экан. Радиоактив моддаларнинг парчаланиши натижасида тупроқ исиган бўларди. Ерда ҳам океанлар тупроқ энг совуқ бўлган жойларда пайдо бўларкан. Тропик денгизлар тубидаги ҳарорат ҳатто шимолий кенгликлардаги денгизлар ҳароратидан ҳам совуқроқ эмиш. У, биз ҳали радиоактив парчаланиш туфайли исиган зоналарни топамиз, деб ишонтиряпти. Лекин, ўзаро гап, Ернинг умумий иссиқлик режимида радиоактив парчаланиш тарқатган ҳарорат жуда оз миқдорни ташкил қилади. Менимча, Ойда ҳам шундай бўлса керак.

Соколовский Ой сиртининг умумий кўринишини яхшироқ олиш учун юқорироқ кўтарилишни таклиф қилди.

— Кўз олдимизда бутун манзара намоён бўлади. Уни суратга олиш мумкин,— деди у Тюринга.

Астроном рози бўлди. Биз ўриндиқ суянчиқларига маҳкам ёпишиб олдик, Соколовский портлашни кучайтирди. Ракета юқорига кўтарила бошлади. Тюрин тинимсиз фотоаппаратини чиқиллатарди. Бир жойда, кичкина тепалик устида, тўғри бурчак шаклида уюлган тош ёки қояларга кўзим тушди.

«Ой атмосферадан маҳрум ўлик планетага айланишидан олдин бу жойда яшаган аҳолининг қурилишлари эмасмикан?» — деган ўй ўтди кўнглимдан ва шу заҳотиёқ бу бемаъни фикрдан воз кечдим. Лекин бари бир тўғри геометрик шакл муаммо бўлиб миямда ўрнашиб қолди.

Тюрин ўз креслосида типирчиларди. Афтидан, термометр натижаси профессорни қаттиқ ранжитган эди. Биз навбатдаги «денгиз» устидан учиб ўтаётганимизда Тюрин Соколовскийдан денгизнинг соя қисмига қўнишни талаб қилди ва дарҳол ҳароратни ўлчади. Бу гал термометр бир юз саксон даража совуқни кўрсатди. Агар тупроқнинг Қуёш тафтидан анча илиб қолганини ҳисобга олмаса, фарқ катта. Шунга қарамай, Тюрин Соколовскийга ғоли-

бона бир қиёфада кўз ташлаб, қатъий суратда эълон қилди:

— «Жазирама денгиз» — буни шундай деб атаймиз.

Юз саксон даража совуқда жазирама! Дарвоқе, бунинг «Ёмғир денгизи» ёки «Фароғат денгизи»дан нима фарқи бор? Астрономлар ўзи шунақа ғалати халқ!

Тюрин яна икки-уч жойда тупроқ хароратини ўлчаш учун бир-икки юз километр ғилдиракларда юришни таклиф қилди.

Биз энди бошқа денгиз тубидан борардик. Мен унга жон деб «Силкиниш денгизи» деган ном берардим. Денгиз туби дўнгликлар билан қопланган, баъзиларининг усти ёғ суртгандай йилтирайди. Нефть қатламлари эмасмикин? Қаттиқ силкинишга қарамай, биз юришда давом этдик. Тюрин тез-тез ҳароратни ўлчарди. Бир жойда термометр икки юз даража совуқни кўрсатган эди, астроном термометрни тантанали равишда Соколовскийнинг кўзига яқинлаштирди. Нима гап? Гап шундаки, гарчи биз ой куни томон юраётган бўлишимизга қарамай, ҳарорат яна пасайган экан, демак, масала фақат тупроқнинг Қуёш тафтидан исишида эмас. Ҳар ҳолда, профессор бу гал ҳақ.

Тюрин шод эди. Биз ҳавзадан чиқиб, жарликни айланиб ўтгач, циркнинг тош уюмлари устидан сакрадик-да, текис жойда бир оз юриб, тог тепасига кўтарилдик.

Ундан ошиб ўтганимиздан сўнг қаршимизда баландлиги ўн беш километр келадиган тоғ девори пайдо бўлди. Гарчи Қуёш уфқдан анча кўтарилган бўлса ҳам, бу девор уни биздан тўсиб турарди. Фавқулодда баланд бу тўсиққа урилиб кетишимизга сал қолди. Соколовский ракетани кескин буриб юқорилатди.

— Мана буни топилма деса бўлади!— деб хитоб қилди Тюрин.— Бу тоғ занжирини Альп ҳам, Кордильер ҳам деб бўлмайди. Бу... Бу...

— Тюриньер!— деди Соколовский.— Ҳа, Тюриньер тоғлари. Оҳангдор ва сизга тўла муносиб ном. Бундан баланд тоғни топишимиз қийин.

— Тюриньер,— деб такрорлади довдираб қолган Тюрин.— Ҳм... Ҳм... бир оз ноқулайроқ. Лекин жуда жарангли эшитилади: Тюриньер. Майли, сиз айтганча бўлсин,— дея розилик берди у. Скафандр ойнасидан унинг яшнаб кетган юзини кўрдим.

Катта ярим доира ясаб, юқорига кўтарилишимизга тўғри келди. Бу тоғ «осмон-фалакка» чиқиб кетган эди... Ниҳоят яна Қуёшни кўрдим. Кўзни қамаштирувчи кўм-кўк Қуёш! Мен беихтиёр кўзларимни юмдим. Кўзимни очганимда менга, гўё биз Ойни тарк этиб, само бўшлиғида учиб бораётгандай туюлди... Мен орқамга қараб, Тюриньернинг тик деворини кўрдим, унинг пойдевори зим-зиё бўшлиққа кириб кетган эди. Олдинда ҳеч нарса йўқ. Остимиз — бўм-бўш. Зим-зиё бўшлиқ. Акс нур аста-секин сўниб боряпти, ундан нари — яна қоронғилик.

Саргузашт деб шуни айтадилар-да! Ойнинг нариги томони ярим шар шаклида эмас, балки шарнинг қандайдир бир бўлагига ўхшар экан. Ҳамроҳларим ҳам ҳаяжонда. Мен ўнгу сўлимга қарайман. Бўм-бўш. Ойнинг кўринмас томони қанақалиги ҳақи-

даги фаразлар ёдимга тушди. Кўпчилик астрономлар Ойнинг нариги томони ҳам бу томонга ўхшайди, фақат денгиз ва тоғлари бошқача, деб тасдиқлашарди. Кимдир, Ой ноксимон шаклда, деган фикрни айтганди. Ер томондан у шарга ўхшайди, нариги томони эса нокка ўхшаш чўзинчоқроқ. Шунинг учун ҳам гўё Ой ҳамиша Ерга бир томони, оғирроқ томони билан қараб турармиш. Лекин биз янада ақл бовар қилмайдиган нарсани кўрдик: Ой — шарнинг ярми. Иккинчи ярми қаерда қолди?

Учиш бир неча минутдан бери давом этяпти, лекин биз ҳануз зим-зиё бўшлиқ устидамиз. Тюрин гаранг кишидай ўтирибди. Соколовский индамайди, тобора порлашни кучайтиряпти: у бунинг ҳаммаси нима билан тугашини тезроқ билишга ошиқарди.

Биз бўшлиқда қанча муддат учганимизни билмайман, бир маҳал шарқ томонда Ойнинг ялтироқ ҳошияси кўзга ташланди. Биз худди океанда кўп кунлар сузиб, ниҳоят, кутилган соҳилга кўзи тушган саёҳатчилардай қувониб кетдик. Демак, биз Ойдан қулаб кетмаган эканмиз-да? Бўлмаса, остимиздаги бўшлиқ нима эди?

Тюрин буни биринчи бўлиб пайқади.

— Жарлик!— деб хитоб қилди у скафандрини меники билан уриштириб.— Ҳаддан ташқари кенг ва чуқур жарлик!

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Кўп ўтмай биз жарликнинг нариги четига етиб бордик.

Мен орқамга қараб, Тюриньерни кўрмадим. У уфқ ортида қолиб кетган эди. Фақат зим-зиё бўшлиқ қорайиб турарди.

Бу кашфиётдан учовимиз ҳам ҳангу манг эдик. Соколовский қулай жойни танлаб, ракетани қўндирди.

Биз индамай кўз уриштириб олдик. Тюрин скафандрини қашлади — у жуда боши қотиб қолган одамлардай гарданини қашимоқда эди. Биз скафандрларимизни яқинлаштирдик: ҳаммамиз ҳам ўз таассуротларимиз билан ўртоқлашишни истардик.

— Буни қаранглар-а,— деди ниҳоят Тюрин.— Бу Ойдаги бошқа жарликларга ўхшамайди. Бу жарлик Ой орқа томонининг у бошидан-бу бошигача чўзилган. Чуқурлиги ҳам планета умумий диаметрининг ўндан бир қисмидан кўпроқ келади. Бизнинг беозор йўлдошимиз касал, оғир касал экану, биз бўлсак бундан бехабар эканмиз. Ҳайҳот, Ой — чала ёрилган шар.

Мен Ойнинг ҳалокати ҳақидаги ҳар хил фаразларни эсладим. Баъзилар, Ой Ер атрофида айланиб-айланиб, охири ундан узоқлашиб кетади, дейишади. Шунинг учун ҳам келажакдаги Ер аҳолисининг кўзи олдида Ой тобора кичрайиб борармиш. Олдин у Зуҳро билан тенглашиб, кейин оддий юлдуздай бўлиб қолармиш, ва ниҳоят, бизнинг содиқ йўлдошимиз асрий бўшлиқда абадий ғойиб бўлармиш. Баъзилар, аксинча, Ойни бориб-бориб Ер ўзига тортиб олади, деб қўрқитишади. Шунга ўхшаш ҳодиса илгари ҳам юз берган эмиш: Ернинг иккинчи йўлдоши — кичкина Ой қачонлардир Ерга қулаб тушган дейишади. Шунинг натижасида Тинч океанининг ўрни пайдо бўлган эмиш.

— Ой нима бўлади?— деб сўрадим мен хавотирланиб.—

Ерга қулаб тушадими ёки асрий бўшлиққа чиқиб кетадими?

— Униси ҳам, буниси ҳам бўлмайди. У Ер афтрофида беҳисоб узоқ муддат айланиб юраверади, фақат шакли ўзгариши мумкин,— жавоб берди Тюрин.— Агар у фақат иккига бўлинса, Ер иккита йўлдошга эга бўлади. Иккита «ярим ой». Лекин аниқроғи — Ой майда қисмларга бўлиниб кетади ва шундай қилиб, Ер атрофида Сатурнникига ўхшаш ёруғ минтақа пайдо бўлади. Майда бўлаклардан ясалган ҳалқа. Мен буни илгари ҳам айтганман, лекин Ойдан маҳрум бўлишимиз хавфи мен ўйлагандан кўра яқинроқ... Ҳа, мен Ойга ачинаман,— деб давом этди у қоронғи жарликка тикилиб.— Ҳм... Ҳм... Балки бу ҳолнинг юз беришини кутиб ўтирмасдан, уни тезлаштирилса-чи? Ойни парчалаб ташлаш учун мана шу жарликка бир тонна потентал жойлаштириш кифоя қилса керак. Модомики, у ўлимга маҳкум этилган экан, лоақал бу ҳол бизнинг кўз олдимизда, бизнинг иродамиз билан юз берсин.

— Қизиқ, жарлик Ой қобиғининг қанча ичкарисига кириб борган-а?— деди Соколовский. Уни, геолог сифатида. Ойнинг тақдири эмас, планетанинг деярли марказигача кириб бориш имконияти қизиқтирарди.

Бу саёҳатга Тюрин дарров рози бўлди.

Биз ҳаракат режасини муҳокама қила бошладик. Тюрин ракета-вагонни портлаш билан тормозлантириб, жарликнинг тик ёнбағридан аста-секин тушишни таклиф қилди.

— Тўхтаб-тўхтаб, ҳароратни ўлчаш мумкин,— деди у.

Лекин Соколовский бундай йўл билан тушишни огир ва ҳатто хатарли деб ҳисобларди. Бунинг устига, секин тушилганда ёнилғи кўп сарф бўлади.

— Яхшиси, тўппа-тўғри тубига тушамиз. Қайтишда, агар ракета учун қулай майдонча топилса, икки-уч жойда тўхташимиз мумкин.

Соколовский капитанимиз эди, бинобарин, Тюрин бу гал итоат этишга мажбур бўлди. У фақат секинроқ тушишни ва ёнбағирнинг геологик составини кўриш учун иложи борича жарлик четига яқинроқ учишни илтимос қилди.

Биз туша бошладик.

Ракета жарлик тепасига кўтарилиб, ярим доира ясади-да, пастга қараб шўнғиди. Анча тиккага келиб қолган Қуёш ёнбағирнинг бир қисмини маълум чуқурликкача ёритиб турарди. Жарликнинг нариги ёнбағри ҳали кўринмасди. Ракета тоғдан тушаётган чанадай тобора қиялаб боради. Биз оёқларимизни тираб гавдамизни орқага ташлаб олган эдик. Тюрин фотоаппаратни чиқиллатарди.

Аввал силлиқ, қоп-қора қоялар кўринди. Баъзан улар кўкимтир тусга кирарди. Кейин қизғиш, сарғиш, зангори ранглар кўзга ташлана бошлади. Мен буни, бу ерда атмосфера узоқ сақланганидан ва металлар, айниқса темир, кислороднинг кучли таъсири остида Ердаги каби оксидланиб қолганидан, деб билдим.

Кейинчалик менинг бу тахминимни Тюрин билан Соколовский тасдиқлашди.

Кутилмаганда қоронғилик қаърига шўнғидик. Ракета соя жойга кирган эди. Бир лаҳза кўзларимиз ҳеч нарсани кўрмай қолди. Ракета ўнгга бурилди. Қоронғида қояга яқин учиш хавфли эди. Прожекторлар ёқилди. Икки нур тиғи зулмат қаърини тилиб борар, лекин ҳеч нарса кўринмасди. Тушиш секинлашди. Бир неча минут ўтди ҳамки, биз ҳамон бўшлиқда учиб борардик. Агар атрофда юлдузлар йўқлигини демаса, бемалол сайёралараро бўшлиқда учиб кетяпмиз, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин, мана нур ўткир қояга қадалди. Соколовский учишни яна ҳам секинлатди. Прожекторлар тоғ жинсларининг дағал қатламларини ёритди: Ўнг томонда девор кўринди. Биз чапга бурилдик. Аммо чап томонда ҳам ана шундай девор пайдо бўлди. Энди биз тор дарадан учиб борардик. Теварак-атрофимиздан ўткир қоялар бизни қисиб турарди. Қўниш мумкин эмас эди. Бир неча километр пастладик, лекин дара ҳануз кенгаймасди.

— Шу билан кифояланиб, юқорига кўтарилишга тўғри келади,— деди Соколовский.

Бизнинг ҳаётимиз ва ракетанинг хавфсизлиги унинг зиммасида эди. Аммо Тюрин орқага қайтишни тақиқлагандай Соколовскийнинг билагидан ушлади.

Учиш бир соат, икки соат, уч соатлардан бери давом этяпти — аниғини айтиш қийин.

Ниҳоят, қияроқ бир майдонча кўринди, ҳарҳолда ўша ерга қўнса бўларди. Ракета ҳавода бир тўхтаб олиб, кейин жуда секинлик билан пастлай бошлади. Мана, ғилдиракларнинг ерга теккани ҳам сезилди. Ракета ўттиз даража қиялик билан турарди.

— Мана,— деди Соколовский.— Олиб тушишга олиб тушдим, лекин қандай қилиб қайтиб чиқиб кетамиз, буни билмайман.

— Энг муҳими — мақсадга эришдик,— жавоб берди Тюрин.

Ҳозир у бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлашни истамасди, тупроқ ҳароратини ўлчаш билан банд эди. Унинг бахтига, термометр бир юз эллик даража совуқни кўрсатди. Унчалик юқори ҳарорат эмас, лекин ҳарҳолда фараз ўзини оқлагандай кўринарди.

Геолог эса аллақачон болғачасини ишга солиб юборган эди. Болға остидан учқунлар сачрар, лекин бирор парча кўчиб тушмасди. Ниҳоят, ҳориб-чарчаган Соколовский қаддини ростлаб, скафандри билан мен томон энгашди:

— Асл темир. Ўзим ҳам шуни кутган эдим. Тайёр кўчмалардангина фойдаланишга тўғри келади.— Шундай деб, у намуналар қидиришга тушиб кетди.

Мен юқорига қарадим ва беҳисоб юлдузларни, Сомон йўлини, ранг-баранг учқун шодаси териб қўйилгандай ярқираб турган жарлик четларини кўрдим. Кейин прожектор нури кетган томонга қарадим. Бирдан ён томондаги кичкина ёриқ олдида нур титраётгандай туюлди. Мен ёриқ олдига бордим. Ростдан ҳам шундай: ичкаридан билинар-билинмас буғ ёки газ оқими чиқиб турарди.

Яна бир текшириб кўриш мақсадида бир чимдим кулни олдимда, оқимга қараб отдим. Кул атрофга тўзгиб кетди. Бу жуда қизиқ ҳол эди. Шерикларимнинг диққатини тортиш ва бу ёққа чақириш ниятида бир четда илиниб турган қоя парчасини олиб улоқтирдим. Тош пастга учиб кетди. Ўн секунд ўтар-ўтмас тупроқнинг енгил титраганини пайқадим. Кейин иккинчи, учинчи, тўртинчи марта — ҳар гал олдингисидан кучлироқ ер титрагани сезилди. Мен нима гаплигини билолмай ҳайрон эдим. Айрим зарбалар шу қадар кучли эдики, ернинг тебраниши бутун баданга ёйиларди. Шу пайт каттакон бир тош олдимдан визиллаб ўтиб кетди. У прожектор нурини кесиб ўтаётиб, метеоритдай бир ярқ этди-ю, зим-зиё бўшлиқда ғойиб бўлди. Қоялар титради. Мен катта хатога йўл қўйганимни сездим. Тоғда кичкина бир тошнинг қулаши катта ўпирилишларга сабаб бўлади. Ҳозир ҳам шундай ҳол юз берган эди. Ҳаммаёқдан қоя парчалари, тошлар қулаб туша бошлади. Улар қояларга келиб урилар, ундан сакраб, бир-бирлари билан тўқнашишар, атрофга учқун сачратишарди... Агар Ерда бўлганимизда момақалдироқдай ваҳимали гулдиросни эшитган бўлардик, лекин бу ерда ҳаво йўқ, бинобарин, мутлақ сукунат ҳукмрон эди. Товуш, тўғрироғи — тупроқнинг тебраниши оёқлардангина ўтарди. Мен қаёққа қочишни, қаёқдан паноҳ излашни билмасдим... Агар ракета майдончасида туриб, менга зўр бериб қўл силкиётган Соколовскийни кўриб қолмаганимда, ким билади, турган жойимда ўлиб кетармидим. Ҳа, албатта, фақат ракетагина бизни сақлаб қолиши мумкин!

Бир неча сакрашдаёқ ракета олдига бориб қолдим ва тўхтамай майдончага отилдим, Соколовский шу заҳотиёқ ричагни тортди. Биз орқага қалқиб кетдик, бир неча минутгача оёғимиз осмонда бўлиб учдик. Соколовский ракетани шу қадар тик ҳайдарди. Ракетадан кетма-кет портлаш эшитиларди.

Соколовский ракетани юқорига ва ўнгга, иложи борича жар ёнбағридан нарироққа бурарди. Унинг бундай ноқулай ҳолатда туриб ракетани бошқаришидан ҳайратланаман! Чиндан ҳам кўпни кўрган, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмайдиган одам экан. Кўринишидан эса жуда оддий, шалдур-шулдур.

Ракетамиз Қуёш ёритиб турган кенгликка киргач ва дара соҳилидан анча узоқлашгандан кейингина Соколовский учишни секинлатиб, ракетани тўғрилади.

Тюрин ўриндиққа ўрмалаб чиқиб олди-да, скафандрини ишқалади. Афтидан, профессор бўйнини андак лат едирганга ўхшайди.

Одатда катта фалокатдан омон қолган одамларда бўлганидай, бизни бирдан асабий бир шодлик чулғаб олди. Биз скафандр ойнасидан бир-биримизга тикилар ва тинмай кулардик...

Тюрин жарликнинг ёруғ томонига ишора қилди. Ҳозирги воқеа биз учун майдон тайёрлаб қўйган эди. Яна қанақа майдон денг?! Қаршимизда ўнлаб ракетага мос улкан ракетодром жойлаша оладиган поғона ҳосил бўлган эди. Соколовский ракетани

ўша томонга бурди, кўп ўтмай кафтдай текис майдонга қўндик. Ракета қарийб деворгача ғизиллаб бориб тўхтади. Тош ёки темир бу деворда узунасига кетган ёриқлар бор эди. Ҳар бир ёриққа ёнма-ён қўйганда бир неча поезд сиғиши мумкин.

Биз «ракетодром» майдончасига тушдик. Ҳали ҳам ўзимизга келолмаган эдик. Асабларимизни жойига келтириш учун ҳаракат қилиш, ишлаш иштиёқини сезардик.

Мен Тюрин билан Соколовскийга «гейзер» топганим ҳақида, бизни ҳалок қилишига сал қолган ўпирилишга мен сабабчи бўлганим тўғрисида гапириб бердим. Аммо булоққа қизиқиб қолган Тюрин менинг айбим ҳақида оғиз ҳам очмади.

— Бу ахир жуда катта кашфиёт!— деб хитоб қилди у.— Ой жудаям ўлик планета эмас, деб ҳаммавақт айтардим. Озгина бўлса ҳам газ қолдиғи қандай составда бўлмасин — атмосфера унда сақланган бўлиши керак. Сиз кўрган нарса — олтингугурт буғи бўлиши мумкин. Ой қобиғининг қаеридадир ҳали қайноқ магма сақланиб қолган. Буюк ёнғиннинг сўнгги ёниб тугаётган кўмирлари. Бу жарлик қаъридан буғлар ўзига йўл топган. Синаб кўриш учун озгина олмаганимизни қаранг. Қандай бўлмасин шу ишни қилиш керак. Ахир бу нарса олимлар ўртасида катта шов-шув туғдиради ҳали. Артемьев булоғи! Хўп денг! Сиз бунга тўла ҳақлисиз. Ҳозироқ учамиз.

У ракетага сакрамоқчи бўлган эди, Соколовский норозилик билан бош чайқади:

— Бугунга етади,— деди у.— Дам олиш керак.

— «Бугунга» деганингиз нимаси?— эътироз билдирди Тюрин.— Ойнинг бир куни Ердаги ўттиз кунга баравар. Ўттиз кун бир жойда қимирламай ўтираверасизми?

— Йўқ, ўтирмайман,— жавоб берди Соколовский муросага келиб.— Аммо манави жаҳаннамдан чиқишда рулда сиз ўтирганингизда эди, менинг аҳволимни тушунган ва бундай таклиф киритмаган бўлардингиз.

Тюрин Соколовскийнинг ҳорғин чеҳрасига қараб, индамай қолди.

Биз скафандрлардаги кислород запасини янгилаб, бир-биримиздан кўпам узоқлашмаган ҳолда теварак-атрофни кўздан кечиришга қарор килдик.

Мен ял-ял товланиб турган энг яқин дарага қараб йўл олдим. У ердаги қоялар пуштиранг ва қизғиш тусда эди. Ана шу фонда тўқ кўк доғлар, афтидан бошқа жинс қатламлари бўлса керак, яққол ажралиб турарди. Ранглар ўзаро жуда чиройли бирикиб кетган эди. Мен тобора даранинг ичкарисига кириб борардим. Даранинг бир деворини Қуёш равшан ёритиб турибди, иккинчи деворга эса нур қия урилиб, пастда энсизгина соя ҳосил қилганди.

Кайфиятим яхши эди. Кислороднинг маст қилувчи оқими ўпкамга қуйилиб турарди. Ўзимни ғоят енгил ҳис қилардим. Баъзан буларнинг ҳаммасини тушда кўраётгандай бўлардим. Мароқли, ажойиб туш!

Ен томондаги даралардан бирида мангу қотиб қолган ранглар «шалоласи» ярқирарди. Улар менинг диққатимни тортди, дарҳол ўнгга бурилдим. Кейин яна ва яна бурилишга тўғри келди. Ниҳоят, дараларнинг бутун бир йиғиндиси олдидан чиқиб қолдим. Бу ерда адашиб кетиш ҳеч гап эмас эди, лекин мен йўлни эслаб қолишга ҳаракат қилардим. Ҳамма ерда ўша доғлар. Еруг жойда тўқ кўк тусда, сояга ўтилса тўқ сариқ, ярим кўланкада эса — оч кулранг. Ажабо, рангларнинг турлангани қизиқ: ахир ойда рангни ўзгартирувчи атмосфера йўқ-ку. Мен ана шундай доғларнинг бирига яқинлашиб, разм солдим. Йўқ, бу тош жинси эмас. У қабариқ ва менинг назаримда, наматдай юмшоқ эди. Бир тошга ўтириб, доғни кўздан кечиришга тутиндим.

Шу пайт, кутилмаганда, у соя жойдан ёруғ томонга сал силжигандай туюлди. Кўзим алдаяпти. Мен унга жуда узоқ тикилиб қолдим. Фикран бир нуқтани белгилаб, кузатишда давом этдим. Бир неча минутдан сўнг шубҳага ўрин қолмади: доғ ўрнидан силжиган эди. У соя жойдан чиқиб, кўз олдимда кўк тусга кира бошлади.

Ўрнимдан сакраб туриб, девор олдига чопиб бордим. Қоя қиррасига тирмашиб, яқин турган бир доғдан юмшоқ, наматсимон парчани юлиб олдим. У арча нусха нозик иплардан иборат эди. Ўсимлик-ку! Ҳа, албатта ўсимлик-да! Ой йўсини. Мана сизга кашфиёт! Кулранг доғдан яна бир тутам юлдим. Бу тутам қупқуруқ эди. Унинг илдиз томонига кўз югуртириб, охири майда сўрғичлар билан туговчи оқиш «ёнғоқча»ларни кўрдим.

Биологик муаммо. Кўринишидан йўсинга ўхшайди. Лекин сўрғичлари нимаси? «Илдизоёқлар!» Қоя бўйлаб Қуёш нурига эргашиб юра оладиган ўсимлик. Унинг кўк тусдалиги, албатта, хлорофиллдан. Нафас олиш, намлик-чи? Уларни қаёқдан олади?.. Мен Кэц ҳақидаги, составидан ҳам кислород, ҳам сув ажратиб олиш мумкин бўлган осмон тошлари тўғрисидаги гапларни эсладим. Албатта, Ойдаги тошларда ҳам бириккан ҳолда кислород билан водород — ҳаво ва сув составига кирувчи элементлар бор. Нега бўлмас экан?.. Ахир Ердаги ўсимликлар ғоят мураккаб кимёвий ишлаб чиқаришга эга бўлган ажойиб «фабрика» эмасми? Қурғоқчилик ва жазирамадан тамом қовжираб кейин сувга солсанг қайтадан кўкариб кетадиган ўсимликлар Ерда йўқми? Бор. Бу ердаги ўсимликлар ҳам Ойнинг совуқ тунларида уйқуга кетади. Қуёш чиқиши билан «кимёвий фабрика» ҳаракатга келиб, ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани ишлаб чиқараверади. Уларнинг ҳаракат қилиши-чи? Ерда ҳам бундай ўсимликлар йўқ эмас. Организмнинг мослашиш қобилияти чегарани билмайди.

Мен сумкамни йўсинга тўлдирдим-да, ўз «бойлигим» билан тезроқ мақтанишни ўйлаб хурсанд бир кайфиятда изимга қайтдим.

Ен томондаги даранинг охиригача бориб, ўнгга, ундан кейин яна ўнгга бурилдим. Бу ерда мен ярқираб турган ёқут ва олмосларга дуч келишим керак эди, лекин уларни кўрмадим... Орқага қайтиб, бошқа дарага бурилдим... Бутунлай нотаниш жой!

Қадамни тезлатдим. Энди юриб эмас, сакраб борардим. Жарлик четига етганда ҳайратдан қотиб қолдим. Қаршимда тамом янги манзара очилган эди. Жарликнинг нариги томонида тоғ тизмаси бўй чўзган. Бир хил баландликда учта чўққи алоҳида ажралиб турибди. Улар чақмоқ қанддай ярқирайди. Мен бунақа оппоқ чўққиларни умрим бино бўлиб кўрган эмасман. Албатта, бу қор эмас. Ойда қор ёғмайди. Балки, булар бўр ёки гипс тоғларидир. Лекин гап тоғда ҳам эмас. Мен бутунлай адашиб кетганимга ишонч ҳосил қилдим.

Юрагимни ваҳима босди. Гўё бирдан бу ажойиб Ой дунёси менга терс ўгирилиб олди. У инсонга нақадар ёт эди шу тобда! Гул ва кўкатлари, сон-саноқсиз парранда ва ҳайвонлари бўлган бизнинг ўрмонларимиз, дала ва яйловларимиз бу ерда йўқ.

Бу ерда турли-туман балиқларга тўла дарё ва кўллар йўқ. Ой шунақа хасис, у одамга нон ҳам, сув ҳам бермайди. Ерда адашиб қолган киши ҳеч бўлмаганда ўсимлик илдизини еб ҳам бир неча кун яшаши мумкин. Бу ерда-чи? Яланғоч қоялардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Йўсинлар-чи? Улар қумдай гап, уларни еб бўлмайди. Мабодо, атрофимда сут дарёлари оқиб ётганда ҳам барибир мен очлик ва сувсизликдан ўлиб кетган бўлардим: ахир скафандримни еча олмайман-ку.

Скафандр! Мен уни эслаб, худди вужудимни асрий музлик чирмаб олгандай, титраб кетдим. Менга нафас олиш ва яшаш имконини берадиган бутун «атмосфера» елкамдаги кичкина баллонга жойлашган. У олти соатга етади; йўқ, озроқ: кислород запасини янгилаганимдан бери икки соат ўтди. Кейин нима бўлади? Бўғилиб ўламан... Кислород запаси ва мадорим қуримай туриб, тезроқ катта дарага чиқиб олишим керак!

Мен яна орқамга қайтиб, чигирткадай сакраб кетдим. Яхши ҳамки бу ерда сакраш одамни Ердагидай чарчатмайди...

Мана, дара ҳам тугади. Қаршимда Қуёш нури ёритиб турган, гилам ёзилгандай кўм-кўк янги дара. Афтидан, соя жойдаги ҳамма йўсинлар ўрмалаб чиқиб олганга ўхшайди. Лаънати йўсинлар! Уларни кўришга кўзим йўқ эди, лекин қаёққа қарамай, кўк ранг «манаман» деб турарди...

Балки бу ўзим келган ўша дарадир? Кўкариб қолгани учун таниёлмаётгандирман?

Яна бурилдим — қоп-қоронғи тор бир дара. Қуёш қиздирган костюмдан баданимга совуқ ўтгандай бўлди. Ёки асабларим чарчадими?..

Энди қаёққа юриш керак? Орқада, икки марта бурилганингдан кейин, чуқур жарлик. Олдинда — зим-зиё, тор дара.

Мен беҳад дармонсизланганимни ҳис қилдим, дағал бир тошга бўшашибгина ўтириб қолдим. Бирдан остимдаги тош қимирлаб, ўрмалаб кетди... Бир нарса чақиб олгандай сапчиб ўрнимдан турдим. Асабларим ғоят нотинч эди. Жонли тош! Янги жонивор! Янги кашфиёт! Аммо шу дақиқада кашфиёт ҳақида ўйлайдиган аҳволда эмас эдим. Ўрнимдан турдиму олдинга отилдим.

Қаёққа кетаётганимни ҳатто ўйламасдим ҳам. Баъзан менга

баллондаги кислород тугаётгандай, ҳали-замон нафасим бўғиладигандай туюларди. Шундай пайтларда тўхтаб, кўкрагимни ушлардим. Бу ҳам ўтарди. Асаблар, асаблар! Майли, нафас олишга яроқсиз бўлса ҳам, Ойда атмосфера бўлганда эди! Тошни бир-бирига уриштириб, ёрдамга чақирардим. Атмосфера орқали акс нур-ракета прожекторларининг шуъласи ўтган бўларди. Дарвоқе, ҳозир бунинг ҳам фойдаси тегмасди: кўкдан кўзни олувчи қуёш нури ёғиларди. Агар скафандрнинг кўкиштоб ойнаси бўлмаса кўр бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Тамом умидсизланиб, ўлимимни кутиб турган пайтимда бирдан катта дарага кўзим тушиб қолди. Мен худди Васильев оролидаги Катта кўчага чиқиб қолгандай суюниб кетдим.

Одам деб шуни айтадилар-да! Ҳеч нарсани ўйламай, таваккалига юрган пайтимда туйғу мени шу ерга бошлаб келди.

Аммо кўп ўтмай қувонч ўрнини яна ташвиш эгаллади. Қайси томонга юриш керак? Ўнггами ёки чапгами? Мўлжални тамом йўқотдим! Яна «туйғу»ни синаб кўрмоқчи бўлган эдим, фойда чиқмади. Ўнгга қадам ташласам ҳам туйғу ғинг этмайди, чапга боссам ҳам.

Яна «бош мия»га мурожаат қилишга — ўйлашга тўғри келди. Ракетадан тушиб, ўнгга бурилган эдим. Демак, ҳозир чапга юриш керак. Чапга кетдик.

Шу алфозда бир соатча юрдим. Очлик азоб бера бошлади. Даранинг эса охири кўринмайди. Қизиқ. Биринчи гал бурилишгача ярим соатдан озроқ юрган эдим-ку. Демак, бошқа томонга кетяпман. Орқага қайтайми? Қанча вақт бекорга кетди! Мен шаҳд билан олдинга қараб юравердим. Бир маҳал дара торайди. Ҳа, бўлди — адашибман. Тезроқ орқага!

Қуёш аёвсиз қиздирарди. Оқ плашни ёпиниб олишга тўғри келди. Очлик тобора азоблар, ҳорғинлик қийнар, лекин мен худди ёв қувгандай тинимсиз сакраб чопардим. Бирдан олдимдан жарлик чиқиб қолди. Унчалик катта эмас, сакраб ўтса бўлади. Лекин ҳамма бало шундаки, бу ёққа келаётганимда мен уни учратмаган эдим! «Ёки хаёл суриб, пайқамай қолган эканманми?» Аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Юрагим гупиллаб урарди. Тамом бўлдим! Бир оз дам олиш ва ўзимга келиш учун чўзилишга мажбур бўлдим. Қоп-қора осмондан менга зангори Қуёш тикилиб турарди. Менинг жасадимни ҳам мана шундай бефарқ ёритиб тураверади у... Йўқ, йўқ! Мен ҳали ўлганим йўқ! Кислород запаси ва қувватим бор... Шартта ўрнимдан турдим-да, бир сакрашда жарликдан ўтиб, чопиб кетдим. Қаёққа? Олдингами, орқагами — барибир, фақат тўхтамасам бас!

Дара кенгайиб борарди. Бир соатча сакраб чопганимдан кейин, ниҳоят, йиқилиб қолдим. Шунда биринчи марта чиндан ҳам ҳаво етишмаётганини ҳис қилдим. Бу энди ўз-ўзини алдаш эмас эди. Кўп ҳаракат қилганим учун кислород запаси вақтидан олдиноқ тугаган эди.

Тамом, тамом... Алвидо, Тоня!.. Арманистон...

Бошим айлана бошлади.

Шу пайт тепамда тухумсимон ракетамизнинг Қуёш нури ярқираган бир ёнини кўриб қолдим. Мени қидиришяпти! Қутулдим! Охирги кучимни йиғиб, сакраб турдим-да, қўлларимни силкитдим, овозим скафандрдан нари чиқмаслигини ҳам унутиб, ҳой-ҳойлаб бақирдим... Ҳайҳот! Қувонч қандай тез туғилган бўлса, шу қадар тез ғойиб бўлди: мени пайқашмади. Ракета дара устидан учиб ўтиб, тоғ чўққилари ортига беркинди.

Шу билан сўнгги мадорим ҳам тугади. Руҳимни қандайдир лоқайдлик эгаллаб олди. Кислород етишмаслиги ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Кўз олдимда минглаб зангори қуёш айланарди. Қулоқларим ғувуллаб, ҳушдан кетдим.

Шу куни қанча вақт ётганимни билмайман.

Бир маҳал, ҳали кўзларимни очмай, чуқур нафас олдим. Ўпкамга ҳаётбахш кислород қуйиларди. Кўзимни очдиму Соколовскийнинг тепамга энгашиб турган юзини кўрдим. У менга ташвиш билан тикиларди. Мен ракетамиз ичида, полда ётардим, афтидан, шу ерга олиб келишган бўлса кеак. Лекин нега скафандиримни ечишмаяпти?

— Сув...— деб шивирладим мен, гапимни эшитмасликларини ўйламай. Лекин Соколовский лабимнинг ҳаракатидан илтимосимни тушунди. У мени креслога ўтқазди-да, скафандрини яқинлаштириб, деди:

— Чанқагансиз, қорнингиз очган, албатта.

— Ҳа.

— Афсуски, сабр қилишга тўғри келади. Аварияга учраганмиз. Дарадаги тоғ ўпирилиши ракетага бир оз шикаст етказган. Тош тегиб, дераза ойналари синган.

«Ўлим дараси»дан учиб чиқаётган вақтимизда ракетага бир нарсалар урилганини эсладим. Лекин у пайтда эътибор бермаган эдим.

— Эҳтиёт ойналаримиз бор,— давом этди Соколовский.— Лекин уларни ўрнатиш учун кўп вақт кетади. Қисқаси, катта ракетамизга тезроқ етиб олишимиз керак. Ойдаги саёҳатни тугатишга тўғри келади.

— Нега мени ракета ичкарисига олиб кирдингиз?

— Шунинг учунки,— жавоб берди Соколовский,— икки-уч соатда манзилга етиб олиш учун жуда катта космик тезликда учишга тўғри келади. Портлашлар кучли бўлади, гавданинг оғирлиги бир неча марта ортади. Сиз жуда бедармонсиз, устки майдончада ўтиролмайсиз. Профессор Тюрин ҳам сиз билан бирга кабинада бўлади.

— Тирикмисиз, азизим!— мен Тюриннинг товушини эшитдим.— Сизни топишдан умидимизни узиб қўйган эдик...

Бу овозда кутилмаган бир илиқлик бор эди.

— Энди полга чўзилинг. Мен ҳам ёнингизда ётаман, ўртоқ Соколовский рулга ўтиради.

Бир минутдан кейин ойнаси синиқ ракетамиз тоғ чўққилари устидан учиб борарди. Кескин равишда ғарбга бурилдик. Бир лаҳза ракета ёнбошлаб қолди. Пастда бизни ҳалок қилишига

озгина қолган тубсиз жарлик ва дарадаги қўниш майдончаси кўринди. Ракета портлашлар зарбидан титрарди. Танага қўрғошин қуйилгандай. Қон гоҳ бошга, гоҳ оёққа урилади. Менинг яна бошим айлана бошлади... Сал ҳушдан ҳам кетдим, лекин бу гал ўзимни тез ўнглаб олдим. Кислород — ажойиб ҳаётбахш дори. Соколовский скафандримга кўпроқ миқдорда кислород кириши ҳақида ғам егани сезилиб турарди. Лекин босим бир атмосферадан ошмаслиги керак, акс ҳолда костюм бардош беролмайди. Шундоқ ҳам у ортиқча ҳавони чиқариб турувчи механизми бузилиб қолган ғаввос костюмидай қаппайиб кетган эди.

Саёҳат пировардигача шу қадар соғайиб кетдимки, кичкина ракетадан ўзим тушиб, катта сайёралараро кемамизга ўз оёғим билан чиқдим.

«Ғаввос» костюмини қандай ҳузур билан ечиб улоқтирганимни кўрсангиз эди! Еб-ичиш десангиз — беш кишининг улуши!

Кайфиятимиз тез яхшиланиб кетди. Мен энди ўз саргузаштларим, илмий кашфиётларим ҳақида кулиб гапирар ва тош деб ўйлаб, «Ой тошбақаси»ни қўлдан чиқазиб юборганим учун ўзимни сира кечиролмасдим. Дарвоқе, унинг мавжудлигига энди шубҳа билан қарардим. Эҳтимол, бузилган асабларим тўқиган хаёлотдир. Аммо йўсинлар, «ўрмаловчи йўсинлар», «Тушлар мамлакати»дан келтирилган ўлжадай менинг сумкамда ётарди.

Ойга уюштирилган экспедициямиз, қисқа муддатли бўлишига қарамай, бой илмий самаралар берди. Бизда Ер олимлари ўртасида шов-шув бўладиган маълумотлар талайгина эди.

Қайтишимиз осойишта бўлди. Номаълумлик қаршисида одамни беихтиёр босадиган руҳсизлик энди йўқ эди. Кэц Юлдузига худди ўз уйимизга қайтаётгандай учиб борардик. Лекин қани у? Мен осмонга қарадим. Баландда, жуда олисда «ер» ўроғи осилиб турибди. Пастда кўкнинг ярмини Ой эгаллаган. Унинг бағрида ўлиб кетишимга бир баҳя қолган бўлса ҳам, кўриниши ваҳимали эмасди ҳозир.

Мен мана шу Ой устида кезиб юрдим, унинг сиртида бизнинг изларимиз қолди, «Ой парчаси»ни ўзимиз билан Кэцга, Ерга олиб кетяпмиз. Бу ҳол бизни Ой билан янгидан, яна ҳам кўпроқ яқинлаштирарди...

XV. ЮЛДУЗДАГИ ТАШВИШЛАР

— Қани, кўрайлик-чи, кўрайлик-чи! — дерди Меллер, Тюринни у ёқ-бу ёққа айлантириб.— Офтобда қорайиб, ёшариб кетибди «ўргимчак». Худди куёв боланинг ўзи-я! Мускуллар-чи? Сакрамай туринг энди. Мускулларингизни кўрайлик. Мушаклар бўшроқ. Оёқларингиз анча чиниқибди. «Ўргимчак уяси»да яна неча йил ўтирмоқчисиз?

— Йўқ-йўқ, энди ўтирмайман, Анна Игнатьевна! — жавоб берди Тюрин.— Яқинда яна Ойга учаман. У ёқда иш кўп. Марсга, Зуҳрога учаман.

— Ҳо-о, ботир бўлиб кетибсиз-ку!— деб ҳазиллашди Меллер.— Қани, энди қонингизни бир текширайлик-чи. Ой Қуёши қанча қон шарчаларини қўшди экан... Ойдан келадиган беморлар бизда жуда оз.

Врач кўригидан ўтгандан сўнг Тонянинг олдига қараб жўнадим. Назаримда у Юлдузга қайтгандай туюларди. Уни нақадар соғинганимни эндигина ҳис қилдим.

Кенг йўлак бўйлаб учиб борардим. Кэцда оғирлик Ойдагидан оз, бинобарин, мен худди раққослардай оёғимнинг учини полга салгина теккизиб, учарбалиқдай парвоз қилардим. Кэцликлар мени ҳар қадамда тўхтатиб, Ой ҳақида сўрашарди.

— Кейин, кейин, ўртоқлар,— дердим уларга жавобан ва учишда давом этардим.

Мана унинг эшиги. Аста тиқиллатдим. Эшикдан нотаниш қиз мўралади. Унинг қўнғир сочлари юзига, катта-катта кул ранг кўзлари устига тушиб турарди.

— Салом,— дедим мен салгина довдираб.— Ўртоқ Герасимовани кўрмоқчи эдим. Бу хонадан кўчиб кетганмилар?

— Ўртоқ Артемьевмисиз?— деб сўради қиз худди эски танишини кўргандай кулимсираб.— Герасимова командировкадан ҳали қайтганлари йўқ, ҳали-вери қайтмасалар ҳам керак. Мен бу хонада вақтинча турибман. Ҳозир у киши физика-техника лабораториясида ишлаяптилар.

Менинг ҳафсалам пир бўлганини қиз пайқади шекилли, дарров қўшиб қўйди:

— Лекин телефон орқали гаплашишингиз мумкин. Радиорубкага киринг.

Қизга наридан-бери ташаккур айтиб, радиотелефон станциясига қараб учдим. Радистнинг хонасига ўқдай отилиб кирдимда:

— Физика-техника лабораториясини уланг!— деб қичқирдим.

— Ҳозир!— деди у ва аппарат қулоғини бурай бошлади.— Ўртоқ Герасимовами? Ҳозир... Алло! Алло! Марҳамат.

— Мен Герамисоваман. Ким гапиряпти? Артемьевми?

Агар эфир алдамаётган бўлса, унинг овозида қувонч барқ урарди.

— Салом, сиз билан гаплашаётганимдан жуда хурсандман! Ҳалок бўлишингизга сал қолибди-я? Сиз учиб келмасингиздан олдин эшитувдим. Ой ракетасидан хабар қилишган эди... Хайрият, яхшилик билан тугабди. Мен бўлсам абсолют совуқлик лабораториясида жуда қизиқ ишлар билан машғулман. Лаборатория ракетамизнинг соя томонидаги балконга жойлашган. Фазовий костюмда ишлашга тўғри келяпти. Сал ноқулайроқ. Аммо абсолют совуқлик шундоққина қўл узатса етадиган жойда. Паст ҳароратда чала ўтказгичларнинг қаршилиги соҳасида анчагина қизиқарли кашфиётлар қилиб қўйдим.

Шундай деб, у ўз кашфиётлари ҳақида гапира кетди. Қачон қорасоқол ва Палей ҳақида гапиради? Менинг сўрашим ноқулай.

У Кэцга келиб кетмоқчи экан, лекин ер ҳисоби бўйича бир ойлардан кейин.

— Қидиришларингиз нима бўлди?— деб сўрадим ниҳоят ўзимни тутолмай.

Аммо шу пайт радист гапга аралашиб қолди:

— Шошилинч тарзда Кэц саккиз ракетаси чақиряпти. Узр, суҳбатларингизни бўлиб қўйишга мажбурман.

Радиостанциядан таъбим хира бўлиб чиқдим. Тоня хурсанд бўлди, сезилиб турибди. Демак, ҳар ҳолда менга бефарқ қарамас экан. Лекин нуқул ўзининг илмий ишлари ҳақида гапирди. Палей тўғрисида оғиз ҳам очмади. Яқин ўртада кўришмаймиз ҳам...

Йўлакда мени бир йигит тўхтатди.

— Ўртоқ Артемьев, сизни қидириб юрибман. Директор сўраяпти.

Пархоменко ҳузурига жўнадим. У Ойга қилган саёҳатимиз ҳақида батафсил сўраб-суриштирди. Лекин менинг жавобларим бемаънироқ бўлди.

— Бугун ҳорғин кўринасиз,— деди директор.— Дам олинг, эртадан ишга киришасиз. Биологимиз ўртоқ Шликов сизни кўпдан бери кутяпти.

Мен тезроқ ёлғиз қолишни истардим. Лекин қорним оч эди, шунинг учун ошхонага жўнадим. У ерда кэцликларга саёҳат ҳақида гапириб беришга тўғри келди. Жуда машҳур бўлиб кетдим — Ойга бориб келган биринчи кишиларданман, ахир. Улар мени зўр эътибор билан тинглашар, менга ҳавас қилишарди. Бошқа маҳал бўлганда ўзимга ҳам татирди, лекин ҳозир Тоняни кўролмаганимдан кўнглимга қил ҳам сиғмасди. Чарчаганимни баҳона қилиб, гапни қисқа қилдим-да, ниҳоят, ўз хонамга етиб олдим. Мен йўқлигимда деворга майда тўрли буклама каравот осиб қўйишипти. Кўрпанинг ҳожати йўқ эди. Каравотга чўзилиб, ўйга берилдим. Хаёлан Ойдан Васильев оролига, ўз лабораториямга, Тонянинг олдидан номаълум Палей ҳузурига қатнайвериб, ниҳоят уйқуга кетибман...

* * *

— Ўртоқ Артемьев! Ўртоқ Артемьев!..

Кўзимни очиб, сакраб ўрнимдан турдим. Эшик олдида сочи устарада олинган бир йигит турарди.

— Кечиринг, уйқунгизни буздим. Лекин турадиган вақтингиз ҳам бўлди шекилли. Биз сиз билан сал-пал танишиб олганмиз. Ошхонада, эсингиздами? Аэролог Кистенко. Сиздан Ой йўсинлари ҳақида сўраган эдим. Бу ҳақдаги хабар Кэц шаҳригача етиб борибди. Ердаги кэцликлар намуна юборишни сўрашяпти. Бугун Кэц шаҳрига аэрологик ракета жўнатаман.

— Марҳамат,— дедим мен ва сумкадан бир парча «намат» олиб узатдим.

— Жуда соз. Бу йўсин Ердагидан оғирроқ кўринади, лекин умуман енгил. Оғирлик ҳақида гапираётганимдан ажабланяпсизми? Ахир менинг ракетам Ерга учади-да. Кэц шаҳрига ҳар куни биттадан ракета жўнатаман. Ерга етгунча йўл-йўлакай у автоматик тарзда барча аэрологик ёзувларни олиб боради — Ердан турли масофа узоқликдаги атмосферанинг состави, космик нурларнинг тарқалиш тезлиги, ҳарорат, намлик ва ҳоказо. Йўлнинг тахминан тўртдан уч қисмида ракета Кэц Юлдузидаги радионур орқали бошқарилади, шундан кейин эса уни Кэц шаҳрининг радионури ўз ихтиёрига олади. Ракета автоматик равишда очилувчи парашютда қатъий белгиланган нуқтага, бир квадрат метр майдончага қўнади. Чакки эмас-а? Шу ракетада хат-хабарлар ҳам жўнатилади... Ракетанинг вазни аниқ ҳисобга олинган. Шунинг учун ҳам йўсиннинг оғирлигини билиш муҳим. Сизга яна бир карра ташаккур.

У чиқиб кетди. Мен соатимга қарадим. «Ер», Ленинград вақти билан эрталаб эди. Нонушта қилиб, ишга жўнадим.

Биолог Андрей Павлович Шликовнинг кабинети эшигини очиб, бир лаҳза тўхтаб қолдим. Бу кабинет Ердаги бошлиқларнинг кабинетига ўхшамасди. Агар Тюринни девор кавагидаги ўз уясига биқиниб олган ўргимчакка қиёс қилган бўлсак, Шликов кўм-кўк боғдаги капалак қуртига ўхшарди. Кабинет ичи гуркираб ётган майда баргли кўкатлар билан қопланган эди. Худди қуёш нури ёритиб турган яшил ғор дейсиз. Хонанинг тўрида, тўқима курси устида семиз, қорадан келган ўрта ёшлардаги киши — Шликов ёнбошлаб ётибди. У менга бир оз шалвиллаганроқ ва айни пайтда уйқисираётгандай кўринди. Унинг қовоқлари худди ёғ босгандай осилиб кетган эди. Мен киргач, уйқули қовоқлари кўтарилди-ю жуда шўх, ақлли, кулранг кўзларга назарим тушди. Кўзларининг ўйноқилиги унинг вазмин ҳаракатларига сира мос келмасди.

Биз саломлашдик. Шликов мендан Ой ҳақида сўрай бошлади. Олдидаги узун алюмин столда бир тутам йўсин ётарди.

— Ойда мана бу йўсинни топганингизнинг ҳеч қандай ажабланарли ери йўқ,— деди у босиқлик билан дона-дона қилиб.— Ерда маълум бўлган бактерияларнинг, моғор замбуруғларининг споралари жуда паст ҳароратга, икки юз эллик даража совуққа ҳам чидайверади, яшаш қобилиятини йўқотмайди. Уларнинг нафас олиши-чи? Бу интрамолекуляр тарзда юз бериши ҳам мумкин, бунда ҳатто бириккан ҳолдаги кислороднинг бўлиши ҳам шарт эмас. Азотобактерияларимизни эсланг. Озиқланиш масаласи-чи? Амёбаларимизни эсланг. Уларнинг ҳатто оғзи ҳам йўқ. Бирор «еб бўладиган» нарса топишса, бутун таналари билан чирмаб олиб, ҳазм қилишади. Лекин «тошбақа» масаласи мураккаброқ. Мен Ойда бундан кўра мураккаб жониворлар яшаши мумкинлигини ҳам рад этмайман. Организмнинг мослашиш қобилияти деярли чексиз... Мана, биринчи қадам қўйилди. Ҳадемай биз Еримизнинг ўтмишини қанчалик билсак, Ойнинг ўтмишдаги органик ҳаётини ҳам шу қадар билиб оламиз.

Шликов тўхтади, дафтарчасига бир нималарни ёзиб, давом этди:

— Энди ишимиз ҳақида. Кэц Юлдузидаги энг биринчи вазифамиз,— мен биологларни назарда тутяпман,— шундан иборатки, биз ўз эҳтиёжларимиз учун ўсимликлардан иложи борича кўпроқ, тўлароқ фойдаланишимиз керак. Ўсимлик бизга нима бериши мумкин? Биринчи галда — озиқ-овқат. Бундан ташқари, ҳаво ва сувни тозалаши ва, ниҳоят, чиқинди материал бериши мумкин. Бу материалдан охирги заррасигача фойдаланишимиз керак.

— Биз ўсимликларни ўзимизга кераклича ўзгартиришимиз, мукаммаллаштиришимиз зарур. Биз бу ишни қила оламизми? Қила оламиз. Ердагидан кўра осонроқ қила оламиз. Чунки бу ерда аёз ҳам, қурғоқчилик ҳам, офтоб уриши ҳам, гармсел ҳам йўқ. Биз ҳар бир ўсимлик учун сунъий равишда исталган иқлимни яратишимиз мумкин. Ҳарорат, намлик, тупроқ ва ҳавонинг состави, нур тақсимланиши — ҳаммаси қўлимизда. Ердаги оранжереяларда эса буларни ғоят нисбий даражада амалга ошириш мумкин. Бу ерда атмосферага тарқалиб, Ер сиртига ҳеч қачон етиб бормайдиган қисқа ультрабинафша нурлар бор. Мен космик нурларнинг тарқалишини кўзда тутяпман. Ниҳоят, оғирликнинг йўқлиги. Ернинг тортиш кучи ўсимликнинг ривожи ва ўсишига қандай таъсир қилишини сиз яхши биласиз...

— Геотропизм,— дедим мен.

— Ҳа, геотропизм. Илдизлар Ернинг тортиш кучи йўналишини компас мили шимолни қандай сезса, шундай ҳис қилади. Модомики илдиз ана шу йўналишдан четлар экан, бу фақат намлик ва озиқ «қидириш»нинг натижаси. Оғирлик кучи бўлмаган шароитда ҳужайраларнинг бўлиниши, ўсиш, ўсимликнинг шаклланиши қандай юз беради? Бу ерда оғирлик кучи мутлақо йўқотилган лаборатория бор. Бинобарин, Ерда мумкин бўлмаган тажрибаларни қила оламиз. Ўсимлик ҳаёти билан боғлиқ мавҳум масалаларни ҳал қилганимиздан кейин тажрибани ер шароитига кўчирамиз. Мен ишни геотропизмни ўрганишдан бошлашингизни истардим. Катта оранжереяда ассистент Крамер ишлаяпти, лабораторияда сизга янги ходим Зорина ёрдамлашади.

Шликов жим бўлиб қолди. Мен эшик томон бурилаётганимда у қўли билан ишора қилиб тўхтатди.

— Ўсимлик — бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳайвонлар устида ҳам жуда ғалати тажрибалар ўтказяпмиз. У ерда Фалеев ишлайди. Ундан кўпам хурсанд эмасман. Бошда ишни яхши олиб бораётган эди, кейинги пайтларда бутунлай ўзгариб кетди. Агар бу иш сизни қизиқтирса, ўша ёққа ўтказган бўлардим. Ҳарҳолда шу лабораторияга бир киринг, қилинаётган ишларни кўринг. Ҳозир эса Катта оранжереяга боринг. Крамер сизни иш билан таништиради?

Вазмин қовоқлар қуйи тушди? Шликов мен билан бош ирғаб хайрлашиб, яна ёзишга тушиб кетди?

XVI. КРАМЕРНИНГ ТАБИАТИ БУЗИЛЯПТИ

Мен йўлакка учиб чиқдим?

—Ўртоқ Артемьев! Сизга хат бор!— деган овоз эшитилди орқадан. Ёшгина «почтальон» қиз конверт узатди. Мен шошапиша олдим уни? Кэц Юлдузига келганимдан бери биринчи хат олишим эди-да, ахир. Марка ёеиштирилган. Тамғада Ленинград деган ёзув. Юрагим хаприқиб кетди?

—Ленинграддан,— деди қиз.— Мен бу шаҳарда ҳеч қачон бўлмаганман. Айтинг-чи, яхши шаҳарми?

— Ажойиб шаҳар! — жавоб бердим мен шавқ билан.— Москвадан кейинги энг яхши шаҳар. Менга Москвадан кўра ҳам кўпроқ ёқади?

Шундай деб, Ленинграднинг Стрельня ва Пулково баландликларига туташиб кетган янги кварталлар ҳақида, унинг ажойиб боғлари, шаҳарга Венеция қиёфасини берувчи хушманзара каналлари ҳақида, метрополитен ҳақида, чанг ва завод-фабрика дудларидан тамом ҳоли Ленинград ҳавоси ҳақида, сон-саноқсиз кўприклардаги йўловчини шамолдан асровчи шиша тўсинлар ҳақида, болаларга мўлжалланган қишки боғлар, биринчи даражали музейлар, театрлар, кутубхоналар тўғрисида мароқ билан ҳикоя қила кетдим...

—Ҳатто иқлими ҳам ўзгариб кетган,— дедим мен.— Атрофдаги юзлаб километрга чўзилган торф ботқоқликлари қуритилди, лойқа босган дарё ва кўллар тартибга келтирилди, шаҳар четидаги баъзи каналлар кўмилиб, хиёбонга айлантирилди ёки кўприклар билан қопланди. Ҳавонинг намлиги анча камайди, унинг тозалиги эса ленинградликларга қўшимча офтоб нури бахш этди. Энди ҳар қандай автомобиль ва юк машинаси шаҳарга лой ва чанг олиб кирмаслиги учун аввал ғилдиракларини ювиб, кейин шаҳарга киради. Нимасини айтасиз! Ленинград — Ленинград-да!

—Ленинградга албатта бораман!— деди қиз ва бош ирғаб нари учиб кетди.

Хатни очдим. Лаборантим лабораториядаги ремонт ишлари тугаёзгани ҳақида ёзибди. Кейин, янги асбоб-ускуналар ўрнатилаётган эмиш. Янги аппаратларни ўрнатиб бўлгандан кейин лаборантим профессор Габель билан бирга Арманистонга жўнар эмиш, чунки менинг ҳали-вери қайтишимдан умидларини узишипти.

Мен тўлқинланиб кетдим. Еки ҳаммасини ташлаб, Ерга жўнаб қолайми?..

Крамер қаршимда пайдо бўлиши хаёлимни бўлди. Оранжереяни кўрганимдан кейин эса яна ҳамма нарсани унутдим. У менда жуда зўр таассурот қолдирди.

Лекин у ёққа тўғридан-тўғри кириб бормадим. Крамер менга, гарчи фазовий бўшлиққа мўлжалланганидан енгилроқ бўлса ҳам, «ғоввос» костюми кийишини таклиф қилди. Костюмга радиотелефон ўрнатилган эди.

—Оранжереяда босим бу ердагидан анча паст,— деди Крамер.— Атмосферасида эса карбонат кислота анча кўп. Ерда карбонат кислота, атмосферанинг атиги уч мингдан бир бўлагини ташкил этса, оранжереяда — уч юздан бир қисмини ташкил қилади, айрим бўлимларида эса бундан ҳам кўп. Бу инсон учун хатлари. Аммо ўсимлик учун, асти қўяверасиз!.. Худди тошкўмир даврида ўсгандай ўсади!

Крамер бирдан ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ кула бошлади, кулганда ҳам, назаримда, жуда узоқ кулди.

—Бу скафандрларда,— деди у ниҳоят кулгидан тўхтаб,— радиотелефон бор, гаплашиш учун бир-биримизга бошимизни эгиб ўтирмаймиз. Тез орада фазовий скафандрларга ҳам мана шундай радиотелефонлар ўрнатилади. Бу жуда ҳам қулай, нима дедингиз? Буни, назаримда, сиз Ердан олиб келган танишингиз ихтиро қилган.

Крамер менга кўз қисиб қўйиб, яна хахолай бошлади.

«Ким кимни олиб келди экан,— кўнглимдан ўтказдим мен.— Иннайкейин, Крамер бугун нега ҳадеб кулиб ётибди?»

Биз атмосфера камерасидан ўтиб, ракетани оранжерея билан туташтирувчи узун йўлак бўйлаб учиб кетдик.

— Бизда бир нечта оранжерея бор,— дея жаврарди Крамер.— Биттаси, учиб келаётиб кўрганингиз узун оранжерея? Ха-ха-ха! Эсингиздами, четга учиб кетишингизга сал қолган эди, шундан кейин кучукчадай боғлаб олган эдим? Ҳозир янги, конуссимон оранжереяга кетяпмиз. У ерда ракетадагига ўхшаб оғирлик мавжуд, лекин жуда оз. Ердагининг атиги мингдан бир қисми? Бўйи бир метр келадиган дарахтдан узилган япроқ ерга йигирма дақиқадан кейин тушади. Лекин шу даражадаги оғирлик кучи барча чиқинди ва чангларнинг пастга чўкиши ва бизга меваларнинг атрофга учиб кетмай, ерга тўкилиши учун кифоя қилади... Сиз ҳали «вазнсиз ванна»да чўмилганингиз йўқми? Ажойиб!— бирдан у хиргойи қила бошлади ва кетидан яна хунук кулди.— Яна бир қанча тажриба лабораторияларимиз ҳам бор, уларда оғирлик кучи мутлақо йўқ. Ванна ўша ерда... Мана, етиб ҳам келдик. «Парда ҳам кўтарилди...»— дея декламация қилди у эшикни очаркан.

Аввалига нурдан кўзим қамашиб кетди. Кейин, яхшилаб разм солиб, оғзи воронкадай кенгайиб кетган улкан тоннелни кўрдим. Эшик воронканинг тор тубида жойлашган эди. Воронканинг нариги оғзи ташқарига қабариб чиққан катта ойна билан тўсилган эди.

Ойнадан ичкарига нур ёғилиб кирарди. У шу қадар кучли эдики, худди кинога сурат олинаётган-у, минглаб прожекторлар ёқиб қўйилгандай туюларди. Тоннелнинг деворлари турли-туман тусдаги кўкатлар билан қопланганди. Бу яшил гиламни енгил алюмин панжарали торгина кўприкчалар кесиб ўтган. Манзара кишини ҳайратга солади. Баъзи ўсимликлар билан яқиндан

танишганимдан сўнг ҳайратим яна ҳам ортиб кетди. Ўзим ўсимликлар физиологиясини махсус ўрганаётган биолог-ботаник бўла туриб, ўсимликларнинг қанчалик «итоаткор» бўлиши, уларнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши қай даража ўзгариши мумкинлиги тўғрисида заррача ҳам тасаввурга эга эмас эканман.

Мен ҳаммасини шошмасдан, синчиклаб кўздан кечиришни истардим. Аммо қулоғим тагида Крамер тинимсиз бидирларди:

— Бари Шликовнинг иши! Гений. Ҳадемай унинг қўлидаги ўсимликлар кучукчалардай орқа оёғида рақсга тушади, булбул бўлиб сайрайди? Ўргатади шунга! «Ғалла экинлари,— дейди у,— қуёш энергиясининг олтмишдан бир бўлагидангина фойдаланади, банан эса ундан юз марта кўп. Гап фақат иқлимда эмас. Ҳамма ўсимликни ҳам энергиядан юзлаб марта кўпроқ фойдаланишга мажбур қилиш мумкин».

—Менга бу ҳақда гапириб берган у киши,— дедим мен Крамерни гапдан тўхтатмоқчи бўлиб, лекин фойда чиқмади.

—Шликов шунга эришди ҳам. Самараларини кўряпмизми? Мана бу нусхага бир қаранг. Хўш, бунга нима деймиз? Ха-ха-ха!

Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Қаршимда бўйи одам баравар келадиган бута ўсиб турарди, япроқлари шапалоқдай, қип-қизил серсув мевалар нақ тарвуздай, ўзи земляникага ўхшайди. Ҳа, ростдан ҳам баҳайбат земляника. Танаси ерга ястанмай, юқорига бўй чўзган. Ингичка бандларда шундай катта мевалар осилиб турарди. (Оғирлик йўқлигининг шарофати бу.) Баъзилари қип-қизил, баъзилари ҳали пишмаган.

—Битта бутадан кунига ўнлаб мана шунақа мева териб оламиз,— деб сайрарди Крамер.— Бир ёқдан узсанг, бир ёқдан пишиб туради. Тиним йўқ. Бизнинг ўсимликларимиз ҳатто Ердаги тропик ўсимликлар қиладиган икки ҳафталик ҳордиқни ҳам билмайди. Қуёш нурини эмиб, тупроқдан сув ва озиқни сўриб, ширин-шарбат мевага айлантириб бераверди. Бу ерга Қуёш ботмайди. Оранжереядаги атмосфера ҳамиша соф. Бу бир томондан. Иккинчидан — бу ердаги атмосферада худди тошкўмир даврида-гидай карбонат кислота кўп.

— Карбонат кислота ҳақида гапирувдингиз.

—Манави баргларга қаранг,— давом этди Крамер, менинг луқмамга парво ҳам қилмай.— Улар деярли қоп-қора, шунинг учун ҳам қуёш энергиясини батамом ўзига ютади, лекин ўсимлик қизиб кетмайди. Сувнинг буғланиши камаяди, холос. Буғлантириш учун ўсимлик қанча энергия сарфлашини биласизми? Фойдали ишга нисбатан ўттиз беш-қирқ марта ортиқ. Бу ерда эса ана шу энергия «гўшт»га кетади. Япроқларнинг қалин, гўштдорлигини кўринг. Баъзиларида барг оғизчалари ҳам кўринмайди. Меваларининг катталиги-чи! Мана бу нусха эса фақат ажратади,— деди у баргларидан сув томчилаб турган бир кўкатни кўрсатиб.— Бу ўсимлик эмас, Боғчасарой фонтани. «Кўз ёши фонтани»ни кўрганмисиз? Томчилагани томчилаган! Бу бизнинг табиий сузгичимиз.

—Мана бу ҳам ажойиб ўсимлик,— давом этди у тор кўприкчадан юриб бораркан.— «Мева шарбати дўкони» ёки шарбатхона. Кўряпсизми: танасида ёриқ бор, ундан ҳам сув томяпти. Татиб кўринг-а? Қалай, ширинми? Лимонад! Тупроққа эътибор беринг — нақадар майин? Фойдали бактериялар ҳам мингта заррачага биттадан эмас, ўнлаб тўғри келади. Нўхат, ловияларга бир қаранг. Ҳар биттаси нақ олмадай!

—Манави шиша тўсиқлар эса айрим ўсимликлар учун махсус шароит яратиш мақсадида қилинган: газларнинг энг мувофиқ таркиби, энг соз ҳарорат шу бўлимларда. Зараркунандалар йўқ. Бегона ўт йўқ. Нур ўтказгичлар энг мақбул нур таркибини узатиб туради... Ира! Ира! Нима қиляпсан, тентак,— дея қичқирди у бирдан ва сакраб, оранжерея бўйлаб учиб кетди.— Ира! Ира!— ҳамон бақирарди у қайсидир бута ортида, худди биров уни пичоқлаётгандай.

Бу одамга нима бўлган ўзи? Яқиндагина оғир-вазмин, хушмуомала йигит эди. Энди бўлса сиркаси сув кўтармай қолибди? Мен уни нима бу қадар ғазаблантириб юборганини аввалига тушунмадим. Кейин қандайдир шовқин ва вишиллаган товушни эшитдим, тўкилган япроқлар воронканинг кенг оғзидан тубига томон учиб келарди.

— Нега вентиляторни бунчалик қаттиқ қўйдинг? Довул қўзғамоқчимисан?— қичқирарди Крамер?— Ўсимликларни пайҳон қилмоқчимисан?.. Пасайтир, ҳозир Ерга улоқтириб ташлайман!

Шовқин ва баргларнинг ҳаракати сал босилди. Қаердандир чийиллаган овоз эшитилди:

— Кеча ўзинг йигирма олтига қўй, деб тайинлаган эдинг-ку...

—Туш кўргансан!

Мен йўл-йўлакай айниқса диққатимни тортган ўсимликлар олдида тўхтаб, шиша доира томон юрдим... Ингичка пояли кўкнори гуллари чўғдай ловиллаб турарди. Уларнинг ҳар бир чаноғи чақалоқнинг калласидай келади.

—Кўряпсанми? Чайқалиб, кўкнори уруғининг тўкилишини кўряпсанми!— деб бақирарди у.

Бу уруғнинг ҳар биттаси нўхатдай эди.

«Воронка»нинг ўртасига томон кўп метрли полиз ва сабзовот майдони чўзилиб кетганди. Диаметри ярим метр келадиган кунгабоқар кажаваси тупроққа ястаниб ётибди. Бодринг, сабзи, картошка, земляника, малина, узум, смородина, крижовник, олхўри, жавдар, буғдой, сули, қорабуғдой, қанд лавлаги, каноп... Уларни аранг танидим: шакли ва ҳажми шу қадар ўзгариб кетган эди.

Мен ҳар қадамда ҳайратдан тўхтаб қолардим: бу нима ўзи?..

Ердаги кичкина дарахтлар азим қиёфага кирган ва аксинча, баҳайбат дарахтлар бу ерда пак-пакана. Бир оз қоронғироқ жойларда улкан қўзиқоринлар ўсиб ётибди...

Мана, субтропик ва тропиклар. Меваси ниҳоятда катта митти

анжирлар, бўйи соябондай, лекин меваси ердагидан икки бара вар катта, кокос пальмалари, кофе, какао дарахтлари ва чой буталари.

Бир шиша яшикда митти дарахтлардан иборат тропик ўрмон. Пальмалар, бананлар, қирққулоқ, чирмовуқ... Бу ерда одам ўзини лилипутлар мамлакатига тушиб қолган Гулливердай ҳис қилиши учун фақат каламушга ўхшаган филлар етишмайди, холос.

Ердаги барча ютуқларим ниҳоятда арзимас бўлиб кўринди кўзимга!

Неча йиллар бошимни қотирган жумбоқлар қандай осонлик билан ҳал этилган. Бу ерда йил бўйи янги мева ва сабзавот бўлади, демак, уларни қайта ишловчи заводлар ҳам йил-ўн икки ой тўхтовсиз ишлаши мумкин...

Кэц Юлдузидаги тажрибани наҳот Ерга кўчириб бўлмаса? Лоақал, Помирни олайлик. Помир чўққисида ультрабинафша нурлар Кэц Юлдузидагига қараганда оз, лекин денгиз сатҳи билан баравар жойлардагига нисбатан анча кўп. Помир ён бағирларини ялпи оранжереяга айлантирса бўлади. Ҳамма харажатлар ўзини қоплайди. Оранжереяда ҳар қандай атмосферани ҳосил қилиш, карбонат кислота миқдорини ошириш мумкин...

Ҳамиша қуёш нури аримайдиган иссиқ иқлимли тропикларчи?.. Чангалзорларни йўқотганимиздан сўнг миллионлаб кишилар у ерда бошпана ва озиқ-овқат топадилар.

Ердаги саҳролар-чи? Ҳозир сувсизлик ва қумга қарши муваффақият билан кураш олиб боряпмиз. Лекин Ерда қанча саҳро бор! Кэцдаги тажрибани ишга солиб, Қуёшни ёрдамга чақиришимиз мумкин. Ҳамма сувни шимириб, кўкатларни қовжиратган Қуёш саҳроларга қайтадан жон бахш этади. У ерларда бепоён боғ-роғлар бунёдга келади...

Йўқ, аҳолининг кўпайиши Ер шарини ҳеч қачон хавф остида қолдирмайди! Инсоният келажакка дадил кўз тикиши мумкин!

— Нима бало, қоқшол бўлганмисиз, Артемьев? — Крамернинг қаттиқ хитоб қилганини эшитдим.

— Кечирасиз, хаёл суриб қолибман,— жавоб бердим, кутилмаган бу овоздан сесканиб.

Мен атрофимга қарадим — оранжерея жонланиб кетган эди. Тор йўлкаларда сават кўтарган ёш-ёш қизлар учиб юришарди. Уларнинг ранг-баранг костюмлари кўкатлар фонида худди гуллардай товланарди. Қизлар мева теришяпти. Қаердандир ёқимли куй қулоққа чалиниб турибди.

— Афсонавий манзара,— деб хахолади Крамер.— Юлдуз қизлари! Бугунги кундаги эртак! Яқинда уларни автоматлар билан алмаштиришади... Қани, кетдик. Сизга ҳали лабораторияни кўрсатганим йўқ. У Кэц Юлдузидан ташқарида. Лабораторияда мутлақо оғирлик йўқ. Фазовий костюмлар кийишга ва талайгина масофани учиб ўтишга тўғри келади. Портатив

ракета билан муомала қилишни ўрганишингиз керак. Билиб қўйинг: бу гал ҳам четга учиб кетсангиз, орқангиздан қувиб юрмайман!

Лекин бу гал яхши «отдим» ва Крамердан ортда қолмадим. Шунга қарамай бу учиш андак ҳаяжонли бўлди. Бирдан ўнг оёғим тўнгиб қолди. Костюм тешилиб, ичкарига фазовий совуқ кирмаяптимикан, деб қўрқиб кетдим. Кейин қарасам, оёғим сояда қолган экан. Еруққа олишим билан яна жон кирди.

Мана, лабораторияга ҳам етиб келдим. У цилиндр шаклида. Цилиндрнинг ичи шиша тўсиқлар билан ажратилган. У бўлмадан-бу бўлмага «изоляцион» камералар орқали ўтилади, чунки ҳар бир бўлмадаги босим ва ҳавонинг таркиби ҳар хил. Цилиндрнинг бир томони бошдан-оёқ ойна, иккинчи томони ўсимлик. Баъзи ўсимликлар, илдизи кўриниб турсин учун, шиша тувакларга экилган. Бу мени ажаблантирди: илдизлар ёруғликни ёмон кўради-ку. Баъзи ўсимликлар пушталарда, баъзилари ҳавога қатор қилиб териб қўйилган тувакларда. Уларнинг ўсиши ғалати: япроқ ва шохчалари нур шаклида тувакдан ойнага томон талпиниб турибди. Баъзиларининг илдизи юқорига, айримлариники пастга қараб ўсган. Лекин кўпчилик илдизлар қоронғи томонда. Оғирлик кучининг йўқлиги гўё геотропизм кучини емирган ва, афтидан, бу ерда фақат гелиотропизм — ўсимликни нур манбаига йўналтирувчи куч асосий ролни ўйнайди.

Бўлди! Жўна! Сенга айтяпман, бўлди!— аёл кишининг овози ва Крамернинг хахолагани эшитилди.

Лаборатория тўрига қараб, шиша тўсиқ орасидан бинафшаранг костюм кийган ёш бир қизни кўрдим. У «шифт» остида типирчилар, Крамер бўлса қанотларини силкитиб, унинг олдига учиб борар ва туртарди. Қиз нарига учиб кетиб, «шифт»га урилади, ундан қарши томонга бориб қолади, худди шундай елпиғич қанотлари билан ўзини тўхтатмоқчи бўлади. У, назаримда, тўқ кўк бутага қараб турмоқчи. Лекин вазнсизлик оламида зарур ҳолатда тура олиш осон эмас. Қиз қанотларини қўйиб, белига боғланган металл гардишни олади-да, уни худди тақсимча кўтаргандай қиррасини ўзига қаратиб ушлайди. Кейин у гардишни айлантиради, шунда гардиш бир томонга, қиз эса тескари томона айланади. Тик ўқ бўйлаб ҳаракат қилиш учун эса гардишни ёнлатиб, қиррасини тепага қаратиб тутиш керак бўлади.

Мен Крамер билан қизнинг олдига яқинлашдим. Қизни қаердадир кўргандайман. Ҳа, эсладим, Тонянинг хонасида турадиган қиз. Демак, мен шу билан ишлайман. Унга бошдан-оёқ разм солдим, Крамер иккови менинг беўхшов ҳаракатларимдан кулишарди. Мен ўзимни худди сувдан чиқариб ташланган балиқдай ҳис қилардим. Лекин қиз ҳам гардиш билан қанотлардан тузук фойдалана олмасди. Фақат Крамергина сузарди, ҳа, худди сувдаги балиқдай сузарди. У ҳамон қизнинг атрофида айланиб, уни гоҳ тўғри, гоҳ оёғини осмондан қилиб

кўрди. Қизнинг бир жаҳли чиқар, бир куларди. Кейин Крамер менга ўгирилиб, деди:

— Танишинглар, Зорина!

— Биз кўришганмиз,— жавоб берди Зорина ва менга бош ирғаб қўйди.

— Ие, танишмисизлар? Жуда соз,— деди Крамер, негадир аччиқ билан.— Қани юринг, Артемьев. Ванна ёнма-ён. Ишдан олдин ҳам, ишдан кейин ҳам биз ваннага тушамиз.

Тор йўлаклардан ўтиб, янги цилиндрга кирдик. Унинг бўйи ҳам, эни ҳам тўрт метрлар келади. Шу ерда ечиниб, думалоқ тешикдан «ваннахонага» ўтдик. Бу цилиндрнинг диаметри ҳам ҳалигича, лекин сал узунроқ. Силлиқ алюмин деворлар, ён томондан ёруғ тушиб турибди, аммо бир томчи ҳам сув кўринмайди. Мен цилиндрнинг қоқ ўртасида тўхтаб қолдим, гардиш ва қанотларсиз деворгача ҳам боролмайман. Ҳавода осилиб турибман. Крамер эшик олдида уймаланяпти. Мана у дастани буради, нимадир вишиллаб, цилиндрга туташувчи думалоқ ясси девордаги жўмракда сув кўринди. Кучли босим остида оқим менга келиб урилиб, атрофга томчи ва пуфакчалар сачради. Мен нарига учиб кетдим. Атрофимда сув пуфакчалари айланар ва бир-бири билан тўқнашиб, тобора катталашиб борарди.

Худди шу пайт цилиндр кўндаланг ўқ атрофида айлана бошлади. Унинг тезлиги борган сари кучаярди. Натижада марказдан қочирма куч пайдо бўлди. Томчи ва пуфакчалар деворларга ўтира бошлади. Кўп ўтмай, цилиндр деворлари қалинлиги бир метр келадиган сув билан қопланди. Ҳамма ёқда — ўнгда ҳам, чапда ҳам, тепада ҳам сув. Фақат цилиндр маркази, катта ўқ атрофи бўш қолди. Мени яқинимдаги девор ўзига торта бошлаганини пайқадим. Бир неча минутдан кейин сувга ғарқ бўлдим. Яна бир неча дақиқадан сўнг эса унинг «тубида» турардим. Крамер қарама-қарши томондаги деворда турарди, унинг оёғи деворда-ю, боши мен томонда эди. Лекин икковимиз ҳам ўзимизни дадил бошқарардик: биз сув остида юрдик, суздик, шўнғидик. Бу ғалати ванна менга жуда маъқул бўлди. Тананинг оғирлиги сезилар-сезилмас, сувда туриш эса ғоят қулай эди. Крамер тешикка сузиб бориб, мис дастани буради. Сув майда тешикчаларга тез оқиб кириб, цилиндрнинг ҳаракати секинлашди. У бутунлай тўхтаганда ваннада бир томчи ҳам сув қолмаган, таналаримиз яна вазнсиз бўлиб қолган эди.

Ечиниш хонасида эҳтиётсизлик билан костюмимни қўлдан чиқариб юбориб, анча вақт орқасидан қувиб юрдим. Вазнсизлик дунёсида нарсалар жуда қув бўлади. Сал туртиб юборсанг, у девордан-бу деворга, у бурчакдан-бу бурчакка учиб юраверади — тутиб бўпсан! Крамерга эса бу ўйин эди: бирор нарсани бурчакка улоқтириб, деворга урилиб қайтаётганида

уни илиб олар ва баъзан бу машқни бир неча марта такрорларди.

— Зорина қалай? Зўр-а?— деб сўради у кутилмаганда. Юзи бирдан тундлашиб, қаҳрли тусга кирди.— Менга қаранг, тағин...— деди пўписа қилиб.

Мендан рашк қиляптимикан? Вой тентаг-эй!

— Энди сизни зоология лабораториясига кузатиб қўяман,— деди Крамер менга шубҳа билан кўз ташлаб.— У ёққа «тоннель» орқали ўтамиз. Сизни обориб ташлаб, қайтаман.

Чиндан ҳам у лаборатория эшиги олдида тўхтади, хайрлаша туриб, маъноли оҳангда яна ҳалиги гапини такрорлади:

— Менга қаранг, тағин!..

— Нима тағин?— дедим жаҳлим чиқиб.

Унинг юзи буришиб кетди.

— Мен кўз-кулоқ бўлиб тураман!— деди у тишини ғичирлатиб ва жўнаб қолди.

Канақа ёввойи, бемаъни одам бу!

Энди эшик дастасига қўл чўзган пайтимда Крамер яна қайтиб келди. У оёғининг учини девордаги ҳалқадан ўтказиб, олдимда олтмиш даража бурчак ҳосил қилиб «туриб», деди:

— Ҳа, айтгандай. Мен сизга ишонмайман! Нега бу ерга учиб келдингиз? Шликовнинг ишлари билан танишиб, Ерга қайтгандан сўнг ўзингизники қилиб кўрсатиш учун эмасми? Шликов — гений! Билиб қўйинг, мен ҳеч кимга...

— Менга қаранг, Крамер!— дедим фиғоним чиқиб.— Сиз ё касалсиз, ёки ўз ҳаракатларингиз учун жавоб беришингиз керак. Сиз мени бекордан-бекорга ҳақорат қиляпсиз. Нима деяётганингизни ўйлаяпсизми! Бировнинг меҳнатини ўзиники қилиб олиш кимнинг қўлидан келиши мумкин? Бунинг кимга кераги бор? Қанақа замонда ва қаерда яшаётганимизни биласизми?

— Единнгизда бўлсин!—деди у гапимни бўлиб ва бир сакраб тоннель ичига кириб кетди.

Мен ҳайратда қолдим. Тавба, нималар бўляпти?! Беихтиёр эшикни очиб, лабораторияга кирдим.

XVII. ЗООЛАБОРАТОРИЯ

Ўша заҳотиёқ чалқанча ётган, жаги бесўнақай, катта-катта кўзларига ҳайрат чўккан бир одамни кўрдим.

— Хўш, сиз нима дейсиз?—деб хитоб қилди у менга, худди фикримни уқиб олаётгандай.

Мен тамом гангиб қолдим. Нима бўляпти ўзи? Шу пайтгача Кэцда эс-ҳуши жойида, соғлом, хушчақчақ кишиларга дуч келган эдим, энди бўлса бирданига иккита тентакни кўриб турибман!

— Нима гап ўзи, оғайни?— сўрадим мен.

— Эчкини, аникроғи, унинг оёқларини нима қилишни бил-

маяпман. Оғилни икки марта бузиб-тузатдим, лекин эчкининг оёқлари ҳамон ўсяпти. Ҳеч жойга сиғмайди, букланиб, майишиб кетяпти. Худо ҳаққи, кесиб ташлагинг келади!.. Артемьевмисиз. Мен Фалеевман. Яхши, сиз ҳам биолог экансиз. Биргалашиб ўйлаймиз. Зоология лабораторияси энг нотинч жой. Ҳар хил шохли, тўрт оёқли проблемаларни ҳал қилдик. Шликов бетўхтов янги-янги топшириқлар беряпти. Тажрибалар бутунлай кутилмаган натижаларни бериб тургандан кейин уларни қандай қилиб бажарасан? Оғирлик кучининг йўқлиги — бир, космик нурларнинг таъсири — икки. Ана шу нурлар туфайли шунақа мутацион сакрашлар бўляптики, ёқангни ушлаб қоласан! Ўз кўзингиз билан кўра қолинг.

Фалеев ҳавода енгил тўнтарилди-да, кенг кафтлари билан ҳавони эшкакдай эшиб, лаборатория бўйлаб учиб кетди. Мен унга эргашдим.

Бу ерда бадбўй ҳид мутлақо сезилмасди: афтидан, хонани супуриб-сидириш ва шамоллатиш яхши йўлга қўйилган. Оғиллар оддий тўр билан ажратилган тўсиқлардан иборат. Оғиллардан бирининг олдида худди шарни, тўғриғоғи, баҳайбат тухумни эслатувчи каттакон чўчқага кўзим тушди. Унинг оёқлари макарондай узун-узун ва ингичка эди. Юмшоқ туёқлари чалкаштирилган икки бармоққа ўхшайди. Агар шунақа чўчқа тўсатдан Ерга туширилса, худди сувдан улоқтириб ташланган китдай, ўз танасини кўтаролмай чалпак бўлиб қолган бўларди.

Эчки мени ундан кўра ҳам ҳайратга солди. Башараси ҳаддан ташқари чўзилган, шохлари — узун ва турк қиличидай эгри, ингичка оёқлари бир ярим метр келади ҳамда охирида ўттиз даража бурчак ҳосил қилиб турган, қуш панжасидай заиф, иккита ортиғи бор. Бу «эчки»нинг бўйи каттакон қўйдай келади, лекин юнг деган гап йўқ.

— Худди бир туки йўқ Африка қўтир итига ўхшайди,— деди Фалеев.— Бу ғўшт берадиган эчки. Нарироқда юнг етиштирувчи эчкини кўрасиз. Бўйи жуда паст, лекин юнги бир метр келади. Шунақа жингалак! Тирик юнг фабрикаси дейсиз!

— Лекин юнгдор эчки бунақа ҳароратли хонада яшамаса керак?— сўрадим мен.

— Албатта. Уни совуқда тутамиз, аммо овқатига алоҳида эътибор берилади. Юнг — бу ҳам бир нави. Шликов бундан кўра мураккаброқ вазифани қўйяпти. Мана, бизга музика асбоблари учун торлар ва теннис ракеталари учун чамбараклар керак. Ичак-чавоғи ниҳоятда узун бўлган қўй наслини яратинг. Шликов ҳеч қандай қийинчиликни тан олмайди. Қилиб бўлмайдиган иш йўқ, дейди. Бунинг устига, кўрсатмалари ниҳоятда қисқа. «Агар,— дейди у,— ичакни узайтириш керак бўлса, ҳар хил овқат беринг, уни тез-тез ўзгартириб туринг». Овқат ўз йўлига-ю, аммо қўйнинг ичаги ўрнига ошқозони ўсиб кетса бўладими... Бу ерда қандайдир янги омилларнинг таъсири

бор... Лекин эчкининг оёқларини нима қилишни билмаяпман. Наҳот яна оғилни бузиб тузатсам? Худди нўхат ҳақидаги эртакнинг ўзи бўляпти: нўхат ўсавергандан кейин аввал полни бузишибди, кейин шифтни очишибди, ундан кейин томни ҳам олиб ташлашибди, лекин нўхат ҳамон ўсишдан тўхтамасмиш. Аммо биз томни олиб ташлаёлмаймиз, ахир.

— Сиз томни ҳам олиб ташламанг, ҳеч нарсани бузиб тузатманг ҳам,— дедим мен.— Ердаги ҳайвонларнинг эволюциясида космик нурлар жуда катта роль ўйнаган, деган тахминлар бор. Сиз айтган фавқулодда тез мутациялар бу фаразни тасдиқлайди. Менимча, бу ерда организмларнинг янги муҳитга сакраш йўли билан мослашуви юз бераётган бўлса керак. Оғирлик кучи йўқ — гавда бир жойда турмайди, у таянч нуқтага эга эмас. Ҳайвонлар ҳавода осилиб қолади. Улар бу ҳолатдан чиқишга уринишади. Ҳаммасида узун оёқларга эҳтиёж туғилади...

— Албатта!— деб гапимни бўлди Фалеев.— Дастлабки итлар бу ерда роса акиллашди. Деворга ёки бир парча гўштга етиб олиш учун улар соатлаб беҳуда оёқ силкитишар ва, албатта, жойларидан қимирлашолмас эди.

— Ана-ана, шунинг учун ҳам оёқлари ўсиб кетганда. Сиз оғилхоналарни катта қилманг. Менимча, агар оёқлар узатганда деворга етадиган бўлса, улар ўз-ўзидан ўсишдан тўхтаб қолади. Ёки ҳайвонлар тармаша оладиган панжара ўрнатинг. Мана бу майда тўрни, бошқаси, яъни йирикроқ катак билан алмаштириш, ё бўлмаса, тўсиқни новдадан қилиш керак. Ана шунда ҳайвонларнинг тутувчи органлари ривожланади. Эчки ва қўйларингиз маймунлардай «тўрт қўлли» бўлади, бир нарсани ушлашга ўрганади. Улар катак бўйлаб юриб, бир-икки оёқлари билан гавдаларини тутишса, қолган бўш оёқлари билан керакли нарсани олишаверади.

— Рост айтасиз!— деб хитоб қилди Фалеев.— Сиз билан ишимиз юришиб кетади. Кейинги пайтларда жуда ўзимни йўқотиб қўйдим... Биласизми,— деди у негадир овозини пасайтириб, ҳайиқиброқ,— кўз олдингда бирин-кетин ғалати махлуқлар пайдо бўлиб тураверса, ақлдан озиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас бу ерда... Мослашишни қайси томонга йўналтирсак дуруст бўларкин? Балки, ҳайвонларни биратўла учадиган қилавериш керакмикин? Бу ернинг шароитида шундан осони йўқ: Учувчи эчкилар!— У ғамгин жилмайди.— Лекин «тўрт қўллилар»ни яхши айтдингиз. Мушукларимдан бирининг думи шунақа ўсиб кетганки, у думидан худди маймундай фойдаланади. Панжаси етмаган жойда думини ишга солади. Сакраган пайтида ҳам шу дум руль вазифасини бажаради. Панжалари орасида парда ҳосил бўляпти назаримда. Ҳадемай учқур бўлиб кетади. Жипсини айтмайсизми? Даҳшат, лекин... Мана ҳозир... Жипси! Жипси!..

Қаердадир итнинг вовиллагани эшитилди. Шу пайт биз томонга учиб келаётган махлуққа кўзим тушди. У оёқларини жон-жаҳди билан югураётган кучукдай силтар, лекин олдинга жуда секин силжирди. Нозик панжалари орасида юпқа пардалар кўриниб турибди. Бу пардалар ҳавони орқага итариб, гавдани олдинга суриш учун ёрдам беради. Учиб келаётган ит бульдогдан сал каттароқ, танаси долчинранг сийрак юнг билан қопланган, думи узун ва пахмоқ, башарасида битта ҳам тук йўқ, калта, деярли ялпоқ пастки жағи яхши тараққий этмаган. Унинг башарасида итникидан ташқари, маймун ва одам юзининг белгилари бор. Чиндан ҳам даҳшатли! Ит жуда яқин учиб келиб, менинг кўзларимга тикилди. Беихтиёр сесканиб кетдим: унинг одамникига ўхшаш катта-катта қўй кўзлари маъюс ва ақлга тўла эди... Жипси думини силтаб, гавдасини бурди-да, тирноқсиз панжалари билан тўсиқ четидан ушлаб олди. Кейин нигоҳини мендан Фалеевга кўчирди. Унинг кўзларида сўроқ ифодаси бор эди.

Фалеев худди ит билан эмас, балки ўзига яхши таниш бўлмаган одам билан гаплашаётгандай, бирдан ўнғайсизланди. Ит «юзи»даги бу инсон кўзлари қўрқинчли эди. Мен ҳам ўзимни ноқулай сеза бошладим.

— Таниш, Жипси,— деди Фалеев, итнинг диққат билан тикилиб турган кўзларига қарамай.— Янги ўртоғимиз — Артемьев.

Мен кўпчилик ит ишқибозлари каби Фалеев ҳам унга ҳазиллашиб шундай мурожаат қиляпти, деб ўйлаган эдим. Жипсининг туксиз бошини силаш учун қўлимни кўтардим ҳам. Лекин итнинг менга бош ирғаб, панжасини узатганини кўрганимда қай аҳволга тушганимни билсангиз эди! Бир лаҳза қўлим ҳавода муаллақ қолди. Оддий кучукни силагандай, Жипсининг бошини силаш ўрнига, ўзимни енгиб, гарчи Кэцда қўл олиб сўрашиш ман этилган бўлса-да, назокат билан унинг илиқ, туксиз панжасини қисдим.

— Кучукча Дианалар овқатлантирилганми?— деб сўради Фалеев.

Ит йўқ дегандай бош чайқади.

— Нега? Сут билан сўрғич келтирилмадими?

Жипси «ҳа» дегандек бош ирғади.

— Бўлмаса бор. Жипси, еттинчи тугмачани бос. Оляни чақириб тезлаштир.

Ит менга синовчан бир назар ташлаб, қайта учиб кетди. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди.

— Кўрдингизми?— деди аста Фалеев.— Ҳамма гапни тушунади. Фақат жавоб қайтаролмайди, холос. Нутқ аппаратига эга эмас. Савол-жавоб тариқасида фикр алмашилади. Лекин миянинг тараққиётида жуда катта сакраш бор. Тўғри, бундай ит билан муомала қилиш ёқимсиз! Лекин мен у билан муроса қилишга тиришаман. У мени яхши кўради назаримда, лекин

Крамерни негадир ёқтирмай қолган. Кўрди дегунча, жахл билан бир қараб, ўзини четга олади. Гапира олмаслигидан ўзи ҳам эзилади менимча. Ит тилини ўрганишга тўғри келади энди.

Лабораториянинг ичкарисидан итнинг бўлиб-бўлиб акиллагани эшитилди.

— Кўряпсизми, мени чақиряпти. Бир гап бўлганга ўхшайди! Юринг!

Жипсининг акиллашига кучукчанинг ингиллагани қўшилди. Биз дарҳол ўша томонга учиб кетдик.

Панжалари парда билан қопланган кучукча бир панжасини тўрга тиқиб, суғуролмай турарди. У бизга ёш боладай тикилиб, тинимсиз ингилларди. Жипси унинг атрофида уймаланишар ва ҳадеб ўзининг узун панжалари билан кучукчанинг қисилиб қолган панжасини чиқармоқчи бўларди. Биз ёрдамга келганимиздан кейин кўплашиб панжани тўрдан халос қилдик.

Мен Жипси билан «гаплашмоқчи» бўлдим.

— Жипси! — Оҳ, бу кўзларга бардош бериш нақадар оғир! — Гапиришни билмайсанми? Ўргатайми?

Жипси шоша-пиша бош силкиди ва назаримда, кўзларида севинч учқуни чақнаб кетди. У ёнимга учиб келиб, қўлларимни ялай бошлади.

— У сиздан жуда мамнун. Ҳали яхши оғайни бўлиб кетасизлар,— деди Фалеев.— Хўш, ўртоқ Артемьев, қаерда ишламоқчисиз? Ўсимликлар физиологияси лабораториясидами ёки бу ердами?

— Буни Шликов ҳал қилади,— дедим мен.— Ҳозирча оранжереяда ишлаб туришга тўғри келади. Хайр ўртоқ Фалеев! Хайр, Жипси!..

Куннинг қолган ярмини оранжереяда ўтказдим. Крамернинг авзойи ҳамон бузуқ эди, мен билан гаплашмади ҳам. У индамай қулупнай буталари атрофида ўралашиб юрарди. Зорина бирор нарсани сўраш учун ёнимга учиб келганда Крамер ҳар гал икковимизни хўмрайиб кузатиб турарди. Бундай аҳволда ишлаб бўладими! Шликовдан мени ҳайвонлар физиологияси лабораториясига ўтказишни сўрашга қарор қилдим.

Менинг илтимосимни эшитиб, Шликов хурсанд бўлиб кетди.

— Зоолаборатория штатини анча кенгайтирмоқчиман,— деди у.— Оранжереяга бугун Ердан учиб келадиган янги ходимларни жўнатаман. Сиз Фалеевнинг олдига боринг. Унга нима бўлганига тушунолмаяпман. Кундан-кун анқовлашиб, паришонхотир бўлиб кетяпти. Бир кор-ҳол бўлди шекилли.

— Менинг фикримча, фақат угина эмас! — дедим мен.

— Яна ким? — деб сўради Шликов, курсисидан сал қўзғалиб.

— Крамер. Кэцга келиб биринчи шу одам билан танишганман. Унда бутунлай бошқачи эди. Ҳозир уни таниёлмаяпман.

Ҳаддан ташқари серзарда, шубҳачи, бетайин бўлиб қолибди. Назаримда, у руҳан соғлом эмас.

— Билмадим... Уни кам кўраман. Агар шундай бўлса, Меллерга кўрсатиш керак. Фалеевнинг ёнига янги ходим Зоринани ҳам ўтказаман.

— Зоринани!— хитоб қилдим мен.

— Ҳа, бўлмайдими? Сиз рози эмасмисиз?

— Йўқ, унга қаршилигим йўқ,— дедим мен.— Аммо, назаримда, Крамер мени худди шу қиз туфайли ёмон кўриб қолди. Агар у мен билан бир лабораторияда ишласа...

— Ҳа, гап бу ёқда денг!— деб кулиб юборди Шликов.— Кэц Юлдузида рашк пайдо бўлибди. Унда Крамернинг бирдан сержаҳл ва шубҳачи бўлиб қолгани тушунарли. Лекин бунга эътибор бермаслик керак.

Мен нима қилишим керак эди? Шликовга, гап фақат Зоринада эмаслигини, Крамер мендан Шликов кашфиётларини ўғирлаш ва ўзлаштиришда шубҳа қилаётганини, бунинг устига ҳадеб ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ хахолаб кулишини гапириб бердим. Шликов эса, буларнинг ҳаммаси фақат бир нарсадан — Крамернинг рашкидан келиб чиққан, деб қўя қолди. Мен сабр қилишга ва бундан кейин Крамер ўзини қандай тутишини кузатишга қарор қилдим.

XVIII. ЯНГИ ДЎСТ

Меҳнат фаолиятим бошланди.

Мен лабораторияда иштиёқ билан ишлай бошладим.

Кечқурунлари ва дам олиш кунлари клубда, жамоат боғида, кино-театрда ёки гимнастика залида ҳордиқ чиқарардик. Ёшлар ҳар хил ўйинлар ташкил қилишарди. Уч кишига дастурхон ёпинтириб, «туя» ясашарди. Зорина эса унга миниб олиб, йўлак бўйлаб туя чоптирарди. Хуллас, худди ёш болалардай вақти-хушлик қилинарди. «Чоллар» ҳам «ёшлар»дан қолишмас эди.

Фақат Крамергина илгаригидай ўзини ҳамон ғалати тутарди. Гоҳ телбаларча хахолаб кулар, гоҳ чуқур ўйга ботиб қоларди. Йўқ, бу фақат рашк эмас, у мени ўз ҳолимга қўйган бўлса ҳам, лекин ҳар бир қадамимни кузатиб юрарди.

Мен жуда кўп кэцликлар билан танишдим, талай дўстлар орттирдим. Ҳаводаги турмушга тобора кўникиб борар ва фақат Тоняни қўмсардим.

Баъзан у билан телефон орқали гаплашиб турардик. Тоня менга, қорасоқол ҳали ҳам қаердадир Марс билан Юпитер ўртасида, астероидлар ҳалқасида учиб юрганини, яқинда Кэцга учиб келишини ва ўзининг қандайдир навбатдаги «ажойиб кашфиёт»-ни очганини хабар қиларди.

Янги дўстларим мени ҳаво мустамлакаси билан таништириш-

ди. Ёш инженер Қорибоев ўзи ишлайдиган заводни кўришга таклиф қилди.

— Ажойиб иншоот,— деди у бир оз акцент билан.— Бутун бир сайёра. Шар. Каттакон шар! Фақат биз шарнинг сиртида эмас, ичкарисида яшаймиз. Диаметри икки километр келади. У аста айланиб туради. Бунинг натижасида Ердагининг юздан бирича оғирлик кучи ҳосил бўлади. Оғирликнинг камлиги бизга энг мураккаб ишларни амалга оширишга имкон беради. Бизда ричаг, суюқ жисмлар ва газ қонунлари вазн туфайли мураккаблашмайди. Товушлар ва умуман турли тебранишлар ердагидай тарқалаверади. Тўғри, барометр ишламайди, унинг бизга кераги ҳам йўқ. Соатлар, тарозилар — пружинали. Массани марказдан қочирма машина орқали аниқлаш ҳам мумкин. Магнит, электр ва бошқа кучлар Ердагидан аниқроқ ҳаракат қилади. Штамповкачи машиналар процесси учун оғирлик кучи керак эмас. Суюқ ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайдиган ўтхоналардан воз кечганмиз. Электр қуввати ҳосил қилиш учун турли хил машиналар ёрдамида қуёшдан фойдаланамиз.

Иккита цилиндрни кўз олдингизга келтиринг. Цилиндрнинг биттаси сояда, иккинчисига офтоб тушиб турибди. Қуёш ҳарорати цилиндр ичидаги суюқликни буғга айлантиради. Буғ қувур орқали ўтиб, турбинани ҳаракатга келтиради. Кейин у сояда турган совуқ цилиндрга тушиб, совийди. Иссиқ цилиндрдаги ҳамма суюқлик буғ ҳолида совуқ цилиндрга ўтиб бўлгандан кейин, цилиндрлар автоматик тарзда жойларини алмаштирадилар. Совутгич вазифасини бажарган цилиндр буғ қозонига айланади ва аксинча. Қуёш ёритиб турган жой билан соя жойдаги ҳарорат ўртасида катта фарқ бор. Машина автоматик равишда бенуқсон ишлайди. Агар ишқаланувчи қисмларнинг ейилишини ҳисобга олмасак, буни «мангу двигатель» деса ҳам бўлади.

Бошқа бир Қуёш қурилмаси кичик туйнукли каттакон шарга ўхшайди. Унинг ичи қоп-қора. Ойнага тўпланган Қуёш нури ана шу туйнук орқали шарга ўтиб, унинг ички сиртини қиздиради. Бу иссиқликни двигатель учун ҳам, металлургия ишлари учун ҳам қўллашимиз мумкин. Биз олти минг даража, яъни Қуёш сиртидаги билан баравар ҳароратни бемалол ҳосил қилаверамиз. Ойга учиб кетаётган пайтингизда шар-заводимизга кўзингиз тушмадими?

— Кўрдим,— дедим мен.— У кичкина планетачага ўхшайди.

— Шарнинг орқасидаги осмоннинг ярмини тўсиб турган каттакон тўрт бурчак нарсани пайқадингизми?

— Эътибор бермабман.

— Эҳтимол, сизлар нариги томонидан учиб ўтгандирсизлар. «Квадрат» ён томони билан туриб қолган. Қуёш ёритган пайтда у «тўрт бурчак ой»дан олис-олислардан кўриниб туради. Бу фотоэлемент. Ўн минг квадрат метрли жуда юпқа тунука мис оксиди билан қопланган. Ундан узоқдан кўзга кўринмайдиган

ингичка симлар тортилган. Унинг тепасида буғ билан иситиш радиаторига ўхшаш янада улканроқ иншоот жойлашган. Термоэлектрик қурилма. Ҳар хил металлардан йиғилиб, ўртаси пайванд қилинган металл қувурлар. Пайвандланган жойни қуёш қиздирганда электр токи ҳосил бўлади.

— Қисқаси, чекланмаган миқдорда энергияга эгамиз. Махсус металлни қайта ишловчи машиналарни яратиш қийин эмас эди. Тоблашни, албатта, бу ерда қўллаб бўлмайди. Болғаларнинг вазни йўқ. Аммо уни бемалол штамповка, пресс билан алмаштириш мумкин. Шунинг учун ҳам бизнинг фабрика ва заводларимизда тутун, қурум, чанг деган гап йўқ. Ҳаммаёқ покиза, жимжитлик, ҳаво мусаффо. Огир нарсаларни ташиш ҳеч гапмас. Бизнинг метеор овловчиларимиз минглаб тонна темир, мис, чўян, қалай, иридий, платина, хром, вольфрам йиғиб қўйишган. Улар шар орқасидаги «ҳовлида» «осилиб» турибди. Керакли металлни заводга ингичка сим билан тортиб олаверамиз. «Ички транспорт»имиз шунақа жўн. Баъзан электрокар ўрнини босувчи кичкина ракетокарлардан ҳам фойдаланамиз. Бизда асосан электр пайванд қўлланилади, лекин айрим ҳолларда бевосита «қуёш пайванд»ни ишга соламиз. Агар техникага сал бўлса-да, қизиқсангиз, заводимизни албатта бориб кўринг... Дарвоқе, бугун эрталаб бизнинг вақтимиз билан соат ўн иккида қаерда эдингиз?

— Оранжерея ёки лабораторияда.

— Тревогани эшитдингизми?

— Йўқ.

— Демак, бу вақтда Кэцдан наридаги лабораторияда экансиз. Бўлмаса эшитардингиз. Сирена шунақа чийилладики! Мен Пархоменконинг олдида ўтирган эдим. Кэцдаги тўс-тўполонни кўрганингизда эди!

— Нима учун тревога кўтарилди?

— Жуда кам учрайдиган бир ҳодиса туфайли. Кэц Юлдузи тарихида биринчи марта бўлиши. Катталиги қумдан сал йирикроқ бир метеор Юлдузимизни тешиб ўтиб кетди, йўл-йўлакай ўсимлик баргларини ва ходимларимиздан бирининг елкасини ҳам тешиб ўтган. У жуда кичкина бўлган. Буни шундан ҳам билса бўладики. Кэц қобиғида ҳосил бўлган тешик ўша заҳотиёқ битиб, ўз-ўзидан пайванд бўлиб кетган. Елкаси тешилган Горевaнинг айтишича, у олов «ярқ» этиб кетганини кўрган, худди чақмоқ чаққандагидай қарс-қурс этган товушни эшитган. Ўша заҳотиёқ тревога эълон қилинган. Ахир, метеор қобиқда каттакон тешик қолдириши ҳам мумкин эди-да. У ҳолда газ чиқиб кетиб, ракетага самовий совуқлик бостириб кирарди. Шунинг учун ҳам ракетамиз хоналарга бўлинган. Эшиклар дарҳол ўз-ўзидан ёпилади, натижада ракетанинг бошқа хоналаридаги атмосфера чиқиб кетолмайди. Авария юз берган хонага скафандр кийган ишчилар жўнатилади. Горева ўз хона-

сидан эшиклар ёпилиб қолмасдан илгари чиқиб олишга улгурган. Ҳар эҳтимолга қарши калитлар ҳам бор. Эшик ёпилиб қолганда калит билан очиб, чиқиб кетиш мумкин. Тўс-тўполон бўлишига қарамай, ҳамма тез ва аниқ ҳаракат қилган. Горевaнинг ярасини кўрган Меллер, бунақа «тоза» ярани умрида кўрмаганини айтди. Дарвоқе, нинанинг учидай келадиган тешикни яра дейиш ҳам қийин. Бу «яра» ҳатто боғлаб қўйишни ҳам талаб қилмади. Лекин кўп гапирвордим,— деди инженер қўл соатига қараб.— Шундай қилиб, сизни кутаман-а!

Мен заводни албатта бориб кўришга ваъда бердим. Лекин бу ваъдам амалга ошмади. Бошқа ишлар билан овора бўлиб кетдим.

* * *

Мен зоолабораторияга деярли кўчиб ўтдим, кўпинча Кэцга ҳатто овқатланиш учун ҳам келмас эдим: қайтадан «говвос» костюмини кийиш, атмосфера камералари — шунга ўхшаш ишлар кўп вақт олар эди, мен эса ҳар бир минут вақтни қизғанардим. Ахир бу лабораториядаги бир минут Ердаги соатлардан кўп нарса беради: тажриба вақтида ҳар хил биологик процесслар шу қадар тез ўтади. Пашшалар мутацияси шундоқ кўз олдимда юз берарди. Мен янгидан-янги ажойиботларга дуч келардим. Мана шу ўзгаришларни бошқариб турувчи қонунларни ўрганишга қаттиқ киришиб кетдим. Уларни англаш — ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини эркин бошқаришнинг янги, қудратли қуролини топиш демак. Мен ҳужайра ядроларини ва улардаги ирсий белгиларни ташувчи хромосомларни ўрганиб чиқдим. Энди пашшадан хоҳлаган жинс ва катталикдаги наслни бехато олишим мумкин эди.

Ердаги чорвачиликни ривожлантиришнинг қандай истиқболлари мавжуд! Тўғри, Ерда космик нурлар бу ердагидай мўл эмас. Лекин у ерда ҳам сунъий равишда космик нурлар ҳосил қилиш усулини топишган. Албатта, қимматга тушади, лекин тажрибаларни бу ерда ўтказиб, натижасини Ерга хабар қилиш мумкин. Ерда ҳам истаган натижани олиш учун махсус камераларда ҳайвонларни сунъий равишда космик нурлантиришдан ўтказа бошлашади. Ана ўшанда табиатдан тилаб ўтирмай, хоҳлаганимизча сигир-буқаларни етиштираверамиз. Хоҳлаган катталикдаги ҳайвонларни етиштираверамиз. Филдай келадиган сигир кунига ўнлаб пақир сут беради. Ахир бу одамни ўзига батамом жалб қиладиган масала эмасми?

Ишга шўнғиб кетганимга қарамай Жипсини унутмадим. У ҳам менга ўрганиб қолган эди, ёнимдан бир қадам ҳам нари жилмасди. У билан зерикмасди одам. Тўғри, унинг ташқи кўринишига кўникиш анча қийин бўлди. Лекин мен кўникдим, итнинг бадбашаралиги кўнглимдан чиқиб кетди. Ҳатто Жипсининг кўзлари ҳам анча мулойимлашгандек бўлди.

Одамлар ўзларининг тўртоёқли дўстлари билан ҳаммавақт ҳам тузук муомала қилишмайди-да. Айниқса, Крамер «Ҳей кал! — деб ўшқиради у Жипсини кўрди дегунча, мушт ўқталиб.— Яқинлашма менга!» Шундай бўлгач, Жипси уни жинидан ҳам ёмон кўради-да, албатта.

Жипсини «гапиришга» ўргатиш «шартли тил» туғилишига сабаб бўлди. У ёки бу муносабат билан Жипси чиқарган товушларни эслаб қолишга ҳаракат қилардим. Бу товушлар нутқ товушларига ўхшамаса ҳам, лекин ҳарҳолда бир-биридан фарқ қиларди. Жипсининг ўзи ҳам оҳанг ва паузаларга эътибор бериб, менга кўмаклаша бошлади. Шундай қилиб, аста-секин бир-биримизни эркин тушунадиган, бўлиб қолдик. Лекин ноқулай томони шундаки, Жипси ҳамон ёлғиз мен англайдиган «муҳожир»лигича қолаверарди. Бунинг устига у мени жуда яхши кўрарди. Кўпинча келиб қўлимни яларди — унда итларга хос эркаланиш сақланиб қолган эди. Ўзининг нозик туйғуларини у бошқа қандай йўл билан ҳам ифодалай олади, дейсиз?

Айниқса, Жипсининг ғоят меҳрибонлик ва чидам билан кучукчаларни ҳаракат қилишга ва вазнсиз бўшлиқда учишга ўргатишини кузатиш мароқли эди. Афсус, бу манзара киноплёнкага туширилмаган.

Унга қараб туриб, ўйлардим: инсонга хизмат қилдиришда ҳайвонлардан ҳали жуда ёмон фойдаланамиз! Панжалари парда билан қопланган Жипси Ерда юришга яхши мослашмаган. Унинг суяк ва пайлари заиф бўлиши мумкин. Лекин бу ерда Ер шароитига яроқли, яхши ривож топган итларни яратишдан осони йўқ. Фақат уларни сунъий огирлик бор жойда ўстириш керак. Космик нурлар мўл бўлгани учун бу ерда уларнинг мияси Ердагидан тез тараққий этади. Масалан, Жипсининг ҳид билиш ва эшитиш қобилияти жуда кучли. У бирор ҳодиса юз берса сигнал чироқларини ёқувчи, қўнғироқ тугмасини босувчи, акиллаб телефонда чақирувчи ажойиб қоровулгина эмас, балки ишлаб чиқаришдаги ўзига хос тирик реактив бўлиши ҳам мумкин эди. У ҳиддаги, ҳароратдаги, товуш ва рангдаги салгина ўзгаришни ҳам сезади ва шу заҳотиёқ сигнал бера олади. Бу ишни автоматларимиз ҳам аъло даражада бажаради, албатта. Лекин Жипси автомат эмас, бинобарин, у кўпроқ нарса қила олади: У фақат «сезибгина» қолмайди, балки ана шу автоматлар ёрдамида ишнинг йўналишини ўзгартиради.

Жипсини у ёки бу топшириқ билан жўнатган пайтларимда жуда севиниб кетар ва бу топшириқларни деярли ҳаммавақт бехато бажарарди. Агар гапимни тушунмаса, бош чайқарди. «Ҳа» ва йўқ» деган сўзларни у «ва», «ввэ» деган товушлар билан изҳор этарди.

Унинг менга бўлган садоқати ниҳоясиз эди. Бир гал лабораториямизга Ердан яқиндагина чиққан бир ходим учиб келиб, олдимда қанотларини беўхшов силкита бошлади. Жипси бу одам

мени урмоқчи бўляпти деб ўйлади шекилли, шиддат билан унга ташланиб, бир томонга улоқтириб юборди. Қаршисида ғалати махлуқни кўрган бечоранинг юраги ёрилиб ўлишига сал қолди.

Жипси билан хайралашиш мен учун оғир бўлади, Ерга олиб тушиш эса мумкин эмас. У Ерда яшай олмайди.

Қисқаси, Жипсидан ғоят мамнун эдим. Лекин Фалеев борган сари мени ҳайратга соларди. Бу одам шундоқ кўз олдимда тамом ўзгариб кетди. У тобора анқовлашиб борарди. Баъзан оддий нарсаларни ҳам тушунмай қаршимда узоқ вақт «осилиб» турарерарди. Иши мутлақо юришмасди. У ҳамма нарсани унутиб қўяр, кўп хато қиларди. Ҳатто ташқи қиёфаси ҳам бошқача бўлиб қолди, ўзига қарамай қўйди: соқол-мўйлови ўсиб кетган, костюмини аҳёнда бир алмаштиради, ваннага зўрлаб олиб бормасанг ўзича бормайди. Энг қизиги, у жисмоний жиҳатдан ўзгара бошлади. Аввал кўзларимга ишонмадим, кейин борган сари унинг бўйи чўзилиб кетаётганига ишонч ҳосил қилдим. Юзи ҳам чўзилинқираган, пастки жаги туртиб чиқа бошлаганди. Оёқ ва қўл бармоқлари узайиб, кемирчак ва суяклари йўғонлаша бошлаганди. Хуллас, акромегалия касали билан оғриган кишига ўхшарди. Бир куни уни эҳтимол бир ойдан бери ўзи яқинлашмаган кўзгу рўпарасига олиб келдим.

— Қаранг, кимга ўхшаб кетибсиз!

У кўзгуга узоқ тикилиб турди-да:

— Бу ким? — деб сўради.

Бу одамнинг эси жойидами!

— Сиз-да, албатта.

— Таниёлмаяпман, — деди Фалеев. — Наҳотки шу мен бўлсам? Жипсидан баттар. — Бу сўзларни у тамом бепарволик билан айтди, кўзгудан узоқлашгач, шу заҳотиёқ бошқа нарсалар ҳақида гапириб кетаверди.

Йўқ, бу одамни даволаш, тезда даволаш керак.

Мен шу куниёқ Кэцга учиб бориб, бу ҳақда Меллерга хабар бермоқчи бўлдим.

Лекин ўша куни яна бир ҳодиса юз берди-ю, Меллерга энди бир эмас, икки бемор ҳақида гапиришга тўғри келди.

XIX. ҒАЛАТИ КАСАЛЛИК

Пружинали соатларимиз (вазнсизлик оламида капгирли соатлар ишламайди) кеч олтига яқинлашиб қолган эди. Фалеев Кэц Юлдузига учиб кетди, Зорина ҳали зоолабораторияда эди. Бу қиз менга ўхшаб ишга берилиб кетганидан кўпинча кечгача шу ерда бўларди. Доимо қувноқ, хушчақчақ, очиқ кўнгил бу қиз фақат яхши ходимгина эмас, балки ажойиб ўртоқ ҳам эди.

У менга турли илмий масалалар юзасидан тез-тез мурожаат қилиб турар, мен ҳам бажону дил ёрдам берардим.

Бу гал ҳам шундай бўлди.

Вера Зорина совуқнинг юнгнинг ўсишига таъсирини ўрганиш устида иш олиб борарди. Тажриба қилинаётган ҳайвон паст ҳароратли махсус камерада сақланар ва у ерда иссиқ костюмда ишлашга тўғри келарди. Бу камера қувурнусха лабораториямизнинг охирига жойлашган эди.

Мен бир ўзим шиша яшик олдида катталиги кабутардай келадиган баҳайбат пашшани кузатиб ўтирардим. Гавдасининг шу қадар катталигига қарамай пашшанинг қанотлари асалариникидай эди. Чунки учиш вақтида бу қанотларнинг деярли ёрдами тегмасди, пашша ўз уясининг шиша деворлари бўйлаб ўрмалаб юришни афзал кўрарди. Бу улкан пашша энди жинси номаълум махлуқ эмас эди. У ургочи пашша эди — ўз хоҳишим билан яратилган. Ўз муваффақиятим оқибатлари ҳақида хаёл суриб ўтириб, Жипсининг ёнимга учиб келганини ҳам пайқамай қолибман. У ўз тилида бир нарсаларни тушунтира бошлади. Кейин англадимки, мени Зорина чақираётган экан.

Ўрнимдан турдим. Жипси пардали панжаларини силкитиб олдин учиб кетди, мен унинг орқасидан учдим. Лабораториянинг охирига етганда иссиқ костюм кийиб, камерага кирдим. Шифт остида қўй осилиб турарди. Унинг юнги шу қадар узун эдики, ҳатто оёқлари ҳам кўринмасди. Ушлаб кўрдим — шунақа майинки, нақ ипак дейсиз. Чинакам олтин юнг! Қўй худди оппоқ булутлар қуршовида қолгандай.

— Чакки эмас!— дедим мен.— Ишингиз юришиб кетибди.

— Буни қаранг,— деди Зорина энтикиб,— қўйнинг юнгини яқиндагина олган эдим. Яна ўсиб қолибди, ҳатто илгаригидан ҳам узунроқ. Лекин бир оз дағалроқ бўлиб қолган. Шундан ташвишланяпман.

— Йўғ-э, ипак бундан майин бўлиши мумкин эмас,— эътироз билдирдим мен.

— Лекин ўргимчак уяси ипакдан нозик,— дея ўз навбатида эътироз билдирди Зорина ҳам.— Мана, ушлаб кўринг.— У менга бир тутам газдай енгил, оппоқ юнг узатди.

Зорина ҳақ: қирқиб олинган юнг майинроқ эди.

— Наҳотки қирқиб олингандан кейин юнг дағал бўлиб қолса?— сўради қиз.

Мен дарров жавоб беролмадим.

— Бу ер совуқ,— дедим мен.— Чиқиб гаплашайлик.

Биз камерадан лабораторияга ўтиб, пўстинларимизни ечдикда, уларни шундоққина ёнимизда, ҳавога «илиб» қўйиб, гапга тушиб кетдик. Деразадан зангори қуёш кўриниб турибди. Пастроқда ер улкан ойдай кўзга ташланади. Сомон йўли туман доғлари. Таниш, одатдаги манзара... Зорина оёғининг учини «шифт»даги қайиш ҳалқадан ўтказиб олиб, қулоқ соларди.

Мен Жипсининг бошидан қучоқлаганча дераза олдида турардим.

Бирдан Жипси безовталаниб, «Кгмррр...» дея ғудурлади. Шу заҳотиёқ Крамернинг товушини эшитдим:

— Осмондаги фароғат! Юлдузда дуэт!

Дарров Зорина билан кўз уриштириб олдим. Унинг қошлари чимирилиб кетган эди. Жипси яна ириллай бошлади, лекин уни тинчлантирдим. Крамер ўнг қанотини аста силкитиб, бизга яқинлашиб келарди.

— Вера билан гаплашишим керак!— деди у тўхтаб, кўзларимга тикилгача.

— Мен халақит бераманми?— сўрадим мен.

— Ўзингизнинг фаросатингиз бўлиши керак!— деб жавоб берди Крамер жаҳл билан.— Сиз билан кейинроқ гаплашаман!

Мен оёғим билан деворни қаттиқ туртиб, лабораториянинг нариги бурчига учиб кетдим.

— Қаёққа, Артемьев!— Зоринанинг овози эшитилди орқамдан.

Ярим йўлда ўгирилиб қараб, иккиланиб турган Жипсини кўрдим, у менинг орқамдан учишни ҳам, қиз билан қолишни ҳам билмасди. У Зоринани мени севгандай севарди.

— Юр, Жипси!— деб қичқирдим мен.

Аммо Жипси биринчи марта буйруғимни бажармади. У Зорина билан қолиб, уни қўриқлашини айтди. Бу жавобни Крамер албатта тушунмади. Жипсининг «сўзлари» унинг учун ириллаш ва акиллашдан бошқа нарса эмас эди. Қайтанга яхши!

Мен пашша камераси олдида тўхтаб, лабораториянинг у бурчида бўлаётган воқеага қулоқ сола бошладим. Крамернинг важоҳати ва хатарни сезган итнинг хатти-ҳаракати мени сергак қилиб қўйган эди.

Лекин ҳаммаёқ жимжит эди. Жипси акилламасди. Крамернинг ҳам товуши эшитилмасди. Эҳтимол, шивирлаб гапираётгандир. Лабораториямиз атмосфераси ердагидай зич эмас, шунинг учун товуш пасаяди. Икки минутлар чамаси кутиш билан ўтди. Шу пайт бирдан Жипсининг қаттиқ акиллаб, чақиргани эшитилди. Кейин у жим бўлиб қолди, салдан сўнг бўғиқ ириллай бошлади.

Мен шиддат билан изимга қайтдим.

Кўз олдимда даҳшатли манзара намоён бўлди.

Крамер Зоринани бўғарди. Вера унинг қўлидан халос бўлишга уринар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Жипси Крамернинг елкасидан тишлаб олган эди. У итдан қутулиш учун бутун гавдаси билан силкинарди. Шундай қилиб, ҳар учовлари лабораториянинг ўртасида думалоқ бўлиб айланишарди.

Мен учиб келиб ўзимни эшилиб кетган тўда ўртасига урдим ва Крамернинг томоғидан маҳкам ушлаб олдим. Бошқа иложим қолмаган эди.

— Жипси! Ердамга чақир! Қўнғироқ! Телефон!— деб қичқирдим мен.

Крамер хириллар, лекин Зоринани қўйиб юбормасди. Унинг бармоқлари гўё тошдай қотиб қолган эди. Юзи буришиб кетган, кўзлари ола-кула.

Жипси кўнғироқ томон учиб бориб, «тревога» тугмачасини босди. Кейин ёнимга қайтиб келиб, Крамернинг бурнидан тишлади. Крамер додлаб қўлини қўйиб юборди. Жипси шу заҳотиёқ ўзини четга олди.

Лекин ҳали ғалаба нашъасини суришга эрта эди. Тўғри, мен Верани Крамердан узоқроққа итариб юборишга муваффақ бўлдим. Лекин Крамер шу оннинг ўзида Жипсининг юзига мушт солди-ю, кейин менга ташланди. Одатдан ташқари кураш бошланиб кетди. Мен Крамердан четланиш учун жон-жаҳдим билан қанотларимни силкитардим. Лекин вазнсиз бўшлиқда ҳаракат қилишга мендан кўра устароқ бўлган рақибим ўз ҳолатини тез ўзгартирар ва кутилмаганда бош томонимда пайдо бўлиб қолар эди. Шунда Жипси ўртамизга ташланиб, Крамернинг юзига чанг солишга уринарди.

Крамер мени тинимсиз муштлар ва тепарди. Хайриятки, рақибимнинг зарбаси сира таъсир этмасди. Фақат гавдаси девордан қайтиб келиб урилгандагина туртки сезардим.

Ниҳоят у мени орқадан ушлаб олишга муваффақ бўлди, бармоқлари томоғим сари ўрмалай бошлади. Шу он Жипси унинг ўнг қўлига осилиб олди. Крамер итни улоқтириб юбориш учун чап қўлини ҳам бўшатишга мажбур бўлди, лекин шу пайт жангга Вера ҳам ташланди. У Крамернинг оёғидан ушлаб олди.

— Қўйинг, Крамер! Уч кишига кучингиз етмайди!— дея уни муросага чақирдим.

Лекин у қутуриб кетган эди.

Лабораторияда одамларнинг товуши эшитилди. Кўп ўтмай беш йигит бизни бир-биримиздан ажратишди. Крамер ҳамон талпинар, типирчилар ва овозининг борича қичқирарди. Тўрт йигит уни ушлаб туришди, биттаси кичкина омборхонамиздан арқон олиб келди. Крамерни боғлашди.

— Мени ҳавосиз бўшлиққа ташлаб юборинглар!— деб хириллари у.

— Қандай шармандалик!— деди ҳалигилардан биттаси.— Кэцда ҳеч қачон бундай ҳодиса бўлмаган эди.

— Директоримиз, ўртоқ Пархоменко, суд қилиш ваколатига ҳам эга. Менимча, бу безорилик биринчиси ва сўнггиси бўлади,— деди яна бири.

— Буни суд қилишга шошилманглар, ўртоқлар,— дедим мен.— Назаримда, Крамерни суд қилиш эмас, балки даволаш керак. У касал.

Крамер тишини бир ғичирлатди-ю, индамади.

Яна тўполон қилиб қолишидан қўрқиб, уни шундайлигича, оёқ-қўли боғлиқ ҳолда «ғоввос» костюмига тиқишди ва бир қоп юкдай Кэцга олиб кетишди. Зорина икковимиз ҳам ўша ёққа

жўнадик. Лабораторияда фақат битта навбатчи билан Жипси қолди.

Кэцга келганимиздан кейин Крамерни дарҳол Меллерга кўрсатишларини талаб қилдим. Мен унга Крамер билан танишган кунимиздан бошлаб то сўнгги хатти-ҳаракатларигача гапириб бердим. Шунингдек, Фалеев ҳам жисмоний ва руҳий касал, назаримда, уларнинг касалини келтириб чиқарган сабаб битта бўлса керак, деган фикрни ҳам айтдим.

Меллер гапларимни диққат билан эшитиб, пировардида деди:

— Ҳа, шундай бўлиши мумкин. Юлдуздаги шароит жуда ҳам бошқача. Бунақа ҳол илгари ҳам юз берган эди. Дастлабки ходимларимиздан бири ўзини «нариги дунёда» деб ҳис қилган эди. Онгимизда ҳали қандай сарқитлар борлигини тасаввур қиляпсизми?

У Крамерни, сўнг Фалеевни келтиришларини талаб қилди.

Крамер саволларга жавоб бермади, хўмрайиб тураверди ва фақат бир марта ҳалиги гапини такрорлади:

— Мени ҳавосиз бўшлиққа ташлаб юборинглар.

Фалеев Меллерни баттар ҳайратга солди. Унинг жавобларидан Меллер бир хулосага келди назаримда. Икковларини олиб чиқиб кетишгач, у деди:

— Сиз тамомила ҳақсиз. Иккови ҳам касал, оғир касал. Крамерни суд қилиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Унга ачиниш керак. Бу илмий бурч йўлидаги қурбон. Ахир, сиз биолог бўла туриб, бунинг сабабини англамадингизми?

— Мен бу ерда янги одамман, қолаверса, медик эмасман...— дедим мен хижолат бўлиб.

— Лекин буни билиш қийин эмас эди. Дарвоқе, ўзим ҳам сиздан дуруст эмасман. Ғафлатда қолибман... Ҳамма гап космик нурларда! Бир ўйлаб кўринг-а. Ер сиртидан атиги йигирма уч километр баландликда космик нурланиш кучи ердагидан уч юз марта кўп. Атмосфера қатламидан юқоридамиз, бинобарин, космик нурлар бизга ердагидан минг марта кўпроқ таъсир қилади...

— Узр,— деб унинг гапини бўлдим.— У ҳолда Кэцдаги ҳамма одамлар қутуриб кетиши ёки мажруҳ бўлиб қолиши керак эди. Лекин ундай бўлмаяпти-ку.

Меллер айбситиб бош чайқади.

— Сиз ҳали ҳам тушунмадингиз! Бунинг учун Кэц қурувчиларига раҳмат айтишимиз керак. Космик нурлар хатарли эмас, деган фикрлар бўлишига қарамай, Кэцни бунёд этган қурувчилар ҳаводаги масканимиз қобиғида изоляцион қатлам яратганлар. Бу қатлам кучли космик нурлар таъсиридан бизни ҳимоя қилади. Тушунарлими?

— Буни билмас эканман...

— Лабораторияларнинг бир қисми эса — ўсимликлар физиологияси лабораторияси билан зоолаборатория — космик нурлар-

ни тўла ўтказадиган қилиб қурилган. Уларнинг ҳайвонлар организми ва ўсимликларга таъсирини ўрганишимиз керак эди. Сизнинг пашшалар ва бошқа йирикроқ ҳайвонлар устида олиб борган тажрибаларингиз нимага асосланган, ахир? Мутациялар қаердан келиб чиқади? Космик нурлар таъсиридан. Сиз буни биласизми?

— Буни биламан. Энди тушундим...

— Баракалла. Пашшалар ўзгаради; ит, эчки, қўйлардан ким билсин қандай махлуқлар бинога келади. Нима, сиз ўзингиз бошқа хамирдан ясалганмисиз? Уларга таъсир қилади-ю, сизга таъсир қилмайдими? Мен шунақа бўлишини билардим! Огоҳлантирганман ҳам. Мени сизга ўхшаган биологлар юпатишди: ҳеч нарса қилмайди, дейишди. Мана, бир одамни жинни, иккинчисини мажруҳ қилиб ўтиришибди. Космик нурлар безларга таъсир этган, безлар эса жисмоний ва руҳий фаолиятни бузган. Бу аниқ... Фалеевнинг касали — акромегалия. Бу касалликни тезда бартараф қиламиз. Лекин Крамер анча овора қилади. Агар сиз ҳам, азизим, шундай лабораторияда икки йил ишлагангизда, эҳтимол, худди шундай аҳволга тушган бўлардингиз.

— Хўш, энди нима қилиш керак? Мен ишни ташлаб кетолмайман.

— Ташлаб кетишнинг кераги йўқ. Чорасини топамиз. Рентгенологлар, радиологлар хавфли нурлар билан муомала қилишади ку, фақат одам ўзини ҳимоя қила билиши керак. Изоляцион қалпоқ, изоляцион кийим кийишга тўғри келади. Тажриба остидаги ҳайвонлар бевосита нур таъсирида туришаверади, илмий ходимлар эса — космик «ёмғир»ни ўтказмайдиган «том» остида бўлишади. Бундай «жала» ёғиб турган тажриба камерасига фақат «соябон» билан кириш мумкин. Мен айтаман, инженерларимиз керакли нарсаларнинг ҳаммасини муҳайё қилишади.

XX. ҚОРАСОҚОЛ ЕВГЕНЬЕВ-ПАЛЕЙ

Ерни тарк этганимга саккиз ой бўлди.

Кэц Юлдузи байрамга тайёрланарди. Бу ерда ҳар йили Юлдуз бинога келган кун тантанали нишонланади. Кўпдан бери яшаётган одамларнинг айтишича, шу куни осмон мустамлакачиларининг ҳаммаси, ким қаерда бўлмасин, Кэц Юлдузига тўпланаркан. Докладлар қилишар, қилинган ишлар юзасидан йиллик ҳисобот тингланар, ўз ютуқлари ҳақида бир-бирларига ахборот беришар, тажриба алмашишар, келажакда қилинадиган ишларнинг режасини тузишаркан. Бу йил байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Мен бу кунни сабрсизлик билан кутардим: ниҳоят, фақат Тонянигина эмас, балки тутқич бермас қорасоқолни ҳам кўришимни билардим.

Юлдузда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Гулхонадан

ҳар хил гул ва кўкатлар келтириб, асосий зални ясатишди. Рассомлар плакатлар, портретлар, диаграммалар чизишар, созандалар янги қўшиқ ва кантаталар ўрганишар, артистлар пьесани машқ қилишар, илмий ишларнинг раҳбарлари докладлар ёзишарди.

«Кечқурун»лари ранг-баранг чироқлар билан ёритилган кўмкўк «тоннель» бўйлаб учиш гаштли эди. Ҳамма жойда байрам нафаси, атрофдан ёшларнинг ғала-ғовури, қўшиқ-куй эшитилади. Ҳар куни янги-янги одамлар пайдо бўлиб қолади. Кўпчилиги ёшлар. Эски танишлар бир-бирларини шовқин-сурон билан қутлашади ва дарҳол таассуротларга тушиб кетишади.

— Сен қаердан?

— Астероидлар минтақасидан.

— Сатурн ҳалқасида бўлдингми?

— Албатта!

— Гапир! Гапир! — деган овозлар.

Ҳалиги одамнинг атрофига бир зумда оломон тўпланди, тўғрироғи, оломон эмас, ғужум: оғирлик жуда оз, шунинг учун кўпчилик ҳикоя қилаётган одамнинг боши устида учиб юрибди.

— Сатурн халқаси, ўзларингиз биласизлар, бир хил йўналишда парвоз қилувчи беҳисоб зарралардан иборат. Бу, афтидан, парчаланиб кетган планета — Сатурн йўлдошининг қолдиқлари. Уларнинг орасида майда тошлар ҳам, харсанглар ҳам, тоғдай келадиганлари ҳам бор.

— Ҳалқада тошдан-тошга сакраб юрса ҳам бўладими? — деб сўради кимдир.

— Албатта, бўлади,— жавоб берди кулиб ҳикоя қилувчи унинг чин гапираётганини ҳам, ҳазиллашаётганини ҳам билиб бўлмасди.— Мен шундай қилдим. Баъзи тошлар бир-бирига шунақанги яқин учадики, бемалол сакраб ўтиш мумкин. Лекин, умуман олганда, улар орасидаги масофа жудаям яқин эмас. Аммо портатив ракеталар ёрдамида тошдан-тошга сакраб юравердик. Ана бойлигу мана бойлик! Баъзи тошлар нуқул олтин, айримлари — кумуш, лекин кўпчилиги темирдан иборат.

— Албатта, олтин олиб келгандирсан?

— Намуналар келтирдик. Сатурн ҳалқаси бизга юз йилга етади. Бу ажойиб маржондан битталаб тош териб олаверамиз. Аввал майдаларини, сўнг йирикларини ҳам.

— Сатурн ўзининг нафис безакларидан маҳрум бўлар эканда. Ачинарли,— деди яна биров.

— Рост, манзара жуда гўзал. Агар ҳалқа билан бир хил текисликда учсангиз, фақат унинг қиррасини — ярқироқ планетани кесиб ўтган ингичка, ёруғ чизиқни кўрасиз. Тепадан қарасангиз, беҳад чиройли равшан ҳалқа кўзга ташланади. Ён томондан эса — гоҳ тўғри, гоҳ чўзиқ эллипсис бўлиб ёки ҳатто парабола шаклида осмоннинг ярмини чулғаб ётган тилла ёй нигоҳингизни тортади. Бунга яна ўнта йўлдош ойни қўшинг,

ана шундан кейин сайёҳни қандай ажойиб манзара кутаётганини тасаввур қилаверинг.

— Сатурнга қўндиларингизми?

— Йўқ, буни сенга қолдирдик,— деди ҳикоя қилувчи. Ҳамма кулиб юборди.— Лекин Фебда, Япетада бўлдик. Атмосферасиз кичкина ойчалардан бошқа нарса эмас. Осмон манзараси ҳамма ерда ҳам ажойиб.

— Қисқаси, стратосферани ўз хонамиздаги атмосферадай ўрганиб олдик. Биз учун ҳеч қандай сир қолгани йўқ...— Мен танишим Соколовский билан бирга учган аэрологнинг овозини эшитдим.

Геологга қўл силкиган эдим, шу пайт Тюринни кўриб қолдим. У директор Пархоменко билан ёнма-ён ҳаракат ҳақида алланарсаларни гапириб борарди. Ҳаракат фалсафаси хусусида доклад қилмоқчимикан-а?..

Пархоменко Зоринанинг олдида тўхтади. Директорни бу қиз билан кўп марта учратганман. Яхшиямки, Крамер кўрмаяпти. У бечора ҳали ҳам изоляторда. Тюрин олимларга хос паришонлик билан ҳатто ҳамроҳининг қолиб кетганини ҳам пайқамай, ҳануз гапириб борарди:

— Ҳаракат — эзгулик, ҳаракатсизлик — ёвузлик. Ҳаракат — бойлик, ҳаракатсизлик...

Оркестр садоси янги фалсафа тарғиботчисининг овозини босиб кетди.

Мен бош йўлакни айланиб учиб чиқдим, улкан зал, ошхона, «стадион», чўмиладиган ҳовузни кўздан кечирдим. Ҳамма ерда одам: биров учган, биров сакраган, биров ўрмалаган. Ҳамма ерда кулги ва хушчақчақлик... Лекин уларнинг орасида Тоня йўқ... Юрагим сиқилганидан тўрт оёқли дўстим билан суҳбатлашиш учун зоолабораторияга қараб жўнадим.

Ниҳоят байрам куни ҳам етиб келдим. Мустамлакачиларнинг ҳаммаси бемалолроқ жойлашиш учун Юлдуздаги оғирлик кучини бутунлай йўқотишди. Йиғилганлар бўшлиқни батамом эгаллаб олишди. Зал худди ичига пашша тўлдирилган шиша қутини эслатарди.

Йўлакнинг охирига очиқ саҳна қурилган. Саҳнанинг орқасида чиройли ишланган ялтироқ лавҳа. Унда Ер, Кэц Юлдузи ва Ой тасвирланган. Лавҳанинг каттакон тухум шаклидаги кемтик ерига Константин Эдуардович Циолковскийнинг платинадан ясалган ҳайкалчаси ўрнатилган. У ишлаб турган вазиятда: тиззасига тахтача билан қоғоз қўйиб олган. Ўнг қўлида қалам. Одамларга юлдузлар сари йўл кўрсатган буюк ихтирочи гўё нотиқлар сўзига қулоқ тутгандай бир лаҳзага ишдан бош кўтарган. Рассом-ҳайкалтарош қулоғи оғирроқ мўйсафиднинг юзидаги таранглиқни ва ўзининг узоқ умрини «бекор ўтказмаган» бу одамнинг майин табассумини ғоят моҳирлик билан акс эттирганди. Электр нури равшан ёритиб турган кумушранг ҳайкал кишида унутилмас таассурот қолдирарди.

Ҳайъат столи вазифасини ҳавода осилиб турган тилла ҳалқа бажарарди. Ҳайъат аъзолари қўллари билан ҳалқадан тутганча унинг атрофига жойлашишди. Ўртада директор Пархоменко пайдо бўлди. Залдагилар уни қийқириқ ва қарсаклар билан қарши олишди.

Шу пайт кимдир қўлимдан тутганини пайқадим. Ўгирилиб қарасам — Тоня!

— Сенмисан! — дея хитоб қила олдим, холос. Шундай қилиб, кутилмаганда, Тоняни сансираб юбордим.

Кэцдаги қоидага хилоф равишда биз қаттиқ қўл қисишиб кўришдик.

— Иш билан тутилиб қолдим! — деди Тоня.— Яна битта кашфиёт қилдим. Бу ерда жуда фойдали, лекин, афсуски Ерда кам қўлланилади... Масканимизни тешиб ўтиб, сал бўлмаса ҳалокатга гирифтор қилаёзган митти астероид ёдингда борми? Шундан сўнг, эҳтимоллик нуқтаи назаридан бундай ҳоллар жуда оз бўлса ҳам, ҳарҳолда юз бериб туришига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун бир ихтиро...

— Демак, кашфиёт эмас, ихтиро?

— Ҳа, ихтиро. Мен ҳатто энг кичкина астероид яқинлашганини ҳам олдиндан пайқаб, Юлдузни унинг йўлидан автоматик тарзда суриб қўядиган аппарат ихтиро қилдим.

— Кема йўлида кўчма муз тоғлари пайдо бўлгани ҳақида хабар берувчи радиоаппаратларга ўхшаган-да?

— Ҳа, фақат битта фарқи шуки, менинг аппаратим фақат огоҳлантирмайди, балки «кема»ни четга суриб ҳам қўяди. Кейин батафсил гапириб бераман. Пархоменко докладни бошламоқчи.

Ҳамма жим бўлди.

Директор тўпланганларни «юлдуз йилининг муваффақиятли якунланганлиги» билан табриклади. Гулдурос қарсаклар, яна сукунат.

Кейин у якун ясаб, Ер фарзанди бўлган Кэц Юлдузи ўз «онасига қарзини қайтара бошлагани» ҳақида гапирди. Кэцликлар улкан ютуқларни қўлга киритдилар, улар астрономия, аэрология, геология, физика, биология соҳасидаги ўз ишлари билан бутун инсоният хазинасини бойитдилар. Қанчалаб йирик илмий кашфиётлар қилинди, Ерда ҳал қилиб бўлмайдиган не-не муаммолар ҳал этилди! Чунончи, Тюрин фавқулодда қимматли кашфиётлар очди. Унинг «Фазо тузилиши» китоби фан тарихига бутун бир давр яратувчи классик асар бўлиб киради. Унинг номи Ньютон ва Галилей каби фан сиймоларининг номи билан ёнма-ён туради, деди.

Аэролог Кистенко, геолог Соколовский, «машҳур ихтирочи ва экспериментатор ўртоқ Герасимова»нинг ишлари ҳам юксак баҳоланди, менинг арзимас ишларим ҳақида ҳам, назаримда, сал ошириброқ тўхталиб ўтилди.

— Ўртоқ Евгеньев ўзини осмон бўшлиқларини забт этувчи

чинакам қаҳрамон сифатида намоён қилди,— деди Пархоменко ва орқадагилардан бирига қараб чапак чала бошлади.

Евгеньев! Қорасоқол! Мен бўйнимни чўзиб, уни кўришга уринаман, лекин қаҳрамон ўзини панага олади. У қарсакларга ҳам чиқмади.

— Камтарлик қиляпти, ўртоқлар,— деди Пархоменко.— Лекин уни астероидлар минтақасида кечирган ажойиб саргузаштлари ҳақида гапиришга мажбур қиламиз. Экспедиция бошлиғи бизнинг олдимизда ҳисоб бериши керак.

Ниҳоят, ҳалқада Евгеньев пайдо бўлди. Мен уни дарров танидим.

— Хўш, бир кўришда танирмидинг уни? — деб сўрадим Тонядан. Тоня жилмайди.

— Соқолсизлар орасида — таниردим, лекин ўзига ўхшаган соқол қўйганлар орасида бўлса, таниш қийин. Аэродромга кетаётган пайтида бир кўзим тушганди, холос.

Евгеньев гап бошлади. Биринчи сўзларини эшитибоқ Тоня-нинг ранги оқариб кетди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўрадим ўтакам ёрилиб.

— Ахир бу Палей-ку! Овози ўшаники... Қандай ўзгариб кетибди-я! Палей-Евгеньев... тушунолмай қолдим!

Менинг рангим Тоняникидан ҳам оқариб кетган бўлса керак: бу янгилик мени қаттиқ ҳаяжонга солди.

— Гапириб бўлганидан кейин олдига борамиз! — деди Тоня қатъий оҳангда.

— Балки, бир ўзинг борганинг маъқулдир? Гапларинг йиғилиб қолган ҳарҳолда.

— Бизнинг орамизда сир йўқ,— жавоб берди Тоня.— Шунақа бўлгани яхши. Юр!

Қарсаклар тиниб, қорасоқол «стол»дан нари кетиши билан Тоня икковимиз унинг олдига қараб юрдик.

Мажлиснинг тантанали қисми тугаёзган эди. «Пашша галаси» ҳаракатга келди. Оркестр куй бошлади. Ҳаммамиз жўр бўлиб «Юлдуз гимни»ни ижро этдик. Гуллар карнавали бошланди.

Оломон орасидан базўр ўтиб, ниҳоят Палейга яқинлашдик. У Тоняни кўриб кулди, ва:

— Нина! Ўртоқ Артемьев! Салом! — деб қичқирди.

— Тинчроқ жойга ўтайлик. Сен билан гаплашишим керак,— деди Тоня Палейга ва ҳавода учиб юрган бир тутам хушбўй бинафшани илиб олди.

— Менинг ҳам гапларим бор,— жавоб берди Палей.

Биз залнинг нариги бурчига қараб жўнадик, лекин у ер ҳам шовқин эди. Тоня кутубхонага ўтишни таклиф қилди.

Палей-Евгеньевнинг кайфияти яхши эди. У бизни, гарчи зарурати бўлмаса ҳам, стулга ўтиришга таклиф қилди. Ўзи ниҳоятда чаққонлик билан ҳавода сузиб юрган стулни илиб олиб, остига қўйди. Биз ҳам шундай қилдик, лекин унга етишишимизга анча бор эди. Тоня ёнбошлаб қолди — Палей унинг стулини

ўзиники билан ёнма-ён қўйди. Мен оёғим осмонда бўлиб, уларнинг олдида бошим билан туриб қолдим, лекин ўзимнинг қўпол ҳаракатларим билан Палейга кулги бўлмаслик учун ҳолатимни ўзгартирмадим.

— Шундай турсам қизиқроқ бўлади,— дедим мен.

Талай вақтгача ҳеч биримиздан садо чиқмади. Палейнинг кўриниши қувноқ бўлишига қарамай, ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Тоня ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Менинг аҳволим эса уларникидан баттар эди. Рост гап, уларнинг гапини эшитмаслик учун жон деб нари учиб кетган бўлардим. Палей мен томонга бош ирғаб, Тонядан:

— Ўртоқ Артемьев қаллиғингми? — деб сўраганида яна ҳам ноқулай аҳволга тушдим.

Назаримда қулаб кетаётгандай бўлдим. Лекин, яхшиямки, одам ҳушдан кетганда ҳам бу ерда қуламайди. Тоня нима деркин? Мен унга қаттиқ тикилиб қолган эдим.

— Ҳа,— деб жавоб берди у иккиланмай.

Мен енгил тортиб, ҳаво стулида ўзимни тетикроқ ҳис қилдим.

— Мен адашмабман,— деди секин Палей, унинг овозида маъюслик бор эди чамамда.

Демак уларнинг ўртасида илмий манфаатдан бўлак нарса ҳам бор, деб ўйлаб адашмаган эканман.

— Сенинг олдингда гуноҳкорман, Нина...— деди Палей бир оз жимликдан сўнг.

Тоня маъқуллаб бош силкиди.

Палей менга қаради.

— Биз — ўртоқлармиз,— деди у,— ўртоқлар билан эса очиқчасига гаплашавериш мумкин. Мен сени яхши кўрардим, Нина... Сен шуни биласанми?

Тоня бошини қуйи эгди.

— Йўқ.

— Ишонаман. Ўз ҳисларимни яширишни билардим. Сен-чи? Сен менга қандай қарардинг?

— Мен учун сен дўст ва ҳамкасб ўртоқ эдинг.

Палей бош силкиди.

— Бу масалада ҳам хато қилмабман. Сен ишга берилиб кетдинг. Мен бўлсам ўз ўтимда ўзим қоврилдим! Узоқ Шарққа жўнаш ҳақидаги таклифни қандай қувонч билан қабул қилганим ёдингдами? Мен ўйловдимки, агар сен ёнимда бўлмасанг...

— Ишимиз энг қизиқ жойида тўхтаб қолганидан қаттиқ ранжидим. Ҳамма ёзувларни сен қилаётган эдинг. Формулалар ҳам сенда эди. Уларсиз мен ҳеч нарса қилолмасдим.

— Фақат ана шу формулаларни деб мени еру кўкдан излаб юрибсанми?

— Ҳа,— жавоб берди Тоня.

Бу гал Палей юрак-юрагидан кулди.

— Майли, ҳаммаси яхшиликка бўлсин. Сиз ҳамма нарсага

тез бериладиган одамсиз, деб менга кўп таъна қилгансан, Нина. Ҳайҳот! Бу менинг камчилигим, лекин айни вақтда фазилатим ҳам... Ана шу ишқивозлигим бўлмаса, бугун Пархоменко айтган ишларни қилолмаган бўлардим. Дарвоқе, ҳаммамизни мукофотга тақдим қилишмоқчи. Бу мукофот ҳам ишқивозлигим эвазига... Шундай қилиб,— давом этди у,— Узоқ Шарққа жўнаб кетдим ва у ерда... Соняни севиб қолдим, унга уйландим, ҳозир ажойиб қизчам бор. Хотиним билан қизим Ерда, яқинда бу ёққа келишади.

Мен яна ҳам енгил тортдим.

— Нега сен Евгеньев бўлиб қолдинг? Евгений Евгеньев? — сўради Тоня.

— Евгений Евгеньев — бу тасодиф. Сонянинг фамилияси — Евгеньева. У жуда ғалати-да. «Нега сен менинг фамилияга ўтмайсан?» деб қолди ЗАГСга боришдан олдин. «Ўтсам ўтавераман-да», дея рози бўлдим мен ҳам. Палейга ачинмайман: у ҳамма нарсага ишқивоз одам. Ишни энг қизиқ жойида ташлаб кетаверади... Балки, Евгеньев дурустроқ ходим бўлар?

— Нега ёзувларни менга жўнатиб юбормадинг?

— Биринчидан, шу қадар бахтиёр эдимки, ҳамма нарсани унутиб юбордим. Иккинчидан, ўзимни сенинг олдинда гуноҳкор ҳис қилардим. Тўсатдан жўнаб кетганимдан кейин Ленинградда икки марта бўлдим. Бир гал сени ўртоқ Артемьев билан кўрдим. Унинг фамилиясини айтиб чақирганингни эшитганман. Дарров ўрталарингиздаги муносабатни тушундим. У пайтда Кэц системасида ишлай бошлаган эдим, янги иш мени бутунлай ўзига ром қилиб қўйган эди. Мен фақат осмон ташвиши билан яшардим. Сен билан бошлаган ишимизга, рост гап, тамоман қизиқмай қўйдим. Ёзувларни сенга қайтаришим кераклигини билардим... Шу орада ўртоқ Артемьевни кўриб қолдим. Лекин жуда тиғиз пайт эди. Ленинграддан учиб кетишимиздан бир соатгина олдин тўсатдан телеграмма келиб қолди. Унда Ленинград заводлари чиқарган баъзи бир янги физик ускуналарни харид қилиш топширилган эди. Шеригим билан олинадиган нарсаларни тақсимлаб, Учинчи Июль кўчаси билан Йигирма Бешинчи Октябрь кўчаси муюлишида учрашишга келишдик. Шунинг учун ҳам адресимни айтишга улгурмай, шошилинч жўнаб кетдим. Фақат: «Помир, Кэц!» — деб қичқиришгагина улгурдим. Помирга келгандан кейин эса иш билан ўралашиб қолдим. Кейин Кэц Юлдузига учиб кетдим, бу ердан эса — сайёралараро саёҳатга... Бор гап шу. Айбдорман, ғоятда айбдорман!

— Қани ўша ёзувлар! — деб хитоб қилди Тоня.

— Фақат стулдан улоқтириб юборма, чилпарчин бўлиб кетаман,— деди кулиб Палей.— Ҳайҳот! Ҳайҳот! Бунинг учун осмонга учиб чиқишинг шарт эмас эди. Ёзувлар Ленинградда, сенга деярли қўшни турадиган синглимникида қолган.

— Икки энлик хат ёзиб юборсанг бўлмасмиди! — деди Тоня таъна билан.

— Эгилган бошни қилич кесмас,— деди Палей-Евгеньев, қопқора сочли бошини Тоня олдида хам қилиб.

Тоня жилмайганича бармоқларини унинг қуюқ сочлари орасига суқиб юлқилади. Бу ҳаракатдан икковлари ҳам чархпалак бўлиб кетишди.

— Сенга мукофот бериш керак эмас, аксинча, жазолаш керак!

— Нимага жазо беришса, шунга мокофот ҳам беришади,— деб эътироз билдирди Палей кулиб.

Тоня бирдан менга ўгирилиб, деди:

— Энди Ерга учамиз, Леня!

«Ерга учамиз! Леня!» Бу сўзлар бир неча ой илгарироқ айтилганда мени қанчалар бахтиёр қилган бўларди! Энди эса фақат «Леня» сўзи энтиктириб юборди. Ерга учиш масаласига келсак...

— Бу ҳақда яна гаплашамиз. Дарров жўнаворсак бўлмас. Икковимизнинг ҳам чала ишларимиз бор,— жавоб бердим мен.

— Нималар деяпсан! — таажжубланди у.— Энди мен билан Ерга қайтишни истамайсанми?

— Истайман, Тоня. Лекин мен биологияда буюк кашфиёт очиш арафасида турибман. Бу ишни фақат шу ерда тугатиш мумкин. Энг муҳими — иш.

Тоня гўё мени биринчи марта кўраётгандай тикилиб қолди.

— Кэцда яхши пишганга ўхшайсан,— деди у. Масхара қилаётганини ҳам, маъқуллаётганини ҳам пайқаш қийин эди.— Сенинг табиатингдаги бунақа қатъийликни сезмаган эдим. Майли, шунда менга кўпроқ ёқасан. Билганингни қил. Лекин мен бу ерда ортиқ туролмайман. Ўз ишимни ортиғи билан бажардим, янгисини бошлаш ниятим йўқ. Қачонлардир Палей билан бошлаган ишимизни охирига етказишим керак.

— Ҳа, Нина,— деб маъқуллади Палей.— Дарвоқе, мен Евгеньев бўлиб қолганимдек, сен Тоняга айланибсан. Ҳамма нарса ўзгараркан! Сен ўша ишни тугатишинг керак. Ўзи оз қолган. Шундай проблемани ташлаб кетиб бўлмайди...

— Ким ташлади ўзи? — сўради Тоня.— Етар энди... Юринглар, бир оз кўнгил очайлик. Менинг Юлдуздаги сўнгги туним!

XXI. НИҲОЯТ ЎЗИМНИ ТУТА БИЛДИМ

Эртаси куни зоолабораториямда Зорина билан ишлаб ўтирардим. Биз космик нурлар таъсиридан сақловчи махсус изоляцион костюмлар кийиб олган эдик. Тепамизда изоляцион тўсиқлар бор эди. Фақат тажриба қилинаётган ҳайвонлар устига космик нурлар ёмғирдек ёғилиб турарди.

Зорина менга Фалеевнинг тузала бошлаганини айтди. Унинг гавдаси ва юзи аввалги ҳолига қайта бошлабди. Руҳий ҳолати ҳам яхшиланаётган эмиш. Гарчи Меллер тузалишига умид боғласа ҳам, Крамернинг аҳволи ҳануз оғир эмиш.

Лаборатория эшиги очилиб, кутилмаганда Тоня пайдо бўлди.

— Мен учиб кетяпман, Леня! — деди у.— Хайрлашиш учун кирдим.

Зорина бизга халақит бермаслик учун лабораториянинг нариги бурчига учиб кетди. Тоня унинг орқасидан қараб қоларкан:

— Сенинг қолаётганинг чакки бўляпти-да,— деди астагина.

— Ҳечқиси йўқ, айрилиқ кўпга чўзилмайди,— дедим мен.

Шу пайт ёнимизга Жипси учиб келди.

— Эсингдами, Тоня, космик нурлар таъсири ҳақида гапириб берган эдим? Қара, Жипси не аҳволга тушган.

— Қандай даҳшат! — деб хитоб қилди Тоня.

Жипси жилмайиб, думини ликиллатди.

— Сенга энди бу ерда қолиш хавфли,— деди Тоня.— Олдимга мана бу махлуққа ўхшаб кириб борсанг-а.

— Хавотирланма. Манови костюм ва «зонтик»лар танамни, бошимни ва... сенга бўлган муҳаббатимни авайлаб, асрайди!

Тоня менга ишонқирамай қаради.

— Ўзинг биласан! — деди у ва мен билан самимий хайрлашиб, чиқиб кетди.

— Эҳ, Жипси, икковимиз сўққабош бўлиб қолдик! — дедим мен.

Жипси қўлимни ялади.

XXII. ЕР ВА ЮЛДУЗЛАР

Баҳор. Деразалар ланг очиқ. Кечки шабада хонага ёш қайинлар ҳидини олиб кирябти. Сўнгги саҳифани тугатиб ташқарига қарадим. Кўкдаги тўлин ой худди Адмиралтейство қуббасига илиниб қолгандай. Репродуктордан скрипка садоси қуйиляпти. Ҳамма нарса бундан бир неча йил илгаригидай... Лекин энди Ойга бошқа кўз билан қарайман. У энди Ернинг олис, қадам етмас йўлдоши эмас. Ой сиртида менинг изларим қолган. Бу излар, гўё кул ва космик чанг қўнган тупроққа эндигина босилгандай, ҳануз янги.

Баъзан ҳаммаси тушга ўхшаб туюлади...

Кабинетим ёнида Тонянинг ишхонаси. У ҳам менга ўхшаш профессор.

Ошхонадан ўғлимнинг қўшиқ айтгани эшитилиб турибди. У мактабда ўқийди.

Креслом ёнидаги гиламча устида севимли итим — юнги жингалак қора Жипси ётибди. Мен уни Юлдузда қолган Жипси хотираси учун шундай деб атаганман. Ажралиш қандай оғир бўлган эди!

Кэцда ортирган дўстларим билан алоқани узганим йўқ. Ҳаммаси соғ-саломат. Зорина директор Пархоменкога турмушга чиқди. Соғайиб кетган Крамер буни соғлом одамдай қабул қилди: ҳарҳолда қувонмаса ҳам, тўполон қилмади. Палей-Евгеньев бош инженер-конструктор ва ракета учувчиси бўлиб ишлаяпти. Тюрин қуёш системасидан нарига саёҳат қилиш учун тайёрланяпти. Унинг қаригиси йўқ.

Бир ой муқаддам «Кэц Юлдузидаги биологик тажрибалар» номли катта китобимни ёзиб тугатдим. Шликов, Крамер ва ўз ишларим материал бўлиб хизмат қилди. Жуда қизиқ китоб чиқди. Ҳозир у босмада. Уни тугатгач, одатдан ташқарироқ уйланишим билан боғлиқ саргузаштларни яна бир эслагим келди. Мана, бу китобни ҳам тугатяпман.

...Ўғлим «Кэц Юлдузи марши»ни куйлаяпти. Унга ўз саёҳатим ҳақида неча марталаб ҳикоя қилиб берганман! Энди у фақат тезроқ улғайишни ва Юлдузга учишни орзу қилади. Назаримда, у юлдузлар орасига ошён қуради.

МУНДАРИЖА

Бадиий фантастика сеҳргари. *М. Маҳмудов* 3

Амфибия одам 9
Жаҳонгир 147
КЭЦ юлдузи 307

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й.

Литературно-художественное издание

АЛЕКСАНДР БЕЛЯЕВ

ЧЕЛОВЕК-АМФИБИЯ. ВЛАСТЕЛИН МИРА. ЗВЕЗДА КЭЦ.

Научно-фантастические романы

Переиздание

Перевод с издания издательства «Молодая гвардия», 1963.

Художники Л. Даватц, А. Шаталов

Ташкент, издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

АЛЕКСАНДР БЕЛЯЕВ

АМФИБИЯ ОДАМ. ЖАҲОНГИР. КЭЦ ЮЛДУЗИ

Илмий-фантастик романлар

Қайта нашр

Редактор *М. Жураева*
Расмлар редактори *А. Кива*
Техн. редактор *В. Барсукова*
Корректорлар *Ш. Собирова, Ш. Назарова*

ИБ № 4040

Босмахонага берилди 19.04.89. Босишга рухсат этилди 24.10.89. Формати 60×90 1/16. Босмахона қоғози № 2. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 27,0+0,37 (вкл.) Шартли кр.-оттиск 28,25. Нашр л. 30,45+0,5 (вкл). Тиражи 30000. Заказ 1231. Баҳоси 1 с. 40 т. Шартнома 44—89. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон [redacted] Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент —700129. Навоий кўчаси, 30.

Б 51

Беляев, Александр.

Амфибия одам. Жаҳонгир. КЭЦ юлдузи: Илмий-фантастик романлар/[Сўзбоши М. Маҳмудовники; Русчадан Н. Комилов тарж.].— Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1989.—432 б.

Таниқли ёзувчи Александр Беляевнинг мазкур китобга кирган романлари инсон тафаккурининг мисолсиз қудратига бағишланган ажойиб қасидалардир. Ёзувчи китобхонларни сир-асрорга тўла сув ости салтанати, чексиз коинот мўъжизалари билан таништираркан, ҳамиша инсон заковати, унинг куч-қудратини улуғлаб, қабиҳлик ва ёвузликни лаънатлайди.

Беляев, Александр. Человек-амфибия. Властелин мира. Звезда КЭЦ: Научно-фантастические романы.

Р2

1c 40 т